

Шарк юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар
союзининг органи

ОЯЛИК, АДАБИЙ-БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ-СИЕСИЙ ЖУРНАЛ

■
48-йил чиқиши



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
НАШРИЁТИ

1980 2

Мундарижа

К. Яшин. Ҳамза. Роман. Давоми	3
Э. Воҳидов. Рухлар исёни. Достон. Давоми	53
З. Фатхуллин. Бахтнинг ҳам қаноти бор. Драма	71

ШЕЪРЛАР

С. Мавленов. Куним менинг, гулим менинг..	100
Ҳ. Қорабоева. Қайда у яшил майса?	103
Т. Муҳаммад. Таъзим.	104
И. Санаев. Тол, Бўлмаса.	105
А. Дилмуродов. Сирли зина. Қисса	106
Ҳ. Назир. Ота. Ҳикоя	132
Ч. Айтматов. Эрта келган турналар. Қисса	136

ОЧЕРКЛАР

С. Маҳкамов. Бахмаллик чўлқувар	200
---	-----

ПУБЛИЦИСТИКА

О. Собиров. Дийдор	205
------------------------------	-----

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

Г. Владимиров. Халқ типларининг ранг-баранглиги	208
П. Қодиров, У. Норматов. Изланиш қувончи ва таш- вишлари	215


АЛИШЕР НАВОИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 540 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Б. Бафоев. Сўз сеҳргари	224
-----------------------------------	-----

ТАҚРИЗЛАР

М. Қўшчинов. Ҳаёт гирдобиди инсон қисмати	230
А. Ҳайитметов. Маҳорат сабоқлари	236

Комил Яшин



РОМАН

— Кандай сир?— деди Санобар қизиқиб.
— Кейин ҳаммасини гапириб бераман. Шодмон ака келиб қолмасинлар тагин. Сиз боринг энди.

Алижоннинг кўнгли сезган эканми, дарвоқе, узоқдан Шодмон аканинг овози эшитилди.

— Санобар, ҳой Санобар!.. Қаерда қолиб кетдинг, қизим!— деди у. Овоз яқинроқдан чиқди энди.

— Дадам келяптилар!— деди Санобар саросималаниб. Унинг ранги оқариб кетди. Қалтираган овоз билан товуш чиқарди. «Дада, мен бу ердаман. Ҳозир, мана кетяпман».— У тугунчани ердан олиб, энди йўлга тушаётган эди, уларнинг устига Шодмон аканинг ўзи келиб қолди.

— Бу нима деган гап, қизим?— ўшқирди юзлари буришиб, чаккалари ичига кириб кетган чол, ғазабидан қалтираб. У қизига қараб бақрайганча бир лаҳза қотиб қолди. Шу тобда у не ўй-хаёлларга бормади. Кейин ўзини-ўзи зўр-базўр қўлга олиб, босиқлиқ билан сўради:

— Уят деган нарсадан борми ўзи сенларда?! Бу қанақаси, қизим... Юзинг очиқ... номаҳрам эркак ёнида..

— Санобарни койиманг, ота!— Алижон ўртага тушди.— Бунга мен айбдорман. Биз ҳалигидай... бирпас гаплашиб қолибмиз. Агар розилик берсангиз мен сизга...— Шодмонхўжа сесканиб кетди, ғазаби қайнаб, худди Алижонни еб қўйгудек унга ўкрайди. Алижон унинг важоҳатини кўриб, чайналиб қолди. Қаттиқ изза бўлиб, бўйинини ҳам қилганича оёғининг учи билан ер чизиб тураверди. Шодмон ака жаҳлдан тамомила тушмаган эди, Алижонни масҳара қилгандай тўнғиллади:

¹ Давоми. Боши журналнинг 1-сониди.

— Бу ерда, ҳазрат Али Шоҳимардон пиримнинг муборак мақбаралари остида, у зоти муборакнинг руҳи покларидан ҳайиқмай, аллақандай гуноҳ гапларни гапиргандан кўра, охиратингни ўйласанг бўларди, осий банда!— Шодмонхўжа дағаллик билан қизининг қўлидан ушлаб уйи томон етаклади.— Юр, олдимга туш, тирмизак!..

— Шодмон амаки? Отажон!— Алижон у томон интилди.

— Йўлимга тўғаноқ бўлма, бола! Нақ ғазабимга дучор бўласан. Чиқ четга!— Алижон уни жаҳлидан туширмоқчи бўлиб, кўп ялинди. Лекин Шодмонхўжа унинг гапини эшитгиси ҳам келмади. Қизини худди судрагандек силтаб-силтаб уйи томон олиб кетди. У азбаройи ғазаби қайнаб кетганидан кўзига ҳеч нарса кўринмас, йўлида учраган одамларнинг саломига ҳам алик олмас эди. Шодмонхўжа Санобарни қоронғи кулбасига олиб кирди-да, юракдан қалтираб чиққан ваҳимали товуш билан унга дашном бера бошлади.

— Уятингни йўқотдингми? Номаҳрам эркак билан бетма-бет гаплашишга қандай қилиб юзинг чидади? Қариган чоғимда ё юзимни шамгин қилмоқчимисан, тентак қиз?!

Санобар отасининг бунчалик ғазабга олишига тушунолмамай тааж-жубланар эди. Ахир кечагина эмасмиди, ўғлимсан, қариган чоғимда менга тиргак бўласан, мени ёлғиз қўймайсанми, деб Алижонни чин юрагидан эркалаб юрганлари.

Ҳақиқатан ҳам Алижонни Шодмонхўжа ўз фарзандидай яхши кўрар, ҳурматлар, у ногоҳ уйларига кириб келган пайтларида ўтқазгани жой топмай, болам-бўтам қиларди. Бугунги муносабати олдинги муомалаларининг мутлақо тескарисиси бўлди. Тўсатдан юз берган бу ўзгаришга Алижон ҳам, Санобар ҳам тушунолмасди. Хусусан, Санобарга «номаҳрам эркак» ибораси қаттиқ ботиб кетди. Дунёда энг яқин, энг меҳрибон, ғамхўр, энг ишонган кишиси бугун унга «бегона», «номаҳрам» бўлса? Йўқ, ахир у ўз тақдирини у билан умрбод боғламоқчи-ку! Отаси улар ўртасидаги муносабатни билмасмиди? Биларди, сезиб, кўриб юрарди. Улар гаплашиб, кулишиб турганлари устидан ногоҳ чиқиб қолган пайтларида шунчаки хўмрайган бўларди-ю, ўзини кўрмаганликка солиб, ўз ишига кетаверарди. Қолаверса, улар ўртасида бунчалик хавотирланадиган ҳеч қанақа ножўя иш ҳам бўлган эмас.

Санобарнинг хаёлидан бир лаҳзада шу эътирозлар ўтди-да, қалбида бу ноҳақликка қарши бир тугён бош кўтарди. У ўпкаси тўлиб, ҳўнграб йиғлаб юборди. Отасининг кўксига бошини қўйди, ёш тўла кўзларини унинг кўзига тикиб деди:

— Отажон, мендан кўнглингиз тўқ бўлсин. Ҳеч қачон юзингизга оёқ қўймайман. Ахир у — Алижон акам-ку. Агар бегона одам бўлганида қанча койисангиз, заррача хафа бўлмас эдим. Нега у сиз билан менга бегона бўлар экан?! У билан мен ўз кўз олдингизда болаликдан бирга катта бўлганмиз. Қани, айтинг-чи, бу дунёда менинг сиз билан ундан бўлак қандай меҳрибоним бор?— деди Санобар йиғлаб-йиғлаб.

Унинг бу гаплари отасининг кўнглини вайрон қилиб юборди. Шаштидан тушиб, қақиртиканакка ўшшаган соқолларини тутамлаганча миқ этмай ўй суриб қолди. Нима ҳам десин? Қизи ҳақ гапни айтди. Алижон софдил, меҳнаткаш, ғаламисликни билмайдиган ҳалол йигит. У буни тан олмасликка иложи йўқлигини сизди-да, қизининг сочларини силаркан, мулойимлик билан деди:

— Алижон яхши йигит. У менинг қадрдон ўртоғимнинг фарзанди. Лекин у етимча. Туриш-турмушидан бўлак ҳеч вақоси йўқ, тиргак бўладиган ака-укаси ҳам йўқ, қўли калта,— деди Шодмонхўжа аллақандай кибрланиб. Лекин ўзи ҳам бадавлат эмасди. Уларнинг орзу ҳавасларини қондириш учун ҳамёнида тугиб юрган ортиқча ақчаси ҳам йўқ эди. У агар қизни унга берсам, умри во ҳасрато, во надомато билан

ўтишидан қўрқарди. Мана, уни ана шу андишалар гаранг қилиб юрарди. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмасди. Ўртада шайтон борлигини ўйлар, ўша кундан қўрқарди. «Қанча тежаб-тергасам, унинг фойдаси» деб ўйларди. У анча юмшаб давом этди:— Ешлик — бебошлик, чирогим. Ҳали кўп нарсага ақлинг етмайди... Бу ёғини сўрасанг, ҳозир тўй-томоша тўғрисида ўйлайдиган вақт эмас. Замон қалқиб турибди. Емонлар кўп.— У яна бир фурсат жимиб қолди. «Артель», «Қўшчи союзи» деган янги гапларга қарши шайхлар тарқатаётган гаплар эсига тушиб, бундан Санобарни огоҳ қилиб қўйгиси келди-да,— ўзинг ҳам эшитган бўлсанг керак, юртда ҳар хил миш-мишлар юрибди,— дея давом этди.— Қолхозми, кал қўзим тузилармиш, қозон-товоқ, ер-сув, мол-жон ўртада бўлармиш, шариат никоҳи бекор қилиниб, эр-хотин ҳам... ке қўй... бу ёғини эшитмай қўя қол. Ўша сенинг Алижоннинг мана шу ишнинг бошида турганларга югурдаклик қилиб юрганлардан, агар билмоқчи бўлсанг. Унинг пахтавон ваъдаларига учма, ишонма, рўзи маҳшарда юзимиз ерга қараб қоладиган бўлмасин, яратганнинг олдига очиқ юз билан борайлик, болам...

Қолхоз тузилиши ҳақидаги гапни Санобар Алижондан эшитган эди, унда бойлардан ер-сув тортиб олиниб, деҳқонлар биргаликда ишлашади, ҳамма тенг бўлади, бой, камбағал бўлмайди, камбағал деҳқоннинг орқасига офтоб тегади, бировнинг кучидан фойдаланиш йўқолади, деган эди Алижон ўшанда. Санобар стасининг гапини қайтаргиси келмаса ҳам, ҳалиги миш-мишларга чидаб туролмай эътироз қилди.

— Қолхоз дегани унақа эмас, отажон. Бу гапни шайхларингиз тарқатишган.

— Шайхларга тил теккизма, қоқвош! Ҳақ таолога минг чандон шукурки, забардаст пиримиз шайх Исмоил бор... У кишининг дуоларини олмай туриб ниятингга етишинг мушкул. У зотга Ҳизир алайҳиссалом назар қилганлар.

— Бизни у киши дуо қилмасалар ҳам кўнглимиз қолмайди. Бу ерда турмоқчи ҳам эмасмиз,— деди Санобар отасининг юмшаганидан даядилланиб кетиб.— Биз Алижон акам билан шаҳарга ўқигани кетамиз...

— Қаёққа?— Шодмон ака ҳайратланиб сўради.

— Уқишга. Ҳам ишлаймиз, ҳам ўқиб, хат-саводимизни чиқарамиз. Мен ашулачи бўламан...

— Ишлаб... ўқиймиз... Ашулачи бўламан... Ё тавба,— Шодмон гўё тоғ босиб қолгандек эзилиб кетди, кўзлари қисилиб, ранги қув ўчди, ғазабини зўрға босиб, «Ё шер даргоҳ, ўзинг паноҳ бер!» деди ичида. Аччиқ, заҳарли бир ҳис билан қизига қараб муштини тугиб, ҳавола қилди-да, уришга қўли бормай, аста тортиб олди. Ешлиги кўз олдида гавдаланди.

Шодмон хўжанинг умри қайғу-ҳасрат ичида рўшнолик кўрмай ўтган. Тўпори, тайлоқ, қашшоқ отасининг ёнига кириб ўзини ҳар эшикка урди, эски чопон, чурук-чорик, бир коса арпа умочи, оқшоқ бўламиққа сабр қилди. Хотини Ҳожар биби бировларнинг юмушини қилди, ҳовлисини супурди, кирини ювди. Лекин бу билан ҳам мурод ҳосил бўлмади. Осмон узоқ, ер қаттиқ эди! Шундан кейин у анчадан бери қочиб юргани «оқ вексел»га бармоқ босиб, қарз-ҳавола кўтаришга мажбур бўлди-ю қайта узиб чиқолмас тузоққа илинди-қолди. Бу ҳам майли эди-я, лекин Ҳожарбибини аллақандай дард оёғидан олиб йиқитди, у яна қайтиб ўрнидан турмади. Ундан кейин навбат болаларга келди. Сал кунда беш боладан мана шу қиз — Санобаргина омон қолди. Қолганлари ҳар хил дардга чалиниб, оламдан ўтиб кетишди. Шодмон ака биргина шу қизи ва тўрт юз сўм қарз билан тилини тишлаб қолаверди. Лекин яшаш керак эди!

Иброҳим бой қурган тузоқ ана шу дамдан ўзининг машъум иш-

ни бошлади. Яъни, бой шайх Исмоилга «илтимос қилиб», Шодмон «отасини» унга қул — қарол қилиб топширди. Мана, ўн беш йилдирки, Шодмонхўжа мазорнинг вақф ерларида ишлайди. Лекин бу ўн беш йил мобайнида ўн беш чақа ҳам орттиролмайд инқилоб кунларига етиб келди. У инқилобни ҳам билгани йўқ, бироқ «Мекалай пошшонинг тахт-тождидан айрилганидан» хабардор, холос.

Ҳожар биби қирққа ҳам бормай бу дунёдан кўз юмганида Санобар энди олти ёшга кирган эди. Бешта фарзандидан биттасигагина эга бўлиб қолган Шодмонхўжа бу қизини ўғай она қўлига топширгиси келмади. Унга ҳам ота, ҳам она бўлиб, катта қилди. Санобар ҳам шу кунга қадар дунёнинг азобу заҳматини отаси билан баб-баравар тортди. Лекин ота қизини ҳаёт ҳақидаги ўз ақидалари доирасида ушлаб қололмади: у ўзининг бутун орзулари охиратда рўёбга чиқиши илинжи билан яшади. Еруғ дунёда кўрган азоб-уқубатлари, қора кунлари, чеккан азиятлари эвазига жаннатнинг роҳат-фароғат, ҳузур-ҳаловатидан умид қилди. Бунга ишонди. Чунки умрининг салкам ўн беш йилини мазорга хизмат қилишга бағишлади, шайх Исмoил қаердаги воқф ерларига, Водилгами, Чимён ёки Миндонгами буюрса, ҳеч бўйин бурмай, бориб ишлади. Лекин бунинг учун оладиган меҳнат ҳақи кундалик қотган нону ёғли-ёвғон бир қошиқ иссиқ-совуғидан ортмади. Унинг бирдан-бир орттирган бойлиги — охиратининг обод бўлишига қатъий ишончию мана шу ёлғизгина қизи эди. Худодан қариган чоғида қизининг бахтини беришини, доғини кўрсатмаслигини тилаб, илтижо қилиб, кун кечирарди.

Шайх Исмоилнинг тасарруфидаги мўл-кўл ер-сув, от-улов, мол-ҳолнинг қарови ҳам вақфнинг беш юз таноблик ери билан бирга Шодмонхўжа сирасидаги ўн икки қаролнинг гарданида эди. Қароллар ичида энг соддадил, энг ювош, энг фармонбардори бўлган Шодмонхўжа «савоб», «охират» учун белини букиб ишлаб-ишлаб, мана, қариган чоғида пешонасидаги биттаю-битта қизи унинг охиратини куйдирмоқчи, шариатга номувофиқ хатти-ҳаракати билан ота юзига оёқ қўймоқчи-я?

Шодмон ака шуларни ўйлаб, вужуди ларзага келди, кўз олди қоронғилашиб эс-ҳушини йўқотаёзди. У бир умр қилиб келган тоат-ибодати «сுவга оқиб кетиши»дан қўрқиб кетди. Санобарнинг Алижон билан «очиқдан-очиқ бир-бирига тишининг оқини кўрсатиб, ҳиринглашиб, гаплашиб туриши» ақли доирасига сиймай, қизини «вас-вас» бўлганга чиқарди. Уни «шайтоннинг васвасаси»дан қутқариб қолиш йўлини ўйлади. Шу пайт кўз олдида «мададкор» сифатида шайх Исмоилу Алининг мазори гавдаланди. У нажот йўлини топгандек бўлиб, кескин бир қарорга келди:

— Йўқ, дарҳол бунинг олдини олиш керак! — деди у овозини чиқариб. — Гап шу, уни мазорга назр қилишдан бўлак йўл йўқ!

Қулоғига Санобарнинг илтижолари ҳам эшитилмади. У шу аҳволда ўз ёғига ўзи қоврилиб ўтирар экан, ҳужра олдида бир паранжили қиз келиб, Санобарнинг олдида дарчадан ошиб кирди. У паранжисини бир чеккага улоқтирди. У — Санобарнинг дугонаси Меҳри эди.

— Нима гап, Санобар, тинчликми? — деб сўради Меҳри, йиғидан кўзлари қизариб кетган дугонасидан.

Меҳри нима қилиб бўлса ҳам Санобарни овутиш, унинг кўнглига чўкиб ётган оғир ғам юкини кўтариб ташлашга интиларди. Унинг кўзи бирдан тахмондаги чойшабга тушди, югуриб бориб олди-да, бурчакма-бурчак ҳолга келтирди, Санобар унинг ҳаракатини ҳайрон бўлиб кузатиб турар эди. Меҳри чойшабни узунасига юмалоқлади-да, пешонабоғини ечиб ташлаб, уни бошига салла қилиб ўради. Кавшандоз олдида тўшаб қўйилган эчки терисидан қайчи билан қирқиб, бурни тагига

қистирди. Кейин паранжисини кифтига ташлаб, кафтлари билан даҳанини беркитди-да, ўша ҳолатда Санобарга рўпара бўлиб, кўзларини чақчайтирди. Меҳрининг ҳозиргина кулиб турган юзлари бирдан тундлашиб, бадбашара босмачининг юзига ўхшади-қолди.

Санобар кўз олдида бир лаҳзада бўлиб ўтган ҳолатни кўриб, беихтиёр жилмайди. Меҳрининг кимга тақлид қилаётганлигига қизиқиб сўради:

— Ким бу?

— Қоплонбек, — деб жавоб берди Меҳри.

— Қоплонбек? Ҳалиги қўрбошими? — Санобар қўрққанидан товуши қалтираб сўради. — Уни сен қаерда кўра қолган эдинг? Ҳали қўлга тушмаганми у?..

— Қўлга тушади, шундай тутиб олишсинки, ҳали қараб тур, — деди Меҳри ниқобини сидириб ташлаб. — У тоғ-тошларда яшириниб юрган эмиш. У ўтган жумада дарвиш суратига кириб мақбарани зиёрат қилгани келганмиш.

«Мақбара» сўзини эшитиши билан Санобарнинг юзига ғам яна ўзининг қора кўланкасини ташлади, кўзларида қайноқ ёш томчилари ҳалқаланди.

— Сенга нима қилди, ўртоқжон? Сенга ачинавериб кўнглимда кўнгил қолмади-ку, — деб уни юпатишга тушди Меҳри, дугонасининг бирдан маъюс бўлиб қолганини сезиб қолиб.

— Отам мени шайхларга олиб бориб топшираман, дедилар. Шайх менинг гуноҳимни худодан тилаб берар эмиш. — Унинг юзи жиддийлашди, кўзларидан ўт чақнаб, тиззасига шапатилаб, Меҳрига қараб қатъий деди:

— Йўлимдан қайтмайман, вассалом. Алижон акага тегаман дедимми, тегаман, кейин ашулачиликка ўқийман. Улсам ҳам шайхникига бормайман!

Меҳри бир лаҳза ўзини йўқотиб қўйди, у Санобарга қараб, ҳайрат билан сўради:

— Шайхникига? Мақбара мутасаддиси Исмоил мутавалли дейсанми? Нима, қариган чоғида Шодмон отам эс-ҳушини еб қўйганми ўзи?

— Кейинги пайтда шунақа бўлиб қолдилар. Оғизларидан нуқул азиз-авлиёлар тушмайди, шайх Исмоил деса жонларини ҳам беришга тайёрлар. Мақбарадан кечаси чиқадиган сирли овоздан қўрқиб қолганлар...

— Биласанми, ўртоқжон, бу овоз ҳақида менга Омонтой акам нима деди? — Меҳри худди муҳим бир сирни очаётгандай Санобарнинг қулоғига пичирлади: — Айтдики, бу овоз шайхлардан бошқа ҳеч кимсанинг иши эмас. Батрақлар кўпчилик бўлиб пойлаб қўлга туширишсада, роса адабини беришса, бошқача қилиб бўкирган бўлармиди, дедилар.

— Нима деяпсан ўзинг? Бунақа қилиб бўладими?! — деди Санобар ранги оқариб.

— Нега ҳам бўлмас экан? Омонтой акамни биласанми, у ҳеч нарсадан қўрқмайди. У киши Тошпўлат аканинг дом-дараксиз кетганидан ташвиш тортаяпти. Лекин шайхларнинг ҳам пайтавасига қурт тушиб қолди, деяпти. Шоҳимардонга аллақандай катта амалдор одам келаётган эмиш. Аттанг, ўша одамнинг исмини эсимдан чиқариб қўйдим. Шайхлар нимадандир қўрқишяпти. Агар «хўп» десанг, ўртоқжон, сенинг кулфатингни Омонтой акамга бориб айтаман. У ўртоқлари билан маслаҳатлашади. Сени хафа қилдириб қўймаймиз...

Меҳри дик ўрнидан турди-да, паранжисини ёпинди.

— Бу рўдапо паранжи ҳам жонимга тегиб кетди. Омонтой ака билан тўйимиз бўлсин, ёндириб, тафтига исинмасам, армонда қоламан.

Тўй ҳам тезроқ бўла қолмаяпти... Ҳаммасини Омонтой акам билан келишиб, гапни бир жойга қўйиб қўйганмиз.

— Қаёққа кетяпсан, бирпас гаплашиб ўтирсанг нима қипти.— Санобар дугонасининг қўлидан ушлаб тўхтатди. Ёноқлари ловуллаб, уятчанлик билан сўради.— Бундан чиқдики, Омонтой акам мен билан Алижон акамнинг аҳд-паймонимиздан беҳабар экан-да.

— Омонтой ака беҳабар?— Меҳри бир сакраб тушди.— Омонтой акам билан Алижон аканг дўстми? Дўст. Сен билан мен дугонами? Дугонамиз. Мен Омонтой ака билан... Ҳа... майли, Омонтой акам ҳаммасидан хабардор,— Меҳри гапини чала қолдириб чачвонини юзига туширди.

— Меҳри!— деди Санобар, қўрқиб, қичқириб юборди.— Нега сен унга ҳаммасини айтдинг? Ҳеч кимга айтмайман, деб ваъда берган эдинг-ку, менга.

Меҳри паранжи ичидан «жим бўл» дегандай қўлини кўтарди, кейин уни тинчлантириш учун эркалаб деди:

— Қўрқма, ўртоқжон, охири бахайр бўлади. Ота бола учун тахт ясолмайди. Ҳар киши ўз тақдирининг темирчиси. Омонтой акамга ишонавер. У ақлли йигит... Меҳри дарчадан ошиб, ҳовлига тушди-да, бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Ўнинчи боб

Алижоннинг изтироблари

Алижоннинг отаси Арслонқул камбағал деҳқон бўлишига қарамай, дунёга келиб орттирган уч ўғил, битта қизини меҳнатсевар, тўғри сўз, қалбакиликни билмайдиган, ҳалол қилиб тарбиялашга улгурган эди. Арслонқул ака отасидан эрта етим қолиб, ўқиёлмай қолганлигига кўп афсусланарди. У, ҳеч бўлмаса битта ўғлим ўқисин, деб Алижон олти ёшга тўлганида, 1913 йилда бўлса керак, Шоҳимардон қишлоғининг Пойариқ маҳалласидаги диний мактабга олиб бориб, Муллағиёс домлага топширади. У бу мактабда салкам ўн йил ўқиди. Бу давр мобайнида баъзи китобларни ўқий оладиган бўлди, лекин орада жаҳон уруши бошланиб кетди, кейин инқилоб, граждандар уруши бўлиб ўтди. Бу воқеалар ўқишни давом эттиришга имкон бермай, хати чиқмай, саводсизлигича қолиб кетди...

Октябрь инқилоби ғалаба қозониб, Шоҳимардонда ҳам маҳаллий батраклардан Ёқубжон Абулқосимов бошчилигида Шўролар ҳокимияти ўрнатилди. Янги ҳукумат дарҳол етим-есир, оч-яланғоч болаларни тўплаб, уларни боқишга киришди. 1917 йил охирида Шоҳимардон қишлоғига Қоплонбек деган қўрбоши икки юзга яқин йигити билан келиб, Ёқубжонни тутиб олиб, халқ кўзи олдида азоблаб ўлдирди. Бу фожиа устига Шоҳимардон мазорининг шайхлари келишиб, Ёқубжон динни сотганлиги, шўроларга кимки хизмат қилса, бошига унинг куни тушини билдириб ваъз айтишди. Алижон бу ёвузликларни эл қатори ўз кўзи билан кўрди ва унда босмачи ҳамда шайхларга қарши туганмас ички адоват, сўнмайдиган кек уйғонди. Бунинг устига, Алижоннинг аммасини уч ўғли ва уларнинг отасини ҳам босмачилар бир кунда ўлдириб кетишди. Уларни босмачиларга шайх Исмоил хийла-найранглар ишлатиб тутиб берганди.

Азамат ўғиллари ва умр йўлдошидан бир кунда жудо бўлиб, қон

қора қақшаб қолган аммасининг нолайи зори, улар куйида куйиб кул бўлгани ҳам Алижоннинг қалбидаги адоватни янада алангалатиб юборди, золимлардан ўч олиш туйғусини кучайтирди...

1923 йил баҳорида босмачилар асосан тугатилиб, Шоҳимардон қишлоғи улардан тозаланганлигига қарамай, улардан қолган-қутганлари қишлоқ атрофидаги тоғларда яшириниб, кечалари атроф қишлоқларга, зўрға жон сақлаётган хонадонларга оралар, уларнинг бор-йўғини талаб, эл уйғонмасдан ғойиб бўлишар эди. Қишлоқларда қизил аскарлардан «Особий отдел» тузилиб, босмачилар қолдиқларини тугатиш, улар яширган қурол-яроғларни топиб, ҳукуматга топшириш ишларига киришди...

Нима бўлди-ю, Арслонқул ака бир бойдан саккизта қўйни тўртдан бир шарти билан байлашиб, бўрдоқига боқиб бериш учун олади. Ана шу қўйларни қиши билан Алижон боқиб чиқади. Қўрғонлари дарёдан икки ярим-уч чақирим четда бўлгани учун у битта эшакка иккита кўзани юклаб, дарёдан сув ташиб қўйларни суғорарди. Чилла совуқларида уст-бошилари тараша бўлиб музлаб қолар, оёқ-қўлларига сўзак кйриб. оғрир, лекин у кўкламда иккита қўй қолишини ўйлаб, бу азобларни эламасди. Бир куни тушда Қойлонбек қўрбошининг қочиб юрган Жалол деган қайнатаси келиб, Алижоннинг дадасига: «Қўйнинг бирини бер, биз қочиб юриб, жазсираб кетдик» дейди. Арслонқул ака қўй ўғли Алижонники эканини важ қилиб бермайди. Жалол индамай чиқиб кетади. Лекин кечқурун хуфтон пайтида Қоплонбек етти-саккиз қуролли йнгити билан келиб, иккала қўйни зўрлик билан олиб чиқиб кетади ва Жалол аминнинг қўрғонида сўйиб еб юборишади. Алижон эса, шунча меҳнати сувга оқиб, хуноб бўлиб қолаверади.

Орадан икки-уч кун ўтмай, Алижон бир халта дон олиб Шоҳимардонга тегирмонга тушди. Тегирмон йўли Мамажон мингбошининг уйи олдидан ўтар, у ерда эса қизил аскарлар туришарди. Қизил аскарлар уни кўриб гапга солишди, улар ичидан оқ халат кийган биттаси Алижонни қўлидан ушлаб ичкарига олиб кирди-да, юзидаги ярага дори қўйиб, эртага яна кел, яна дори қўйиб қўяман, деб тайинлади. Алижон эртасига борди, оқ халатли аскар дорини қўйиб бўлиб, уни яна гапга солди, қўрғонлари қаердалиги, отаси кимлигини, қочоқ босмачиларнинг қаерларда ётиб-туришларини сўради. Алижон ҳам ҳеч иккиланмай, билганларини гапириб берди. Кўнглида чўкиб ётган алам, ўч туйғуларни уни бунга ундади: аммасининг мусибати, шайхнинг хийла-найранглари, Хайитбой жаллод, Асқар каллалар шўро одами Ёқубжон акани қандай қилиб ўлдиришгани, шайх ўшанда одамларга нима дегани, Жалол амин қўйларни қандай қилиб босиб олиб кетгани, Жалол амин, Насриддин, Мирза ҳожи деган одамларнинг қўрғонларида кимлар ётиб-туришганигача ҳамма-ҳаммасини айтди. Қизил аскарлар бир қоғозга бу қўрғонларга олиб борадиган йўлларни чизиб олишди.

Шундай қилиб, Алижон берган аниқ маълумот босмачиларнинг қолган-қутган қолдиқларини ҳам бир кунда қўлга туширишга ёрдам берди.

Алижон 1924 йилда акаси билан Фарғонага бориб мардикор бўлиб ишлади, тўқимачилик фабрикаси қурилишида қатнашди. Кузда қишлоғига қайтиб келиб, янги очилган шўро мактабида ўқиди. Сал кунда ўқиш, ёзишни билиб олди. 1925 йилда у Қўшчи союзига котиб қилиб ишга олинди, айна чоқда комсомол ячейкаси ишига тортилди, атроф қишлоқларда ёшларни уюштириб, комсомол ячейкалари тузишда қатнашди.

Уша йилларда синфий душманлар партия ва шўро идораларига суқилиб кириб олиб, ўзларининг бузғунчилик ишларини зимдан давом эттирардилар.

Алижон «Особий отдел» ходимлари билан яқиндан танишиб, улар билан ишлашга бел боғлади, аксилнқилобчиларни фош қилиш, уларнинг кирдикорларини очиб ташлаб, зарарсизлантириш ишларида фаол қатнашди.

1926 йили республикада кентлар тугатилиб, районлаштириш амалга оширилди. Алижон қишлоқ шўросига аъзо ҳамда янги ташкил қилинган Олтиариқ районининг биринчи қурултойига вакил қилиб сайланди. Айни пайтда у қишлоқдаги бошланғич мактаб қошида очилган кечки курсда саводсизларни ўқита бошлади. Булардан ташқари, Водил, Қаптархона, Шоҳимардон қишлоқ шўроси бўнак шеркатида ҳам фаол ишлади.

Хуллас, Алижон ўзи сезмаган ҳолда ўша даврнинг илғор фикрли кишисига айланган эди. Санобардаги янги тушунчалар, онгидаги ўзгаришлар, янги турмушнинг моҳияти ҳақидаги фикрлар, янгича орзу ҳаваслар — буларнинг барчаси Алижоннинг таъсири остида рўй берган эдики, буларни Шодмон хўжа ҳазм қилолмасди.

Ўн биринчи боб

Тарих тилга кирганда...

Хамза пианинога мук тушиб ўтирибди. Енидаги нота қоғозлари билан тўлиб кетган столда Степанов энгагига кафтини қўйганича бир нуқтага тикилиб хаёлга толган. Уларнинг иккаласи ишга шунчалик берилиб кетганки, хонага билдирмай кириб келган Саодатни ҳам сезмай қолишди. У оҳиста юриб келиб, чойнакдаги яхна чойдан иккаласининг олдидаги пиёлага қўйиб қўйди. Ҳамза у билан бир лаҳза кўз уриштириб олди-да, хаёлини бузмаган ҳолда, миннатдорлик билдириш маъносиде бошини силкиб қўйди. Унинг учун бармоқлари пианино клавишлари устида оҳиста суза бошлади. Хона ичи гоҳ ғамгин, гоҳ таъсирли, майин, гоҳ курашга қақирувчи жанговар садолар билан тўлқинланди. Саодат ортиқча идишларни эҳтиёткорлик билан сас-садосиз йиғиштириб олиб, хонадан чиқиб кетди.

— Биласизми, азизим Ҳамза,— деди Степанов ўрнидан туриб,— мен аминманки, сиз ахирида опера яратасиз. Бу опера бўлганида ҳам ажойиб опера бўлади. Ишлаш керак. Ҳеч ноумид бўлманг.

— Ишдан қочмайман, Сергей Иванович,— деди Ҳамза хурсандлигидан жилмайиб.— Агар сиз бундан буён ҳам ўзингизнинг қимматли маслаҳатларингизни дариг тутмасангиз, нота илмидан, опера ёзиш сирларидан сабоқ берсангиз бўлгани. Ишлаш, ўрганишдан чарчамайман.

Степанов икки қўлини Ҳамзанинг кифтига қўйиб, унинг сўзини бўлди.

— Мен билган ҳамма нарса, рус дўстларим билган ҳамма нарса, азизим Ҳамза, сизники. Уларни олинг, ўрганинг, билмаганингизни бе-малол сўранг, ижодий ўзлаштиринг, энг муҳими, ишланг.

— Раҳмат сизга, Сергей Иванович,— деб жавоб берди Ҳамза тўлқинланиб.— Устозларнинг ишончини оқлаш учун бор кучим билан ишлайман. Шогирд устозининг юзини ерга қаратмайди, бундан кўнглингиз тўқ бўлсин, Сергей Иванович.

Ҳамзанинг кўзидаги қатъият, ишонч ифодаси таъсир қилиб, Степанов унинг елкасига ёталиқ меҳри билан қоқиб қўйди. Ҳамзанинг бутун хаёли бошидан тарихнинг кўп жабру жафоларини кечирган меҳ-

наткаш, ботир, қобил, юраги кенг; покиза, ҳиммати баланд, диди юк-сак, нозик таъб, табиати билан санъаткор, оқил, мутафаккир ўзбек халқига муносиб, унинг мана шу фазилатларини гавдалантирадиган асар яратиш билан банд эди. Бунда ўзининг масъулиятини тўла ҳис қиларди. Унинг хаёлини яна Степанов бўлди:

— Бу ишингизнинг хомакиси ёз ойларига бориб битади, деб ўйлайман.

— Буни Шоҳимардонда ҳам давом эттираман. Сизга сўз бераманки, бу асар устида тинмай ишлайман.

— Қачон йўлга чиқмоқчисиз?

— Тез орада жўнасам керак.

Хонага Саодат кириб келиб, суҳбат бир дақиқа узилиб қолди. Саодат Степановга қаради.

— Нега бунчалик шошаяпсиз, Сергей Иванович? Кечки овқатни биз билан баҳам кўринг, кейин бир гап бўлар,— деди у Степановга мулойимлик билан.

— Иложим йўқ, қизим... ҳеч иложим йўқ. Насиб бўлса бошқа вақтда. Бугун ишим бошимдан ошиб ётибди, Саодатхон.

Ҳамза етмишларга борган кекса профессорни эшикдан кузатиб қайтиб келди-да, Саодатни икки билагидан ушлаб ўзига тортди.

— Энди, жонгинам, майда-чуйдани йиғиштириш керак. Биз бу ердан кўчиб кетамиз.

— Қаёққа?

— Ўзбекистоннинг энг гўзал, баҳаво бурчаги Шоҳимардонга.

— Шоҳимардонга дейсизми?— хитоб қилди Саодат.— Нима, ҳазрат Али мазорини зиёрат қилмоқчимисиз?— у Ҳамзанинг авзойидан унинг ранжиганини бирдан сезди-да, сипориш қилди.— Майли, Кўли Қўббонга дам олгани борамиз. Ахир сизнинг билган-кўрганингиз иш, дам олишни ҳеч хаёлингизга келтирмайсиз-ку.

— Ҳа, дам олгани,— деди Ҳамза ўйчанлик билан. Кейин Саодатга диққат билан тикилиб қолди. Бир лаҳза шундай тургач, миясига тўпланган аллақандай лойқа хаёлотларни гўё қоқиб тушириб ташламоқчи бўлгандай, бошини силкитди-да, бошлаган гапини хулосалади.— Йўқ, жонгинам. Албатта, дам оламиз. Кейин асар ёзаман. «Қирқ саккизлар» деб номини ҳам топиб қўйдим.

— Қачон жўнаб кетамиз?

— Келаси ҳафтада.

— Вой, ўлмасам?— Саодат қичқириб юборди.— Нега шу пайтгача менга бир оғиз айтиб қўймадингиз бу ҳақда? У-буларни йиғиштириб саранжомлаб қўярдим.— Саодат эрининг оғушидан сирғалиб чиқди-да, нариги хонага шошиб чиқиб кетди.

Кечки овқатдан кейин Ҳамза пианино олдига бориб, ишга машғул бўлди. Саодат эса, нариги хонада кўч йиғиштирар эди. Вақт алламаҳал бўлиб қолганда эшик тақиллади.

— Ким бемаҳалда эшик тақиллатаётган?— деб сўради Ҳамза ҳайрон бўлиб.

— Низомиддин ака ёки Степан бўлса керак,— дея жавоб берди Саодат, даҳлизга югуриб чиқаркан. Кейин у Олчинбек Назирийни бошлаб кирди-да, уни Ҳамзанинг олдида қолдириб, эшикни маҳкам ёпиб, ўз хонасига чиқиб кетди.

— Кутмаган эдингизми?— деб сўради Назирий тараддулланиб.

— Очиғини айтсам, таклиф-таваллосиз бирор ерга бормас эдингиз...— деди Ҳамза унга ажабсиниб қараб. Унга жой кўрсатди.— Марҳамат, ўтирсинлар.

— Азизим, Ҳамза,— деди Назирий ялтоқилик билан,— Халақит берганим учун узр. Ишингиздан қолдирдим шекилли сизни, маъзур ту-

тасиз бизни. Тўғри, бемаҳалда келишим бежиз эмас, албатта. Тунов кунги дўстлар машмашаларига алахсиб, талай гаплар ичимда қолган экан. Ҳозир уйда ўтириб ўйлаб кетдим. Нима учун биз бир-биримизга зидмиз, нега аҳил эмасмиз, ахир бир пўчоқ ичидаги ялакат мағизмиз-ку, аслини суриштирганда. Бир ғояга хизмат қиламиз, бир мақсад учун ишлаймиз, курашамиз-у, лекин туя тиконнинг найзаларига ўхшаб бошқа-бошқа томонга интиламиз. Илгари яқин дўст эдик, ахир... Ҳар бир нарсанинг янгиси яхши бўлса ҳам, дўстнинг эскиси яхши дейдилар...— Олчинбекнинг даб-дурустан кириб келиб, тилёғламалик билан бошлаган гапи Ҳамзанинг энсасини қотирди. Пешонаси тиришиб, қаттиқ гапиргиси келди-ю, лекин ўзини босди.

— Ундан кейин анча сувлар оқиб кетди,— деди ўзини оғирликка олиб. Кейин қўшиб қўйди,— шуниси ҳам борки, дўстлигимизга мен эмас, сиз кўпроқ путур етказдингиз, шекилли?

Бу пичинг Назирийнинг жон-жонидан ўтиб кетди, лекин бу ерга Ҳамза билан жиртак отишга келмаган эди у. Шунинг учун оғирлик билан дудмал жавоб берди.

— Анча сув оқдими, оқмадими, гап унда эмас. Йиллар силсиласида дўстлигимиз мустаҳкамланиши лозим эди. Мана, гап қаерда.

— Бу сиз айтаётган дўстлик билан ўша йиллар силсиласининг қанақа бўлганлигига ҳам боғлиқ,— деди Ҳамза ҳазиломуз жавоб бериб.

— Хўш, қанақа йиллар бўларди, оддий йиллар-да!..

Назирийнинг нафаси бўғилгандай бўлди.

— Оддий йиллар?— Ҳамза кулимсираб қўйди.— Жуда ҳам унчалик эмас, дўстим. Инқилоб, граждандар уруши, янги иқтисодий сиёсат. Бундай оддий йиллар силсиласига унча-мунча дўстлик бардош беролмади-ку!

— Бунчалик муболаға қилиб юборманг, азизим Ҳамза. Инқилоб, граждандар уруши ва ҳоказо ва ҳоказолар, тўғри, бўлиб ўтди. Ахир биз ана шу тўс-тўполондан омон чиқдик-ку... Мана, тирикмиз. Хўш, нима учун энди ўша дўстлик ришталарини узиб ташлашимиз керак экан. Нима учун биз дўст бўлиб қололмас эканмиз?!

— Бу, сиз, Назирий, омон қолдингиз... бахтга қарши,— дея нафрат билан жавоб берди Ҳамза.— 1917 йилгача фикр-тушунчаларимизда баъзи умумийликлар мавжуд эди. Таассуфки, ўн еттинчи йилдан кейин йўлларимиз бир-биридан бутунлай ажралиб, икки қарама-қарши томонга бурилиб кетди. Мен ўша некбин орзуларимиз йўлида давом этдим, сиз бўлсангиз ундан тойдингиз, ўнгга оғиб кетдингиз. Хўкиз ўлганда ҳам кўзининг оласи қолади, дейди халқ. Сиз ўзингизни «ўйиндан ҳорижман» деб ўйлайсиз чоғи.

Назирий бу гапдан худди чаён чаққандай ҳис қилган бўлса ҳам, сир бой бермади. Ўзини ўзи оғирликка солди, ҳоксор кўрсатишга тирришди.

— Сиз мен билан худди душманингиз билан сўзлашаётгандай сўзлашмаяпсиз, мен бўлсам, илгаригидай, сизнинг дўстингизман. Ҳа, албатта, тан олишим керак, ўтмишда бир неча хатога йўл қўйдим, бу хатоларим, энди бундоқ ўйлаб қарасам, ҳаддан ортиқ кўп экан. Лекин буларнинг ҳаммасини бўйнимга олиб, тавба қилдим, хабарингиз бор, мени кечиришди, менга ҳатто масъул ишни ишониб топширишди. Энди халол ишляпман.

Лекин Ҳамзага бу гинаомуз гаплар заррача ҳам таъсир қилмади, аксинча, баттар энсасини қотирди. У кинояга ўтиб узиб-узиб ола бошлади.

— Биласизми, паққос хабарим йўқ экан. Дарвоқе, зарур бўлгач, бунинг ажабланидан ери йўқ. Республикамиз ҳозир саводли кишиларга жуда муҳтож. Шу сабабли ҳозирча бор имкониятдан фойдаланиб

туришга тўғри келади. Муҳтожлик пайтида бу сара, бу пуч, деб тан-лаб ўтирилмайди, одатда. Начора. Пуч нарса билан ҳам, ҳеч бўлмаган-да, бир неча кунга умрни чўзиш мумкин-ку, ахир. Бунчалик қаттиқ гапирганим учун мени кечиринг. Сиз ҳақингизда дилимдаги гапни ҳеч бўямасдан айтдим. Дилда бошқа гап ётса-ю, тилда бошқача бўлиб ай-тилса, бу мунофиқлик бўлур эди. Мен сизга нисбатан мунофиқлик қи-либ, ўзимни ҳам, сизни ҳам алдаёлмайман. Бунинг ҳожати ҳам йўқ.

— Биладан, оғиз бир дарвоза, ундан яхши ҳам чиқади, ёмон ҳам. Агар менга ишонмасангиз, буни худога солдим.— Назирийнинг товуши газабдан титраб кетди.— Менинг сизга нисбатан муносабатим жиндек ҳам ўзгарган эмас. Ҳозир бемаҳалда ҳузурингизга мени олиб келган куч ҳам ўша бегидр дўстлигим ҳурмати. Сиз Шоҳимардонга бормоқчи эмишсиз. Шу ростми?

— Бормоқчиман. Шу яқин ўртада жўнасам керак,— деб жавоб берди Ҳамза дона-дона қилиб.

— Табдили ҳаво қилиб келмоқчидирсиз-да...— деб кўзига тикилди Олчинбек.

— Кишига табдили ҳаво ҳам керак... Иннайкейин, ўзингиз биладан, унча-мунча ёзиб ҳам тураман...

— Мен сизни бир дўст сифатида худди шу масалада огоҳлантириб қўйиш учун атайлаб келган эдим. Эҳтиёт бўлинг, Ҳамза, шайхларнинг ишига аралашиб юрманг, дўстим. Улар жоҳил одамлар. Авомни ҳам ўз таъсирларида маҳкам ушлаб туришади. Бир қўзғалишса, бамисоли йиртқич ҳайвондек қутуриб кетишади. Тагин бир кор-ҳол бўлиб юрман дейман...

— Нима, мени қўрқитяпсизми? Нега бунча ваҳима? Бир умр номард яшагандан бир кун мард яшаган яхши-ку. Ботирлик мангулик, ҳа, қўрқоқ бўлманг, Олчинбек!

— Қўйинг-э,— Назирий қўлини силтади.— Шундай деб ўйлашга қандай кўнглингиз борди. Халқимизнинг қанчалик жоҳиллигини эсла-тиб қўймоқчиман, холос. Ахир мен... Ахир...

— Осмон ҳам ердан кўзини узмайди. Халққа бунчалик туҳмат қи-лиш яхши эмас! Эслик одам сўз бошламас, «мен билан!»— деган Маҳ-тумқули минг бор ҳақ экан. Шухратпарастлик, манманлик кишини эли-дан жудо қилади...— деб Ҳамза ўрнидан туриб кетди.— Хат-саводи йўқ, соддадил, дўлвор халқимизни бошига салла-калла ўраган турли-туман дунёхўр фирибгарлар йўлдан уришади. Сотқин эшону шайхлар қандай қилиб бизнинг миллий хусусиятимизни белгилашсин. Улар ўйлаб-нетиб ўтирмай, ўз балойи нафслари йўлида сиз-у бизни сотиб юборавериша-ди-ку...

Ҳамза очиқ дераза олдида борди, Назирийга орқасини ўгирган ҳол-да тун қаърига тикилиб қолди. Уша ҳолатда турганича фикрини давом эттирди:

— Аввало, огоҳлантириб қўйиш мақсадида атайлаб меникига кел-ганингиз учун, агар бу чин кўнглидан бўлса, раҳмат. Лекин мен виждо-ним амрига зид иш кўролмайман. Ҳам бўри тўйсин-у, ҳам қўй тирик қолсин-ми? Қолаверса, сизга шуни айтиб қўйишим керакки, сиз ҳамон ўша Олчинбек Назирийсиз.

Назирий ўзини базўр тутиб ўтирар эди. «Қандай кажбахс, қандай тугуриқсиз одам экан бу» деган фикрни кўнглидан ўтказиб қўйди-да, ўрнидан туриб тўнғиллади:

— Бу кишининг ҳузурига яхшилик билан келсанг ҳам сўкиш, ҳақо-рат эшитасан. Гуноҳимиз нима? Кўзингизни ола-кула қиласиз! Сиз учун, Ҳамзахон, дўстликнинг ҳеч қандай муқаддас қонуни мавжуд эмас экан... Бир маҳаллада ўсдик, бир мадрасада таҳсил кўрдик. Ажралмас дўст эдик. Ҳалолимиздан бошқа ҳамма нарса ўртада эди. Лекин кейин-

ги йилларда мендан юз ўгириб, қоракашлик қилиб юрибсиз! Ўзи нима гап?

— Дўстлик, жон жўралик дедингиз... Мен бунга ҳали ҳам тайёрман. Аммо қалбаки дўст очиқ душмандан ёмон! Жон жўра орттирмоқнинг ягона йўли жон жўра бўлишдир. Сиз менга садоқатли жон жўра бўлганмисиз, ҳеч қачон? Дилингиз билан тилингиз бир бўлган эмас. Мени пандавоқи деб ўйлайсиз, чамаси... Йўқ, ҳаммасини билиб, кўриб юрибман,— деди Ҳамза нафрат билан тўлқинланиб.

— Бенуқсон жўра ахтарган жўрасиз қолади. Нуқсонимиз бўлса, ичингизга, солиб юрмай, очиқ айтинг, билиб олайлик,— деди Назирий сиртига юқтирмай.— У бу мунозарада бўш келмоқчи эмасди. Ҳамза ўзининг шунча шамалари унга ҳеч юқмаётганини кўриб, дангалига кўчмоқчи бўлди.

— Бардош беролсангиз бас, айтганим бўлсин!

— Айтинг, қўрқмайман...— Олчинбек қизиф устида «қўрқмайман» дейишга деб қўйди-ю, Ҳамза билан ўзи ўртасида бўлиб ўтган илгариги воқеаларни кўз олдига келтириб, ўйланиб қолди, ранги-қути ўчди, лекин сир бой бергиси келмай, паст тушишни ўзига эп кўрмади.— Сизнинг оғзингизда калдираган тил эмас, илон эканини бутун халқ билади,— деди томдан тараша тушгандек қилиб.

Ҳамза ўзини босиб олган эди, ўйлаб қўйган гапларини чертиб-чертиб айтдию уни тобора бурчакка қисиб борарди.

— Халққа тухмат қилманг. Сиз меҳнаткаш халққа нима каромат кўрсата қолдингизки, унга дўстлигингизни пеш қиласиз?.. Йўқ, дўст бўлолмагансиз, унга дўст бўлолмайсиз ҳам. Уни қора патакчалик кўрмайсиз-у, яна унга дўстлигингизга ишонтирмоқчи бўласиз-а. Айтмай десам, ўзингиз тилимни қичитиб қўйдингиз. Сиз — ҳамон ўша-ўша эшонзода-сиз... Босмачиларни хўп ёқладингиз, лекин бундан ҳеч иш-чиқаролмадингиз, шундан кейин ҳам ақл-ҳушингизни йигиштириб олмадингиз, кўзингиз очилмади. Энди бўлса шайхларни ҳимоя қилиясиз. Уларнинг хира, балохўр мўлтони эканликларини бир йигитнинг дафтарларини ўқиганингизда, жуда яхши билиб олардингиз.

Фарғона вилоятида 1926 йилда ер ислоҳоти бўлиб ўтдими? Бўлиб ўтди. Биз зиёлилар ўша байрамда халқ билан баробар яйрадикми? Яйрадик. Шеър ўқидик, томошалар кўрсатдик. Муштумзўрлардан, бойлардан роса кулдик. Хўш, нега энди ер ислоҳоти Шоҳимардонда ўтмади? Муштумзўрларнинг минг-минг таноб ерлари Шоҳимардон меҳнаткашларига олиб берилмади! Мана мен шу масаланинг тагига етмоқчиман. Бу минг-минг таноб ерлар фақат Шоҳимардон шайхларининггина эмас, бошқа шаҳарда истиқомат қиладиган баъзи кимсаларнинг ҳам остонасини олтидан қилиб юборди. Шунинг очмоқчиман. Билишимча, сиз ҳам бундан ҳоли эмассиз, Назирий!

Ҳамза Олчинбек Назирийни руҳан пийпалаб, унинг эътироз билдириш йўллари кесиб ташлаган эди. Назирий «дафтар» воқеасидан Ҳамза ҳам хабар топганидан ҳайратланиб, бир лаҳза саросималанди, бир оқариб, бир бўзарган кўзларида даҳшатли совуқ учқунлар чақнади. «Тавба, читтакдек жони бору, бургутга човут соламан, дейди-я!.. Илондек биланглаб, заҳрини сочади... Қимлигимни кўрсатиб қўяман сенга. Ҳали, шошмай тур... Сен гўрга киргандагина тинчимасанг, ёруғ дунёда тинчимайдиганга ўхшайсан» деб қўйди ичида. Лекин шу топда у очиқ ҳужумга ўтиш имкониятини йўқотган, хусусан Тошпўлатнинг дафтарини Ҳамза эслатганида бўлганича бўлган, ўртада ҳозир юзага келган шундоқ ҳам таранг вазиятни яна кескинлаштиришга йўл қўйиш ўта лодонлик бўлишини сезган эди. Шунинг учун бутун ғазабини ичига ютиб, ўзини оғирликка солишга, гапга айлантиришга мажбур бўлди.

— Қиш ҳам ўтар, юзи қоралик кўмирга қолар... Ҳа, майли. Қим

ботир — аччигини ютган ботир... Айтмоқчи, жўнаб кетишингиздан олдин биз томонга бир кириб ўтинг. «Майсаранинг иши»га қалам ҳақи бор, олиб кетинг. Албатта, кириб ўтинг, хўпми... Яна Хўжаев билан Соколов кириб, Ҳамзани сиқиб-силтаётисан, деб жанжал чиқариб юришмасин,— дея тиржайиб қўйди у, Ҳамза билан эшик бўсағасида хайрлашиш учун унга қўлини чўзиб.

Ҳамза истеҳзо билан жилмайиб туриб, унинг қўлини олди. Назирий жўнаб кетди. Ҳамза унинг орқасидан қараб қолди. У баҳона билан кўнглини анча бўшатиб олган эди.

Ўн иккинчи боб

Сирли сафар

Бириси куни Ҳамзани Самарқанд вокзалида Рустам Пўлатов билан Степан Соколов Фарғона поездига олиб чиқиб, кузатиб қўйишди. Офтоб чарақлаб турарди, ёқимли шабада Ҳамзанинг юз-кўзларини сийпаларди. Ҳамзани улар галма-гал қучоқлаб ўпишар, бир-биридан қизғанишиб, ҳар қайсиси ўзича узоқроқ хайрлашгиси келар эди. Вагон деразасидан бу ҳолатни Саодат кузатиб, мулоийм кулиб турарди.

Паровоз гудок берди. Вагонлар бир-бирига эргашиб аста жила бошлади. Ҳамза вагон зинасига бир сакраб чиқиб олди-да, дўстларига қараб қўлини силкитди. Соколов ҳам ерда туриб, унга қўлини силки-тиб, хайрлашаркан, қичқирди:

— Бўш келма, Ҳамза, лекин эҳтиёт бўл.

Ҳаш-паш дегунча поезд кўздан ғойиб бўлди. У хансираб борар экан, йўлда тоғу тошларни, баҳорикор далаларни орқасида қолдириб, Фарғона водийсига интилар эди...

* * *

— Ҳой... отни эгарлаб олиб кел!— деди қишлоқ ҳокимидек керилиб Валихон.

— Хўп, мингбоши ака! Ҳозир!

— Мингбоши дема, ит эмган. Раис тўра, дегин. Ҳа, Шохимардон қишлоқ шўросининг раиси Валихон Тўра!

От келтирилди. Узангининг бир тарафини бир милиция пастга босиб турди. Бошқаси Валихонни қўлтиғидан олиб, эгарга миндириб қўйгандан кейин Қулмат самоварчи чилим тутди. У чилимни бир-икки қуриллатиб тортди, кўзини юмиб, тутунни оғзидан бурқиратиб чиқарди. Кейин оёғидаги пастпошна хиром этиги билан Қулматни бир тешиб, «сувини янгиламабсан, ит эмган!»— деди-да Олчинбек Назирийнинг алоҳида топшириғи бўйича икки милиция орқасида, Ҳамзани кутиб олиш, шу баҳонада қишлоқ деҳқонларидан бир йўла ўлпонларни ҳам ундириб келиш мақсадида Водилга йўлга чиқай деб турган ҳам эдики, Ҳамзанинг кўч-кўронини ортган арава рўпарасидан чиқди. У қишлоқ шўросининг идораси олдига бориб тўхтади.

Аравани бир зум кир-чир болалар қуршаб олишди. Сал нарироқда бир тўп батрак ва камбағаллар туришар эди. Валихон уларнинг тарқалиб кетмаганликларини кўриб гижиниб қўйди. Ҳамза келишидан сал олдин улар билан қаттиқ жанжаллашиб олган эди. Шу иш ошқора бўлиб қолишидан кўрқарди. Валихон бунинг олдини олиб, Ҳамзага ялтоқланишга тушди:

— Биз сиз учун, ҳурматли домла, қулинг ўргилсин бир қўналға

тайёрлаб қўйдик. Сиз Бузрук отанинг уйида истиқомат қиласиз. У ердан, албатта, кўнглингиз тўлади. Бузрук ота ўзига тўқ одам, катта боғи ҳам бор. Меҳмонхонасида ҳамиша базм асбоби муҳайё...

У самоварчига буюрди:

— Қулмат, азиз меҳмонимизни Бузрук отаникига бошлаб олиб бориб қўй!

Ҳамза раиснинг бу гапларидан кейин ноқулай аҳволга тушиб қолди. Валихоннинг буйруғига биноан олдига югуриб келган қишлоқ шўросининг котиби Миралини биллагидан ушлаб тўхтатди-да, раисдан сўради:

— Нима учун Бузрук отанинг уйига, бошқа уйга эмас?

— Эҳ, нимасини суриштирасиз? У саховатли, барчага баробар, элпарвар одам, қишлоқнинг ярим ўлпонини бир ўзи тўлайди,— деб мақтаб кетди Валихон.— Уни бутун Фарғона халқи танийди.

— Бориб турган судхўр-ку,— деди кимдир батрақлар ичидан. Уни Мебува ҳам қувватлади:— шайх Исмоилнинг ўнг қўли, баднафс, ичиқора одам.

Валихоннинг жаҳли чиқди, одамларга худди еб юборгудек бўлиб қараб турган бўлса ҳам, лекин ўзини оғирликка солиб алла нечук хо-мушланиб уҳ тортди, бошини эгишга мажбур бўлди. Ҳамза уни зимдан кузатиб чиқди, Валихоннинг икки юзламачи эканини, халқдан ажраб қолганини билиб олди. Қизиқ, одамлар олдидан от ўйнатиб турган одам у Шоҳимардонга кириб келиши билан кибр-ҳавони бир ёққа йиғиштириб қўйиб, икки букилиб таъзим қилди, унга Бузрук хўжаникидан қўналга тайёрлаб қўйганини айтди. Унинг бу ерга келаётганини қаердан била қолди экан. Бузрук хўжанинг номини илгари эшитган, аммо Валихон «Бузрук ота» деди. Буларнинг иккаласи бир одам бўлса керакки, деҳқонлар унинг сифатларини дангал айтишди: «бориб турган судхўр», «шайх Исмоилнинг ўнг қўли, баднафс, ичиқора одам». Демак, унинг бу ерга келишини кимдир огоҳлантирган, ҳатто қаерга жойлаштириш ҳақида ҳам маслаҳат берган...

Аллақандай сирли фикрлар, кўнглини ғаш қиладиган туйғулар Ҳамзани чулғаб олди, шубҳаси ортди, лекин сир бой бермади. Саодат аравада бу жавоб-муомалани кузатиб ўтирарди. Бирдан Ҳамза Валихоннинг юзига тик қараб жилмайти.

— Бу қандоқ бўлди, ўртоқ раис, мени кимникига жойлаштирмоқчи бўлдингиз?— деб сўради у заҳарли бир мулойимлик билан.— Мен сиздан бошпана топиб беришингизни илтимос ҳам қилмаган эдим!

— Мен сизга яхши шароит бўлсин, деган эдим холос,— деди, айёрон тиржайиб раис.— У ерда турсангиз ҳар қалай сизга ҳар тарафлама қулай бўлар эди. Бу ерда ўзига тўқ одамлар кўп эмас...

— Тўғри айтдингиз. Қаёққа қараманг, камбағал, йиртиқ чопон, понга зор одамларни кўрасиз, лекин мен бу ерга ўзига тўқ одамларни деб келган эмасман. Шуни яхши уқиб олингки, мен шайхнинг уйида тирикчилик қилолмайман. У билан гиди-биди бўлиб қолишим турган гап. Бунинг на менга, на ўша шайхга нафи бор. Уйлайманки, бундан сиз ҳам манфаатдор бўлмасангиз керак.

Ҳамзанинг олдига яғрини кенг, гавдали, митти кўзлари айёр қаримсиқ бир одам келди. Бу Ғиёсхўжа эди. У бир чеккада ўзини камтарликка олиб турган эди. Унинг камзули унча янги бўлмаса ҳам, асл матодан тикилганлиги шундоқ кўриниб турарди. Ғиёсхўжанинг салласи қизил шойидан бўлиб, унга алоҳида савлат бағишлар эди.

— Домла Ниёзий,— деди у, эҳтиром билан Ҳамзага мурожаат қилиб.— Бўлмаса бизнинг кулбага марҳамат қилсалар, бошимиз кўкка етур эди. Шуни ҳам айтиб қўйишим керакки, мен ҳам шайхларданман. Аммо улар билан борди-келди қилмайман. Агар маъқул кўрсангиз,

сиздай ҳурматли меҳмонга эшигимиз ҳамма вақт очиқ. Ўз уйингиздай тураверасиз. Сизга от-аравани ҳам мен юборган эдим.

Ғиёсхўжа ҳайрон бўлиб турган Ҳамзанинг қўлини қисиб, самимий сўрашди. Ҳамза бирмунча иккиланиб қолди.

— От-арава сизники эдими? Мен сиздан бу илтифотларингиз учун жуда миннатдорман. Қира ҳақини тўлашга рухсат этсангиз. Мен унинг қиёмат қарзи бўлиб қолишини истамайман. Умуман тили қисикликни ёмон кўраман.— Ҳамза чўнтагидан пул чиқарди.

— Бунингиз нимаси, арзимаган ишга ҳам... Ахир бу бизнинг бурчимиз. Уят бўлади-я, домла! Наҳотки бизни шунчалик майдакаш деб билсалар, хафа бўламан, пулни чўнтагингизга солиб қўйинг.— У пулни рад этди.— Менга билдирган миннатдорчилигингиз ҳам кифоя. Сиздай одамнинг ҳожатини чиқариш биз, фақирларга бахт-саодат-ку...

— Йўқ, пулни олмасангиз, кўрсатган илтифотингиз менга татимайди, ҳеч тортинмай олаверинг.— Ҳамза пулни Ғиёсхўжанинг қўлига қистирди. Ғиёсхўжа пулни беихтиёр маҳкам чангаллаб олди. Бу қилигидан ўзи ҳижолат тортгандай пулни Ҳамзага қайтариб берди-да:

— Начора, агар сиз шу билан хурсанд бўлсангиз, кўнмоқдан ўзга илож йўқ. Пулни аравакаш Омонтойга бера қолинг бўлмаса,— деди.

— Хўп, аравакашга бўлса, аравакашга-да,— деди Ҳамза пулни Омонтойга узатиб.— Менга бари бир, ишқилиб, шу ташвишдан қутқарсаларинг бўлгани менга.

Ҳамза пулни Омонтойга берди. Шу пайт кўзи бу ҳодисани четдан кузатиб турган норғил, елкадор, эғнида тирсақлари ситилиб, униқиб кетган қора лас чопон, белида ҳошиясига ғазал тикилган кўк сурп қийиқ, йигирма беш-йигирма олти ёшлар чамасидаги йигитга тушди. У тўпланиб турган батрақларнинг олдида Ҳамзага яқин келиб турарди. Ҳамза унга мурожаат этди.

— Уй масаласида, балки сиз менга бирор маслаҳат кўрсатарсиз? Биз икки жон — мену хотиним,— деди.

— Биз ҳам икки жонмиз — онамлару, мен,— деди ҳалиги йигит очиқ кўнгилик билан.— Биз она-бола бир хонага бемалол сиғамиз. Сизлар иккинчи хонада тураверасизлар-да. Лекин хоналаримиз унақа кенг, мўл эмас, каталак. Поли ҳам йўқ... Агар майли десангиз, бош устига. Онам ҳам хурсанд бўладилар...

— Ҳечқиси йўқ, поли бўлмаса ҳам бизга ярайверади,— деди Ҳамза гапни шартта кесиб.— Аввал танишиб олайлик. Исмингиз нима?

— Алижон,— дея жавоб берди ҳалиги йигит илжайиб.

Ҳамза Алижонларни кига кўчини туширтириб, у айтган хонага жойлашиб олди. Хона кичкина бўлса ҳам, шинамгина экан. Токчадаги ҳар хил китоблар саранжом-саришта. Алижоннинг онаси, ўгли айтгандай, меҳмонларни жуда хурсанд бўлиб қаршилади.

Ўн учинчи боб

Тўқнашиш

Хамза дастлабки кунларни Шоҳимардоннинг атрофларини сайр қилиб, қишлоқ билан танишишга бағишлади. Қишлоқнинг ажиб жойларини томоша қилди. Қўк сувнинг қуйини тинглади, тошни-тошга уриб оқётган Оқ сувнинг шовқин-суронини эшитди, ноласига қулоқ солди. Қичик-кичик лекин текис ерларда қўшиқ айтиб қўш ҳайдаётган, мола босаётган деҳқонлар билан салом-алик, «Ҳорма, бор бўл!» қилишди. Тошлардан сизиб чиқаётган зилол сувлардан қониб ичди,

Ўрик дарахтлари соясида майсага ётиб, эзгулик ҳақидаги режалари тўғрисида узоқ-узоқ хаёл сурди...

Бу дилбар манзара ва ширин хаёллар шоир қалбига ҳақиқий ёшлик завқини, хаёл сайқалини бахш этар эди...

Бир куни Ҳамза Шоҳимардоннинг остидаги катта харсанг устида қўлида танбур, ўзича хиргойи қилиб, кейин уни танбурда чалиб, куйнинг ўзига маъқул бўлган яхши жойларини ён дафтарчасига ёзиб ўтирар эди. Бирдан узоқдан аёл кишининг ашуласи қулоғига чалиниб қолди. Овоз қўнғироқдай жарангли, тиниқ, дилрабо эди. Ҳамза танбурни тиззасига қўйиб, диққат билан қулоқ сола бошлади. Орадан уч-тўрт дақиқа ўтар-ўтмас рўпарасидаги сўқмоққа юзини чопонча билан ярим тўсган, сочларини майдалаб ўрдириб орқасига ташлаб олган бир аёл баҳайбат қоя орқасидан чиқиб келди. У Ҳамзани кўрмас, ўз дарду ҳасратини айтиб, ёниб-ўртаниб куйлар, кўзларидан ёш оқар эди.

Ҳамза нафасини ичига ютиб тинглади, бу аёл ашула қилиб айтаётган нарса юракнинг чуқур қаъридан отилиб чиқаётган нола, фиғон бўлиб кирди унинг қалбига ва ҳозиргина табиат манзарасига суқланиб қараб, маст бўлиб ўтирган шоирнинг таъби хира тортди. У, Ҳамза хаёл қилганидай, аёл эмас, ёшгина қиз бола экан. Уни кўрди-ю, онаси Жаҳонбининг эртақларидаги афсонавий қиз кўз олдида сурат тортди. «Сени тукқан онангга балли-е!» деб қўйди Ҳамза, ички бегараз бир завқ билан, кейин уни чўчитиб юбормаслик учун бир-икки томоқ қириб йўталиб қўйди. Қиз ялт этиб қараб, тош устида ўтирган Ҳамзага кўзи тушди-ю, юзини яширди. У, тош тагидан ўтиб кетаётган эди, Ҳамза гап ташлади.

— Ажойиб овозингиз бор экан, синглим,— деди ва дарҳол қўшиб қўйди.— Бироқ ашуланинг сўзи менга маъқул келмади, киши кўнглини вайрон қилиб юборади.— Қиз таққа тўхтади. Ҳамза давом этди:— бошқа ашулаларни ҳам, масалан, тетик, хушчақчақ қўшиқларни ҳам айтиш керак.

Қиз Ҳамза томон ўгирилиб, унга бир фурсат тикилиб қолди. Кейин тоғ кийигидек чаққон ҳаракат билан юзини яна яширди.

Табиатдан улуғ санъаткор йўқ. Инсонни ҳамма нарсадан кўра гўзал, дилбар, мукамал қилиб яратган, инсон — унинг мўъжизаси. Мана қаранг, бу қиз қандай гўзал, қандай зебо. Овози ипак сингари майин, ҳаётбахш. Булар паранжи учун, кишан учун эмас, балки эрк, бахту иқбол, тоза муҳаббат учун туғилганлар, деган хаёл лип этиб ўтди унинг кўнглидан. Кейин нима қилишини билмай тўхтаб турган қиздан сўради:

— Нега қўрқиб кетдингиз, синглим? Мендан хадиксираманг, сизга ҳеч қанақа ёмонлик қилмайман. Бу ерга сизга ўхшаганларни ўқитиш, саводсизлик балосидан халос қилиш учун келганман.

— Сиз ким бўласиз?— сўради қиз эшитилар-эшитилмас овоз билан.

— Эшитганмисиз Ҳамза деган ҳаваскор шоирни?

— Ҳамза?— қиз бир лаҳза жим бўлиб қолди-да, дадилланиб сўради.— Ҳалиги, юртга қўшиқ тўқиб берадиган шоир Ҳамза сиз бўласизми? Ҳа, эшитганман.

— Мен тўғримда кимдан эшитгансиз?

— Алижон акам билан Меҳридан. Сиз Алижон акамларникида турасиз.

— Алижон кимингиз бўлади?

— Қўшнимиз,— деди у ерга қараб. Кейин бошини кўтариб давом этди.— У — қўшнимиз. Ўзи батрак, отаси шайх Исмоилнинг қароли эди. Яқинда вафот этди.

— Шундайми?— деди Ҳамза, бошини аста кўтариб, худди ўзига гапираётгандай деди:

— Демак, сиз Санобар экансиз-да?— Дугонангиз Меҳрини танийман. Очиқ кўнгил, шаддод қиз.

— Менинг исмимни қаяқдан биласиз?— деб сўради Санобар ҳайрон қолиб.

— Кимдан билардим, Алижондан билиб олганман. Меҳри тўғри-сида ҳам ундан эшитган эдим,— деди Ҳамза гапни ҳазилга буриб. Лекин ўша заҳоти жиддий тус бериб, Санобарга мурожаат этди.— Синглим Санобархон! Яхши овозингиз бор экан. Сиз ўқишингиз керак, каттакон санъаткор бўласиз. Одамлар кўшиқларингизни эшитиб, ундан олам-олам баҳра оладилар. Дўстлар роҳат қилиб тинглайди, рақиблар қон-қон йиғлайдилар. Хулласи қалом, албатта, ўқишингиз керак... Нега индамай қолдингиз, синглим?

— Ашула айтишимга отам ижозат бермайдилар-да,— деб жавоб берди Санобар ёш боладай хўрсиниб.

— Отам дейсизми?— деди Ҳамза тундлашиб.— Истасангиз, мен у киши билан бир гаплашиб кўрардим. Ўзим ўқитаман дейман. Отангизнинг исмлари нима?

— Шодмонхўжа,— деди Санобар паст овоз билан.— Бироқ у киши кўнмайдилар-да.

Шу пайт узоқдан «Са-но-ба-а-ар!» деган товуш эшитилди. Қиз олазарак бўлиб, типирчилаб қолди.

— Ана, мени чақиряптилар,— деди у маъюслик билан. У ўгирилиб, отасининг овози келаётган томонга жўнаб кетди.

Ҳамза Санобарнинг бир лаҳзада сўлиган гулдай маъюс бўлиб қолганидан ҳайратланиб, кетидан қичқирди:

— Ноумидликка тушманг, синглим, дадил бўлинг! Биз ёрдам берамиз!

Ҳамза Санобарни орқасидан бирпас қараб турди, у муюлишга бурилиб, кўздан ғойиб бўлгач, орқасига ўгирилиб тепаликка кўтарила бошлади. Ҳамза билан Санобар ҳозир бир нафасгина гаплашиб турган жойдан сал нарироқдаги харсанг тагидан ногоҳ Ғиёсхўжа чиқиб келди, Ҳамза билан сўрашиб, унга эргашди. Улар тепанинг энг юқорисига чиқиб олишди. Мақбара пастда қолиб кетди. Ҳамза бир тошга ўтирди, Ғиёсхўжа ҳам унинг ёнига келиб чўкди. Бу ердан мақбара олдидаги текис майдонча яққол кўриниб турар эди. Майдонда одам қайнаб-тошиб ётар, Ҳамза уларга жим тикилиб ўтирарди. Жимликни Ғиёсхўжа бузди.

— Мақбарага қаранг, домла. Қандай ваҳшийлик. Қандай бемаънилик! Халқнинг жоҳиллигидан фойдаланиб, шайхлар уларнинг бор-йўғига қарамай, талашини кўринг. Сўнгги кўйлақ-иштонини ечиб олишдан ҳам тортинишмайди-я, ноинсофлар. Астоғфирулло, астоғфирулло!

Ҳамза Ғиёсхўжага ҳайрон бўлиб қаради.

— Нега ҳайрон бўлаётганлигингизнинг боисини тушунаман, муҳтарам Ҳамза,— деди Ғиёсхўжа айёрона жилмайиб.— Сизнингча мен мақбара орқасидан кун кўрувчи анави шайхлардан биттасиман. Тўғри, мен уларнинг авлодиданман, лекин, шундай деб айтиш мумкин бўлса, мен одатдаги шайхлардан эмасман, мен — қизил, яъни шўро шайхиман.

— Шўро шайхи дейсизми?— Ҳамза қотиб-қотиб кулди.— Шўро эшони! Шўро босмачиси! Улай агар бунақасини кўриш у ёқда турсин, эшитган ҳам эмас эдим. Сиз жуда ҳам аскияга уста экансиз, тақсир!

Ғиёсхўжа ҳам бўш келмади. Ҳамза билан баробар қотиб-қотиб кулди. Кейин жиддий тус олиб давом этди:

— Ҳақ гапни айтяпман, сизга,— деди у.— Мен ўша қизил, шўро шайхиман. Мен шариятни ипидан-игнасига қадар ўргандим, бунинг учун умримнинг ўн йилдан зиёдроқ вақтини Бухоро ва Истамбул мадрасаларининг тупроғини ялаб ўтказдим. Бу даврда нафақат диний таълим олдим, балки ҳарбий билим юртларида ҳам таҳсил кўрдим. Лекин фақат қуръонни ўқибгина кифояланмадим, шунингдек, Маркс ва Энгельснинг «Коммунистик манифестини», Лениннинг «Материализм ва эмпероокритицизм»и ҳамда Сталиннинг «Ленинизм масалалари»ни ҳам ўқиб, мағзини чақдим. Уларни ўзимча тушундим, дин ҳар бир кишининг шахсий иши эканлигини ҳам тушуниб олдим. Мана сиз халолхўр, вазифашунос, интизомкор зиёлисиз... Қани менга айтиб беринг-чи, нима учун мана шу шахсий ишга Шўро ҳокимиятига душманлик кайфиятидаги одамлар раҳбарлик қилишади? Мен Шоҳимардон мақбарасининг муқаддаслигига сиздан ортиқ ишонмайман, халқ ҳозирча унга ишонар экан, бу мақбарага худди мен сингари шайх ва эшонлар керак ва зарур.

— Сиз чиндан ҳам бўлакча шайх экансиз,— деди Ҳамза Гиёсхўжанинг гапини бўлиб. Унинг овозида истеҳзо йўқ эди.— Қизиқ!..

Шу пайт мақбара томондан ваҳшиёна ҳайқириқ эшитилди.

— Нима гап?— деб сўради Ҳамза.

— Мутаассифликнинг навбатдаги ифодаси,— деб жавоб берди Гиёсхўжа, нафратлангандай афтини буриштириб.— Дарвишлар ўз зикрларини бошлашпти. Бугун жума-ку, ахир.

Ҳамза ўрнидан туриб, мақбара томон шошилинич туша бошлади. Гиёсхўжа ҳам индамай унга эргашди.

* * *

Алижон иштонини почасини тиззасигача шимариб олган, пешонасини эски рўмол билан танғиб, ер ағдарар эди. Кетмонини ерга ҳар урганида бўғзигача кириб кетар, тош-шағал аралаш тупроқни орқа томонга отарди. У терлаб кетган, бадани офтобда қорайиб, бўртиб чиққан мушаклари мисдай йилтилларди.

Даланинг этак томонидан Омонтой унинг олдига халлослаганича югуриб келди. Дўсти билан «Ҳорма, бор бўл» қилди-да, унга маъюс тикилди.

— Фалокат, Алижон, фалокат!— деди. Алижон унга савол назари билан қаради. Омонтой ҳаяжондан бўғилиб, унга узук-юлуқ қилиб тушунтирди:

— Мияси ачиган чол Шодмон ака Санобарни шайхга назир қилар эмиш...

Алижон кетмоннинг сопига суянганича, бир зум ганғиб қолди.

— Бу чол миясини еб қўйганга ўхшайди, кўра-била туриб, қизини ўтга ташламоқчи, энди нима қилдик, дўстим? Бирон маслаҳат берсанг, деб келдим. Санобарнинг шўри қурийдик-ку, ахир.

— Эҳ, пешонам шўр экан, ошна! Бир ташвишдан қутилмасимдан иккинчиси таппа босади,— деди Алижон Омонтойга бирон нажот топ, дегандай мўлтираб.

Омонтой бир лаҳза ўйланиб қолди, кейин бошини кўтариб, Алижонга қаради.

— Бугун шайхларнинг ҳаммаси шу ерда, дарвишлар ҳам галалашиб келишган,— деди-да, кейин ўйчан ҳолда қўшиб қўйди.— Жуда мушкул...

Алижоннинг тарвузи қўлтигидан тушиб кетди, бирдан-бир яқин одамидан бу дудмал гапни эшитиб, бошини ерга солганича кетмон

дастасига суяниб ўтириб қолди. Омонтой Алижоннинг бу аянчли аҳволдан эзилиб кетди. Шу пайт бирдан Алижонга хитоб қилди.— Йигитларимизни чақириб кел, маслаҳатлашиб, бирон чорасини топамиз!

Алижоннинг ҳафсаласи пир бўлиб, қўлини силтади.

— Ҳеч ким йўқ. Ҳаммасини хўжайинлар ҳар томонга юмуш билан юборишган. Бири тоққа, бири бозорга, яна бири бошқа ёққа кетган... Қишлоқда уч-тўрт киши қолган, холос...

Лекин Омонтой жуда қизишиб кетган, шайхларга нисбатан кўнглида мавж урган тугённи ҳозир ҳеч қандай куч босолмас эди. У Алижонга буюрди:

— Бари бир. Болаларни йигиб келавер... Қани, тез бўл! Қўлни қовуштириб, қараб ўтирадиган пайт эмас ҳозир, кейин кеч бўлиб қолади...

Ўн тўртинчи боб

Назр

Шодмон хўжа шайхнинг ҳузурига шошилди.

— Тақсирим!— деди у шайх Исмоилга, пешонасига тап этиб уриб, кўзлари пир-пир учиб.— Наҳотки ёруғ дунёда юриб-юриб этиб келган жойим шу бўлса... Арзимга қулоқ беринг, қулингизнинг додига етинг. Мен бу ерга қизим Санобарни олиб келдим. У олдинлари жуда мўмин-қобил эди. Сира измимдан чиқмасди. Энди бўлса, унга нимадир бўлган, ҳар хил бўлмағур васвасаларга берилиб, мени ташвишга солиб қўйди. Илгари ундан хотиржам эдим, ҳозир бетинч бўлиб қолдим, назаримда унга алвастиларнинг сояси тушганга ўхшайди... У бир қарасанг, паранжини ташлаб, очилмоқчи бўлади, бир қарасанг, ашулачиликка ўқимоқчи бўлади. Бир шаҳарга бориб театрга кираман, дейди, бир... хуллас, сал кунда ўзбошимча бўлди-қолди... Ножот истаб сизга олиб келдим...

Шайх Исмоил «бу ишни яхши ўйлабсан» дегандай бошини силкди.

— Жуда яхши ўйлабсиз, Шодмонхўжа,— деди шайх, юзига улурворлик, кўкрагига савлат бериб. Сиз хўжа авлодисиз,— сўзида давом этди у.— Қизингизнинг имонига шайтони лаъин чанг солибди, уни эшон ойи ҳузурида қолдиринг. Бирон ҳафта ўқитиб, дам солдирайлик, шояд ўзига келса. Дуога шак йўқ, дейдилар. Албатта, шайтоннинг шаръидан халос бўлғусидир, чиққан қиз-чизиқдан нари, бирон мўмин-мусулмонга узатиб юборсак, сизу бизга савоби тегади,— деди у ва лаблари пичирлаб юзига фотиҳа тортди.

Шодмонхўжа икки букилиб, шайхнинг барини кўзига суртди. Илонга ром бўлган чумчуқдек жим бўлиб қолди. Шайхнинг юмшоқ муомаласидан таъсирланиб кетиб, кўзида ёш ҳалқаланди:

— Раҳмат, мендан қайтмаса, худодан қайтсин, пирим.

— Нима қиялсиз, ота!— деди бунинг устига этиб келган Ҳамза Шодмонхўжага қараб.— Кўра-била туриб қизингизни ёниб турган ўтга ташлаяпсиз-ку!

Шодмонхўжа унга эътибор бермади.— Хўш, юзи очиқ бир қиз эркаклар олдида қилпиллаб турсинми? Сизга шу маъқулми? Йўқ! Бундан кўра қизнинг ўлгани яхши!— деди у Ҳамзага ўшқириб. У ўзининг ишидан ғоятда мамнун эди. Шайх Исмоилнинг ишораси билан қизни бир тўп паранжили аёл қуршаб олди. Бу ҳодисанинг устига этиб

келган Омонтой ўзи бошлаб келган одамлар орасини ёриб олдинга ўтди.

— Бу ишга нега аралашдингиз, домла,— деди қишлоқ шўросининг раиси Валихон Ҳамзага қараб.— Бу шахсий иш. Бунга аралашингиз маҳаллий ҳукуматга ваколат берилмаган. Шайх Исмоилхўжа покиза, кишиларга яхшилик тилайдиган бир хоксор одам... Ҳамма учун ота, бузруквор.

— Ота!— деди Алижон Шодмонхўжанинг олдига яқин бориб, ўнгирдан хезланиб чиққан йўлбарсдек ўкириб.— Санобарни қайтариб олинг! Кейин пушаймон бўласиз!

— Наридан тур, дуойи бад қиламан, бола!— деди Шодмонхўжа кўзлари қинидан чиқай деб.— Бунинг сенга даҳли йўқ. Мен қизимни рост йўлга қайтармоқчиман...

Алижоннинг ичи шиг этиб кетди, ўзини Санобар томон отди, би-роқ шайх Исмоилни ўраб турган ҳар бири девдай-девдай келадиган бир тўп йигит уни худди сув юзида қалқиб юрган хас сингари орқага суриб ташлади. Батрақлар Алижоннинг ёнини олишди: Омонтой олдинга чиқиб оломонга қараб хитоб қилди:

— Бу қандай бедодлик, ахир! Бизнинг Шоҳимардонда Шўролар ҳукумати борми ўзи?— у, ўзи томон муштани дўлайтириб келаётган йигитни ёқасидан шаппа ушлаб, бир-икки силтади-да, даҳанига мушт туширган эди, у чалпакдай бўлиб йиқилди.

Ҳамза ҳам қизишиб кетган эди. Олдида турган Валихонни дағаллик билан четга туртиб, йўл очди-да, шайхнинг олдига яқин борди.

— Шайхим! Ҳеч бир лочин қанотида каптар тухуми илиган эмас. Қизни озод қилишингизни маҳаллий ҳукумат номидан талаб қиламан. Уни отасига қайтариб беринг, уйига олиб кетсин!— деди у шиддат билан. Лекин шайх худди чўнг қоядек «қилт» этмади. У ўзига хос салмоқ билан Ҳамзага қараб:

— Муҳтарам шоир, сизнинг эътиқодингиз, имонингиз, йўлингиз бошқа. Уз йўлингиздан қолманг. Биз сизнинг ишингизга даҳл қилаётганимиз йўқ. Сиз ҳам бизнинг диний урф-одатларимизга даҳл қилманг, оқибати яхши бўлмайди,— деди мулоимлик билан. Кейин пилигини сал баланд кўтариб, илова қилди.— Сиз ёшликда қандай бўлсангиз, ҳалиям ўша-ўша, чўрт кесар, ўжар, қизиққонсиз. Сизга худо инсоф бермади-бермади. Бу қиз, ўқишни ҳавас қилган. Аёл кишига ўқишни буюрмаган. Бу шариятда йўқ.

Ҳамзанинг хаёлига бир яхши гап келди чамаси, маъноли қилиб жилмайиб қўйди. Шайхга қараб истеҳзо билан кулиб туриб:— Бор, шайхим, бор! Мана, эшитинг қуръонда нима деб ёзилган:

«Талабул илму фаризатун ало кулли муслимун ва муслимотун». Яъни: Ҳар бир муслим ва муслимага ўқимоқ фарздор. Бу оятни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Лекин амал қилмайсиз, шайхим,— деди Ҳамза.

Шайх жимиб қолди. Лекин бу йиғилган оломоннинг кўз олдида таслим бўлиш ўзининг шаънига муносиб келмаслигини ўйлаб, муқаддас мазорни пеш қилиб, юқоридан келишга тиришди:

— Кимки бу муборак даргоҳга, унинг шаънига даҳл қилса, жувонмарг бўлур,— деди у. Шайхнинг овозида босиқ насиҳат оҳанги билан аллақандай таҳдид, ғазаб, интиқом садолари ҳам бор эди.

У пичирлаб юзига фотиҳа тортди. Оломон ичидан кўпчилик унга эргашди, ғалаёнга келди. Қандайдир бир йўғон одам оғир пишиллади, овозлар гулдурлади. Шайхлар, дарвишларга эргашган мутаасифлар Ҳамза ва унинг атрофини ўраб турган батрақларни суриб, бир чеккага қисиб қўйишди. Улар пастликка қараб чекиниб боришар экан, юқоридаги қутурган оломон ичидан ғазабнок овозлар эшитилди:

- Уларни янчиб ташламоқ керак!
- Қоядан пастга улоқтириш керак!
- Тошбўрон қилинсин!
- Бизни тинч қўй, келган жойингга кет!..

Шу пайт бир аёл оломон ичидан пар-парондек отилиб чиқиб, ўзини Ҳамзага ташлади. Қад-қомати келишган, гоятда хушбичим, дид билан кийинган, қишлоқдаги аёллардан бутунлай ажралиб турарди. Бу — Саодат эди. У, Ҳамзанинг қўлидан маҳкам ушлаб олди-да, уни жон ҳолатда четга тортқилаб, ёлвора бошлади.

— Бу нима қилганингиз, Аббосхон? Муқаддас мазорга тил теккизишга қандай ботиндингиз? Вой ўлмасам, энди нима бўлади? Ахир деворни пешона билан уриб, қулатиб бўлмайди-ку?.. Тавба қилинг, Аббосхон? Дахмага бош эгинг. Орадаги муҳаббатимиз ҳаққи, тавба қилинг, жонгинам! Худо кўрсатмасин, яна бирор кор-қол бўлиб юрмасин. Буларга тенг келиб бўлармиди?! Яхшиси, тавба қилинг-у, балодан қутудинг!.. Уларнинг авзондан қўрқиб кетяпман... Мени десангиз, тавба қилинг!

Саодат нима деб жавраётганини, эрини нега буйдалаётганини ўзи ҳам сезмасди. Икки гапнинг бирида: «тавба қилинг!» дерди. Эрининг гуноҳи нима, дахмага қандай қилиб тил теккизди, шайх билан нимани талашди — билмас, балки билишни истамас, бунга фурсати ҳам йўқ эди. У ўкраб йиғлаб юборди.

Ҳамза Саодатдан буни сира кутмаган эди. Унинг кейинги беш-олти кун ичида бунчалик ўзгариб кетганини ақлига сиғдиролмай, лол бўлиб қолди, боши айланиб, кўзи олдини қоронғилик босди. Хаёлида аллақандай хунук бир манзара намоён бўлиб, ҳамма нарса ундан кулаётгандек туюлиб кетди.

Тепаликдаги хонақоҳ, мазор, дахма, гумбаз устидаги туғлар, қўч-қор шоҳлари... азим туп чинор шоҳларига илиб ташланган хилма-хил латта-путталарни силкиб қаҳ-қаҳ урди. Бу қаҳ-қаҳни шамол тоғлардан учириб олиб кетди ва одамларнинг кўнглига ғулу, ваҳм солди... Йўқ, мазор саҳнидаги азамат чор чиноргина эмас, унинг бир-бирига айқашиб кетган шох-бутоқларига одамлар илиб ташлаган ўша латта-путталар ҳам шамолда биланглаб арғимчоқ учиб, ундан кулди, масхара қилди...

Кейин унинг кўзи ногоҳ хонақоҳ пешайвонга тушди. У ердан узун чопон кийган эчки соқол, юзлари ажина қошиқдек кичкина одамлар қўлида тасбеҳ, муштдек бошларида қозондек салла, кимгадир қўлларини бигиз қилиб, уни лаънатлашди, соқолларини тутамлаб қаҳ-қаҳ уришди. Улар бирдан баҳайбат дев қиёфасига кириб, кула бошлашди. Уларнинг бу қаҳ-қаҳаси тоғу-тошни қарсиллатиб, ларзага келтирди... Шундан кейин ҳаммаёқ сув қуйгандек жим-жит бўлиб қолди...

Ҳамза ўзига келди. Уни Саодатнинг ҳалиги сўзлари карахт қилиб қўйган эди. У, Саодатга бир ўкрайиб қўйди. У ҳеч вақт хотинига бундай қарамаган эди.

— Уялсанг бўлмайдим... Бу муттаҳамларга қандай жин уриб, ишона қолдинг. Йўқ, улар олдида биз эмас, янги турмуш олдида шайхлар қалтирасин, унинг ҳукмига бўйсунсин! Улар билан ҳали кўп дуч келамиз. Ҳозир уларга кўр-кўрона ишониб, алданиб юрганларнинг кўзлари очилади, ҳақиқат қайси томонда эканлигини кўриб, биз томонга ўтишади.— Ҳамза узоқ-узоқларга тикилган ҳолда ҳаяжон билан қизишиб сўзлар эди.— Ҳа, Саодат, кимки Шўро ҳукуматини севса, кимки уни деса, биз томонга, албатта, ўтади. Биз эмас, улар тавба қиладилар. Чунки бу мазор хилватларида ҳозирча яшириниб турган сон-саноқсиз қаттиқ жиноятлари шундай фош бўладики, эл-юрт олдида ерга қараб қоладилар ҳали улар!.. Деҳқонларнинг жон-жонига

амбур солиб, қонларини сўрадиганлар мана шулар-ку, Саодат! Устод Максим Горький таъбири билан айтсам, булар темир чангаллари билан эл-юртнинг кўксига қўл солиб ёмонлик уруғини сепяптилар, энди ундан шафқат эмас, қаҳру ғазаб кутсинлар!

Ўн бешинчи боб

«Қизил шайх»нинг қора нияти

Кеч кирган. Мақбара олдидаги майдончада одам сийрак. Мўъжизали тут дарахти тагида Саодат мунғайиб, паранжига ўралган ҳолда хаёли тарқоқ йиғлаб турибди, ранги оқара тушган, шахло кўзларидаги қора олов сўнган, гавдасида сўниқлик, мусибатзадалик кўринар эди. Унинг олдига Фиёсхўжа оҳиста юриб келди. Унга ачинган бўлиб, бир неча дақиқа қараб тургач, овозини пасайтириб овутишга тушди.

— Узингизни қийнаманг, синглим,— деди у атрофга олазарак қараб олиб.— Ҳаммаси яхши бўлиб кетади... Эркак ҳамма вақт эркаклигини килади... Жаҳл чиқса, ақл кетар, дейдилар. Қўйинг, хафа бўлманг. Тахтидан тушиб, ҳовури пасайиб қолади.

— Энди нима қиламиз,— деди Санобар ички бир тўлқин билан уҳ тортиб.— Ҳамзага бир нима бўлмасайди деб қўрқаман... Шундоқ муқаддас жойни, шайхни менсимаслик...

— Ишга хотин киши аралашдими, эркак киши эсини йўқотади. Ташвиш тортманг, ҳурматли Ҳамза ака унақа анойи эмас, ўз ишига пишиқ одам, ақлини йиғиштириб олади, мени айтди дейсиз.

Фиёсхўжа бир лаҳза жим бўлиб қолди-да, айёрона илжайиб қўйди, кейин тагдор қилиб давом этди.— Шоҳимардоннинг қизлари қурсин, булар қиз эмас, асли пари дейишади. Тошдан-тошга сакраб ўсган қизларда, булар. Ҳусн, бичим, латофатни йиғиштириб шуларга берган... Бир бор кўрган йигитнинг юрагини така-пука қилиб юборишади.— Фиёсхўжанинг бу гапларни айлантиришидан муроди Шоҳимардон қизларини мақташ эмас, балки Саодатнинг юрагига шубҳа уруғини ташлаб қўйиш учун йўл очиш эди. У ўзинча ана шу йўл очилди, деб ўйлаб уруғни усталик билан ташлади.— Айниқса Санобар...

Саодат унга ҳайрон бўлиб қаради. Фиёсхўжа уруғ ўз жойига тушмади, хаёл қилиб, эҳтиёткорлик билан уни мўлжал томон сура бошлади.

— Ҳеч хавотир қилманг, ташвишланманг ҳам. Улар қанчалик пари бўлмасин, сизнинг тирноғингизга ҳам арзишмайди!.. Ҳамза аллақандай ялангоёқнинг қизини деб сиздан кечармиди?!

Саодат сергак тортиди. Шахт билан бошини кўтарди. Фиёсхўжа уруғни ўз жойига суриб олиб қўйган эди.

— Қанақа қизини айтяпсиз? Нималар деяпсиз ўзи?.. Ҳеч нарсага тушунмаяпман,— дея сўради Саодат, таъби хира бўлиб.

— Ҳеч нарса деяётганим йўқ. Фақат сизни овутияпман, шубҳаларингиз беҳудалигини эслатиб қўяяпман, холос. Лекин Шодмонхўжанинг қизи чиройли бўлгани билан сизчалик эмас.

— Шодмонхўжанинг қизи? Унинг нима алоқаси бор бунга?

— Ахир ҳамма жанжал ўшандан бошланди-да. Ҳали хабарингиз йўқмиди бундан? Уша куни шайх Шодмонхўжанинг қизи Санобарни эшон ойимнинг ҳузурда қолдиришга амр қилганларида, эрингиз у зот-бобаракот билан айтишиб қолдилар-да. Ушани деб сал бўлмаса ҳаммамиз тошбўрон бўлиб кетаёздик-ку, ахир. Бу ёғини сўрасангиз, у

қизни отаси шайхга назр қилди, ўртоқ Ҳамза бунга қаршилиқ кўрсатиб, жанжал кўтардилар... Бор гап шу, холос. Ҳа, айтмоқчи, тоғда ҳам улар атайлаб эмас, мутлақо тасодифан учрашиб қолишган...

Ғиёсхўжа уруғ жойига ўрнашиб, илдиз отишга шароит яратарди. — Ҳамза акани Шодмонхўжанинг қизи билан тоғда учрашган, дедингизми? — Саодат ҳаяжонланиб сўради. Унинг томоғига бир нарса келиб тиқилди. Бошқа гап айтолмай Ғиёсхўжага ғилтиллаб қараб қолди.

— Одамларнинг гапи бу... Аммо лекин ўртоқ Ҳамза табиатан ҳушчақчақ, соҳиби жозиба одам эмасми, ким билан сўйлашмасин, унинг нозик таъби, хуш фаросати, озода такаллуми, баланд диди суҳбатдошини дарҳол мафтун қилади-қўяди, қизиқ-қизиқ гаплари билан ичагини узгудек кулдиради. Бир куни Санобарни учратиб, ўзи танбур чалиб, унга ашула айттирган экан, ўшани айтган бўлишса керак. Лекин мен аминманки, улар тасодифан бир-бирларига дуч келиб қолишган. Сизга мана шуни айтиб қўймоқчи эдим...

Ғиёсхўжа ташлаган уруғ туп қўйиб, палак ёза бошлаган эди. Саодатнинг юзида акс этган ўзгаришдан Ғиёсхўжа муроди ҳосил бўлганини кўрди-да, бу ёғини пардалашга ўтди.

— Нега безовталанасиз, ҳар нарсага ҳам шубҳалана бериш яхши эмас. Домла Ҳамза ўша қиз билан тез-тез учрашиб турган бўлганида хавотирлансангиз бўларди. Бунга менинг ақлим сира бовар қилмайди. Шуниси ҳам борки, ўртоқ Ҳамза бу ерда муқим турмасалар керак. Чунки у кишини янада баланд мартабаларга чақириб олишади.

Саодат қулоғи Ғиёсхўжада, лекин ўзи қалбида талашаётган бир-бирига зид туйғулар ҳукмига ихтиёрини топширган, ўй сурарди. «Эри Ҳамза бу мазорда нима ишлар қилади. Саодат ота-онасига нима дейди. У йўлдан озиб, ножўя ишлар қилиб юрган бўлса, Саодат қариндош-уруғларининг кўзига қандай қарайди. Эл олдида нима деган одам бўлади? Ҳамза айтганидан қайтмайдиган, чўрткесар одам. Салга ёниб кетади. Наҳотки, шундоқ садоқатли эри хиёнат йўлини тутса?!»

Бу ўй, бу шубҳа кўнглининг бир чеккасини хира қилиб қўйди. «Худо, ўзинг унга инсоф бер... йўлдан оздирма... имонини саломат сақла!» деди фикран. Шу пайт қулоғига Ғиёсхўжанинг овози эшитилди. У ҳамон давом этарди.

— Шоҳимардондан кетдилар дегунча, аллақандай Шодмонхўжанинг қизи Санобарни унутиб юборадилар. Сиздай хотинлари туриб, унга кўнгли қўйишларига ҳеч ақлим бовар қилмайди. «Гулдай ғижимлаб кўксига тортадиган чоғи бор Ҳамзанинг» деб қўйди ўзига-ўзи бо-тинан.

— Ҳали Ҳамза билан Санобар тоғда учрашиб турган денг? — деди Саодат бутунлай бўшашиб.

— Бу фақат миш-миш холос. Лекин бир марта учрашишганини ўзим кўрдим. Бир соатми, бир ярим соатми у ёқ-бу ёқдан гаплашишди-да, ўз йўлларига кетишди. Бошқа ҳеч гап бўлгани йўқ.

Саодат орқасига секин ўгирилди. Худди яраланган кийикдай гандираклаб, тепаликдан пастга қараб йўл олди. Унинг қалбида қарама-қарши шубҳалар бир-бири билан талашар, унда бир томондан, Ҳамзага нисбатан адоватга ўхшаш аллақандай туйғу бош кўтарса, иккинчи томондан, уни қизғанар эди. Қишлоқ томон тушиб борар экан, миясидан: «Ҳамза наҳотки менга бевафолик қилса?!» деган гап ҳеч нари кетмади. Кейин бунга зид тушунчалар бирин-кетин хаёлидан ўтди. Ҳамза чинакам вафодор, ҳалол рафиқ, қадрдон дўст бўлиб гавдаланади. Бу хаёлотлар орасида Санобар ҳам аҳён-аҳёнда пайдо бўлиб қолар, у пайдо бўлди дегунча Ҳамза Саодатнинг назаридан узоқ-узоқларга чекиниб кетар, узоқдан туриб уни масхаралагандай илжайиб қўярди.

«Иўқ,— деди Саодат ўзи билан ўзи баҳслашиб.— Ҳамза меники! Бедов шоиримни ҳеч кимга бермайман!» Шу пайт Саодат кимгадир туртиниб кетди. То у ўзини ўнглаб олгунича ҳалиги одам «Кўзингга қараб юрсанг бўлмайдами!» дегандай бир ғалати қараб қўйди-да, пастликка қараб, сакраб-сакраб тушиб кетди. Саодат ўзини қўлга олиб, эҳтиёткорлик билан жадаллар эди. «Номарднинг хотини бўлгунча, марднинг беваси бўл» деган сўз қулоғида такрор-такрор жаранглади. У пастга тушиб олгач, уйига қараб илдам қадам ташлаб кетди. Дарани тун пардаси ўз оғушига ола бошлаган эди, Саодат тор ва қинғир-қийшиқ йўлакка бурилди. Муюлишдан ўтгач, қишлоқ майдончасига чиқди. Майдончанинг чеккасида бир тўп одам ўртасида турган Ҳамзага кўзи тушиб, у томон югурди, аммо шу лаҳзада ўймакор эшикдан эгнида оқ камзул, бошида каттакон салла, қўлида ҳасса, баланд бўйли бир мўйсафид чиқиб, деярли, унинг йўлини тўсиб қолди. Саодат уни таниб, икки букилиб салом берди, у алик олди. Бу — шайх Исмоил эди. У таъзим қилиб турган Саодатга мулоимлик билан насихат қилди:— Қўнғилни ғам юки босган пайтда, уни астойдил ибодат қилиш билан енгил қилиш мумкин. Эсингда тут, қизим, агар ғам-аламлардан фориг бўлишни истасанг, ибодат қил, иншооллоҳ ҳазрат Алининг арвоҳлари сени қўллағай.

Саодат яна пастроқ эгилди. Шайх унинг олдидан виқор билан ўтиб кетди, бўм-бўш кўчадан сал юриб бориб, зулмат қўйнида кўздан ғойиб бўлди.

Саодат майдончада тўпланиб турган одамлар олдидан ўтиб кетаётган эди, ногоҳ Ҳамзанинг овозини эшитиб қолди.

— Дўстлар, Тошпўлатингиз ҳалок бўлган. Душманнинг қўли Шоҳимардондан Самарқандгача етиб, уни хилват жойда хоинона ўлдирган. Дўстингиз ўртоқ Охунбобоев билан учрашолмаган. Лекин сизларнинг иккинчи мактубингиз Охунбобоевга етиб борган. У киши ҳаммасидан хабардорлар, сизларни қўллаб-қувватлайдилар. Биз фирқага суюнамиз. Келинг, тақдиримизни қандай қилиб ўзгартириш ҳақида биргалашиб ўйлаб кўрайлик, қандай чораларни амалга ошириш юзасидан бир қарорга келайлик.

Унинг атрофида турган одамлар яқдиллик билан бу фикрни маъқуллашди.

Саодат тез-тез юриб, нафаси оғзига тикилиб уйига кириб кетди.

Ўн олтинчи боб

Саодатнинг раҳки

У йнинг полига бўйра, бўйра устидан эски йиртиқ кигиз тўшаб қўйилган бўлиб, ўртадаги хонтахта устида қўлёзма ва нота қоғозлари тахланиб ётарди. Бурчакка икки томонига пишиқ ғишт териб, устига бир эски эшик ва бир неча тахта ётқизиб, каравот қилинган. Хонанинг иккинчи бурчагига узун тахта қоқиб, тахта устига дасталаб китоб терилган. Саодат каравотда мунғайиб ич-этларини еб ўтирарди. Вақт алламаҳал бўлиб қолган. Бешинчи лампа милтиллаб ёниб турибди. Шўъласи ҳам Саодатнинг кўнглидай хира. Унинг юрагини алам ғижимлаган, хаёлкаш кўзларининг таги хиёл кўтаринқираб салқиган эди.

Бир маҳал Ҳамза кириб келди. У миқ этмай маъюс ўтирган Саодатга ўпка билан индамай қараб қолди. Кейин хонтахта олдига бориб, кигиз устига секин ўтирди-да, унга тикилиб туриб, чақирди.

— Саодатим!

— Лаббай, Ҳамза ака!— деб мулойимлик билан овоз берди. Саодат.

— Нима учун индамайсан?

— Нимани ҳам гапирай?— деди у аввалгидай секин жавоб қилиб.

— Гаплашадиган гапинг йўқми?

Орага оғир жимлик чўкди. Бир фурсат ўтгач, Ҳамза давом этди:

— Мен бир нарсага тушунмаяпман. Уша куни мени бу эскилик маразлари билан яраштиришга қандай кўнглинг борди? Шайх Исмоилга тавба қил дединг-а?

— Бундай қаттиқ кетмаслик керак эди, азизим,— деди Саодат ёлбориш оҳангида.— Ахир шайх Исмоил авлиё одам-ку!

— Авлиё одам эмиш,— деди Ҳамза заҳархандалик билан.— Бу авлиё 1922 йили ҳазрат Алининг мана шу муқаддас мақбарасига ўт кетганини сенга айтган эдим-ку!

— Ишонмаганман, у тухмат эди. Бундай бўлиши мумкин эмас, Ҳамза ака,— деди Саодат, эрига илтижо билан тикилиб.— Сиз авлиё шайхни фақат ёмон кўриб қолгансиз. Шунинг учун ҳам бу ёлғон гапга ишонгансиз.

— Ахир буни мен ўз кўзим билан кўрганман. Шоҳимардондаги истаган одамингдан сўраб кўр, шайх Исмоилнинг фатвоси билан мақбарага ўт қўйилганини ҳаммаси айтиб беради. Мақбара ичида ўшанда қирқ саккизтача қизил аскар бўлган. Дўстимиз Степан Соколовни ўт ичидан ўзимиз тортиб олганмиз. Бу «авлиё» одам тусидаги ялмоғиз қирқта навқирон йигитнинг умрига зомин бўлган... Ишонмасанг Соколовнинг ўзидан сўраб кўр.

Саодатнинг оғзи очилиб қолди. У икки кафтини бирлаштириб, унга энгагини қўйди-да, Ҳамзага қаради:

— Наҳотки, бу рост... Шу иш шайхларнинг қўлидан келган бўлса... Шундай азиз жойни-я?!

Ҳамза, ўрнидан туриб, каравотнинг олдига борди, Саодатни белидан кучиб, ўзига қаратди.

— Тентаккинам, ҳали кўп нарсага тушунмайсан. Мен учун сендан яқин, суюкли, меҳрибон, одам йўқ оламда. Сен бўлсанг, мени шундай хафа қилдингки... Худди елкамга ханжар ургандай бўлдинг... Шайхларнинг олдида тавба қил, деганингда шундай уялдимки, сени мутлақо танимай қолдим. Курашчи, инқилобчи шоирнинг рафиқаси бўла туриб, авлиёлликни даъво қилиб турган маразлардан қўрқдингми? Алам қилар экан кишига, шайх Исмоил разолатнинг ўзи-ку, ахир. Унинг сиртига, бошидаги салласига ишонма. У ғирт муттаҳам одам.

— Менга осон тутманг, Ҳамза акажон!.. Сизга бўлган соф муҳаббатим туфайли қилдим бу ишни. Сизни қизганганимдан қилдим!.. Дуо-ибад қилмасинлар, деб қўрқдим. Бу шайхлар ҳазрат Алининг авлодлари дейишади. Қандай қилиб ишонмай уларга. Сиз бўлсангиз...— Саодат икки қўлини кўксига қўйиб, деярли қичқириб юборди.— Ахир ким ҳақ? Қимга ишонай?!

— Биз ҳақмиз, жонгинам,— деб қатъий жавоб берди Ҳамза.— Биз! Мен, Степа, Алижон... яна ўртоқ Охунбобоев. Энг катта ҳақиқат — бизнинг фирқамиз! У менга халқнинг кўзини бўяб кун кўрувчи барча текинхўрларга, жоҳилларга, жаҳолатга қарши курашмоқни буюрган.— Сен — менинг севикли рафиқам, энг яқин, энг ишонган ўртоғим ва дўстгинамансан. Шундай бўлгач, қўрқоқ бўлишинг, менинг ёнимни олмаслигинг мумкин эмас. Сен менга ёрдамчи бўлишинг лозим.— Ҳамза бир лаҳза ўзини босиб олди-да, Саодатга энтикиб пичирлади:— Сенсиз менга жуда мушкул бўлади.

Саодат Ҳамзага қараб, унинг кўзларига тикилди. Улардан бирон хиёнат белгиларини излади. Лекин истаган нарчасини тополмади. Бу кўзлар Саодатга эҳтирос билан қараб турар, уларда самимий туйғулар аксланарди. Шундай бўлса ҳам; Саодат гапни узоқдан айлантирди.

— Сиз учун чиндан ҳам ҳаммадан азизманми? Мендан бўлакни демайсизми? А? Ростини айтаверинг, Ҳамза ака!..— деди у кўзлари намланиб.

Ҳамза бундай сўроқни кутмаган, буни хаёлига ҳам келтирмаган эди. У ҳайрат билан хотинига қараб қолди.

— Албатта, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Сени қанчалик севишимни биласан-ку, ўзинг ҳам. Ё бирор шубҳанг борми?— деди ҳаммон гапнинг тагини тушунмай.

— Санобар-чи?

— Санобар?— Ҳамза ҳайрон бўлиб сўради.— Нечун сўрадинг Санобарни. Унинг нима гуноҳи бор экан?

— Тоғда у билан ўйнаб юрганингизни кўрган одамлар бор экан...

— Тасодифан учрашиб қолдим. Хабаринг бор, азизим, у қизнинг бошига оғир кулфат тушган...— Хотинининг ишончсизлик билан қараб турганини кўриб, Ҳамза қизишиб кетди.— У онасидан санъаткор бўлиб туғилган. Унинг ажойиб овози бор. У жуда истеъдодли қиз!..

Шу пайт эшик тақиллаб, гап бўлиниб қолди. Ҳамза каравотдан туриб, хонтахта олдига борди. Кейин овоз берди:

— Кираверинг, эшик очиқ.

Остонада Омонтой кўринди. У кичикроқ, дағалгина қилиб ишланган стол кўтариб олган эди. Унинг орқасидан Алижон иккита курсича олиб кирди, уларнинг кетидан Қамбарали қўлида «чақмоқ» тамғали чироқ билан кириб келди.

— Буларни қаердан топдиларинг?— деб сўради Ҳамза ҳайрон бўлиб.

— Устол Алижонники, курсичалар менга қарашли. Булар биздан кўра сизга зарурроқ. Хонтахтадан кўра, устолга ўтириб ёзиш қулайда, ахир. Шу арзимаган совғамизни қайтармай қабул қилсангиз-у, бемаҳалда келганимиз учун бизни маъзур тутсангиз,— деди Омонтой столни девор тагига ўрнаштириб қўяр экан.— Лампани менинг хўжайиним Гиёсхўжа бериб юборди,— деб қўшиб қўйди Қамбарали.

— Бекорга овора бўлибди хўжайининг, ошнам,— деди Омонтой ҳазиллашиб.— Лампанинг ҳам бир амалини ўзимиз қилар эдик. Шайх лампасининг ёруғи Ҳамза акамга тўғри гапларни ёзишга ҳалақит бермаса дейман-да.— Йигитлар ҳаҳолаб кулиб юборишди.

— Халақит бермайди,— деди Ҳамза кулиб.— Чунки лампани рус ишчилари яшашган, унга Боку лампамойини қуйсак, тўғри ёритадиган бўлади. Сизлардан жуда миннатдорман, дўстлар.

Қамбарали тахта устидаги китоблар олдига чўкди.

— Вой бўй, мана бу китобларни қаранглар,— деди дўстларига юзланиб.— Кейин Ҳамзадан сўради.

— Шуларнинг ҳаммасини ўқиб чиққанмисиз-а?

— Кўп китобларни ўқиб чиққанман. Булар энг кераклилари, холос.

У Қамбаралининг ёнига ўтириб, китоблар орасидан учтасини олди. Уларни Қамбаралига кўрсатиб,— мана бу учтасини ҳаммасидан ҳам яхши кўраман, буларни қайта-қайта ўқисанг ҳам, яна ўқигинг келаверади,— деди.

— Уларни ким ёзган?

— Мана буниси,— Ҳамза қалин муқовали, тош босмада босилган

китобни кўрсатди,— Алишер Навоийники, бу улуғ рус шоири Пушкинники, бунисини Владимир Маяковский ёзган. У ҳозир тирик, Москвада ишлайди. У билан учрашиш орзусидаман,— деб қўйди Ҳамза.

— Бу ўрис шоирларининг ёзганлари сизга манзур бўлса керакки, сиз бу китоблардан сира ажралмайсиз, шундайми?— Қамбарали Ҳамзага ҳаваси келиб сўради.

— Уқиш, ёзишни ўрганиб олганингиздан кейин, сиз ҳам севиб қоласиз, уларни, яхши йигит,— деди Ҳамза Қамбаралининг елкасига қўлини ташлаб.

Ҳамза Қамбарали билан бўлиб, Омонтой билан Алижонни унутиб қўяёзган эди, китобларни жой-жойига қўйди-да, ўрнидан туриб, стол олдига борди.

— Нега тик турибсиз, дўстлар, ўтиринглар,— деди уларни курсига таклиф қилиб.

— Сизни чарчатиб қўямизми деб қўрқаман, Ҳамза ака,— деди Омонтой. Бошқа куни келсак...

— Йўқ, йўқ, у гапни қўйинглар. Ўтиринглар,— деди Ҳамза уларни чин кўнгилдан ўтиришга таклиф қилиб.

— Тошпўлатнинг ўлгани биз учун жуда оғир мусибат бўлди-да,— деди Омонтой курсига ўтириб.— Сиз унинг хонасидан ярим шиша арақ топишибди, дедингизми? Лекин Тошпўлат бу нарсани ҳеч қачон оғзига ҳам олмаган эди.

— Ўртоқ Охунбобоевнинг шубҳаларига кўра, сизларнинг иккинчи хатингизни ҳам кимдир қўлга туширишга уринган. У киши бу ишни текширишни жуда ишончли ўртоқларга топширганлар.

— Тошпўлат тоға ўлса ҳам хатни бировга бермабди-да,— деди Омонтой анча жимликдан кейин хўрсиниб.— Хатимизни ўртоқ Охунбобоев ўқибдиларми, ҳар қалай?

— Ҳа, ўқидилар,— деб тасдиқлади Ҳамза.— Мени сизларнинг олдингизга юбораётганлари, ўқиб кўр, деб хатни менга ҳам бердилар.

— Аттанг, Тошпўлат тоға энди йўқ. Агар у бўлганида, сизга кўп ёрдами тегар эди, кўрган-билганларини сизга айтарди,— деди Омонтой афсусланиб.

— Ҳаммасини менга айтган, биламан,— деди Ҳамза.

— Ахир сиз уни учратмагансиз-ку,— таажжубланиб сўради Қамбарали гапга аралашиб.

— Хотира дафтарларини ўқидим. Уни ҳам Йўлдош ота бердилар.

— Хайрият-э!— деб юборди Омонтой, кўзлари чақнаб. Шу пайтгача индамай ўтирган Алижон «хотира дафтар» иборасини эшитиб:

— Тошпўлат ака айтиб турган, мен ёзган эдим ўша дафтарларни,— деди.

— Шунақами? Баракалла сенга, укам!— Ҳамза Алижоннинг кифтига қоқиб қўйди.— Хатинг ҳам ёмон эмас, таъби назминг ҳам бор экан. Ё шоир, ё адиб чиқади сендан, укам. Лекин текширишлар бир ёқлик бўлмагунча бу ҳақда ҳеч ким билмаслиги керак. Майли, бу сир Тошпўлат билан бирга йўқ қилинди, деб ўйласин душманлар. Бўлмаса текшириш ишларига ҳалақит бериб қўйишимиз мумкин. Келинлар, ишни нимадан бошлашни биргалашиб маслаҳатлашиб кўрайлик,— деди Ҳамза уларнинг диққатини дафтардан чалғитиш учун гапни асосий мавзуга буриб.

— Қишлоқ шўросидан шайх одамларини ҳайдаш керак,— деди Алижон қизгинлик билан.

— Халқ нима дер экан?— сўради Ҳамза иккиланиб.— Мажлисда бизни ҳамма қувватлармикан?

— Агар ёпиқ мажлис бўлса, деярли барча батраклар биз билан

бирга бўлишади, бордию очик бўлса, юраклари дов бермайди,— деди Омонтой ўйланиб туриб.

— Халқ билан гаплашиш керак, унга тушунтириш лозим,— деб маслаҳат берди Ҳамза.

— Қаерда? Қишлоқ шўросида Валихон бўлса. Майдонга йиғсак, шайхлар тарқатиб юборишади. Бирон уйга чақирсак, бунақа уйларга ўн-ўн бош кишидан зиёд одам сиғмайди,— деди Алижон.

— Агар алоҳида чойхона бўлганида,— деб гапга аралашди Қамбарали дудмал қилиб.— Водилдаги ёки Фарғонадагидай қизил чойхона бўлганида...

Қамбаралининг ақлига ҳамма қойил қолди.

— Жуда тўғри,— Ҳамза жонланиб, тиззасига шапатилади.— Ишни қизил чойхона ташкил қилишдан бошлаш керак! У ерда биз бутун халқ билан гаплаша оламиз, у ерда саводсизликни битириш тўғараги ташкил қилишимиз мумкин. Мана Алижон саводли ёш комсомол. Мен билан биргаликда сабоқ беради. Қизил чойхонага кўпчилик деҳқонларни тўплашимиз мумкин.

— Чойхонани қуришга бутун қишлоққа ҳашар эълон қилсак-чи?— Бир-икки кунда қуриб ташлар эдик,— таклиф қилди Омонтой.

— Валихон халқни ҳашарга тўплашга йўл қўймайди,— деди Алижон қовоғини солиб.

— Мажбур қиламиз, қани, йўл қўймай кўрсин-чи...— деди Омонтой ишонч билан. Анча мулоҳазалардан кейин ҳашар уюштиришга келишиб олишди.

* * *

Эртаси кундан бошлаб ҳашар ҳақидаги хабар деҳқонларга етиб борди. Маслаҳатлашиб, қишлоқнинг марказига қизил чойхона қурадиган бўлишди. Умумий ҳашар белгиланган кун тепаликка уч йигит чиқиб, карнай-сурнай билан халқни ҳашарга чорлади. Тайинланган жойга одамлар қўлларига илинган асбоб-ускуналарини олиб келиб, ишбоши кўрсатган ишни бажаришга бир чеккадан киришиб кетишди. Ҳамза Омонтой, Алижон, Қамбарали яна ўнлаб батраklar қатори баб-баравар ишлади. Одамлар астойдил ишлашарди. Улар орасида Фиёсхўжа ҳам бор эди. У узун, бақувват тахта кўтариб келди. Ҳамзанинг олдига бориб,— савобдан қуруқ қолмай деб тахта кўтариб келдим, чойхонанинг бирор камига яраб қолар,— деди. Кейин, Ҳамзага ялтоқилик қилди.— Хўп ўйлабсиз-да, буни, ўртоқ Ҳамза! Ниҳоят, қишлоғимизнинг пешонасига янгича чойхона битадиган бўлибди...

— Бу ажойиб ақл мендан эмас, биринчи бўлиб сизнинг қаролингиз Қамбаралидан чиқди. Миннатдорчилигингизни унга билдирсангиз тўғри бўлади,— деди Ҳамза кулиб.

Фиёсхўжа ўзини бу гапни эшитмаганликка солиб, давом этди.

— Ҳурматли ўртоқ Ҳамза, сал мазам қочиб турганлиги сабабли бу ишда бевосита қатнаша олмайман.. Лекин бинони жиҳозлашни ўз устимга оламан. Буни унутмаслигингизни илтимос қиламан. Уйдагиларга уч-тўртта палос, бир-иккита гилам тайёрлаб қўйишларини буюриб қўйдим.

Ҳамза миннатдорчилик билдирди. Фиёсхўжа кетди.

— Бўш келма, азаматлар! Файрат қилинглар, барака топкурлар! Яна бир зўр берсанглар чойхона битади,— деди Ҳамза одамларга далда бериб.

Фиёсхўжа ишлаётганлар томон гердайиб келаётган Валихонга пешвоз чиқди.

— Эшак мия!— деди Фиёсхўжа унга захрини сочиб.— Кўряпсанми, сенинг ҳардамхаёллигинг нимага олиб келганини?

— Менинг қўлимдан нима ҳам келар эди?— Валихон тўнғиллаб ўзи оқлай бошлади.— Ҳаммасини мана шу Ҳамза йўлдан уряпти. У қизил чойхона қуриш ҳақида қарор қилганини, қурилишга аллақачон маблағ ажратилганлигини қаердандир билиб олибди. Борди-ю, ўша маблағнинг ярмисини ишлатиб юборганлигимизни билиб қолса, ана ўшанда кўрасан тўполон кўтаришини.

— Орқага суриш керак эди. Хўп, деб чўзавериш керак эди. Рай-ижроқўмдан сўраш керак эди, у ерда раис ўринбосари Эшонхон маҳсум вилоят қўмитасидан рухсат сўрарди...

— Ҳамзани бу билан лақиллатолмайсан. У қонунни жуда яхши билади. Агар пайсалга солганимда ҳам бари бир менсиз қураверишарди. Нима учун пири муриш шайхим мусулмонларга қурилишда қатнашишни ман этмадилар?

— Очиқдан-очиқ ман этиб бўлмайди. Бу ўринда обдан ўйлаб иш кўриш керак. Уйлаб, бирон тадбир топиш учун эса фурсат бўлмади.

— Мақбарадан чиқадиган овоз нега ман этмади бўлмаса,— аччиқ киноя қилди Валихон.

— Секинроқ гапир, эшак! Ендириш керак, бошқа чора йўқ,— пишиллади Гиёсхўжа.

Омонтой ишини қўйиб, буларга тикилиб қараб турарди.

— Ҳамза ака,— деди у Гиёсхўжага ишора қилиб.— Афтидан қизил чойхона қуришда шайхлар ҳам бизга ёрдам беришга аҳд қилган кўринишади.

— Ҳа,— деб тасдиқлади Ҳамза.— Ана, Гиёсхўжа яхши тахта олиб келди. Яна палос, гиламлар ҳам ваъда қилди.

— Халқ ишига бундай жонкуярнинг гарданига тушириш яхши бўлмасмикич, унинг миннатли матоҳларини қизил чойхонага яратгунча!

— Гарданига тушириш қочмайди,— деди Ҳамза қувноқ кулиб.— Биласанми, ука; Гиёсхўжа бошқа шайхлардан кўра доғулироқ кўринади. У билан муомала қилганда жуда эҳтиёт бўлиш керак. У ярамас бошқалардан кўра узоқни кўрадиган шайх. Ақли балога ҳам етади...

Ўн еттинчи боб

Қафасга тушган қуш

Шайх Исмоил хўжанинг ўн бир ёғочлик катта мунаққаш меҳмонхонаси даранинг баланд энг кўркам жойига қурилган бўлиб, меҳмонхона олдида гуллар очилиб ётар эди. Уйнинг ич томони ганч билан сувалган. Токчаларга кошинкорлик билан пардоз берилган. Икки қанотдаги қатор хоналар ўртасида кенг-мўл равонга қизил гилам тўшалган. Тахмонга атлас ва адрас кўрпа-кўрпачалар йиғиб қўйилган, токчаларга анвойи хил хитойи ва қашқар чиннилари, бухоро мис ва кумуш идишлари билан оро берилган. Равонда шайх Исмоил ва Гилгитдан келган оқсоқ дарвиш суҳбатлашиб ўтиришибди. Зиёратчи ҳам шайхларнинг кийимида. Шайх Исмоил пастга, майдон ўртасида қад кўтараятган қурилишга нафрат билан кўз ташлаб қўйди. Оқсоқ дарвишнинг эса, кайфи тушиб кетган. У тажанг бўлиб, шайхга дам-бадам киноя қилиб, захрини сочади.

— Бошланди,— деб қўйди оқсоқ дарвиш, ғазабнок тўнғиллаб.

— Бу худобехабарлар ниятига етмайди — деди шайх қонталаш кўзлари ола-кула бўлиб.— Бари бир, чойхона ёниб кетади.

— Сиз, жаноб шайх, гумроҳ қолдингиз. Энди шундай қилингким,

бу чойхонада бизнинг руҳимиз ҳукмрон бўлсин. Ҳамзага зарба бериш даркор,— деб минғиллади гавдасини қўшқават парқу ёстиққа тираб ўтирган оқсоқ дарвиш.

Шайх Исмоил секин чапак чалди. Бир ўсмир (шайхнинг ўғилларидан бўлса керак) югуриб келиб таъзим қилди.

— Мақбаранинг барча хизматчиларига, Шоҳимардоннинг ишончга молик кишиларига хабар бергилким, улар чойхонанинг очилиш маросимида қатнашсинлар. Бор!— деб амр қилди шайх. Бола югуриб ҳовлидан чиқиб кетди.

— Бу мўлтониларнинг йиғиладиган ғийбатхонасининг очилиш кунини Ҳамзанинг шармандаси чиқадиган кун бўлади,— деди шайх бошини юқори кўтариб. Кейин у зиёратчиларнинг олдидан виқор билан ўтиб, ичкари ҳовлига кириб кетди.

Шайх ичкарига кириб борганида уй иши билан банд беш-олти аёл ўрнидан туриб, унга таъзим қилди. Уларнинг бу ҳаракатларини четдан диққат билан кузатиб турган киши улардан иккитаси шайхга унчалик ҳурмат кўрсатмаганлигини бемалол пайқаб олса бўлар эди. Аёллар ҳовлидаги тарвақайлаб ўсган ўрик соясига гилам тўшаб туришарди. Булар — шайхнинг хотинлари бўлиб, кексароғи — эшон оғи, ёши Руқия пошша — чой ичишарди. Айниқса Руқия сатанг табиат, шаддод, қадди басти келишган, тикмачоқдай оппоқ жувон эди. Устида кумушранг товар кўйлак, бошида паранг дурра, қулоғига қашқар балдоқ, қўлларида билакузук, бўйнида тилла тумор, кўкси тўла марварид. Бу зебу зийнатлар унинг бир ҳуснига ўн ҳусн қўшган. У ўз чиройига бинони зўр бўлганлигидан алланарсаларни гапириб, баралла хиринглашиб ўтирар эди.

У шайхга пешвоз чиқиб, таъзим қилди, унинг салла чопонини олди. Шайх унга ҳеч қандай илтифот кўрсатмай, ичкари уйга ўтиб кетди. Руқия пошша унинг орқасидан нафратланиб жим қараб турди-да, Эшон оғи ўтирган жойга қайтди.

— Бизнинг шайхимиз ўзларига янги эрмак топиб олдилар,— деди у, аламига чидолмай лабини қийшайтириб.

— Аёл киши ҳамма вақт эркак киши учун эрмак бўлиб келган,— деб жавоб қилди Эшон оғи, ёшгина кундошига лоқайдлик билан.— Шайхим билан ўтказган ўттиз беш йил умрим ичида бунақа эрмакларнинг кўпини кўрганман. Лекин жуфти ҳалоли ҳамма вақт жуфти ҳалоли бўлиб қолаверади. Ҳа, кундошликка кун туғмас, кун туғса ҳам, бутун туғмас, деган ҳикматли матал бор, айланай Руқия пошша,— деди учирик қилиб Эшон оғи.

— Бугун мен бу қария модабозга бир томоша кўрсатаман. Ҳали олдимга кирсин, Миён ҳазратнинг хотини бармоғидаги гавҳар кўзли узукдан ҳам каттароғини, яна тошойна ҳам олиб беришга кўнмасин, овора бўлади...

— Ҳамма эркаклар ҳам кечаси хотинига харажат важдан саҳфй бўлиб кетади.— Руқия пошшанинг гапига қўшилди Эшон оғи.— Мабодо у ўзининг янги эрмаги олдига кирмай, сизнинг олдингизга кирса, албатта, ўша айтган узук билан катта тошойналик бўласиз... О, куйдирмаган эр, эрми? Устимга сизни олганида мен ҳам хўп куйганмац, айланай. Лекин, начора, кўнмай иложинг қанча?

Руқия пошша худди илон чаққандай сапчиб ўрнидан туриб кетди.

— Хўп, ҳали кўрамыз. У аввал менинг хоҳишимни адо этмай, ўша бузуқнинг олдида қолиб кўрсин, агар соқолидан судраб чиқиб, расвосани чиқармасам, Руқия пошша деган отимни бошқа қўяман!..

Шайх Исмоил салмоқдор қадами билан ҳовлидан ўтиб бореб, қулфлоглик эшикни очди. Ичкаридаги кичик бир ҳовлига кирди. Ҳовлида ҳар хил буталар ўстирилган, гуллар чамандай очилиб ётарди.

Хонтахта устидаги патнисда тўртта балиқдай нон, қанд-қурс, бир бош узум, битта ликопчада шафтоли қўйилган, битта чойнак, битта пиёла. Бир бурчакда Санобар тиқилиб ўтирарди. Шайх хонага кириб борганида Санобар шахт билан бошини кўтарди, кўзларини катта-катта очиб, бақрайганича тикилиб қолди. У худди бўридан кўрққан қўзичоқдай бурчакка тиқилиб, икки қўлини юзига пана қилди.

Шайх салла-чопонини шошилмай қозиққа илди, бошига тақия кийди-да, тўрга ўтиб, қават-қават кўрпача устига ўтириб, пар болишни бағрига тортиб, гап қотди:— Яна ҳеч нарса емабсан,— деди меҳрибонлик билан. У жавобни кутиб ўтирмай, бошини тебратди.— Кеча паранжингни олишни истамай, хотинларни ёрдамга чақиришга мажбур этган эдинг. Улар куч билан юзингни очишди. Бугун овқатдан бош тортибсан, яхши эмас. Овқат емасаңг, мадоринг қуриб, ҳеч нарсага ярамай қоласан. Бунчалик ўжар бўлмаслик керак. Қисматда борига кўниш лозим. Тақдирни тадбир билан ўзгартириб бўлмайди. Бу — каломи шариф сўзи. Қуръон сўзини менсимаган аёлни биласанми, у дунёда нима кутади.

Санобар индамади.

Шайх яна унинг кўнглига гўлгула солишда давом этди. Саволни овозини кўтариб, яна такрорлади:

— Биласанми, нима бўлишингни?

— Отам айтган эдилар,— деди Санобар бошини кўтармай пичирлаб.

— Каломи шарифнинг сўзига, ўз падарингнинг иродасига қарши бориб, шаҳарга кетмоқчи бўласан. У ер бугун гуноҳкорларнинг макони-ку, ахир! Шайтон лаъиннинг сўзига кирганлар, у дунёда дўзахда азобланурлар. Уларнинг танлари оловда ёнур, илон-чаёнларга ем бўлур. Бу азобга умрбод мастаҳиқ этилгайлар!

Шайх жим бўлиб қолди. Санобар юзини қўли билан беркитиб, ерда юзтубан ётарди. Унинг кифтлари қаттиқ-қаттиқ силкинарди.

— Бу азобу укубатлардан қутулишнинг битта йўли бор. У ҳам бўлса, тақдирга тан бериш,— деди шайх яна аврашга тушиб.— Сен падари бузрукворингнинг иродасига бўйсунини лозим. Шайтоннинг шаръи қаршисида аёл кишининг кўнгли бардош беролмайди, унинг найрангларига лаққа учади-ю, йўлдан озганини билмай қолади. Мен бу гапларни энг садоқатли, художўй муридларимдан бирининг қизи бўлганинг учун сени ношарийий йўлдан қайтаришни ўйлаганимдан айтяпман. Ҳар кимга ҳам бундай яхшилик қилавермайман...

Санобарнинг ҳиқиллаб йиғлаши ҳўнграшга ўтди. Шайх унинг кифтидан ушлаб турғизмоқчи бўлди.

— Урнингдан тур!— деб буюрди у.

Санобар қимир этмай ётаверди.

Шайх тоқати тугаб, қалтироқ қўлларини Санобарнинг белидан ўтказди, уни даст кўтариб, бағрига босмоқчи бўлиб чоғланаётганида ҳовли томондан бировнинг шарпасини эшитгандай бўлиб, қўлларини дарҳол тортиб олди. У бошини кўтариб, ҳовлига қараган эди, кўзлари қинидан чиқиб кетай деб ўқрайиб турган Руқияни кўрди. Унинг авзойи бузуқ эди, шайх Руқия ҳовлини бошига кўтариб, дод солишидан кўрқиб кетди. Ҳафсаласи пир бўлди. Лекин довдирамади, сирини бой бермай, Руқия эшитсин учун атайлаб овозини кўтариб, жуда ҳам мулоимлик билан Санобарга мурожаат қилди:

— Менинг гапларимни ўйлаб кўр, қизим! Фақат тақдирга тан бериш йўли билан оллонинг марҳаматига, падарингнинг меҳрига мушарраф бўласан. Ота рози — олло рози, дейдилар. Туриб овқатингни еб ол. Бу аҳволда бетобланиб қоласан. Бафуржа дам солиб қўйгани кирарман,— шайх тилёғламалик қилиб бўлиб, хонадан бамайлихотир

чиқди. Руқия чаққонлик билан ҳовлидан сирғалиб чиқиб кетди. Унинг орқасидан чиққан шайх буни сезмади. Эшикчани қайта қулфлади. Унинг улуғворлигидан асар ҳам қолмаган эди. Худди маст одамдай гандираклаб, ташқари ҳовлига йўл олди. Орқасидан Руқия пошша «ўл-а, тўнғиз қўпкур, ниятинга етолмадинг-ку» дегандай заҳарханда билан кузатиб қолди. Кузатиб қолдию бошига бир қўрқинчли фикр келиб, афти буришиб кетди. Югуриб бориб, тешани олди. Эшик зулфини узиб, ўзини хонага урди, яна эшикни ичидан занжирлади. Бир қўлида теша, Санобарга бўри қараш қилиб яқинлашди. Буни кўрган Санобар ўрнидан сапчиб турди, икки кўзини тешадан узмасди.

Руқия пошша илондай тилини қалдиратиб вишиллади:

— Гапир, гадойнинг қизи! Бу хонадонга нега келдинг?! Санобар ўзини йўқотиб қўйган эди, дафъатан жавоб беролмади. Кўзлари жавдираб унга қараб турарди. Руқия пошша устига бостириб келарди.

— Гапир, мегажин! Нега келдинг бу ерга?

Санобар юзи қассобнинг болтасидан ҳам совуқ бу аёлнинг важоҳатидан қўрқиб кетди. Ҳушини йиғиштириб олиб, ялинишга тушди.

— Пошша ая, менда гуноҳ йўқ, мени, зўрлаб келтиришди,— деди.

— Мен анойи эмасман, биламан сен кундош бўлмоқчисан. Шайхнинг суйган хотини бўлиб даврон сурмоқчисан, мана сурасан!— дея ириллади Руқия пошша.

Санобар баттар қўрқиб кетди. «Шайхнинг суйган хотини...» иборасини эшитиб, жони ҳалқумига келиб, жон ҳолатда эътироз билдирди.

— Йўқ, ёш жоним бор, мозор азиз урсин ёлғон гапирсам, пошша ая! Менда тариқча гуноҳ йўқ! Менга ишонинг иложи бўлса, мени қутқаринг бу ғурбатхонадан.

Руқия пошша шаштидан тушмади. Санобарнинг боши устида тешани ҳавола қилиб, обдан дағ-даға қилди, хумордан чиққунча қарғаб, бузуқдан олиб бузуққа солди. Кейин Санобарнинг ёш тўла кўзларига қараб турди-да, таҳдид билан гап қотди.

— Аввал гапимни эшит. Мен кимсан Миён Қудрат ҳазратларининг қариган чоғларида топган яккаю ягона қизлари, ялама тузлариман. Шайх Исмоилинг ҳам ҳазрат авлодидан бўлганим учун тўшагимга кўрпанинг оёқ томонидан киради. Анави эрсираган мегажин эшон оғи бўлса, мени куйдириш учун эрига сени битта тошойнакка сотмоқчи. Сотиб бўпти! Сен менга, чўри бўласан. Чўрингизман де!

Санобар унинг хунук афтига қараб бақрайиб турар эди. Руқия пошшанинг лаби лабига тегмай бидиллар, ўхтин-ўхтин тешани ҳавола қилар эди. У жазавага тушиб кетиб Санобарнинг тепасига теша қўлида, девлаб борган эди, Санобар чаққонлик билан ирғиб турди-да, жон ҳолатда унинг қўлидан ушлаб қолди. Уни орқасига қайириб, жони борича сиқа бошлади. Руқия пошшанинг бутун кучи оғзида экан, ҳеч қаршилиқ кўрсатолмай, қўлидан тешаси тушиб кетиб, ўзи буралиб, ерга ўтириб қолди. У дағ-дағ титрар, аламидан бир оқариб, бир кўка-рар, Санобарнинг чангалидан чиқолмасди. Охир у Санобарга ялинч билан қараб, қўлини бўшатишини сўради. Санобар унинг қўлини қўйиб юбориб, эшик томон ишора қилди.

— Қани, осонликча тинчгина чиқиб кетинг бу ердан,— деди ерда ётган тешани қўлига олиб.— Уз иззатини билмаган «Сийлаганни сизгир, сийпаганни ҳўкиз билмас экан. Юмма талаб ҳамма ёғимни юлиб ташлади-я, лўлига ўхшаб».

Руқия жон ҳолатда яна тешага ёпишди. Санобар Руқиянинг қўлидан шаппа ушлаб олиб, тўғри келган жойига бир-икки тарсаки тортиб юборди. Руқия молдай бўкирди:

— Войдод! Қутқаринглар! Мени ўлдириб қўяди, ер юткур...

— Хўш, жон ширин эканми?— деди Санобар. Руқиянинг иягига теша даста билан туртиб. Кейин ғазаб билан биқинига бир тепди.

— Йўқол, мараз, мияси палағда хотин! Бўлмаса ҳозир ўлдириб қўяман!..

Руқия пошша белини ушлаб ердан зўрға турди-да, бошини ҳам қилиб:— Хўп, айланай, хўп, ҳозир ўзим чиқиб кетаман,— деди-ю, шип этиб чиқиб кетди. Санобарнинг бирдан асаблари бўшашиб, кўнгли бузилиб, хўрлиги келиб кетди. Тешани бир ёнга улоқтириб, ўзини ёстиқ устига юзтубан ташлади-да, ўкраб йиғлаб юборди.

Ўн саккизинчи боб

Қизил чойхона

А рава, от-эшақлар дукури авжида. Соё бўйидаги катта ва кенг кў-каламзорда ўнларча қурувчилар пойдеворига тош, гишт қаланган чойхонанинг синч деворини уришарди. Омонтой билан Қамбарали дераза ва эшик ёндорларини ўрнатишарди. Уларнинг ёнидан Шодмонхўжа ўтиб қолди.

— Шодмон ака, нима, биздан аразлаганмисиз, ҳорма ҳам дегингиз келмайди-я,— деб тегажоглиқ қилди Омонтой.— Назаримда шайхлар ўқиб қўйишганга ўхшайди-я?..

— Ҳеч ким ўқиб қўйгани йўқ,— деб жавоб берди Шодмонхўжа, кўрслик билан. Беҳуда ишга овора бўлишни хоҳламайман, бор гап шу! Битта чойхонамизнинг ўзи бакор келиб турибди, иккинчисининг нима кераги бор?

— Қанақа чойхона? Қани у?— ҳайрон бўлиб сўради Омонтой.

— Нима? Бузруқ эшоннинг чойхонаси-чи?

— Ҳа-а! Бузрук эшонники. Яъни, Бойхўжаники. Бу эса бизники, жамоатники, камбағал хўжаники! Бу қизил чойхона бўлади.

— Қизил чойхона бўлса чой арзон, нон юшоқ бўлиб қоладими?— Шодмонхўжа ўжарлик қилиб, истеҳзо билан сўради.

— Арзон ҳам, хушхўр ҳам, ҳалол ҳам бўлади,— деди Омонтой бўш келмай.— Яна бир яхши томони бу ерда ғийбат бўлмайди, шайхларнинг ёлғон-яшиқлари ўрнига оламдаги янгиликлардан ўқиб берилади, китобхонлик қилинади, хат-савод ўргатилади.

— Шу шайхлар билан чиқишолмадинг-чиқишолмадинг-да, ука,— деди Шодмонхўжа мурасасизлик билан.— Тўхта! Нима қияпсан?!— деб қичқирди у Қамбаралига тўсатдан.— Нега қирқиб ташлаяпсан?

— Қирмаяпти-да,— деди Қамбарали бўшашиб.

— Қирмаяптимиш,— Шодмонхўжа Қамбаралини масхара қилди.

— Қаловини топсанг, қор ёнади, деган. Бер тешани, бу ёққа! Шодмонхўжа ишга аралашиб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди. Унинг қўлидан сал-пал устачилик ҳам келар эди. Омонтой билан Қамбаралини ёнига олиб, эшик, ромларни ўрнатишга ёрдамлаша бошлади.

Ҳамза ҳашарчиларнинг олдига бориб рағбатлантирар, уларнинг ёнларига тушиб ишлар, кейин бошқа тўп олдига борар эди. Шу тариқа, айланиб юрар экан, Алижоннинг олдига келиб, унга тушунтирди:

— Мана бу ер чойхўрлар ўтирадиган зал бўлади,— деди Ҳамза завқланиб. У ишнинг боришидан мамнун эди. Ҳашарчилар астойдил ишлашар, улардаги кўтаринки руҳни кўриб, Ҳамза жуда ҳам қувониб кетган эди. Алижонни қўлидан етаклаб ҳалиги «зал»дан юқорига ўтиб бориб тўхташди. Ҳамза турган жойларини кўрсатиб,— бу ер саҳна

бўлади. Одамларга томоша кўрсатамиз. Саҳна ёнидаги ана шу эшикдан,— у Омонтой эшик кесақисини ўрнатаётган томонга ишора қилди,— хонага ўтилади. У ерда машғулотлар ўтказамиз.

Алижон Ҳамза ишора қилган томонга қараб, бир лаҳза ҳайратда қолди.

— Бу ёққа қаранг, Ҳамза ака,— деди Алижон ўзида йўқ хурсанд бўлиб.— Одамларнинг астойдил ишлашларига қаранг. Битказиб қўйишди-я! Агар бирон артелга баҳолаб берилганда ҳам, камида икки-уч ой овора бўларди. Кўпдан қуён қочиб қутилмас, деб шуни айтар экан-да.

— Кўпчиликда гап кўп. Шунинг учун фирқамиз қишлоқ хўжалигини умумлаштиришни тавсия қиляпти-да,— деб жавоб қилди Ҳамза.

Шодмонхўжа бир неча ромни ўрнатди. Омонтой билан Қамбарали «ҳа, бўл», «ҳа, бўл» қилиб, Ҳамза билан Алижонни ҳам кўрмас, фикри-ҳаёли ишда эди.

— Ҳамза ака,— деди Алижон, Шодмонхўжа ишлаётган томонга ишора қилиб.— Мен нариги томонга бориб, ўша ерда ишлай қолай.

— Сен машғулот ўтказиладиган хонадагиларга қарашмоқчи эдинг-ку?— деб сўради Ҳамза таажжубланиб.

— Бу ерда Шодмон ота ишлаётган эканлар.— Тунов кунги машмашадан кейин у кишидан жуда кўнглим қолиб кетди,— деди Алижон ерга қараб. У оғир хўрсиниб қўйди.— Жаҳл устида хафа қиладиган ножўя гаплар айтиб юбормай тагин унга...

— Шундайми? Ҳа, майли, бора қол, ука!— деб унга рухсат берди Ҳамза, кейин Шодмонхўжага юзланди.— Ассалому алайкум отахон, ҳорманг! Яшанг, ота! Иш устасидан кўрқади, деб шуни айтар экан-да.

Шодмонхўжа бу муомаладан боши осмонга етиб, жавобга гап тополмай қолди. Бир лаҳза тараддулланиб туриб:— Саломат бўлинг!— деди.

— Шодмон ака, анча кексайиб қолибсиз. Илгари учрашганимизда ёш кўринардингиз,— деди Ҳамза унга тикилиб туриб.

— Сиз мени танийсизми?— деди Шодмон ака ҳайрон бўлиб.

— Бир оз танийман. Лекин сиз мени эсингиздан чиқариб юборган экансиз.— Ҳамза жилмайиб қўйди.— Бундан етти йил муқаддам сиз оғир ярадор бўлиб, ўлим билан талашиб ётардингиз. Тепангизга рус большевиги келди, шўро ҳукуматининг душмани эмаслигингизни, муттассифлар томонидан алданган оддий бир деҳқон эканлигингизни тушуниб, сизни даволашга буйруқ берди. Уша жангни унутмаган бўлсангиз керак?

— Ия, ия!— деб хитоб қилди Шодмонхўжа ҳаяжондан тўлқинланиб.— Бундан чиқдики, Фрунзака мени ўлимдан қутқариб қолганини кўрган экансиз-да! Фрунзака яхши одам экан. Менга жуда катта яхшилик қилган. Ушандан бери уни дуо қиламан. Зап танти одам экан-да, ўзиям.

Ҳамза қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Оббо, Шодмон ака-ей! Дуо қиламан денг. Ахир, ўртоқ Фрунзе, сиз суянган пири-комилларингизнинг сўзи билан айтганда, динсиз-ку? Шодмонхўжа Ҳамзага гинахонлик билан қараб қолди.

— Нега куласиз, домла,— деди у куйиниб.— Нега дуога шак келтирасиз? Фрунзака оддий мусулмоннинг кўнглини тушунади. У мен учун авлиёдай бир одам...

Ҳамза хижолат бўлиб қолди.

— Афв ётинг, Шодмон ака,— деди у бу гап унинг кўнглига қаттиқ ботганини таассуф қилиб.— Мен сизни хафа қилмоқчи эмасдим... Биласизми, сизни санитарлар олиб кетишганида Михаил Васильевич нима деганини?

— Билмайман. Нима деган эдилар, айтиб беринг, домла. Утиниб сўрайман. Фрунзака мен тўғримда ёмон гап айтмаган бўлсалар керак?

— Уртоқ Фрунзе:— «Шодмон акага ўхшаганларни йўлдан уриб, ўзининг ака-укаларига қарши қуроли кўтаришга ундаганларни отиб ташлаш керак!» деганди ўшанда.

— Тўғри айтган эканлар. Жуда ҳақ гапни айтган эканлар!— деди Шодмонхўжа маъқуллаб.

Сухбатга Омонтой аралашди. У Шодмон хўжадан сўради:

— Шодмон ота, оддий халқни алдаб, босмачиларга қўшилиб, шўро ҳукуматига қарши курашишга ким ундаганини хотирлайсизми?

Шодмонхўжа хижолат тортиб, Омонтойга ўқрайиб қараб қўйди.

— Сизларни Миён Қудрат ҳазрат билан унинг ўнг қўли шайх Исмоил йўлдан урган,— деди Омонтой давом этиб.— Фрунзака ўшаларни назарда тутган.

Шодмонхўжа орқасига ўгирилиб, қўлига тешасини олди, индамай ишига машғул бўлди. Омонтой қизишиб, тунов кунги ҳодисани шартта унинг юзига солди.

— Сиз бўлсангиз ҳали ҳам ўшаларга ишонасиз. Бўлмаса, ўз қизингизни ҳаммага отнинг қашқасидай таниқли ғаддор шайх Исмоилга олиб бориб топширарминдигиз! Қўра била туриб, қўзичоқни бўрининг чангалига тутқаздингиз-а!..

Шодмонхўжа ромни ўрнатишга энди киришган эди, бирдан қаддини ростлади, тешани таг синчга жаҳл билан уриб, тўғнади-да, шошганча чиқиб кетди.

— Эҳ, аттанг! Уста аразлаб кетиб қолди-я!— деди Қамбарали ачиниб.— Жиғига бунчалик қаттиқ тегмаслик керак эди.

— Ҳечқиси йўқ,— деди Ҳамза Шодмонхўжанинг орқасидан қараб тураркан.— Тўғри қилдингиз, ука. Нима қилиб қўйганини бундай ўйлаб кўрсин. Бунақа одамларнинг боши деворга бир-икки «тақ» этиб тегмагунча кўзи очилмайди.



Мана, тез кунда қизил чойхона ҳам қуриб битказилди. Бино ичини бир неча ўсмир сув сепаб супурмоқда. Баъзи болалар пайрахаларни ташиб чиқишмоқда. Катталар каравотларга шолча, гилам тўшаш билан банд. Омонтой билан Алижон Ҳамза бошчилигида деворга Лениннинг портретини осишмоқда.

— Сал ўнгроққа! Яна бир оз! Йўқ, йўқ. Анча ўтиб кетди. Ҳа, ана бўлди. Қоқаверинглар,— деди Ҳамза қаноат ҳосил қилиб. Портрет жойига қоқилгач, Ҳамза йигитларни саҳнага олиб чиқди. Саҳна олдига узун стул ўрнатиб, устига қизил алвон ёзишди. Ҳамма иш тахт бўлди. Қираверишда самоварчи самоварлари олдида чойнак-пиёлаларини тартибга соларди. У оёғи маймоқ, томоғида пиёладай бўқоғи бор, ўрта ёшлардаги одам эди. Унга қишлоқ шўроси раиси Валихон кўрсатма берарди:

— Қулмат ака! Самоварларга эҳтиёт бўлинг, тағин эритиб-нетиб ўтирманг,— деди у чойхонанинг очилиш маросимига келган одамларга ўзини кўрсатиб қўйгиси келиб.

— Булар қишлоқ шўросининг пулига келган. Бунга халқ олдида мен жавоб бераман. Агар биронта чойнак ёки пиёла синадиган бўлса, ўз ҳамёнингиздан тўлаттираман,— кейин у самоварчининг қулоғига шивирлади: «Ҳамма йиғилиб бўлгач, Ҳамза билан Омонтойни бир қизча сўраб келди. Жуда зарур иши бор экан... дейсан...»

Бу гап девор орқасига ногоҳ келиб қолган Алижоннинг қулоғига чалинди. Аввалига у «қанақа қиз экан» деб ҳайрон бўлди, кейин «бит-

тасидир-да» деб аҳамият бермади, бугунги таъвишлар билан овора бўлиб кетиб, хаёлидан чиқариб юборди.

Кеч кириб қолди. Жарчилар қишлоқ аҳолисига қишлоқ шўроси ҳамда Камбағал қўмитаси номидан «Бугун қизил чойхонада Ҳамза Ҳакимзода ваъз айтади, ўзининг қўшиқларидан ўқиб беради. Қизиқ янгиликлардан сўзлаб беради. Хуфтон намозидан кейин чойхонага бо-раверинглар», деган мазмунда жар солиб келишди.

Қизил чойхона олдида иккита карнай ғат-ғат қилиб, одамларни чорлар эди.

Хаш-паш дегунча янги чойхона бисотларидаги бор янги кийимларини кийиб, ясаби келган одамлар билан лиқ тўлди. Қулмат самоварчи саҳнадаги столда ўтирган Ҳамза билан Омонтойга бир чойнак чой олиб бориб берди.

— Мана, кўрдингизми, одам қалин, бу ерда халқ билан бемалол гаплашиб олса бўлади,— деди Ҳамза мамнун бўлиб.— Бутун Шоҳимардон бу ерга тўпланди.

— Ҳа. Бугун Бузрук эшон чойхонасини қулфлаб қўйди,— деб жавоб берди Омонтой.

— Наҳотки,— деди Ҳамза ишонмай.— Бузрук эшоннинг ўз чойхўрлари бор. Шайхлар бу ерга келишмайди.

— Ҳамма шайхлару қишлоқнинг бойлари ҳам шу ерда. Бузрук эшоннинг ўзи ҳам келган — деб жавоб берди Омонтой залга кўз югуртириб чиқиб, паст овоз билан.— Фақат Фиёсхўжа билан шайх Исмоил кўринмайди, холос,— у бир лаҳза жим бўлиб қолди. Кейин қовоғини уйиб, янада пастроқ овоз билан қўшиб қўйди.— Менимча, шайхларнинг бу ерга келгани яхшилик нишонаси эмас.

— Нима учун?— деб сўради Ҳамза ҳайрон бўлиб.

— Улар бирон шумликни ўйлаган бўлмасинлар, деб қўрқаман.

Саҳнага Қулмат самоварчи тийтанглаганича ҳовлиқиб чиқиб борди.

— Омонтой, Омонтой ука,— деб чақирди у.

— Нима гап?— сўради Омонтой у томон энгашиб.

— Ташқарида меҳмон билан икковингизни уйга чақирингиз,— деди чойхоначи, Омонтойнинг қулоғига пичирлаб.— Аллақандай бир қизча чопиб келди.

— Ким экан у бизни чақирган? Қимнинг қизи келди? Қани у қиз?— деб сўради Омонтой ўрнидан туриб.

— Ҳозир эшик олдида турган эди. Кичкина қизча, қўрқиб қочиб келганга ўхшайди. Қимнинг қизи эканлигини ҳам билолмай қолдим.— Қулмат самоварчи бўйини қисди.— Уйга тез боришсин, деб кўздан ғойиб бўлди.

— Саодатга бирон ҳодиса бўлганмикин-а?— деди Ҳамза хавотирланиб.— Мен хабар олиб келаман.

— Йй-йўўқ,— деди Омонтой иккиланиб.— Ҳозир ёлғиз чиқишингиз мумкин эмас. Мен бирга бораман. Алижон ўтира туради биз келгунча.— У Алижонни чақирди.

— Биз Ҳамза ака билан ўн минутга бир жойга бориб келамиз,— деди у саҳнага чиқиб келган Алижонга мурожаат қилиб.— Қараб тур, бизникилар тарқаб кетишмасин. Ўз тўпларидан ажралишмасин, шайхлар мияларини заҳарлашлари мумкин, уқдингми?

— Хўп!— деди Алижон.— Бемалол бориб келаверинглар. Айтганингдай қиламан.

Ҳамза билан Омонтой чиқиб кетиши билан чойхонага уч-тўртта муридлар ҳамроҳлигида шайх Исмоил кеккайиб кириб келди. Чойхонадаги хушчақчақ суҳбат бир лаҳзада тинди-қолди. Батраklarнинг баъзиларидан бошқа ҳамма беихтиёр ўрнидан туриб, унга таъзим қилди.

Шайх одамлар орасидан юқорига ўтиб борар экан, унга мақбаранинг барча хизматчилари эргашишди. Ёғоч кавушга ўхшаган баланд бир қаландар «хув» тортиб ўрнидан турди.

— Аюханнос! Халойиқ! Бош мутававали шайх Исмоил ҳаммамизнинг донишманд, парсо сарбонимиз бўлдилар. Бу зотнинг ваъз-насиҳатларини жон қулоғи билан тингланглар!— деди.

Шайх Исмоил саҳнага чиқадиган зинадан юқори кўтарилди. Шайхлар саҳнадаги стол, скамейкаларни бир чеккага суриб қўйиб, шайх Исмоилнинг орқасига қатор бўлиб ўтириб олишди. Шайх Исмоил икки қўлини очиб, юзига фотиҳа тортди. Орқадагилар ҳам унинг бу ҳаракатларини такрорлашди.

Бутун чойхона ичига зил сукунат чўкди. Деҳқонларнинг юзларида одатдаги итоаткорлик аломатлари акланди, батраklar доврираб қолишди, Алижон нима қилишини билмай қовоғини уйиб турар, Шодмонхўжанинг серажин юзлари саҳнага илтижо билан қадалганича кўзлари ғилтиллар, ҳеч кимдан садо чиқмас эди.

— Айтганим келди!— деди шайх икки қўлини юқорига кўтариб. Унинг овозида фожий бир оҳанг бор эди.

Чойхонадагилар бараварига оғир хўрсиниб қўйишди. Лекин ҳеч ким гап нимадалигини билмасди. Шайхнинг титроқ овози ҳаммани «тавба» қилишга гайёрлар эди. Кечагина зилзила бўлиб, Наманганни ер ютди. Субхонолло, субхоноллоҳ! Бирники мингга, мингники туманга дейдилар. Кошки ёмонларнинг ўз касофати ўзига урса. Яна ёмонга ўлим йўқ...

— Қаландарнинг сўзлари ғалат. Мен авлоди Муҳаммад пайғамбар эмасман. Мен бир итман. Ҳа, ҳазрат Алишери даргоҳнинг мақбараларини пойлаб ётган ғариб, ожиз, бенаво ит.— Шайх Исмоилнинг бу сўзидан таъсирланган кишилар йиғлаб юборишди. Шайх Исмоилга шу керак эди, арзини айта бошлади.— Қўй оғзидан чўп олмаган, элу халқнинг дардига даво, ранжига шифо бериб келган эшонлар, шайхлар, хуллас улуғ зотларнинг кўпи тупроққа қўшилиб кетмишлар, шайхларга ҳурмат, эшонларга ишонч йўқ. Бас, буларнинг ҳаммаси аломати охир замон. Дажжол лаъин хуружидан нишонадир. Ҳа, ер нега қаърига тортмасин, нега юлдузлар тутдек тўкилмасин, нега дунёйи ва мофиҳо остин-устун бўлмасин, қиз-хотинларда тасаттур, нислонга риоясизлик Шоҳимардондай табаррук зиёратгоҳда ҳам бошланди,— деб хитоб қилди шайх.— Бизнинг лаънатимизга мустаҳиқ этилган бир шаккок бу ерда фаҳш ва қуфр уясини барпо қилди, шоҳимардонликлар-чи? У шаккокнинг йўлига юриб, бу шайтонхонани ўн кунда қуриб битказишди. Сиз, шоҳимардонликлар, у ғаламиснинг гапига кириб, йўлдан оздингиз, гуноҳга ботдингиз! Унинг чиройли гапига кўр-кўрона учиб, қуръон ва шариат йўлидан озганларга, тоатибодатдан бўйин бурганларга у дунё-бу дунё шафқат йўқ! Қаландардарвишлар, дуои дафе ўқинглар.

Қаландарлар жазава қилишди, шайхлар йиғилишди. Шу пайт чойхонага Ҳамза билан Омонтой кириб келди.

— Ҳм. Тушунарли. Бизни усталик билан лақиллатишган экан,— деди Омонтой, саҳнада чордона қуриб ўтириб олган шайхлар галасига кўзи тушиб.

— Уларнинг кўзини очиб қўйиш керак,— деди Ҳамза, Омонтойнинг қулоғига шивирлаб.

— Ҳозир мумкин эмас,— деб жавоб берди Омонтой.— Шайх бир ишора қилса, булар бизни бурда-бурда қилиб ташлашади.

— Камбағаллар-чи?

— Уларнинг кўнглига гўлгула солиб қўйишган.

— Шундай бўлса ҳам, мен бир уриниб кўраман,— деди Ҳамза

кескинлик билан.— Бундай имкониятни қўлдан бой бериш мумкин эмас. Бизнинг одамлар тарқалиб кетишига йўл қўймай, огоҳ бўлиб туринг. Бу ёғини ўзим эплайман.

— Тарқалиб кетмайди! Қўллайди! Лекин нима қилмоқчи эканлигингизни менга ҳам билдириб қўйинг-да!— деди Омонтой.

Ҳамза унга жавоб бермай, тўни этагини ушлаганича одамлар орасини ёриб, саҳна томонга ўта бошлади.

— Диндан юз ўгирганлар, шаккокларнинг барчаси дўзах азобига гирифтор бўлурлар,— яна шайх Исмоилнинг овози гулдиради.— Қуръоннинг «Гуноҳга мубтало бўлганлар» деган суврасида «Уларнинг иссиқдан тиллари тиззаларига тушади, қайнаб турган сувга чўмиладилар... Емишлари заққумнинг меваси, ичишлари қайнаб турган темир бўлади...»— шайх Ҳамзага кўзи тушиб унга қўлини бигиз қилди.— Диндан юз ўгирганлар, уларга эргашганлар шундай азобга мубтало қилинурлар!— Хас-чўпни шамол учиради, харсангни ҳам қўзғатиб кўрсин-чи...

Ҳамза шайхга ҳурмат юзасидан шошиб-пишиб таъзим қилди, шайх Исмоил ичидан хурсанд бўлиб, ҳайратланди. Бу орада у кўнглига тугиб юрган гапларини босиқлик билан баён қила бошлади. У, Ўзбекистон тупроғида минг йиллардан буён меҳнаткашларни азоблаб келаётган қуллик занжирлари парчалаб ташланганига ўн йил тўлганига, ер-сув ислоҳоти бўлганига қарамай, бу улкан ижтимоий воқеаларнинг самарасидан Шоҳимардон меҳнаткашлари ҳамон бебаҳра қолиб келаётганликлари, улар ҳамон ўша катта заминдорлар эшигида қулдай ишлашлари, ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуққа эга эмасликлари тўғрисида, ер-сув, от-арава, кўш-ҳўкиз ҳамон ўша эски эгалари қўлида эканлиги тўғрисида, бугун Ўзбекистон деҳқонлари бойлар ҳамда мулкдорлар билан муносабатларини, борди-келди, олди-бердиларини очиқ ҳисоб-китоб қилиб олганликлари, меҳнаткаш деҳқон бугун ҳур, озод бўлганлиги ҳақида гапирди.

— Хўш,— деди у давом этиб,— нега энди бу ер ислоҳоти Шоҳимардонга келиб етмади? Нега камбағал деҳқонлар ҳали-ҳали эски хўжайинлари исканжасидан қутулишмади? Октябрь кўеши порлаб чиққанидан буён орадан ўн йил ўтган бўлса-ю, унинг муборақ нури Шоҳимардон қишлоғига тўлиқ етиб келолмаса? Хўш, ўша муборақ нурни қандай зулмат, қандай куч тўсиб қолди? Жавоб битта. Хурофот, эски урф-одат, бидъат, жаҳолат ва унинг раҳнамоси шайх Исмоил. Ҳа, ҳа... сиз шайхим. Сиз ҳалигача ерингизни ҳақиқий эгаларига шариятни, мазорни пеш қилиб бермай келяпсиз. Озодлик истаган хотин-қизларни кишанларга, пичоқларга дуч қиласиз, деҳқонни мутайсиз, талайсиз, ғажиб кемирасиз, минг хил ёлғон дасисаларни рўкоч қилиб жаҳолат жарига иргитасиз.

Ҳамза бу сўзларни анча қизишиб гапирди. Шайх ранги оқариб жим ўтирарди. Ҳамза халойиққа қараб, давом этди.

— Ё гапим ёлғонми халойиқ!

Чекка-чеккадан «Тўғри!», «Ҳақ гап!» деган овозлар гулдираб эшитилди.

Шайх Исмоилнинг йўғон бўйни, юзига қон тўлди. Узининг беомон душманига дуч келганини энди аниқ ҳис қилди. Узини зўр-базўр босиб олиб, овози тўлқинланиб жавоб қилди.

— Оллоҳнинг иродаси ҳукмрон бўлган жойда зўравонлик бўлмайди. Бу фақат худонинг хоҳиши. Бунга кўндаланг туриб монелик қилишга ҳеч кимнинг ҳадди йўқ!

— Худонинг хоҳиши! Худонинг хоҳиши!— Ҳамза жаҳлига чидамай ҳамма эшитсин учун қаттиқроқ қичқирди.— Хўш, одамларни бегуноҳ ўлдириш учун босмачиларга фатво берганингиз, соддадил халқни

ҳамон алдаб келишингиз, шўро ҳукуматининг айтганини қилиб, пахта экиш, хотин-қизларни паранжи балосидан озод қилиш, бошқа халқлар билан дўстона муносабатда бўлишга қарши туришингиз ҳам худонинг хоҳишими? Мусулмонларнинг зиёратгоҳини жаҳолат, разолат, хиёнат макони, одамхўрлар — аксилинқилобчилар уясига сиз айлантирдингиз! Бу билан сиз ўзингизни эмас, орттирган барча мол-мулкингизни қўриқ-ладингиз. Бунда ҳатто одамларни тириклайин куйдириб юборишдан ҳам тоймадингиз! Ана шу мол-дунё олдида кўзингизга элликка яқин навқирон йигитнинг жони ҳам кўринмаган эди. Сиз агар мана шу қил-мишларингизни бир дақиқагина оддий инсон, боринги, ҳақиқий мўмин-мусулмон одам сифатида ҳис қилсангиз эди, ана ўшанда бизга тан берар, бизнинг ҳақиқатимизга тушунар эдингиз, йўлимизнинг ойдин, тўғри, ҳақ йўл эканини кўрар эдингиз... Боболаримиз: «Агар осмонга чиқсанг ҳам кўзингни ердан олма», деган экан. Сиз осмондасиз, аммо ердагиларни кўрмайсиз...

Ҳамзанинг бу дадил гапларини жамоат нафасини ичига олиб эшитиб турарди.

Шайх эса бутунлай каловланиб қолган, Ҳамзанинг далилли даъволарига эътироз билдиришга мажболи етмас эди. Ҳамза уни бурчакка қисишда давом этди.

— Худо ҳаққи, ростини айтинг, тақсир, мозор муқаддас-а? Шундай бўлгач, нега сиз, шайх Исмоил, мозорнинг энг садоқатли қўриқчиси (Ҳамза шайхнинг ўз сўзи билан «садоқатли ити» демоқчи эди, вазиятни ўйлаб, «қўриқчиси» деб қўя қолди) қирқ саккизта қизил аскар у ерга кириб қолганида ана шу муқаддас мозорни ёндиришга фатво бердингиз? Ё бунга ҳам худонинг хоҳиши дея оласизми?

Бу савол шайх Исмоилнинг миясида чақмоқ чаққандай таъсир қилди. У ҳассасига суянганча ранги деворга айланиб, қотиб қолди. Ҳамза ундан синчков кўзини узмай, жавоб кутар эди. Ўртага оғир жимлик чўкди. Ҳаммаёқ сув сепгандек жим. Юзлар, кўзлар шайхга тикилган, ҳамма унинг оғзини пойлар эди. Уша даҳшатли воқеа шайхнинг кўз олдида жонланди-да, юраги орқага тортиб кетди. Уша жинояти, назарида ҳаммага ошкор бўлиб кетганини, бунинг оқибати нима-ларга олиб келишини ўйлади. «Ҳозир ё ўлдим, ё қолдим...» деган фикр миясини пармалади. Аслини олганда, ҳозир у гоят мушкул вазиятга тушиб қолган, бу вазият халойиқ ё унинг измида қолиши ёки у халойиқ олдида қонхўр, мунофиқ бир риёкор тақводор сифатида шарманда бўлишини тақозо этадиган вазият эди. У ҳамон ўйларди. «Ҳамза тантана қилса...» деган фикр хаёлига келди-ю, чаён чаққандай тўлганиб, инграб юборди. Кейин ўзини сал тутиб олди. «Йўқ!» деди фикран. Кўз олдида Гилгитдан келган «зиёратчи» оқсоқ дарвиш гавдаланди... Мақбара қайта тиклангандан кейин у ерга яна тўпланган қурол-аслаҳа, ўқ-дори, зарур пайтда ишлатиш учун не-не машаққатлар билан асраб келинаётган олтин-кумуш — сармоя... Бу нарсаларни жонбозлик қилиб етказиб бераётган хорижлик ҳомийлар...

Шайх бир лаҳзалик хаёлида шуларни ўйлади-ю, ўзини сал йиғиштириб олди. «Йўқ!» деди у фикран қатъий қарорга келиб ва Ҳамзани ҳозирги даъвосидан халойиқ фикрини чалғитиш учун ўзининг синовлардан ўтган шаллақилик йўлини қўллашга мажбур бўлди. У қўлларини кўкка кўтарди-да, қасам ича бошлади.— Ё шеро даргоҳ... Жўжабирдек жонман, агар мен, садоқатли итинг, шундай деб гуноҳи азимга қўл урган бўлсам, мана шу қўлларим қурисин, танам етти дўзах оташида куйиб кул бўлсин, шу тоғ тошлари бошимни янчисин — ит азобида ўлай ёки бу бекор тухматни тўқиб чиқарган жиннисангни одамнинг жазосини бер! — деб ҳўнграб йиғлаб юборди. Унга дарвишлар қўшилиб, уввос тортишди.

Шайх Исмоил боши берк кўчага кириб қолган эди. Бундан бир амаллаб чиқиб олишга харчанд уринса ҳам бўлмади... У, ноилож ўр-нидан турди-да, саҳнадан туша бошлади. Унга бошқа шайхлар ҳам эргашишди. Буларнинг кетидан Шоҳимардон бойлари ҳам чиқиб кетишди. Ташқарида кўтарилган жанжал, ур калтак-сур калтакка айланай деб турганида Омонтой, Алижон сингари йигитлар жонбозлик кўрсатиб, унга йўл қўйишмади. Ҳамма ичкарига кирди. Омонтой саҳнага чиқиб, столларни жой-жойига сурди, орқасига узун «эшак»-ни қўйиб, гангир-гунгур гаплашаётган одамларни тартибга чақирди.

— Барака топкурлар, жим!

Омонтойнинг босиқ, бир оз кулгили овози қизишиб кетган одамларга таъсир қилди.

— Батрак ва камбағалларнинг топшириғига биноан Шоҳимардон аҳолисининг умумий мажлисини очиқ деб эълон қиламан,— деди Омонтой ҳамма тинчлангач.— Ҳозир бизга Самарқанддан меҳмон бўлиб келган шоир ва ҳаммамизга ўртоқ Ҳамза ака сўзлайдилар.

Ҳамза ўрнидан туриб пастдагиларга бир кўз югуртириб чиқди-да, гапира бошлади.

— Ўртоқлар!— деди у одамларга бирма-бир назар ташлаб чиқиб.

— Биз мазордан эмас, алдоқчи шайх Исмоилга ўхшаганлардан домонгирмиз!

Шайх одамлари ҳар хил ҳайқириқлар билан Ҳамзанинг овозини кўмиб юборишга уринишди, лекин у бамайлихотир давом этди.

— Лекин мен ўз ақидамни ҳеч кимга тиркамайман. Бизда шўро ҳукуматига садоқатли, лекин динга астойдил ишонувчи кишилар оз эмас. Уларга ҳеч ким монелик қилмайди. Шўролар жумҳуриятида турли-туман халқлар яшайди ва улар турли дин-этиқодларга мансубдирлар. Фирқа ва ҳукуватимиз улардан ҳеч бирини таъқиб этган эмас. Дин — граждандарнинг шахсий иши. Аммо қандайдир бир дин халқ, фирқа ва давлат йўлида янги турмуш қуришга халақит бериш учун кўндалан бўлиб туриб олса, бундан ёмони йўқ. Дўстлик мавжуд жойда тинчлик барқарор бўлади. Буни кичкина бола ҳам тушунади. Халқлар ўртасига қутқу солиб, уларни ўзаро уриштиришдан наф кўради-ганларга қўл келади холос, бу ақидалар. Маълумки, урушда энг кўп таланадиган ҳам оддий халқ — меҳнаткашлар оммаси! Бас, шундай экан, бир-бири билан мартаба талашиш, адоватдан унинг ўзига нима фойда? Шунини ўйлаб биз дўстлик, биродарлик ишларини олдинга сура-миз. Мана бу дўстлик халқнинг ҳисобига кун кўрувчи, мол-мулк орттирувчи тоифага хуш келмайди. Чунки улар бу дўстликнинг қарор топишидан кўрқадилар. Чунки улар ўртасида уруш-жанжал бўлмагач, ўзларининг бирдан-бир даромад манбалари қуришини яхши тушунадилар. Шу сабабли ҳам диний, миллий, ирқий айирма масаласига маҳкам ёпишиб олиб, аллақандай ривоятлар ўйлаб чиқарадилар. Шунинг учун ҳам мана бу ҳурматли шайхларимиз оддий халқни йўлдан уриб, унинг қўлига қурол тутқазиб, «босмачилар сафига кириб, ўз қардошларингни ўлдир, чунки улар мусулмон эмас» дейдилар.

Хўш, шайх Исмоил ким? Шайхми, авлиёми, дин пешвосими?! Йўқ, ёлгон оғайнилар... Макр манбаи бўлган бошида салла бор холос. Лекин дунёвий маърифат у ёқда турсин, ҳатто диний билимлардан ҳам ҳоли у.

Чойхонадаги одамлар бир тўлғониб қўйишди.

— Ҳақиқат! Тўғри гап!

— Жўяси билан гапир-да!

— Утиб кетган гапни эслашнинг нима ҳожати бор?

— Тўппа-тўғриси айтди-қўйди, умрингдан барака топкур,— деган овозлар эшитилди. Бир бурчакдан ёшгина йигитнинг тиниқ овози янгради:

— Қуръонни ўқиган деб мана буни айтса бўлади. Шайхдан кўра ҳам яхшилаб тушунтириб берди!

Ҳамза Лениннинг портрети томон ўгирилиб давом этди:

— Барча меҳнаткашлар мана бу улуг рус кишисининг, ўртоқ Лениннинг хотирасини ҳурмат билан эсга олади. У рус халқи билан биргаликда биз, ўзбекларни ҳам озодликка олиб чиқди, буни биз ҳеч қачон унутмаймиз. У халқлар ўртасида дўстликни мустақкамлашни васият қилган. Шайх Исмоил бўлса, бунинг аксини тарғиб қилди. Биз энди бунинг қайси бири бизга фойда-ю қайси бири зарар эканлигини яхши биламиз!

Чойхона яна гулдираб кетди.

— Миллий ва диний адоват ўтини ёқиш учун динни восита қилишга барҳам бериш лозим,— деб давом этди Ҳамза товушини баландлатиб.— Намозгоҳларни ёпмаймиз. Дин аҳли, майли, мачитларда ибодатларини адо этсинлар. Маҳалла имомларини ҳурмат қилсинлар. Аммо намозгоҳлар шайхлар, аксинқилобчиларнинг уясига айланмаслиги лозим. Қишлоқ шўросига суқулиб кириб олиб, зараркундалик қилаётганларга, артель ташкил қилишга халақит бераётганларга зарба берамиз. Шўролар ҳукуматининг республика ҳамда вилоят шуъбалари қишлоқ шўросининг ҳайъатини қайта сайлашни тавсия этишмоқда. Агар биз бу иш билан ҳозироқ шуғуллансак, бу ёвга қарши жангга кирганимиз бўлади.

— Тўғри! Олдинроқ шундай қилиш керак эди!..

Ҳамза ака, мен ҳам икки оғиз гапирсам майлими?— деди Алижон кўлини кўтариб.

— Бормисан, комсомол гапирсин-да,— деди Ҳамза.

Алижон ўрнидан туриб, дўпписини қўлга олиб, секин гап бошлади: У жамоанинг бир неча минг танобдан ортиқ ери борлиги, лекин кўпи ёнбағир, тошлоқ, сув чиқмас жойлар, бўлганидан яхши экин бўлмаслиги, бу ерларга маккажўхори, буғдой, беда экилиши, сув танқислиги сабабли шу қора экинлар ҳам ёлчигиб ҳосил бермаслиги, шунинг учун Шоҳимардон аҳолиси чорвачилик билан кун кўриши, аммо қишлоқ шўросининг раиси Валихон ширкатлардан деҳқонларга пул, уруғлик, деҳқончилик асбоблари олиб беришни ўйлаб кўрмагани, шоҳимардонликлар ҳалигача кооператив нима, ўзбек савдоси нима — билмасликлари ҳақида, ўтган йили ўтказилган маъракаларда Шоҳимардон жамоасини ғалла билан таъминлаш, пахта ширкати, кооперация тузиш, дўконлар очиб бериш, мактаб-маориф ишларини кучайтириш, экин экиш учун жонли-жонсиз асбоблар, уруғлик етказиб бериш, суғурта ишларини жонлантириш тўғрисида чиқарилган қарорлар натижасиз қолиб кетаётганлиги, лекин берган ваъдаларининг биттасини ҳам жамоа раиси Алихон бажармаганлиги тўғрисида тўлқинланиб гапирди.

— Ҳар йили йиғиладиган ўлпондан неча минг сўмини ҳазм қилди экан, шуни ҳам сўраб қўй раисимиздан, Алижон,— деди кекса Мебува.

Валихон бир сапчиб тушди.

— Мусулмонсиз, туҳмат қилгани худодан қўрқинг. Мен ўлпон пулини ўз вақтида давлат кассасига топшириб келаман,— деди у жаҳл билан.

Хатам ота ўрнидан туриб савол берди унга.

— Яқинда бу йилги сув солиғини ундириб олувдингиз, уни ҳам топширдингизми, раис?

Ҳамма Валихонга қаради. Валихон типирчилаб қолди, лекин бу

саволга шу топда чап бериб кетолмаслигини фаҳмладию, ноилож тўғ-
рисини айтишга мажбур бўлди.

— Бир чақаси бузилгани йўқ. Уйимдаги сандиққа ташлаб қўйган-
ман. Қўлим теккан куни Водилга олиб бориб топшириб келмоқчи эдим.
Нима, осмон йиқилиб, ерга тушибдими?

— Ҳа-ҳа, доҳили кўлбор қилибсиз-да?— дея тиржайди Фиёсхўжа.
Одамлар Фиёсхўжадан Валихонни оёғидан чалишини кутишмаганди.
Улар ҳайрон бўлиб қолишди. Фиёсхўжа эса, ўзини кўрсатиб қўядиган
фурсатдан фойдаланиб, қолиш учун жон куйдирарди.

— Хўш, иним, Валихон, мусулмонсиз, қани, шу қора кўз батрақлар,
хўш, муҳтарам шоиримиз, азиз меҳмонимиз Ҳамзахон олдида индолло
гапни айтинг-чи, мозорда, тўпланиб таркана қилинган вақф пуллар-
дан қанчасини ҳинжирингизга жойладингиз?

Валихоннинг нафаси ичига тушиб анчагача ерга қараб жим бў-
либ қолди. Бунга кўрган Фиёсхўжа яна «кучайиб» кетди:— Ана, да-
мингиз ҳам ичингизга тушиб кетди. Ишқилиб беайб парвардигор,
а лаббай!— Хи-хи-хи...

Фиёсхўжа Валихонни «фош» қилишда давом этди.

— Биз мақбара билан қишлоқ шўроси маҳкамасини фарқ қилол-
май қўйган эканмиз... Валихон Исмонил хўжанинг малайи!..

Одамлар Фиёсхўжанинг гапини қувватлашди.

— Норозиман!.. Бу қонуний эмас!.. Мунофиқ Фиёсхўжа менга
туҳмат қиляпти-я. Устларингдан тегишли жойга арз қиламан!— деди
Валихон ўртадаги каравотга чиқиб, дағдаға қилиб.

— Норозилик қанақа бўлишини мен сенга анчадан бери кўрсатиб
қўймоқчи бўлиб юрар эдим. Назаримда, ҳозир хонаси келиб қолганга
ўхшайди,— деб ўти чиққан Фиёсхўжа Валихонга дўқ урди.

Фиёсхўжанинг бу позицияси Ҳамзани янада ҳайратда қолдирди.
Лекин пайтдан фойдаланиб қолиш керак эди. Чунки қишлоқ шўроси-
нинг раисини қайта сайлаш учун бундай қулай вазиятни юзага келти-
риш яна анча вақт талаб қиларди. Ҳамза шуларни ўйлаб, Омонтой-
нинг қулоғига шивирлаб шуни шама қилди. У ҳам «маъқул» дегандек
бош силкди. Шайх Исмонил йиғиндан сувга тушган мушук ҳолига ту-
шиб, аллақачон чиқиб кетган. Оқсоқнинг оёғига қараб турган унинг
тарafdорлари ҳам Валихоннинг шармандаси чиққач, тарвузлари қўл-
тиқларидан тушиб, аста тарқала бошладилар. Қолган-қутганлари эса,
Омонтойнинг «сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилганлар» рўйхатида ном-
лари чиққач, улар ҳам йиғиндан сирғалиб чиқиб кетишди. Шундай
қилиб, қишлоқ шўросини қайта сайлаш масаласини кўриш имконияти
ўз-ўзидан туғилиб қолган эди...

Тонг ёриша бошлаган эди.

Одамлар чойхонадан чиқаётганларида улар хурсанд, чеҳраларида
кулги, руҳлари энгил, кайфиятлари яхши эди. Чойхонадаги каравот-
лар деярли бўшаб қолди. Уларда фақат чойнак-пиёлалар оқариб ётар
эди. Қулмат самоварчи уларни йиғиштиришга тушди. Шу пайт Омон-
тойнинг овози эшитилди:

— Уртоқлар! Қишлоқ шўросига янги сайланганлар кетиб қолиш-
масин. Бир оз шошмай турунглар.

Тонг отган. Чойхона саҳнасидаги столда қишлоқ шўроси президи-
умига янги сайланган беш аъзо, икки номзод ўтирар эди. Булар —
Омонтой, Қамбарали, Алижон, Каримжон, аёллардан Меҳри ва яна
икки киши. Эшикдан чиқаверишда Валихон нима қилишини билмай
турар эди. У аччиқланар, ҳадеб ерга тупуради. Ҳамза бу кичкина
мажлисга раислик қилди...

— Шундай қилиб, ўртоқлар, қишлоқ шўросига раис қилиб Омон-
тойни бир оғиздан сайладик. Омонтой ука, сиз бугун ухламайсиз, эски



Расми Н. ИБРОҲИМОВ чизган.

раисдан ишни зудлик билан қабул қилиб олишингиз лозим, Алижон саркотибингиз... Эртага тафтиш комиссия тузамиз. Ободонлик, маориф, молия, соғлиқни сақлаш секцияларини ташкил қилиб, раис ва аъзолар белгилаймиз.

— Ҳозир энг муҳими, иккита асосий ишни амалга ошириш керак. Биринчиси, артел ташкил қилиш, иккинчиси, саводсизларни ўқитиш учун мактаб,— деди Омонтой янги сайланганларга мурожаат қилиб.

— Тўғри,— деди Ҳамза унинг гапини қувватлаб.— Одамларни ўқитишни дарҳол бошлаб юбориш керак. Мана энди бино ҳам бор.— Саҳна ёнидаги хона эшигини очиб, ўтирганларга кўрсатди.— Одамларга худди мана шу ерда савод ўргатамиз!

Ҳамза қишлоқ шўросига янги сайланганларни табриклаб, қўлларини қисди-да, дастлабки йўл-йўриқлар кўрсатди, ишни қандай олиб бориш юзасидан уларга насиҳат қилди. Кейин кеча битта шеър ёзганлигини, у бугунги мажлис руҳига мос келишини айтиб, ўқиб бериш учун Алижонга узатди. Алижон Ҳамзанинг қўлидан мактаб дафтарига ёзилган шеърни олди, кўкрагини кериб, томоғини қириб қўйди-да, баланд овоз билан ўқий бошлади:

Инсон бўладир деса биров хар била говни,
Сўзлай олади деса агар гунг-соқовни,
Мол бирла қама, тўс унинг олдига говни,
Нон ўрнига ўт бергину, ош ўрнига жовни,
Қув базми кенгашдан у каби пес-моховни.

Ош деса ошаб, иш деса қочган саклардан,
Дунё тозалансин у каби дангасалардан.
Меҳнат эдига зарра озиқ йўқдир алардан,
Бошқа иш гар бўлмаса йўқсилни талардан,
Еқ ўтга чурук жисмини ундоқ лақаловни.
Оқил киши дўст айламагай фикри тумовни.

Улар кулишиб, қарсак чалишиб, Ҳамзани олқишлашди, Алижонга миннатдорчилик билдиришди.

— Шоирнинг қўли дард кўрмасин!

— Баракалла, Алижон!



Парта ўрнига тахтадан сўқма қилиб, ясалган скамейка, стол тўрт қатор қилиб қўйилибди. Йигирма, йигирма беш киши бемалол сабоқ олса бўлади. Ҳозирча мактабга Омонтой, Қамбарали, Алижон, Қаримжон ва хотин-қизлардан уч-тўрт киши келган. Улар паранжичачвонга ўралиб ўтиришибди, биттасигина чачвонини қайриб, кифтига ташлаб олган. Бу Меҳри эди.

Ҳаммасининг қўлида алифбо, тахта устида қалам билан дафтар. Рўпарадаги деворга қўполгина қора тахта осиб қўйилган. Ҳамза доскага «Л» ва «П» ҳарфларини ёзди. Бир қаватли дераза очик, дарахтларнинг яшил япроқлари ичкарига мўралайди.

— Мана бу ҳарф «Л» дейилади,— деди Ҳамза.— Яхшилаб билиб олинглар. Энг азиз кишининг фамилияси ана шу ҳарфдан бошланади. У киши ҳаётини оддий халқнинг бахт-саодати учун бағишлаган. Қани айтинглар-чи, дарёдай элпарвар ўша одам ким?

Аёллар ўзаро шивирлашга тушишди. Эркаклар ўз дафтарларига ҳалиги ҳарфни ҳафсала билан кўчириб ола бошлашди. Шу пайт Омонтой қўлини кўтарди. Унинг орқасида ўтирган Қамбарали аллақачон ўрнидан туриб олган эди.

- Мен айтиб берсам майлими?
- Айтинг,— деб Ҳамза рухсат берди.
- Бу одам ўртоқ Ленин.

— Тўғри,— деди Ҳамза қувониб.— Демак, Ленин сўзини ёзиш учун биз олдин «Л» ҳарфини ёзишимиз керак экан. Яхшилаб кўчириб олинглар. Мана буниси эса «П.» Кўрдингизми, у янги турмушга кириб борадиган дарвозадай мустаҳкам турибди. Сизга энг яқин сўзлардан бири ана шу ҳарфдан бошланади. Уни ҳар куни мамнуният билан бир неча марта тилга оламиз. У сўз нима?

— Мен айтаман,— деди Меҳри шошиб.

— Айтинг.

— Паранжи!— деди қиз ўзича у сўзни топганидан қувониб.— У доим биз билан бирга. Ундан ҳеч қутулолмаяпмиз...

Ҳамма кулиб юборди. Омонтой Меҳрига ер остидан норозилик билан қараб қўйди.

— Йўғ-е, янги турмушга паранжи билан боролмаймиз,— деди Ҳамза жилмайиб.— Бу сўз яқин бўлса ҳам, лекин уни мамнунлик билан тилга олмаймиз-ку. Мен мутлақо бошқа нарсани айтган эдим. Яна дурустроқ ўйлаб кўр, Меҳри.

Меҳри қизариб, ерга тикилиб қолди.

— Сиз ўртоқ, Ҳамза, бизнинг партиямиз ҳақида айтдингиз,— деди Омонтой гулдираб, Меҳрини хижолатдан чиқаришга ошиқаркан.— Уша сўз «Партия!»

— Тўғри, бу сўз —«партия», у мана бу ҳарфдан бошланади,— деб тасдиқлади Ҳамза.

Мактабнинг очиқ деразасидан Шодмонхўжа бир мўралади-ю, ўша заҳотиёқ ғойиб бўлди, айланиб ўтиб бориб, чойхонанинг нариги томонидан келиб, Ҳамзанинг гапига яширинча қулоқ солди.

— Ленин ва Партия сўзларини ёзишни биз энг олдин билиб олишимиз керак,— деди Ҳамза ўқувчиларга уқдириб. Чунки бизнинг қуликдан қутулишимизга Ленин ва Партия ёрдам берган. Баъзи одамлар ҳали ҳам хотин-қизларнинг озодликка чиқишларига тўғаноқ бўладилар, уларни зулматдан сақлашга уринадилар. Мана, ораларингизда битта қобилиятли қиз — Санобар йўқ. Жоҳил, ўжар отаси унинг бахтига зомин бўлди! Кўра-била туриб ўз қўли билан зиндонга олиб бориб ташлади. Биз уни қутқариб қола олмадик... Бу одам бир вақтлар босмачиларга аралашиб, шўрога қарши қурол ҳам кўтарган, ярадор бўлиб, қизил аскарларнинг шифокорлари қўлида даволанган, камбағаллиги, адашганини ҳисобга олиб, шўро ҳукумати унинг гуноҳларини кечиб юборган эди. Ҳали ҳам кўзи очилмаганига ачинаман.

Ҳамза айтган гаплар ўқувчиларнинг кўпчилигига янгилик эди. Улар ҳайрат билан гувранишди. Шодмонхўжа тоқат қилолмади, икки кифти билан қулоқларини беркитиб, шайх Исмоилнинг уйи томон югуриб кетди.

Ўн тўққизинчи боб

Қизфуруш шайх

Шайх Исмоил ўзининг ўн бир ёғочлик нақшинкор уйда парқу бо олишларга така қилиб, хомуш ўтирарди. Уртадаги хонтахта устига қалин китоб очиб қўйилган. Хонтахтанинг шайхга қарама-қарши томонида эшон ойи тасбеҳ ўгириб жимгина ўтирарди. У бир фурсатдан

сўнг бошини кўтарди-да, шайхга қаради. Шайх унга эътибор бермади. Эшон оғи ўз-ўзи билан гаплашаётгандай минғирлади.

— Билмадим, бўёқчининг хуми бузилганми, ранг-баранг миш-мишлар азиз даргоҳда кўпайиб кетди!— деди тагдор қилиб. Шайх бошини кўтарди. Чуқур хўрсиниб қўйди-да, эшон оғига лоқайд жавоб қилди.

— Валихон тунов кунги майлисида амалдан бекор қилинибди. Уша куни анави ярамас,— у афтини буриштирди. Ҳамзанинг номини тилига ҳам олгиси келмади,— уни қишлоқ шўросидан ҳайдаб юборибди, ўрнига Ғиёсхўжанинг қароли Омонтой тайинланибди. Ҳар қалай яхши бўлмади, хотин. Кўпларнинг елкасидан сафар оғи кўриниб қолмаса, деб қўрқаман...

Эшон оғи қишлоқ шўросидаги бу ўзгаришнинг моҳиятига унча баҳо бермаган, тўғриси, унга тушунмас, қолаверса, шайхнинг мавқеи олдида булар шунчаки арзимас ўткинчи ҳодиса бўлиб туюларди. Лекин шайхнинг худди уйдан ўлик чиққандек мотамсаро бўлиб қолганлиги, ҳадеб чуқур хўрсинишлари уни ўйлатиб қўйди. У шайхнинг кўнглини кўтармоқчи бўлиб гап қотди:

— Мош йиғилиб ош бўлмас, қул йиғилиб бош бўлмас. Ғиёсхўжанинг қароли бўлса унча бегона эмас экан-ку.

Эшон оғининг бу калтафаҳмлигидан шайхнинг энсаси қотди. У чарсиллаб кетди.

— Ҳамма балони бошлаган ўша-да! Бегона дейсиз-а, отин,— деди зарда қилиб.— Агар анави дардисарни ҳам илгариги бошқа қизларга ўхшаб даргоҳимизда олиб қолсак, бу қари эшак Шодмоннинг жини кўзгаб, улар томон ўтиб олиб, ёқамиздан олиши муқаррар кўринади. Бошқалар унга эргашишади... Субҳон олло, субҳон олло...

Эшон оғининг лабларида сезилар-сезилмас кулги аксланди. Лекин ичидаги гапни сиртига чиқармади, сир бой бермай, шайхнинг гапини қувватлаб тушди.

— Албатта, албатта,— деди у бошини лиқиллатиб.— Айланай азизлардан... Ёмонлар кўпайиб кетди бу замонда. Қошки уларнинг касофати ўзига урса... Яхшига кун, ёмонга ўлим йўқ... Андижонни ер ютганда, ер ёмонларнинг ўзинигина ютган дейсизми? Йўқ, тўқайга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баробар ёнганидай, ёмонларнинг касрига қанчадан-қанча яхшилар қолиб, ерга ем бўлмаган дейсиз? Қанчадан-қанча олим-уламо, фозилу фузало, муллою ақобир, шайху муридлар беномунишон кетмаганлар?!

— Субҳон олло, субҳон олло. Ўзинг паноҳ бер, худо! Ҳа, отин, замона бузилди, одамларнинг имонидан путур кетди. Шундай бўлса ҳам, ноумид бўлмаслик керак. Ноумид шайтон!.. Нафасингиз бунча совуқ, отин?— деди шайхни ваҳм босиб.

— Айтдим-қўйдим-да, шайхим. Ёмонларнинг касофатига қолмайлик дейман...— Эшон оғи гапни айлантириб Санобарга боғламоқчи бўлар, шайхни йўл-йўриққа солиб, бир йўла Руқия пошшанинг таъналари-ю димоғ фироғи, Санобарнинг аччиқ-аразидан қутулиб олмоқчи эди. Шайхнинг кайфиятини кўриб, бундан фойдаланиб қолишни ганимат билиб, гапни айлантирди:— Сиз тўғри мулоҳаза қиласиз, шайхим. Бу этаксиз қизларни куф-суф билан роҳи ростига солишга ҳам шу кунларда фурсатингиз етмаяпти... Қолаверса, ёшингиз ҳам бир жойга бориб қолди...

Шайх эшон оғининг ўпкаларини тушуниб, коса тагида нимкосани кўриб турарди. У қошини чимириб, унга ўқрайиб қўйди.

— Ҳар нарсани гап деб валдирай бераркан-да, оғизга келганини қайтармай. Оллога минг қатла шукурки, ҳали куч-қувватдан қолганим

йўқ, лекин Шодмонхўжага қизини қайтармоқчи эмасман. Бу ишларга тушунмайсиз, отин. Уни ўзим эрга узатаман.

— Кимга?— эшон ойи бир сесканиб тушди.— Севишгани ўша иштонсиз Алижонгами?

Шайх энсаси қотиб, қўлини силтади.

— Хўп, соддасиз-да, отин. Ушанга берсам-ку бунча жанжал-тўполонга қолиб ўтирмасдим-а, аммо худонинг ўзи етказган мол-давлатдан ўз ихтиёри билан ким юз ўгирган?! Бузрук эшон менга катта пулнинг дарагини айтди. Шодмонхўжани ҳам қуруқ қўймайди.

Эшон ойи бу гапни эшитиб енгил тортди. Унинг учун Санобарнинг кимга берилишининг аҳамияти йўқ, фақат ўзининг шундоқ ҳам пашша тушган ошига ўртоқ бўлмаса бас эди. Шу сабабдан у қувончининг пардалаш, қолаверса, шайхнинг қарори қатъий ёки шунчаки лақиллатиш эканини аниқ билиб олиш учун унинг қўлига қўл солди.

— Ҳа, энди катта дарахтнинг сояси ҳам катта-да... Лекин қиз ўжар, жизгинаги чиқиб куйиб ўлса ўлар-у катта сояга яқин бормас-ов...

— Боришга кўндириш керак, отин. Кўндириш керак,— деди шайх зарда билан эшон ойининг эзмалигидан аччиғи келиб. Бироқ дарҳол жаҳлидан тушди, юмшоқ супурги бўлиб, эшон ойини аврай бошлади.— Ҳаммасига ўзингизнинг ақлингиз ётиб турибди-ку, яна ўсмоқчилайсиз-а, отин. Нима, сиз ўз касбингизни унутиб қўйдингизми, ахир бу биринчиси эмас-ку, ўргилай хотин.

— Уни кўндириш қийин,— деди эшон ойи бетакаллуфлик билан. Аслида у шайх билан савдолашарди. Шайх буни дарҳол сезди-ю, айёронна жилмайиб қўйди.

— Агар рабдоматига қараб иш тутсангиз уни Бузрук эшонга кўндирасиз, ана унда гавҳар кўзли исирға билан бир жўра хонатлас сизники. Буниси биздан бўлади. Бузрук эшон ҳам унинг тўйида белини боғлаб, жонбозлик кўрсатаётганингизни ҳисобга олиб, қуруқ қўймас...

— Катта тошойна ҳам,— деди эшон ойи очкўзлик қилиб.

— Катта тошойна ҳам...— шайх бир оз ранжигансимон рози бўлди.

— Уша пинқи Руқиянгизга ҳали ҳозир олмай турсангиз ҳам бўлади, меникига қараб пардоз қила туради. Мунча ўшани... папалайсиз...

— Майли, кундошингиз кута туради.

— Лекин билиб қолса, тўрсайиб ўлади-да. Марғилондаги синглим қизини куёвга узатмоқчи бўпти, ижозат берасизми?..

— Покдомон хотинимиз, шу ишни битирсангиз, бир ойга десангиз ҳам ижозат. Марғилонда сафобахш тўй-тўйчиқ кўп бўлади. Уйнаб-кулиб равшандиллик билан қайтасиз,— деди размгирлик билан шайх. Пайт-пайти билан бориб турганингиз маъқул.

— Тўй-ҳашамга боришга янги амиркон маҳси-кавушим йўқ, банорас паранжим эскириб қолган... Одам уялади...— деди Эшон ойи, ер остидан шайхни кузатар экан, ҳамма камчилигини битириб олгиси келиб.

Шайх чехрасидан зах тепиб хотинига ўқрайиб қаради. Уни қаттиқ койиб бермоқчи бўлиб энди лабини жуфтлаган эди, уйнинг эшиги қитирлади, шайх йўталиб ўрнидан турди. Эшикдан ёш эшонзоданинг боши кўринди.

— Ота, ялангоёқ Шодмон келиб, пиримга бир оғиз гапим бор, деб фишава қияпти,— деди у.

Шайх эшик олдидан орқага ўгирилиб, эшон ойига тайинлади:

— Ҳалиги айтганимдай бўлсин!— Кейин йигитга амр қилди.— Бу

ёққа олиб кел! Ҳам бўри тўйсин, ҳам қўй тирик қолсин... Раҳматлик падари бузрукворим шундай дегувчи эдилар.

— Шайхнинг бир аму-фармонларига шикаст билан қойил турмоқлик менинг бурчимдир,— деди пичинг қилиб эшон ойи.

Эшон ойи чиқиб кетгач, Шодмонхўжа кирди. У остонада тарадудланиб туриб қолди-да, шайхга икки букилиб, таъзим қилди. Шайх Шодмоннинг келганини кўрмасликка олиб, китобдан бош кўтармай ўтираверди. Кейин томоғини қириб йўталди.

— Э, э, сизмидингиз Шодмонхўжа,— деди шайх жилмайиб.— Қани ичкарига кирсинлар,— деб камоли виқор ва салобат билан ўзи йўл бошлади.— Яқинроқ ўтирсинлар. Меҳмон бўлсинлар.— Шайхнинг овози жуда мулойим ва ёқимли эди.

Шодмонхўжа бу мулозаматдан хижолат тортиб, яна таъзим қилди.

— Ҳечқиси йўқ, мен шу остонада... кўча тупроқ, гиламга юқиб қолмасин яна.

У гиламнинг бир чеккасига тиз чўкди.

— Э, одамдан азиз бўлибдими, тортинмай яқинроқ ўтираверинг,— деди шайх астойдил ёнига таклиф қилиб.— Сиз билан гаплашадиган гапим бор эди, сизни худонинг ўзи етказди. Қаранг, ҳозиргина кўнглимга олиб ўтириб эдим. Қани, дастурхонга қаранг. Иссиқ нон, ўзингиз ушатинг, қаймоқ, асал Арслонбобники, олинг, тотининг, тортинманг, савоб бўлади.

Шодмонхўжа яна ичкароқ сурилиб бошини солиб туриб гапирди:

— Сизни бевақт безовта қилганим учун узр, тақсир. Санобарни соғиниб келдим. Қалай у? Йиғламаяптими?

— Нега йиғлар экан,— дея шайх елкасини қисди.— У менинг ўз қизимдай бўлиб қолди. Унинг бахти ҳақида ўзим ғамхўрлик қилишни ўйлаб турибман. Иншоолло ниятингизга етгайсиз, дастурхонга қаранг, олинг.

Шодмонхўжа шайхнинг оғзига қараб анграйиб қолди.

— Муҳтарам Шодмонхўжа,— деди шайх салмоқланиб,— сиз чин мусулмон, ҳалол одамсиз. Худо хоҳласа, жойингиз жаннатда бўлур... Аммо қизингиз... унинг кўнглига шайтони лаъин уя қуриб олган. Ҳа, айтмоқчи, Шодмонхўжа, менга пича берасинглар бор эди. Ушандан қанча қолган, эсингиздами?

Шодмонхўжанинг юзи тундлашди. Тушкун бир овозда жавоб берди:

— Қарзим кўп, тақсир... Э, мен тўйиб кетдим бу дунёдан. Уз қулингизга шафқат кўрсатинг, пирим, қаҳрланманг...

— Эсимда ҳам йўқ, қанча йиғилиб қолганини мен ҳисоблаб кўрмаганман. Ҳа, майли, берганга битта ҳам кўп, олганга ўнта ҳам оз. Буни ҳозир ҳисоблаб ўтиришга вақт зиқ, кейин бафуржа гаплашармиз. Энди қизингизга келсак, уни куёвга бериш даркор.

Шодмонхўжа бошини лиқиллатиб, розилик ишорасини билдирди.

— Унинг жуфт ҳалолига сизнинг ўзингиз кимни раво кўрасиз?— деб сўраб қолди шайх.

— Тақсирим! Менинг қизим ёшлигидан Алижон билан биргаликда катта бўлган. Ҳалиги марҳум ошнам Тўхтасиннинг ўғли Алижон билан...

Шайх афтани буриштирди, бошини сарак-сарак қилди.

— Мен сизни бунчалик лақма, гўл одам деб ўйламаган эдим. Алижон марҳум отасининг қарзини тўласин аввал, кейин уйланишни хаёлига келтирсин. Унинг отаси, хабарингиз бор бўлса керак, мен билан ҳисоб-китобини қилмай ўлиб кетди. Уша батрак Алижон қариган чоғингизда сизнинг кунингизга ярармикан?! Қариган чоғингизда ватан-

сиз қолиб, хор-зор бўлманг дейман. Менинг насиҳатимга қулоқ беринг. Ахир мен сизнинг манфаатингизни ўйлайман!

— Қулингизман, пирим...— деди Шодмонхўжа бўйнини солиб.

— Қизингизни тагли-тахтли давлатманд, мўмин-мусулмон одамга бермоқ лозим. У шундай одам бўлсинки, келинга катта қалин тўласин.

— Менинг хоҳишим билан ким ҳам ҳисоблашиб ўтирарди дейсиз, пирим...— деди Шодмонхўжа бўшашиб.

— Бу хусусда мен ўйлаб кўрдим. Санобарга ҳурматли Бузрук эшон оғиз соляпти. Мен унга аниқ бир жавоб бермай, сиз билан маслаҳатлашиб кўраман, дедим.

Шодмонхўжанинг дами ичига тушиб кетди.

— Ақли ожизамча, қизингиз Бузрук эшонникида яйраб-яшнайти, елкасига офтоб тегади,— деди шайх гапни айлантириб.— Бузрук эшоннинг мол-давлатининг ҳисоби йўқ... Баҳона билан сиз қарзингиздан узиласиз, яна ёмон кунингизга ҳам бирон нарса орттириб қоласиз. Энг муҳими, Фарғона хони Худоёрхон қўл берган «оқ эшон»нинг авлоди Бузрук эшондай бадавлат кишига қайната бўлиб, қариган чоғингизда фароғатда яшайсиз. Бировларга муте бўлиб кун кўришдан қутуласиз. Сизни ҳеч ким ҳозиргидай пастга урмайди. У ёғидан ҳам ташвиш тортиб юрмай қўяқолинг. Тўйни мана шу ерда ўтказамиз.

Шодмонхўжанинг чиройи очилди. У икки қўлини кўксига қўйиб, таъзим қилди.

— Раҳмат сизга, пирим, бу ғамхўрлигингизни у дунё-бу дунё унутмайман,— деди у тўлқинланиб.— Мен, менинг ўзбошимча қизим сизнинг оғримаган бошингизга ташвиш орттирди. Мен сизнинг бир итоатли қулингизман, насиҳатларингизга юрмасликка ҳаққим йўқ.

— Мана бу гапингиз яхши,— деб илжайди шайх мамнун бўлиб.— Лекин қизингиз кўнармикан? Санобар бир феълли қиз, Сизнинг иродангизга қарши бориши ҳам мумкин.

— Агар кўнмаса, мен уни дуойибад қиламан.

— Йўғ-э, ундай қилманг. Оғизга эҳтиёт бўлинг... оғизга... Қарғиш билан ҳамма вақт ҳам иш битавермайди.— Шайх бошини сарак-сарак қилди.— Агар қизингиз ихтиёрий равишда розилик берса, жуда соз бўлар эди-я! Мен Санобарни олиб келишларини буюраман, сиз у билан бир гаплашиб кўринг.

— Қулингизман, тақсир. Сизнингча бўлсин,— деди Шодмонхўжа итоаткорлик билан.

Шайх хонадан чиқиб кетди. Ташқаридан унинг амирона овози эшитилди:

— Бориб айтинг... Санобарни отаси олдига олиб келишсин!

Санобар шайхнинг уйида ўзига ажратилган хонанинг бир бурчагида кафтини ерга тираб, рўпарасидаги эшон ойига тикилиб ўтирарди.

— Вой ўлмасам,— деди эшон ойи Санобар Алижоннинг номини айтганида.— Уят-а! Тавба қилиб, эшоннинг оёқларига бош ургин, сенга шунча марҳамат қилсалар-у, сен бўлсанг... Ўша сенга ишқи тушиб қолган йигит ким бўлибди? Бой бўлиб болтаси, гадой бўлиб ҳалтаси йўқ бир исқирт-да... Худо кўтарсин ўша имонсизни. Хазон бўлгур, сенинг ҳам бошингни айлантирган-да, бўлмаса ўшани деб бунчалар эзилмасдинг, ранг-рўйинг бир ҳолатда-я, ўзингга раҳминг келсин. Ишқ-муҳаббат дарди ўсмадек ювилади-кегади.

— Уни қарғаманг, эшон ойи!— деди Санобар ўзини босиб туролмай.— Бари бир қарғишларингиз ўтмайди.— Санобар эшон ойига ялинишга тушди.— Раҳмингиз келсин, бизга, эшон ойи. Уни севиб нима гуноҳ қилибман?

— Севасанми? Қиз деган йигитни кўрса жилпангламайди,— фингиллади хонага кириб келган Руқия пошша.— Уятсиз! Бундай дейишга

қандай тилинг борди! Астағфируллоҳ, қиз бола ҳам эркак кишига шунақа гапни айтадими? Бети йўқ! Қиз бола эрда яхши, эрда бўлмаса ерда яхши. Сени Бузрук эшонга узатамиз!

Бошини элаб «йўқ» имосини қилди Санобар.

— Унга тегмайман! Унга хотин бўлгандан кўра ўзимни чўққидан жарга ташлайман!

— Буни ўйлаб гапиряпсанми?— деб сўради эшон ойн ҳайратланиб. У Бузрук эшоннинг номини эшитиши билан унинг ҳисобсиз давлатига учади, деб ўйлаган эди. Санобарнинг шартта «Тегмайман!» дегани ақлига сиғмай, уни довдиратиб қўйди. У гапни бошқа томондан айлантирди.— Шайх билан отангнинг розилигига қарши борасанми?! Ота рози — худо рози, деган. Гапни Руқия пошша илиб кетди.— Отангни куйдириб кукун қилишинг яхши эмас. То ота рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сенинг. Буни машойхлар айтиб кетишган. Сенга кук-қопнинг парисидан бири тегибди. Шайхга айтайлик, бир қора қўй сўйдириб, сен учун хомталаш қилиб юборсин. Ўзим ҳам сен учун Алининг мазорига бир жуфт чироқ ёқиб, дастгирлар арвоҳига ис чиқариб юбораман.

Улар икковлашиб Санобарни яхши-ёмон гаплар билан роса аврашди. Лекин қиз сўзида маҳкам туриб олди.

— Отам рози эмас эканларми?— деди у эшон ойига кинояомуз тикилиб.— Алижонни яхши кўришимни отам яхши биладилар!

Эшон ойн икки кўрсаткич бармоғи билан юзини тирнади, шап этиб бетига урди.— Вой уятсиз! Буни отангга айтишга қандай юзинг чидади?

Шу пайт Руқия пошша Эшон ойига духобадай майин овози билан деди:

— Уртоқжон, этаксиз қизингизни меҳмонхонага олиб чиқар экансиз. Шайхим буюрдилар! Худо кўтарсин ўша ислиқи гадойваччани!

(Давоми бор)



Эркин Воҳидов



ОТАШИН БЕНГАЛ ШОИРИ НАЗРУЛ ИСЛОМ ҚИСМАТИ ҲАҚИДА

ДОСТОН¹

Шоир бўлсанг,
Бўлсин қалбинг,
Элга қурбон бўлгудек.
Шоир бўлсанг,
Бўлсин халқинг
Сенга қалқон бўлгудек.
Шоир бўлсанг,
Сени элинг
Қалби билан тингласа.
Ед олмаса ҳамки шеъринг
Фидолигинг
англаса.

Шоир бўлсанг,
Юртда яша
Меники деб айтгулик.
Жаннат юртдан
кечиб ўша
Харобага қайтгулик.
Шоир бўлсанг,
Қаламингни
Найза қилиб тутолсанг.
Юракдаги аламингни
Оқ қоғозга
тўколсанг.

Шоир бўлсанг,
Қалб чироғинг
Ёниб турса то абад.
Бу дунёдан
кетар чоғинг

Ийглаб қолса
Шеърят.
Уз бағрига
олса қучиб
Сени она маконинг...
Гар шу бахтлар
Бўлса насиб
Иўқ дунёда
армонинг.

Назрул Ислом
Бўлди махсус,
Тунда уйдан олдилар.
Эл кўзидан узоқ,
махсус
Бир хонага солдилар.
Иши қизиқ
бу жаҳоннинг.

Ҳакамлар
Ҳукм этдилар:
Шоирни
Ул ғалаённинг
Сабабкори,
дедилар.
Айбномани тингланг,
Ҳатто —
Фарёд қилар тошлар ҳам.
«Ҳинду билан
муслим аро

¹ Давоми. Боши журналнинг 1-сонида.

Қутқу солган
 Шу одам!»
 Олис юртдан келган биров
 Айб қўйди беандиша:
 Назрул Ислом —
 Халқига ёв
 Нифоқ истар ҳамиша.»
 Бу дунёда
 Бор қабоҳат,
 Бу дунёда
 бор ёлғон.
 Аммо бундай
 разил тухмат
 Бўлмагандир ҳеч қачон.
 Назрул Ислом
 номи охир
 Минг балога тақалди.
 Эл учун
 Жон тиккан шоир
 Эл душмани аталди.
 Ҳукм ўқилди,
 Бош эгиб у
 Аста борар ҳибс томон.
 Ажаб!

Соқчи —
 бир ён ҳинду
 Бир ён эса
 мусулмон.
 Уни туртар
 мусулмон ҳам,
 Силтайди ҳинд ҳаволдор.
 — Қир пичоқда
 ўлди акам,
 Сенда экан айб,
 мурдор!
 — Кўп азоблар чекди ҳинду,
 Кўп қон тўкди
 мусулмон
 Сен қабилар йўқолса-ку
 Яшар эдик
 Тинч, омон...
 Аста
 қадам ташлар
 Назрул.
 Ўйларидан огоҳ йўқ.
 Соқчилардан ранжимас ул,
 Жаҳолатда гуноҳ йўқ.

Жаҳолат тўғрисида ривоят

Алқиссаким,
 Жуда қадим
 Жаҳолатлик замонда
 Бир донишманд
 улуғ ҳаким
 Утган экан жаҳонда.
 У кун бўйи
 Гиёҳ териб,
 Кезиб тоғу биёбон,
 Одамларга шифо бериб
 Яшар экан
 Шодумон.
 Унга
 минг бир мушкул дарднинг
 Аён бўлиб давоси,
 Бора-бора
 Одамларнинг
 Орта бермиш ихлоси.
 Табобатга
 Қалбан,
 руҳан
 Фидо қилиб ўзини,
 Ҳатто бир кун
 Наштар билан
 Очиш
 кўрнинг кўзини.
 Ривож топмиш
 Соҳиб ҳикмат,

Дониш,
 меҳнат мадакор.
 Аммо
 Қайда бўлса шуҳрат
 Ёнбошида
 Ҳасад бор.
 Дуохонлар,
 парихонлар,
 Уқувчилар чилёсин...
 Хуллас,
 Юртда бор нодонлар
 Бошладилар иғвосин.
 Тинмай
 Кеча-ю кундузи
 Топиб наби сўзидан,
 Дедилар:
 «Дард берган
 Ўзи!
 Давоси ҳам
 Ўзидан!
 Бандасига бермак дору
 Яратганга исёндир.
 Демак,
 Ҳаким иши кифру
 Унинг ўзи
 Шайтондир.»
 Бу сўзларни
 чин деб билди

Нодон,
 жоҳил оломон.
 Донишмандни сазо қилди,
 Қалтаклади
 Беомон.
 Чўғ темирда
 Кўксин доғлаб,
 Дорга осмоқ бўлдилар.
 Сўнг
 Бўйнига харсанг боғлаб,
 Сувга босмоқ бўлдилар.
 Кейин
 Сувни,
 арқонни ҳам
 Ҳайф билдилар
 «шайтонга».
 «Ёқинг, — деди
 Энг бош ҳакам, —
 Олиб чиқиб майдонга!»
 Кенг майдонга
 Кўмиб устун,
 Боғладилар ҳақимни.
 Сўнг
 темирни ўтга қўйиб,
 Доғладилар ҳақимни.
 Буюрдилар:
 «Ёқинг шитоб
 Азозилнинг ошнасин.
 Керак бўлса
 Кимга савоб,
 Чўп келтириб ташласин.»
 Савоб учун
 Биров ўтин,
 Биров ташлар дона хас.
 Ҳақим
 Бошин баланд тутиб
 Жоҳил элга қарамас.
 Бир пайт
 Гулхан сари бир чол
 Аста кела бошлади.
 Қучоғида
 Бир боғ похол,
 Ғарам узра ташлади,
 Деди:
 «Асли туғилгандан
 Басир эдим мен ўзим.
 Сен
 жодунинг тиғи билан
 Очиб қўйдинг
 кўр кўзим.
 Тангри билиб
 Яратган кўр,
 Даво қилдинг не учун?
 Сўроқда мен —
 манглайи шўр —
 Нима дейман

Маҳшар кун?
 Ҳақ йўлидан озган одам!
 Кўзим очиб
 не бердинг?
 Мени бир йўл
 У дунё
 ҳам —
 Бу дунёдан айирдинг.
 Кўрлигимда
 Бу оламни
 Хаёлимда кўрардим.
 Дунёдаги бор одамни
 Мушфиқ билиб юрардим.
 Шафқат ила
 Ким нону
 ким
 Чақа ташлаб кетарди.
 Мен ҳам
 шунга кўнган эдим,
 Менга шу ҳам
 етарди.
 Қорним тўйса —
 саодатим
 Йўқ туман хил тилаклар.
 Ҳамсуҳбатим
 Ҳам улфатим
 Жажжи,
 ширин гўдаклар...
 Уйлар эдим
 Дунёда бор
 Мусаффолик,
 соддалик.
 Кўзим очиб
 Кўрдим илк бор
 Бераҳмлик,
 Сохталик.
 Уғрилигу фахшни кўриб
 Жим юраркан одамлар.
 Уз дўстига
 Қулиб туриб,
 Тиғ ураркан одамлар.
 Бир ёнда айш
 Қўкка чирмаш,
 Бир ёнда,
 боқ,
 оҳу-воҳ...
 Букун менинг
 кўнглимда ғаш.
 Имонимда —
 иштибоҳ,
 Дердим:
 Юртни бир бор кўрсам.
 Кўрдим.
 Орзум тўқ энди.
 Йўлда ётган
 кўрчалик ҳам

Эътиборим йўқ энди.
Бу дунёдан
Тўйдим охир,
Адо бўлсам майлига.
Ё қайтадан,
Уша басир —
Гадо бўлсам майлига!»
Бу сўзларни
Эшитди-ю.
Фарёд қилди донишманд.
«Ёқинг» —
дея сўради у —
Олов бўлсин сарбаланд,
Тезроқ кетай
Бу дунёдан,
Ҳеч тоқатим қолмади.
Мендан
шифо олди
одам,
Олам —
шифо олмади.
Хурофотнинг захри теккан
Нодон,
жоҳил,
гумроҳлар —
Давосига ожиз экан
Мен кашф этган гиёҳлар.
Кўр кўзларга
Меҳригиёдек
Нур бахш этди
наштарим.
Қалблар кўзин
очмоққа
лек
Камлик қилди
Ҳунарим.
Одамларга
мен яхшилик —
Қилмоқ бўлдим,
Нетайин.
Манглайда
шу экан битик,
Ёқинг,
Куйиб кетайин!»
Ут қўйдилар.
Ёнди гулхан.
Қаро бўлди самовот.
Жаҳолатнинг ҳукми билан

Тутқинликда

«Онажоним,
Менга букун
Сендан ўзга дилхоҳ йўқ.
Зиндондаман,

Қурбон бўлди
Буюк зот.
Гулхан ёнди
Кўкка ўрлаб,
Чўғи ҳар ён сочилди.
Шу оловдан,
Элнинг,
ажаб,
Ақл кўзи очилди.
Уқиндилар,
Аза тутиб
Йиғладилар,
куйдилар.
Донишмандга
Йиллар ўтиб
Олтин ҳайкал қўйдилар.
Э, воҳ,
Олим кўзи билан
Кўрсайди бу ҳурматни...
Аmmo
Ҳаким ўзи билан
Олиб кетди ҳикматни.
Қўй, эй кўнглим,
Сен ул замон
Даҳшатин кам ўйлагин.
Сенга насиб бўлган даврон
Созин олиб
Куйлагин.
Шукроналик
майин ичиб
Яйраб қолгин бир нафас.
Бу оламдан
Бир кун кечиб
Кетгувчи бир биз эмас.
Кел, эй кўнглим,
Кел, муҳаббат,
Шеър завқига қонайлик.
Утда ёниш бўлса,
фақат —
Шеър ўтида
ёнайлик.
Фақат
Бизга ғаму кадар,
Қайғу-хасрат ёт бўлсин.
То биз учун
жон берганлар —
Руҳи
Мангу шод бўлсин.

Билмам, нечун,
Менда зарра гуноҳ йўқ.
Гуноҳқорман
на оллоҳим,

На виждоним олдида.
 Фақатгина...
 Бир гуноҳим
 Онажоним олдида.
 Кечир, онам!
 Кўзингда ғам,
 Азоб бўлдим жонингда.
 Букун байрам,
 Мен букун ҳам
 Бўлолмадим ёнингда.
 Одамлардек
 Беозор, тек
 Яшаб юрсам нетарди.
 Менга толе,
 сенга тинчлик
 Балки насиб этарди.
 Булбулларга,
 гулларга маст
 Ёзсам фақат ғазаллар
 Балки мени миршаблармас
 Изларди ёш гўзаллар.
 Менга ҳам ёр сокинлиги
 Сенинг ҳам йўқ бу дардинг.
 Мен — уйлик,
 Сен — келинлиги
 Набиралик бўлардинг.
 Оҳ, у йўл берк,
 Менда йўқ эрк,
 Тирик умрим — афтода.
 Не қилайки,
 Одамлардек
 Яшолмадим дунёда.
 Лек кўнглимда нолиш эмас,
 Алланечук дилшодлик.
 Гарчи жисмим
 Банди қафас,
 Руҳимда бор озодлик.
 Туғилишдан қул эмасман,
 Қуллик ёт бу жонимга.
 Эрк истаги
 Сутинг билан
 Қирмиш менинг қонимга.
 Мени оташ,
 гирдобларга
 Отган ўшал истагим.
 Онажоним,
 Азобларга
 Қўйди сени юрагим.
 Мени кечир,
 Фақат сендан
 Букун узр сўрайман,
 Узр сўраб умид билан
 Хаёлимни ўрайман.
 Рози бўлгин
 Гар ўғлонинг
 Юрак қўрин асролса.

Бир кун она Ҳиндистоннинг
 Хизматига яролса.

□

Вақт кам бўлса
 Ундан одам
 Улгурганча олади.
 Кўп бўлса, не қиларин ҳам
 Билолмасдан қолади.
 Назрул қайноқ иш қўйнида
 Кун ўтганин билмасди.
 Нақ бир олам юк бўйнида
 Кеча-кундуз тинмасди.
 Бўш вақт бермас жариди ҳам,
 Ноширликнинг иши кўп.
 Уйда,

 элдан нарида ҳам
 Тинч йўқ,
 Йўқлар киши кўп.
 Бир томонда битилмаган
 Достонлари беҳисоб.
 Бир ён
 Қўриб етолмаган
 Ётар минг-минг жилд китоб...
 Шеър устида ўлтирмоққа
 Танҳо бедор кеча бор.
 У худодан
 Уй сурмоққа
 Вақт сўрарди неча бор.
 Мана фурсат!
 Бунда на ғам,
 На дунёнинг ташвиши.
 На нозир,
 на айғоқчи ҳам
 На хайрихоҳ бир киши.
 Мана фурсат
 Хаёл учун.
 Уй сур,
 кўкка ҳаволан.
 Керак бўлса умринг бутун
 Қайта яша хаёлан.
 Аммо

 хаёл, ўйдан не наф,
 Қўлда қалам бўлмаса.
 Юрак очмоқ учун сўйлаб
 Дилдош одам бўлмаса.
 Қалам надир,
 Бўлса аён
 Кетмаслиги бекорга
 Бармоғидан чиқариб қон
 Ёзар эди деворга.
 Умид бўлса
 Бир кимсанинг
 Келишидан садога
 Дилдош надир,

У дил сасин
 Етказарди самога.
 Аммо бенаф.
 Кўз олдида
 Фақатгина тош девор.
 Хаёл эса...
 хаёлида
 Поёнсиз бир бўшлиқ бор.

□

Назрул Ислом
 Тор зиндоннинг
 Туйнугидан қарайди.
 Қўриб зангор

соф осмоннинг —

Бир парчасин,
 Яйрайди.
 Унда
 Эркин қанот қоқиб
 Қушлар учиб юрипти.
 Бунда
 Шоир кўкка боқиб
 Ҳавас қилиб турибди.
 Қушлар билан учай деса
 Қани унинг
 қаноти?

Бир оламдир
 Орзу эса...
 Етармикин ҳаёти?
 Назрул Ислом
 Тор зиндоннинг
 Туйнугидан қарайди.
 У фалакдан
 Ҳиндистоннинг
 Толеини сўрайди.
 «Майлига,
 Мен тутқун бўлсам.
 Сен озод бўл,
 Онажон!
 Минг қийноқда
 Майли ўлсам
 Юртим,
 бор бўл,
 Бўл омон.
 Умрим етса,
 Меҳринг таянч,
 Сени яйраб куйларман.
 Букун эса,
 Мушкул,
 аянч
 Қисматингни ўйларман.
 Нега минг йил
 Манглай теринг —
 Тўкиб ерга,
 қолдинг оч?

Сен оламга
 Ипак бериб,
 Ўзинг ўтдинг
 яланғоч,
 Бебаҳо —
 фил суякларинг,
 Баҳринг аро —
 тўла дур,
 Фаввос қилиб гўдакларинг,
 Келгиндилар
 оладир.

Юртим,
 Битмас матонатинг,
 Сен —
 мужассам бардошсан.

Фил сингари .
 Зўр қудратинг,
 Фил сингари
 Ювошсан.
 Она ўлкам,
 Бир кун сени
 Озод кўргим келади.
 Истибоднинг занжирини
 Барбод кўргим келади.
 Кўтарарсан
 Сен ҳам қаддинг,
 Йўл оларсан
 эрк сари.

Ҳимолойнинг ортидаги
 Озод Ватан сингари.»

□

Назрул Ислом
 Зиндонда банд,
 У заҳ ерни қучарди.
 Шеъри эса қушлар билан
 Осмонларда учарди.
 Кенгликлардан ошар эди
 Қалб шукуҳи шоирнинг
 Эл дилида
 Яшар эди
 Исён руҳи шоирнинг.
 Ўз умрини қилганди у
 Шеъри билан жавидон.
 Уқир эди
 Уни ҳинду,
 Едлар эди
 Мукулмон.
 Шоир банди,
 Шеъри бироқ
 Учар эди бетўсиқ.
 Ҳимолойдан ошиб
 Узоқ —
 Кетган эди бу қўшиқ.
 Дунё бўйлаб

Довруғ солди
Назрул Ислом эрк саси...
Ҳиндистонда эсиб қолди
Озодликнинг нафаси.

□

Қийнадилар уни
Узоқ —
Юртдан келган жаноблар.
Енголмади аммо қийноқ,
Буколмади азоблар.
Умид унга сабот берди,
Ишонч берди
Матонат.
Юрагига қанот берди
Она юртга
Муҳаббат.
Бу кунлар ҳам ўтиб кетар,
Ҳаёт олдда...
Ҳали ёш...
Баъзан
Ҳаёл суриб кетар
Тош деворга қўйиб бош.

Ёш кўнглига
Қилар таъсир
Фалакнинг каж хислати.
Кўз олдидан
Ўтар бир-бир
Шоирларнинг қисмати.
Бобокалон Рудакий дер:
«Қулоқ солгин сўзимга.
Адолат деб битдим у шеър
Нил тортдилар
Кўзимга.»
Тилга кирар Фирдавсий ҳам
«Лаънат —
дейди,—
тақдирга.
Рустам,
Золни таниб олам
Ўзим қолдим
Таҳқирга...»
Навой дер:
«Зулмат аро
Кўп изладим йўлимни.
Мен ўзимни қилдим адо,
Енголмадим
Зулмни.»
Ухшар Назрул фарёдига
Барчасининг нидоси.
Охир
Шоир кўз олдига
Келар Бобир сиймоси.
Дейди:
— Тингла огоҳ бўлиб,

Гар сен бўлсанг тутқунда,
Мен бир юртга подшоҳ бўлиб,
Умрим ўтди қувғинда.
Ун иккимда
Тахтга миндим,
Ёш очилди кўзларим.
Қондошларга ёв кўриндим,
Мени сотди дўстларим.
Нажот истаб
Мен ҳар нафас
Қуюн каби елганман.
Юртингга мен
Шоҳ бўлибмас,
Паноҳ излаб келганман.
Толе йўқи жонима
Балолик бўлди,
Не ишники айладим
Хатолиғ бўлди,
Ўз юртни қўйиб Ҳинд —
Сори юзландим,
Воҳ-воҳ нетайин не юз —
Қаролиғ бўлди.
Шоир бўлиб,
Эл ичида
Руҳим ўсди шонимдан.
Шоҳ бўлиб
Ёв қиличида
Доғлар қолди қонимдан.
Мен шоҳ бўлиб,
Алам билан
Кўрдим жангу суронни.
Шоир бўлиб
Қалам билан
Олдим ярим жаҳонни.
Келтирди кўп бало, ситам
Тирикликда тахту тож.
Ярим минг йил сўнгида ҳам
Ёғар менга
Таъна-тош.

Ёш Назрулга қилар таъсир
Фалакнинг каж хислати.
Кўз олдидан ўтар бир-бир
Шоирларнинг қисмати.
Пушкин шеъри
Қилди фарёд,
Уққа тутди ўт қалбни.
Лермонтовни отган жаллод
Дорга осди
Машрабни.
Шоирларнинг —
Эркдир дини,
Эрка сажда қилдилар.
Эрк куйчиси Насимийни
Товонидан шилдилар...
Назрул Ислом

Сурар хаёл,
 ўйи адо бўлмайди.
 Дер:

Шоирда бор бир иқбол,
 Яъни,
 шоир ўлмайди.

Шоҳи Жаҳон ва Аврангзеб

ҳақида ривоят

Подшо одил бўлмас, деган
 Ҳақиқат бор —
 Ўйлайлик —
 Келинг,
 шоҳлар золим экан
 Бизлар одил бўлайлик.
 Тождорлардан безди дунё
 Кўра бериб золимлар.
 Шоҳлар аро
 Бўлган аммо
 Шоирлару олимлар.
 Тарих кўп йил таҳқир битар
 Чингиз каби жобирга.
 Аммо
 мангу таъзим этар
 Улуғбекка,
 Бобирга.
 Хуллас...
 (Тахмин, Мирзо Бедил
 Тириклиги вақтида)
 Шоҳи Жаҳон ўттиз бир йил
 Ултирди Ҳинд тахтида.
 Неки қилди
 Ҳақ деб билди,
 Билди шуни адолат.
 Кимларгадир зулм қилди,
 Кимларгадир —
 саховат.
 Ўз даврида
 даврон сурди,
 Ёдласин деб асрлар —
 Неча-неча шаҳар қурди,
 Шаҳар ичра —
 Қасрлар...
 Май ҳам ичди;
 Айш ҳам қилди,
 Ғуссасин ўлдирди,
 Хазинани зару
 дилни
 Шодлик билан тўлдирди.
 Шоҳи Жаҳон
 жасур, доно,
 Кўп ҳикматга ёр эди.
 Шоҳнинг аммо
 Бир бедаво
 Оғир дарди бор эди.
 Ҳар комирон одамнинг ҳам

Бўлганидек бир кам
 Шоҳ кўнглига
 Гоҳ чўкиб ғам,
 Қаро эди олами.
 Бу ғам на мулк,
 на дарди шон,
 На фарзанд,
 на ишқ доғи.
 Номсиз ғамки,
 келар осон.
 Қийин эди кетмоғи.
 Бундай чоғлар ором берур
 На сайру на саёҳат.
 Кўзларидан қочарди нур.
 Юрагидан — ҳаловат.
 Зардоб ютиб ғуссасидан
 На суҳбат,
 на май талаб —
 Улуғ подшо ғўшасидан
 Чиқмас эди ҳафталаб.
 Кўз ёш ювар юзларини,
 Кўнгли тўла таҳлика...
 Шунда
 унинг сўзларини
 Тинглар эди
 малика.
 Айтар эди шоҳ ўз дардин
 Мумтоз Маҳал хонимга:
 «Тўйдим тож-тахт,
 Мулк — баридан,
 Бари тегди жонимга.
 Бу давлат
 Бу шону шавкат
 Омонатга ўхшайди.
 Вазирларнинг фикри фақат
 Хиёнатга ўхшайди.
 Барчасининг чўнтагида
 Шоҳ қасдига пинҳон ўқ.
 Фарзандларим юрагида
 Менга зарра меҳр йўқ.
 Ҳар бир шарпа
 Менга қўрқинч —
 Ҳолат бўлиб кўринар.
 Умрим сўнги —
 тўла ўкинч,
 Даҳшат бўлиб кўринар.
 Бўлмай туриб

Бир фалокат,
 Ё бир фитна қурбони,
 Тарк этсайдим
 Бехосият,
 Бевафо бу дунёни.»
 Шунда
 Гўзал Мумтоз Маҳал
 Тинглаб шоҳнинг зорини
 Уқиб ҳар гал
 Битта ғазал
 Овутарди ёрини.
 Бедорликда тунлар билан
 Уланарди кунлари.
 Минг бир кеча
 Эртас айтган
 Шаҳризода сингари.
 Зулму фитна,
 адоватнинг
 Гуноҳлигин ўқирди.
 Мангуликка адолатнинг
 Ҳамроҳлигин ўқирди.
 Уқир эди:
 Одамки бор,
 Утмоғи бор жаҳондан.
 Фақат эзгу ишлар ёдгор
 Қолғусидир инсондан.
 Юрагига шоҳнинг қанот —
 Берар эди ғазаллар,
 Қанот надир,
 Қайта ҳаёт
 Берар эди ғазаллар.
 Лекин шоҳнинг
 Қай гуноҳи,
 Қай зулмига интиқом —
 Бир тонг
 кўкка чиқди оҳи,
 Қўлдан тушиб синди жом.
 Воҳ,

ҳеч кимга

йўқдир омон,

Йўқдир омон

ажалдан.

Жудо бўлди Шоҳи Жаҳон
 Қалби — Мумтоз Маҳалдан.
 Девонага айланди шоҳ,
 Дардин элга сўзлади.
 Мажруҳ қушдек
 Тўлғанди гоҳ,
 Гоҳ бўтадек
 бўзлади...

□

Кунлар ўтиб
 Шоҳи Жаҳон
 Тенгсиз ҳажр азобиди,
 Қурмоқ учун берди фармон

Маликага обиди.

Деди:

«Тикланг шундай сарой,
 Зарни қилманг ҳеч ҳисоб.
 Ҳавас қилсин кечалар ой,
 Кундузлари — офтоб.
 Ер юзида унинг асло
 Баробари бўлмасин.
 Мумтоз Маҳал номи дунё
 Турғунича ўлмасин.»
 Ишга тушди
 Сонсиз асир,
 Меъмор,
 наққош,
 сангтарош,
 Занжи қуллар оғоч ташир,
 Филлар ташир ҳарсангтош.
 Йигирма йил
 Йигирма минг
 Жон жабридан бир амал —
 Мўъжизаси бу оламнинг
 Бино бўлди
 Тожмаҳал.

□

Йигирма йил...
 Вақт бешафқат.
 Кўпни кўриб дунёда
 Шоҳ қариди,
 Лек алпқомат
 Йигит бўлди шаҳзода.
 Тилак қилди
 Шоҳи Жаҳон:
 «Ўғлим фақат шод бўлсин.
 Мендаги бул дарди ҳижрон
 Ҳасратларга ёт бўлсин».
 Ошна қилди ўйин, кулгу,
 Овга, чолғу,

санъатга.

Хаёлотни қилди мамну,
 Ургатди шавқ,
 ғайратга.

Евқур,

жасур,

ҳар бир ишга

Қодир қилиб ўстирди.

Тиф уришга,

ўқ отишга.

Моҳир қилиб ўстирди...

Фан бобиди

Имло ила

Шариатдан берди дарс.

Нутқ санъати,

ҳарбий ҳийла,

Сиёсатдан берди дарс.

Лек, раҳмат, деб

Дарслар учун,
 Мана ҳарбий найранг, деб,
 Отасига қарши бир кун
 Исён қилди Аврангзеб.
 Шоҳ қўлида қилич синди,
 Ниҳоя йўқ армонга.
 Ота ўғил тахтга минди,
 Ота тушди
 Зиндонга.
 Деманг —

булар ривоятдир —

Хаёлотда етилган.
 Бу шафқатсиз ҳақиқатдир
 Тарихларда битилган...
 Вақт етиб
 Минг олтмиш тўққиз
 Йилнинг шаъбон ойига.
 Чўқтирдилар отани тиз
 Уз фарзандин пойига.

А в р а н г з е б

Тақдир экан,
 Не дей ўзга.
 Фалак ҳукми — адолат.

Ш о ҳ и Ж а ҳ о н

Бас,
 Ҳожат йўқ ортиқ сўзга,
 Содир бўлди хиёнат.
 Терс айланди гардуни дун,
 Сўзла,

недир муродинг?

Ҳукм — сенинг ҳукминг букун,
 Вожиб — сенинг ироданг.

А в р а н г з е б

Аламингга ниҳоя йўқ,
 Не тахтпараст одамсан.
 Сен шоҳ,
 Сенга ҳимоя йўқ,
 Аммо, нетай,

отамсан.

Ўйла ўзинг,
 Гуноҳ кимда?
 Кимдан олдим тарбият?
 Сен уйғотдинг юрагимда
 Тоғу тахтга муҳаббат.
 Бу туйғуни бериб,

нега

Қаро қилдинг бахтингни?
 Сўнг, қариб ҳам
 Нечун менга
 Бўшатмадинг тахтингни?
 Ҳа-ҳа!
 Инсон шоҳми гадо
 Одам сутин ичгандир.

Тирикликда қайси подшо
 Тоғу тахтдан кечгандир?

Ш о ҳ и Ж а ҳ о н

Келар бир кун сенга ҳам гал,
 Ешсан,

вақт бор синовга.

Ўзингга ур тигни аввал,
 Оғримаса —

бировга.

Шухрат майи ғоят ширин,
 Сархуш қилар одамни.
 Сен бу бахтга етдинг лекин
 Забун қилиб отангни.
 Унутмаки,
 Доҳил бўлдинг
 Тождорликнинг шонига
 Э, воҳ,

бўяб икки қўлинг

Икки оғанг қонига.

Бобир насли тарихида
 Бу энг қаро бир варақ.

Билки,

инсон тақдирида

«Алқасосул миналҳақ!»

А в р а н г з е б

«Ҳақдан қасос!»

Аё Хуррам!

Сен ҳам мендек бўлгансан.

Ўз отангга қарши сен ҳам

Бир вақт исён қилгансан.

Юришмади

Лек омадинг,

Келолмай тахт ёнига, —

Қўлларингни бўёлмадинг

Бузрукворинг қонига.

Ш о ҳ и Ж а ҳ о н

Кўтарганман исён ростдан,

Макр эмасди у бироқ.

Салтанатни инқироздан

Лозим эди қутқармоқ.

Аён этди вақт —

ким ҳақли,

Кўрди, билди жаҳон ҳам.

Инсон билан инсон фарқли,

Исён билан исён ҳам.

А в р а н г з е б

Ўз қилмишин

Ҳар бир тождор

Адолат деб айтадир.

Билар ёлғиз парвардигор

Чин ҳақиқат қайдадир.

Мен — олломас,

Не билайн.
 Лек қиличим кесган пайт.
 Энди сени не қилайин,
 Падаримсан,
 Узинг айт.

Шоҳи Жаҳон

Ажаб,
 мени падар дейсан,
 Лек меҳр йўқ кўзингда.
 Не қилай деб сўрма мендан,
 Ихтиёринг ўзингда.
 Лозим кўрсанг қай ажални,
 Буюр —
 Хоҳ кес,

хоҳи ос.

Илтимосим —

Тожмаҳални

Вайрон қилма —

шу холос.

Уша мендан ёдгор танҳо,
 Уйғоқ руҳим,
 Юрагим.

Жонимни ол,
 руҳим аммо

Ҳароб қилма,
 Тилагим...

Аврагзеб

Ваҳшийликка бормас қўлим,
 Тожмаҳални бузмасман.
 Сўрамагил мендан ўлим,
 Ота бошин узмасман.
 Падарқушлик шонин асло
 Раво кўрмам ўзимга.
 Сен яшарсан
 Мендан ризо,
 Ризо бўлсанг сўзимга.
 Эрта мени подшо қилиб
 Кўтарурлар,
 келарсан

Халқ олдида
 Ризоман деб
 Мени дуо қиларсан.
 Қариб қолдинг,
 Тахт ғамин қўй,
 Ором ғаштин суриб ёт.
 Ҳузуримда маслаҳатгўй
 Бўлиб қолгин умрбод.

Шоҳи Жаҳон

«Маслаҳатгўй бўлиб қолгин
 Ҳузуримда умрбод...»
 Сен дунёга туғилган кун
 Мен нақадар эдим шод.
 Юрганингда ата-чечак,
 Минганингда илк бор от,



Келин кўриб,
 Сўнгра гўдак...
 Мен нақадар эдим шод.
 Уша шодон дамлар нечун
 Мен дунёдан ўтмадим,
 Е болангга тўй қилган кун
 Сенга аза тутмадим.
 Кўзларимга бутун дунё
 Ҳеч оқармас тун букун.
 Давлатингдан,
 Бобир Мирзо,
 Омад кетган кун букун.
 Э, воҳ,

Ота — фарзанд аро
 Кўтарилди оқибат.
 Бу — интиҳо!
 Чин интиҳо —
 Етиб келди оқибат!

□

Тарих —

бир минг олтмиш тўққиз

Йилнинг шаъбон ойида
 Тож соҳибин
 Қилдилар ҳибс
 Ўзи суйган жойида.
 Яъни аркли саройида —
 Шарқда шундай қоида —
 Иззат-икром ўз жойида,
 Қўш гиламлар пойида.
 Фақатгина тахту тож йўқ,
 Машварат йўқ,
 Девон йўқ.
 Хазинага эҳтиёж йўқ,
 Чунки қўлда фармон йўқ.
 Кеча Ажам, Рум, Хитога
 Ларза солган буюк шоҳ.

Шарпалар

Инсоният
 Минглаб қийноқ —
 Уйлаб топган дунёда.
 Бу қийноқлар ичра бироқ
 Бириси энг зиёда.
 Унга тоқат йўқ инсонда,
 Йўқ ундан зўр дил доғи.
 Бу изтироб —
 Тор зиндонда
 Танҳоликнинг қийноғи.
 Шоир қалбнинг
 Дилдоши йўқ.
 Қийналади ёш жони.
 Қутулмоқнинг иложи йўқ.
 Йўқ ўлмоқнинг имкони.
 Назрул
 Хаёл суриб ётар
 Шифтга боқиб
 Узун кун.
 Неча-неча тонглар отар,
 Неча-неча чўқар тун.
 Гоҳ
 Ажиб бир ҳолат бўлар.
 Ҳайрон бўлар ўзига.
 Алланечук
 Оқ шарпалар
 Қўринади кўзига.
 Улар келиб,

Қараб ётар кенг дунёга
 Тор дарчадан...
 Кўкда моҳ
 Аста кезар, сочар хомуш
 Борлиқ узра сиймин хал.
 Мисли хаёл,
 Сеҳрли туш
 Мағрур турар Тожмаҳал...

□

Эй дил,
 Қулоқ бер нидога,
 Токи ерда инсон бор,
 На подшога, на гадога
 Алқасосдан омон бор.
 «Жафо учун
 Вафо учун
 Ҳаққин олди Шоҳ Жаҳон.
 Бири уни қилди забун,
 Бири эса — жовидон.
 Ғамли тарих ибрат бўлсин
 Бўлсин сенга намуна...»
 Дея аста,
 маъюс, сокин
 Оқиб ётар Жамуна.

Ҳар замонда:
 «Ётар!

Назрул! Тур! — дейди.
 Ултирма бу заҳ зиндонда.
 Бизлар билан юр» — дейди.
 «Йўқ, йўқ» — дея
 Тутқун шоир
 Шарпаларни қувади.
 Кўздан оққан
 Аччиқ ёши
 Юзларини ювади.
 Шеър ўйлайди
 Назрул Ислом.
 Излаб жонга ҳаловат.
 Уйда шеър йўқ
 Дилда илҳом,
 Руҳда шавқи синоат.
 Наҳот
 Тамом бўлди шоир?
 Наҳот битди саботи?
 Наҳот
 Қалбда тугади шеър
 Тугамасдан ҳаёти?
 Ахир унда
 Қанча орзу,
 Ишқ бор эди,
 муддао!
 Наҳот бари тамом?

Назрул
 Қилди кўкка
 Илтижо:
 — Эй холиқи олам,
 Тилагимни қондир,
 Умримга бер барҳам,
 Вужудимни ёндир.
 Ҳолим бир сенга ҳам —
 Бир менга аёндир,
 Яратибсан одам,
 Одамликча қолдир.
 Тугади ирода,
 Йўқ ўзга дил розим,
 Етганим маъвода
 Бўлинсин овозим,
 Ким, авжи навода
 Ушалсин бу созим,
 Энг олий фазода
 Тугасин парвозим.
 Шоирга дунёда
 Аслида шу лозим.
 Эй холиқи олам,
 Тилагимни қондир.
 Умримга бер барҳам,
 Вужудимни ёндир.
 На жонда ғайратим,
 На кўзда ҳайратим,
 На дилда
 Алам бор,
 На қўлда

Нақл

Болаликда эшитганим
 Талай-талай эртақдан —
 Хаёлимда бири маним,
 Сира чиқмас юракдан.
 Марҳумларнинг руҳи кўкда
 Доим учиб юрармиш.
 Биз уларни кўрмасак-да,
 Улар бизни кўрармиш.
 Биз хайрли ишлар қилсак,
 Шодон бўлар эмишлар.
 Мабодо,
 Биз ёмон бўлсак
 Нолон бўлар эмишлар.
 Дўст,
 қариндош —

уруғларнинг

Руҳи —
 оддий руҳ эмиш.
 Лек даҳолар,
 Улуғларнинг
 Руҳи — олий руҳ эмиш.
 Ўз аршидан

Қалам бор,
 На бошда фикратим,
 На керак
 Сийратим,
 Эл учун адоман,
 Тугадим тамоман.
 Сигмай кенг жаҳонга
 Сигдим тор зиндонга.
 Эй холиқи олам
 Тилагимни қондир,
 Умримга бер барҳам,
 Вужудимни ёндир!»
 Назрул Ислом
 Қилган нидо
 Етди юксак осмонга.
 Олий руҳлар
 Уни раво —
 Кўрмадилар
 зиндонга.

Шоир руҳин
 Олиб мангу
 Кўкка парвоз этдилар.
 Тор зиндонга
 Фақат жону
 Жисмин ташлаб кетдилар.
 Назрул Ислом
 Тор катакда
 Девонавор турипти.
 Руҳи унинг кенг фалакда
 Қанот ёзиб юрипти.

Улар бизга
 Бўлармишлар раҳнамо.
 Кўп ишларни
 дилимизга
 Солармишлар доимо.
 Офат келса
 Бизга ногоҳ,
 Билгувчи ҳам улармиш.
 Фалокатдан бизни огоҳ —
 Қилгувчи ҳам улармиш.
 Йироқда
 Дард ичра қолиб
 Дўстимиз зор бўлса гар,
 Дилимизга ғашлик солиб
 Қилармишлар
 Бохабар.
 Бизни кундуз
 Банд этса иш,
 Ҳоли топиб уйқуни.
 Улар бизга эслатармиш
 Кетганларнинг руҳини.
 Шунинг чун ҳам
 Дилимизни —

Кўмармишлар ёғдуга.
Қилармишлар ошно бизни
Меҳр деган туйғуга.

Аммо

Олий руҳлар

фақат —

Пок дилларга ёр эмиш.

Қайда бўлса —

самимият —

Уша ерда бор эмиш.

Улар яшар

Биздан ўзга,

Бенамоён ва бесас.

Шарпалари ҳеч бир кўзга,

Ҳеч қулоққа

сезилмас.

Улар бизни

Кўриб турар,

Буни сезмас нодонлар.

Улар билан

суҳбат қурар

Фақат

Буюк инсонлар.

Улар борки —

бизлар одам,

Ҳақиқат бор беомон.

Яхшилик ҳам,

Ёмонлик ҳам

Қайтар бир кун бегумон.

Биз,

мабодо,

қилсак, гуноҳ

Ҳар қанчаки хилватда,

Олий руҳлар

Бўлур огоҳ,

Жазо берур албатта.

Гарчи

Бидъат ётдир менга,

Даҳрий фикрат эгадир.

Олий руҳлар борлигига

Ишонаман негадир.

Лаззат ширин,

Давлат ширин,

Ҳеч тўймаслар одамлар.

Руҳлар борки,

бир-бирларин

Еб қўймаслар одамлар.

Кел, эй кўнглим,

Руҳларни сен

То борсанки, қилгин ёд.

Кимлар уни виждон десин,

Кимлар десин,

Эътиқод,

Аммо улар

Дунёда бор!

Шак келтира кўрмагин.

Мени нопок йўлдан

Зинҳор,

Зинҳор олиб юрмагин.

Ҳатто ўзинг

қолсанг ёлғиз,

Дема,

Мендан огоҳ йўқ.

Яшамоқдан эътиқодсиз

Ортиқ ерда гуноҳ йўқ.

Озодлик

Байроқ қилиб,

Эл кўзгалди —

Назрул Исломи исмини,

Тор зиндондан уни олди,

Аммо фақат

Жисмини.

Назрул Исломи

Озод,

Аммо

Эл қаноти қайрилди,

Еш,

навқирон,

тирик сиймо —

Шоирдан айрилди.

Назрул Исломи

Шеър бутун

Ҳиндистонда янграрди.

Аммо шоир

уни бугун

На тинглар,

На англларди.

Шоирини қўймай —

Қўлда —

Эл кўтариб элтарди.

На қувонар

Назрул бундан,

Ва на парво этарди.

Бир ёнидан қучар ҳинду,

Бир ёнидан мусулмон.

Аммо,

Ҳушдан айрилган у,

Унга ётдир бу жаҳон.

Табриклайди

Уни Токур,

«Озодлигинг муборак!»

Рўзнамалар қутлов ёзур,

Булар

унга не кёрақ?

У на уйғоқ
 Ва на ухлар,
 Ҳиссиз боқиб турарди.
 Руҳи унинг
 Олий руҳлар
 Даргоҳида юрарди.
 Шоир топди
 Эрк чинакам,
 Озод бўлди тамоман.
 Бир йўл унга дарди олам
 Барбод бўлди тамоман.
 У бир йўла
 Шўришлардан,
 Савдолардан қутулди.
 Жабру жафо кўришлардан,
 Низолардан қутулди.
 Қутулди
 У сиғолмаган
 Сигдирмаган жаҳондан,
 Халос бўлди
 Ҳам зиндондан,
 Ҳам зиндондек замондан.
 Ҳам тарк этди
 Бир йўл уни
 Эл дардидек оғир юк.
 Бу дунёда
 қолди тани,
 Беҳуш, беруҳ ва буюк.

□

Қирқ йил ўтди,
 Узоқ қирқ йил.

Бу дунёдан бегона —
 Назрул Ислом
 Яшар бедил,
 Яшар дарвиш, девона.
 Қирқ йил ичра
 Нелар кўриб
 Нелар чекди

Ҳиндистон.

Аммо

.кўзи очиқ туриб

Гофил ўтди
 ёниқ жон.

Босқинчилар
 Юртдан кетди —
 Эл ғазаби қуволди.
 Шоир
 Буни на ҳис этди,
 На кўрди,
 На қувонди.
 Назрул Ислом
 Бу дунёда
 Етмиш беш йил яшади.
 Аммо
 Ўттиз икки ёшда
 Бу дунёни ташлади.
 Шоир умри
 Қолди шеърда,
 Қолди ёниқ дostonда.
 Битганлари унинг —

ерда

Руҳи эса
 осмонда.

Шоирлар ва пайғамбарлар ҳақида ривоятли чекиниш

Дейдиларки,
 Кўҳна олам
 Кўрди қирқ минг пайғамбар
 Шоирлар ҳам
 Улардан кам —
 Бўлмагандир, муқаррар.
 Пайғамбарлар тариқати
 Ақлгадир,
 кўзгадир.
 Шоирларнинг ҳақиқати
 Аммо тамом ўзгадир.
 Аҳли наби одамзодни
 Зухд йўлига чорлади.
 Рад этиб бу истибдодни
 Шоир аҳли
 бормади.
 Пайғамбарлар айтди:
 Инсон —

Ишқи ёлғиз оллога.
 Шоир Мажнун
 қилди исён,
 Ошиқ бўлди Лайлога.
 Уни ота —
 (Аслида дин) —
 Қелтирганда тавбага
 «Жоним олу Лайло ишқин
 Олма» — деди каъбага.
 «Ераб балойи ишқ ила
 қил ошно бани,
 Бир дам балойи ишқдин
 қилма жудо бани». —
 Пайғамбарлар: —
 Шароб ҳаром,
 Осий, деди, —
 майпараст.
 Лекин шоир Умар Ҳайём

Ишқ майига бўлди маст.
 Наби айтди:
 У дунё чин,
 Иста руҳнинг камолин.
 Шоир айтди:
 «Оллоҳ замин —
 Узра сочган жамолин.»
 Дунё таркин
 одамларга
 Имон қилди анбиё.
 Қарши қирқ минг пайғамбарга
 Исён қилди шуаро.
 «Зоҳид, сенга ҳуру
 Менга жонона керак,
 Жаннат сенга бўлсин,
 Менга майхона керак.»
 Кун борки,
 Тун бўлган каби,
 Сув бордирки —
 аланга.
 Туғилганда ерда наби,
 Шоир келди оламга.
 Озодликнинг майин ичиб,
 Шавққа тўлди
 Шоирлар.
 Набиларга қарши чиқиб
 Наби бўлди
 Шоирлар.
 То дунёга келмиш башар,
 Бир жабҳада келиб дуч,
 Ёндош яшар,
 Ҳам курашар
 Инсон аро икки куч.
 Бошлар ўзга-ўзга йўлдан,
 Бошқа-бошқа маслаги,
 Наби янглиғ ақли билан
 Шоир янглиғ юраги.
 Бири тутиб
 Айш йўлин берк,
 Тийилмоққа ундайди,
 Бири эса шалоладек
 Қуйилмоққа ундайди.
 Мен ҳам битта саргашта жон,

НИҲОЯ

Деҳли, 20 март, 1979 йил.

— Ут балоси,
 Сув балоси,
 Ортиқ ерда бало йўқ.
 Лек офатнинг йўқ давоси
 Бош кўтарса
 Халойиқ.
 Уту сувга тадбир бордир,

Урта йўлда турурман.
 Улар аро
 Икки жаҳон
 Овораси эрурман.
 Шеър, ишқ фаслин
 Илк онидан
 Раҳнаmodир қалб менга.
 Балки
 Шеърнинг осмонидан
 Тушмоқ чоғи заминга...
 Эй кўнгил,
 Бўл содиқ ҳабиб,
 Мени зинҳор ташлама.
 Ҳабибим бўл,
 Аммо ҳадеб
 Ўз кўйингга бошлама.
 Ёлғиз маним, деса фикрат,
 Йўқ, маним, деб даъво қил.
 Лекин гоҳи,
 Етди фурсат,
 Фикратга ҳам ошно қил.
 Тутма менга
 Ишқ йўлин берк,
 Майли, тошгин,
 Қуйилгин,
 Аммо ўзга берма кўп эрк,
 Қирқни кўрдинг,
 Қуйилгин.
 Сен дунёнинг бирлигига
 Ишон,
 Бирдир олам,
 рост.
 Лекин унинг сирлигига
 Шак келтирма,
 Бу ҳам рост.
 Бас,
 ўй сурма,
 сенга дунё —
 Асроридан не ғам бор?
 Бу дунёда
 Одил, танҳо
 Вақт аталган
 ҳакам бор!

Эл ғазаби — беомон.
 Ут ночордир,
 Сув ночордир
 Қўзғалса оч оломон.
 Шундай дейман
 Тўхтаб қолган
 Автобусда ўлтириб.
 Намойишга эл қўзғалган,
 Кўчаларни тўлдириб.

Оқиб келар ялангоёқ —
Дехқон,

косиб,
коранда.

Икки юз минг

Қўли қадоқ,

Икки юз минг

Оч банда.

«Беринг бизга ер билан сув,

Меҳнат беринг,

Беринг нон.»

Бош кўтарган

Тамилнаду,

Бош кўтарган Ражастон.

«Бу тупроқда,

Айтинг,

инсон —

Нега бунча беқадр?

Бизда ҳам бор орзу,

армон.

Гуноҳимиз нимадир?

Ё айбимиз —

Бизнинг маскан —

Шу жафокаш ватанда?

Қаролик ё ўт туташган

Қаро кўзда,

Баданда?

Нега кимда ҳар нарса бор,

Бизда эса...

Нега биз —

Фақат чайир,

аммо ночор

Қўлгагина эгамиз?

Яралишда

Ҳам маҳшарда

Тенгмиз,

Инсон бўламыз.

Не учун биз кўчаларда

Туғиламыз,

Уламыз?

Асли қисмат

Ё асирлик,

Изтироб,

кўз ёшмиди?

Шарқ чиндан ҳам минг асрлик

Қотиб қолган тошмиди?»

Эл боради қатор-қатор,

Йўқ,

Шашқатор —

кўздан дур.

Оқиб келар

Панжоб,

Биҳор,

Майсур,

Ассом, Манипур...

Оқиб келар уфқ тагидан

Сўнгсиз қора оломон.

Бу —

Ҳиндистон юрагидан

Силқиб оқар

Қора қон.

Мен бу фурсат

Иштироксиз

Деразадан қарайман.

Не қилайки,

Бунда ёлғиз

Томошага ярайман.

Негаки,

Мен ўзга элдан,

Балки ўзга замондан.

Балки бунда учиб келган

Йироқ юлдуз томондан —

Бир меҳмонман,

Ҳайрат кўзин

Машғал қилиб боқаман.

Хаёлан,

Шул мавжли тўлқин

Кучоғида оқаман.

Жисман четда,

Аммо руҳан

Ғалаёнда мен ҳам бор.

Назрул Исло

Руҳи билан

Бормоқдаман бир қатор.

Мен ҳам алвон

Туғ кўтардим.

Шу эл доғи доғимдир.

Дарди унинг —

Менинг дардим,

Оҳи — менинг оҳимдир.

Кўтаролмай

Дардлар юкин,

Замин қалқиб турипти.

Назрул Исло

Руҳи букун

Олам кезиб юрипти.

Илҳом чоғи

Дил заминдан

Кўк тоқига ўрлайди.

Назрул Исло

Руҳи мендан

Шунда ҳисоб сўрайди.

Шоир бўлиб

Элга букун

Даркормисан,

дер менга.

Фидоликка халқинг учун

Тайёрмисан,

дер менга.

Дер:

Шоирлик — юракда қон —

Силқиб турган жароҳат.
 Тиламасман сенга,
 ўғлон,
 Осуда бахт,
 Фароғат,
 Тиламасман бир зум ором,
 То тириксан,
 Бедор бўл.
 Азоб берсин сенга илҳом,
 Шеър дардида
 бемор бўл.

Тақдирингдан сенга дунё
 Роҳатларин сўрмасман.
 Уз қисматим
 Сенга аммо
 Сира раво кўрмасман.
 Сақла,
 дейди,
 юрак кўринг,
 Дил оташинг сўнмасин.
 Умринг адо бўлмай туриб
 Чўғинг адо бўлмасин.

Тошкент — Деҳли, 1978—1979.





Зиннат Фатхуллин

БАХТНИНГ ҲАМ ҚАНОТИ БОР

МУҚАДДИМА ВА ХОТИМАСИ БИЛАН ИККИ ПАРДА ЕТТИ КҮРИНИШЛИ

ДРАМА

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

ЖАҲОН АЯ — пенсионер, Жаҳон аяни ҳамма «Жаҳон пол-
вон» деб аташади.

ШЕРБЕК — Жаҳон аянинг ўғли.

БАҲОР — Шербекнинг хотини.

МАЛИКА — Шербекнинг қизи.

ЖАЛОЛ

ЭРГАШ — Шербекнинг дўстлари.

ИУЛДОШ

ГЕНЕРАЛ

АШРАФ — автор.

Воқеа шу кунларда бўлиб ўтади.

МУҚАДДИМА

Парда очилади. Ҳовлида музика янграйди. Шинамгина безатилган хонада қўлида гул, ёлғиз Ашраф ташқаридаги базми кузатмоқда. Ташқарида эса «Яша!», «Камол топ!», «Дод!» деган овозлар, қарсақлар авжига чиқади. Бир оздан кейин кучоғи тўла гул билан Малика кириб келади. Гул ва пулларни хона ўртасидаги хонтахтага ташлай бошлайди.

М а л и к а. Мана пул, мана пул, мана пул!.. Мана шундай қилиб, фирибгарларнинг чўнтагини қоқлаш керак. (Юзини пардоз-андоз қилмоқчи бўлганда Ашрафни кўриб қолади) Ҳа? Сиз мени кутаяпсизми?

А ш р а ф. Биринчидан — салом!

М а л и к а. Салом. Иккинчидан нима демоқчи эдингиз?

А ш р а ф. Иккинчидан... Нима ҳам дердим... Маҳоратингизга қойилмиз.

М а л и к а. Қўлингиздаги гул ҳам менга бўлса керак?

Ашраф. Ҳа, янглишмадингиз (*Гулни Маликага узатади.*)

Малика (*гулни олиб*). Раҳмат. Энди айтаверинг: сиз мени севасизми... Мени кўрмасдан туrolмайсиз. Шундайми? Мени кечқурун ресторанга таклиф қилмоқчисиз... Қани, чўзиб-нетиб нима қиласиз, дардингизни дангал айтиб қўя қолинг. Мен мужмал, латта эркакларни ёмон кўраман. Умуман, эркакларнинг ҳаммаси бир гўр.

Ашраф. Эркакларга таъна қилганларнинг ўзи эркаклардан кўра покроқ бўлиши керак.

Малика. Оҳ-ҳо! Ҳали шундай денг!

Ашраф. Аввал пичоқни ўзингга ур, оғримаса бировга.

Малика. Менга нима қипти?

Ашраф. Бизга-чи?

Малика. Биз хотин-қизларнинг бошига тушган кулфатларнинг ҳаммасига эркаклар айбдор, эркаклар.

Ашраф. Айбни эркаклар устига қўйиб, ўзлари эса ҳар кўчага кириб, ҳар эшикдан чиқиб...

Малика. Ана шу гапингиз учун ҳам, сиздан, сизга ўхшаган эркаклардан жирканаман, нафратланаман.

Ашраф. Мен ҳам баъзи аёллардан...

Малика. Мендан ҳам-а? Нега бўлмаса мени гул билан кутиб олдингиз?

Ашраф. Бу гул сизга эмас, истеъдодингизга. Овозингизга ҳам-манинг ҳаваси келади. Уйинингиз билан одамларни сеҳрлайсиз, шайдо этасиз... Бироқ афсус, сиз шу юксак санъатингизни тўйларда пулдор, мулкдор шахсларнинг кайфларига газак тариқасида сотиб юрасиз.

Малика. Яшаш учун ҳар ким қўлидан келган ҳунарини ишга солади. Уғриликдан, номусини сотишдан бошқа ишларнинг ҳаммаси ҳунар. Ҳа, ҳа ҳалол ҳунар. Қизиқ-а! Тўйда уйин ҳам бўлмасин демоқчимисиз, ашула ҳам. Меҳмонлар азада ўтиргандай ўтирсин-у. минг кишидан қолган паловни еб, қайнамаган чойни ичиб, қорни катта, ўзи латта бўлиб чиқиб кетаверсин...

Ашраф. Гап тўйда эмас, ўзининг талантини тўйларда суиистеъмол қилиб юрган саёқ санъаткор устида...

Шу пайт, ширакайф меҳмонлардан бири кириб келиб, тўғри Маликанинг олдига боради.

Меҳмон. Хув! Тўй-ҳашам Маликаси!.. Шу ерда экансизу... Кутавериб кўзимиз тўрт бўлди-ку. Кўзидан акаси! (*Меҳмон Маликани қучоқлаб ўпмоқчи бўлади. Малика унинг юзига шапалоқ туширади.*)

Малика. Ота-онамдан бошқа ҳали мени ҳеч ким ўпган эмас. Иўқол.

Меҳмон. Кеч... кеч... кеч... Кечирасиз... шахримизнинг нозанин маликаси (*ташқарига йўл тополмай зўрга чиқиб кетади*).

Ашраф. Қойил.

Малика. Аҳмоқ, бунинг устига тағин маст.

Ашраф. Наҳотки, шу ажойиб санъатингиз ўшалардан бошқаларга арзimas экан-а?.. Мен сизга ачинаман, яхши қиз. Жуда ачинаман.

Малика. Ачинишингизга муҳтож эмасман. Илтимос, эшикни нарёқдан ёпиб қўйсангиз. Шамол ўтиб турибди.

Ашраф эшикни яна мустаҳкамроқ ёпиб, Маликанинг олдига келади.

Ашраф. Ҳайдамасангиз ҳам кетаман. Фақат мен сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим...

Малика. Нимани? Жазманликними?

Ашраф. Ўз бўйингизга қараб бировга тўн бичманг, яхши қиз!

Малика. Менга дуч келган ҳар бир киши, мен сизни севаман,

демасдан кетолмайди. Дуч келиши биланоқ менинг дард тўла қалбимга қараб эмас, ҳуснимга, либосимга қараб гап бошлайди.

А ш р а ф. Энди нима ҳам қилардингиз. Саёқ юрган, таёқ ер деганлар. Шунинг учун бўлса керак, билмадим, негадир феълингиз жуда айниб турибди. Исонинг аламини Мусодан олаяпсиз... Лекин, назаримда, сиз ҳар бир кишини фақат ёмон томондан кўришга одатланиб қолгансиз, шундай бахтли қизнинг тўйма-тўй юриб кун кўриши бахтсизлик аломати эмасмикан?

М а л и қ а. Янглишасиз! Мен бахтлиман, жуда бахтли қизман.

А ш р а ф. Тўғри. Янглишишим ҳам мумкиң. Одамнинг қўйнига қўл солиш мумкин, аммо дилига-чи?.. Дилининг кати-тилда. Сиз дабдабали сўзлар билан сирни бой бермасликка уринаяпсиз. Бироқ касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, дейдилар. Очигини айтсам, сиз ҳозир ёлғизсиз. Агар, биронта яхши одамга аввалроқ учраганингизда эди, у сизни аллақачонлар бу гирдобдан қутқазган бўларди.

М а л и қ а. Бунақа «яхши» одамларингизни мен фақат романларда ўқиганман.

А ш р а ф. Лекин, бари бир, бориб-бориб икки оғиз илиқ сўзнинг гадои бўлиб қоласиз, яхши қиз.

М а л и қ а. Мен сизга ўхшаган «доно» насиҳатгўйларни кўп кўрганман.

А ш р а ф. Кўргансиз-у фарқига бормагансиз. ИҶсон инсонга оғзи қон бўри эмас.

М а л и қ а. Айёр тулки.

А ш р а ф. Йўқ. Кўнгил боғининг посбони инсон. У меҳрибон, ҳамдард, ҳамнафас.

Малика ўйга чўмади. Саҳнада жимлик ҳукмрон. Кейин бирдан гап очади.

М а л и қ а. Ажабо! Биринчи марта шундай одамга дуч келдим-а. У мени бошқаларга ўхшаб, энг бахтли қиз экансиз демади. У, ўзининг ғалати сўзлари билан қалбимнинг энг нозик торларига тегди. (*Ашрафга ялт этиб қараб*) Топдингиз, яхши йигит, топдингиз Мен жуда бахтсиз қизман (*Йиғлаб юборади*).

А ш р а ф. Узр...

М а л и қ а. Энди сира йиғламайман, деб ўзимга ўзим сўз берган эдим. Сўзимда туролмадим. На чора... Ҳа, сиз мендан бир нарсани сўрамоқчи эдингиз. Биламан... айтаман. Энди ҳаммасини айтиб бераман. Ҳаммасини!!!

Чироқ ўчади.

Биринчи парда

Биринчи кўриниш

Перда очиларкан, пианинонинг ёқимли овози эшитилиб туради. Ҳовлининг ўртасида стол ва стуллар қўйилган. Тебратма курсида ўтирган Жаҳон ая завқ билан музика тингламоқда.

М а л и қ а (*ичкаридан чиқиб*). Хўш, бувижон, бу куй сизга ёқдими?

Ж а ҳ о н ая. Жуда ҳам. Умрингдан барака топ, қизим (*қўлини ушлаб*). Адашмай пианинони чалган қўлларингга бувинг тасаддуқ.

М а л и қ а. Буви-чи, буви. Сиз яхши кўрадиган куйларнинг анчасини мен ўзим тўқиганман.

Ж а ҳ о н а я. Ақлингга тасанно, қизим. Сен барча созандаю хонандалар маликасининг Маликаси бўласан.

М а л и к а. Мен уларнинг Маликасиманми?

Ж а ҳ о н а я. Ҳа, яхши ўқисанг, одобли бўлсанг. Лекин ҳали ёшсан. Кўп ўқишинг, ўрганишинг керак. Ўқиш игна билан чуқур қазиш дегандай, болам.

М а л и к а. Сиз нима десангиз дарров бажариб, аям, дадам нима десалар хўп дейман-ку.

Ж а ҳ о н а я. Бундан ҳам чаққон ва итоатли бўлгин. Қани, мана шу жажжи қўлларингни шақиллатиб бир ўйинга тушиб бер-чи.

М а л и к а. Бувижон, бир оз настройнам йўқроқ.

Ж а ҳ о н а я. Майли, ўша настройнагни ўйнаб бера қол.

М а л и к а. Настройнам музикамидики, чалиб, ўйнаб берсам, бувижон?! У ана унақа, ҳалиги... дадам ичиб келганларида-чи. Сиз хафа бўласиз-ку...

Ж а ҳ о н а я. Майли, шунақасини ўйнаб бера қол.

М а л и к а. Уф... Майли, фақат сиз учун-да, бувижон!

Малика ялла қилиб, ўйинга тушади.

Ялла дугонам, ялла,
Ўйнаб-кулиб шу дамда,
Кўшиқ айт, чертиб доира,
Кўвноқ булбулдай сайра!

Жаҳон ая завқ билан ўйинни томоша қилиб, сўнгра Маликани кучоқлаб, эркалайди.

Ж а ҳ о н а я. Байли, қизим, балли! Замонамизга яраша униб, ўсгин. Сенлар бахтли замонда туғилдиларинг. Дунё дунё бўлиб, бунақа сахий замонни кўрган, эмасмиз. Биз туғилган давр-чи... бойлар зулмига қарши бошланган курашлар даври эди. Очлик, яланғочлик, босмачиларнинг жабр-зулми... У даврни эсласам юрагим зирқирайди.

М а л и к а. Буви, буви, нега сизни «Жаҳон полвон» дейишади?

Ж а ҳ о н а я. Бу узоқ бир қисса, қизим.

М а л и к а. Курашда зўр чиққанмисиз?

Ж а ҳ о н а я. Йўқ.

М а л и к а. Е оғир юк кўтарганмисиз?

Ж а ҳ о н а я. Йўғ-е.

М а л и к а. Нега йўқ дейсиз. Чумолини кўргандирсиз-ку, ўзидан ҳам катта юкни кўтаради.

Ж а ҳ о н а я. Вой, қандай синчков, боласан-а!

М а л и к а. Бировни қаттиқ урганмисиз?

Ж а ҳ о н а я. Бўлди энди, қизим.

М а л и к а. Ҳа-а, топдим, топдим. Дадам сиздан қўрққанлари учун-а? Ичиб келган кунлари сизни кўрсалар дарров ичкари уйга кириб кетадилар.

Ж а ҳ о н а я. Бу қўрққанидан эмас. Қўй энди...

М а л и к а. Маҳаллада тўй бўлса ҳам, жанжал бўлса ҳам «Полвон ая», «Полвон ая» деб олдингизга келишади.

Ж а ҳ о н а я. Оббо қизалогим-ей, бу гап сенга нега даркор бўлиб қолди а?

М а л и к а. Агар айтмасангиз мен сизга музика чалиб бермайман. Уйнамайман, ашула ҳам айтмайман.

Ж а ҳ о н а я. Вой, боласи тушкур-эй! Ҳамма нарсани билгиси келади. Тушунмайдик, бу билан менинг битиб кетган яраларим яна очилади, янгиланади,

М а л и к а. Янгиланмайди, бувижон, янгиланмайди. Айтаверинг.

Ж а ҳ о н а я. Уф, айтиб бермасам сира қутулолмайман шекилли, бу қайсар боладан.

М а л и к а (*эркаланиб*). Жон буви. Айтиб беринг (*жиддий*). Е махфий гапми?

Ж а ҳ о н а я (*кулиб*). Ҳа, майли, махфий бўлса ҳам айтиб берай. Лекин, «Менинг бувим унақа бунақа» деб ҳеч кимга гапириб юрмайсан, хўпми?

М а л и к а. Хўп. Ҳеч кимга. Чин пионер сўзим!

Ж а ҳ о н а я. Утир.

Малика ўтиради.

...Ана шундай, болам. Фашистлар бизга қарши уруш бошлади.

М а л и к а. Биламан.

Ж а ҳ о н а я. Жим ўтир.

М а л и к а (*қўли билан оғзини беркитиб*). Хўп, бувижон, хўп.

Ж а ҳ о н а я. Биринчи жанглардаёқ бобонг ҳалок бўлди. Икки амакинг, икки тоғангдан жудо бўлдик. Ўша вақтда даданг ҳали беш ёшга ҳам тўлмаган эди. Уни бувисига қолдириб, мен ҳам урушга жўнаб кетдим. Санитар бўлиб ишладим. Қаҳратон совуқлар бошланди. Бизнинг санитар поездимиз темир йўлида жойлашган. Бирдан жанг бошланиб кетди. Кейин билсак, совуққа қотган немис солдатлари юздан ортиқ ярадорларимизни, шу қаторда ўзимизни ҳам ўлдириб, иссиқ кийимларимизни ечинтириб, ўзлари кийиб олмоқчи бўлган эканлар:

М а л и к а. Вой, ярамаслар-эй!

Ж а ҳ о н а я. Жим ўтирсанг-чи энди.

М а л и к а. Хўп, хўп, бувижон.

Ж а ҳ о н а я. Фашистлар вагонларга қараб ёпирилиб келаверишди... Жанг давом этди. Икки томоннинг ўқ-дориси тугаб қолди. Қўл жанги бошланди. Қий-чув, тўполон.

М а л и к а. Кейин-чи, кейин нима бўлди?

Ж а ҳ о н а я. Яна-я!

М а л и к а (*оғзини беркитиб*). Бўлди, бувижон, бўлди.

Ж а ҳ о н а я. Нима бўларди, вагон эшигига тирмашганларни автомат қўндоғи билан калласига уриб, вагон тагига қулатавердим. Охири, яна бири келиб қолди. Хотинлар рўмолини бошига ўраб, устидан каска кийиб олган... Қўндоқ билан калласига бир туширдим, бўлмади. Вагон эшигига тирмашаверди, аблаҳ. Елкасига яна бир туширган эдим, автоматимнинг қўндоғи ҳам синиб кетди. Кейин: э, нима бўлса бўлар, дедим-да босқинчининг устига ўзимни таппа ташладим.

М а л и к а. Қўрқмадингизми, бувижон?

Ж а ҳ о н а я. Ўлимни писанд қилмаган одам ҳеч нарсадан қўрқмас экан, болам.

М а л и к а (*бувисининг елкасига уриб*). Яшанг, бувижон! Чинакам полвон экансиз.

Ж а ҳ о н а я. Ҳовлиқма-э!

М а л и к а. Хўп, бувижон, хўп, гапиринг.

Ж а ҳ о н а я. Жанг тугагандан кейин командиримиз мени кўриб: «Қойил! Чинакам силач экансиз... Ҳа, айтганча, силач сизнинг тилингизда нима дегани, деб мендан сўради. «Силач» дегани «полвон» дегани, дедим мен унга. Кейин, мукофотномамда ҳам «Жаҳон полвон Маҳкамова...» деб ёзиб юборишибди. Ана шундан кейин мени Полвон ая деб атайдиган бўлиб қолишди.

М а л и к а. У!.. Агар ҳозир ҳам уруш бўлгудай бўлса-чи... ҳеч қўрқмасдан дадил жангга кириб кетаверардим, ҳа!

Ж а ҳ о н а я. Қўй, қўй бу гапни қизим. Биз кўрганни ҳеч ким кўрмасин. Тинчликнинг роҳатини сур. Биз етиб боролмаган довонларга сен етиб бор. Биз чиқолмаган чўққига энди сен чиқ, болам.

М а л и к а. Буви, ўша вақтда сиз пионермидингиз?

Ж а ҳ о н а я. Йўғ-е! Фақат ёшлигимда пионер бўлганман.
 М а л и к а. Ундай бўлса-чи... (*Бўйнидаги галстугини ечиб, Жаҳон ая бўйнига боғлаб қўяди*). Ана энди сиз янгидан пионерларнинг Маликаси бўлдингиз. Мен бўлсам — Полвонман... Қаранг, шундай ярашди-ки! (*Честь бериб*). Уртоқ пионер! Бўл тайёр!

Ж а ҳ о н а я. Доим тайёр!
 М а л и к а. Ана энди, ўша чоғларда айтиб юрган ашулангизни айтиб, ўйнаб берасиз.

Ж а ҳ о н а я. Эсингни ема-е!
 М а л и к а. Пионер гапни қайтармайди.
 Ж а ҳ о н а я. Вой, тентак-ей!
 М а л и к а. Пионер вожатийнинг буйруғини бажаришга ҳамиша тайёр бўлади, ўртоқ пионер! Буюраман, ўйинга тушасиз.

Ж а ҳ о н а я. Вой, зумраша-ей! Тухумдан чиқа солиб ақл ўргатади-я!

М а л и к а. Гап тамом.
 Ж а ҳ о н а я. Вой тавба. (*Файратланиб*). Есть, ўртоқ вожатий! Қани, қанақасидан бўлсин?

М а л и к а. Қилпилламасидан.
 Ж а ҳ о н а я (*ўйинга тушиб*).

Шинелли қиз, жон қизим, қилпиллама,
 Осмондаги юлдузим, қилпиллама.
 Сен эсимга тушганда, қилпиллама,
 Ёшга тўладир кўзим, қилпиллама.

Ичкаридан чиққан Баҳор қотиб-қотиб кулади.

Б а ҳ о р. Вой ўлмасам, авваллари бувиси неварасини ўйнатар эди. энди неvara бувисини ўйинга соладиган бўлиб қолибди. Замон охир деганлари шу бўлса керак-да.

Жаҳон ая чарчаб ўзини тебратма курсига ташлайди.
 Пешонасидаги терни артади.

Ж а ҳ о н а я. Вой, бу қизи тушмагур-эй! Чарчатди... ҳозир мен Малика-ю бу эса Полвон эмиш. Пионерларнинг вожатийси эмиш.

Б а ҳ о р (*Маликага*). Ҳой, митти полвон! Бувингни чарчатиб қўйибсан-ку.

М а л и к а. Чарчатсам нима қилибди. Бугун 8-Март. Байрам. Уйнаб-кулиб ўтирадиган кун. Ҳозир дадам бизга яхши-яхши совғалар олиб келдилар.

Б а ҳ о р. Дарсларингни тайёрлаб бўлдингми?

М а л и к а. Аллақачон.

Б а ҳ о р. Музикани-чи?

М а л и к а. Уни ҳам.

Б а ҳ о р. Ундай бўлса бор, бувингга чой дамлаб кел.

М а л и к а. Лекин чойдан камроқ соламан, хўпми, бувижон.

Б а ҳ о р. Нега?

М а л и к а. Аччиқ чой юракка зарар эмиш. Уқитувчимиз шунақа деган.

Ж а ҳ о н а я. Айланай сендан. Лекин мен ҳали бақувватман. Ахир мен Жаҳон полвонман-ку!

М а л и к а. Мен бўлсам полвонларнинг полвони, маликаларнинг Маликасиман! Ўзингиз шундай дедингизку, бувижон.

Б а ҳ о р. Ҳой, маҳмадана қиз! Бунча қақиллайсан!

М а л и к а. Мен қақиллаётганим йўқ, гапиряпман. Мен товуқмидимки, қақиллайман (*чиқиб кетади*).

Баҳор. Вой, ўзимнинг қақажоним-эй.
Жаҳон ая. Чуғурчиқдек сайрайди-я!

Шербек кириб келади. У маст. Баҳор уни кутиб олади. Шербек Баҳорга назар-писанд қилмай қўлидаги ўроғлик совғани супага ташлайди.

Шербек. Хўш, ишдан бўшадингми?
Баҳор. Мен театрдан кетмайман.
Шербек. Кетасан!

Отасининг овозини эшитиб, қўлида бўш чойнак Малика шошиб киради.

Жаҳон ая. Мен фронтда қон кечиб юрганымда, сен шундай бўларсан, деб кутмаган эдим. Ўғлим!

Шербек. Ҳа, деб фронтингизни пеш қилаверманг-э!

Жаҳон. Тилингни тий, кўрнамак! Бола эмас, бало бўлдинг бошимга. Яхши одам бўлармикансан, деб бекоргагина уринган эканман. (Ийғлаб) Сени, деб умрим тоқ ўтиб кетди.

Шербек. Бу ҳақда аввалроқ ўйлаш керак эди.

Жаҳон. Оғзингни юм, она қадрини билмаган, тентак!

Шербек. Ҳой, ая! Миннатли гапларингдан, беминат мушт яхши. Мана, ур бўлмаса мени, ур, ур!..

Баҳор (Орага тушади). Шербек ака!

Шербек. Мен хотиним билан гаплашяпман. Аралашманг (Баҳорга). Хотиним десам хафа бўлмайсанми, «Холисхон»?

Баҳор. Мен Баҳорман.

Шербек. Баҳор бўлсанг эртадан бошлаб театрда ишламайсан! Ё театр, ё мен!

Баҳор. Мен сиздан ажралмайман.

Шербек. Яъни, мендан ҳам, жазманларингдан ҳам-а?

Баҳор. Ҳаддингиздан ошманг, Шербек ака!

Шербек. Билиб қўй: ҳам саҳнада, ҳам саҳна ортида, аллакимлар билан оғиз-бурун ўпишиб юрадиган хотиним йўқ!

Малика (ер тепиниб). Аяжонимни ҳақорат қилманг, дада!

Шербекка жаҳл билан мушт туширади. Мувозанатини сақлаб қолмаган Шербек ағанаб тушади.

Жаҳон ая. Мени Жаҳон полвон дейдилар-а... Келинимнинг кўнгли менинг сочимдан ҳам оқ, кўз ёшимдан пок, тилиннга куйдирги чиққур!

Кимдир эшик тақиллатади. Жимлик.

Малика. Бўлди. Жиминглар. Ҳеч гап бўлгани йўқ. Хўпми?.. Ахир, бугун байрамимиз-ку (Куйлаб). Саккизинчи Март куни,

Ирғишлаб бориб эшикни очади. Ташқаридан Шербекнинг дўстлари — Жалол, Йўлдош, Эргашлар ширакайф кириб келиб, тўғри Жаҳон аянинг олдига борадилар. Ҳаммаси бир оғиздан.

Ассалому алайкум, шердай ўғилнинг қолвон онаси, Жаҳон ая!

Жаҳон ая. Ваалайкум ассалом!

Жалол. Ие, Шеримиз шайтон билан шохлашиб қолибдими дейман?

Йўлдош. Байрам эрта-тонгдан бошланади-да. Айби йўқ.

Жаҳон. Ҳаммаларингнинг кириб келишларинг, бирга юришларинг бирам ярашадикки, худди узукка кўз қўйгандек-а!

Баҳор. Худди чинорнинг илдизидан кўкариб чиққан тўрт шохдек.

Йўлдош (Жалолни кўрсатиб). Фақат бундан бошқа.

Кулги

Жалол. Сенлар шох бўлсанг, мен илдиз. Илдизи бўлмаса сас-сиқ алаф ҳам кўкармайди. Шунга ҳам билиб қўйгин, Йўлдошвой, да-рахт шохининг тақдири илдизга боғлиқ!

Шербек. Бу артист шунга ҳам гап топади-я!

Жаҳон ая. Гап топган йўлини ҳам топади, деб бежиз айтмаган-лар-да.

Йўлдош. Аяжон! Бугун байрам. Саккизинчи Март — хотин-қизлар байрами. Биз ўғилларингиз сизни табриклагани келдик. Юзга кириб, югуриб юринг.

Уроғлиқ қоғозни онага беради.

Жаҳон ая. Раҳмат.

Эргаш. Баҳорхоним, мана бу сизга. Юзга кириб, юлдуздек ча-рақлаб турунг.

Уроғлиқ газета беради.

Баҳор. Раҳмат.

Совгани бир четга қўйиб, дастурхонни безатиш ҳаракатига тушади.

Шербек (*Олиб келган совғасини кроватдан олиб*). Мана, бу Сизга, аяжон.

Жаҳон ая. Раҳмат.

Шербек (*Баҳорга*). Мана бу сеники. Олтин зирак.

Баҳор (*очиб кўриб*). Вой! Қандай чиройлик! Арзонроғидан олсангиз бўлмасмиди, Шербек ака!

Шербек. Сен мен учун гавҳар-ёқутдан ҳам зиёдасан, жоним.

Баҳор. Раҳмат.

Баҳор хурсанд, тақиб кўради. Ҳамма «буюрсин, буюрсин», деб Баҳорни табриклашади.

Эргаш (*Йўлдошга шипшийд*). Бу совға неча минг сўмнинг бо-шини едийкин?

Йўлдош. Жим.

Жаҳон ая негадир хурсанд эмас.

Малика. Менга-чи? Менга қанақа совға олиб келдингиз? Саккизинчи март менинг ҳам байрамим эмасми?

Шербек. Сенга совгани мана бу, республикада хизмат кўрсатган артист Жалол Набиев берадилар.

Йўлдош. Артист бечорада нима ҳам бўларди? Оти улуғ-супраси куруқ.

Эргаш. Юз грамм арақ учун кун бўйи кетимиздан судралгани судралган.

Шербек. Бугун ҳам ишга борма (*столдаги шишаларни кўрсатиб*) бунинг илинжида прогул қилиб юрибди.

Жалол. Лаганбардору амалдорларнинг феъл-атворини ўрганиб юриш прогул эканми?

Шербек. Ургандингизми, ишқилиб?

Жалол. Урганганда қандай. Энди мен уларни саҳнада шундай акс эттираманки, бошлиқлари олдида — лаганбардор, лаганбардорлари олдида ўтакетган амалдор.

Эргаш. Ошириб юбординг, артист!

Жалол. Э, сен ҳам шуларнинг уруғидансан. Экмаса ҳам ёввойи ўтга ўхшаб, ўсиб кўпайиб кетаверасанлар.

Шербек. Қўй пичингингни, Жалол, қани айт-чи, қизимга нима совға олиб келдинг?

Жалол. Шошма, ўртоқ ревизор. Мен Малика қизимга шундай ноёб бир совға берайки... Э-э! Сенларнинг совғаларинг бир кийимлик

материал. Бичилади, тикилади, кийилади, йиртилади. Менинг совғам-чи? Сизнинг гавҳару ёқут тақинчоқларингиздан ҳам зиёда.

Чўнтагидан ранг-баранг қоғоз парчаларига қат-қат ўралган бир нарсани олиб, уни очиб бошлайди. Ниҳоят, ўша қоғозлар ичидан оддий бир ручка чиқади, уни Маликага узатади.

Йўлдош. Э, бу совғанг ўралган ранг-баранг қоғозга ҳам арзи-майди-ку.

Кулги.

Жалол. Шошма. Подадан олдин чанг чиқарма. Аввал қарагин, кейин сайрагин (*Маликага*). Мана, ол! Бу ручка сенга бахт келтиради. Келажакда бу билан халқимизнинг тарихини, оналаримизнинг ўтмиш-даги жабру жафоларини, замонамизнинг яхшилигини, ўғрисини, тўғри-сини ёзасан. Яна қанчадан-қанча музика асарлари яратиб, авлодлар-га етказасан.

Малика. Раҳмат, мен бу ручка билан бувим учун янги куйлар тўқийман. Сизнинг ҳақингизда ҳам ёзаман.

Жалол. Ҳўш, бу совға неча кийимлик материалга тенг экан?

Йўлдош. Ҳа, артист, бирга ноль!

Эргаш. Бу артист эмас, хасис.

Жалол. Қаранг-а! Иштони йўқ, тиззаси йиртиқдан кулади. Ош-хонага овқатга борганда ҳам бировнинг чўнтагига қараб ўтиради.

Эргаш. Артистнинг чўнтагидан, лоақал тешик танга чиқмасми-кан деб қарайман-да. Бу киши саҳнадагина эмас, ошхонада ҳам артистлик қилади.

Шербек. Э! Бу шундай артистки, дўзахдан қутилиб, силлиққина жаннатга ўтиб кетганини Мункир-накир ҳам сезмай қолади.

Баҳор. Қўйинглар-е, мунча артист-артист дейсиз. Нима, артист одам эмасми?

Шербек. Йўқ.

Жалол. Ҳа, одам бўлишим учун отимни Эргаш, Йўлдош ёки Шербек деб ўзгартайми? Йўқ, менинг шу отим тузук; исмим Жалол — ишим ҳалол.

Йўлдош. Ҳой, бу билан кимнинг боғига тош отаяпсан?

Жалол. Ана, кўрдингизми, иштонсизнинг ҳадиги — чўпдан деган-лари...

Шербек (*қадаҳ кўтариб*). Э-э, қўй энди қочирмангни. Кўп гап — эшакка юк. Қани Йўлдошвой, сўз — сенга.

Йўлдош (*қадаҳ кўтариб*). Ҳурматли, қиёматлик дўстларим! Биз оналаримиз туфайли мана шундай бахтли кунларга эришдик...

Жаҳон. Аммо, билиб қўйинглар, болаларим, бахтнинг ҳам қано-ти бор...

Шербек (*Қадаҳни тақ этиб столга қўйиб*). Яна ваъз-насиҳат. Эски ҳаммом, эски тос!

Жалол. Шербек!.. Полвон аямнинг сўзини бўлма!.. Уни бошинг-га кўтариб, Москвага пиёда олиб бориб келганингда ҳам фарзандлик бурчини узолмайсан.

Жаҳон ая, унинг кетидан Баҳор, сўнгра Малика намойишона чиқиб кетадилар.

Эргаш. Аттанг. Яхши бўлмади.

Шербек. Э, садқайисар...

Ичадилар. Саҳна қоронғилашади. !

Иккинчи кўриниш

Жаҳон аянинг хонадонида катта тантана. Меҳмонлар учун дастурхон тайёрланган. Кўксиде депутатлик белгиси, генерал унвонидаги бир кишини ховлидагилар — Шербек, Жалол, Эргаш, Йўлдош, Баҳор ва Маликалар ўраб олишган. Маликанинг кўлида гулдаста.

Генерал кўлида қизил қутича, рўпарасида турган Жаҳон аяга мурожаат қилади.

Генерал. Ҳурматли Жаҳон ая! Улуғ Ватан урушида, Берлин остоналарида кўрсатган жасоратингиз учун «Биринчи даражали Улуғ Ватан уруши» ордени билан мукофотланган экансиз. Бу олий мукофотдан беҳабарсиз, албатта. Чунки ўша жангларда оғир яраланиб, фронт орқасидаги ҳарбий шифохоналардан бирида ўлим билан олишиб ётган эдингиз. Аввал хизмат қилиб турган шифохонангиз эса бомбардимон қилиниб, ҳужжатларингизнинг бари куйиб кетган. Шифохона тарқатилган. Шундан сўнг қанча ойлар ва йиллар ўтди. Денгиз тагидан дури гавҳар қидиргандай сизни қидирдик. Ниҳоят топдик. Қарасак, дурдонамиз мана шу ерда истиқомат қилиб турган эканлар.

Малика. Вой, аттанг-а! Бувимнинг дурдона эканликларини билганимда-чи, мен уни ҳар доим бўйнимга тақиб юрган бўлардим.

Кулги.

Генерал. Бувингизни бошингизда кўтариб юрсангиз ҳам арзийди, қизим.

Малика. Ҳа, катта бўлганимда-чи...

Баҳор қизини туртиб сўзидан тўхтатади.

Генерал. Жаҳон ая, шу юксак мукофотни ўз қўлим билан кўксингизга таққанимдан бениҳоя бахтиёрман. Мукофотингиз қутлуғ бўлсин! Душманга қалқон бўлган кўксингизда нишон порлаб турсин.

Орденни Жаҳон аянинг кўксига тақиб кўяди.
Олқишлар. Атрофдагилар Жаҳон аяни кучоқлаб ўпиб, кўлини сиқиб табриклайдилар.

Малика (қўлидаги гулни бувисига узатиб). Бувижон, мен ис-тайманки, узоқ-узоқ умр кўринг. Қанча десам экан?.. Шунча умр кўрингки, бувижон, қачонки мен ҳам, қўшнимиз Ҳожар холам бор-ку, ана ўшанга ўшшаб сочи оқарган, юзи буришган, тишлари тушган кампир бўлиб қолгунимгача, невараларим менга «Бувижон, бувижон!» деб атрофимда уймалашиб юрганларигача яшанг, хўпми?..

Жаҳон ая. Хўп, бувинг айлансин, қизим, хўп.

Неварасини кучоқлаб ўпади.

Жалол. Яша, митти композитор!

Қарсақлар.

Жаҳон ая. Вой, кампир солдатингиз ўргилсин сиздан, ўртоқ генерал. Жуда ҳаяжонланаяпман... Сиз менга бахт юлдузини осмондан юлиб олиб, кўксимга тақиб қўйгандай бўлдингиз. Бир оқсоч ўзбек аёлини денгизда дур қидиргандай қидириб топганингиз учун қуллуқ.

Олқишлар.

Қани, ҳаммаларингиз дастурхонга марҳамат!

Ҳамма дастурхон атрофига ўтиб ўтиради. Қадаҳларга шампан қуйилади.

Жалол (қадаҳни кўтариб).

Бекорга ўтмасин умринг гулзор ичра,
 Лоақал бир чинор ўтқаз Диёр ичра.
 Гулла, яшна азиз халқим баҳор ичра,
 Мангу яшанг Жаҳон ая жаҳон ичра!

Генерал. Ура!

«Ура!» садосига қадахлар жаранги кўшилиб, хонада ажиб бир оҳанг янграйди.
 Малика ўзида йўқ хурсанд, лапар айтиб, ўйинга тушади.

Бувим энди ҳеч қачон,
 Ҳеч қачон қаримайди.
 Кўксидаги мукофот,
 Қуёш янглиғ порлайди...

Ўйин қизиб кетади. Малика бувисини ҳам ўйинга чақиради. Жаҳон ая ноилож ўйинга тушади. Қарсақлар авжига чиққанда, тўсатдан иккита ёш йигит кириб келади.
 Ўйин тўхтайди. Жимлик. Меҳмонлар ҳайратда.

1-Йигит. Салом. Бевақт келганимиз учун узр.

Генерал. Келинг. Дастурхонга марҳамат.

1-Йигит. Раҳмат, бизга гражданин Шербек Маҳкамов керак эди.
 Шербек (*ҳаяжонланиб*). Мен... Маҳкамов... Мен бўламан.

Ҳамма ўринларидан туради. Жаҳон ая билан Баҳор турган жойларида қотиб қоладилар.

1-Йигит (*Шербекка қоғоз узатиб*). Паспортигиз, савдо-хўжалик идораларида ревизор бўлиб ишлаганингиз тўғрисидаги шаҳодат-номангизни кўрсатинг.

Шербек (*саросимада*). Идора, ревизор...

1-Йигит. Гапни чўзманг.

Шербек. Баҳор, олиб кел.

Баҳор уйга кириб кетади. Шербек эса йигит кўрсатган қоғозни ўқиб, дастурхон ёнига бориб, бир рюмка коньяк ичади. Йўлдош билан Эргаш дарҳол кўздан ғойиб бўлишади.

Генерал. Ўзи нима гап?

1-Йигит. Кечирасиз, ўртоқ генерал, биз район прокурорининг буйруғини бажаряпмиз.

Баҳор Шербекнинг ҳужжатларини олиб чиқиб, Шербекка узатади. Шербек йигитга беради.

1-Йигит (*ҳамма билан хайрлашади*). Кечирасизлар.

Шербек (*онасининг оёғига ўзини ташлаб*). Аяжон!

Жаҳон ая. Кечикдинг. Сўнги пушаймон — ўзингга душман.

Малика. Дадажон!

Баҳор. Шербек ака, жоним!

Шербек йигитнинг олдига тушиб, бошини ҳам қилганча чиқиб кетади.
 Оғир сукунат. Генерал Жаҳон аянинг олдига келади.

Генерал. Во ажабо, фалакнинг гардишини қаранг-а!

Жаҳон ая. Не қилайки, қийшиқ бўлса оёғи, тўғри қилмас таёғи.

Генерал. Тинчланинг.

Жаҳон ая. Энди тинчидим...

Жаҳон ая ҳолдан кетиб йиқила бошлайди. Генерал уни ушлаб қолади. Стулга ўтқозишади. Ҳамма Жаҳон аянинг ёнига тўпланади. Баҳор сув ичиради.

Жалол. Сабр қилинг, Жаҳон ая. Ахир, фронтда ҳам сизни Жаҳон полвон дейишаркан.

Генерал. Ўзингизни тутинг, солдатсиз... Онасиз...

Жаҳон ая. Онаман, ҳа, онаман!

Парда.

Учинчи парда

Шу кўринишнинг ўзи. Орадан анча вақт ўтган. Ҳовлида ёлғиз Жаҳон ая. Уйдан пианинонинг ғамгин овози эшитилиб турибди.

Жаҳон ая. Суд бўлганига бир йилдан ошиб кетди. Нима етишмасди сенга, кўрнамак! Наҳотки, умр бўйи бир бурда нонни халқ билан баҳам кўриб келган онанинг фарзанди халқ насибасига чанг солса. Оҳ, бунга қайси она чидай олади... Бу шармандаликдан кўра бошимга тоғ ағдарилиб, оёқ остимда ер ёрилиб, ер тагига кириб кетганим яхши эмасмиди...

Жаҳон аянинг кўзида ёш. Ичкаридан Малика чиқади

Малика. Бувижон!

Жаҳон ая. Малика, қизим, чой...

Малика. Ҳозир бувижон (*ичкарига кириб кетади*).

Жаҳон ая. Эй золим фалак! Нима учун инсонга ақл-идрок ато этибсан-у, яхшилиқни ёмонликдан, покликни нопокликдан, диёнатни хиёнатдан, тўғриликни ўғриликдан ажрим қила билиш қобилиятини ато этмагансан?

Малика чиқади.

Малика. Чой ҳам тамом бўпти, бувижон.

Жаҳон ая. Хафа бўлма, қизим, пенсиям келса ҳамма нарса бўлади.

Кўз ёшини артади.

Малика. Буви... яна йиғлайсизми?

Жаҳон ая. Йиғлаётганим йўқ, қизим (*Кўз ёшини артиб*). Кекса одамнинг кўзида доим ёш оқиб туради. Буни сен узоқ йиллар яшаб, қариганингдан кейингина биласан...

Малика. Буви... буви, келинг, бир ўйнаб берай.

Жаҳон ая. Қўй қизим, ҳозир юрагимга ҳеч нарса сиғмайди.

Малика. «Қилпиллама»ни айтиб, ўйнайман, майлими?

Жаҳон ая. Қўй энди...

Малика.

Боғчадаги гулимсиз, қилпиллама,
Жондан азиз бувимсиз, қилпиллама.
Лапар айтиб ўйнашни қилпиллама,
Ургатган ўзингизсиз, қилпиллама.

Жаҳон ая (*кулмсираб*). Бўлди, бўлди, энди. Қақилдоқ, мактабингга кеч қоласан.

Малика. Ҳали вақт бор. Буви-чи, буви... (*Жаҳон аянинг кўзида ёш кўриб*). Ия! Янами? Ҳали сиз полвонмисиз? Полвонлар йиғлайдими ахир!

Жаҳон ая. Кези келса шер ҳам ўкириб йиғлайди, қизим. Бор энди, кечикма.

Малика. Хўп бўлади, бувижон (*папкасини ушлаб чиқиб кетаётганда яна орқасига қайтади*)... Буви, кеча ўқитувчимиз, пул олиб келинглр, шанба куни музейга экскурсияга борамиз, деган эдилар.

Жаҳон ая. Пул... онанг келсин-чи.

Малика. Сўрадим... Йўқ, дедилар.

Кўлида сават Жалол киради.

Жалол. Ассалому алайкум, Полвон ая!

Жаҳон ая. Ваалайкум...

Малика. Вой, ҳалол амаки.

Югуриб бориб кўришади.

Ж а л о л. Қалайсан, митти композитор? Ижодлар яхшими?

М а л и к а. Во-о-о!

Ж а л о л. Баракалла, қизим.

Ж а ҳ о н а я. Қани, яқинроқ кел-чи, Жалол (*уни бағрига босади*). Халқ артисти деган унвон берилипти. Қутлуғ бўлсин! Бу фахрли унвонга ҳар ким ҳам муяссар бўлолмайди.

Ж а л о л. Ия! Ия! Мен бу хабарни олдинроқ айтиб сиздан суюнчи олай десам, энди ўзим берадиган бўлдим-ку! Раҳмат, онажон, раҳмат. Мана, менинг ҳозирча сизга берадиган суюнчим. Қаймоқ, асал, юмшоққина нон. Олма, нок, ия чой ҳам бор экан.

Ж а ҳ о н а я. Умринг узоқ, топганинг олтин бўлсин.

Ж а л о л. Қаёққа кетдинг, ҳой митти композитор?

М а л и к а. Лаббай, иши ҳалол амаки?

Ж а л о л. Мана бу сенга, морожний олиб егин.

Пул узатади.

М а л и к а. Йўқ... буви... Мен...

Ж а л о л. Мен унвон олдим. Унвон бўлганда ҳам қанақа денг? Ўзбекистон халқ артисти! Бу — шунинг суюнчиси, ол!

Ж а ҳ о н а я. Ола қол қизим. Сен ҳам улгайиб, шундай мартабага етгин.

Ж а л о л. Аввало яхши ўқиш.

М а л и к а (*хурсанд*). Аъло баҳо билан!

Пулни олиб югуриб чиқиб кетади.

Ж а л о л. Талант, зўр талант!

Ж а ҳ о н а я. Емон кўздан асрасин.

Баҳор киради.

Ж а л о л. Салом, Баҳор!

Б а ҳ о р. Салом. Табриклайман. Эшитиб бошимиз осмонга етди.

Ж а л о л. Раҳмат. Бу асли сенга берилиши керак эди. Афсуски, театрдан кетиб қолдинг.

Б а ҳ о р. Йўқ, йўқ. Унвон ҳақиқий эгасини топибди.

Ж а л о л. Сени театрга таклиф қилишган экан, бормабсан.

Ж а ҳ о н а я. Чақирса, йўқ дема қизим.

Б а ҳ о р. Муҳаббат деб, эр деб, ишдан воз кечдим. Энди эрим қамалгандан кейин ўша даргоҳга бориш кўнглимга сиғадими? Йўқ, йўқ, бунга юзим чидамайди. Онажон, сиз кекса коммунистсиз. Фронт қаҳрамонисиз. Орденларингизни тақиб бир бормайсизми... Зора шуларнинг ҳурмати Шербек акамларни...

Ж а ҳ о н а я. Нима-нима? Нима дединг? Орденларни ҳукумат менга порахўр, жиноятчини оқлаш учун берганми. Ўзимга, оиламга доғ тушса тушади, аммо орденларимга гард ҳам юқтирмайман.

Б а ҳ о р. Тавба қилдим, ойижон!

Ж а л о л. Онажон! Уйга киринг, дам олинг. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Баҳор билан Жалол Жаҳон аяни уйга олиб кирадилар. Кўчадан ши рақайф Эргаш киради.

Э р г а ш. Ҳеч ким йўқ... Ҳовли ҳам анча ўзгариб кетибди. Эҳ, оғайни, оғайни. Ақлинг жойида эди-ю, пул деб орти-олдингга қараб юрмагансан-да.

Уйдан Баҳор чиқади.

Э р г а ш. Салом, Баҳорхоним.

Б а ҳ о р. Салом.

Э р г а ш. Уйда ким бор?

Б а ҳ о р. Аям... Кейин...

Э р г а ш. Сиз мени биласиз-а?

Б а ҳ о р. Худди туғишгандек.

Э р г а ш. Эсингиздами, сиз эндигина саҳнада пайдо бўлган вақт-ларингизда Холисхонни ўйнардигиз?

Б а ҳ о р. Эсимда...

Э р г а ш. Биз — Йўлдош, Шербек, мен, театрга бориб спектаклдан кейин йўлингизда интизор бўлиб кутиб турардик.

Б а ҳ о р. Эсимда.

Э р г а ш. Ушанда уччаламиз ҳам сизни севиб қолган эдик. Сиз эса Шербекни танлагансиз.

Б а ҳ о р. Бу ҳам эсимда.

Э р г а ш. Шундан бери қанча йиллар ўтиб кетди. Сиз Шербекка турмушга чиқдингиз. Мен эса уч марта уйланиб, уч марта ажрашдим. Буларнинг ҳаммасига сиз айбдорсиз. Юрагимни сиздан узиб, бошқаларга беролмадим.

Б а ҳ о р. Нималар деяпсиз, Эргаш ака?

Э р г а ш. Шуни ҳам айтиб қўяй; Шербекнинг жинояти оғир. У энди қайтмайди.

Б а ҳ о р. Бўлди, бас!..

Э р г а ш. Тўғри, Шербек менинг дўстим! Уни қутқаришга ҳаракат ҳам қилдим. Иложи бўлмади. Энди сизга қийин бўлади, Баҳорхон. Ҳали ўн гулингиздан бири очилмаган жувонсиз.

Б а ҳ о р. Умид қилманг, эрим қайтади, албатта қайтади.

Э р г а ш. Қайтиб келганда ҳам эр бўлиб келармиди, фақат ортиқча ташвиш, яъни майиб, ёки мажруҳ... Ахир, қандай қилиб ўша пора-хўр, жиноятчи, тирик мурда билан яшайсиз? Гап битта, мен сизга шу бугуноқ уйланаман.

Б а ҳ о р. Уйланаман?! Жинни бўлибсиз! Шербек менинг эрим... Мен уни умрбод кутаман.

Э р г а ш. Мол-давлатим бари сизники, Баҳорхон!

Б а ҳ о р. Давлатинг бошингни есин!

Э р г а ш. Агар юрагингизни бер десангиз ҳозир шу ерда юрагимни узиб, сизга бераман.

Б а ҳ о р. Юрагингиз қузғунларга ем бўлсин! Йўқол кўзимдан!

Э р г а ш. Шунақами? Хўп, ана энди кўрасиз, мен сизни нима қиларканман.

Б а ҳ о р. Оҳ, қандай кунларга қолдим.

Холсизланиб ўтиради. Ичкаридан Жаҳон ая билан Жалол чиқади.

Ж а ҳ о н а я. Нима гап?

Б а ҳ о р. Ҳайданг уни...

Э р г а ш. Ҳа, қўрқдингми? Боя айтмаган бўлсам ҳам, энди айтаман.

Ж а ҳ о н а я. Нимани?

Э р г а ш. Бу шарманда, бир йигит билан ресторанда ўтирган эди.

Ж а л о л. Қайси ресторанда, қачон?

Э р г а ш. Кеча кечкурун.

Б а ҳ о р. Эй осмон! Нега шу туҳматларга қараб, чидаб турибсан! Нега узилиб тушиб, бу баттолнинг бошини ёрмайсан?

Ж а ҳ о н а я. Кеча Баҳор кўчага чиққани йўқ.

Э р г а ш. Ҳа-ҳа... кеча эмас, илгариги кун... эсимда йўқ...

Жалол индамай Эргашга тикилиб боради, ёқасидан ушлаб, бир уради-ю, Эргаш ағдарилиб тушади.

Ж а л о л. Аблаҳ!

Ж а ҳ о н а я. Улдириб қўйдинг-ку.

Ж а л о л. Йўғ-э, яхши ўлади, ёмонга вабо ҳам юкмайди.

Э р г а ш (*секин ўрнидан туриб*). Масхарабоз! Шошмай тур! Ҳали учрашамиз!

Чиқиб кетади.

Ж а л о л. Ҳаётимда жуда кўп иблисларнинг ролини ўйнаганман. Аммо бунақасини сира кўрган эмасман. Эҳ, дўстим Шербек! Ревизор Шербек!..

Кўчадан дод солиб Малика киради. Жалол уни кутиб олади.

Б а ҳ о р. Нима бўлди, Малика, қизим?

М а л и к а. Бувижон! Аяжон! Мен энди ўқимайман!

Ж а ҳ о н а я. Нега? Нега?

М а л и к а. Уқитувчимиз «Қани болалар, оталарингиз жамият олдида ўз бурчларини қандай қилиб бажарадилар? Шунини ёзиб беринглар, деди. Мен ёзмайман, дедим. Уқитувчимиз: «Ёзмасанг, четга чиқиб тур», деб менга ўшқирди. Буви, ая, мен... мен... нима деб ёзишим керак эди? Айбим нима? Нега мендан ҳамма кулади? Нега дадам шундай ёмон ишни қилиб қўйдилар, нега? Энди қайси юзим билан дугоналарим орасида бош кўтариб юраман.

Ж а ҳ о н а я. Малика, бас қизим, бас!

М а л и к а (*Жалолга*). Амаки, нега мен шундай бахтсизман, нега?

Ж а л о л. Ҳафа бўлма (*Эркалайди*). Сен туғилгандаёқ бахт билан эгизак бўлиб туғилгансан.

М а л и к а. Мен бугундан бошлаб ўқишга бормайман.

Б а ҳ о р. Эсингни йўқотма!

М а л и к а. Йўқ дедимми, йўқ!

Ж а л о л. Борасан!

М а л и к а. Йўқ! Йўқ! Йўқ!

Ж а ҳ о н а я. Малика! Отангнинг ғами етмагандек...

М а л и к а. Менинг отам йўқ!

Эшикка қараб юради.

Б а ҳ о р. Малика! Малика!

Кетидан югуради.

Ж а ҳ о н а я. Оҳ, бу қандай мусибат! Бунга қандай юрак чидасин. (*Аҳволи оғирлашади*).

Жалол уни ушлайди.

Баҳор югуриб келиб, Жаҳон аяни креслога ўтқозишади. Сув ичиришади.

Ж а л о л. Узингизни тутинг, ая. Қимсиз — полвон аясиз.

Ж а ҳ о н а я. Ҳа, полвонман, бироқ енгилган полвонларданман. (*Бирдан ваҳимага тушиб*). Болалар, негадир кўз олдим қоронғилашиб кетди. Кўрмай қолдим. Ҳеч нимани кўрмай қолдим. Қаердасиз, болалар... Қаердасиз?... Мени уйга олиб киришлар.

Жалол билан Баҳор Жаҳон аяни қўлтиқлаб уйга олиб киришади.

Б а ҳ о р. Секин, секин.

Ж а ҳ о н а я. Шошманглар. Қизинг қаерга кетиб қолди, Баҳор? Наҳотки Маликадан ҳам ажраласак?.. Нима учун?.. Бадбахт отаси учунми? Йўқ-йўқ! Баҳор, югур, қизингнинг кетидан югур!

Б а ҳ о р. Хавотир олманг, ая, у узоққа кетмайди. У шу ерда, бирон дугонасиникига... Ҳозир қайтади.

Ж а ҳ о н а я. Йўқ, йўқ, қўрқаман. Қайтмайди. Унда номус кучли. Узини ҳалок қилиб қўйиши мумкин.

Ж а л о л. У аҳмоқ қиз эмас-ку, Жаҳон ая.
 Ж а ҳ о н. а я. Кўзим кўрмаса ҳам жигаримнинг овозини эшитай...
 Югур, Баҳор! Тезроқ югур! Топ! Қайтар!
 Б а ҳ о р. Кетдим, аяжон, кетдим!

Югуриб чиқиб кетади.

Ж а ҳ о н. а я. Сен қаердасан, Жалолхон?..
 Ж а л о л. Шу ердаман, аяжон. Шу ердаман.
 Ж а ҳ о н. а я. (Жалолни қучоқлаб). Қадрдоним, ўғлим...

Саҳна қоронғилашади.

Иккинчи парда

Тўртинчи кўриниш

Маҳбуслар колония лагерида учрашув хонаси. Хонага стол, стул, диван қўйилган. Ҳозиргина йўлдан келган Баҳор кимнидир кутмоқда. У анча ўзгариб, сочларига оқ оралаган.

Б а ҳ о р. (ўзича). Умримда кўрмаган жойлар. Тавба, инсон ҳамма нарсага кўникар экан. Бир вақтлар ётган жойида битта кўрпача кам бўлса, ёстиғи паст ёки баландроқ бўлса, кўйлагининг ёқаси озгина кирланган бўлса ёки овқати бир оз ёғлиқ бўлса айюҳаннос солиб, шовқин кўтарадиган инжиқ Шербек акам бир неча йилдан бери лом-мим демай мана шу жойда ётибдилар.

Эшикдан Шербек киради.

Ш е р б е к. Баҳор!
 Б а ҳ о р. Ўзингизмисиз?
 Ш е р б е к. Танимадингми?
 Б а ҳ о р. Мен сизни хунук бир қиёфада кўраман, деб ўйлаган эдим.
 Ш е р б е к. Йўқ. Бу ерда ҳамма нарса бор. Овқат, кийим, меҳнат.
 Фақат бир нарса камлик қилади.
 Б а ҳ о р. Нима экан?
 Ш е р б е к. Сен билан бирга бўлиш.
 Б а ҳ о р. Шербек ака! (қучоқлашиб кўришади).
 Ш е р б е к. Баҳор... Жоним... Ия, йиғи нимаси?
 Б а ҳ о р. Бу шодлик йиғиси, бу эсон-омон сиз билан дийдор кўришиш йиғиси...
 Ш е р б е к. Назаримда, ҳозир сен билан худди биринчи учрашгандекман. Холисхон ролини бажариб, қўлингда бир қучоқ гул, театрдан чиқиб келаётганингда «Холисхон» деб чақирганим эсингдами?
 Б а ҳ о р. Эсимда.
 Ш е р б е к. Мен берган гулни хидлаб, «Бу гул бошқа гуллардан фарқ қилар экан. Бу гулнинг боғи қаерда?» деганинг-чи!
 Б а ҳ о р. Эсимда.
 Ш е р б е к. Агар гулларнинг боғини билмоқчи бўлсангиз юринг, мен билан десам, «бўпти, юринг» деганинг-чи?
 Б а ҳ о р. Бу ҳам эсимда.
 Ш е р б е к. Кейин иккиланмай, қўрқмай бизнинг уйга кириб келганинг-чи?
 Б а ҳ о р. Худди кечагидек эсимда.
 Ш е р б е к. Мен ўшанда жасоратингга қойил қолганман.
 Б а ҳ о р. Чунки мен сизни севардим, ўз севгисига ишонган киши сувдан ҳам, ўтдан ҳам қўрқмас экан.

Ш е р б е к. Мен ҳам севганим учун сени хушторларингдан, минг-минглаб мухлис ва томошабинларингдан юлиб олдим. Худди тўдадан улоқни олиб қочган чавандоздек ҳаммани доғда қолдирдим. Бироқ... ўша пайтда катта хатога йўл қўйганимни мана шу кунларда тушундим.

Б а ҳ о р. Яна қандай хато?

Ш е р б е к. Мен нодон сени театрдан, санъатдан юлиб олиб, ўз оёғимга ўзим болта урган эканман. Театрда ишлаб турганингда ҳеч бўлмаса овозингни радиодан эшитиб, суратингни телевизорда кўриб юрарканман...

Б а ҳ о р. Шер ака, мен ҳам сизни шу ерга олиб келганларидан бери виждон азобидаман.

Ш е р б е к. Нима учун?

Б а ҳ о р. Сизнинг бошингизга тушган мусибатга мен ҳам сабабчи эмасмиканман, дейман?

Ш е р б е к. Нега энди?

Б а ҳ о р. Баъзи-баъзида эркалик қилиб «нега бизнинг уй жиҳозларимиз яхши эмас, нега бошқаларга ўхшаб машинамиз йўқ, у йўқ, бу йўқ» деган вақтларим бўлган. Сизни бу қинғир кўчаларга менинг шу гапларим бошламадимикан, деб кечалари мижжа қоқмай ўйлаб чиқаман.

Ш е р б е к. Баҳор... сенда заррача гуноҳ йўқ. Мард ўзидан, номард ўзгадан кўради... Қилмиш-қидирмиш. Пул деса одам игнанинг кўзидан ҳам ўтаман, дер экан. Пул бир парча қоғоз-у, кучи кўз. Шу қоғоз кўп одамларни майиб қилиб, бошини еркан ёки ақлдан оздириб, кар ва кўр қиларкан. Отадан қолган эски чопонни кийиб юрганингни, онадан беш тийин сўраб турганингни унутаркансан. Бугуннинг бошига чиқиб, эртани ўзингники қилишга ошиқар экансан. Лекин қонун пулдан ҳам зўр. Менга берилган жазо бу қилмишларим учун ҳали оз! Инсон қутирса нтдан ҳам баттар бўларкан. Ит қутирса, отиб ташлайдилар, ит-ку, бир кишини қопади. Инсон қутирса қанчадан қанча софдил одамларни бахтсиз қилиб, давлат ва халқ мулкини кўкка совуради. Пора пули ҳам халқнинг пули-ку, Баҳор.

Б а ҳ о р. Ахир, нега шуларни ўз вақтида ўйламадингиз, Шербек ака?

Ш е р б е к. Гап шунда-да, жоним. Одамга ошдан кейину тушдан кейин ақл кираркан. Агар шуларни олдинроқ билганимда сени ишдан чиқариб олармидим. Оиламни ўз қўлим билан ҳалокат гирдобига ташлармидим?.. Ҳаммасидан ҳам бечора онамга, сенга ачинаман.. Малика қалай?

Б а ҳ о р. Яхши... Салом деди.

Ш е р б е к. Баҳор...

Б а ҳ о р. Лаббай!

Ш е р б е к. Борди-ю, жойи чиқса ёки ўзи хоҳласа, мен рози.

Б а ҳ о р. Малика «дадам келмагунларича турмушга чиқмайман», дейди.

Ш е р б е к. Баҳор...

Б а ҳ о р. Қулоғим сизда...

Ш е р б е к. Ўзинг-чи, ўзинг?

Б а ҳ о р. Ўзимга нима қипти?

Ш е р б е к. Демокчиманки, мени кутиб умрингни хазон қилма.

Б а ҳ о р. Нима-нима?

Ш е р б е к. Биламан, бу сен учун жуда оғир гап.

Б а ҳ о р. Шербек ака! Мен бу ерга сизнинг ақлга сиғмаган гапларингизни эшитгани келганим йўқ. Сиз бу билан яна бир хатога йўл қўйяпсиз. Мен сизни деб жонажон театримдан ажралиб, минг-

минглаб томошабинларим, мухлис-муҳибларимнинг орасидан битта сизни танлаган бўлсам-у, худди қум барханлари ичидан олтин заррасини ёки қуриб қолган қудуқдан бир қултум сув ахтариб топгандек, сизни топган бўлсам-у, энди сизни мен кимга алмаштиришим мумкин, кимга?

Ш е р б е к. Кечир мени, Баҳор, кечир.

Б а ҳ о р. Вақт соя, умр баҳор дейдилар. Тиш тўкилиб; бел букилса ҳам, кўз кўрмай соч оқарса ҳам мен сизни кутаман.

Ш е р б е к. Баҳор... жоним... Бўлмаса театрга қайт. Ишла, розиман.

Б а ҳ о р. Ишляпман, лекин театрда эмас.

Ш е р б е к. Қаерда?

Б а ҳ о р. Тикувчилик фабрикасида.

Ш е р б е к. Яхши... Ҳа, айтгандай, газетада ўқидим, Жалол унвон олибди. «Халқ артисти-я!»

Б а ҳ о р. Сизга салом айтдилар.

Ш е р б е к. Эргаш қалай?

Б а ҳ о р. Яхши. Яхши дўстингиз бор экан.

Ш е р б е к. Йўлдош-чи?

Б а ҳ о р. Салом айтдилар.

Ш е р б е к. Бир етишмовчилик бўлса фақат Эргаш билан Йўлдошдан илтимос қил. Мен уларга жуда кўп яхшилик қилганман. Йўлдош бозорда ишлаб юрарди... Ишга олдим... Бир неча йил қўл остимда ишлади. Кейин, аста-аста раҳбарлик даражасига кўтардим. Шўх, хушчақчақ, уддабурро йигит.

Б а ҳ о р. Ҳа, у ҳозир жуда катта одам. Ўзи хон, қўланкаси майдон.

Ш е р б е к. Биламан, бир марта телевизорга чиқиб гапирди. Жуда хурсанд бўлдим. Биласанми Баҳор, бу ерда ҳам обрўйим катта. Энди у ёқдан ҳам Йўлдош менинг ҳақимда яхши характеристика ёзиб юборса мени тез орада бўшатадилар.

Б а ҳ о р (*хурсанд*). Вой! Шояд шундай бўлса-я!

Ш е р б е к. Ҳа-ҳа, бўлади. Йўлдош мен учун жонини аямайди.

Б а ҳ о р. Энди сиз учун жонини аямаган дўстингиз қолдимикан, Шер ака? Дастурхон устида ҳамма сизга дўст эди, ҳамма ёр... Ҳозир эса улар сизга на зор, ва на интизор...

Ш е р б е к. Йўғ-е...

Б а ҳ о р. Ҳа, айтганча онам салом айтдилар.

Ш е р б е к. Эй, бечора она. Дунё-дунё орзу-умидлар билан фарзанд кўрдилар. Кексайсам, белимга мадор, кўзимга нур, қўлимга ҳасса бўлади, деб ният қилдилар. Бироқ мен онам бечоранинг орзу ниятларини оқлай олмадим. Шаънига доғ туширдим, обрўйини тупроққа қордим. Энди мени ҳеч қачон кечирмайдилар... Ҳа, ҳеч қачон...

Чироқ ўчади.

Бешинчи кўриниш

Жаҳон аянинг ҳовлиси. Орадан анча вақт ўтган. Ҳовлида қўлида ҳасса Жаҳон ая ёлғиз.

Ж а ҳ о н а я. Баҳор! Малика! Ким? Ким у кирган? Ҳассам қани? Шер, ҳой Шербек, ҳассамни топиб берсанг-чи? Қаерга тушиб қолдим-а?

Ниманидир қидиради. Сўнгра келиб столга урилади. Унинг атрофини айланиб чиқади. Эшикдан Баҳор кириб келади.

Б а ҳ о р. Онажон!..

Келиб онани кучоғига олади.

Ж а ҳ о н а я. Қим, кимсан?

Б а ҳ о р. Мен, ойижон, мен.

Ж а ҳ о н а я. Овозинг ҳам нотаниш.

Б а ҳ о р. Баҳорман.

Ж а ҳ о н а я. Ҳа... шундай демайсанми? Онанг қани?

Б а ҳ о р. Мен Малика эмасман, Баҳорман, Баҳор.

Ж а ҳ о н а я. Эсим қурсин. Қизинг қани?

Б а ҳ о р. Қизим шу ерда, ёнимда.

Ж а ҳ о н а я. Айт, музыка чалиб берсин.

Б а ҳ о р (*ҳайрон*). Музыка... Хўп, онажон, хўп, ҳозир... Малика юр қизим, бувингга яхши-яхши куйлардан чалиб бер.

Шошиб уйга киради.

Уйдан музыка овози янграйди.

Ж а ҳ о н а я (*ниманидир сезгандек бирдан ўрнидан туради*). Баҳор, ҳой Баҳор! Нима бўлди? Бу Маликанинг музыкасига ўхшамайди-ку.

Б а ҳ о р н и н г о в о з и. Ҳозир, аяжон, ҳозир! Роялнинг бир-икки тори бўшаб қолган экан.

Ж а ҳ о н а я. Баҳор, ҳой Баҳор!

Б а ҳ о р (*чиқиб*). Лаббай аяжон, лаббай?

Ж а ҳ о н а я. Қачон созлайди?

Б а ҳ о р (*уйга қараб*). Малика! Тезроқ созласанг-чи, бувинг кутиб турибдилар.

Ж а ҳ о н а я. Тавба! Нега Малика бундай ёмон чалаяпти?.. Йўқ... шошма, шошма. Бунда бир гап бор. Кўздан қолган бўлсам ҳам қулоғим ўткир. Буни Малика чалган эмас. Очиғини айтсам, сен мени лақиллатяпсан, Баҳор. Вой, эсим қурсин. Кеча мен сени Маликани қидиргани юборган эдим-ку. Йўқ-йўқ, кеча эмас, бугун эрталаб. Бундан чиқди сен Маликани топмабсан-да-а? Нега индамайсан? Айтишга қўрқасанми?

Б а ҳ о р. Мени кечиринг, аяжон. Мен сизни хафа қилгим келмади. Қуни бўйи Маликани қидирдим. Бормаган кўчам, кирмаган эшигим қолмади. Ҳеч қаерда йўқ...

Ж а ҳ о н а я. Баҳор, мени қийнама! Қуёшни, ойдин кечани кўрма-сам ҳам Маликамни кўриб турибман. Унинг овози, хушоҳанг куйлари, хушчақчақ кулишлари ҳамон қулоғимда жаранглаб турипти. Қани у? Қани менинг бирдан-бир қувончим, қани?...

Б а ҳ о р. Аяжон...

Ж а ҳ о н а я. Ая дема мени! Она деганнинг ўзи шунақа бепарво бўладими, а? Эшитяпсанми, Баҳор, топиб бер менга Маликамни. Топмасанг, худди жангдагидек отиб ташлайман!

Б а ҳ о р. Отинг, ўлдириг, аяжон! (*уйглаб*). Шу азоб-уқубатлардан мени халос қилинг.

Пауза.

Ж а ҳ о н а я. Майли, йиғлама. Мен фақат... жаҳдим чиққан... Айб сенда эмас. Ёнимга кел. (*Баҳорни бағрига олади*). Мен сени ўзимнинг қизимдай кўраман. Тақдиримиз битта. Ўзинг биласан, мен Маликасиз туролмайман. У ёнимда бўлса барча қайғу-аламларим эсимдан чиқади. Унинг ўйини, ашуласи, музыкаси менинг умримга умр қўшади, Шербекнинг дарди эса умримни қисқартиради.

Б а ҳ о р. Аяжон, ҳеч гап еманг. Ҳаммаси яхши бўлади. Уғлингиз қайтади, Малика ҳам ёнингизда бўлади.

Ж а ҳ о н а я. Йўқ энди мен уларни кўролмайман, қизим,

Б а ҳ о р. Кўрмасангиз қувноқ овозларини эшитасиз. Бахт қушимиз яна бошимизга қўнади. Бу кунларни кўрмагандай бўлиб кетасиз. Фақат шуниси яхши эмаски, докторларнинг гапига қулоқ солмайсиз. Ахир улар сизга туриб юришга рухсат бермадилар-қу. Борди-ю, йиқилиб-негиб кетсангиз унда нима бўлади.

Ж а ҳ о н а я. Йиқилмайман. Ахир, мени кимсан Жаҳон полвон дейишади.

Б а ҳ о р. Полвонсиз, онажон, полвонсиз. (Эркалаб). Ургилай полвон аямдан, бахтимга сиз соғ-омон бўлинг.

Ж а ҳ о н а я. Э! Қўрқма. Ҳали мен ўлмайман. Оч қорним, тинч қулоғим. Тинчлик умрга умр қўшади.

Б а ҳ о р. Онажон! Чарчадингиз. Юринг, кириб ётақолинг, толиқиб қоласиз.

Ж а ҳ о н а я. Сен ҳам мenden зерикдингми? Қари одам қозикқа ярамас, деганлари рост экан.

Б а ҳ о р. Чарчаб қолманг, дейман-да, аяжон.

Кўлтиқлаб олмоқчи бўлади.

Ж а ҳ о н а я. Ўзим юраман, ҳали тетикман.

Б а ҳ о р. Майли онажон, илойим шундай бўлсин.

Жаҳон ая уйга қараб юради. Баҳор орқасидан суяб боради.

Ж а ҳ о н а я. Баҳор... Ҳали кимдир хат бериб кетувди.

Енини қидириб, хат олиб беради.

Б а ҳ о р (кўриб). Маликага.

Хатни столга қўйиб она билан ичкарига киради.
Кўнадан Жалол билан Йўлдош кириб келадилар.

Ж а л о л. Ҳеч ким йўқ.

Й ў л д о ш. Уйда бўлсалар керак. Ҳовлидан анча файз-путур кетибди. Нопокликнинг оқибати... Беш панжа оғизни йиртади, деганлари рост экан-да!

Ж а л о л. Ўзинг-чи? Ўзинг бировнинг тилла тишини кўргудай бўлсанг, калласини ютиб юборишга ҳам тайёрсан.

Й ў л д о ш. Иғвогар.

Уйдан Баҳор чиқади.

Б а ҳ о р. Келинглар, келинглар.

Й ў л д о ш. Тинчмисизлар?

Б а ҳ о р. Раҳмат!

Ж а л о л. Полвон аям?..

Б а ҳ о р. Уйда, дам оляптилар.

Й ў л д о ш. Шербекдан дарак борми?

Б а ҳ о р. Хат олдим, ҳаммаларингга салом айтибдилар.

Й ў л д о ш. Бир бориб кўриб келиш керак эди-ю, бироқ бош қашишга ҳам вақт йўқ!

Ж а л о л. Футболга, чойхонага, беданабозликка вақт топилади-ку.

Й ў л д о ш. Қўй энди. Артист касби — иғво экан-да!

Ж а л о л. Афсус, иғвони сотиб бўлмайди. Бўлмаса уни ҳам биздан тортиб олиб, икки-уч баробар нарх қўйиб пуллардинг.

Й ў л д о ш. Иғводан олтин ясалганда-чи, чақа ўрнига садақа қилар эдим.

Ж а л о л. Сен-а! Айёр. Ҳали бу киши раҳбар ходим эмишлар. Адресингни йўқотиб қўйибсан, болагинча!

Й ў л д о ш. Бас қил энди (соатига қараб). Вақтим йўқ. Қани мақсадга ўтайлик. Баҳорхоним, аяни бир кўрсак, мумкинми?

Жалол. Қайфиятлари, соғлиқлари?..

Баҳор. Баъзан яхши, баъзан ёш боладек. Гоҳ юраклари, гоҳ кўзлари, гоҳ қулоқлари... Тез-тез ўзгариб турадилар.

Жалол. Икковимиздан биттамызга рухсат берилса...

Баҳор. Майли, сиз кира қолинг, Жалолхон ака.

Жалол. Раҳмат (*кириб кетади*).

Йўлдош. Мендан ҳам салом айт! (*Баҳорга*). Баҳорхоним...

Баҳор. Лаббай!

Йўлдош. Мен сизга бир муҳим иш билан келдим.

Баҳор. Нима эди?

Йўлдош. Бу жуда ҳам махфий. Айниқса, ана у ифвогар била кўрмасин.

Баҳор. Хўш-хўш?

Йўлдош. Дўстим Шербек ҳақида... Ахир бир кун бўлса ҳам олдин келгани маъқул.

Баҳор. Кошки эди-я!

Йўлдош. Менинг бир яқин адвокат дўстим бор. Гаплашсам, эплайман, деди.

Баҳор. Қандай қилиб?

Йўлдош. Узингиз биласиз-ку, текинга мушук ҳам офтобга чиқмайди. Узим битирай десам, ойликдан бошқа ҳеч бало йўқ... Амалим — катта, қўлим — калта.

Баҳор. Қанча сўрайди?

Йўлдош. Тахминан икки юзлар чамаси.

Баҳор. Икки юз?.. Вой, қаердан оламан шунча пулни?..

Йўлдош. Энди нима қилардингиз. Бирини йўқотасиз, бирини топасиз-да...

Баҳор. Шошманг... Исирғам бор. Саккизинчи март куни Шербек акам совға қилган эдилар... Ҳозир...

Чиқиб кетади.

Йўлдош. Ана энди соз бўлди. Ҳозир у менга бриллиант исирғасини беради. Бир ўқ билан икки қушни уриб тушираман; биринчидан катталаримиз олдида обрў қозонаман, иккинчидан у муттаҳамни турмада чиритаман.

Баҳор кириб келади. Исирғасини Йўлдошга беради.

Баҳор. Шунинг пули етармикан?..

Йўлдош. Етса — молим, етмаса жоним. Жим. Жалол.

Жалол (*келиб*). Гаплашдик, кайфиятлари яхши. Чинакам полвон-да.

Йўлдош. Мен ҳам бир кириб...

Жалол. Қўяқол. Сени кўрса аҳволи яна оғирлашади.

Йўлдош. Нега?

Жалол. Сиз унга жуда ёқиб қолибсиз. Шунинг учун.

Йўлдош. Ифвогар.

Жалол. Баҳор! Энди бизга жавоб. Онамызга эҳтиёт бўл! Маликага салом айт!

Жалол билан Йўлдош чиқиб кетадилар.

Баҳор (*узоқ сукутдан кейин*). Шошма. Бу нарса характеристика эвазига эмасмикан-а? Вой, қандай пасткашлик!.. Ҳа, майли. Жа нари борса, мартаваси юз бўлар... Садқайсар. Шербек акам тезроқ қайтсалар бўлгани.

Кўчадан Малика киради, у анча ўзгарган.

М а л и к а. Салом аяжон!

Б а ҳ о р. Вой, Маликахон! Жон қизим! (*Қучоқлашиб кўришадилар*). Қаерларда қолиб кетдинг?

М а л и к а (*онасига бир пачка пул узатиб*). Мана бу пулни майда-чуйда харажатингизга.

Б а ҳ о р. Шунча пулни қаердан олдинг, қизим?

М а л и к а. Узумини енг, боғини суриштирманг.

Б а ҳ о р. Малика!.. Йўқ-йўқ, олмайман. Пулга муҳтож эмасман, ишляпман.

М а л и к а. Аяжон... Мен ҳам ишляпман-ку, ахир. Пешона тери билан топилган пул-а!

Б а ҳ о р. Қандай қилиб?

М а л и к а. Тўйларда юраман. Совхоз дўкаининг тўйи экан. Пулга кўмилиб кетдим.

Б а ҳ о р. Вой, бу беномусдан дод! Қизим саёқ санъаткор бўлиб қолибди. Қаерларда, кимлар билан юриб, қаерларда ётади? (*Ииглаб*). Улганим яхши.

М а л и к а. Ҳақорат қилманг, ая! Мени яқин, ишончли бир кишимиз олиб юради. У худди ўзининг қизидай сақлайди.

Б а ҳ о р. Ким экан у, сенинг яқин кишинг?

М а л и к а. Айтмайман. Биз ҳеч кимга айтмасликка бир-биримизга сўз берганмиз.

Б а ҳ о р. Ҳой бола, ҳушингни йиғиб ол! Пулга алданма! Пул дадангинг бошига етди. У сени ҳам йўлдан оздиради.

М а л и к а. Ахир, мен дадамга ўхшаб, бировнинг чўнтагига қўл солаётганим йўқ-ку.

Б а ҳ о р. Ҳой бола! Агар мени она деб билсанг, шу меҳрибонингдан тоабад ажралмайман десанг, гапимга қулоқ сол. Ишингни йиғиштир. Менинг сенга айтадиган охирги сўзим шу. Жонимга тегди.

М а л и к а (*онасининг бўйнига осилиб*). Аяжон! Нега шундай дейсиз! Отасиз қолдим, энди сиздан ҳам ажрайми? Йўқ-йўқ, сизсиз менга ҳаёт керак эмас. Бўлди, аяжон, бўлди. Кечиринг, тавба қилдим. Сизнинг измингиздан чиқмайман.

Б а ҳ о р. Вой, жон болам! Ниҳоят...

Пулни Маликанинг сумкасига солиб қўяди.

М а л и к а. Бувим қалайлар?

Б а ҳ о р. Вой, эсим қурсин, кириб кўрай-чи, ухламаётган бўлсалар. Ҳозир кирарсан. Бугун аҳволлари анча оғир. Ҳозир!..

Югуриб кириб кетади.

Эргаш кириб келади. У шошилиб соатига қарайди.

Э р г а ш. Қаерларда юрибсиз, Маликахон! Бир соатлардан бери қидириб юрибман-а! Тез бўлинг, кечикамиз. Кўчада машина кутиб турибди. Кетдик!

М а л и к а. Мен ҳеч қаёққа бормайман.

Э р г а ш. Бормайман?! Ақлдан оздингизми? Мен тўй эгасидан закат пул ҳам олиб қўйганман. Бебурдлик қилманг!

М а л и к а. Мен бугундан бошлаб тўйларга юрмайдиган бўлдим.

Уйдан чиққан Баҳор Малика билан Эргашнинг гаплашиб турганини кўриб, ўзини четга олиб, гапга қулоқ солади.

Э р г а ш. Яшашни истайсизми, ахир?

М а л и к а. Истайман. Лекин сизнинг йўлингиз билан эмас. Машинани қайтариб беринг.

Э р г а ш. Қанақа машина?

М а л и к а. Менинг пулимга олинган машина-чи.

Э р г а ш. Сизнинг пулингизга? Эсингизни едингизми?

М а л и к а. Эсим жойида. Лекин ўзингизни гўлликка солманг. Машина меники.

Э р г а ш. Шангилламанг-э. Исбот керак, исбот!

М а л и к а. Исбот қиламан. Гувоҳларим бор.

Э р г а ш. Нима, нима? Бу қанақа туҳмат?

М а л и к а. Бўлмаса машинани қандай пулга олгансиз? Тўғри, номига ишлайсиз. Меҳнат дафтарчангиз ҳам бор. Лекин, ўзингиз ғирт қаллобсиз-ку.

Э р г а ш. Менга қаранг, яхши қиз, бу маккорликни кимдан ўргандингиз?

М а л и к а. Сиздан.

Э р г а ш. Тавба. Ахир мен сизни ўз қизимдай ардоқлаб, сақлаб юрганман, аҳмоқ!

М а л и к а. Бунинг учун раҳмат.

Э р г а ш. Талантингизга катта йўл очиб берганман, кўрнамак!

М а л и к а. Талантимдан сиз ҳам озмунча фойдаланмагансиз. Қаймоғи — сизга, айрони — бизга.

Э р г а ш (*яна соатига қараб*). Оббо! Энди нима қилдим-а!

М а л и к а. Нима ҳам қилардингиз. Ҳозир, менинг чамадонимни шу ерга олиб келасиз. Машинани ўзимнинг номимга ўтказиб берасиз. Шу билан гап тамом, вассалом. Епиқлиқ қозон — ёпиқлиқ.

Баҳор яширинган жойидан чиқиб Эргашни кўрагидан итариб юборади.

Э р г а ш. Баҳор! Бу нима қилиқ? Қизингизга шунча ғамхўрлик қилиб юрганам учунми?

Б а ҳ о р. Йўқолинг! Дийдорингиз қурсин!

Э р г а ш. Хўп. Шундай яхши тилақларингиз учун раҳмат.

М а л и к а. Арзимаиди. Хайр.

Э р г а ш. Хўп, майли. Ҳозирча хайр, бўлмаса... (*Кетади*).

Пауза.

М а л и к а. Ая, бувим ухляпганмиканлар?

Б а ҳ о р. Уйғонган бўлсалар керак.

М а л и к а. Кириб кўрай.

Уйга томон қадам ташлайди.

Б а ҳ о р. Шошма, сенга хат бор.

М а л и к а. Қани? Кимдан? (*Конвертни очиб*). Вой, бахтимдан ўргилай! Эркинжондан, ая! Эркинжондан!.. (*Ўқийди*). «Салом. Малика-хон! Аввало хат орқали хабар қилганим учун кечиринг. Мен хатни кўп ўйлаб, сўнг ёздим...» Ая!..

Б а ҳ о р. Ўқи, қизим, ўқи.

М а л и к а. «...Мен уйланяпман, бу ота-онамнинг хоҳиши. Чунки улар сизга мутлақо қарши. Сабаби, додангиз... Ота-онам тўй тараддудини бошлаб юборишди...» Ая, аяжон!..

Беҳуш бўлиб қолади.

Б а ҳ о р (*сув бериб*). Малика, Малика, дадил бўл, қизим, ўзингни тут!

М а л и к а. Ая... Нималар бўляпти ўзи? Биз саккизинчи синфдан бошлаб бир-биримизни шундай севардик-ку!.. Ахир мен, фақат шу муҳаббат билан ўзимни юпатиб, оиламиздаги ғам-ғуссаларни унутгандай бўлиб юрардим. Фарҳод Ширинга бўлган муҳаббати учун жонини аямади. Мажнун эса Лайлиси учун ўзини қурбон қилди. Ахир, нега энди, бетайин Эркин, ота-онасининг сўзига кириб шу қадар разиллик, қабиҳ-

лик билан мендан воз кечди? Муҳаббатимизни поймол қилди. Наҳотки, муҳаббат қуёши лоақал эшик тирқишидан тушиб турган заррасини ҳам менга раво кўрмаса. Наҳотки, муҳаббат посбони дадамнинг жинояти учун мени эшигидан ҳайдаса, аяжон!

Б а ҳ о р. Малика, қизим!

М а л и к а. Кетаман, бутунлай кетаман бу уйдан. Бу уй фалокат ва ҳалокат макони. Ғам-ғуссалар уяси...

Ичкаридан Жаҳон ая чиқади.

Ж а ҳ о н а я. Баҳор... Малика... Нима шовқин? Биз кўрмаган, биз эшитмаган яна қандай қайгу-алам хабарчиси эшигимизни қоқди?

Б а ҳ о р. Вой ўлай, тўхтанг, ойижон, тўхтанг!

Ж а ҳ о н а я. Бу ўртанган юракларнинг шунча эзилгани етмасми-ди, Баҳор? (қоқилиб йиқилади. Баҳор билан Малика «дод» деб онага ташланадилар. Жаҳон ая секин бошини кўтариб). Бу сенмисан, Маликам?.. Овозингдан танидим. Соғинтирдинг. Бор, пианино чал...

М а л и к а. Хўп бўлади, хўп.

Югурганича чиқиб кетади.

Баҳор онага сув ичиради. Майин музика овози эшитилади. Малика сўзсиз ёқимли овоз билан ўзи ҳам музикага жўр бўлади.

Ж а ҳ о н а я. Бормисан, Маликам! Бу кунлар ҳам унут бўлиб кетар... Аммо, сенинг куйларингда, қўшиқларингда менинг умрим давом этар... Ҳа, давом этар...

Б а ҳ о р. Эй худо! Шербек акам бўлганларидами...

Ж а ҳ о н а я. Баҳор!.. (Бир оз бошини кўтариб). Эрингнинг қамалишига мен ҳам сабабчи бўлдим...

Б а ҳ о р. Нима, нима?

Ж а ҳ о н а я. Виждоним қўймади...

Б а ҳ о р. Алаҳляпсиз, ая! Йўқ-йўқ! Ишонмайман.

Ж а ҳ о н а я. Ишонмайсан-а? (Мағрурона). Кўздан нари — кўнгилдан нари.

Б а ҳ о р. Нималар деяпсиз, ая?

Ж а ҳ о н а я (телба-тескари ҳолатда қаҳ-қаҳ уриб кулади ва ўр-нидан турмоқчи бўлади. Баҳор ушлайди). Қўй мени, йиқилмайман. Ҳозир мен ёшман.

Б а ҳ о р. Вой ўлмасам. Аямга нима бўлди?

Ж а ҳ о н а я. Малика, ҳой Малика! Кел, ўйнаймиз! (Қўлларини шиқиллатиб). Оқ терагу кўк терак, биздан сизга ким керак... (Нимагадир қулоқ солади). Яна отяптилар, аблаҳлар! Ҳа! Бу қизчанинг қўлидан ҳеч нарса келмайди деб ўйладингми? Чучварани хом санабсан! Аҳ-ҳа!.. Ер тишладинг-ку, газанда!.. Жаҳон полвонман! Эрим учун қасос олдим, қасос! Қасос!

Қани қабринг, жоним — бағрим,

Сенинг-чун жон фидо ёрман.

Нечук шу бепоен ердан,

Жасадинг излаб топарман!..

Баҳор уни ушламоқчи бўлади. Жаҳон ая уни итариб юбориб.

Мени тинч қўясанми-йўқми? Бор, ишингни қил (Яна ашула айтади);

Самолёт учиб боради,

Жонажон диёримга.

Салом айтгин жондан азиз

Шербек чақалоғимга...

Ашуласини давом эттириб, эшик олдиғача боради. Эшикка урилади. Сўнгра қўли билан пайпаслаб ичкарига киради...

Ҳовлида, Баҳор икки қўли билан бошини ушлаганича қотиб қолади. Пианинодан қайғули куй эшитилиб туради. Анча жимликдан сўнг пианино товуши бирдан тўхтаб қолади. Сал ўтмай ичкаридан Малика югуриб чиқади.

М а л и к а. Аяжон! Бувим... йиқилган! Нафас олмаяпти!.. (*Ҳўнграб йиғлаб*). Бувимдан ажралдик!.. Нега қотиб қолдингиз, аяжон!
Б а ҳ о р. А? Нима, нима?

Чироқ ўчади.

Олтинчи кўриниш

Аввалги кўринишнинг ўзи. Орадан бир-икки йил ўтган. Ҳовлига Шербек кириб келади. У анча ўзгарган. Лекин ҳали тетик.

Ш е р б е к (*ҳамма ёққа қараб*). Нега ҳеч ким кўринмайди? Кўчиб кетишдими?

Кўчадан Баҳор кириб келади.

Б а ҳ о р (*ҳаяжонда*). Вой, бу ким?

Ш е р б е к (*дарҳол ўзини тутиб олиб*). Баҳор, Баҳорим!!!

Б а ҳ о р. Шербек ака!

Иккаласи кучоқлашиб кўришади.

Ш е р б е к. Қандай бахт! Ўз уйимда, яна бир бор кўришсаму ўлсам армоним йўқ, деган эдим.

Б а ҳ о р. Соғиндим...

Ш е р б е к. Мен ҳам шундай соғиндимки, шу соғинч ҳароратида кунларим қандай тез ўтиб кетганини сезмай қолдим. Бироқ сендан қарздорман, жоним. Бу қарзни умрбод узолмасам керак. Бу қарз пул билан эмас, инсоннинг сабр-тоқати, садоқати билан ўлчанади. Пулни талаш мумкин, аммо содиқликнинг баҳоси йўқ.

Б а ҳ о р. Энди қарзингиздан узилдингиз, Шер ака. Сизни кўрдим-у йўқотган давлатимни, бахт-саодатимни топдим. Сизни кўриб худди тўхтаган юрагим уриб кетгандай, зулмат босган кўзим қайта очилгандай бўлди.

Ш е р б е к. Ўз уйим — ўлан тўшагим... (*Чўкка тушиб, қўлини ерга сўнг кўзига суртади*). Хўш, ҳамма соғ-саломатми?

Б а ҳ о р. Ҳамма.

Ш е р б е к. Онам?

Б а ҳ о р. Онам?.. Онам дам олиб ётибдилар...

Ш е р б е к. Қани? Қаерда? Қасалхонадами?

Б а ҳ о р (*беихтиёр*). Шу ерда...

Ш е р б е к. Баҳор, ростини айт. Сен ёлгон гапиришни билмайсан. Бор, ухлаётган бўлсалар, уйғот. Уғлингиз қайтиб келдилар, дегин.

Б а ҳ о р. Ҳозир.

Секин уйга қараб кетади.

Ш е р б е к. Ўзим чопқиллаб кирардим-у, юрагим бетламайди. Мен аям билан шу ерда хайрлашган эдим. Шу ерда унинг оёғига йиқилиб кечирим сўрайман. Ялинаман, ёлвораман. Бундан кейин адашмасликка қасамёд қиламан.

Баҳор Жаҳон аянинг олий мукофоти — орден ва медаллари билан безатилган нимчасини олиб чиқади.

Б а ҳ о р. Меҳрибон онамиздан мана шу қолди, холос...

Ш е р б е к (*нимчани бағрига босади. У ҳаяжонда*). Аттанг! Кеч қолибман...

Б а ҳ о р... Виждон азоби шу қадар қаттиқ эканки... бардош беролмади... Юрагида кетди армони...

Шербек. Бағримдаги тиг олиб ташланган эди. У яна санчилди. Юрагим шодликларга тўлиб-тошган эди. У яна сиқилди, янчилди. Устимдан тоғ ағдарилгандай бўлган эди, у яна мени...

Баҳор. Шербек ака...

Шербек. Мен сизнинг олий мукофотлар билан ярақлаб турган кўксингизга ханжар урдим, онажон!.. Чинор тагидан чаён бўлиб чиқдим. Халқ Полвон ая деб, сиз билан фахрланарди. Шундай онанинг қадр-қимматига етмаган номард фарзандингиз эса халқнинг нафратига дучор бўлди.

Баҳор. Сабр қилинг, Шербек ака. Дунёда туғилмоқ бор, яшамоқ бор, ўлмоқ бор. Бу тақдирдан ким қочиб қутула олади дейсиз?

Нимчани Шербекнинг қўлидан олиб, айвонга осиб кўяди.

Шербек. Тақдир эмиш. Ширин ошга ўз қўли билан заҳар солиш ҳам тақдирми? Ўз нафсини тия олмай халқнинг насибасига чанг солиб, шунинг азобини тортиш ҳам тақдирми?..

Баҳор. Инсон қоқилади, йиқилади, аммо яна юриб кетади. Сув бир лойқаланмай тинмас, деганлар.

Шербек. Малика қани?

Баҳор. Билмадим...

Шербек. Қани Маликам?

Баҳор. Келади, шу ерда...

Шербек. Бекор... Рост гапир. Бугунми-эртами, бари бир биламан. Айт.

Баҳор. Айтсам тилим, айтмасам дилим...

Шербек. Тезроқ айт, бўлмаса юрагим тарс ёрилиб кетади, Баҳор!

Баҳор. Малика уйдан бош олиб чиқиб кетди.

Шербек.— А-а?..

Баҳор. Бу ҳақда кейин гаплашамиз.

Шербек. Э, воҳ! Шундай мудҳиш хабарларни эшитгандан кўра...

Баҳор. Қўйинг, Шер ака... Исмингиз жисмингизга муносиб бўлсин.

Шербек. Бу кулфатлар шерни мушукка айлантириб, филни сичқондек югуртиради. Мен денгиз пўртаналаридан эсон-омон қутилиб чиқдим, десам, ловиллаб ёниб турган алангага тушиб қолдим, Баҳорхон.

Кўчадан Йўлдош билан Эргаш киради. Эргаш шофёрлар кийимида. Ҳамма жим бўлиб қолади. Йўлдош такаббуруна соатига қараб кўяди.

Баҳор. Шербек ака...

Шербек. Булар ким?

Йўлдош. Ҳа, танимаяпсанми?

Эргаш. Биз сенинг қадрдон, ажралмас дўстларинг...

Шербек. Ия, ҳа-ҳа-а... Азиз, қадрдон, ажралмас...

Эргаш. Машинада ўтиб кетаётган эдик. Келганингни эшитиб... Омон-эсон қайтиб келдингми?.. Хайрият... Ия, нима бўлди сенга? Камгап бўлиб қолибсан? Гўё аллақандай нотаниш одамлар билан гаплашаётгандай.

Йўлдош (соатига қараб). У ёқдан мулла бўлиб қайтибдилар-да, қиёматлик дўстимиз, Эргаш Маллаевич.

Шербек. Дўстинг ким, душманинг ким, бошингга кулфат тушганда билар экансан.

Йўлдош. Шунақами? Биз ҳам дўстимиз деб даъво қилиб келганимиз йўқ.

Шербек. Биламан, характеристика сўраб ёзганларида «Биз уни танимаймиз», деб жавоб ёзган экансиз.

И ў л д о ш. Ҳа! «Биздан ҳам пора сўради», деб ёзайликми? Шундай деб ёзган бўлсак, ҳали ҳам қайтмаган бўлардинг-ку, гражданин Маҳкамов.

Э р г а ш. Сен айёрлик билан ревизияга ўзинг эмас, бошқа шерикларингни юбординг.

И ў л д о ш. У бировларнинг қўли билан бизни оловга ташламоқчи эди-ю, ниятига етолмади. Мени ишдан бўшаттирди, холос. Икки йил ишсиз юрдим. Қамалиб кетганидан кейингина елкамга офтоб тегди. Ҳақ жойида қарор топди. Лекин мен ҳам бўш келмадим.

Чўнтагидан бир қоғоз олиб, Шербекка узатади.

Ш е р б е к. Бу нима?

И ў л д о ш. Квитанция. Саккизинчи март куни Баҳорга совға қилинган бриллиант исирғаларнинг квитанцияси. Мен уни давлатга топширдим.

Ш е р б е к. У қандай қилиб сенинг қўлингга тушди? (*Баҳорга ялт этиб қараб*). Баҳор! Узи нима гап? (*Квитанцияни йиртиб ташлайди*).

И ў л д о ш. Баҳорда айб йўқ! У шўрлик зиракнинг баҳосини юз сўмдан ошиқ бўлмаса керак, деб ўйлаб юрган экан. Квитанциядан кўрдинг-ку. Зиракнинг баҳоси — етти минг сўм! Ҳа етти минг!..

Баҳор ҳайрон. Икки қўли билан юзини бекитиб қотиб қолади.

Б а ҳ о р. Вой ўлай!..

И ў л д о ш. У бечора сени муддатдан илгарироқ қамоқдан қутқариш мақсадида исирғани менга берган эди.

Ш е р б е к. Бўлди! Иблис экансан!

И ў л д о ш. Ҳақорат қилма! (*Кўксига уриб*). Мен дили соф, қўли пок одамман. Энди орамиз очиқ. Ҳисоб-китобимни бирга-бир қилиб олдим.

Э р г а ш. Мен бирга икки билан тугатмоқчи эдим, хотининг вафодор экан, энди унинг қадрига ет.

Ш е р б е к. Йўқолинлар, муттаҳамлар! Йўқса яна бир жиноят қилайки, у биринчисидан ҳам даҳшатлироқ бўлсин! Қани болта?

Б а ҳ о р (*Шербекни ушлаб*). Шербек ака! Аямнинг арвоҳини чирқиратманг! Қўйинг, жоним, қўйинг...

И ў л д о ш (*соатига қараб*). Кетдик, Эргаш Маллаевич. Мажлисга кечикаман.

Чиқиб кетадилар. Жимлик.

Ш е р б е к (*анча сукутдан сўнг*). Баҳор... Йўлдошнинг кимлиги менга энди маълум. Аммо Эргашнинг гапларига тушунолмадим...

Б а ҳ о р. Бир куни Эргашингизни уйдан ҳайдаб чиқардик. Жалол акамлар гувоҳлар...

Ш е р б е к. Қўй, жин урсин, уларни! Мен сенга ишонаман, Баҳор. Илгари ҳам бизнинг вафодорлигимизга бутун ёру дўсларимизнинг ҳаваси келарди. Мана, ҳали ҳам ўша-ўша, худди биринчи учрашгандек...

Б а ҳ о р. Сиз ҳам менинг биринчи бор гул ҳадя этган шеримсиз.

Ш е р б е к. Шарт кетиб, парти қолган шерлардан де?

Б а ҳ о р. Йўқ, йўқ, янглишасиз, шернинг каттаси ҳам, кичиги ҳам, ёши ҳам, қариси ҳам бари бир шер.

Кўчадан Жалол киради.

Ж а л о л. Оббо писмиқ-эй! Шундай яқин дўстингни гафлатда қолдирдинг-а! Ҳа, майли, энди морожнийни ҳам пуфлаб ерсан (*Иккаласи қучоқлашиб кўришади*). Семирибсан, курорт сенга анча ёқибдими дейман?

Ш е р б е к. У е р ё м о н э м а с. Т о п г а н и н г н и е р к а н с а н, о р т и р г а н и н г н и ё м о н а т қ а с с а г а қ ў я р э к а н с а н.

Ж а л о л. Ҳ а л и қ у п - қ у р у қ к е л м а д и м д е г и н ?

Ш е р б е к. Бў л м а с а - ч и ! М е н ж у д а б о й и б қ а й т д и м. Б у б о й л и к н и н а п у л в а н а д а в л а т б и л а н ў л ч а б бў л а д и.

Ж а л о л. Б и з г а ҳ а м б и р о н н а р с а о л и б қ а й т м а д и н г м и ?

Ш е р б е к. Ҳ а, о л и б қ а й т д и м. Ҳ а р к и м н и н г ў з ҳ а қ қ и н и ҳ е ч х и ё н а т қ и л м а й у л а ш я п м а н. Йў л д о ш б и л а н Э р г а ш ҳ а м ҳ о з и р г и н а ў з у л у ш л а р и н и о л и б к е т и ш д и. М а н а, ҳ а қ и н г (*Ж а л о л н и н г о л д и г а т и з чў к а д и*).

Ж а л о л. Қў й - қў й ! И н с о н ҳ е ч қ а ч о н и н с о н о ё г и г а б о ш э г м а й д и. И н с о н и н с о н л и г и ч а қ о л и ш и к е р а к. Ҳ а, а й т г а н ч а, Йў л д о ш о л и ф т а с е н и т а н и д и м и ?

Ш е р б е к. Д и м оғ и б а л а н д. О с м о н д а.

Ж а л о л. Э й дў с т л а р, дў с т л а р ! С и з л а р н и т у ш у н и ш қ и й и н... У л а р н и н г о л а с и и ч и д а. Д и л и ғ о р д е к қ о р о н ғ и. А г а р с е н у н г а к е р а к бў л с а н г и ч и ? С о я н г г а кў р п а ч а ҳ а м с о л а д и. Ҳ а т т о о ё г и н г н и ҳ а м ў п а д и... С е н с и з у н и н г д а с т у р х о н и кў н г и л с и з, р у ҳ с и з, ш а р б а т и т а ъ м с и з, н о н и т у з с и з. Гў ё у с е н и н г э н г я қ и н с и р д о ш и н г, в а ф о д о р йў л д о ш и н г... О м а д и н г к е л с а, у с е н д а н ҳ а м о р т и қ с у ю н а д и. С о в ғ а л а р ҳ а д я қ и л а д и. Б о р д и - ю, и ш и н г ю р и ш м а с а - ч и ? Гў ё у ё н а д и, к у я д и, с е н у ч у н з а ҳ а р ю т а д и, кў к р а г и н и ў қ қ а т у г а д и... О ҳ, қ а н д а й я х ш и б и р дў с т о р т т и р д и м, д е й с а н. Қ у в о н а с а н, у н г а с о я б о н бў л а с а н. Ё м о н и н и я ш и р а с а н, я х ш и с и н и о ш и р а с а н. Кў к л а р г а кў т а р а с а н ! Кў т а р а с а н - у, к е й и н ў з и н г ҳ а м у н г а е т о л м а й қ о л а с а н. Э й ф а л а к. А с р а м е н и ш у н д а й м у н о ф и қ дў с т л а р д а н, а с р а !

Ш е р б е к б и л а н Б а ҳ о р қ а р с а к ч а л а д и л а р. М а л и к а к и р и б к е л а д и. О т а с и н и т а н и б, о р қ а с и г а т и с л а н а д и.

Б а ҳ о р. М а л и к а, қ и з и м, д а д а н г !

Ш е р б е к. М е н... м е н... м е н и т а н и м а я п с а н м и, қ и з и м !

М а л и к а. Ҳ а, ҳ а... Т а н и д и м... А м м о...

Ш е р б е к. Қ и з и м, ж о н қ и з и м ! К е ч и р м е н и.

М а л и к а. К е ч и р ? ! М е н с и з н и н г қ а й с и б и р г у н о ҳ и н г и з н и к е ч и р а й, д а д а ! О н а м н и н г у м р и н и х а з о н қ и л г а н и н г и з м и ? Ё к и ж о н д а н а з и з б у - в и м н и қ а р и г а н и д а кў р, к а р в а т е л б а қ и л и б, а ж а л и д а н б е ш к у н б у р у н ў л д и р г а н и н г и з н и ? Ё бў л м а с а, м е н и н г ё ш л и к б а ҳ о р и м н и ж у в о н м а р г қ и л г а н и н г и з м и ? Г а п и р и н г, м е н и ш у к у н г а е т к а з г а н д а д а м. Г а п и р и н г.

Ш е р б е к. Э - в о ҳ ! Б у ф а л о к а т л а р н и о л д и н д а н б и л г а н и м д а э д и, ҳ а л о л н о н и м н и ҳ а м э л д а н сў р а б е г а н бў л а р д и м, қ и з и м. А ф с у с к и, с е н ҳ а қ с а н. Н а з а р и м д а и к к и н а р с а о д а м н и х а р о б қ и л а р э к а н: б и р и о ч л и к, и к к и н ч и с и тў қ л и к... О ч л и к н и кў р м а д и м, тў қ л и к н и н г қ а д р и г а е т м а д и м.

Б а ҳ о р. М а л и к а қ и з и м, к е ч и р д а д а н г н и !

М а л и к а. М е н з а м о н қ и з и м а н, н е г а з а м о н д а д а м н и к е ч и р м а д и ? Э н д и м е н ҳ а м к е ч и р м а й м а н, ҳ а, к е ч и р о л м а й м а н.

Ш е р б е к. Қ и з и м !

М а л и к а ю г у р и б ч и қ и б к е т а д и. Ч и р о қ ў ч а д и.

Х О Т И М А

М а л и к а б и л а н А ш р а ф н и н г с у ҳ б а т и д а в о м э т я п т и. М а л и к а н и н г кў з л а р и д а о л о в в а ё ш.

А ш р а ф. А х и р, н е г а у й д а н ч и қ и б к е т д и н г и з ? А я н г и з н и ё л ғ и з қ о л - д и р и б - а ?

М а л и к а. Б о ш қ а и л о ж и бў л м а й д и, ў з и н г и з ў й л а б кў р и н г. К е ч а - л а р и у л а м а с а м, к у н д у з л а р и б и р к у л и б, б и р й и ғ л а б, а я м н и в а ҳ и м а г а с о л с а м... К е ч а с и ҳ а м, к у н д у з и ҳ а м х у д д и б и р о в м е н и бў ғ а ё т г а н д е к ё к и ж а р г а и т а р и б ю б о р а ё т г а н д е к. Кў ч а г а ч и қ с а м, қў н и - қў ш н и л а р х у д д и й и р т қ и ч ҳ а й в о н д е к м е н г а ҳ у ж у м қ и л а ё т г а н д е к... У й г а к и р с а м у й э г а с и з, т а ш л а н д и қ м о з о р... Ч и д а б т у р о л м а д и м. У й д а н к е т и ш г а м а ж б у р бў л д и м.

А ш р а ф. Қаерда турдингиз?

М а л и к а. Шаҳар четида, дугонамникида. Бу мусибатларни эсдан чиқариш, ўзимни овутиш, юпатиш учун ўша ердаги маданият уйида ҳаваскорликка қатнашиб юрдим... Тўй қулай келиб қолди... Бора-бора тўй менинг ҳунарим, касбимга айланди. Кеча онамни кўргани уйга борсам — дадам... Дадам қайтиб келибди... Кўрдиму орқамга қайтдим.

А ш р а ф. Дунёнинг иши шунақа экан-да, Маликахон. Одамларнинг тақдири бир хил эмас. Ҳаёт йўли паст-баланд ва мураккабдир. Агар инсон ўз ҳаёт йўлини таниб тўғри қадам қўймаса — у қайси замонда ва қайси даврада яшамасин ҳалокатга учраши муқаррар. Айниқса, бизнинг давримизда, нопоклар учун жамиятимизда ўрин йўқ. Мен сиздан кечирим сўрайман. Сизнинг дардингизни тушунмай, балки, қўпол гапириб ҳам қўйгандирман. Ростини айтсам, қалбимда сизга отадиган иккита ўқим бор эди. Ешликка, санъатга доғ тушириб юрган саёқ санъаткорга шуни отаману кетаман деб ўйлагандим.

М а л и к а. Сиз ўша ўқингизни отдингиз.

А ш р а ф. Аттанг...

М а л и к а. Лекин у ўлдирмади, қайтадан тирилтирди.

А ш р а ф. Хайрият. Агар шундай бўлса, майли. Мен сизнинг келажакдаги бахтли ҳаётингизга сабабчи бўлай.

М а л и к а. Сабабчими ё қўшмачи?..

А ш р а ф. Ҳалиям мени тушунмадингиз шекилли?

М а л и к а. Узр. Эркакларнинг авлиёсига ҳам ишонмайдиган бўлиб қолдим.

А ш р а ф. Тўғри, оғзи сутдан куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади, деганлар. Менинг мақсадим — беғараз. Дунёда биров инсонга ёмонлик қилиб лаззатланса, биров яхшилик қилиб завқланади.

М а л и к а. Сиз қайси бирисиз?

А ш р а ф. Иккинчиси.

М а л и к а. Қулоғим сизда.

А ш р а ф. Раҳмат... Биласизми, мен сизни чинакам санъат даргоҳига таклиф қилмоқчиман...

М а л и к а. Вақт ўтган.

А ш р а ф. Санъат — бу ёшлик, гўзаллик. У ҳеч қачон қаримайди. У доим юлдуздек порлаб туради.

М а л и к а. Мен сўнган юлдузман.

А ш р а ф. Йўқ. Сиз юлдузингизни бевақт ўчирманг. Мен сизни шошилтирмайман. Ўйлаб кўринг. Агар қатъий бир қарорга келсангиз, келаси ҳафтага...

М а л и к а. Майли, ўйлаб кўраман.

А ш р а ф. Яна бир илтимосим бор. Дадангиз билан ярашинг. Кечиринг. Унга руҳий мадад керак. Мен бу илтимосим билан ҳам сизни шошилтирмайман. Иккинчи учрашувимизда, ишонаман, менинг ҳақ эканлигимга, албатта, тан берасиз.

М а л и к а. Майли, буни ҳам, ўйлаб кўрай... Сиз ўзи кимсиз?

А ш р а ф (кулимсираб). Мен тўйга чақирилган оддий бир меҳмонман. Балким, мана шу бўлиб ўтган суҳбатларимиз асосида бирон ҳикоя ё қисса ёки саҳна асари ёзарман. Бироқ бу хусусда асар яратиш анча қийин. Воқеа мураккаб. Лекин ёзаман, албатта, ёзаман. Аминманки, шу асаримда қаҳрамонларнинг бахти очилиб, тақдири хайрли тугайди.

П а р а а.

Январь 1979 йил.



Сирбой Мавленов

Күннің мезгиле, ГУЛИМ МЕНИНГ...

□
Баян тоғи — яшил кўлдир,
Баян тоғи — яшил йўлдир,
Яшил осмон, яшил тошлар,
Яшил ўрмон ватанидир.

Бу жойлар бир гўзал бўстон,
Бу жойлар бир яшил ўлка.
Заминдан кўз узолмасдан
Кўк булутлар сузар кўкда.

Тоғ кўйнидан оқар наво,
Оқшомлари — сутдек ойдин.
Кўл қаъридан келар садо,
Кўли зилол Жасибойнинг.¹

Ҳар тонг еллар куйлар қўшиқ,
Юзиб юрар ўрдак ва ғоз.
Фалак узра чарх уришиб,
Қуралайлар қилар парвоз.

Жасибойда осмон ҳам паст,
Уфққа чўзсанг етар қўлинг.
Тоғ сўқмоғи тошлоқ эмас,
Яшил йўлдир — юрар йўлинг.

Кўл атрофин тоғ уймалаб,
Фонус этиб тунлар ойни,
Мабодо кўз тегмасин деб
Қуршаб турар Жасибойни.

¹ Жасибой — жойнинг номи.

□
Сантьягода
Қайғули бир кун
Эркининг қанотлари қирқилди.
Ер инграб юборди
бу даҳшатни кўриб,
Бошига юлдузлар дув-дув тўкилди.

Сантьягода
Қуёш
Қип-қизил эди
Оловнинг ичидан чиққандай.
Альендининг юрагини тешиб ўтган
ўқ
Гўёки унга ҳам бориб теккандай...

Гуллар ўртанарди,
Кунлар ўртанарди,
Зулмат панжасида чекар эди оҳ.
Альендини излаб,
Эркини ахтариб,
Бир армон чарх уриб изларди
паноҳ.

Сантьягода
Қуёш
Қип-қизил эди...

□
 Куним менинг,
 Кўним бердинг,
 Қалбимни мунг чалганда.
 Борим дедим,
 Сирим дедим,
 Ғамлар босиб келганда.
 Оқтош тоғлар,
 Сўлим боғлар
 Бизни минг бор чақирди.
 Қисди тақдир,
 Еғди ёмғир,
 Кўринмас ҳеч охири...
 Куним менинг,
 Гулим менинг,
 Эрта сўндинг, .

Эрта сўлдинг,
 Кетдинг бундан олислаб.
 Еғди-ку дўл,
 Турди довул,
 Юракларга ўт ташлаб.
 Мунғаяман,
 Сарғаяман,
 Сарғиш кузнинг ўзидай,
 Талпинаман,
 Қалқинаман,
 Ғашлигим ҳеч ёзилмай.
 Болалигим,
 Сени излаб
 Келолмам ҳеч ҳушимга...
 Сен-чи, ҳар гал армон бўлиб
 Кўринасан тушимда.

Дала йўлида

Елғиз юриб толиқсанг,
 Елпиб қўяр ел сени.
 Жар, тошларга йўлиқсанг,
 Қўтаради ул сени.

Ғашлигингни қувади,
 Офтоб тегиб елкангга.
 Булоқ дардинг ювади,
 Чўмилтириб кўкламга.

Сен хаёл сурма бекор,
 Отингга қамчи босгин!
 Адашсанг, ана, тоғ бор,
 Кўнглингга бергай таскин.

Мард нимадан қўрқади?—
 Қутиб турса сарвиноз.
 ...Йўл танобин тортади
 Елғизгина чавандоз.

Уй суради, дилида:
 На қувонч-у, на-да ғам...
 У ошса бас Кўкбелдан,
 Яқин қолар манзил ҳам...

□
 Бу дунёда
 Қонга ботган
 Қизил қорни ҳам кўрдим.
 Ерга етмай
 Армонда кетган
 Юлдузларни ҳам кўрдим...

Чопдим,
 Чопдим қоним оқиб,
 Майдонлардан майдонга.
 Ва лекин мен қуламадим
 Еру кўк айланганда!

□
 Мен умрнинг қадрин, дўстлар,
 Қирқдан ошиб билгандайман.
 Чин севгининг қадрин, дўстлар,
 Юртдан ошиб билгандайман.

Севги деган сеҳрий сўзни
 Қалбда бугун туйгандайман.
 Паривашни, Қора кўзни
 Энди-энди суйгандайман...

□
 Ҳар оқиннинг сўзи бошқа, куй
 бошқа,
 Ҳам тақдирдан оладиган сийн
 бошқа.
 Мамлакатда энг зўр оқин мен
 демасман.
 Қўй, сен мени қиёслама Илёсга!
 Улан билан ошно бўлдим бир
 умрга,
 Кўрган-билган гапларимни айтмай
 нега!

Мен шеър айтиб, давраларда
 мақтанмадим,
 Қўй, сен мени қиёслама Есенинга!
 Ҳар ким бахтли ўз қалбининг
 баётиман,
 Иш кўраман учқур вақтнинг
 соатиман.
 Қўй, сен мени қиёслама ҳеч
 кимсага,
 Мен учгайман — Бойқўнғирнинг
 қанотиман.

□

Айри тушган оғайнилар —
 Айри тушган йўллардай.
 Қайта топишган оқ қайинлар —
 Қайта олишган қўллардай.

Қайта ёққан ёмғирлар
 Жонга тегар ғашликдай.
 Қайта топишган тақдирлар —
 На чақин, на қўшиқдай...

□

Одам ўлар —
 Эртанги
 Одамнинг туғилмоғи учун.
 Кунлар сўнар —
 Эртанги
 Кунларнинг келмоғи учун.

Замин кенг,
 Сўнги йўқдир,
 Чек бўлмас кўламига...
 Ернинг бор-йўқ армони —
 Оқинлар ўланида.

□

Ўзимнинг тоғим бўлса ҳам,
 Ўзга тоғ мен учун ёт эмас.
 Ўзимнинг боғим бўлса ҳам,
 Ўзга боғ мен учун ёт эмас.

Ўзганинг тоғи орқали
 Ўзимнинг тоғимга қайтаман.
 Ўзганинг боғи орқали
 Ўзимнинг боғимга қайтаман.

□

Сен кўкламга борасан,
 Чўмиласан гулларга.
 Мен-чи, қишга бораман —
 Қор-бўронли кунларга.

Сенга энди кўйлак керак:
 Нилуфар гулдай порласин!
 Менга энди бир тўн керак,
 Қишда совуқ ўтмасин!

□

Кўкда эдинг армоним,
 Оқ булут бўлиб ўрладинг.
 Денгиз мисол, жонимда
 Тўлқин уриб ўйнадинг.
 ...Сени ерга чорладим,
 Туширмасдан қўймадим.

□

Болаларим, менинг положонларим,
 Ёзда учмоқ осон, ташвиш этмангиз.
 Болаларим — ёзги сокин тонгларим,
 Қишда сиз парвоздан чалғиб
 кетмангиз!

□

Гувиллайман бўронларнинг
 қанотидай,
 Жаранглайман учқур вақтнинг
 соатидай.
 Мен не учун оқин бўлиб яралдим-а,
 Булут бўлиб ё тоғ бўлиб
 яратилмай?!

Қозоқ тилидан
 Амирқул ПУЛКАНОВ таржималари.





Ҳалима Қорабоева

Қайда у яшил майса?

Бир яхши шеър излайман,
Топмай ортар азобим.
Қўздан қочади хобим,
Қийнайди изтиробим,
Топмагунча тинмайман,
Бир яхши шеър излайман.

Қаерда у, дилдами?
Бепарво кўнгилдами?
Олис-олис йўлдами?
Топмагунча тинмайман,
Бир яхши шеър излайман.

Соғинч қийнар ҳар лаҳза,
Қайда у, яшил майса?

Ниятим тимсоли у,
Топмагунча тинмайман,
Бир яхши шеър излайман.

Қиров булут, қор булут,
Аёвсиз маккор булут,
Кўк юзидан нари кет,
Топмагунча тинмайман,
Бир яхши шеър излайман.

Чексиз осмонда бўлса.
Ой у Чўлпонда бўлса,
Еруғ жаҳонда бўлса,
Топмагунча тинмайман,
Бир яхши шеър излайман.

Йўловчиман

Иқбол сарн интилган ҳоримас йўловчиман,
Излаб кетавераман, юравераман тинмай.
Мен қўшиқлар тўпловчи тиним билмас овчиман,
Қалбингиздан қўшиқни оламан билинтирмай
Ва бу қўшиқ сеҳрида яшайман мардона, шод,
Кўнглимдаги камликни тўлдираман ҳар соат.
Нима учун яшайди, ахир одам деган зот,
Руҳият мангу яшар, умр эса муваққат.
Муваққат лаҳзаларда ҳаёт қолсин навқирон,
Биз ҳам ўтиб кетармиз, ўтиб кетганлар қанча,
Сўзимиз қолсин бўлиб яхшиликка ҳукмрон,

Гул ундирсин умр ҳам битта дарё оққанча.
 Йўловчига осонмас интиларкан тўхтамай,
 Аммо йўллар қийноғи менга бахтдай туюлар.
 Уша мен интилган бахт энг мунаввар ўлкадай,
 Юрагимга ҳаётнинг ишқи бўлиб қуйилар.

Турсун Муҳаммад

Маъзим

(Доҳий ҳайкали қошида)

Биламиз ким тирик,
 Қимлар ўликдир.
 Барчаси аёндир
 Бизга ушбу дам.
 Қай чироқ равшану
 Қайси сўникдир,
 Ажратиб олганмиз
 Эй, азиз одам!
 Коммуна тонгида
 Бокира дунё
 Шод руҳим мисоли
 Қулар дамо-дам.
 Қаршимда турибсиз,
 Тириксиз гўё
 Асримни кузатиб
 Эй, азиз одам!
 Бу кун ҳар инсоннинг
 Чехраси ёруғ.
 Партия азмидан
 Бахти мужассам.
 Ҳақиқат бўлмагай
 Биз учун дариг,
 Энди у мангудир
 Эй, азиз одам!

Космос асригача
 Қанча машаққат,
 Заҳматга дош берди
 Инсонлар, зотан —
 Бахтини топгунча
 Кундузлар — зулмат.
 Бўлгани рост эди
 Эй, азиз одам!
 Тўппонча ўқиға
 Кўксин тутдилар,
 Сўнгги қон қолгунча
 Курашиб бардам;
 Сизнинг йўлингиздан
 Дадил юрдилар,
 Боболар шаҳт билан
 Эй, азиз одам!
 Сиз боис — ёр бўлди
 Инсонга толе,
 Сиз боис — келажак,
 Бахт, омад ҳамдам.
 Коммуна пойида
 Миллион асрдош
 Беминнат бош эгур
 Эй, азиз одам!

Исмат Санаев

Тол

Толни йиқитдилар шохларин чопиб,
 Кўкариб, барг ёзиб, қад тутди яна.
 Тубидан кесдилар бағрини ёқиб,
 Баргин балдоқ қилиб кўкарди яна.

Ерга қозиқ қилиб қоқдилар уни,
 Яшамоқ қасдида бош кўтарди тол.
 Баргини қанотдек ёзгани куни
 Мурғак япроғини юлқиди шамол.

Охир ном қўйдилар «Тол!» деб, толмади,
 На болта, на шамол йиқитолмади.

□

Дейдиларки: дунё нотекис,
 Уйдим-чуқур ерлари кўпроқ.
 Текислайман деганлар, афсус,
 Захмат чекиб бўлишди тупроқ.

Йўқ! Инсоннинг мўъжиза бунёд
 Этмоғига муҳтождир олам.
 Шунинг учун — нотекис дунё,
 Шунинг учун ҳеч тинмас одам.

Бўлмаса

Мен ғазал ёзмас эдим, сенда агар ноз бўлмаса,
 Нозу истиғно аро кўнглимга парвоз бўлмаса.
 Утмагай эрдим кўчангдан балки мен ошифта ҳол,
 Қалб деган дафтарда исминг доим сарафроз бўлмаса.
 Васлингга боғлаб умид, ёнмасдим асло зор-зор,
 Йўлларингда эрта-кеч ишқим поёндоз бўлмаса.
 Узмагил дил риштасин, бахтимга посбон бўл ўзинг,
 Энди шод айла, агар жабринг менга боз бўлмаса.
 Дема сен ҳайрат билан ошиқлигинга лолман,
 Нолаи хониш нечун, дилда агар роз бўлмаса.
 Арзини айтмасди Исмат, қалбни шеърга солиб,
 Ишққа ташна кўнглида сендек сарвиноз бўлмаса.

Самарқанд.



Асад Дилмуродов

СИРЛИ ЗИНА

ҚИССА

*Азиз онам Норбиби Зор қизининг
табаррук хотирасига бағишлайман.*

Улар Шоҳизиндага етиб келишди. Кўҳна иморатларнинг мовий бўёқлари Самарқанд атрофини қуршаган дарахтзорлар ортидан кўтарилган қуёш нурларида товланади.

Шерали кўкка бош урган баланд қуббаларга ҳолсизгина қараб қўйди. Ҳаво унча иссиқ бўлмаса ҳам унинг бўйнидан тер қуйиларди, юзлари бўғриқиб кетганди.

Дилбар билан Галя олдинга ўтиб олишди. Улар қадимий деворларга нақшланган гуллардан кўз узишмасди.

Шоҳизинда — фавқулодда ғаройиб обидалар маскани. Бундаги катта-кичик нақшинкор ёдгорликлар на шакли, на беага билан бир-бирини такрорлайди. Ўз вақтида шарқ дунёсида ном қозонган мўътабар зотлар ана шу сокин силсила аро тупроққа сингиб ётибди. Энди уларнинг кўпчилигини ҳеч ким ёдламайди. Балки ёдлашнинг ҳожати ҳам йўқдир. Улуғвор обидалар ҳеч қандай кучни, ҳатто вақтни ҳам писанд қилмай, марҳумлар руҳига паноҳ каби мардона турибди.

Бунда инсон тасавури ўз-ўзидан тиниқлашиб кетади. Шоҳизинда қадимдан одамлар суйган ва чуқур эътиқод билан сифинган қадамжолардан бири бўлган. Ҳозир эса бу ерга аждодларни эслаш, уларнинг дилидан боқий деворларга кўчган бўёқларни кўриш учун келишади. Асрий зиналар эса зиёратчилар пойида сокин мунғайиб ётади.

Шоҳизинда зиналари... Улар бир пайтлар руҳий покланиш истагида ёнган соддадил кишиларни муқаддас тирик шоҳ ҳузурига етаклаб борарди. Энди эса улар жаҳоний санъат висолига ошиқувчилар учун

хизмат қилади. Бу жойлар кўпчиликка жуда сирли туюлади. Аслида, бунда ҳеч қандай сир йўқ! Бунда фақатгина оддий, жафокаш, айни чоғда, тонг қадар мусаффо қалб эгаси — ўзбек халқи қадоқ қўлларининг сеҳрини кўриш мумкин, холос.

Шерали фикрларини йиғиб, марказий пештоқ остонасига қадам босди. Пештоқ йўлаги анча салқин эди. Улар тош ётқизилган торгина майдончадан ўтишиб, Шоҳизинда қабристонини тўсган узундан-узоқ девор олдида тўхташди.

— Бирпас дам олайлик!— деди Шерали ҳансираб ва нураган деворга тираб қўйилган тахта курсига ўтирди. «Сиҳатнинг яхши бўлса — бахтлисан!»— У қаршида ястанган зинага кўз югуртириб, илмий раҳбари, ажойиб паразитолог Камол Нурбоевнинг шу сўзларини эслади. Камол Нурбоев Ленинградда яшайди, фалакнинг гардиши билан ўша ерда қолиб кетган, медицина институтида ўқиб, катта олим бўлиб етишган эди.

Ҳаётда ажойиб одамлар жуда кўп, бироқ, Шерали Нурбоевдек қалби кенг, узоқни кўра оладиган, қаттиққўл одамни бошқа учратолмади. Устозининг самимияти юрагида чуқур из қолдирди. У доим: «Ҳаёт мазмунини самимиятдан қидир. Бу нарса тиббиёт учун айниқса сув ва ҳаводек зарур, бусиз у қуриган дарахтдан фарқ қилмайди», дерди.

Баъзан улар Ленинграднинг намхуш ва сокин оқшомларини бирга ўтказишарди. Квартираси шундоққина Нева бўйида жойлашганди. Қуёш ботаётганда дарёга қуюқ шуъла қуюлар, сувда худди қип-қизил бўёқ оқиб бораётгандай туюларди.

Уша ажойиб кунлар орқада қолди. Гоҳида Камол Нурбоевни соғиниб, кўргиси келади. Аммо илмий ишини ёқлолмай, устози олдида юзи шувит... Ахир, аспирантурани у билан баравар битирганлар аллақачонлардир диссертацияларини ёқлашди. У ҳали итнинг орқа оёғи бўлиб юрибди.

Йўлакка бир гуруҳ ажнабийлар кириб келишди. Шералининг хаёли бўлинди. Оҳиста ўрнидан туриб, Қозизода Румий мақбарасининг нақшлари нураган гумбазига назар ташлади. «Бу ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса билмайди,— ўйлади у.— Сирли дунё...».

Шерали Дилбарнинг тирсагидан ушлаб илгарилади ва зинанинг биринчи поясига оёқ қўйди.

— Бир...

Зинанинг бешинчи поясига қадам босганда ўпкаси оғзига тиқилиб қолганди. Шунда нимадир қаттиқ алам қилди. Эрталаб қизларнинг таклифига кўнгани учун пушаймон қила бошлади. Дилбарнинг тирсагидан қўлини тортиб олиб, оғир хўрсинди. Унинг тиззалари қалтирар, илгари силжиш қийинлашиб борарди.

У квартирасини, юмшоқ каравотини кўз олдида келтирди. Қани, ҳозир уйда бўлса-ю, маза қилиб чўзилиб ётса... Эҳ, бу қизлар қайдан пайдо бўлишди? Ердан чиқишдими, осмондан тушишдими? Танаси бошқа дард билмас, деб шунга айтишади-да! Йўқса, бурнига бурундиқ солгандай қилиб судраб чиқишармиди.

Бугун якшанба бўлгани учун Шерали эрталаб туришга эриниб,

*Асад ДИЛМУРОДОВ — 1947 йилда Самарқанд об-
ласть Ургут районида туғилган. Тошкент Давлат Универ-
ситети журналистика факультетини битирган. Ҳозир
«Ленин йўли» газетасида масъул котиб, «Ёш гвардия» наш-
риётида «Осмоннинг бир парчаси» ҳикоялар тўплами нашр
этилган.*

иссиққина кўрпага ўраниб ётарди. Эшик қўнғироғи қаттиқ жиринглади. Беҳол туриб кийинди, аста-секин юриб келиб эшикни очди. Эшик ортида почаси кенг ва узун, ола-була шим кийган рус қизи ва атлас кўйлак, қизил кофтада гулдай очилиб Дилбар жилмайиб турарди.

— Вой-буй, энди турдингизми?— Дилбар юпқа лабларини чўччайтирди.— Меҳмонга ҳушингиз борми?

— Келинглар,— деди Шерали.

Қизлар ичкарига киришди. Утиришди. Дилбар рус қизига юзланди:

— Менинг дугонам. Галя, Галинка... Кеча кечқурун келди. Москвада аспирант. Отаси профессор. Онам билан жуда қалин.

— Ошириб юбордингиз!— Галя Дилбарга норози оҳангда қараб қўйди.

— Сизни Галяга орқаворатдан таништирдим,— Дилбар дугонасининг эътирозига парво қилмай, гапида давом этди.— У ҳам паразитолог. Шунинг учун сиз бошлаган тажриба қизиқтириб қолди.

— Жуда яхши!— деди Шерали.— Ҳозир... Чой қўйворай.

— Чой керакмас,— деди Галя.— Айтинг-чи, сиз аскарда тухумларини ичганмишсиз. Ростми?

— Эҳтимол, ростдир,— ҳазиллашди Шерали,— эҳтимол ёлғон.

— Демак, рост бўлса, сиз аскардоз касаллиги билан оғригансиз. Шундайми? Ранг-рўйингиз айтиб турибди.

Шерали жавоб қайтармади. Қорнини ушлаб, сал букилиб ошхона сари юрди.

— Қайтинг, Шерали ака! Меҳмоннинг вақти зикроқ,— Дилбар стол четидаги «Здоровье» журнаliga кўз югуртирди.— Биз уйдан бошқа режа билан чиқдик. Галя индин уйига учади. Бугун шаҳарни айланиш нияти бор. Сизам бирга юрсангиз, қолган гапларни йўл-йўлакай гаплашиб оламиз. Ишларингиз билан институтда танишар. Айтмоқчи, аҳволингиз қалай?

— Бир нави.

— Ундай бўлса, кетдик.

— Тамадди қилиб олайлик.

— Кўчага чиқайлик, бир гап бўлар.

Орадан ярим соатча вақт ўтди. Шерали қизлар билан Регистон майдонига етиб келди. Куз қадимий майдон қиёфасига яна ҳам нурунийлик бағишлаганди. Фақат атиргуллар ҳамон яшнаб ётарди, гулзор четларидаги қатор беҳилар тилла ранг меваларини сийрак япроқлари орасидан уялибгина кўз-кўз қилади. Шишадай гардсиз осмон обидалар рангини зумраддай тиниқлаштириб юборганди. Улар гул шакли ўйиб ишланган панжара эшикчасидан ўтиб, мармар зина орқали обидалар ҳовлисига тушдилар. Юксакда — миноралар ва гумбазлар устида каптарлар бир маромда қанот қоқишади. Галя Шердор пойида тўхтаб, халқ усталари бунёд этган афсонавий гулзорга — жажжи ва беозор оҳуни қувлаётган даҳшатли махлуқ тасвирланган пештоққа термилиб қолди. Галянинг кўз ўнгида гўзал, сирли бир дунё қаланди.

— Сен аждодларинг билан фахрлансанг арзийди,— Галя Дилбарнинг қўлини қисди.— Ўзбекнинг қалби бунчалик гўзал экан!.. Қара-я, бу рангларни!

Шерали қизлар ортидан паришон эргашиб борарди. Унинг қўй кўзлари сокин, бепарво боқарди, чуқур қорачиқларидагина сокин қатъиятни кўриш мумкин эди.

— Кўзимизни шамғалат қилиб қочиб қолманг тагин!— Дилбар орқасига ўгирилиб, Шералига ҳазиллашди.

— Қайтсак...— Шерали қизларга етиб олди.

— Чарчадингизми?— Дилбар жилмайди.— Ё зерикдингизми?

Шерали ялт этиб Дилбарга қаради. Ҳа, Дилбар топиб гапирди, тан олмасдан иложи йўқ; ҳозир кўнглига ҳеч нарса, ҳатто борлиғига доим роҳат бағишлайдиган қаршисидаги гўзал манзара ҳам сиғмайди.

Гўзаллик билан санъатни ҳар ким ҳам юрагига сиғдиравермайди. Бу тушунчаларга ўрин берган қалб уларнинг қурбонига айланади. Ҳаёт эса бутунлай бошқа гап. Ҳозир Шерали мана шу ҳаёт қаршисида турибди. Шунинг учун ҳам кўнглидан бошқа нарсаларни суриб чиқариб, аллақандай кучга асир бўлди-қолди. Эртаси қандай бўлади, бу ёғини билмайди...

«Беш...— кўнглидан ўтказди Шерали.— Беш...». Кейин юқорига нигоҳ ташлади. Зина жуда узун, поялари саноксиздай туюлди.

— Қизиқ,— деди Шерали ёнидан ўтаётган ажнабийларни кузатиб,— бу ерга кимларнинг қадами тегмаган! Мислсиз тарих...

— Тўғри айтасиз,— деди Дилбар секингина.

— Кўпгина тарихий шахслар ҳақида биз ҳалиям тўғри тасаввурга эга эмасмиз. Шу тарихчи деганиям менга унча ёқинқирамайди. Баъзан аравани қуруқ обқочишади-да.

— Уларгаям осонмас... Қўйинг, шунақа... Узингизни чарчатманг.

— Ибн Синони олиб кўрайлик,— Шерали асабийлашди.— У ҳақда студентларимиз деярли ҳеч нарса билишмайди. Ваҳоланки, баъзи чет мамлакатларда унинг асарлари қўлланма тарзида ўрганиларкан.

— Бунга ишониш қийин,— деди Дилбар ўйчанлик билан.— Ибн Сино ҳар қанча бўлсаям содда тиббиётдан нарига ўтолмаган. Тўғрироғи, аниқ илмий система билан даволамаган.

— Одатдаги гаплар,— Шерали тагин қизишди.— Узингиз айтинг, ўша даврдан аниқ илмий системани даъво қилиш инсофданми?

— Тўғри, инсофдан эмас,— суҳбатга Галя аралашди.— Лекин Ибн Синони Москвадаям тез-тез эшлашади.

— У тиб тарихида ташқи аъзоларда операция ўтказган биринчи жарроҳ,— Шерали Галяга қаради.— Тиббиётда юзлаб тармоқ бўлса, у ҳаммасида текшириш ўтказган. Ҳозир эса, масалан, мен кандидатликка уринадиган бўлсам, пашшага ўхшаб бир мавзу атрофида айланиб қолавераман.

— Юра қолинг энди, Шерали ака,— Дилбар унга илтижоли боқди.— Галя зерикиб кетди.

— Ҳозир... «Олти»,— кўнглида санади Шерали,— олти...»,— Биз микроб ёки вирусни француз Луи Пастер топган деймиз. Сино эса ундан саккиз аср бурун юқумли касалликларни кўзга кўринмайдиган «жониворлар» тарқатишини микроскопсиз башорат қилган!

Унинг томоғи қуруқшади. Тарашадай қотган чаккалари, томирлари бўртган бўйнидан яна тер қуйилди. Қадам босишга мажолсиз эди. Аммо ўзини дадил тутишга, қизларга сир бой бермасликка тиришди.

— Саккиз...

Ҳа, қизлар олдида юзини ерга қаратмайди. Охиригача бўш келмайди, маъзилга етмагунча илгари интилаверади. У ҳали жуда кўп юриши керак. Жуда кўп... Кучи етармикин? Ярим йўлда, онасидан ажралган қўзичоқдай, қолиб кетса-я? «Қизиқ,— кўнглидан ўтказди у,— зиналар зиёратчиларнинг бировига қирқта чиқармиш, яна бировига қирқ битга, бошқасига қирқ учта. Фақат гуноҳсиз ва пок кишигина аниқ рақамни топармиш... Гуноҳсиз, пок бўлиш — қандай яхши!»

— Тўққиз...

Аниқ рақамни тополмаса-чи? Адашиб кетса-чи? Унда қайтадан бошлайди, топмагунча қўймайди. Фақат қўйинини пуч ёнғоққа тўлғазишмаса бас!

Шерали ҳансирай бошлади. Обидалар ранги, осмон хира тортгандай бўлди. У гўё бу дунёга бегона эди. Начора? Бу ерга илинж излаб

кирган эмас. Энди қайси сўқмоқдан чиқиб кетиш керак? Ҳиндлар «чиқишни билмасанг, кирма» дейишаркан.

— Ун...

— Бунча имилламасангиз?— Дилбар кулиб Шералини олдинга ундади.— Зиналарни санаяпсизми? Бари бир янглишиб кетасиз.

— Шошманг. Ун... Бари бир сизларга етиб юролмайман. Ун...

Чиндан у ҳозир тез юролмайди, оёқлари толиб, мадори қуриб бо-
раяпти. Лаънати очофат қуртлар нақ суяк-суягигача кемираётганга ўхшайди.

Майли, улар вужудини кемираверсин. Инграган номард! Тишини тишига қўйиб чидайдди. Лекин у ўзини ўзи тушунмаяпти. У қаёққа ган-
гиб бормоқда? Нима изляяпти? Йўқ, йўқ, ҳеч нарса! Ахир, кўзлари олдида ранглар хира тортиб қолди-ку! Ҳаммаси бир чақага қиммат-
дай...

Унга ҳақиқий ҳаётнинг ўзи керак! Майли, у минг хил рангда тов-
лансин, алдасин, кўзларини хиралаштирсин — бари бир, волидаси кўк-
сига интилган боладай, унинг орқасидан эргашаверади. Ҳаёт — ҳаёт-
да, ахир!

— Ун бир...

Кўз ўнгида оқ тангачалар жимирлади. У, шамолда қолган ниҳол-
дек, чайқалиб кетди. Енгил гавдасини зўрға ўнглаб, шошилмай илга-
рилади.

— Ун икки.

Атрофни вазмин сукунат чўллаганди. Шоҳизинда меҳмонларининг
қадам товушлари тинган, жимликни қайсидир мақбаранинг ўпирилган
жойига ин қўйган мусичанинг «ку-ку»си бузарди. Шерали бошини
кўтарди. Дилбар билан Галя анча узоқлашиб кетишганди. «Уларга
ҳозир етиб оламан! Оз қолди...»

Юқорига кўтарилиш унга осон эмасди. Ўпқаси шишиб, аламидан
лабларини қаттиқ тишлади. Негадир, шу лаҳзада ўзини беҳуда чира-
надиган, лекин ҳеч иш чиқаролмайдиган одамга ўхшатди. Ожизлик
дилини худди занжирдек ўраб олаётганини ҳис қилгандан кейин эса
вужуди музлаб қолаёзди. Агар мана шу занжирни парчалаб ташласа,
бу ёғи енгил кўчади. Ҳа, шундайлигига ишонади. Ушанда бунга ўзини
ўзи ишонтирган эди. Нега энди бир пайтлар кўнглида ёнган ишончни
ўчириб ташлашга уринаяпти.

Ер остидан не машаққат билан ёруғликка чиққан чашма кўзини
кўмиб ташлашдек оғир гуноҳ бўлмаса керак. У аввал кўзларини чирт
юмиб, шу гуноҳни босиб ўтмоқчи бўлди. Кутилмаганда қалби акс-садо
берди. Лекин ҳадеганда унинг маъносини чақолмай, узоқ вақт икки ўт
ўртасида қоврилди. Олдида кўндаланг бўлган жумбоқ чигилини ечса,
илмий ишининг аҳамияти кўтарилиши мумкин эди. Паразитология
ҳали бунақа янгиликни кўрмаганди. Шунинг учун Шералининг журъа-
ти кўп тортишувларга сабаб бўлди.

Аслида Шералининг ҳамкасблари тинчини йўқотган мана шу
муаммо шаҳар чеккасидаги институт филиалида туғилди. Филиалнинг
хилват боғи Шералига аввалдан сирли бўлиб кўринар, ишлаб толиқ-
қан кезларида бу ерга келиб, чирий бошлаган эски курсиларда ўтириб
кўнгил ёзарди. Боғ зах ва салқин, тангадай ерга ҳам офтоб тушмайди.
Боғдаги олма, шафтоли, ўрик ва беҳи дарахтларини бир вақтлар бу
осойишта жойда кеча-кундуз уйқу билмай тажриба ўтказган олим
Леонид Михайлович Исаев экканди...

Шерали филиал боғига қадам қўйиши билан инсон саломатлиги
учун ўз роҳатидан кечиб, уззукун жонини жабборга бериб ишлаган
ўша меҳнаткаш тадқиқотчи хотирасини албатта эсларди. Ўзбек тупро-
ғида ягона бўлган бу тиб даргоҳи кўпгина юқумли касалликларнинг

пайини қирқди. Институт вабо, тиф, ўлат, безгак каби «қора ўлим» касалликларига барҳам берди. Турли-туман вируслар, фақат одам танасида кун кўриб ривожланувчи текинхўр қуртлар, зараркунанда ҳашаротлар, касаллик ташийдиган қон сўрувчи пашшалар ва канаси-монларни йўқотиш учун институт ходимлари ҳамон тадқиқот олиб боришарди.

Бир куни Шерали филиалнинг ўқувчилар кам қатнайдиган, саноклигина китоби бўлган кутубхонасидан муқоваси сарғайиб кетган қалин дафтар топиб олди. Жимжит кутубхонанинг кўримсизгина тахмонларидан бирида чанг босиб ётган бу дафтар Леонид Михайловичнинг унутилган кундалиги экан. Шералининг кўнгли ўртаниб кетди. Олим унда — умрининг охириги йилларида паразитологияга оид олиб борган баъзи кузатишларини: тоғлик Ургут зонасидан бир йиллик аскарда тухумларини келтириб, институт филиалига қарашли боққа кўмганлиги, уларнинг яшовчанлигини текшириш ниятида эканлигини батафсил ёзганди. Қизиқ, олим бу ғалати тажрибасини охирлатдимикан? Шерали институт кутубхонасини, аввало олим асарларини бошдан охиригача титкилаб чиқди. Тажриба якунлари ҳеч қаерда қайд этилмаганди.

«Нима қилиш керак?»

Леонид Михайлович муҳим ишга қўл урган-у, афтидан, қайта кўришга қўли тегмаган, ёки унутиб юборган. Агар энди ўша иш адоғига етказилса, паразитологлар ота-хонининг руҳи шод бўларди.

Шералининг қадами кутубхонадан узилмай қолди. Энди у боққа кўнглини ёзиш, асабини юмшатиш учун эмас, ярим йўлда барҳам еган ишни ниҳоясига етказиш чорасини излаб келарди. Боғча билан филиал лабораторияси ўртасида бўзчининг моксидек айланар, нам тупроқни микроскоп окуляри остига тўкиб, соатлаб текширарди. Кўпчилик ҳам-касблари уни мазаҳ қилишар, ўзини фойдали ишга уришига маслаҳат беришарди.

Лаборатория мудури Вали ака, айниқса уни бу ишдан чалғитиш йўлини изларди. Кунлар ўтган сайин Шерали беҳуда ишга вақт сарфлаётганига чиндан ҳам ишона бошлади. Бир неча ой қилинган меҳнат сувга оқиб кетди, бир дона ҳам тирик тухум топилмади. Тарвузи қўлтигидан тушгач, ишни батамом йиғиштириб қўйиб, роса кулгига қолди.

Шерали бу ҳолга чидаб туролмади. Боққа қайтиб, икки ой тупроқ



титкилаш билан вақт ўтказди. Боғдан целлофан халтачаларда тупроқ келтирар, микроскоп остида кўздан кечирар, охири ҳафсаласи пир бўлиб, чиқариб тўкиб ташларди.

Ҳаловатсиз иш, ҳуда-беҳуда изтироб, уйқусизлик Шералини чўлдай оздириб юборганди. Қиртайган кўзларига умидсизлик соя солган, ҳеч кимнинг кўзига кўринмас, дўстларига қўшилмасди. Умидлари мутлақо узилаётганда тўсатдан бир кунни жимжит хонани бошига кўтариб бақириб юборди:

— Топилди! Топилди!

Унинг шодликларга тўлган овозини фақат совуқ деворгина эшитди, холос. Ҳовлиқиб қолган Шерали маст одамдай хона айланар, қўлларини бир-бирига ишқалаб: «Топилди! Топилди!» дея хитоб қиларди.

Шом қоронғисида лабораториядан қаттиқ толиқиб чиқди. Кечки мусаффо ҳаводан тўйиб симирди. Ёз осмони осуда уйқуга толаётган шаҳарни аллалаётгандай туюларди, неон чироқлари ёритиб турган дарахтлар бағрида бесаранжом майналар, чумчуқлар тинимсиз вижирлашарди. Ана шу он Шерали бирдан ҳувиллаган жимжит квартирасини кўз олдига келтирди-ю, юраги безиллади. «Умримнинг чоракдан зиёдини яшайман-у, ҳамон сўққабошман,— ўйлади у.— Нима ҳам қилардим? Ёлғизликдан қочиб қутулиш қийин. Ўзим пиширган ошни кимга ҳам ичира олардим? Агар тайиним бўлганда, эҳтимол, уйда кимдир кутиб ўтирган бўларди».

Тошоҳур чорраҳасига етгунча деярли ҳеч кимни учратмади. Чорраҳанинг кунботар томонидаги буфетли ошхона эса пивохўрлар билан тўлганди. Шерали ишдан қайтишда кўпинча шу ерда овқатланади. Ичқарига кириши билан димоғига сигарет тутуни, шўр балиқ ва ачиган пиво ҳиди урилди. Очлиги, чарчагани учун кўнгли айниди-ю, шартта орқасига ўгирилди. Остонага етганда таниш овоз эшитилди. Шерали тўхтаб ортига назар ташлади. Қуйроқдаги столда башанг кийинган уч-тўрт улфати билан пивохўрлик қилаётган Зиёхонни кўрди. Чиқиб кетишни ҳам, қайтишини ҳам билмай қолди.

— Келинг, Шерали!— деди Зиёхон жилмайиб.— Нега ўйланиб қолдингиз?

— Тутун!..— Шерали дўстининг таклифини қайтаролмай, бўш стуллардан бирига бориб ўтирди.

— Чарчаган кўринасиз? Ҳозир...

Зиёхон ирғиб турди. Кўз очиб-юмгунча бир стакан арақ, икки кружка пиво ва тарелкада овқат келтириб, Шералининг олдига қўйди.

— Узингизни жа аямаяпсиз-да. Қани, қарасинлар.

Шерали буғланиб турган бифштексга кўзи тушгач, ҳаддан ташқари очикқанини сездди. Арақни бир сипқаришда ичди. Бифштексни шошилмай тушира бошлади. Сал ўтмай ёноқларига қон югурди.

— Филиалдан келаядсизми?— сўради Зиёхон пиво ҳўплаб.

— Ҳа.

— Бунча кеч?

У «топилдик» ҳақида дўстига гапириб беришга қарор қилди.

— Пича тутилдим. Ҳалиги... тирик тухум топилди.

— Шунақа денг? Охири қўймабсиз-да! Ғалати... Бахтингиз чопибди, ошна.

— Унчаликмас.

— Узингизни гўлликка солманг, ошна. Агар рост бўлса... Илмий ишингиз битди деяверинг.

— Қўйсангиз-чи! Агар рози бўлсангиз, дўстим, ишни биргаликда давом эттираман.

— Тайёр ошга баковул бўлиб нима қилдим...

— Менимча, ҳали қилинадиган иш кўп.

Улар кружкадаги пивони охиригача ичиб туришди. Ошхона олдидаги нимқоронғи ва жимжит бекатда хайрлашишди. Шерали Регистон томон яёв жўнади.

Эрталаб ишга кечикиб келди. Вали ака билан саломлашиб, ишининг ипидан игнасигача гапириб берди. Мудир унинг сўзларини киприк қоқмай эшитди. Лекин ажабланмади. Шерали эса унинг ҳаяжонланиши, ҳайратланиши, қизишиб саволларга кўмиб ташлашини кутганди. Йўқ, ундай бўлмади. Вали ака салқиган иягини кафтларига тираб Шералига термилди. Чамаси бир пиёла чой ичгунчалик вақт ўтгандан кейингина у ўрнидан туриб деразага яқинлашди.

— Қизиқ!— деди бир пайт чўзиб.— Буни исботлаш қийин-ку!

— Леонид Михайлович тухумларни қайга кўмганини аниқ ёзган экан,— тушунтира бошлади у.— Бу ўша тухумлар, ҳа, ҳа...

— Ҳмм!.. Ишонгинг келмайди!— Вали ака орқасига ўгирилиб, Шералига савол назари билан қаради.— Сиз Қарима опанинг иши билан таниш бўлсангиз керак.

— Танишман. У киши москвалик ва эстониялик паразитологлар билан биргаликда — аскардалар очикда беш-олти йилдан ошиқ яшамайди, деган фикрга келган.

— ГФРдан ҳам шундай хулосага асосланган қўлланма олувдик. Бунга нима дейсиз?

— Бир нарса дейишим қийин ҳозирча. Вали Тиллаевич, баъзан шунақа сакрашлар ҳам бўлиб тураркан-да. Пайти келиб...

— «Пайти келиб» уни кимдир тузатади! Шундайми? Тутантириғи йўқ гап...

Шерали устози қизишганини пайқади, унинг бунчалик лоқайдлигини кўриб, тарвузи қўлтиғидан тушди. Энди унга гап уқтириш фойдасиз эди. Бари бир жим турулмади, кўнглидаги гапни айтишга қарор қилди:

— Вали Тиллаевич, борди-ю, тухумларни синаб кўрсак-чи!

— Қандай қилиб? Тушунмадим. Ҳа-а, ҳайвонларда демоқчимисиз?

— Ҳайвонларда ҳам синаш мумкин. Лекин бу кутилган натижани бермайди. Хулосалар аниқ чиқмаслиги мумкин. Шунинг учун...

— Хўш?

— Мен тухумларни ўзимда синаб кўроқчиман.

Вали ака беихтиёр ихраб юборди, кўзларининг пахтаси чиқиб кетди. Аста-секин Шералининг ёнига яқинлашди-да, биринчи марта кўраётгандай унга тикилди.

— Ўйлаб гапираяпсизми?

— Ҳа, Вали Тиллаевич...

— Ғалати одам экансиз!— Вали аканинг овозида афсус оҳанги бор эди.— Худо ҳақи... Ээ, ҳа-а, дарвоқе, гапингизга ҳайратланмасаям бўлади. Агар ростдан ҳам тухумлар ўн йиллик бўлса, касаллик чақирмаслиги мумкин.

— Худди шўни аниқлаш керак, Вали Тиллаевич. Бу жуда муҳим, биласизми? Жуда муҳим!

— Ҳовлиқманг. Биламан, сизнинг ёшингиздагилар ҳовлиқма бўлишади. Қаёққа қадам ташлашаётганини ўйлаб ҳам ўтирмайди. Ўзларини бир кўрсатиб олса бас! Кейин, дўппилари тор келганда... Нима деётганимни тушунаётган бўлсангиз керак.

— Тушунаянман.

— Тушунмайсиз...

— Қарима Музаффаровна бизни тушунар деб ўйлайман.

— Гап тушунишида эмас. Тушунса-тушунмаса бировнинг юзига оёқ қўйиш осон эмас. Яна кимнинг кадри денг? Вали Тиллаевичники! Опанинг олдида нима деган одам бўламан?..

- Вали Тиллаевич, мен...
- Қўйинг, бўлди! Нафасни ичга ютиш керак, тинч бўлай десангиз.
- Тушунмаяпман!— деди Шерали елкасини қисиб.
- Бўлди!
- Вали Тиллаевич! Агар унақа бўладиган бўлса, майли, илмий кенгашга рапорт ёзмаман. Кўпчилик ҳал қилсин.
- Шунақа денг?
- Ҳа!

Вали ака жойига ўтирди, ранги оқариб кетди. Шералига қараб туриб:

— Билганингизни қилинг, биродар,— деди.

Шерали хомуш тортиб чиқиб кетди. Боши ари инидек ғувиллар, ғўё ҳозиргина ҳаммомдан чиққандай, вужудидан тер қуйиларди. Вали аканинг бунчалик айрони ачимайдиган одамлигини билмаган экан, гапларидан латта ҳиди келади. Беихтиёр Карима опани эслади. Институтда кўпчилик «опа» деб мурожаат қиладиган бу аёлни у яхши билмасди. Вали ака ундан нега бунчалик кўрқади?

Уша кундан бошлаб Шералининг пайтавасига қурт тушди. У опа билан юзма-юз бўлишни ўйлар, ўйлагани сайин аллақандай куч юрагини аёвсиз кемирарди.



Кузнинг эринчоқ қуёши Шоҳизинда мақбараси гумбазига майин нур сепади. Шерали хаёлини йиғиб олиб, атрофга аланглади. Қабристон девори, обидалар юракни сирқиратувчи сирли сокинликка чўмган, ғўё жимжит хонақоҳ ва совуқ ҳужралар асрлар уйқусига толганди.

Дилбар билан Галя баланд қуббани бир-бирига кўрсатиб, нима ҳақдадир тортишарди. Шерали чуқур тин олиб олдинга силжиди.

— Ўн уч... ўн уч...

— Шерали ака, уялмайсизми?— қулоқлари остида Дилбарнинг қўнғироқдай овози янгради.— Орқада қолиб қизларга масхара бўлиб ўтирибсиз-а!

— Ўн тўрт... ўн тўрт...

— Чолга ўхшайсиз!— Дилбар қиқирлаб кулди.

— Чол? Ўн беш... Ким чол? Ўн беш...

Оёқлари сезилар-сезилмас қалтирарди, қўлларини тиззасига қўйиб жилмайдди. «Сизга осон!— ўйлади Шерали.— Бировга тўн бичиш осон...»

У бошини орқага ташлаб, чуқур нафас олди. Ошқозони ва кўкрагининг чап томони санчиб, афти буришди. Дилбар ростини айтди! Тез қариди, ҳар кун бир йилдан яшаётганга ўхшайди.

Майли, бунинг аҳамияти йўқ. Ҳаётда шунақа дақиқалар ҳам бўладики, киши ўзини фақат ё ожиз, ёки кучли сезади. Ушанда Шерали Вали ака билан ит-мушукдай ғижиллашиб, унинг олдидан дунё кўзига қоронғи бўлиб чиққанда ўзини жуда ожиз ҳис қилганди. Юрагини кимга ёришни билмас, ўз ёнига ўзи қовриларди. Тўнини тескари кийиб олган Вали акадан нажот кутиш беҳуда эди.

Вали ака узоқ вақт тўқимини қорнида олиб юрди. Шерали билан тузукроқ суҳбатлашмасдан қўйди. Унинг қовоғига қарайвериб, Шералининг юрак-бағри қон бўлиб кетарди. Охири у Вали акадан қўлини ювиб қўлтиғига урди-да, дардини Зиёхонга ёрди. Зиёхоннинг мулоғим боқувчи иссиқ кўзлари катта очилди-да:

— Бемаънилик!— деди кескин оҳангда.

— Менга ёрдамнингиз керак, Зиёхон!..

— Уша тухумлар тирикми? Тирик! Сизга яна нима керак?

Шерали ҳорғин кулди.

— Менга ҳеч нарса керакмас. Фанга, одамларга...

— Хомхаёл бу, ошна...

— Ун йиллик тирик тухум топдим, деб ҳар қанча жар солганим билан бунга ким ишонади. Айниқса, Карима опани айтинг... У кишининг иши... Унга конкрет факт керак.

— А!— Зиёхон кескин қўл силтади.— Сизга материал тайёр менимча.

— Майда гапларни қўйинг, Зиёхон. Очиғини айтинг, ҳалиги гап...

— Бемаънилик дедим-ку! Е ҳазиллашяапсизми? Диссертациянғизни ёзавермайсизми? Э-э...

«Гўсала-ку буям!— кўнглидан ўтказди Шерали тишини гижирлатиб.— Одам қуригандай шунга юрагимни очибман-а!»

Хонага оғир сукунат чўкди. Шерали ҳақоратланган кишидек тумтайиб деразага қараб олди. Зиёхон халатини ечиб кийим илғичга илди-да, чиқиб кетди. Ун минутлардан сўнг қайтиб кирди. Шерали ҳануз ўша ҳолатда ўтирарди.

— Хафа бўлманг, Шерали!— деди Зиёхон костюми тугмасини ўйнаб.— Мен розиман... Фақат бир илтимосим бор. Диссертациям учун керакли хулосаларни аямайсиз.

— Майли, хулосаларнинг ҳаммаси сизники бўла қолсин.

Шерали дўстининг бақувват, кенг елкасига қўлини қўйди. Унинг чеҳраси ёришган, кўзлари кула бошлаганди.

Орадан бир ойча вақт ўтгач, илмий кенгашнинг август мажлисида паразитология лабораториясининг мудирини Вали аканинг ҳисоботи қўйилди. У Шерали ўтказмоқчи бўлган тажрибани ҳам шарҳлашга ваъда берди. Лекин амалда бунинг тескарисини қилди. Ҳисоботга тухумлар ва тажриба ҳақида бир оғиз ҳам сўз киритмади. Шерали буни зимдан пайқаб, унга ёлворди. Вали ака эса: «Ҳозир пайтимас, назаримда,— деди.— Пайти билан опага ўзим етказаман».

Шерали Карима опанинг ҳузурига киришга қарор қилди. Фигони фалакка кўтарилган бир пайтда тасодиф уни қўллаб юборди. Доимо юрак ҳасталигидан нолийдиган Вали ака мазаси қочиб калсалхонага тушди. Ҳисобот Шералининг бўйнига юкланди.

Ҳисоботни синчиқлаб ўқиди, тузатишлар киритди. Леонид Михайлович Исаев ниҳоясига етказолмаган тажрибани алоҳида шарҳлаб, унга илова ҳам қилди.

Уша куни институтнинг турли хил рангли суратлар ёпиштириб ташланган кичик зали олимлар билан лиқ тўлди. Карима опа кечикиб келди. У кириши билан зал сув сепгандай жимиб қолди. Шерали, қирқ беш ёшли, чиройли, бақувват бу аёлни узоқдан кузатаркан, унинг руҳий тетиклиги, ҳаёт қийинчиликларига ўзичалик дуч келмаганига кўнглидан иқрор бўлди.

Карима опа хиёл тўлишган, бежирим юзи жозибасини ҳануз йўқотмаган мулоғим табиатли аёл эди. Қўллари тўла, оппоқ, лекин бармоқлари нозик бўлиб, ингичка қошларига билинар-билинимас қалам тортилган, сурмали йирик кўзларида ажиб бир латофат акс этиб турарди.

У президиумдан жой олар экан, турмакланган сочларини сал-пал тўғрилаган бўлди-да, ўнг ёнидаги тепакал кишига юзланиб, нимадир деб пичирлади.

Шералини минбарга таклиф қилишди. У орқароқда ўтирарди. Зич стулларни оралаб ўтиб, бурчакдаги пастқам минбар олдига етиб келгунча қора терга тушиб кетди. Минбарга чиққандан кейин ҳам анча вақт ўзини ўнглолмади. Залдагилар: «Қани, она сути оғзидан ариманган бу йиғитча нима деркин?» дегандай, унга беписанд тикилишарди.

Шерали иложи борича атрофга қарамасликка уриниб сўзлашга тутинди. Лекин залда говур-ғувир тўхтамади. У Леонид Михайловичнинг номини тилга олгандан кейингина ўтирганлар беихтиёр бошини кўтарди. Залда пашша учса эшитиладиган жимлик чўкди, кейин яна ғашга тегадиган шивир-шивир бошланди.

— Жим бўлинглар!— Карима опа олдидаги гулдор пиёла гирдига ручкаси билан уриб, Шералига қаради.— Кечирасиз, охирги жумлангизни қайтарсангиз.

Шералининг юраги «шиғ» этди.

— Бундан ўн йил бурун...— дея гапини давом эттирди у.

Ўнлаб нигоҳ унинг анордай қизарган, изтироб ва ҳаяжондан бамисоли оловдай ловиллаётган юзига михланди. У ҳеч кимнинг тушига кирмаган, хаёлига келмаган янгилик ҳақида гапирар, аскаридалар муаммосига дахлдор шу пайтгача тўпланган жуда кўп илмий хулосалар устидан сездирмасдан қора чизиқ тортаётганди. У дадил, тортинмай, юрагидан чиқариб сўзларди. Зал яна жонланди. Ҳайратдан тошдай қотган нигоҳлардан фақат бир маънони уқиш мумкин эди: «Бу йигитча Қарима Музаффаровнани инкор этаяпти-ку!»

— Елғон!— деб бақирди кимдир.

— Буни қандай исботлайсиз?

Турли томондан саволлар ёғилди. Шерали довираб қолди. Карима опа яна жонига ора кирди. У шошмай ўрнидан туриб, босиқлик билан:

— Бу қандай гап?— деди.— Илмий кенгашдамисизлар, ё чойхонада? Навбат билан савол беринглар.

— Бўлмаса, аввал мен...— олдинги қаторда ўтирган паст бўйли қориндор киши сапчиб ўрнидан турди.— Карима Музаффаровна, менимча, Шерали аллақачонлар асосланган масалага асоссиз қайтиб, бошимизни қотирыпти. Ахир, сиз ўзингиз, опа... Аскаридалар ҳаётини аллақачонлар ўрганиб бўлгансиз-ку!

Карима опа елкасини қисди. Унинг юзидан бирор ифодани англаш мушкул эди. Пакана киши Шерали томон юзланди:

— Холмуродов! Сиз ҳам бундан хабардор бўлсангиз керак-а?

— Ҳа, хабардорман,— деди Шерали хотиржамлик билан.— Лекин олимлар яқин-яқингача аскаридалар умри бир-икки йилдан ошмайди, деган фикрда эдилар. Ҳурматли опамиз, бу фикрни рад этиб...

— Бўлмаса, вақт ўтиши билан паразитнинг яшовчанлиги ортиб бораркан-да?

— Ундай эмас! Гап шундаки...

Шерали фикрини ифода қилолмай чайналди. Президиумда ўтирган тепакал киши гапга аралашди:

— Баҳсингиз асоссиз, ука. Қизишсак, ранжимайсиз. Уша тухумларингиз ўн йиллик дейлик,— у «тухумларингиз» сўзига ургу берди.— Тирик бўлса, касаллик чақираверади-да. Уларни синаш ортиқча дахмаза эмасми?

— Саттор Муқимович, улар, эҳтимол, касаллик чақиритиш қувватини йўқотгандир!— деди Шерали ўзини ўнглаб.— Иккинчидан, агар касаллик чақирса, қон таркиби, қон айланишига, юрак, ўпка, жигар, ошқозон, ичаклар ва бошқа аъзоларга қандай таъсир кўрсатади? Энг муҳими, мана шуни билиш! Ҳозиргача ҳеч ким бунга қизиқмаган.

Залдагилар бутун вужудлари қулоққа айланиб Шералини тингларди. Лабларидан бирор дақиқа табассум аримайдиган Карима опанинг юзига нозик бир маъюслик соя солди. У залдан кўз узмас, Шералининг лўнда-лўнда фикрларини хаёлан ечар, ичини ҷимадир кемирарди. Бундан қарийб беш-олти йил бурун унинг ўзи худди шу минбардан аскаридаларнинг хусусиятлари ҳақида қизишиб доклад қилган, кўпчи-

ликни оғзига қаратган, ўзигача ҳукм сурган мўрт хулосаларни ер билан яксон қилганди. Олимлар уни кўкларга кўтариб мақтаганди. Карима опа ўшанда, вақти келиб, жуда кўп олимларни қойил қолдирган хулосаси эскириб қолишини хаёлига келтирмаганди. Демак, янглишган экан-да!

— Масала кўпчиликка чигал кўринаяпти,— Шерали ҳамон қизишиб сўзларди.— Аслида ундаймас. Биз қўрқмасдан текширишлар олиб боришимиз керак. Ахир, медицина фани тараққиёти учун кўп олимлар юқумли касалликлар микроблари билан ўзларини заҳарлашга бориб етганлар. Мечников вабо, Завьялов ўлат микроблари билан заҳарланишиб...

— У бошқа гап.— У жасорат.

— Шераливой ҳам жасорат кўрсатмоқчи чоғи!?

— Ҳе, бузоқнинг югургани сомонхонагача!..

Шерали олдинги қаторда ўтирган пакананинг хириллоқ овозини таниди. Унинг оқиш, семиз юзига совуққонлик билан тикиларкан, юрагида ғазаб ва нафратга ўхшаш бир туйғу қўзғалди.

— Жасорат қоплондаям бўлади,— деди Шерали ҳалиги одамдан кўз узмай.— Мечников ҳам, Завьялов ҳам жасорат ҳақида ҳатто ўйлаб кўришмаган. Бунга вақтлариям бўлмаган. Ахир, ёввойилик билан фанга янгилик олиб кириш ўртасида ер билан осмонча фарқ бор-да!

Карима опа ҳамон зални бепарво кузатар, ичида эса турли чалкаш туйғулар ғалаён қиларди. Унинг безовталигини кўзларидан залдагилар аллақачон пайқаб олишган, кўпчилик Шералига еб қўйгудек тикиларди. Шерали эса ҳеч нарсани сезмасдан кўнглига тугиб юрган гапларини ўртага ташларди. У ўзи билмаган ҳолда Карима опанинг илмий тадқиқотлари заминига сув қуйди. Бу ҳол опанинг тасаввурини бутунлай ўзгартириб юборди: Шерали қиёфасида талабчан ва кучли олимни кўриб турарди.

Карима опа ҳал қилувчи — сўнги сўзни айтиб, Шералига зарба беришини залдагилар сабрсизлик билан кутишди. Шералининг кўнгли буни пайқаб безовталана бошлади. Бироқ опа унинг фикрларига ҳеч қандай муносабат билдирмади. Савол-жавоб тугаб, Шерали жойига бориб ўтиргач, опа мажлисни ёпиқ деб эълон қилди.

Эрталаб соат тўққизда Шерали лабораторияда ишни нимадан бошлашни билмай, мияси ғовлаб ўтирарди. Эшик қия очилиб, котиба қизнинг думалоқ юзи кўринди. Қиз сурмали кўзларини пирпиратиб, опа чақираётганини айтди. «Энди бошланади,— ўйлади Шерали кўнгли ғашланиб,— нима деркин? Жазолармикин?»

Карима опанинг қовоғидан қор ёғарди. У қизил бахмал ёпилган креслода мунғайиб ўтирарди. Шералини кўриши билан жилмайди.

— Келинг, ука. Яхшимисиз?

Шерали опа билан сўрашди. Кейин қаршидаги курсига ўтирди.

— Уша дафтарни бир кўрсам майлими?

— Майли. Обкелай бўлмаса.

У лабораторияга гўё қанот боғлаб учиб борди, портфелидан дафтарни олиб, изига қайтди. Карима опа ҳамон ўша ҳолатини бузмай ўтирарди. Гирди сарғайган дафтарни шошилмай варақлади. Унинг чеҳраси гоҳ ёришар, гоҳ маъюсланарди. Ниҳоят, дафтарни охиригача синчиклаб ўқиб чиққач:

— Қимматли дафтар,— деди.— Аскаримоз ҳақида қимматли гаплар ёзилган. Бошим қотиб қолди.

Опа беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Кўнгли ғаш, фикрларини жамлолмай қийналарди. Ҳаёт қизиқ экан, она сути оғзидан кетмаган бир гўдак унинг йўлига ғов ташлаяпти. Обрўсини ерга урмоқчи бўлаяпти. Нима, мум тишлаб ўтиравериши керакми? У ҳам курашиш йўлини би-

лади. Лекин беҳуда чиранмайди. Бақриб-чақирмай ҳақлигини исботлаб беради. Ҳа, ҳақлигини яна бир марта исботлаб бериши зарур! Йўқса, олимлиги қаёқда қолади?

— Сиз ҳаммасини ўйлаб кўрдингизми?— опанинг овқзи ҳазин эшитилди.— Ўйлайсизки, биз янглишганмиз! Шундайми? Бутун дунё паразитологлари янглишган! Қанчалик кулгили ҳол!

— Опа, мен бундай фикрда эмасман.

— Майли. Ҳар бир олимнинг ўз дунёқараши бўлиши керак. Мен розиман. Сизам ишингизни давом эттиравеинг. Лекин менам тинч турмайман. Москва ва Эстония билан яна алоқа боғлашга тўғри келади. Фанда муаллақ нарса қанча кам бўлса, шунча яхши!

Шерали дафтарни олди ва аста эшик томон юрди.

— Ҳалиям жиддий ўйлаб кўринг,— деди опа ўрнидан қўзғалиб.— Баъзан... Билмай босилган тиканнинг захри ёмон бўлади.

Бирдан Шералининг юзига қон тепди. Нимадир дейиш учун оғиз жуфтлади-ю, ўзини босиб чиқиб кетди. «Билмай босилган тикан... Товба, опа нимани кўзда тутаяпти? Нима бўлсаям бўш келмайман!— ўйлади Шерали лаборатория сари одимларкан.— Бўш келмайман! Опаям пайти етиб тушунар... Тушунмаса, ҳақиқатни тан олар...»

Опанинг илмоқли гапларидан кейин дастлаб таваккал қилишга кўрқиб юрди. Қандайдир куч эса тинчлик бермас, борлигини гўлгулага соларди. У ҳовлиқиш, жиззакилик бефойдалигини, олди-қочди, саёз гаплар билан одамларни ийдириш, иззат-нафсини қондириш қийинлигини озми-кўпми тушунар, аммо ўзи билан ўзи ўчакишгандек, елкасидаги шайтон измидан чиқмасди. Аниқроғи, бошқалар назарига тик боришда, ўз нуқтаи назарини ўртага ташлаётганда эҳтиёткорлик билан иш тутиш кераклигини тан олмасди. Эҳтиёткорликни, кўрқиб-писиб, юрак ҳовучлаб юришни ёқтирмасди, негаки, бошқаларга ишонарди, ишонч бор жойда эса эҳтиёткор бўлишга, шубҳага ҳожат қолмайди.

Илмий кенгашдаги ҳисоботдан кейин кўпчилик унга бегонадек ётсираб қарайдиган бўлди. Шерали бунинг сабабини биларди. У кўпларни қанотига олган, кўплардан меҳр-муҳаббатини, ўз йўлини топиб кетишлари учун ёрдамини дариг тутмаган Қарима опанинг обрўсига чанг солган эди. Она сути оғзидан кетмаган йигитчанинг кутилмаган ҳамласи опа тарафдорларини анча довдиратиб қўйди. Баъзилар унга ичдан тан беришса-да, кўрарга кўзлари, отарга ўқлари йўқ эди. Институт ҳаётининг катта оқимига басавлат гавдаларини қўзғалмас қоядек ташлаб олган кекса олимлар эса уни назар-писанд қилишмас, оёқларининг учи билан кўрсатишарди. Шерали иши ўнғидан келиши учун бунақаларнинг соясига кўрпача солиши, атрофларида ўлиб-тирилиши, кўнгилларини овлаш учун минг бир тусда товланиши кераклигини фаҳмларди. Аммо бу ҳақда ўйлаши билан нафаси бўғилиб, жони ҳалқумига тиқиларди. Ёнг ичидаги олди-бердига тоқати йўқ эди, бирор нарса илинжида бошқаларнинг орқасидан чопишни истамасди, агар ўзига биров ялтоқлана бошласа, ҳатто гапини охиригача эшитмай, жимгина бурилиб кетарди.

Мана шунинг учун ҳам бошқалар олдида мажбурият сезмас, қушдай енгил юрарди. Фақат сувдай оқиб ўтаётган вақт юрагини эзар, бир ташвишига минг ташвиш қўшар, фақат вақт олдида ўзини қарздор ҳис қиларди. Шу қарзни узин билан боғлиқ армонлари олдинда турган тажрибага тақаларди. Агар тажриба чиппакка чиқиб қолса борми, умидлари, илдизи қирқилган ниҳолдек, қуриб қолиши турган гақ эди. Шунинг учун одамларнинг гашига тегаётган, кўпчиликда заррача қизиқиш туғдирмаётган тажрибага жон-жаҳди билан ёпишиб олганди. Бахтга қарши институтнинг обрўли, гапи кесадиган паразитологлари уни тушунишни исташмаяпти, баъзилар ҳатто фикрларини ерга уриб,

телбага чиқаришларига сал қолди, ўзини ҳануз пана-панадан кузатиб, масхаралашни қўйишмайди. Бундан қанчалик ноқулай аҳволга тушмасин, ўзига таскин берар, ҳеч нарса бўлмагандек кўкрагини қериб юрарди. Майли, бекорчиликдан зерикаётганларга эрмак керак. Бунда қалар омадсизлик гирдобига илинган одамнинг номини ерга уришдан завқланадилар ва ҳаёт лаззатини ана шунда деб биладилар. Жўжани кузда санаган маъқул, ҳали Шерали ударга кимлигини кўрсатади, эҳтимол, ҳақлигини ҳам исботлаб берар...

Шерали тўрға тушган пашшадек, ўзини нари-бериға қанчалик урмасин, тажрибани бошлаш учун институт илмий кенгаши ижозатини ололмади. Унга қатъий қилиб доим битта зардали жавобни беришарди: «Одамда тажриба ўтказиш мумкин эмас!».

Тарвузи қўлтигидан тушган Шерали бир неча кун гарангсираб юрди. Бу аҳволдан бирор натижа чиқишиға кўзи етмас, қандай бўлмасин, ишни илғарига силжитиш иложини топиш керак эди. Институтда бирор нажот тополмагач, охири, ўйлай-ўйлай, соғлиқни сақлаш министрлигига жўнади. Шу ерда кичикроқ лавозимда ишлайдиган собиқ курсдоши кўмагида министр қабулиға киришға эришди ва унга бўлиб ўтган гапларни ипидан-игнасиғача тушунтирди, гап орасиға асл муддаосини ҳам кистириб ўтди.

Министр ёши эликдан ошган, қадди-қомати келишган, пешонасидан тўкила бошлаган сочларига қиров қўнган, оқ юзли, қўнғир кўзлари йирик, хушфеъл киши эди. У асли самарқандлик бўлиб, шу ерда ўқиган, бир вақтлар одамлар қонини сўриб, дармонини қуритган паразитлар, юқумли касалликларға қарши Леонид Михайлович билан биргаликда курашган экан. Шералининг оғзидан унинг номини эшитиши билан йирик кўзлари чўғдек ёниб, рангпар чеҳрасиға қизиллик югурди.

— Э-э, шунақа денг? Исаев шундай қилган эканми?

— Ҳа, Исаев.

— Сиз у олимни танийсизми?— Министр ҳаяжонланаётганини яширолмасди.— Фанға хизмати кўп сингган. У даврлар... Даҳшатли эди. Улат билан вабо минглаб одамнинг ёстиғини қуритганиға ҳозир ким ишонади? Исаев шунақа касалликлар билан тиккама-тикка олишган. Аломат одам эди-да.

Министр оппоқ кафтини чўзинчоқ, сийрак ажин билинар-билинемас дағаллаштирган иягига тираб, бир лаҳза хаёлға толди. Кейин бирдан алланарса ёдига тушгандай, Шералиға юзланди:

— Мен Леонид Михайловични устозим деб биламан. Кўп нарса ўргатувди. У одамларға суяниш кераклигини кўп айтарди. Унинг бу гапларини ҳали-ҳали унутмайман. Агар сиз...

Шерали қаршисида очилиб ўтирган оқ кўнғил, завқи баланд, сал қизиққон одамнинг позик жойини дарров билиб олди. Шунинг учун фурсатни бой бермай, ногаҳон чақнаган учқунни ўт олдиришға уринди.

— Мен Леонид Михайловичнинг чала ишини давом эттирмоқчийдим,— деди у хотиржамлик билан.

— Яхши ўйлабсиз!— Министр унга синовчан назар ташлади.— Фақат тажрибани ўзингизда ўтказишингиз... бир оз...

— Сиз мени тушунасиз деган умиддаман. Ахир, фанда...

— Қўйинг, қўйинг, баландпарвоз гапларни... Исаев хотираси деган гап... Эҳ-ҳе, бу одам арвоҳи учун ўзим ҳам... Аттанг! Ёш ўтавергач, одам бошқача бўлиб қоларкан. Сизға ҳавасим келаяпти.

Жуда катта гуноҳға қўл уриб, шу гуноҳини ювган одамдек, Шералининг руҳи ёришиб кетди. Аммо иш ҳали тўла битмаганди. Министр мутахассислар билан маслаҳатлашишға мажбурлигини, ўзича ижозат

беролмаслигини эътироф қилди, ўзи Шерали тарафида қолажагини таъкидлади. Эртаси куни тортишув бўлди. Дастлаб Шералининг илмий мулоҳазаларини эшитишди, аммо у гапирётганда баъзилар нописандлик билан мийғида кулиб ўтирди. Исаевнинг кундалиги эса вазиятга бошқача оҳанг берди. Бу ерда ўтирган кекса олимларнинг кўпчилиги Исаевни яхши билишарди, улар қачонлардир у билан бирга ишлаб дўстлашган, хотирасини ҳурматлашарди. Кундаликни синчиклаб кўздан кечириб чиқишгач, ундаги фикрлар жуда катта илмий муаммо етилганидан огоҳ этаётганини тан олишди. Фақат тажрибани давом эттириш ҳақида ҳеч ким лом-мим демади. Шерали министрдан бошқа ҳаммадан умидини чирт узиб, товонига зирапча киргандек, безовталана бошлади.

Министр муштини чаккасига қўйиб, хомуш ўтирар, тасаввурига муҳрланиб қолган ўтмиш хотираларига ғарқ бўлган эди. У Исаевнинг қат-қат ажин босган, териси салқиган юзини, ўсиқ қошлари остида беғубор жовдираб турадиган кўзлари, кенг пешонасини кўз олдига келтиришга уринарди, сўнгги видолашув кунининг аччиқ лаҳзаларини кўнглидан кечираркан, умр бунчалик қисқалиги, бунинг устига яшиндай тез ўтиб кетишига ҳайрон бўлар, ачинарди. Ахир, ўзи ҳам кечагина ёш йигитча эди, кекса Исаев билан тўқайзор, ботқоқликларда, тоғлар ва саҳроларда паразитлар томирини қуритиш учун изғиб юрарди. У кунлар кўз очиб-юмгунча ўтмишга айланди, энди у кунларни эслашнинг қизиғи ҳам қолмади. Одамзод бугунги ва эртанги кун ташвишлари ҳақида кўпроқ қайгуради. Агар шундай бўлмаганда, эҳтимол, ҳаёт жуда зерикарли, маъносиз кечарди.

Ниҳоят, министр етакчи мутахассислар фикрини бирма-бир эшитгач, Исаев хотираси учунгина эмас (у дастлаб бунчалик тор ўйлагани учун ўзини ичида койиди), паразитологияда муҳим янгилик туғилиши нуқтаи назаридан, Шерали ишлаб чиққан операцияни ўтказиш мумкин, деган фикрни айтди.

— Фан учун бундай чекинишларни кечирса бўлади,— деди у ўйчанлик билан.— Вазиятнинг назардан қочирмаслик керак... Уч йил аввал матбуотда кўп гап бўлган Никитин воқеасини эслайлик. У ошқозон раки билан оғриганини пайқайди. Агар шу заҳоти даволанса, балки тузаларди. Бунинг ўрнига у танасида касалликнинг кечишини кузата бошлайди ва кўп янгилик очади. Ҳозиргача рак ҳақида бунчалик қимматли маълумотларни ҳеч бир олим беролган эмас... Кейин... Шогирдлари нима гаплигини билиб қолишган. Афсуски, вақт ўтган бўлади.

Министрнинг ҳикояси Шералининг кўнглида оғир ғашлик қўзғайди, алғов-далғов бағрига яна бир ғалати дард тошдай ўрнашди. Ажаб, министрликнинг орзиқиб кутган рухсатномасини қўлга олганда ҳам, негадир, унчалик севинмади, юраги бир ҳаприқди-ю, борлиғи сокин бўлди-қолди.

Самолётда Самарқандга қайтаркан, мияси бир дақиқа ҳам тумандай хира, бош-адоғи кўринмайдиган фикрлардан бўшамади. «Нимани мунча ўйлаяпман?» деди ўзига ўзи ва тасаввури равшанлашди. Шунда хаёлида оғир дардга чалиниб, чўпдек озиб кетган Никитин қайта-қайта гавдаланаётганини пайқади. Ҳа, у ҳеч ким, ҳеч нарса қутқазиб қололмайдиган мислсиз азоб қаърига ўзини ташлаган Никитинни, раки даволашда дунёга танилган ўша машҳур Никитиннинг мудҳиш тақдирини ўйларди. Ана, у, ранги мурдадек оқариб ётибди, нафас ололмай, сўйилган бузоқдек хириллайди, атрофида чорасиз шогирдлари гирди капалак бўлишади, ҳаммасининг башараси изтиробдан бўғриққан, кўзларида ёш ҳалқаланади. Аммо ҳеч ким профессорни ҳаётга қайтариш иложини билмайди. У шогирдларига ғамгин боқади, киприклари тў-

килган кўзлари қариб-чуриган бургутникидек илтижоли жовдирайди, қуруқшаган лаблари эшитилар-эшитилмас пичирлайди:

— Чорасини тополмадик. Аммо топиш керак.

Қизариб-бўзарган, жиққа терга тушган шогирдлар бошларини гуноҳкорона эгиб, жимгина туришади. Шу лаҳзада уларнинг қайғусини ўлчаб бўлмайди. Дунёда энг оғир нарса чорасизликда сукут сақлашдир.

Самолёт қанотини қоқиб олгандек, қаттиқ силкиниб, Самарқанд аэропортига қўнди. Шерали чўчиб кўзини очди ва тушишга ҳозирланаётган безовта йўловчиларни кўрди.

Вақт шомга яқинлашган, қуёшнинг охириги нурлари кўкка тиралган баҳайбат терак учлари, паст-баланд томларда ҳароратсиз қизариб турарди. Шерали соатига қаради, олтидан ошиб қолибди. Ҳозир бирор кишини топишга кўзи етмаса ҳам тўппа-тўғри институтга борди. Афтидан, Қарима опа қандайдир зарур юмушга ўралашиб қолган бўлса керак, ҳали уйига кетишга улгурмабди. Уни совуққина қабул қилди, панжаларини бир-бирига ўтказиб, «бу пайтда нимага тентираб юрибсиз» дегандай, бўялган лабларини кинояли бурди. Шерали гапни чўзмай, столга министрлик рухсатномасини қўйди. Опа ҳамон совуққон эди, сурмали кўзларида эса димоғ-фироғ ифодаси учқунларди. Бу кўзлар сузгун, тийрак эди, ташвиш ёки ғам нималигини ҳеч қачон билмаган-кўрмаганга ўхшарди.

Қарима опа рухсатномани шошилмай ўқиркан, кўзларига бир умр ўрнашиб қолгандек туюладиган бояги ифода талвасали, маъносиз ғазаб билан алмашинди. Шерали опанинг тоқатсизланаётгани, тигдор бирор гап топиб айтишга ҳозирланаётганини сезиб ижирғанди. Унинг рангида қон қолмаган, юзининг териси кўкимтир тус олганди. Рухсатномани икки буклаб стол устига иргитди, латтадай бўшашиб қадрдон креслосига бутун оғирлигини ташлади.

— Яна ўзбошимчалик!— деди юпқа лабларини қимтиб.— Бир оғиз айтмай кетибсиз. Министрликдагиларгаям ҳайронман. Бу қандай гап-а? Одамда тажриба?.. Яна рухсатнома! Баландпарвоз гаплар! Ҳаёт бошқа, укам!

Шерали ҳеч нарсага ақли етмагандек, жўрттага елкасини қисди. Бу ҳаракати шунчалик қўпол ва одобсизлик бўлиб туюлдики, опанинг тутаб турган ғазоби бирдан алангаланиб, бўғзига урилди.

— Билганингиздан қолманг!— деди бақиршидан ўзини зўрға тийиб.— Мен сизга бир нарсани тушунтиролмадим. Ожизлик қилдим. Тушунган пайтингизда кеч бўлади.

Бошқа вақтида опанинг бу гапларига ранжирди, аммо ҳозир аксинча енгил тортиб, индамай чиқиб кетди. Ҳа, у жуда енгил тортди, кўп вақтлардан бери тақдир биринчи марта унинг фойдасига тош қўйган эди. Энди шунинг шарофати билан бундан буёнги ишлари қўр олиб кетса ажаб эмас. Ахир, ойнанинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ келади!

Шундай қилиб, узоқ елиб-югуришлардан сўнг тажрибани бошлашга дастлабки имкон туғилди. «Энди охири бахайр бўлсин,— кўнглидан ўтказди Шерали.— Бирор ишкали чиқса-я? Товба, фақат мен шунақа омадсизми ёки бошқаларнинг ҳам бурни қонайдими?» Унинг фикрлари тутқич бермас, узлуксиз ҳаяжонланаверганидан юраги санчиб оғрирди. Айниқса, ўша кунни оқшом кўпроқ ҳаяжонланиб, кўпроқ тоқатсизланди, тун бўйи деярли кўзи тузукроқ илинмади. Азонда уйғониб, кўчага чиқди. Тоғлар ортидан бўзарган тонг ширин уйқудан ҳануз уйғонолмаётган шаҳарни оқ ёғдуга чая бошлаган, кўчалар одатдагидек тўхтовсиз гувилларди. Институт филиалининг жимжит ҳовлиси уни бепарво қаршилади. Сийрак хазон тўкилган асфальт йўлқадан ўтиб,

кўпдан буён қаровсиз қолган, оқибатда деворларининг сувоғи нураган лабораторияга бетламайгина кирди. Хона димиқиб кетганди. Форточкани очиб қўйиб, деразадан ямоққа ўхшаш булутлар сузиб юрган кулранг осмонга термилди.

Эшик нимадандир зорлангандай «ғийқ-ққ» этиб очилди. Остонада Зиёхон кўринди. У Шералига ҳадикли кўзлари билан боқар, бўзарган юзида изтироб кезарди. Оғир гавдасини ичкарига аранг олиб, эшикнинг миҳланган табақасига ҳолсиз одамдай секин суянди.

Иккаласининг ҳам юраги қафасдаги қушдай безовталанар, аммо кўнгилларида кечаётган гапларни бир-бирларига сездиришмасди. Шерали дўстининг бетоқат жовдираётган кўзларидан «Энди нима бўлади?» деган мужмал маънони уқди. Нима бўлишини у қайдан билсин, ҳаммасини эртанги кун кўрсатади. Шерали нима қилишини билмай, столда қаққайиб турган микроскоп окулярини латта билан тозалаб артди. Кейин наридан-берига юрди, дераза олдида тўхтаб, дарахтлари яланғоч бўлиб қолган кимсасиз боғчани узоқ кузатди. Гўё хона унга торлик қилаётганга ўхшарди.

Орадан ярим соатча вақт ўтди. Шерали бурчакдаги тахлоғлик целлофан халтачалардан уч-тўрттасини олиб келиб, стол устига қўйди. Микроскоп хартуми тагига халтачадан эҳтиёткорлик билан тупроқ тўкди. Шу пайт эшик очилиб, Қарима опа, Дилбар, директор ўринбосари Саттор Муқимович кириб келди. Шерали бошини кўтариб, уларга ташвишли назар ташлади, салом бериб, яна микроскопга эгилди.

Сал нарироқда каллақ урилган толдай қотиб турган Зиёхоннинг туси ўзгариб кетди, устидан қайноқ сув қуйилгандек, питирлаб қолди. Шишадай ҳароратсиз, оқаринқираган юзидан иккиланиш, пушаймон белгиларини уқиб олиш қийин эмасди. У илгарига икки қадам босди, нафас ололмаётгандек, оғзини катта очди, бироқ ҳеч нарса демасдан совуқ илжайди.

Қарима опа Зиёхонга ҳатто кўз қирини ташламади, уни кўрмагандек, ёнидан тезгина одимлаб ўтиб, Шералининг қаршисида тўхтади. Зиёхоннинг борлиғи музга айланаёзди, аламини ёролмай, юзини тескари ўгирди.

Шерали саратонда тўхтовсиз юрган йўловчидай терлаб-пишиб кетганди. Қарима опанинг орқасида турган Дилбарга кўзи тушгач, батамом ўзини йўқотди, юзи лола рангига кирди. Опа қовоғини солиб, унинг ҳаракатларини бир пас индамай кузатди. Кейин ундан нарироқ сурилишни сўраб, окулярга энгашди.

Аскарда тухумларини чангдан ажратиш мушукул эди. Опа диссертация ёқлагунча микроскопда аскардаларни кўп кузатган, уларнинг кун кечирish тарзини эринмай ўрганган эди. Амалга мингач, лабораториянинг қайноқ ташвишларидан четлашиб қолди, аста-секин илмий ҳаётдан бутунлай узилди. Энди илмий кенгашларда савлат тўкиб ўтирар, кўпинча ҳал қилувчи фикри билан бошқаларни ерга қаратар, ҳар хил докладлар қилар, ёшларнинг ишига оппонент бўлар, бир изга тушиб бораётган осойишта турмушидан мамнун эди. Ҳар замонда аччиқ ичакдек чўзилаётган докторлигини ўйлаганда хомуш тортиб, кўзига дунё қоронғи бўлиб кетарди. У қачонлардир бир кун фанда ҳеч ким ечолмаган мураккаб жумбоқни ҳал қилиб, кўпчиликни ҳайратга солиши, шов-шув қўзғатишига ишонарди. Аммо ўсмирлик йилларидан орзу қила бошлаган шу кун қачон келишини ўзи ҳам билмасди. Кандидатлик иши эса унинг ниятларини унчалик ушатолмади, уни минглаб диссертациялар қаторида кўп ўтмай эсдан чиқаришди. Бу ҳол опани ташвишга солмасди. Аммо ҳозир тупроқдан аскарда тухумларини ажратолмай қийналаркан, олимлик шаҳти бунчалик ўтмаслашиб қолганига қаттиқ ўқинди. Бир чойнак чой ичилгунча бўлмай, беланги одамдай,

бели зирқиради, оёқларида мадор қолмади. Буни сездирмаслик учун тирсаклари билан стол четига суянди. Шундоққина ёнгинасида турган ўринбосари унинг тажанг бўлаётганини сезиб, қаттиқ безовталанар, беҳисоб ташвиш келтирган лаънати тухумларни Шералига кўшиб ичида сўкарди. Ниҳоят, опанинг қиёфасидаги кўланка сал-пал кўтарилди, у инқиллаб, белини ушлаб қаддини ростларкан, Саттор Муқимович елкасидан тоғ ағдарилгандай, енгил нафас олди.

— Ҳа, тирик тухумлар!— опа атрофдагиларга қараб чиқди.— Тирик...

Хонага юракларни оғир тошдан эзадиган зил-замбил жимлик чўқди. Бу жимликни бузишга ҳеч ким узоқ вақт журъат топмади. Ҳамма мум тишлагандек сукут сақларди, номаълум нуқтага қадалган нигоҳларда қатъиятдан кўра иккиланиш чуқурроқ акс этганди. Дилбар билан ёнма-ён турган Зиёхон бошқаларга қараганда хотиржамроқ кўринар, кўзлари эса безовта чақнардди. Дилбарнинг елкасини қоплаган кўмирдай қора калта сочларига, оққушниқидек оппоқ бўйнига суғланиб боқар, нозик панжалари билан халати тугмаларини асабий бир ҳолда қадар, яна зум ўтмай ўша ҳолатда ҳаммасини ечиб ташларди. Ҳадикли нигоҳи Шералининг кўзлари билан тўқнашди. Шерали ўнғайсизланди, унинг қовоғидан қор ёғарди, афт-ангори қандайдир нохушлик орқасида жаҳлга минган, бақириб юборишдан ўзини зўрға тийиб турган одамниқидек ташвишли эди, қорачиқларига сингган самимият эса мулойим порларди.

— Агар тажрибани итларда ўтказсангизам ютқазмайсиз,— деди опа овозига кўнгилчанлик оҳангини бериб.— Энг синалган усул.

Шералининг бесаранжом қиёфаси жиддийлашди, аммо индамади. Қимматбаҳо нарса топгандек, Зиёхон ҳовлиқиб опани қувватлади.

— Тўғри айтасиз, опа!— унинг ранги ўчган жонсиз лаблари қизилланди.

— Ҳа, жонни қийнамаслик керак!— деди Саттор Муқимович тепакалини яширмоқчи бўлгандек кафтини бошига қўйиб.— Соғлиқни сотиб олиб бўлмайди.

— Гап фақат тажриба ўтказиш устида эмас!— Овозидаги қатъиятдан Шералининг ўзи ҳам таъсирланди.— Гап фандаги абсолют аниқлик устида бораяпти.

— Абсолют аниқлик?— Саттор Муқимовичнинг пешонаси тиришди.— Э-э, ука!

— Абсолют аниқлик ҳеч қачон бўлмайди!— деди Карима опа ҳам бепарволик билан.

— Лекин медицина учун бу керак-да!— деди шу пайтгача жим ўтирган Дилбар.— Вақт ўтиши билан...

— Вақтни нима қиласан тиқиштириб?— Карима опа қизининг ганини кесди.— Биз бари бир вақтни қолдириб кетганмиз.

— Қолдирган бўлсак қолдиргандирмиз. Лекин ҳали диагнозларни юқори нуқтадаги аниқлик билан қўёлмаймиз-ку!

— Диагнозни келажакда машиналар қўяди.

— Уларни бари бир одам бошқаради,— қизишди Дилбар.— Шундай бўлгандан кейин... оғирлик яна...

— Йўқ!— опа қизининг кўзларига қизиқсиниб турмилди.— У вақтда кўп нарса одамга боғлиқ бўлмай қолади. Врач фақат кузатувчига айланади. У электрон машиналарнинг буйруғига бўйсунди. Бунақа бош оғриқ тажрибаларгаям ҳожат қолмайди. Ҳаммасини машиналар хулосаси ҳал қилаверади.

— Ахир, машина одам танасидаги ҳужайраларни, дардни ҳис этолмайди-ку!..

— Ҳис этишми? Машинанинг роли ҳис этиш эмас, аниқлаш!

— Ҳай, булар майли,— деди Шерали ғашланиб.— Келгусида балки шундай бўлар. Аммо ҳозирча бизнинг ташвишларимиз бошқачароқ... Ҳозирча бошқачароқ яшашга мажбурмиз. Мени тушунмаянсизлар.

— Шерали!— Опа унинг кўзларига тик боқди.— Сизнинг ўзингиз учун... шахсингизга гапираяпмиз. Сиз бўлсангиз...

— Раҳмат!— Менинг шахсимнинг нима қизиғи бор?

— Еш нарсасиз... Бирон гап бўлиб қолса...— Опа ҳамон ундан кўз узмай гапирарди.— Биз жавоб берамиз.

— Мен ўзимга ўзим жавоб бераман!— деди Шерали совуққонлик билан.

— Бунчалик эмас-да!— Саттор Муқимович пичинг қилди.— Жавоб берсангиз берарсиз, аммо умрингизни хазон қилиб нима қиласиз.

У омбир билан қисгандек лўқиллаб оғриётган бошини қуйи эгди, лаблари, ёноқлари оташ бўлиб ёнарди.

— Опа, фанда муаллақ нарса қанча кам бўлса, шунча яхши бўлишини ўзингиз айтгудингиз,— деди у ҳолатини ўзгартирмай.— Нега энди мен... Йўқ, мен ҳақлигимни исботлашим керак.

— Исботланг. Кўрамыз...

— Ҳа, опа... Диссертациямнинг аввалги вариантини чиппакака чиқардиларингиз. Янгилик йўқ, майда гап... далиллар етарли эмас!.. Бу гапларингизда жон бор эди чоғи. Бошқалар меникиданам суяқ нарсаларини ёқлашаётганини сезиб-билиб турсам-да, индамай, тишимни тишимга қўйдим. Мен аслида ўшанақалардан нусха кўчирувдим, масъулият деган нарсани ўшаларга қўшилиб оёқ ости қилиб ташловдим. Оқибатда эса таёқ фақат менинг бошимда синди. Энди унақаси кетмайди. Энди бошқача бўлади. Лекин гап диссертацияда эмас, мен...

— Сиз ўшанда бизга фириб бермоқчийдингиз!— деди Саттор Муқимович тўсатдан.

— Ҳа, баъзан фириб ҳам бериш керак!— Зиёхон директор ўринбосарига кўз қисди.— Қанча кўп фириб берсанг, ишинг шунча кўп юришади.

Шералининг тирноқларигача зирқираб кетди, юзи бўзариб, лабларининг қони қочди. Дилбарнинг олдида қаттиқ мулзам бўлди, ер ёрилмадию, ерга кириб кетмади. Суяк суягига ўткир ханжардек қадалган қочиримдан шунчалик эсанкирадики, оғиз очишга лаблари қовушмай, Зиёхоннинг мумдай ифодасиз юзларига термилиб тураверди. Унинг ўрнида бехосдан Дилбар гап қотди:

— Омадли бўлиш учун фирибгарлик керак экан-да?

Шерали унинг гап оҳангида шиддатли бир титроқ борлигини пайқади. Чиндан ҳам Дилбарнинг овози жиндай титраб чиқди, буни ўзи ҳам сезиб, икки юзи ловиллаб кетди. Ҳамма унга ҳайратланиб қаради, фақат Зиёхон ҳолатини бузмай, без бўлиб турарди.

— Бўлмаса кун беришмайди,— у чаккасини қашиди.— Фирибгар бўлмасангиз нон айириб еёлмайсиз.

— Қизиқ экансиз-ку!

— Нима фарқи бор?— Зиёхон опа билан Шералига тезгина қараб олди.— Сиз алдамасангиз, бошқалар сизни алдаб кетишади. Ҳозирги вақтда эпчил бўлиш керак. Фидокорлик кетмайди...

— Расво экансиз!— деди ниҳоят Шерали ўзига келиб.

— Бас қилинглр сафсатани!— опа қўл силтади.— Сизларга шунака гап бўлса...

Опа мулойимлик билан Шералининг кўнглини топмоқчи эди, аммо журъати етмади. Умрида биринчи марта кўнглидаги хоҳиш олдида ўзини ожиз сизди, бағрини алам ўртаб юборди. «Тирмизак-ей!— у бўғиларди.— Намунча чиранмаса? Кўрпасига қараб оёқ узатса бўларди.

Ўзи-ку пешонаси деворга урилавериб...» Опа ич-ичидан кўпириб томоғига тиқилаётган жаҳлини ютиб бир пас тургач, ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан жимгина чиқиб кетди. Вали ака, унинг ортидан Саттор Муқимович ҳам эшикка йўналди.

Эшик секин ёпилиши билан Зиёхон тўлиб кетганини яширолмамай, алам билан гудранди.

— Худо ҳаққи бас қилайлик!— Унинг қорачиқларига қуйилган қаҳр тубсиздай туюларди.— Бари бир ҳеч иш чиқаролмаймиз.

Шерали опанинг хайрлашмай, бирор тилак айтмай чиқиб кетганини ҳазм қилолмай, карахт бўлиб ўтирарди. Зиёхоннинг бу гаплари ҳаммасидан ошиб тушди.

— Иш чиқмайди дейсизми?— У тишларини зирак қилди.— Йўйўқ, чиқиши керак... Аммо сиз қалтирайвериб жонимдан тўйдирдингиз. Балки қорангизни ўчирарсиз?

— Мени тушунмаяпсиз, Шерали!

— Тушунаёпман.

— Тушунсангиз... Нега қулоқ солмайсиз. Қарима опаниям хафа қилиб чиқариб юбордингиз.

— Агар қайтадиган бўлсам, ўшандаёқ қайтиб кўя қолардим. Министрликка бўйин эгиб бориб юрмасдим.

— Нақ хароб бўламиз, Шерали! Ҳа-ҳа! Бизни ҳеч ким қўлтиқламайди, ҳеч ким! Буни тасаввур қилаёпсизми?

— Ваҳима қилаверманг, э-э!..

— Қарима Музаффаровна сизниям, мениям чувалчангдай мажақлаб ташлайди. Диссертациямизни бир пул қилади.

Дилбар унга нафрат билан тикилди, Зиёхон онаси ҳақида алжираб айтган совуқ гаплар кўнглига қаттиқ ботди.

— Энди менга бари бир!— деди Шерали бафўржа.— Диссертация нима деган нарса? Бемалол қурбон қивориш мумкин. Аммо бу орада бошқа гап бор. Мени ана шу қийнапти.

— Мени кўзимга диссертациядан бошқаси қилчаям кўринмайди!— Зиёхоннинг лаблари кўкариб кетди.— Мени ўзингизча қўшиб хароб қилмоқчи экансиз-да?!

— Бу нима деганингиз?

— Нима бўлса шу! Сизни қийнаган гапнинг менга қизиғи йўқ!

— Қизиғи йўқ денг? Сизда лабз борми ўзи?

— Ҳаммаси жонимга тегди! Нима керак? Энди ўзимизни ўзимиз алдаш қолувди. Менга қаранг, шу...— у Шералининг пинжига тиқилиб келди.— Шу... Ростини айтинг, ўзингизам ишонмайсиз-ку шунга!.. Бариси ёлғон! Қўйинг, кўзни бўямайлик.

— Мунча эзилаверманг,— деди Шерали ўзини босишга тиришиб.— Сизни ҳеч ким мажбур қилаётгани йўқ.

— Эзилаверманг дейсизми? Ҳаёт эзиб қўйган бўлса, нима қилай? Мен чарчадим. Шерали! Чарчадим. Шу... масхаравозликлар мени чарчатди. Ҳаётдан адолат деган нарсани излайверибам ўзимни-ўзим еб қўйдим. Нега бошқаларга яшаш енгил деб ўйлайман. Менам бошқалардай диссертациямни тинчгина ёқласаму кейин оёғимни узатиб ётсам...

— Амманнинг бузоғи!— Шерали аччиқ билан Дилбарга ўгирилди.— Мунақа... Билмадим.

Чаккасига шапалоқ тушгандек, Зиёхон тилини тишлади, гунгга ўхшаб жим бўлиб қолди. Узун қўллари шалвираб, мажолсиз осилиб турар, қорачиқларидаги бояғи қаҳр ўрнида сокин, жонсиз нур йилтирарди. У эсанкираб қолганди, киприклари беҳол пирпирарди. Ихтиёри батамом қўлдан кетиб, гавдаси босиб тушгандек, кутилмаганда бирдан чўккалади ва Шералининг тиззаларини қучоқлаб олди.

— Шерали, қўйинг шу ишни!— Совуқ еган боладай, бутун танаси қалт-қалт учарди.— Керакмас. Бошимизга ғалва сотиб олиб нима қиламиз. Оч қорним, тинч қулоғим...

— Сизни ҳеч ким мажбур қилолмайди дедим-ку!

— Шундайку-я... Лекин мен сизга...

— Майли, кетаверинг!— Шерали ҳорғин гапирди.— Ваъда ўз йўлига... Сиздан гинам йўқ. Нимагаям гина қилай? Ҳар кимнинг ихтиёри ўзида.

— Бирга кетамиз, Шерали!

— Мен... кетолмайман, Зиёхон!

Дилбар бу нохуш манзарани кузатишдан зериккандай, деразага қараб турарди.

— У киши кетсалар...— Дилбар ўгирилди.— Балки мен...

Ҳамон ўзини ўнглаб ололмаган Зиёхон афтини буриштирди. «Уртага суқулганини!— ўйлади у.— Эси паст! Худди бир нарсадан қуруқ қолаётгандай. Сал илинж кўрсам бу ишда ўзим билардим-а... Аттангки, иш хом...»

Шерали Дилбарнинг таклифига эътибор қилмади. Шундай ҳам Зиёхоннинг гаплари кўнглида уйғотган нотайин туйғу борлигини алғов-далғов қилиб юборди. Энди бошқа ади-бади айтишишга тоқати қолмади, вақт эса сездирмай ўтиб борарди. Шерали Зиёхонни ҳам, Дилбарни ҳам унутиб, жимгина ишга киришди. Микроскоп хартуми тагига яна тупроқ тўқди, кейин бели букчайиб, кўзлари тиниб икки соатда зўрға уч юзта тирик тухум топди. Уларни микроскоп ёрдамида икки томонга ажратиб, сув тўлдирилган иккита стаканга солди.

— Ким ичади?— деди кейин ердан бош кўтармай.

Тарашадай қотиб ўтирган Зиёхон Шералининг саволини эшитмаган каби қимирламади. Шерали тарафга қарашга ҳатто ўзида куч тополмади. Дилбар Зиёхоннинг ҳаракатсиз гавдасига кўз қирини ташларкан, ундан садо чиқмагач, аста-секин юриб келиб, столда турган стаканлардан бирини олди.

— Мен ичаман!— деди бафуржа ва шу заҳоти юраги темирчининг дамидек гусирлаб ура бошлади.

Дилбарнинг кўзлари лағча чўғдек чақнарди, у бир лаҳза ўзини йўқотиб қўйди, кучли ҳаяжондан кўз олди тиниб кетди. Шундагина соясидан ҳам чўчиб юрадиган Зиёхоннинг аҳволини тушунди ва ичида кулимсиради. Шералининг таҳдидли овози уни ҳушига келтирди.

— Қўрқмайсизми?

— Йўқ!

— Ойингиздан-чи?

У иккиланиб қолди. Узун киприклари елпугичдай эгилди, чеҳрасини соя қоплади. Аммо нигоҳидаги қатъият ўчмаган эди. Шу пайт кутилмаган ҳодиса юз берди. Бафуржа ўрнидан турган Зиёхон гапсўзсиз Дилбарнинг қўлидан стаканни тортиб олди. Стакан чайқалиб, стол бурчига сув сачради.

— Мени ҳали қўрқоқ деб ўйлаяпсизларми?

Дилбар унинг қўполлигидан қаттиқ ранжиди, юзи қордай оқариб кетди. «Бу нима қилиқ?» деган маънода Шералига илтижоли боқди. Шерали индамади, фақат мийигида кулиб-қўйди. Бу билан гўё «Қўйинг, Дилбар, сизга тўғри келмайди» демоқчига ўхшарди.

Хонада яна оғир сукунат ҳукм сура бошлади. Энди бу жимлик оддий жимлик эмасди, елкаларидан тегирмон тошдек босиб турарди. Улар эса ниманидир тоқатсизлик билан кутишарди, чамаси, ким биринчи бўлиб бошлашга журъат қилишини кутишарди. Шерали учун бунинг аҳамияти йўқ эди, нима учундир диққинафаслиги кучаяр, ғазабга ўхшаш бир нарса мисдай қизиган баданини зирқиратарди. У

ҳозир ўзида эмасди, кўнгли алланечук чучмал тортиб борарди. Аста-секин хаёлга берилиб, олис хотиралар қаърига шўнғиб кетганини сезмади. Негадир, болалигини, қаттиқчилик ва юпуликда ўтган болалигини эслади. Бу хотиралар ҳам ширин, ҳам қўрқинчли эди.

Шерали ўзини шошиб қўлга оларкан, дўстининг нигоҳларида ҳаловатсиз иккиланиш, тоқатсизлик акс этганини кўрди. Унинг ранги ўчган, лойқа сув тўла стакан қўлларида билинар-билинимас титрарди. «Қўрқаяпти! Қўрқаяпти!— ўйлади Шерали.— Нима керак эди? Одамни тушуниб бўлмайди. Уз раъйига тескари бораверади. Аввал хоҳламасангу... Кейин бўйнингга олиб дағ-дағ титрасанг... Бундан ёмони борми? Ўзим-чи? Ичимдан қиринди ўтаяпти!».

У серпай қўллақ билан стаканни маҳкам ушлаб, мижжа қоқмай турарди. Юзи оппоқ қоғоз тусига кирган, кўзлари хиёл маъюс боқар, чаккаси ва пешонасидаги ажинлар қуюқлашганга ўхшарди.

— Бошлаймизми?— шивирлади Шерали.

Чўчиб тушган Зиёхон юзини четга бурди, стаканда килкиллаётган лойқа сувга қўрқув аралаш тикилди. «Наҳотки бу миттивойлар ростданам тирик бўлса?» Кутилмаганда, бамисоли портлаш юз бергандай, дераза зириллаб кетди: «Тирик! Тирик! Тирик!» Зиёхоннинг нафаси тикилиб, юраги ўйнади. Кўзлари олдига қовоғи осилган хотинининг шишинқираган, аламдан бўзарган қиёфаси келди. У гўё: «Ичманг! Заҳар! Заҳар!» деб дағдаға қилгандай бўлди.

— Ҳа, заҳар!— қақраган лаблари бенхтиёр пичирлади. Афтидан, нотаин, ваҳимали ўй-фикрлар ҳушини ўғирлаганди. «Ҳаммаси гижжага айланса-я!— Унинг вазоҳати баҳор ҳавосидай баттар бузилиб борар эди.— Юз эллик гижжа! Жигарга ўтиб кетса, нақ ёрворади!»

Шерали икки ўт ўртасида қолган дўстининг кўнглини кўтариш ниятида оғиз жуфтлади. Лекин журъати етмади. Ўзини тутишга қанчалик уринмасин, асаби тордек таранглашиб, қўллари қалтирарди. «Нима бўлаяпти ўзи! Қўрқаяпман! Қўрқаяпман! Бўлганим шу экан-да! Ҳа, мен шунақаман. Субутсизман! Бир ишни тузуккина бошлайман, кейин дарров меъдамга тегади. Чала ташлаб қўяман... Эҳ, кўзимни чирт юсам-да, бу дунёга қўл силтаворсам!»

У, даҳшатли оғриқдан азоб чеккандай, тишларини бир-бирига босиб, стаканни аста лабларига яқинлаштирди. Зиёхон ҳам шошиб, лабларини стакан қиррасига тегишти, кўзларини чирт юмиб, лойқа сувни симирди. Сув томоғидан қулт-қулт ўтар, ҳар ютинганда кўзларини очиб-юмарди.

Шерали ҳамон ўша ҳолатда ўй сурарди, Зиёхоннинг асабий ютиниши кулгисини қистатди. Юзини ўгириб, Дилбарга кўзи тушди-да, маъюс жилмайди. Дилбар ҳам «Бардам бўлинг!» дегандек бошини ирғаб, табассум қилди. У нафас олмайгандек, пешонасини тириштирди. Стаканни бўшатиб, эси оғгандай шалвираб қолган Зиёхонга паришон тикилди, бадани чатнаб кетган эди. «Ичимга ўт тушдими нима бало?— ўйлади у.— Энди... Қизиқ! Нима бўлса бўлар! Шу Қарима Музаффаровнаям ғалати-да! Ўжарми-ей, инжиқми-ей! Тушуниб бўлмайди. Ҳамма унга қулоқ солса, ҳамма чизигидан юрса... Яхши эмас-да. Нима мен... Товба, министрликнинг рухсатномасини тан олмай шунча даҳмаза қилди. Ўжар аёл...»

Изтиробдан чатнаб ёрилган лаблари сувга тегиб, эти жимирлашди. Мана, заҳарли сувга оғзини тўлдирди, муздай бир нарса баданига ёйилди, бир зумда миясигача югуриб борди. Аввалига мияси қарахт бўлиб қолгандек туюлди, кейин аста-секин тасавури ёришди. Худди шу кез хаёлида осмонга туташиб кетган кенгликлар, қадрдон шаҳарнинг сершовқин кўчалари, кўнглига яқин бўлиб қолган ёдгорликларнинг ажиб бўёқлари жонланди. У гўё шарпага ўхшаб шаҳар устида

учиб юрарди, тепадан ҳамма нарсани — қинғир-қийшиқ торгина йўлаклардан турли тарафга шошилаётган одамлар устидаги кийимлар рангини, сон-саноксиз симёғочларга учиб-қўнаётган кабутарларни, дарахт шохларидан узилиб тушаётган ҳазин япроқлар, хиёбонларда чопқиллаб юрган болалар кўзларида акс этган қувончгача, ҳамма-ҳаммасини кўриш мумкин эди. Афсуски, у узоқ учолмади, толиққан қанотлари ҳолсизланиб пастга шўнғиди.

Шундан кейин ҳеч нарса кўринмай қолди. Жонсиз панжаларида лойқа юқи ўтирган бўш стакан қалтираб турарди...



Шерали қизиқиш ва ҳаяжон ичида орзу қилган кун ана шундай изтиробли, ғалва ва кўнгилсизлик билан ўтди. У руҳсатномани қўлга киритганимдан кейин қолгани силлиққина бўлар деб ўйлаганди. Бироқ воқеалар у хаёл қилгандек эмас, бошқача кечди.

Ўша кундан Шералининг ҳам, Зиёхоннинг ҳам юриш-туриши, иш тутумида қандайдир ўзгариш содир бўлди. Зиёхон анча талтайиб кетди, баъзи жойларда ўзини роса қўйворар, босиқлик ва жиддийлик билан мақтаниб қўярди. Шерали эса олди-қочди гапларни майдалаб, кун бўйи эзғиланиб ўтирадиганлар даврасидан ўзини четга олиб қочарди, ўзи ёки синов ҳақида ҳеч кимга гапирмас, вақти жуда зерикарли ўтар, кундалик ташвишлар билан зўрға овинарди. Шерали теварагидагилар кўзига ғойибдан келган, гапи оғзидан тушиб кетадиган чапани, олимлик кўчасига бир умр киролмайдиган одам бўлиб кўринарди. У эса ўзини ҳаётнинг ҳеч ким бош суқмаган қоронғи гўшасига кириб қолгандек ҳис этарди.

У нимагадир мунтазир эди, чамаси танасида сирли бир ўзгариш юз беришини кутарди. Бунга руҳан тайёргарлик кўриб қўйганди, қачонки одам руҳий ҳозирлики бошидан кечираркан, эртанги кунда бошланадиган машаққатлар азобидан чўчимади, аксинча, ўзи билмаган ҳолда ҳар қандай азоб билан сўнгги нафасигача олишади.

Тўғри, Шерали ҳозирча буларни билмасди. Синовнинг дастлабки кунларидаги нохушликлардан, тўйиб ичган одамдек, маст-аласт юрарди. У ҳали аскарда тухумлари захматини тоза татиб кўрмаганди...

— Қоп кетдингиз, Шерали ака!

Аскардалар ҳақидаги хаёллардан чекиниб бирдан ўзига келди. Ажаб, атрофини бутунлай бошқа — оддий ранглардан иборат ҳақиқий олам қуршаб олганди. Мана, зиналар, деворлар, обидалар... Қаршисида Дилбар бир оз хавотирланиб, паришон жилмайиб турибди. Унинг серкиприк, мулойим кўзларидаги таскин берувчи ишонч ифодаси Шералининг ҳорғин, толиққан руҳига ҳийла енгиллик бағишлади.

— Ҳозир, Дилбар, ҳозир... Ўн етти...

Дилбар унинг докадай оқарган юзига термилиб, дилида аллақандай ҳароратли ўкинч сездди. Шу топда Шералининг дардларини тингламаётгани, дардига малҳам, белига қувват бўлолмаётганини ўйлаб кетди.

Шерали ўз хаёлларидан юпанч изларди. Аммо хаёллар уни фақат шиддатли гирдоб қўйнига ташларди. У нотинч ўйлар сиртмоғидан атиги бир дақиқагина қутулиб, Дилбарга етиб олиш учун жон-жаҳди билан юқорига талпинди. Лекин ҳаял ўтмай, яна орқада қола бошлади.

— Қўлингизни беринг.

Шерали бошини кўтарди. Иссиқда оқиш юзи ширмой кулчадай қизарган Галя кулимсираб, унга оппоқ қўлини узатиб турарди. Шерали унинг илтифотини қайтармай, юмшоқ кафтига қўлини қўйди.

— Раҳмат! Ўн тўққиз... Ўн тўққиз...

— Чиқмасангиз бўларкан.

— Ҳечқиси йўқ.

— Ўзингизни уринтириб қўйдингиз.— Галянинг мовий кўзлари хотиржам чақнарди.— Уйда қолсангиз... Диссертациянгизни давом эттирардингиз.

«Диссертация!— ўйлади Шерали ва гўё бирдан томоғини биров кучли панжалари билан гиппа бўғди.— Ҳамма диссертацияга шама қилади. Диссертация учун жонимни жабборга бераётганим йўқ-ку! Товба, келиб-келиб, манави малласоч қиз ҳам томдан тараша тушгандай қилиб шу гапни айтса!»

— Галя, биласизми?— Шерали паст, мулоғим овозда гапирди.— Диссертация мени тирноқчаям қизиқтирмайди. Ишонасизми?

Галя ажабланиб елкасини қисди.

— Одам ўзини ўзи алдамаслиги керак.

Шералининг гаши келди, орқа-олдига аланглаб олиб галдаги зинапояга ўтирди. «Йигирма...»

— Эҳтимол сиз ҳақдирсиз, Галя,— деди кейин у.— Мен ўзимни ўзим лақиллатаётгандирман. Ҳар қалай мен диссертация деганда жуда катта янгиликни тушунаман. У одамлар тақдири билан боғланиб, ҳаётнинг ажралмас қисмига айланиб кетиши керак. Уч кун ўтмаёқ тишга тошдай тегадиган ёки эсдан чиқариб юбориладиган думбул нарсалар кимгаям керак!?

— Жаҳлингиз чиқдимиз?— Галя кулимсиради.— Кечирасиз, мен...

— Ҳар ҳолда сиз диссертацияни модага айлантираётганлар билан оғиз-бурун ўпишмасиз?— Шерали жиддийлашди.

— Нималар деяпсиз ўзи?

— Масалан, сиз диссертация ёқламоқчисиз дейлик. Агар ишингиз заррача бўлса ҳам одамларга наф келтиришига ишонсангиз, бу мутлақо бошқа гап...

— Ҳе-е!— Галя лабини бурди.— Қачонлар ёқлашим мумкин эди. Дадам ВАК аъзоси бўлса... Ўзим шошмаяпман. Шошиб нима ҳам қилдим?

— Шунақа денг?

— Шунақа. Ким сизга ўхшаб ўзини дўзахга солади.

— Қўйсангиз-чи, Галя!

— Тўғриси-да.

— Менам шошиб қаерга бораман? Шундоғам номзодлик учун ўлиб-тирилаётганлар бемаза қовуннинг уруғидай кўп. ВАК ҳам баъзан шунақа атала нарсаларни тасдиқлаворадик... Медицина адабиёт эмас-ку!

— Қизиқ экансиз! Турамизми?

— Турамиз. Йигирма бир... Сиз мени тушунмадингиз. Йигирма бир...

— Тушундим, тушундим. Ҳалигидақа...— Галя лабини бурди.— Номзодлар ҳақида гапираяпсиз.

— Табиатимиз шунақа, Галя. Йигирма икки... Толе одамни баъзан кутилганидан кўра ортиқроқ сийлайди. Бундан талтайиб кетамиз. Гоҳида... Йигирма уч...

Гоҳида... Йўқ, у ёғини тилга олиш оғир... Одамзод учун азоб ҳам, ўлим ҳам арзимас бир гап. Лекин тириклигинда устингдан босиб ўтишларига чидаш осонмас!

У мана шунга чидай олмади. Сираси, чидай олмайди!

Аслида ҳаммасига осонгина қўл силтаб қўя қолиши, оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтиб юравериши мумкин эди. Аммо бунга ўзини мажбур қилолмади. Баланд охурдан сув ичиб ўрганиб қолган одамларнинг муздай совуқ нигоҳлари таъқиб қилавериб жонидан

тўйдирганда ҳам фикридан қайтмади. У ноўрин инжиқлик, ҳазил аралаш пичингларга кўниккан, буларга аҳамият бермай қўйганди.

Унга бўш омбордан дон ҳам ваъда қилишарди. Шунда Шерали мийғида кулимсираб қўяқоларди. Ахир, ҳали ишидан хурсанд эмасди, диссертацияси чала ётарди. Кўпчилик унга муғомбирона боқиб: «Худонинг куни кўп! Диссертация бўлса қочмайди, ёзилади!» деб пичинг отарди.

Иши юришавермаса одам бошини қайси тошга уришини билмай, гарангсираб қоларкан. Кундан-кун Шералининг қўли орқага кетар, олди-қочди гаплар зиғир ёғдек кўнглига урганди. Фақат Дилбарнинг ёнида кундалик машмашаларни унутар, кўнгли чироқ ёққандек ёришарди.

Дард устига чипқон деганларидек, Вали ака ҳадеганда касалхонадан чиқавермади. Лабораториянинг барча икир-чикирию борди-келдисидан тортиб қоғоз ишларигача Шералининг елкасига ағдарилди. Кун бўйи Зиёхоннинг қораси кўринмас, қайда, қандай юмуш билан юрганини ҳеч ким билмасди. Фақат Дилбар қўлтиғига кирар, унга кун бўйи ёрдамлашарди. Бирга ишлашган кунлари вақт қандай ўтиб кетганини сезмай қолишарди.

Шералини маъмурият ташвишларига ҳам торта бошлашди. Карима опа ҳам унга ҳар хил топшириқлар берадиган одат чиқарди. Энди у лабораторияда камдан-кам кўринар, ўпкасини қўлтиқлаб гоҳ у идора, гоҳ бу идорага елиб-югурар, ишларига қўли тегмас, бироқ опага эътироз билдирилмасди.

Илмий кенгаш учун сариқ чақалик аҳамияти бўлмаган расмий хужжатларни қоралайвериб, охири жонидан тўйди. Бу орада институтнинг ўн ойлик ҳисоботини қўлтиқлаб Тошкентга ҳам бориб келди.

Тошкентдан қайтиб, ҳали нафасини ростлашга улгурмасдан, яна Карима опа уни йўқлатди. Опа бу гал уни хушмуомалалик билан қабул қилди. Тошкентнинг об-ҳавосини, йўлда қийналган-қийналмаганини, кимларни кўргани, кимлар салом айтганини бир бошдан бафуржа суриштирди.

— Министрликдагилар ҳеч нарса дейишмадими?— сўради у ниҳоят суҳбатга яқун ясамоқчи бўлиб.

— Ҳеч нарса,— жавоб қилди Шерали.

— Янгилик бор,— деди опа жилмайиб.

Шерали опани зимдан кузатди.

— Эртага яна Тошкентга жўнайсиз.

— Нега?

— Сизни кўтараяпмиз. Бухородаги филиалимизга раҳбарликка...

Шерали ҳанг-манг бўлиб қолди. «Бир оғиз ўзимдан сўрамасдан-а?»

— Опа, мен ҳали... лойиқ эмасман...

— Камтарлик қилмай қўяқолинг. Сизни лойиқ топдик. Министрлик тасдиқлайди.

— Тажриба нима бўлади? Министрликдагилар билишарди-ку.

— Нимаси?— деди опа қуруққина.— Ҳеч гап йўқ-ку чоғи. Министрга рапорт ёзиб юборувдим.

— Нима деб?

— Тажриба натижа бермади деб...

— Йўғ-е!— Шерали кафтларини столга тираб, ўрnidан турди.—

Ахир... Нега?

— Шошилишч сўраб қолишди.

— Маслаҳатлашсангиз бўлмасмиди?

— Билмабмиз шунини!— пичинг қилди опа.

Шерали, ҳаво етишмаётгандек бўғилиб, ташқарига отилди. «Та-

мом!— ўйлади у энтикиб.— Расво бўлибди. Қизиқ экан опа. Олим киши шундай қилиб ўтирса... Кимлар биландир алоқа ўрнатмоқчи бўлувди, ҳамкасбларини кўмакка чақириб, қарашларини ҳимоя қилмоқчи эди. Ҳаммаси қуруқ сафсата экан-да! Қурашиш учун эътиқод керак, ишонч керак! Нега ёздийкин рапортни? Шошилиш сўраб қолишганмиш... Фирт ёлғонлиги шундоқ сезилиб турибди!».

Шерали икки ўт ўртасида бодроқдай қоврила бошлади. Наҳотки шунча уринишлари сувга оқиб кетса? Бирор чорасини топиш керак! Ҳали унинг ишончи сўнмаган эди, тажриба натижасини умидворлик билан кутарди. Опа ҳар қанча жиғибийрон бўлмасин, Тошкентга бормасликка қасд қилди, жуда катта ишонч билан рухсатнома берган, елкасига қўлини қўйиб эшиккача кузатиб чиққан оққўнғил министрға бу аҳволда рўбарў бўлиш ўлим билан барабар эди. Тўғри, аввалига министрға йўлиқиб, ундан яна ёрдам сўрамоқчи, рапорт уйдирмалигини сездирмоқчи бўлди, бироқ Карима опанинг тунд қиёфасини кўз олдига келтириб, елкаси тиришди, фикридан қайтиб, бўлган воқеаларни Камол Нурбоевга оқизмай-томизмай ёзиб юборди.

Орадан уч кун ўтди. Шерали ишдан мутлақо совиган, институтга гоҳ келар, гоҳ келмасди. Карима опа билан ўзи ўртасида бўлиб ўтган суҳбатни Дилбардан яширарди. Дилбар эса унинг ўзгариб қолгани сабабини тушунмас, бунчалик совуққон ва ҳафсаласиз бўлиб қолганлигидан ажабланарди.

Министрликдан қўнғироқ қилишгач, сир ошкор бўлиб қолди. Карима опа шу куниёқ Шералини ёнига чақиртирди.

— Нонкўрлик қиляпсиз!— деди у жизғанақ бўлиб.— Бу қандай гап? Ахир, министрликда кутишяпти-я, сизни!

— Опа, мен айтдим-ку, ахир...

— Менам бор гапни айтувдим. Эртагача муҳлат. Ўйлаб кўринг.

— Опа, мен бари бир ҳеч қасдқа боролмайман.

— Демак, бўйин товляяпсиз. Унда ариза ёзинг.

Шералининг қўл-оёғи бўшашиб кетди. Вужуди бўм-бўш бўлиб қолди.

— Майли, ёзаман,— деди у ниҳоят ютиниб.

— Эртагача ўйлаб кўришингиз мумкин.

Шерали чиқиб кетди. Кечгача мақсадсиз шаҳар айланди. Қуёш ботди, кўчаларда одам сийраклашди. Лекин у уйига қайтишни хаёлига келтирмасди.

(Давоми келгуси сонда)





Ҳаким Назир

о т а

ҲИКОЯ

Саратоннинг жазирама куни қон босими ошиб кетган Кабир ота касалхонага ётди. Уни қизи бошлаб келди. Қиз беморнинг ёстиғи, чойшабини тўғрилаб, чой келтириб, тепасида парвона бўларкан, ота дуо қилиб, деди:

— Барака топгин, болам. Сени берган худойимдан ўргилай. Энди бор а қол. Тузукман. Ойингдан хабар ол...

Қизнинг кетишга қўнгли бўлмаб, хийла вақт отасини елпиб ўтирди. Бениҳоя иссиқдан оғир нафас олаётган чол сал тинчиб, кўзига уйқу илингандай бўлди. Унинг яқинидаги каравотда ётган, ёш бўлса-да соқоллари ўсиқ йигит қизга қараб:

— Бораверинг, отангизга биз қараб турамыз,— деб қўйди.

Қиз ночор қўзғалди. Кечга яқин тугунча кўтариб яна келди. Тўшакка қапишиб эрталабдан буён туз тотмай ётган отасига ялиниб-ёлвориб овқат ичираркан, отаси:

— Мазали бўпти хўрда. Ўзинг пиширдингми, қизим?— деб сўради.

— Ҳа... йўқ, ойм,— деди қиз шошиб.

— Ойинг?...— Чолнинг хаста овозида ва оқарган узун қошлари остига ботган хира кўзларида негадир ажабланиш сезилди.

Қош қорайиб, палатада чироқ ёқилгач, отасининг зўри билан қиз чиқиб кетди.

Эртаси ҳам қиз кун бўйи отасининг олдида бўлди. Олий мактаб талабаси, олифта кийиниши билангина эмас, ҳаё-ибоси билан ҳам кўзга яқин бўлган бу ажабтовур, нозик-ниҳол қизнинг ўз отаси ёнидан кетмаслиги палатадагиларни ҳайратлантирарди. Чолнинг хотини нима учун келмайди? Бошқа фарзандлари йўқмикан? Бор бўлса оғир касал отани наҳотки шу қизчагагина ташлаб қўйишса?..

Бир куни, кечаси билан безовта бўлиб чиққан отага соқоли ўсиқ йигит қараб турган эди, эрталаб рафиқаси Мавлуда хола келди. Қизи анча ўқишдан қолгани, бугун имтиҳонга кетгани учун эрига ўзи қараб турмоқчи бўлибди. Рангининг рўпаклиги, оёғини аранг судраб босишидан бу кекса аёлнинг ўзи ҳам носоғ эканлиги кўриниб турарди. Кўзини очолмай лохас ётган чол хотинига тетик кўринмоқчидай қаддини кўтаришга интилдию, мадори етмади. Хотинининг: «Тузукмисиз, отаси?»— деган саволига, Кабир ота:

— Худога шукур, яхши қараб туришинпти, барака топкурлар. Ўзингиз қалайсиз, онаси? Чакки келибсиз-да,— деди ачиниш билан. Кейин сўради:— Зарифжондан дарак борми? Тушимга кириб чиқди...

— Кўп ўйлагансиз-да, отаси. Келиб қолар...

Мавлуда хола елпигични олиб, эрини елпишга тушди-ю, бирпасда қўли толиқиб ҳаракатга келмай қолди. Буни пайқаган зийрак чол кўзи юмуқ ҳолда хотинига илтижо қилди:

— Бўлди, онаси, бедармон нарса уриниб қоласиз. Бора қолинг...

Чол-кампирнинг сўзлари ва ҳаракатларига разм солиб ётган соқоли ўсиқ йигит Неъматжон ортиқ тоқат қилолмади. Уридан туриб, аёлни ўз яқинига имлади, термосдан чой қуйиб берди, чолнинг кўзи уйқуга кетганини билиб, Мавлуда холага шивирлади:

— Кечаси отам алаҳлаб: «Зарифжон! Зарифжон» деб чиқдилар. Ўғлингиз бўлса керак-а, у? Ҳозир қаерда?..

Чет одамнинг кутилмаган саволидан хола эзилди.

— Беадаблик қилган бўлсам узр, холажон. Мени бегонасираб тортиняпсиз. Ота кўзимга иссиқ кўриняптилар. Қелганларидан бери сўрашиб танишай дейман, гоҳ худ-гоҳ бехудлар...— Неъматжон оғир зотилжам бўлиб уч ойдан бери шу ерда ётганини айтиб берди.

Шундан кейин Мавлуда хола эрига меҳрибонлик қилаётган кўнгли очик йигитдан сир бекитиб ўтирмади.

... Кабир ота Мавлуда холанинг кейинги эри эди. Олдинги эри суоқ оёқ чиқиб, маст-аласт келиб, қилдан қийиқ ахтариб жанжал чиқарар, ўртадаги икки гўдакнинг ўтакасини ёрарди. Саёқ юрсанг, таёқ ейсан, деганлари тўғри гап экан. Охири ишдан ҳайдалди, пианиста ўртоқлари билан жиноят устида қўлга тушиб узоқ муддатга кесилиб кетди.

Мавлуда хола хотини ўлган машҳур бинокор уста Кабир отага текканида ўғилчаси Зарифжон ўн ёшда, қизчаси Раъно уч ёшда эди. Биринчи хотинидан фарзанд кўрмаган уста икки гўдакка бағрини кенг очди, катта қилди, ўқитди. Болаликдан анча қобилиятли бўлган Зарифжон ўрта мактабдалик чоғидан шеър ёзабошлади. Университетнинг юридик факультетида ўқиб юрганида кўп тиражли газетада шеърлари чиқарди, «Шоир Зарифий» деб ном қозонди. У яна сўзамоллиги билан кўпчиликни ўзига қаратар, катта-кичик йигинларда шеър, мақоллар қўшиб нутқлар сўзлаганида тенгқурларининг ич-ичидан ҳаваси келарди. Университетни муваффақиятли битиргач, илмий ишга муккасидан кетди. Бундан икки йил бурун «Инсонлик қонунлари» деган мавзуда диссертация ёқлаб, кандидат бўлди. Давраларда Зарифжоннинг илмю одобини мақташганида буни эшитган Кабир отанинг кўнгли тоғдай кўтарилиб кетар, асранди ўғил тарбияси учун сарфлаган меҳнатлари беҳуда кетмаганлигига минг баъд шукур қиларди. У Зарифжонни диссертация ёқлаган йилиёқ севган қизига катта тўй-томоша қилиб уйлантириб қўйди. Кўп фурсат ўтмай Зарифжон хотини билан университет ўқитувчилари турадиган янги уйга кўчиб кетди. Унинг бу ишига онасининг ҳеч раъйи бўлмаса-да, Кабир ота: «Қўявер, онаси, эски уйда тургилари келмаса, ихтиёрлари. Ҳоҳлаган жойларида яшашсин. Нима бўпти, ораси икки қадам экан. Бот-бот хабарлашиб турсак бўлди-да», деди. Дастлабки ойларда Зарифжон билан келин ота-онадан ҳафта-ўн кунда хабар олиб туришарди.

— Бора-бора десангиз, иним...— Мавлуда хола ўпкаси тўлиб жим қолди. Чол бир маромда ухламоқда эди. Неъматжон, у ёғи нима бўлди, дегандек тикилиб тураркан, Мавлуда хола сир ҳўрсиниб, давом этди:— Худо совутдими, бандаси совутдими, келиб-кегишлари сийраклашди. Бунга ўғлим иш билан банд бўлиб қолганини сабаб қилиб кўрсатди. Чинданам унинг иши кўп экан. Икки-уч ерда дарс бераркан. Бунинг устига қайсидир идоранинг йўлланмаси билан тез-тез жойлар-

га бориб лекция ўқиб тураркан, «Бир бошинга шунча иш зарур келдими болам, буёқда хотининг ишлаяпти, нималаринга етказолмайсанлар-а?» десам, Зарифжон кулиб: «Э, ойижон-е, соддасиз-да, фақат пул учун ишлайди деб ўйлайсизми?— деб қўя қолди. Бир кун иса келиним: «Ўғлингизнинг юриш-туришида ҳаловат йўқ. Эрта азондан қора тунгача кўчадалар, бурниларидан тортса йиқилгудай бўб келадилар. Мақсадлари тезроқ пул йиғиш-у, машина олиш», деб оғзидан гуллади. Болам ўзини ўтга-чўтга уравериб, бир фалокатга учрамасайди, деб юрагим туздай ачиб кетди. Жуда соғинганимда ўзим бориб кўриб турардим, оёғимга бод келиб, юргизмай қўйди. Эшик тиқ этса қараб кунига ўғлим, келинимни кутаман. Кўзларим йўлида нигорон, юрагим торс ёрилай дейди. Хавотирга тушаман. Шунда отаси: «Кўп ичиқаверманг, онаси, хизматлари кўпдир, фурсати билан келиб қолишар» деб қўядилар. Ўзлари қурилишдаги ишлари билан овунадилар.

— Кабир отам пенсияга чиқмаганларми?

— Чиққан бўлсаларам бари бир қақриб туришади. Кейинги йилда тоблари қочиб кўпроқ уйда қоладиган бўлувдиларки, ўғилнинг узоқлашгани билиниб қолди. Айниқса, бошлари ёстиққа етгандан буёғига... Дадасиминан менга қарайдиган — битта қизгинам. Шу бечорага қийин бўб кетди. Ўқиши ҳам оро йўлда қолмасайди...

Мавлуда холанинг ҳикоясидан қаттиқ таъсирланган Неъматжон:

— Ҳозир қаерда экан ўғлингиз?— деди, гўё шу чоғ тошбағир ўғилни ёқасидан тутиб келишга чоғлангандай.

— Сафарга кетяпман, деганди бир келганида.

— Қачон келган эди? Отасининг касалини билганмиди?

— Ҳа, бир ҳафта бурун қизимдан чақиртирган эдим. Отаси тоби қочиб ётувдила. Кўришиб, бирпас сўзлашди-да: «Дориларингизни ичиб туринг. Тузалиб кетасиз бобой, бир чеккаси қарилик»— деб қўйди. Мен унга: «Шундай деяпсан-у, болам, отангнинг йўсуни бу гал бўлакчароқ» дедим. «Э, ваҳма қилманг, оёй, отам унча-мунча дардни кўрдим демай енгиб келганлар», деб юпатди. Ҳамроҳлари билан самолётга билет олар экан, чойга ҳам турмади...

— Қаерга кетганини билмайсизми, хола? Палата врач и ҳам қизиқаётувди, унга айтиб дарров чақиртирардик.

Мавлуда хола у ёғини айтолмади.

Неъматжон палата эшигига бориб ҳамширани чақирди, ундан ўз кийимларини келтириб беришларини илтимос қилди.

— А, кийимни нима қиласиз, бемор?— деди ажабланиб ҳамшира.

— Гузарга чиқиб келаман, бир соатгагина...

— Қанақа қилиқ бу, бемор!— деди заҳраси учган ҳамшира.— Тинч ётинг. Оғир касал тортгансиз. Врач ҳали ташқарига чиқишингизга рухсат бермайди.

— Соқолни олдириб келай. Қаранг, маймунга ўхшаб кетдим-ку...

— Ҳечқиси йўқ, биров сизни куёв қилмоқчи эмас,— деб ҳазил қилганча ҳамшира ўз ишига алақасиди.

Неъматжон умиди узилиб, каравотига тап этиб ўтирди-да, ўзига ортиқча юк бўлиб ҳеч ярашмай турган от гўрва соқолини тутамлаганча сал фурсат хаёл сурди. Ўзича бир нимани аҳд қилиб қўйди-да, ўрнига чўзилди.

Мавлуда хола безовталаниб ихроқ тортган Кабир отага қошиқда сув ичириб, уни гоҳ ўнг, гоҳ чап қўлда елпишга тушди.

Кечга яқин Раъно келди. Курсидан йиқилай деб тўкилиб ўтирган онасини бир нима деб койиди. Мавлуда хола касалхонага келишини қизига билдирмаган экан. Раъно, онасининг «Ўтдингни, қанақа ўтдинг?» деган саволига, «Ўтдим-да» деб дудмол жавоб қилдию, уни қўлтигидан суяб коридорга бошлади. Неъматжон уларнинг кетидан

чиқди. «Ойингизни ўзим машинага ўтқизиб келаман» деб Раънони қолдирди-да, холани етаклаганча ҳовлига юзланди.

Неъматжон бир соатча ўтиб қош қорая бошлаганда лип этиб деразадан ўзини палатага урди. У соч-соқслини олдириб, бутунлай ихчам, ёш, ёқимтойгина бир йигитча тусига кирган эди. Тагин ҳамширадан балога қолмайин деб каравотига узала тушди-да, чойшаб билан юзини бекитиб олди. Лекин узоқ ётолмади. Гузардан эшитиб келган гапи қулоғидан нари кетмасди: Неъматжон соч олдира туриб, сартарошни гапга солди. Сартарош Кабир отани, унинг ўглини яхши таниркан. Утган ҳафта Зарифжон соч олдиргани кирганида, Фарғонага лекция ўқигани кетаётганини айтган экан.

Неъматжон касалхонага ошиқди. Палата врач кетиб қолган. Бошқаларга айтишдан фойда борми? Тонини кутишдан ўзга чора йўқ. Бироқ отанинг ҳоли оғирлашапти. Ухтин-ўхтин тили гўлдираб: «Зарифжон! Зарифжон!» дегани эшитилиб қолади...

Навбатчи врачнинг маслаҳатига кўра Раъно отасининг ёнида қолди. Ҳар икки-уч соатда ҳамшира кириб, беморни укол қиладиган бўлди. Неъматжон ҳам уйқуни тарк этди. Эрталаб палата врач келган заҳоти Неъматжон кеча ўзи қилган ўзбошимчалиги учун узр сўради-да, отанинг ўгли кетган жой адресини билдирди. Шу оннинг ўзидаёқ почтага қўнғироқ қилиб, шошилишч телеграмма жўнатишди. Зарифжондан шу куни ва эртаси кечгача ҳам дарак бўлмади. Кабир ота энди одам танимас, кўз очишга мажолсиз, фақат бир нималар дея пичирларди. Яқиндан тинглаган киши «Зарифжон!» деб такрорлаётганини пайқарди холос. Неъматжон унинг қулоғига: «Отажон, ўглингиз келяпти!» деган эди, Кабир отанинг кўзи ярқ этиб очилиб кетди. Шу кўзи очиклигича жон берди...

Қатта жамоат йиғилиб, бу азиз одамни чуқур ҳурмат билан охириги манзилга элтишди.

Дафн маросимидан сўнг Кабир отанинг қадрдон дўстлари унинг уйига қараб боришаётган эди. Шунда уларнинг ёнларидан қора кўз-ойнакли басавлат бир йигит яп-янги жигаранг «Жигули» ҳайдаб ўтди. Тез ўтган бўлса ҳам уни қариялардан бири таниди:

— Ана, устанинг ўгли келди!

— Ростданми, Розикбой? — деди ёнидагиси, — Агар Зарифжон бўлса, машинасини аста ҳайдаб, саломлашиб ўтмасмиди.

— Қайси бети билан саломлашади, мулла Шоди!..

— Ҳа, дарвоқе, Розикбой... Устани шу адо қилди. Гап бор-ку: етим кўзи асрасанг оғзи-бурнинг мой қилур, етим бола асрасанг оғзи-бурнинг қон қилур...

— Тавба денг, мулла Шоди, гапни мундоқ орқа-ўнгига қараб гапиринг. Менинг ўғлим Елқинни биласиз-ку, уни етимхонадан олиб боққанман-а! Мана, худога шукур, ўз изимни босди. Икки болалик бўпти, ҳали ҳам изимдан чиқмайди, барака топкур.

— Кўнглингизга олманг, Розикбой, дўстимга куйганимдан гапирдим-да! Раҳматлик шу болага бутун эътимодини қўйиб, чирогимни шу ёқади, дерди. Аттанг, аттанг. Олимликни ёқлагани билан, инсонликни юқтирмабди-да ўзига...

— Олим эмиш. Виждонини занг босган кўрнамак, денг. Бўлмаса онаизорию, падари бузрукворини оғир пайтда ташлаб қўярмиди!..

Қариялар қадамларини илдамлатишди. Улар, марҳумга фотиҳа ўқиш билан бирга, кўрнамак ўғилнинг виждонини зангдан тозалайдиган икки оғиз сўз айтиб, юракларини бўшатишмоқчи эди...

1979 й.



Чингиз Айтматов



Асил РАШИДОВ таржимаси

ҲИССА

Уғлим Асқарга

*Оқсой, Кўксой, Сариқсой — кезмаган ер қолмади,
Лекин ҳеч бир ўлкадан ўхшашинг тополмади...*

Қирғиз халқ қўшиғи.

□

Иовга элтди чопар шум хабар:

«Уғлонлар қалбига санчилмиш ханжар...»

«Иов» китобидан.

□

*Қайта-қайта даласин шудгор қилар қўшчилар,
Қайта-қайта сепадилар ерларига уруғ, дон,
Қайта-қайта ёмғир билан сийлар, уларни осмон...
Умид билан ер ҳайдайди одамлар,
Умид билан уруғ сочар одамлар,
Умид билан денгиз кетар одамлар...*

*«Тхерагатха» 527—536. Қадимги Ҳиндистон ада-
биёти ёдномаларидан.*

1

С овқотиб, дағал шол рўмолга ўраниб олган муаллима Инкамол опа география дарсида Цейлон ҳақида, океаннинг Ҳиндистонга яқин қирғоқларида жойлашган ўша афсонавий орол ҳақида ҳикоя қилар эди. Цейлон мактаб харитасида бепоён ерга нисбатан бир нуқтадай кўринар эди. Лекин қулоқ бериб тингласанг, нималар йўқ у ерда: маймунлар ҳам, филлар ҳам, бананлар ҳам (қандайдир мевалар), дунёда энг яхши чой ҳам ва ҳар хил ёввойи мевалар, нотаниш ўсимликлар ҳам бор. Ҳаммасидан ҳам у ер шундай иссиқки, йил бўйи бемалол яшайвер: этик ҳам, қалпоқ ҳам, пайтаваю пўстин ҳам керак эмас. Утинни-

ку, умуман кераги йўқ. Шундай бўлгач қуврай териб келиш учун далага боришнинг ҳам ҳожати йўқ. Бурнинг ерга тегай деб шох-шабба, ўтин орқалаб келишнинг кераги йўқ. Мана сенга ҳаёт! Маза қилиб юравер, хоҳласанг офтобда исин, хоҳласанг сояда ёт. Цейлонда кечаю кундуз ҳаво иссиқ, роҳат-фароғат, ёзнинг ниҳояси йўқ. Хоҳлаганингча чўмиласан, иста — эрталабдан-кечгача. Зериксанг туяқушларни қувла, туяқушлар бор, албатта бор, ўша ерда бўлмай қаерда бўлсин бу каттакон ва овсар қушлар. Цейлонда ақлли қушлар ҳам бор, марҳамат: тўти. Хоҳласанг уни тутиб сайрашга, кулишга ўргатасан, яна рақс тушишга ҳам. Нима қипти, тўти шундай қушки, у ҳамма нарсани эплайди. Айтишларича, шундай тўтилар ҳам бор эканки, ҳатто ўқишни ҳам билармиш. Овулдагилардан кимдир ўқийдиган тўтини Жамбул бозорида кўрган экан. Унга газета тутсанг шариллатиб ўқиб ташлайвераркан...

Ҳа, Цейлонда нималар йўқ дейсан, қанақа мўъжизалар. Ҳеч нарсани ўйламай бемалол яшайвер, муҳими, бой плантатор кўзига кўринмасанг бас. Унинг қўлида қамчи. Қул мисоли цейлонликларнинг елкаларига солиб қолади, золим! Қулоқ чаккасига қарсиллатиб туширсанг, кўзларидан олов чиқиб кетса. Қамчисини тортиб олиб, ўзини ишлатсанг. Эксплуататорлар-у капиталистлар эркалигини йиғиштириб қўйсин, бошқа гап йўқ; ўзинг учун ўзинг ишла, ўз чоригингни ўзинг судра, вассалом! Ахир, ўшалардан фашистлар келиб чиқади-да... Мана уруш ҳам ўшаларнинг иши... овулимиздан қанча киши ҳалоқ бўлмади фронтда. Онам ҳар кун ийғлайди, ҳеч нарса демайди-ю йиғлайди, отамни ўлдириб қўйишларидан қўрқади. Қўшни хотинга эса: бир фалокат бўлса, қаерга бораман тўрт болам билан,— дейди...

Совуқдан жунжикиб, болаларда бошланган йўтал тўхташини тоқат билан кутиб турган Инкамол опа Цейлон, денгизлар ва иссиқ мамлакатлар ҳақидаги ҳикояни давом эттирди. Султонмурот гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай (ўта ажойиб тасвирлар эди-да ўша ўлкалар) Цейлонда яшамаётганига ич-ичидан афсус қиларди. «Ана сенга ҳаёт!» ўйлар эди у кўз қири билан дераза томонга қараб-қараб қўяркан. У буни қойиллатарди. Гўё муаллиманинг сўзини тинглаётгандай бўларди-ю, ўзи эса деразадан кўз узмасди. Аммо ташқарида ҳамма нарса аввалгидай, ўзгариш йўқ эди. Ёгингарчилик. Бўралаб қор ёғарди. Қор учқунлари деразага урилиб шитирларди. Ойналарни муз қоплаб хиралашган. Деразаларнинг замаскалари кўпчиб, ҳар-ҳар жойидан кўчиб сиёҳга беланган дераза тоқчасига тушиб ётарди. «Цейлонда замасканинг ҳам ҳожати бўлмаса керак,— ўйларди у. Нима кераги бор? Деразанинг ўзи ҳам керакмасдир, ҳатто уйлар ҳам. Битта чайла қуриб, тепасига япроқлар ташлаб яшайверасан...»

Деразадан доим шамол уриб турарди, ҳатто ром тирқишларидан ҳуштак чалиб ўтаётгани эшитиларди ҳам. Деразанинг ўнг ёнбоши айниқса совуқ бўларди. Чидашга тўғри келади. Дераза ёнига уни Инкамол опанинг ўзи ўтқазиб қўйган. «Сен, Султонмурот,— деган у,— синфда энг бақувватисан. Сен чидайсан». Авваллари совуқ тушгунга қадар, бу жойда Мирзагул деган қиз ўтирарди. Уни Султонмуротнинг жойига кўчирдилар. У ер унчалик совуқ эмас. Шундай бўлса ҳам Мирзагулни шу ерда, шу партада қолдирганлари яхши эди. Чунки, Султонмурот совуқни бари бир тўсган бўларди ва ёнма-ён ўтиришарди. Энди бўлса танаффус пайти ёнига борсанг қизариб кетади. Бошқалар билан гаплашиб, туравери-ю Султонмурот келиши биланоқ қизариб қочиб қолади. Орқасидан қувиб юриш номаъқул. Кулгига қолади. Бу қизлар ҳар хил уйдирмалар тўқишга жуда уста. Дарров ёзувлар пайдо бўлади: «Султонмурот+Мирзагул=икки ошиқ». Бир партада ўтиришганда-ю, ҳеч гап-сўз бўлмасди...

Ташқарида гупиллаб қор ёғарди. Ҳаво очиқ кунлари синф хонаси-дан туриб қарасанг, кўз олдинда доим тоғлар. Мактабнинг ўзи ҳам тепаликда, овулдан анча баландликда жойлашган. Овул пастда, мактаб тепада. Шунинг учун бу ердан, мактабдан туриб атрофни кузатиш осон. Узоқдаги қорли тоғлар худди расмдагидай кўринади. Ҳозир эса қоронғида уларнинг ғамгин ҳолати зўрға кўзга чалинарди.

Қўл ҳам, оёқ ҳам увишиб қолади. Ҳатто белинг совқотади. Эҳ синфимизнинг совуқлигини. Авваллари, урушдан олдин, қуритилган қўй қийи билан иситиларди мактаб. Худди кўмирнинг ўзи: зўр ёнарди. Энди бўлса похол олиб келишади. У печкада гур этиб ёнади-ю, ҳеч қандай иссиқ бермайди. Бир-икки кун ўтгач похол ҳам тугайди. Ундан фақат кул қолади.

Афсуски, Талас тоғлари табиати иссиқ ўлкаларникидай эмас. Табиати бошқача бўлганида яшаш ҳам бошқачароқ бўлармиди? Ўз филларимиз бўларди. Худди буқаларни миниб юргандай филларни миниб юрардик. Нима бўпти, қўрқиб ўтирмасдик. Биринчи бўлиб ўзим қоқ калласига, худди дарслигимизнинг расмидагидай, қулоқларининг ўртасига миниб олардимда, овул бўйлаб айланиб юрардим. Одамлар ҳар томондан: «Қаранглар, чопинглар, Султонмурот, Бекбойнинг ўғли, фил миниб юрибди!» дейишарди. Ана ўшанда Мирзагул кўрардию, ҳаваси келиб афсусланарди балки... Ўзига зеб берганини қара-ю! Яқинига йўлаб бўлмайди. Аччиғи чиқса маймун билан газета ўқийдиган тўти топади. Уларни фил устига, орқасига ўтиргизиб қўяди. Жой етади, филнинг елкасига бутун синф болалари билан ўтирса бўлади. Рост! Буни биров айтмаса ҳам билади.

Тирик филни у ўз кўзи билан кўрган, буни ҳамма билади, тирик маймунни ва бошқа хил йиртқичларни ҳам кўрган. Бу ҳақда овулда ҳамма билади, ўзи неча марта айтиб берган. Ҳа, ўшанда омади келиб, уларни кўрган эди...

Урушгача, нақ урушдан бир йил олдин бўлиб ўтган эди унинг ҳаётидаги бу унутилмас воқеа. Унда ҳам ёз эди. Пичан ўришаётган эди. Унинг отаси Бекбой ўша йили Жамбулдан шу ердаги МТСнинг нефть складига ёнилғи таширди. Ҳар бир колхоз ёнилғи ташиб келишга транспорт ажратиши керак эди. Отаси ҳазиллашиб ўзини-ўзи мақтаб қўярди: мен дер эди, оддий аравакаш эмасман, балки, баҳоси йўқ аравакашман, менинг учун, менинг отларим учун ва аравам учун колхоз ҳукуматдан ҳақ олади. Мен, дейди, колхоз ҳамёнига даромад келтирарман. Шунинг учун бухгалтер кўрган жойида отдан тушиб салом беради...

Отасининг араваси фақат керосин ташишга жиҳозланган эди. Кузовсиз, шундоқ тўрт филдирак устида темир қисқичларига ўрнатилган иккита темир бочкаю, олд тарафда, энг олдинда, аравакаш ўтирадиган жой. Араванинг бор-йўғи шу. Аравакашнинг жойига икки киши ўтирса бўлади, аммо уч кишига торлик қилади. Лекин отлар шундай зўрки, улардан яхшироғини тополмайсан. Ажойиб, бақувват эди отасининг отлари.

Бурул ахта Чоптор ва тўриқ ахта Чонтор. Уларга урилган жабдуқ ҳам пишиқ, ҳам лоп-лойиқ. Хомутлари бойваччаларникидай ноёб, кўндан қилинган абзаллари арава мойи билан мойланган. Минг тортсанг ҳам узолмайсан. Бундай узоқ йўлда ўзи шундай бўлиши ҳам керак-да. Отаси пишиқ, тартибли иш қилишга ўрганган. Доим отларни бир маромда йўрттирарди. Чопдор билан Чонтор баъзан ёлларини силкитиб, бир маромда чопиб, худди иккита балиқ баравар сузаётгандай солланиб келардики, томоша қилиш гаштли эди. Одамлар филдирак товушларини узоқдан эшитиб: «Бекбой бу, яна Жамбулга кетяпти»,— дейишарди. Бориш-келиш учун икки кун кетарди. Бекбой орқага қайтар

экан юзлаб километр йўл босганга сира ўхшамас, одамлар ҳайрон қолишарди. «Бекбойнинг араваси худди рельсларда юрадиган поезднинг ўзгинаси!». Улар бекорга ҳайратланмасдилар. Толиққан ёки сўлиги ўйнаган уловни арава гилдиракларининг овозидан ҳам пайқаса бўлади. Енингдан ўтгунча жонингни суғуриб олади. Бекбойнинг отлари эса доим енгил йўргалайди. Балки, шунинг учун ҳам энг қийин сафарларни унинг зиммасига юклашар.

Масалан, ўтган йили, энди ўқиш тугаб, таътил бошланганида отаси шундай деб қолди:

— Хоҳлайсанми, шаҳарга олиб бораман?

Султонмурот азбаройи қувончидан, нафаси бўғзига тикилай деди. Бўлмаса-чи? Отаси унинг шаҳарни кўришни кўпдан бери орзу қилиб юрганини қаердан билдйкин? Ахир у ҳали шаҳарда бирор марта ҳам бўлмаган. Қойил иш бўлди-да!

— Аммо сен бу ҳақда яна мақтана кўрма,— айёрона кўрқитиб қўйди.— Бўлмаса укаларинг шундай жанжал кўтаришадими, қимирлолмай, бирор жойга боришдан бенасиб бўласан.

Тўғри гап, ундан уч ёш кичкина Ажимурот ҳеч нимада ва ҳеч қачон унга ён бермайди. Эшакдай қайсар. Гоҳо, Ажимуротнинг дастидан, отаси уйдалигида ҳатто унинг олдига ҳам боролмайсан. Отасининг елкасидан тушмайди. Гўё ёлғиз у бор-у, бошқалар ҳисоб эмас. Иккита кичик сингиллари, улар ҳали қизча эдилар ўша пайтлар, ўшалар ҳам йиғи-сиғи билан аранг ота меҳрига муяссар бўлишарди. Қўшнилари ҳам ҳайрон, намуноча бу кичиги отасига ёпишмаса деб. Арууқан момо қаттиққўл, чўп-устихон, қалтироқ товушли аёл, ундан ҳамма кўрқади. Ана шу кампир бир эмас, бир неча марта қоқшол қўллари билан Ажимуротнинг қулоғини бураб огоҳлантирди:

— Сен шумтаканинг отангга ёпишиб олганинг яхшилик аломати эмас! Ер юзида бир фалокат рўй берадиганга ўхшайди! Бу қандай гап-ки, ўғил бола тип-тирик отасини соғиниб юрса! Бу қанақа бола ўзи! Ҳой одамлар, мана мени айтди дерсиз, бу бола бизларнинг бошимизга бир балони ёғдиради!

Онаси гудраниб, туф-туфлаб қўйиб, Ажимуротнинг танглайини кўтариб қўярди-ю, аммо Арууқан момо бежиз айтмаган экан. Шундай бўлди ҳам. Ажимуротга қийин бўлди. У энди кап-катта, учинчи синфда ўқийди, бировга билдирмайди, айниқса онаси олдида ўзини тутати-ю, аммо ўзи ҳамон йўл пойлайди, отани бугунми-эртами фронтдан қайтишига илҳақ. Ётиш олдидан пичирлаб, худди катталардай, кечки дуосини ўқийди: «Художон, художон, ишқилиб эртага отам қайтиб келсин». Ҳар кунни шу аҳвол. Қизиқ, ўзича ухлаб турса ҳамма нарса ўзгаради-ю, мўъжиза юз беради деб ўйлайдим.

Лекин агар отаси урушдан эсон-омон қайтиб келса, майли уники; фақат Ажимуротники бўла қолсин. Майли у Ажимуротни қўлларидан, бошидан туширмасин. Фақат келсин-да. Ишқилиб нима бўлса ҳам у билан эсон-омон юз кўришсин. Унга, Султонмуротга ана шу бахтнинг ўзи етарли. Отаси қайтса бўлгани.

Отаси Чуй каналидан қайтиб келганида уйларида содир бўлган ҳув ўша воқеанинг яна такрорланишини у шундай хоҳлардики. Қурилишга, отаси бурунги йили ёзда кетган эди, ўшанда ҳам аравакаш бўлиб беш ойга кетган эди. Ёз бўйи ва кузи билан ўша ерда тупроқ ташиганди. Стахановчи бўлган эди.

Уйга эса намозшомда кириб келди. Тўсатдан ҳовлида гилдирак товушлари эшитилди, отлар пишқириб қолди. Болаларнинг ҳаммаси ҳовлига отилишди. Отаси! Қорайиб худди лўлига ўхшаб қолган, озиб-тўзиб соч-соқоли ўсиб кетган. Усти-боши ҳам, онаси кейин таърифлаганича дайдиларникига ўхшарди. Фақат этиклари яп-янги хром. Ажи-

мурот биринчи бўлиб югуриб бориб отасининг бўйнига осилади, ёпишиб олиб маҳкам қучоқлаб олади-ю, сира қўйиб юбормайди, шу куйи йиғлаб бир сўзни такрорлайди:

— Отажон, отажоним, отажон...

Отаси уни бағрига босаркан, ўзининг ҳам кўзларига ёш қалқийди. Қўшнилар чиқишади. Икковига қараб улар ҳам йиғлашади. Онаси бўлса довдираб қолган, беихтиёр, айланиб-ўргилиб юрибди. Ажимуротни отасининг бағридан олмоқчи бўлади:

— Отангни қўйиб юбор энди! Етади! Сен бир ўзинг эмассан. Бошқалар ҳам кўришсин. Қанақа ақлсизсан-а, худойим-эй, қара, одамлар кўришишмоқчи...

У бўлса парвойи фалак...

Султонмуротнинг ичидан нимадир узилиб томоғига копток каби қадалиб қолгандай туюлди. Оғзи шўрлаб кетди. Тагин ҳеч қачон ва ҳеч нимага йиғламайман дейди. У шу заҳотнёқ ўзини қўлга олди. Тетикланди.

Дарс ҳамон давом этарди. Инкамол опа энди Ява, Борнео, Австралия ҳақида ҳикоя қиларди. Яна ажойиб ўлкалар, мангу ёз. Тимсоҳлар, маймунлар, пальмалар ва ҳар хил нотаниш нарсалар. Кенгуру бўлса ғаройиблар ғаройиби! Боласини қорнидаги халтасига солиб олиб, югуриб юраверади. Зап ўйлабди кенгуру, таниқроғи табиат...

Мана кенгуруни у кўрмаган. Кўрмаган нарсани — кўрмаганман дейиш керак. Афсус. Лекин филни, маймунни ва бошқа ҳайвонларни яқиндан томоша қилган. Қўл чўзса етадиган ердан.

Уша куни, отаси уни ўзи билан шаҳарга олиб кетишини айтганида у еру кўкка сиғмай юрди. Тоқатсизланганидан, қувонганидан тарс ёрилиб кетгудай бўлди, аммо, у бу ҳақда бировга айтишга журъат қилолмасди. Агар Ажимурот билиб қолса катта тўполон чиқарди: нега Султонмуротга мумкин-у, менга мумкин эмас, нега отам уни ўзи билан олиб кетади-ю, мени олиб кетмайди? Шунинг учун ҳам беҳад қувонч ва эртанги саёҳатни кутиш туйғулари укаси олдида қанлайдир айбдорлик ҳислари билан қўшилиб кетгандай эди. Нима бўлса-да, бўлажак воқеа ҳақида укалари ва сингилларига айтиб юборишига озгина қолди. Жуда айтгиси келарди. Аммо отаси ва айниқса онаси бундай қилмасликни қайта-қайта уқтиришганди. Майли кичиклар у йўлдалигида билишсин. Шундай бўлгани тузук. У ана шу сирни базўр сақлади. Улиб қолай деди сир тутаман деб. Аммо ўша куни у шундай серҳаракат, ҳаммага шундай сертакаллуф, шундай жонкуяр эдики, ҳеч қачон бундай бўлмаганди. Ҳамма ишни қилар, ҳаммасига улгурар эди. Бузоқчани ҳам жойига элтиб арқонлаб келди, томорқадаги картошкани ҳам чопди, кир юваётган онасига ҳам ёрдамлашди, энг кенжа синглиси Алматы лойга йиқилиб тушганида уни ювинтирди ва яна бошқа ҳар хил ишларни ўринлатди. Қисқаси, ўша куни у сидқидилдан ишладикки, ҳатто онаси ўзини тутиб туролмай бошини чайқаганча пиқиллаб кулиб юборди.

— Мунчалик ўзгариб қолдинг?— деди табассумини аранг яшириб.— Қани энди доим шундай бўлсанг, бу бахт-ку! Кўз тегмасин ишқилиб. Балки сени шаҳарга юбормаслик керакдир? Сен менинг ажойиб ёрдамчим бўлиб қолибсан.

Лекин буни онаси шунчаки айтган эди ҳолос. Ўзи эса ҳамир қориб йўлга нон ёпар ва ҳар хил егулик ҳозирларди. Ёғни эритиб, уни ҳам йўлга ҳозирлаб шишага солиб қўйди.

Кечқурун бутун она жам бўлишиб самовар атрофида иссиқ нон ва қаймоқ билан чой ичишди. Жойни эса ҳовлига, ариқ бўйидаги олманинг остига солишган эди. Отаси кичкинтойлар қуршовида ўтирарди — бир ёнбошида Ажимурот, бошқа ёнида қизалоқлари. Онаси чой

қуяр, Султонмурот эса пиёлаларни узатиб, самоварга кўмир ташлаб турарди. Буларнинг ҳаммасини у иштиёқ билан бажарарди. Ҳақиқат эса мудом эртага шаҳарда бўлишини ўйларди. Отаси бир-икки марта у тарафга кўз қисиб ёмо ҳам қилиб қўйди. Укаси олдида озмунча муғам-бирлик қиляптими, ахир.

— Хўш, Ажике,— чой ҳўплаб туриб у кичик ўглига юзланди,— Қораёлингни ҳали ҳам минишга ўргатмадингми?

— Йўқ, ота,— шикоят қила бошлади Ажимурот.— У жуда асов чиқиб қолди. Орқамдан худди кучукчадай эргашиб юради. Мен унга овқат бераман, суғораман, бир марта ҳатто мактабимизга ҳам эргашиб борди. Дераза тагида туриб танаффусга чиқишимни кутди, бутун синфимиз кўрди. Аммо ҳеч миндирмайди устига, дарров отиб юборади, яна шаталоқ отади.

— Уни минишга ўргатмоқ учун сенга ҳеч ким ёрдам қилмаяптими?— маслаҳат солгандай бўлди отаси, ўзини иш билан банд қилиб кўрсатгандай.

— Мен уни ўргатиб бераман, Ажике,— шайланиб тургандай жавоб қилди Султонмурот.— Албатта ўзим ўргатиб бераман...

— Уре-й!— деганча ўрнидан ирғиб турди укаси.— Кетдик!

— Қани жойингга ўтир-чи!— шаштини қайтариб қўйди онаси.— Тек ўтир. Одамларга ўхшаб чой ичиб олинглар, кейин улгурасизлар.

Ҳақ Ажимуротнинг икки ёшли ёқимтой хўтикчаси устида борарди. Уша йили баҳорда уни болаларга (она томондан) тоғаси Нурғози инъом қилганди. Ёзгача хўтикча ажабтовур ўсди, кучга тўлди. Узунқулоқни эгарга, ишга ўргатиш учун уни минишга кўниктириш вақти келган эди. Ахир хўжаликда эшак доимо керак — ҳали тегирмонга, ҳали ўтин-чўпга, ҳали майда-чуйда нарсаларга дегандай. Шунинг учун ҳам Нурғози тоғаси унга совға қилганди. Аммо биринчи кунданоқ Ажимурот эшакни ўзиники қилиб олди. Ужар, тўполоңчи бола эшакка шундай ғамхўрлик қила бошладики, бирор кишини унинг яқинига ҳам йўлатмас эди. Сал нарсага — хўтигимга тегманглар! Мен уни ўзим боқаман, ўзим уни суғораман!— дерди. Бир марта ана шу хусусда ака-ука уришиб қолишди. Онаси тўнғичини жазолади, чунки кичиги мушт еган эди. Ушандан буён Султонмуротнинг алами ичида эди. Хўтикчани минишга ўргатиш пайти келганда у ўзини четга олди: модомики сеники экан, ўзинг ўргат минишга, мени тинч қўй, ишим йўқ. Худди шу ишда у устаси паранг бўлганига қарамай, чап берди. Болалигидан унинг кўзи пишиб, эпчил бўлиб қолган. Асовларни итоат қилдиришни у яхши кўрар эди. Бу ҳам худди кураш — ким кимни бўйсундиришдай гап. Қўшнилариинг барча тойчоқларини, буқалари-ю хўтикларини ҳаммаша у минишга ўргатди. Ёш ҳайвонларни одатда эпчил болалардан бири ўргатади минишга. Катталарнинг вазни оғирлиги йўл қўймайди бунга. Одамлар Султонмуротга одатда бундай илтимослар билан ҳурмат қилиб келишарди: «Султонмуротжон, вақтинг бўлса бизнинг буқани минишга ўргатиб берсанг». Ёки: «Султаке, азизим, бизнинг ҳангининг бир ақлини киритиб қўй. Елкасига пашшани қўндирмайди, тишлаб, ўзини ҳар ёққа отгани-отган».

Бу ишда у ана шунақа таниқли эди, аммо ўз укасига йўқ деди, бунинг устига бир-икки марта укаси ардоқли эшагидан йиқилиб пешонаси ғурра бўлганида кулиб мазах қилди. Ажимуротнинг жиғига ҳам тегди:

— У орқангдан худди итдай чопиб юради ҳали! Сен ҳали кунингни кўрасан ундан!

Эҳ, укасини ранжитиб роса номаъқулчилик қилган экан-а. Фақат отаси ишора қилгандан кейингина тушуниб етди. У мана шунақа тентакнамо эди, кичкина укалари олдида ярашмаган қилиқларни қилиб

юрарди. Мана энди, шаҳарга борадиган бўлиб қолганида, укаси буни билмасди, виждони шундай қийналардики, ҳатто шу заҳоти укаси олдига бориб кечирим сўрашга, у нима деса шуни бажаришга тайёр эди.

Чой ичиб бўлишгач, отаси билан томорқалари ортидаги ўтлоққа йўл олишди. Аввал атрофдаги ҳамма тошларни териб бир ёққа олиб ташлашади. Кейин Қораёлни (Ажимурот ўз эшагини тантанавор шундай атарди) жиловлашга олиб келишди. Отаси Қораёлни қулоқларидан ушлаб турганида Султонмурот эпчиллик билан унга нўхта урди.

Кейин иштонини яхшилаб кўтариб олди. Ахир осон ишга бел боғламаган эди-да. Аммо шу ернинг ўзидаёқ цирк томошалари бошланди. Ажимуротнинг қўли остида эркин яшаб юрган Қораёл ёмон қилиқ чиқариб олишга улгурган экан. Дарров шатта отиб, орқа оёқларини кўтариб ўзини ҳар ёққа ота бошлади. Бу узунқулоқ чавандозни эгардан отишнинг ҳавосини олган эди. Аммо ҳеч нарса қила олмади. Султонмурот йиқилар, аммо дам ўтмай яна ўрнидан туриб олар, қорни билан Қораёлни устига ётиб олиб кейин яна бир ҳаракат билан унинг белига миниб оларди. Эшак бўлса яна бўйсунмас, яна йиқилиш, яна миниш...

Буларнинг ҳаммасини Султонмурот чаптастик ва ҳатто қувонч билан бажарарди. Ҳамма гап йиқилишни билишда! Нима учун одамлар отдан ва туядан кўра эшакдан ёмон йиқиласан дейишади? Аксинча бўладигандай-ку. Сир шундаки, йиқилаётиб қўл билан тушишга улгуриш керак бўлади. Отнинг баландлиги; туянинг ундан ҳам баландлиги, йиқилаётган кишининг мўлжал олиб улгуришига имкон беради. Эшакдан эса тажрибасиз чавандоз қондек гуп этиб қулаганини ўзи ҳам билмай қолади...

Буни Султонмурот ўз тажрибасидан биларди. Бунинг учун ташвиш қилишнинг ҳожати йўқ эди. Шовқин солишиб, хурсандчилик қилишиб, қий-чув кўтаришди. Отаси қорнини ушлаб, ичаги узилгудай куларди. Шовқин-суронни эшитиб болалар келиб қолишди. Уларнинг ичида кимнингдир кучукчаси ҳам бор экан. У ҳам тўс-тўполонни кўриб, ўзини иштирок этиши керак деб ҳисоблаб, вовуллаб, Қораёлнинг кетидан кува кетди. Эшак бўлса қўрққанидан яна ҳам шаталоқ отди. Султонмурот эса ҳамманинг ҳавосини келтириб худди осоваихимовчиларга ўхшаб чавандозлигини кўрсата кетди. Чопиб бораётган Қораёлнинг устидан сакраб тушиб яна миниб олар эди.

Урушдан олдин осоваихимовчи — отлиқ аскарлар қишлоқ Совети олдидаги ўтлоқда мана шундай машқ қилишар эди. Овулларидаги йиғитларнинг бари ишдан кейин машқ қилишарди. От устида чопиб бораётиб новдаларни кесиб ташлашарди. От устидан йўл-йўлакай ўзларини пастга отиб, яна миниб олишарди. Уларни значоклар билан мукофотлашар. Жуда чиройли значоклар: занжирли, винт билан бураб қўйиладиган. Болаларнинг роса ҳаваси келганди. Улар осоваихимовчилар машқини томоша қилгани доимо чопқиллаб келишарди. Улар ҳозир қаерда экан? Отлари устидами ёки окоплар ичидами? Отлиқ армия ҳозир урушда қўлланилмайди дейишади...

Султонмурот дераза ташқарисига қаради-ю, ўйлаб қолди: отлар қишда совқотишади, танкларга эса писанд эмас. Лекин бари бир от яхши!

...Роса томоша бўлган эди ўшанда. Тез фурсатда Қораёл тинчиб қолди. Узидан нима талаб қилишаётганини тушунди: одимлаб йўрғалаб, даврани айланаб юра бошлади...

— Энди миниб ол,— укасини чақирди Султонмурот,— миниб чопавер, ҳаммаси жойида!

• Гурурдан қизариб кетган Ажимурот, товони билан Қораёлни тешиб

у ёқу бу ёққа чоптира бошлади — унинг қандай абжир акаси борлигини ҳамма кўрса-ю, мақтанмай бўладими!

Оқшом ёруғ тортиб, узоқ вақт қоронғилашмай турди. Чарчаб, мамнун бўлиб қайтишди. Ажимурот онасига кўрсатиш учун ҳовлига Қораёлни минган ҳолда кириб борди. Шундан кейин у ҳеч нимадан шубҳаланмай дарров ухлаб қолди. Султонмурот эса ухлаёлмади. Эртага шаҳарда бўлишини, у ерда нималар кўришини ва уни нималар кутаётганини ўйларди. Кўзи уйқуга кетаётиб отасининг онаси билан паст товущада суҳбатлашаётганини эшитиб қолди.

— Ўзимга қолса унисини ҳам олиб кетардим, иккалови бўлса яна гаштли бўларди,— деди отаси,— фақат жой йўқ бу шайтон аравада. Энг олдинда бочкаларнинг устида ўтирасан. Йўл бўлса узоқ, болакай мудраб гилдирак остига тушиб кетиши мумкин.

— Нималар деясан!— қўрқиб кетди онаси,— худо кўрсатмасин, бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтирма, кераги йўқ. Кейин бир кун олиб борасан. Сал катта бўлсин. Сен унисига ҳам эҳтиёт бўл. Катта бўлиб қолди дейсан, қаёқда ҳали...

Султонмуротни ширин уйқу элтган эди, ота-онасининг паст овоздаги суҳбатини тинглаш ҳам мароқли, эртага эрталаб, саҳар туриб отаси билан йўлга тушишини ўйлаш ҳам мароқли эди... Кўзи илинаётганда ҳам юраги орзиқиб, учининг беҳад гаштли эканлигини сезиб ётарди. Қизиқ, у учини қаердан ўрганди. Юрмоқ, чопмоқ ва сузмоқ одамларга хос нарсадир. У бўлса учиб юрибди. Қушга ҳам ўхшаб эмас. Қушлар қанотларини силкитишади. У бўлса қўлларини ёзди-ю, бармоқлари учини қимирлатди, холос. Учганда ҳам бир текис, эркин учди, қаердан ва қаерга бориши номаълум, сокин ва «қулиб» турган бўшлиқда учиб юрарди... Ё руҳи учарди, ёки туш кўрарди.

Отаси елкасига қоқиб:— Тур, Султонмурот, йўлга тушамиз,— деб секингина қулоғига шивирлаганида у қўққисдан уйғониб кетди:

Ўрнидан сакраб туриш олдидан бир лаҳза отасининг қулоғига тегиб турган дағал мўйлови, унга қарата айтган сўзлари падали бузрукворга нисбатан қат-қат меҳр ва миннатдорчилик туйғуларини жўш урдириб юборганлигини қалбдан ҳис этди. У бир кун келиб соқоллари юзига тегишини, худди ўшандай «Тур, Султонмурот, йўлга тушамиз» деган сўзларини қўмсашини ҳали билмас эди.

Онаси аллақачон оёққа қалқиган эди. У ўғлига ювилган кўйлак тутди, бошига каттароқ кўк, худди бошлиқларникидай фуражкани кийгизиб қўйди. Отаси уни ўтган йили Чуй каналидан олиб келган эди. Асраб қўйилган ботинкаларни ҳам отаси каналдан олиб келганди.

— Қанч кийиб кўр-чи, қисмайдими?— деди онаси ботинкаларни тутиб.

— Йўқ, қисмаяпти,— деди Султонмурот ботинка оёғини сал-пал қисаётганига қарамай:— ҳечқиси йўқ, кенгайиб кетади ҳали.

Улар онаси билан хайрлашиб ҳовлидан чиқишганида ва керосин арава шақирлаб катта тошлоқ ариқдан ўтганида Султонмуротнинг юраги қувончдан ҳаприқиб, отларнинг туёғидан сахраётган муздек сув заррасидан этлари жимираб кетди ва тушида эмас ўнгида ростакамига шаҳарга кетаётганини ҳис этди.

Ёзги субҳидам худди шаффоф шарбатдай қўйила бошлади. Қуёш ҳали узоқ-узоқларда, оппоқ қорли тоғлар ортида эди. Бироқ у аста-секин яқинлашиб, кўтарилиб, тоғлар ортидан ногоҳ ярқираб чиқишга тайёрланар эди. Ҳозирча эса, туни билан салқинлашиб қолган йўлда сукунат ва соф ҳаво ҳоким. Афсус, уларни овулдан чиқиб кетаётганини болалардан ҳеч қим кўрмади-да. Фақат итларгина гилдирак товущини эшитиб, чекка-чеккадан, мудроқ аралаш ҳуриб қўйишарди...

Йўл адир бўйлаб борар, узоқдан бинафша рангдаги унча баланд

бўлмаган тизма тоғлар қўйнига кириб борарди. Уша ёқда, ўша узоқ тоғлар ортида Жамбул жойлашган. Улар ўша ёққа кетишяпти. Туйган отлар бир текисда дадил йўртиб борар, гўё эгар-жабдуқнинг ҳам, хомутларнинг ҳам унга алоқаси йўқдай, одатдагидай пишқиришиб ва кўзлари устига тушиб турган ёлларини селкиллатганча лўкиллаб боришарди. Йўл уларга яхши таниш, бу йўллардан неча марталаб ўтишган: хўжайинлар ўз ўрнида, жилов унинг қўлида, ёнидаги болакай ҳам қалдронлари, бегона эмас, оғирлиги ҳам тушаётгани йўқ...

Улар шу маромда яхшигина йўл босиб, дунёдаги барча аравалар сингари шақир-шуқур, ғичир-ғичир овоз чиқариб боришарди. Қуёш шу тобда ён томондан, тоғлар орасидаги бўшлиқдан мўралай бошлади. Нур ва ҳарорат терга ботган отлар елкасига ҳаво тўлқинидай сокин ва майин таралди. Энди нур қўйнида Чопдор бедана тухумидай бурултусга кирди. Чонтор эса тагин ҳам тиниқлашиб, оч-тўриқ рангга бўялди; нур ва ҳарорат отанинг буғдой ранг ёноғига ҳам қўниб, қисилган кўзлари атрофида қалин ажинларни чуқурлаштирди. Жилов тутган қўллари эса яна ҳам йирик ва чайир кўринарди; нур ва ҳарорат отларнинг туёқлари остида югурган оқимдай йўлга тўшалди; тан ва кўзларга кўчди; нур ва ҳарорат жумлаи жаҳонга ҳаёт ато этарди...

Шу сафар тонгида Султонмурот қалбида илиқ, қувончли ва эркин ҳислар ҳукмрон эди.

— Қалай, уйғондингми?— ҳазиллашди отаси.

— Аллақачон,— деди ўғил.

— Ундай бўлса, ушла буни,— жиловни унга тутди.

Султонмурот миннатдор жилмайиб қўйди, у шуни сабрсизлик билан кутаётган эди. Ўзи сўраса ҳам бўлар эдики-я, аммо яхшиси отасининг ўзи маъқул кўрган пайтда бергани яхши. Бу унча-мунча иш эмас, катта йўлда юриш-а! Отлар тизгинни бошқа қўлга ўтганини сезиб, норози бўлгандек қулоқларини чимириб, йўртиб бораётиб бир-бирларини тишлай бошлади — худди ҳукмронлик занфлашган айни пайтда галаён кўтаришга ва уришишга қарор қилгандай. Аммо Султонмурот дарҳол ўзини кўрсатиб қўйди.— Жиловни силтаб тортганча қичқирди:

— Чу! Сенларга айтаман! Чу!

Агар бахт одамга бир марта nasib қилса сафарда Султонмурот буни тўла ҳис қилди. Унинг кайфияти бирор дақиқага ҳам бузилмади. Отаси ёнида ўтираркан, у ўзини ҳар нарсага қодир деб ҳисобларди. Бу кайфият йўл бўйи уни тарк этмади. Шақир-шуқур керосин арава бошқа бировни ҳатто ақлдан оздириб қўйиши мумкин эди, аммо унинг учун эса бахт-шодлик қўнғироғи эди. Арава остидан кўтарилаётган чанг ҳам, ғилдираклар ғилдираб бораётган йўл ҳам, бир маромда туёқ ташлаб бораётган отлар ҳам, қорамой ва тер ҳиди анқиб турган абзал ҳам, бош устида сузиб юрган оппоқ парқу булутлар ҳам; атрофдаги, шабнамга чўмилган кўм-кўк, бинафша ранг дала чечаклари ҳам; йўллардаги кечиб ўтиладиган сойликлар-у ариқчалар, дуч келган отлиқлар-у аравалар ҳам гоҳ олдинга, гоҳ орқага енгил учиб, баъзида эса шундайгина отларнинг тумшуғи тагидан учиб ўтаётган қалдирғочлар ҳам — ҳамма-ҳаммаси бахт ва гўзаллик рамзи эди. Бироқ у булар ҳақида ўйламасди, зотан бахт бор жойда у ҳақда ўйламайдилар. Султонмурот дунёнинг худди шундай тузилганини, бундан яхшироқ бўлиши мумкин эмаслигини ҳис қилди. Унинг отаси ҳам шундай, ундан яхшироқ бўлиши мумкин эмас.

Мана, ҳатто сариқтўш, қорабош дала қушларининг йўл бўйидаги тикан ва буталар шоҳига қўниб олиб, ўша бир оҳангдаги сайраши ҳам бежиз эмас. Ким учун сайраётганини билишади ўзлари. Султонмурот уларни қанчалик яхши кўришини ҳам билишади. Бу қушларни сарайфирлар деб аташади. Шундай деб аталишига сабаб улар бир умр ўз-

ларининг сайроқ овози билан аллақандай саман айғирни шоширар эмиш: «Чу, чу, сарайғир! Чу, чу сарайғир!» Галати қушлар сарайғирлар. Бироқ улар ҳар тилда ҳар хил сайрар экан. Бир куни овулга киномеханик, хушчақчақ рус йигит келиб қолди. Султонмурот унга парвона бўлиб қоробкаларга солинган ленталарни ташишди, кечқурун эса бунинг учун у биринчи бўлиб динамомашинасини айлантириш бахтига муяссар бўлди. Динамомашинада электр токи ҳосил қилинади, токдан эса лампочкалар ёнади, лампочкадаги нур эса оппоқ экранга тушади, экранда эса жонли тасвирлар.

Шунда ўша киномеханик унинг сайрашини эшитиб, сўраб қолди:

— Девор ортида сайраётган қушнинг номи нима?

— Бу сарайғир,— тушунтирди унга Султонмурот.

— У нима деб сайраяпти?

— Чу, чу, сарайғир!

— Бу нима дегани?

— Билмадим. Русчасига: «Но-о, но-о, жёлтый жеребец!» дегани бўлса керак.

— Биринчидан айғир сариқ бўлмайди, ҳа, майли. Аммо нима учун тинмай: «Чу, чу, сарайғир» дейди?

— Чунки, бу қушчанинг хаёлида худди сариқ айғирга миниб тўйга кетаётгандай туюлар экан, юриб, юриб ҳеч манзилига етолмаётгандай бўларканда ҳадеб «Чу, чу, сарайғир!» деб қичқирар экан.

— Мен бўлсам бошқача эшитган эдим. Айтишларича, сарайғир бозорда қарта ўйнаган ва уч сўм ютиб олишига сал қолган. Шунинг учун ҳам: «Чуть, чуть три рубля не выграл!»— деб сайрар экан. Энди ўша уч сўмни ютиб олмагунича сайрашини қўймас экан.

— Қачон у ўша пулни ютиб олади?

— Ҳеч қачон. Худди, тўйга етиб боролмагандай пулни ҳам ҳеч қачон ютолмайди.

— Ана холос...

Ҳақиқатан, кўринишдан оддийгина қушча-ю аммо жуда машҳур экан.

Йўл бўйи сарайғирлар сайраб туришарди. Султонмурот уларга жилмайиб:

— Кетдик бирга, бозорга бориб уч сўмни ютиб оламиз!— дерди.

Улар эса тинмай сайрашарди: «Чу, чу, сарайғир!»— бошқа гал эса: «Чуть, чуть три рубля не выграл!» деб жиғибийрон бўлиб сайрашарди.

Султонмурот тезроқ, тезроқ, шаҳарга шошиларди. Қуёш энди тоғларнинг тепасига келиб қолган эди. Султонмурот отларни тезлатди:

— Чу, чу, сарайғир!— Бу сўзларни у Чопдорга айтди. Чу, чу тўрайғир!— бунисини эса Чонторга қарата айтди.

Отаси уни сал қайтариб қўйди:

— Қичаб ҳайдама. Отлар ўз маромини билади. Керагида чопади ҳам, керагида ўзини асрайди ҳам.

— Уларнинг қайси бири яхши, ота, Чопдорми ёки Чонтор?

— Иккаласи ҳам яхши от. Йўрғалашда ҳам, кучда ҳам. Худди машинадай ишлашади. Фақат парвариш қилиб, ўз вақтида ем-хашак бериб турсанг бўлди — ҳеч қачон доғда қолдирмайди. Ишончли отлар. Утган йили ана шу Чуй каналида батқоқ жойда ишладик. Аравалар юки билан гупчагича ботиб қолар эди. Гоҳо шундай ўтириб қолардики баъзиларини ҳеч қаёққа силжитиб бўлмасди. Дод деб юборгинг келарди. Дарров чошиб келишарди — қутқар деб. Илтимос қилишарди. Йўқ деб бўлармиди? Чонтор билан Чопдоримни олиб келиб аравага қўшардим. Биз ҳайвон деймиз-у улар ақлли, уларни бекорга бошқа аравага қўшмасликларини, ёрдам қилишлари кераклигини тушунади.

Ҳамчинни кўп ишлатмайман, фақат овоз чиқариб қўяман — улар бўлса, ишқилиб абзаллари чидаса бўлди, тиззалаб бўлса ҳам аравани тортиб чиқаради чуқурдан. У ерда, Чуй каналида, уларни ҳамма биларди: омадинг бор экан сени. Бекбой деб ҳавас қилишарди. Балки шундай-дир, фақат отларга яхши қараш керак, ана шунда омад ҳам келаваради.

Чопдор ва Чонтор ишбилармонлардай лўкиллаб, ўша бир маромдаги йўргасида борар, гўё гап улар ҳақида эмасдай эди. Отлар қоринбоғларни ва қулоқларигача терлаб-пишиб ҳамон аввалгидай ёлларини селкиллаб йўл пашшаларини кўнишига имкон бермай боришарди.

— Ота, қайси бири катта, Чонторми ё Чопдорми?— отасидан сўради Султонмурот.

— Чонтор уч ёш катта. Чонторнинг кексайгани аста-секин билиниб қоляпти. Чопдор эса айни кучга тўлган вақти. Бақувват, чопқир от. У билан улоқда ҳам кўпларни доғда қолдириш мумкин. Олдинлари бунақа отни: йигитнинг қаноти дейишарди.

Султонмурот Чопдор учун қувонган эди, чунки Чопдор унга кўпроқ ёқарди. Ажойиб тусли — бурул, майда холли. Ўзи ҳам бадфеъл эмас, чиройли, бақувват.

— Менга Чопдор кўпроқ ёқади,— деди у отасига.— Чонтор баджаҳл. Кўзини олайтиргани-олайтирган.

— Баджаҳл эмас, аксинча ақлли,— кулимсираб қўйди отаси. У ишсиз қолиб зериктиришларини ёқтирмайди. У бир оз туриб яна қўшиб қўйди:— иккаласи ҳам яхши.

Ўғли ҳам маъқуллади.

— Икковиям яхши,— такрорлади у, отларни қистаб.

Бир оздан сўнг отаси деди:

— Қани, жиндай тўхтатиб тур-чи, тўхтат аравани.— Ўзи эса бемалол фурсат кутиб ҳуштак чалди.— Отларнинг сийгиси қистади, аммо айтишолмайди, сезиш керак.

Ҳақиқатан иккала ахта ҳам йўлни шовқинга солиб оппоқ кўпик сачратиб сия бошлади, қалин, майда, упадай чанг бўлиб кўпчиб лойга ботди.

Кейин улар яна йўлга тушишди. Йўл борган сари илгарилаб борар, тоғлар эса борган сари ортда қоларди.

Тез орада шаҳар четидаги боғлар кўриниб қолди. Кўчаларга жон кирди. Энди отаси жиловни олди. Тўғри қилди. Энди Султонмуротга отларнинг ҳам, жиловнинг ҳам қизиғи қолмаганди. Шаҳар бошланган эди. Ҳар хил бўёқ ва ҳидлар анқиган шовқин-суронли эди шаҳар. Гўё тўполон оқимга ташлаб қўйишди-ю, у бўлса айлантириб-айлантириб тўлқинлар домига илинтириб кетгандай эди.

Ана ўшанда, ўша бахтиёр кунда ҳеч кимга насиб қилмаган омад насиб қилди унга: Отчопарда, Жамбулнинг каттакон мол бозорида сайёр ҳайвонот боғи очилган эди. Ановини қаранг: одам умрида биринчи бор шаҳарга келса-ю, у умрида кўрмаган ҳар хил ҳайвонлари бор ҳайвонотхонага дуч келса, яна бунинг устига отўйин ва яна қийшиққинғир қилиб кўрсатадиган ойналар аттарақциони.

2

Кулги хоҳасига у уч марта кирди. Мириқиб кулиб, ўзини тўхтатиб олгач, яна қизиқ ва мўъжизакор ойналар олдига борарди. Ана башара, ана сенга найранг! Бир умр ўйлаб, минг қил, юз қил бари бир ўйлаб тополмайсан!

Таниш чойхоначига кўз-қулоқ бўлиб туришни тайинлаб аравасини қолдиргач, отаси уни бозор айлантиргани олиб кетди. Аввалига отаси

шу ерлик ўзбек ошнолари билан салом-алик қилишди. «Ассалому алайкум! Мана бу менинг катта ўғлим!»— таништирди Бекбой уни. Ўзбеклар ўрнидан туришиб ва қўлларини кўксига қўйишиб Султонмуротга юзланишди. «Дилкаш халқ!— деди отаси унга.— Ўзбеклар сенинг катта-кичиклигинга қарашмайди, доим иззат қилишади...»

Кейин савдо расталарига, магазинларга, энг муҳими ҳайвонотхонага боришди. Одамлар орасида туртиниб-суртиниб юриб ҳамма қафасларни ва хоналарни кўриб чиқишди. Фил, айиқлар, маймунлар, мартишқалар — нималар йўқ эди дейсиз...

Ҳаммасидан кўра Султонмурот кулранг, майсалари сарғайиб қолган тепаликка ўхшаган баҳайбат, гоҳ у оёғига, гоҳ бу оёғига оғирлигини ташлаб, хартумини ўйнатиб турган филни ёдида сақлаб қолди. Войбўй! Одамлар тўпланишиб филга термилишиб турар ва ҳар хил гапларни айтишарди. У сичқондан қўрқар эмиш. Жигига тегмаслик керак эмиш, худо кўрсатмасин, занжирларини узиб юборса борми, бутун шаҳарни парча-парча қилиб юборар эмиш. Ҳаммасидан ҳам Султонмуротга бир ўзбек чолнинг ҳикояси ёқиб тушди, у филни дунёда энг ақлли ҳайвон деди. Хартуми билан ўрмон ишларида баҳайбат ёғочларни кўтариш билан бирга, у яна ўша хартуми билан ёш болага илон ёки бошқа бирон бир хавф таҳдид қилса-ю, атрофда каттароқ кишилар бўлмаса, уни ердан даст кўтариб олармиш.

Бунақанги ҳикоялар отасига ҳам маъқул эди. У ҳайратланиб тилини чуқиллатиб қўяр ва ҳар сафар ўғлига дерди: «Эшитдингми? Дунёда қандай мўъжизалар бор!»

Албатта кулги хонаси ҳам эсида қолди. У ерда ўз устингдан хоҳлаганингча куласан...

Султонмурот бир неча қатор нариги партада ўтирган Мирзагулга назар солиб олди. «Сени ўша кулги хонасига олиб борсалармиди!— ҳазилкашлик қилиб ўйлади у.— Дарров бошқача бўлиб қолардинг, соҳибжамол! Узингни ўша ойнада кўрардинг-у, такаббурлигингдан асар ҳам қолмасди». Аммо у шу заҳотиёқ ўз фикрларидан уялиб кетди. Нега у ҳадеб унга осилаверади, у нима ёмонлик қилибди унга? Қиз деса қиздай, соҳибжамол, синфда ҳамма қизлардан гўзал. Нима қипти, бу гуноҳми! «Ёмон» олган кунлари ҳам бор.

Ўқитувчи дарс пайтида бир кун унинг ойнасини олиб қўйди. Ҳали севишишга эрта деди. Мирзагул уялганидан қип-қизариб кетди, йиғлаб юборишига сал қолди. У бўлса қизни ўйлаб нимагадир хафа бўлиб кетди. Нима бўпти, қандайдир бир ойна, эҳтимол у бехосдан унинг қўлига тушиб қолгандир...

Ўша тарафга яна бир қараб, Султонмуротнинг қизга раҳми келиб кетди. Мирзагул кўкариб кетибди, совуқдан ғужанак бўлиб олибди, кўзлари намчил ялтирайди, балки у йиғлаётгандир. Ахир унинг отаси ҳам, акаси ҳам фронтда... Султонмурот бўлса унинг ҳақида ёмон ўйларга бориб юрибди. Эҳ тентак, ростакам тентак.

Синфдагиларнинг кўпчилиги шамоллашдан йўталишяпти. Балки у ҳам йўталиб кўрар? У атайин йўтала бошлади; титраб, қийшанглай кетди. Нима қипти, ҳамма йўталапти-ку, уни қаери кам улардан? Инкамол опа унга маънодор кўз ташлаб қўйди ва яна тушунтира кетди.

3

Хайвонот боғи ва кулги хонасидан чиқиб улар чайқов бозори томон йўл олишди. Бу ердан совғалар сотиб олишди. Ажимуротга янги, чиройли, ялтироқ пўкак тўппонча олишди. Томоша қилиб тўймайсан, худди ростакамининг ўзи. Қизларга эса қандайдир рангли, юмшоқ резина коптоқлар. Резинасига туртиб қўйсанг бўлди, коптоқ гоҳ тепага,

гоҳ пастга сапчийди. Онасига рўмол олдилар ва яна бир хил ширинликлар...

Бутун бозорни айландилар, ҳамма нарсани кўрдилар-у лекин отўйинда учмадилар, отаси таклиф қилиб ҳам ўтирмади. Бу ёш болаларга, сен йигит бўлиб қолдинг, бир-икки йилдан кейин сени уйлаймиз деб ҳазиллашди. Отўйиннинг олдида бир оз туришди, айланишини томоша қилишди. Кейин отаси шошилтирди. Нефть базасига бориш керак, станцияга, бочкаларни тўлғизиб йўлга тушиш керак. Кеч кириб қолди. Ҳақиқатан улар нефть базасига етиб келишганида қуёш шаҳар ортига оғиб қолган эди. Шу ердан, шаҳар чети бўйлаб юриб, йўлдаги чойхонадан палов еб қоринларини тўйғазиб олишгач, уйга қайтишди. Қош қорая бошлаганида шаҳар четидаги боғларни ортда қолдириб яна ўша ўзлари кундузи шаҳарга кириб келган йўлга чиқиб олишди. Ёзги чечаклар ҳидига тўлиқ оқшом иссиқ эди. Йўл бўйидаги ариқда бақалар вақиллашарди. Отлар бир маромда қадам ташларди, тўла бочкалар билан чопиш осон эмас. Султонмуротни аста-секин уйқу элита бошлади. Чарчамай бўладими ахир — шундай ажойиб кун бўлдики бугун асти қўяверасан. Аммо афуски, аравада ҳўзилишга жой йўқ. Жуда ухлагиси келарди. Отасининг елкасига бошини қўйди-ю, Султонмурот бемалол ухлаб қолди. Ҳар замон-ҳар замон ўнқир-чўнқир жойларда кўзини очарди-ю, яна қаттиқ уйқуга кетарди. Ухлашдан олдин, ҳар гал ўйлаб қўярди.— Дунёда оталар борлиги қандай яхши. Отасининг бақувват елкасига бошини қўйиб ухлаш хотиржамлик ва кўнгил тўқлик бахш этарди. Арава ҳамон тарақлар, ғижирлар, отлар тўғи дукурлар эди. Қанча йўл босганларини Султонмурот эслай олмайди, фақат арава бехосдан тўхтади. Ҳамма нарса жимиб қолди. Отаси уни қўлига кўтариб олди-ю, қаергадир олиб борди.

— Қандай зил-замбил бўлиб кетибди, кўтариб бўлмайди. Оғирлашиб кетганини-чи.— Ўғлини бағрига босиб тўнғиллаб қўйди у.— Кейин уни пичанлар устига ётқизиб устини фуфайка билан ўраб деди:

— Сен ухлайвер, мен отларни чиқариб ўтлашга қўйиб келаман.

Султонмурот кўзини очиб ҳам қўймади, шундай маза қилиб ухлардики, фақат яна ўйлади холос: дунёда оталарнинг бўлиши қандай яхши...

Отаси боғичини ечиб оёғидан ботинкасини олганида у яна уйғонди. Ботинкалар кун бўйи оёғини роса қисган эди. Отаси улар оёғини қисганини қаердан билди экан?

У яна ухлаб қолди, гўё ўзини оқим бағрига ташлаб сузиб кетаётгандай эркин ҳис қилди. Назарида шамол тўлқинлари майсазор бўйлаб яйраб, ўйноқлаб эсаётгандай туюлди унга. У ўша майса бўйлаб югурар, қўнғир ва ўша мавжланаётган майсазорга кўкдан беун юлдузлар ёғиларди... У ер-бу ерга жимгина ёнаётган юлдузлар тўкилар эди. Аммо у етиб келгунича юлдузлар сўниб қоларди. У туш кўраётганини сезарди. Гоҳ-гоҳ уйғониб тушовланган отлар кўм-кўк ўтларни илдири билан суғуриб кавшаётганини ва бўшатиб қўйилган сувлигини шилдиратиб ғарам ёнидан ўтаётганини эшитар эди у. Отаси ёнида ётганини, далада тунаб қолишганини билар ва кўзини очса чиндан ҳам осмондан тўкилаётган юлдузларни кўришга ишонар эди.

Аммо кўзини очгиси келмас, маза қилиб ухлаётган эди. Тун ярмида совуқ туша бошлади. Борган сари отаси сари сурила-сурила унинг биқинига кириб олди ва шунда отаси уйқу аралаш уни қучоқлаб маҳкам бағрига босди. Улар йўл бўйида, очиқ далада яп-яланғоч жойда ухлашарди. Бу сенга уйда юмшоқ болишда ётиш эмас...

Кейин у тез-тез юлдузли тушини эслаб юрди...

Шундоққина икки қадам нарида бир бедана тонггача жарангдор сайраб турди... Дунёдаги барча беданалар бахтли бўлсалар керак.

4

— Султонмурот, сенга нима бўлди?— Инкамол опа парта олдига келди. Султонмурот шундоққина уни пайқади.

— Узим, ҳеч нарса.— Гўё ўзини оқламоқчидай ўрнидан турди.

Синф ҳамон совуқ ва жимжит эди. Болаларнинг ҳиринг-ҳиринг кулгани, йўталгани эшитилди.

— Гоҳ беҳудадан-беҳудага йўталинг тутади, гоҳ берилган саволни эшитмай қоласан,— деб қўйди норозилик билан Инкамол опа, совуқдан елкалари қўнишиб.— Бор, яхшиси, похол олиб келиб, печкага ўт ёқ.

Султонмурот шайланиб тургандек, дарҳол ишга киришди. Бунақаси дарс пайтида ҳар доим бўлавермайди-да. Навбатчилар танаффус пайти похол олиб келиб печка ёқиб қўйишади-ю, аммо дарс вақтида бунақаси камдан-кам бўлади.

У отилиб зинапояга чиқди. Юзига қор аралаш шамол урилди. Эҳ, Цейлон эмас-да бу ер! Ҳовли этагидаги похол сақланидиган омбор томон чопиб кетаётиб, одан тушиб келаётган колхоз раиси Тиналиевни кўриб қолди. У фронтдан ярадор бўлиб қайтган. Еш бўлишига қарамай, бир томонга қийшайиб юради. Бир неча қовурғаси йўқмиш. Парашютдан ташлайдиган десантчилардан экан. Урушгача агроном бўлган. Аммо Султонмурот бунга эслолмайди. Урушдан олдинги ҳамма нарса энди бошқа бир дунёдек бўлганлигига ишонмайсан ҳам...

Султонмурот бир қучоқ похол кўтариб, эшикни оёғи билан туртиб очганча синфга кириб келди. Болалар бирдан жонланиб, шивир-шивир бошлашди.

Жим, алаҳсиманглар!— дея талаб этди Инкамол опа.— Султонмурот, сен шовқин кўтармай ўз ишингни бажар.

Печка ичида похол кули учқунлаб турарди. Уша учқун тепасига бир тутам похол солиб ёқиб юборди. Кейин яна ва яна похол тутамидан ташлади, печка гувиллаб ёниб кетди. Похол ташлаб туришга улгурсанг бўлгани. Синф хонаси яйраб қолди.

У орқасига ўгирилиб қарагиси, кимгадир афтини бужмайтириб кулдиргиси ва ҳар эҳтимолга қарши кимгадир, айниқса орқа партада ўтирган Онатойга мушт ўқталиб пўписи қилгиси келарди. У синфнинг энг каттаси, ўн беш ярим ёшда, уришқоқ, бунинг устига Мирзагулга тегажаклик ҳам қилади. Қани энди унга тилини кўрсатса. Ма, сенга, ма деб! Аммо бундай қилиш мумкин эмас, муаллимлари қаттиққўл. Ҳа, уни ортиқча хафа қилишни хоҳламайди. Нимагадир кейинги пайтларда унинг ёлғиз ўғлидан хат йўқ. У, артиллериячи командир. Опа ўғли билан жуда фахрланади. Эри бўлса урушдан олдин қайгадир гоёиб бўлган, қандайдир хунук воқеа содир бўлган. Ҳатто одамлар ҳам бу ҳақда ҳеч нарса гапиришмайди. Шунинг учун ҳам у овулга келиб ўқитувчилик қилипти-да. Угли Жамбулдаги педагогика билим юртида ўқиб юриб, ўша ердан фронтга кетди. Дераздан отлиқ почтальонни кўриши билан Инкамол опа болалардан бировини тўғри дарсдан чиқариб хатга чоптиради. Бола эса югуриб ҳовлига чиқади-ю, агар хат бўлса ўзида йўқ шод қайтади. Ҳатто келгуси сафар муаллиманинг хатига бориш учун навбат ҳам бор.

Хат келган кунлари байрам бўлиб кетади! Инкамол опа турган жойидаёқ хатга тезгина кўз югуртириб чиқиб, қоғоздан бош кўтарганида синфда гўё бошқа муаллима пайдо бўлиб қолгандай бўлади. Тутам-тутам оқ аралаш сочларини рўмоли остига чиroyли қилиб бос-тириб олган муаллиманинг шундай қувончга тўлганида хотиржам туриш мумкин эмас, унинг кўзларида ёш кўринганида юрагинг ачишмаслиги мумкин эмас.

— Ҳаммаларингга салом, болалар, каттакон салом! Оғаларинг соғ-саломат экан. Жанг қиляпти,— дейди у қалтироқ овозини босиб. У ўгли учун суюнаётганини бутун синфдан яширолмасди. Барча унга талпиниб, гўё унинг қувончини баҳам кўраётгандай чеҳраларига та-бассум ёйилади. Бироқ бир дақиқадан сўнг шундай дейди:— Энди бо-лалар машғулотиимизни давом эттирамиз.

Ана шундагина дарсининг энг ажойиб, энг яхши онлари бошлана-ди: унинг сўзлари таъсир кучини оширади, фикрлари фикр туғдиради, у нима ҳақда гапирса, тушунтирса, исбот қилса ҳаммаси ўқувчиларнинг ақлу юрагига жо бўлаверади. Унинг илҳоми жўшади-ю бутун синф сеҳрлангандек жим ўтиради...

Кейинги кунларда унга нимадир тинчлик бермасди, безовта қилар-ди... Балки, шунинг учун синфга илмий мудир ҳамроҳлигида колхоз раиси Тиналиев кириб келганда Инкамол опа астагина доска томон че-кинди. У болаларга юзланиб истар-истамас деди:

— Уриларингдан туриглар, болалар. Султонмурот, сен жойинг-га бор.

Султонмурот печка оғзини бекитиб, дарҳол ўз жойига йўналди. Келганлар саломлашдилар.

— Салом!— дея жавоб берди уларга бутун синф.

Уртага сергаклантирувчи жимлик чўкди. Ҳатто ҳеч ким йўталмади ҳам.

— Бирор воқеа юз бердими?— дея сўради Инкамол опа бўғилиб.

— Ҳеч қанақа ҳодиса юз бергани йўқ, Инкамол опа,— дея уни дарҳол тинчлантирди Тиналиев.— Мен бошқа иш юзасидан келган эдим. Болаларга гапим бор. Дарс пайтида кирганим учун кечиринг, ижозат берган эдилар,— деди у кекса илмий мудир томонга ишора қи-ларкан.

— Ҳа, муҳим гап бор,— деб таъкидлади илмий мудир ҳам.— Ути-ринглар, болалар.

Синф дув этиб ўтирди.

Тиналиев яқингинада — кузда фронтдан келганидан бери раислик қилаётган бўлса-да, уни ҳамма биларди, ўзи ҳам бу ерда ўтирганлар-нинг деярли барчасини танийди. Демак, танишиш учун келмаган. Бўл-маса, нега келади? Еттинчи синф ўқувчилари — бу қишлоқда кўзга кўриниб қолган. Уларнинг ҳар қайсиси билан қишлоқнинг ҳар бир жойида, уйда ҳам, идорада ҳам, йўлда ҳам гаплашиши мумкин. Аммо раиснинг болаларга муҳим гап айтиш учун атайлаб мактабга кели-ши — биринчи марта эди. Нима демоқчи, қанақа янгилик бор экан? Ёзда бошқа гап эди, ҳаммалари колхозда ишлашади, лекин ҳозир қан-дай гап бўлиши мумкин?

— Гап бундай,— деб сўз бошлади Тиналиев болаларнинг сергак юзларига диққат билан боқиб. У бир томонга қийшайиб туриши кўзга ташланмаслиги учун қаддини тик тутишга ҳаракат қиларди.— Макта-бингиз совуқ, аммо сизларга похолдан бошқа нарса билан ёрдам бе-ришга ожизман. Похол бўлса, ўзларингга маълум, гур этиб ёнади-ю ўчади. Илғарилари мактабни иситишга бериладиган таппини аввал тогдан орқалаб тушиб, кейин араваларга ортиб келинади. Утган йи-ли бу иш билан шуғулланишга одам ҳам, вақт ҳам бўлмади. Ҳамма фронтда, биласизлар. Мен икки тонна кўмирни яшириб қўйганман. Лекин бу кўмир темирчиларга керак. Кўмирни ҳам, темирни ҳам чай-қовчилардан сотиб олдим. Пайти келиб улар билан ҳисоблашармиз. Ҳозир эса шароит оғир. Утган йили икки юз гектар ерга кузги буғдой сеполмай қолдик, улгуролмадик. Ҳеч ким айбдор эмас. Уруш... Бироқ ҳамма жойда, ҳамма колхоз-совхозлар бизга ўхшаб ҳосилни вақтида йиғиштиролмаса, уруғликни сепиб улгуролмаса, ишни тугаллай олма-

са, унда душманни қандай енгамиз? Уларни енгиш учун нон ҳам, снаряд ҳам керак. Шу туфайли олдингизга келдим, болалар, ораларингиздан баъзи бировларингизга ўқишни вақтинча қўя туришларингизга тўғри келади. Ҳозир дам ғанимат, уловни баҳорги шудгорга тайёрлаш керак, от-уловларимизга эса қараб қўрқиб кетасан — рамақижон. Абзал-жабдуқни шай қилиш керак, улар ҳам тилка-пора бўлиб кетган, плугларни, сеялкаларни ремонт қилиш зарур, бари қор тагида ётибди... Бу гапларни айтаётганимнинг сабаби нима? Кузда эколмай қолган ерларимизга лалми экайлик. Буни қандай бўлмасин, фронтча қилиб айтганда, сўзсиз бажариш керак! Бу эса пландан ташқари, ўз кучимиз билан қўшимча икки юз гектар майдонни ҳайдаб, баҳорикор ғалла экиш деган сўз. Икки юз гектар!! Тушунапсизларми? Аммо, қани ўша куч, кимга суянайлик? Биз яна шундай қилишга қарор бердик: ўзимизда борларидан, баҳорги мавсумга тайёрланаётганлардан ташқари, қўшимча равишда, икки тишли плугчилар бригадаси тузамиз. Ўйладик, чамалаб кўрдик. Бу ишга хотин-қизларни жўнатолмас эканмиз. Ораси узоқ. Оқсойда. Одам йўқ. Ахири, сиз ўқувчилардан ёрдам сўрашга қарор қилдик...

Баджаҳл ва тунд, армиядан кийиб келган кулранг шинелини ечмай, кулранг қулоқчинда доим дийдираб юрувчи, ташвишдан юзлари жиддий, ҳали ёш бўлишига қарамай, бир томонига қийшайиб қолган, қовурғалари майиб, қачон қараманг елкасига дала сумкасини осиб юрадиган раис Тиналиев ана шундай деди...

География харитаси осиглиқ мактаб доскаси ёнида турган раис Тиналиев бу харитада одамлар бутун заминун денгизлар, жумладан, Цейлон, Ява, Суматра, Австралия сингари ёғ ичиб, яланғоч ётадиган ажойиб-ғаройиб иссиқ ўлкаларни ҳам сиғдира олган ўша харита олдида туриб ана шу алфозда сўзлар эди.

Иситишдан кўра ивирсиғи ортиқ похол ёқиб илтилаётган мактабда ана шу алфозда сўзлар эди раис Тиналиев. У узоқ Оқсойдаги юзлаб гектар қўшимча ерларга фронт учун баҳорикор ғалла экиш ҳақида гапираркан, унинг оғзидан ҳовур чиқиб турарди...

Ҳа, раис Тиналиев ана шундай деди...

Ташқарида ҳамон қор бўралаб, тирқишлардан ғўриллаганча совуқ ел кирар, симёғочга қантариб қўйилган, ҳурпайган отнинг шамолда депсиниб, бошини панана олишга интилаётган Султонмуротга кўриниб турар эди. Шамол отнинг ёлларини тўзғитар, мулойим думини бир ёнга итқитар эди. От бечора совқотган бўлса керак...

Ҳа, бу ер Цейлон эмас...

— Яхши кунда мен сизларни ўқишдан қолдирармидим,— деди Тиналиев.— Бу иложсизликдан. Ўзларинг ҳам тушунишларинг керак. Урушдан кейин, балки эртарақ омон бўлсақ, мен ўзим сизларни мактабга бошлаб келиб, ўқишни давом эттиришларингни илтимос қиламан. Ҳозир эса аҳвол мана шунақа...

Кейин илмий мудир сўзлади. Сўнгра яна Тиналиев гапирди. Охири синф жонланиб кетиб, болалар қўл кўтариб: «Мен бораман, ишлашга мен ҳам бораман», деб чуғурлаша бошлаганларида Тиналиев дарҳол аниқлик киритди:

— Кимда-ким раисга, ҳар қандай ўқувчи ҳам бўлаверади, деб ўйласа, адашади. Кимки ёмон ўқиган бўлса, у ёмон ишлайди. Иккинчидан, яхши ўқийдиган ўқувчининг кейинчалик етиб олиши осон бўлади. Мана сен. Султонмурот, синфдагиларнинг энг каттасига ўхшайсан...

Болалар шовқин кўтаришди:

— Ичимизда энг каттамиз Онатой. Яқинда ўн олтига киради!

— Мен ҳозир ёшини айтаётганим йўқ. Бўйи-бастаи ҳақида гапир-

япман. Муҳими, бу ҳам эмас. Мина сен, Султонмурот,— деб яна унга юзланди раис.— Сен ўтган йили полизда ер ҳайдагансан-а, шундайми?

— Ҳа,— дея жавоб қайтарди Султонмурот ўрнидан туриб.— Орол кўчасида ер ҳайдаганман.

— Икки тишли, тўрт от қўшилган сўқадами?

— Ҳа, икки тишли, тўрт от қўшилганида, лекин мен фақат ёрдам берганман, холос. У Сартбойнинг сўқаси эди, уни ўша кунлари армияга олишган, экин пайти эса ўтиб кетаётган эди, Чекиш оқсоқол кўмаклашишни илтимос қилди.

— Биладан. Шунинг учун ҳам гапни сендан бошладим-да,— деди раис.

Ҳамма ялт этиб Султонмуротга қаради. У Мирзагулнинг ҳам тикилиб турганини кўрди. Мирзагул унга, бошқаларга нисбатан ўзгача қараш қилди. Гап ўзи ҳақида бораётгандек, қизариб кетди. Бундан Султонмурот ўнғайсизланди. Ҳатто юраги дукиллаб ура бошлади.

— Мен ҳам полизда ер ҳайдаганман!— дея ўтирган жойидан бақирди Онатой.

— Мен ҳам,— дея қўшиб қўйди Эркинбек.

Яна кетма-кет овозлар эшитилди.

Тиналиев жим бўлишларини илтимос қилди.

— Келинлар, болалар, навбат билан гапирайлик. Бу ерда муҳим иш ҳақида гап кетяпти. Гапни ўқишдан бошлайлик. Сенинг ўқишинг қалай?— дея у яна Султонмуротга юзланди.

— Унчалик эмас,— деди Султонмурот.

— Нимаси унчалик эмас?

— Унчалик ёмон эмас.

— Яхши ҳам эмас,— деб қўйди шу пайтгача жим ўтирган Инкамол опа.— Мен унга сен бундан кўра яхшироқ, юз марта яхшироқ ўқишинг мумкин деб доим айтаман. У жуда қобилиятли. Лекин, ҳамма бало шундаки, калласи бўлмағур хаёллар билан банд.

— Ҳа-а,— деди раис ўйчанлик билан.— Мен умид қилган эдимки... Ҳа, майли. Сенинг отанг фронтда. Унинг учун ош-нон етказиб берадиган пайтинг келди. Сенинг ўқишинг-чи, Онатой?

— Меники ҳам шунақа,— деди Онатой хўмрайиб ўрнидан тураркан.

— Бундан чиқди, бир-бирларингиздан қолишмас экансиз-да,— деди кулиб Тиналиев, бир оз индамай тургач шундай деди:— Мактабга яна қайтганларингда ўқишнинг қадр-қимматини чуқурроқ тушуниб оласизлар. Биладан ўзимнинг бошимдан ҳам ўтган. Сал нарса бўлса, бор-э, ишламайман, дердик. Фақат ишлаш учунгина яшайдими одам? Сен нима деб ўйлайсан, Онатой?

Онатой нималардир деб изоҳ бермоқчи бўлди-ю, аммо кейин ростига кўчиб қўя қолди:

— Билмадим.

— Мен ҳам кўп гапни билмайман,— деди Тиналиев,— бироқ уруш бўлмаганда ўқишга борардим, яна ўқиган бўлардим...

Синфдаги болалар ошкора кулиб юборишди. Кулгили-да — капкатта одам, колхоз раиси бўлса-ю, яна ўқимоқчи эмиш. Уларнинг эса ўқиш жонларига теккан.

— Бунинг нимаси кулгили?— деб жилмайди Тиналиев.— Ҳа, болалар, мен ўқишни жуда хоҳлардим. Бунинг сизлар ҳам кейинроқ тушуниб оласизлар.

Шунда кимдир пайтдан фойдаланиб унинг сўзини бўлди:

— Раис амаки, самолётдан сакраганингиз ростми?

Тиналиев бош ирғади.

Бола тинчимади:

— Войбўй! Қўрқмадингизми?— Мен бир марта тамаки омборнинг томидан пичан гарамига сакраганимда тиззаларим қалтираб кетган!

— Ҳа, сакраганман. Фақат парашют билан,— деб тушунтирди Тиналиев.— Бу гумбазга ўхшаган нарса, тепангда худди ўтовга ўхшаб очилади...

— Биламиз, биламиз,— дея чувиллашди болалар.

— Ана шундай, биз десантчилар эдик. Парашют билан сакраш вазифамиз эди.

— Десант, нима дегани?— деди яна кимдир.

— Десантми? Бу кўчма, жанговар отряд. Энг муҳими, махсус топшириқларни амалга ошириш учун юбориладиган отряд. Билдиларингми, тушунарлими?

Синфга жимлик чўкди.

Десант бир нечта ва бир неча минг одамлардан тузилиши мумкин,— дея давом этди Тиналиев.— Муҳими, десант душманнинг орқа томонига ўтиб олади-да, мустақил ҳаракат қилади. Агар унча тушунмаган бўлсаларинг, бирон бошқа куни гапириб берарман. Ҳозир эса ишга ўтайлик. Онатой, сен ўтир, нега тик турибсан? Сенинг отанг ҳам фронтда жанг қиляпти.

— Меники ҳам!

— Менинг отам ҳам!

— Меники ҳам!

Тиналиев қўлини кўтарди:

— Мен ҳаммасини биламан, болалар. Эртадан кечгача фақат колхоз иши билан овора, деб ўйламанглар. Ҳаммасидан хабарим бор: кимлар армияда-ю, кимлар госпиталда. Сизларни ҳам яхши биламан. Шунинг учун сизларнинг олдингизга келдим. Гап шу. Онатой, отангга нон етказиб беришга сен ҳам борасан. Сенинг ҳам бир йилчами, кўпроқми мактабни қўя туришингга тўғри келади.

— Мен ҳам! Мен ҳам! Мен ҳам!— деб баъзи болалар ўринларидан сапчиб тура бошладилар. Негаки бундай пайтда ҳар ким ҳам ботир бўлиб кетади. Бу ёқда мактабга қатнашдан қутулади. От ҳайдайсан, холос. Бундан ортиқ яна нима керак?

— Йўқ, шошманглар!— деб уларни тинчитди раис.— Бунақаси кетмайди. Фақат плугда ишлаганлар боради. Мана, сен Эркинбек. Сен ҳам ер ҳайдаганмисан? Мен биламан, отанг Москва остонасида ҳалок бўлган. Кўпгина оталаримиз, акаларимиз ҳалок бўлганлар. Сендан ҳам илтимос Эркинбек. Бизга ёрдам бер. Уқиш ўрнига сенинг ҳам ер ҳайдашингга тўғри келади. Бошқа чорамиз йўқ. Онангга бўлса ўзим тушунтираман...

Кейин раис яна икки кишининг — Эргаш билан Қубатқулнинг отини айтди. Эртага эрталаб ҳаммалари отхонада, бригадирларнинг эрталабки иш тақсимотида ҳозир бўлишларини тайинлади.

Уйда, ярим кечаси ётишга ҳозирланаётган Султонмурот колхоз раиси мактабга келганини онасига гапириб берди. Онаси жимгина, пешонасини силаб, ҳорғингина қулоқ солди. Кун бўйи колхозда, фермада кечқурун уйда болалари билан банд эди у. Тентак Ҳожимурот бўлса, беҳуда қувониб ўтирибди:

— Вой-бўй! Уқимас экансан? От қўшиб плугда ер ҳайдар экансан! Мен ҳам ер ҳайдайман!

Онаси қатъий сўради:

— Дарсингни тайёрладингми?

— Ҳа, тайёрладим,— деди Ҳожимурот.

— Бор, ётиб ухла, унингни чиқарма! Тушундингми?

Тўнғичига эса ҳеч нима демади.

Қизларини ўринларига ётқизиб, чироқни ўчириш олдида маъжус тортиб, ўйланиб қолди, афтидан, Султонмуротни ухлаб ётибди деб ўйлади шекилли, бошини қўллари орасига олиб йиғлаб юборди. Озгин елкалари титраб, унсиз узоқ йиғлади. Султонмуротнинг юраги эзилиб кетди, ўрнидан туриб, қандайдир яхши гаплар айтиб онасини юпатгиси, овутгиси келди. Бироқ безовта қилишга журъат этмади, майли юрагини бўшатсин. Ахир, онаси ҳозир отаси ҳақида ҳам (у ёқда, урушда қандай аҳволда экан, деб), болалари ҳақида (улар тўртта), уйи ва ҳар хил бошқа эҳтиёжлар ҳақида ҳам ўйлаяпти-да.

Аёл киши аёллигига боради. Уқтин-ўқтин йиғлайди. Раис Тиналиев синфдан чиқиб кетганидан сўнг муаллима Инкамол опанинг ҳам кўнгли жуда бузилиб кетди, ҳатто ўзини йўқотиб қўйди. Аллақачон танаффусга қўнғироқ чалинган бўлса ҳам, ўрнидан қўзғалмади. Синф ҳам уни кутиб ўтирар, ҳеч ким ташқарига чиқмас, ҳамма муаллиманинг ўрнидан туриб эшик томон юришини кутар эди. Эшик олдида келганида Инкамол опа йиғлаб юборди. Ўзини тутишга харчанд уринмасин, бўлмади. Кўзида ёш билан чиқиб кетди. У унутиб қолдирган харитани ўқитувчилар хонасига олиб кирган Мирзагул ҳам кўзлари ёшга тўлиб қайтиб келди. Ҳа, аёллар аёллигига боради. Ҳаммага ачинишади улар, шунинг учун ҳам кўп йиғлашади. Бўлмаса нима қилибди, бир йил ўтар, икки йил ўтар, уруш тугаши билан яна ўқишни давом эттиришар...

Султонмурот мана шундай ўйлар билан, ташқарида учқунлаб ёғатган қор шивирига қулоқ тутганча ухлаб қолди.

Эртасига ҳам яна ўшандай учқунлаб қор ёғди. Изғирин музлаган ер устини яларди. Булутлар карвони осмонда вазмин сузарди. Отхонага етиб боргунча Султонмурот совқотиб кетди.

Раис Тиналиевнинг режалари Султонмуротнинг кеча ўйлаганидан мушкулроқ чиқиб қолди. Аввалига раис ва озгин, сариқ соқол, ҳамма ҳаммаларига тўрттадан нўхта тутқазган бригадир Чекиш чол билан эски отхона олдидаги қўрага боришди. Қор босган қўрада аравага қўшилидиган отлар бошларини эгиб, қуруқ охурлардаги нишхўрд хашақни чимдиб юришарди. Маълумки, ёзда отлар семиз бўлади, қишда эса от эт ташлайди. Лекин буларнинг фақат териси-ю устихони қолган, холос. Уларни ишлатиб-ишлатиб, қиш келиши билан офилхонага қамаб қўйишибди. Боқадиган, парвариш қиладиган одам йўқ. Ем-хашак танқис. Борини ҳам баҳорги ер ҳайдашга сақлаб қўйишган.

Болалар саросимада тўхтаб қолишди.

— Нега қаққайиб қолдиларинг?— деб жавради Чекиш чол.

— Бизга Манас тулпорларини қўш қўллаб тутқазишади, деб ўйлаганмидинглар? Бир чеккадан танлайверинглар, адашмайсизлар. Яна йигирма кундан кейин бу қирчанғиларнинг ҳар биттаси буқачадай ирғишлайдиган бўлиб қолади. Буларнинг зуваласи пишиқ — фақат ем бер-у парвариш қил! Бошқаси билан ишларинг бўлмасин!

— Олинглар, болалар, ҳамма керакли нарсалар билан таъминлаймиз, деб қўшиб қўйди раис.— Бошланглар. Ҳар бирингга тўрттадан. Дуч келганини олавер.

Шунда кутилмаган иш бўлди. Бу ташландиқ қўрадаги қаровсиз ориқ отлар орасида отасининг Чопдор ва Чонтор деган отлари ҳам айланиб юрар эди. Султонмурот аввал Чопдорни, кейин Чонторни таниб қолди. Улар калладор, ҳурпайган, туртсанг йиқилгудек. Султонмурот ҳам қувонди, ҳам қўрқиб кетди. Отаси билан шаҳарга тушганларини эслади. Қандай отлар эди-я булар отасининг қўлида эканлигида! Тетик, бардам, кучли. Энди бўлса...

— Ана, қаранг, ана отамнинг отлари!— деб қичқирди Султонмурот раисга ва бригадирга қараб.— Мана, Чопдор, мана, Чонтор.

— Тўғри! Ҳақ гап! Улар Бекбойнинг отлари!— дея тасдиқлади Чекиш чол.

— Ундай бўлса, ола қол шуларни! Отангнинг отларини ола қол,— деб буюрди раис.

Султонмурот отасининг отлари ёнига яна иккита отни — Оқдум ва Бурулни қўшиб олди. Кейин, қолганлар ҳам ўзларига от танладилар.

1943 йилнинг қишида уларни мактабдан ажратган муҳим иш ана шундай бошланди...

Иш кўп эди, ўйлагандан ҳам кўпроқ эди. Отхонага боришлари ва ҳар куни кекса Парпи ва унинг оқсоқ босқончисига ўзлари ишлаши лозим бўлган плугларни ремонт қилишда ёрдам бериш учун темирчилик устахонасига чопишлари керак эди. Авваллари кераксиз деб ташлаб юборилган ҳамма темир-терсақларни энди йиғишга ва тозалашга тўғри келди. Ҳатто ўз вазифасини ўтаб, ўтмаслашиб қолган плуг тишларини ҳам қайтадан ишга мослашарди. Темирчилар болға билан уриб уларнинг дамини ўткирлаштиради, олов ва сувда обдан тоблар эдилар. Плуг тишларининг ҳаммасиниям чўкичлаб бўлмасди, бироқ агар уддасидан чиққудек бўлса Парпи байрамдагидек қувониб кетарди. Шундай пайтлари у босқончисини устахона томига чиқиб отхонадаги болаларни чақиришни буюрарди.

— Ҳой, қўшчилар!— чақирарди уларни томдан туриб оқсоқ босқончи.— Бу ёққа чопинглар устака чақиряпти!

Болалар чопиб келишар ва шунда Парпи чол ҳали иссиқ, салмоқли қорамтир-кўкиш тусдаги, янгитдан ўткирланган плуг тишини тоқчадан оларди.

— Ма, ол,— таклиф қиларди у ўткирланган янги тишни олиш кимнинг навбати келган бўлса,— ушла, ол, қўлингга олиб кўр. Томоша қил, плугингга солиб кўр. Эҳ! Гўзал! Худди узукка кўз қўйгандек! Шудгор қилаётганингда эса худди Тошкент ойиасидай ярақлаб туради. Бунақа тишларда юзларингни томоша қилиб юрасизлар! Балки, бирорта қизга ойна ўрнида совға қиларсизлар-а? Унутилмас совға бўлади-да! Энди у ерга, ўзингни тоқчангга қўйиб қўй. Кейин далага олиб борасан. Ана шундай, кейинги сафар бошқага бўлади. Ҳаммага бўлади. Ҳеч ким тишсиз қолмайди. Ҳаммага уч жуфтдан ясаб бераман. Фақат ўзимга янги тиш қилолмайман. Сизларга тишларни етказиб берамиз. Ҳали сизлар, болалар, бизларни далада кўп эслайсизлар. Ахир плугдаги энг муҳим қисм — тиши-да! Бошқа барча қисмлар азбаройи тиш учун қурилган. Тиш кучли бўлса шудгор ҳам кучли бўлади. Тиш ўтмас бўлса қўшчи ҳам ожиз. Мана шунақа...

Ажойиб одам эди Парпи чол. Бир умр темирчилик қиларди. Мақтанишни яхши кўрарди-ю, аммо ўз ишига пухта эди.

Эгар-жабдуқ устахонасига ҳам тез-тез бориб туришга тўғри келарди. Чекиш бригадир шундай тайинлар эди: абзалларни ҳозирлашга ёрдам қилинглари. Абзалсиз ҳеч қаёққа боролмайсизлар. Плуглар ҳам, отлар ҳам бор дейлик, аммо абзалсиз ҳаммаси бекор. Буям тўғри. Шунга кўра уларнинг ҳар бири жон куйдириб, қўлларидан келганча ўз отларига эгар-жабдуқларни тезроқ тайёрлаш учун сарроқларга, ёрдамлашарди.

Энг муҳим, энг асосий иш — отларни боқиб парвариш қилишдан иборат эди. Кун бўйи, эрталабдан кечгача отхонада бўлиб, ишдан кеч қайтишарди. Уйга фақат тунда, отларнинг сўнги улушини, сўнги хашакни бериб бўлган қайтишарди. Шошилиш, шошилиш керак эди!

Вақт жуда оз қолган. Январнинг охири тугаб борарди. Уловни ишга солишга ўттиз, нари борса ўттиз беш кунча қолган эди. Ишчи отларни оёққа турғазини ва шудгор бошлангунча кучларини тикла-

моққа улгуришадими йўқми — бу ёғи энди уларга, плугчиларнинг ўзларига боғлиқ эди. От ухляпти, у ўзи шунақа мавжудот, аммо унинг олдидаги охурда доим, кечасию кундузи ем туриши шарт...

Тиналиевнинг ҳисоби бўйича февралнинг охири, ерлардан қор кетиши билан, плуглар Оқсой участкасига чиқиши керак эди. Қачонлардир узоқ вақт муқаддам, одамлар Оқсойни шудгорлаб уруғ сочишган. Аммо кейин негадир Оқсой далалари ташлаиб кетилган. Балки Оқсой узоқ ва кимсасиз бўлганидандир, балки у ерлар суғориладиган майдон бўлмагани, бунинг устига тепаликларда жойлашгани учундир. Бригадир Чекиш таъкидлашича, отаси унга шундай деган экан: Оқсойга чиққан қўшчи ё ҳеч вақосиз қолиб ҳонавайрон бўлади, ё хирмонни ташиб ололмай одам ёллайди. Биринчи шарт — вақтида экиб олиш. Иккинчидан — Оқсойдаги ҳосил ёмғирга ҳам боғлиқ. Чекиш чол ана шундай дер эди.

«Деҳқон доим таваккал қилади, аммо доим умидвор бўлади» — дер эди Тиналиев. Тиналиев шунга суянар, бахтимизга ёмғир ёғиб, Оқсойнинг галла хирмони уюлиб қолади деган умид билан қўшчиларни ғайратлантирар эди...

Кунлар ўтди. Ҳафта охирига бориб отлар сезиларли даражада жонланиб, бир оз этга кириб, ишлар юришиб қолди. Кунлар илий бошлади. Қиш гўё хаёл суриб, кетишга чоғланиб қолгандай эди. Шунинг учун ҳам кундуз кунлари отларни офтобга ташқаридаги охурларга олиб чиқишар эди. Офтобда отлар яхшироқ қавзаниб, тезроқ эт олишарди. Йигирма бош Оқсой десанти девор олдидаги узун охурлар бўйлаб тўртта-тўрттадан саф тортишганди. Раиснинг эрталабки текширувида болалар ўз отларининг ёнида шай туришарди. Уларга Оқсой десанти деб Тиналиев ном қўйганди. Шу-шу бригадирлар ҳам, аравакашлару отбоқарлар ҳам уларни айнан десантчи, десантчилар, Оқсой отлари, Оқсой пичани, Оқсой плуглари деб атай бошлашди. Одамлар отхона ёнидан ўтаётиб десантнинг иши қандай кетаётганини билмоқ учун кўз ташлашарди. Оқсой десантчилари ҳақида бутун овул ганирарди. Тиналиев Бекбойнинг ўғли Султонмуротни десантчиларга командир қилиб тайинлаганини ҳам ҳамма биларди. Бу ишга албатта, Онатой қарши чиқди. У дарҳол баҳслаша бошлади:

— Нега энди Султонмурот командир? Балки биз уни хоҳламаймиз!

Бу сўзлар Султонмуротни ёндириб юборди. Чидаб туролмади:

— Мен умуман командир бўлишни хоҳламайман! Хоҳласанг ўзинг бўлавер!

Болалардан Эркинбек ва Қутбатқул ҳам баҳсга аралашиди:

— Сен, Онатой, ҳасад қиляпсан!

— Сенга нима? Айтдиларми, бас, командир Султонмурот!

Эргаш эса Онатойнинг ёнини олди:

— Онатойнинг қаери кам? У бақувват! Фақат бўйи Султонмуротникидан сал кичикроқ. Мактабда синф старостасини сайлагандик, келинлар командирни ҳам танлаб сайлаймиз... Бўлмасам қачон қарасанг — Султонмурот, Султонмурот!

Тиналиев уларни жимгина тинглаб турди, кейин эса жилмайиб қўйди ва бошини чайқаб, бирдан жиддийлашди.

— Қани жим бўлинглар-чи! — буюрди у. — Бу ёққа келинлар. Сафга туринлар. Мана бундай, бир қатор бўлиб. Десантмисиз десантдай бўлинглар. Энди эса менга қулоқ солинглар. Эсларингда бўлсин, командир сайланмайди. Командир юқоридаги бошлиқ томонидан тайинланади.

— Уша бошлиқнинг ўзини ким тайинлайди? — сўзини бўлди Эргаш.

— Яна ҳам юқорироқдаги бошлиқ!

Орага жимлик чўкди.

— Гап бундай болалар,— давом этди раис.— Уруш кетяпти, бизнинг ҳарбийчасига яшашимизга тўғри келади. Билиб қўйинглар, мен сизлар учун бошим билан жавоб бераман. Иккитангизнинг отангиз ҳалок бўлган, учтангизнинг оталарингиз фронтда. Мен сизлар учун тириклар ва ўликлар олдида ҳам жавобгарман. Аммо, мен бу жавобгарликни сизларга ишонганим учун зиммамга оляпман. Сизлар плугларингиз билан узоқ Оқсойга бориш олдида турибсизлар. Худди алоҳида топшириқ олган парашютчилар десантидай жуда кўп куну тунни чўлда ёлғиз ўтказасиз. Агар салга баҳслашадиган ва бақришадиган бўлсангиз қандай яшайсиз ва қандай ишлайсиз у ерда?

Раис Тиналиев отхонада, болалар сафи олдида туриб ана шу тахлитда сўзлар эди. Собиқ парашютчи ҳамон ўша кулранг армия шинели, ўша кулранг ҳарбий қулоқчиниди, ташвишли юзлари чўзинчоқ, ҳали ёш бўлишига қарамай, бир томонга майишиб қолган, қовурғалари майиб, қачон қараманг дала сумкасини осиб юрадиган раис Тиналиев болалар қаршисида тик турар эди.

Бекбойнинг ўғлини командир қилиб тайинлаган раис Тиналиев Оқсой десанти сафи олдида туриб ана шу алфозда сўзлар эди.

— Ҳаммаси учун сен жавоб берасан,— деди у,— одамлар учун ҳам, плуглар учун ҳам, от-уловлару, эгар-жабдуқлар учун ҳам. Оқсойда шудгорга ҳам сен жавоб берасан. Жавоб бермоқ бу топшириқни бажармоқ дегани. Эпложмасанг командир қилиб бошқа одамни тайинлайман. Ҳозирча эса ҳеч қанақа ва ҳеч кимнинг эътирозини инobatга олмайман.

Раис Тиналиев ўша кун, отхонада, кичкинагина Оқсой десанти сафи олдида туриб ана шу тахлитда сўзларди.

Қўшчилар ихлос ва ҳайрат билан унинг юзига термилиб, ҳар қандай буйруғини бажаришга тайёр туришарди. У уларнинг олдида худди Манасга ўхшаб ҳайбатли, паҳмоқ соч, совутда, улар бўлса ёнида унинг содиқ ботирларидай туришарди. Гўё қўлларида қалқон ва белларида қиличлари бордай эди. Манас ўз умиди ва ишларини ишониб топшириб қўйган ўша азаматларнинг ўзлари кимлар эди?

Биринчиси — паҳлавон Султонмурот эди. Майли, энг каттаси бўлмаса ҳам, у ўн бешга кирган эди. Аммо ақли ва ботирлиги учун командир қилиб у — Бекбойнинг ўғли Султонмурот тайинланган эди. Унинг отаси эса, оталарнинг ичида энг яхшиси, бу дамда узоқ сафарда — улкан урушда эди. У ўзининг жанговар оти — Чопдорни унга, Султонмуротга қолдирди. Султонмуротнинг кичик укаси Ажимурот ҳам бор. Укасини у гоҳо жиғига текканига қарамай қаттиқ севарди. Султонмурот яна гўзал Мирзагул бекани ҳам пинҳона севарди. Мирзагул беканинг табассумидан чиройлироқ табассум йўқ. Туркистон терагидай сарвқомат, юзлари оппоқ қордай, кўзлари эса зулмат тоғ бағридаги гулхандай...

— Иккинчиси — паҳлавон — машҳур Онатой ботир эди. У отрядда энг каттаси, қарийб ўн олти ёшга тўлиб қолганди. Бўйи оз-моз пастроқ бўлса ҳам у ҳеч кимдан ҳеч нимада қолишмасди. Аммо кучда ҳаммадан ўтади. Унинг оти, ботирнинг ўз номига айқаш — Оқтўриқ — камон ўқидай сапчирди! Онатойнинг отаси ҳам улкан урушда, узоқ сафарда эди. Онатой ҳам ўша ой юзли Мирзагул бекани пинҳона севар эди. Соҳибжамол бўсасига интиқ эди...

Учинчи паҳлавон — ёқимтой йигитча Эркинбек ботир эди. Оиланинг тўнғичи. Ажойиб ва садоқатли дўст. Гоҳо у маъюс уҳ тортиб, пинҳона йиғлаб ҳам оларди. Унинг отаси ўша узоқ сафарда Москвани ҳимоя қила туриб қаҳрамонларча ҳалок бўлган эди. Эркинбекнинг жан-

говар оти ботирга айқаш қилиниб Оқпайпоқ — яъни, оқ пайпоқли тулпор деб аталарди.

Тўртинчи паҳлавон — Эргаш ботир эди. У ҳам дўст, ҳам ўртоқ. Ун беш ёшларда. Уз фикрларини айтишни яхши кўради, баҳслашарди. Аммо ўзи ишда ишончли одам эди. Унинг отаси ҳам жангу жадалда, узоқ сафарда. Эргашнинг оти ўзига айқаш. Олтинтуёқ деб аталарди.

Бу ботирларнинг ичида бешинчиси — Қубатқул ботир эди! У ҳам ўн беш ёшларда, у ҳам оила тўнғичи. Қубатқулнинг отаси ўша узоқ сафарда, ўша жангу жадалда, Белоруссия ўрмонларида қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Қубатқул толиқишни билмайдиган меҳнаткаш эди. Ҳар қандай ботир каби ўз оти Ипакёл тулпорини жуда севарди.

Тиналиев қаршисида мана шундай ботирлар туришарди. Уларнинг ортида, озгин елкалари, ингичка бўйин-бошлари ортида, от боғланадиган жойда узун охур ёнида икки тишли плугларга қўшилиб Оқсой томон жўнаши керак бўлган йигирмата от турарди...

Оқсойга, Оқсойга, шудгор қилишга, қор кетиши билан! Оқсойга, Оқсойга қўш билан, ер селгиши билан!

Аммо атрофдан ҳали қор аримаган, ерни қалин қор қоплаб ётарди. Бироқ кунлар яқинлашиб, ҳамма нарса ўша кунга маҳтал турарди...

5

Нихоят, ўша кунлар яқинлашарди...

Оқсой учун ажратилган отларни ҳамма ҳар хил — кимдир десантчи, кимдир Оқсой отлари деб атар, аммо, муҳими шундаки, икки ҳафта-лардан кейин улар отхонадаги бошқа отлар ичида кўзга ташланиб турадиган бўлиб қолишди. Тўйғазилган, суғорилган, ювиб-тараб қўйилган Оқсой отлари кучга тўлиб бораётган мускуллари, тетик кўринишлари ва зийрак чимирилган қулоқлари билан кўзни қувонтириб десант охури бўйлаб бир қатор тизилишиб туришарди. Уларнинг ҳар бири яна ўзига хос қилиқларини қилиб олдинги ҳолига қайтган эдилар. Унутилган характер, одатлари пайдо бўлди. Отлар ўзларининг янги хўжайинларига кўникиб қолишган эди. Таниш овоз ва қадам товушларини эшитишлари билан ўгирилиб қараб эркаланганча, секин, гўё пичирлашаётгандай кишнаб қўйишар, юмшоқ лабларини қимтиб суйкаланишарди. Болалар ҳам отларнинг остига шўнғиб хўжайинлардек қичқиришга ўрганиб қолишди: «Қани, оёғингни тўғри тут, тислан! Тўхта, тўхта, каллаварам, улгурасан! Қаранг-а, турткилаб эркалик ҳам қилади, маккор! Овора бўласан, биргина сен эмас, менинг қўлимга қараган!»

Дастлабки кунларда отлар сувлоққа сув ичгани базўр боришарди, аммо кейинчалик айниқса дарёдан қайтишда ўйноқлайдиган бўлиб қолишди. Уларнинг ҳар бири ўзининг жанговар отини — Султонмурот Чопдорни, Онатой Оқтўриқни, Эркинбек Оқпайпоқни, Эргаш Олтинтуёқни ва Қубатқул Ипакёлни миниб оларди-да, уларнинг ҳаммасини биргаликда дарёга ҳайдашарди.

Қишда сувлоқ қулай бўлиши, сувга тушар жой тойғаноқ бўлмаслиги муҳим. Айниқса, бир нечта от сув ичишга тутинса. Шунинг учун олдиндан қирғоқларда отнинг туёғини тутиб турадиган жой ҳозирлаш, хавотирли ерларга похол тўшаб қўйиш лозим. Қаттиқ совуқларда эса музни ташишга тўғри келади. Султонмурот бу ерда ҳам, ким қайси кун сувлоқни ҳозирлаши ҳақида қатъий навбатчилик ўрнатган.

Отлар болалар назорати остида муздай оқар сувдан шошилмай,

турткилашмай ичишарди. Сув бу ерда муз остидан чиқиб саёз тошлоқ бўйлаб оқар ва яна тошлоқ қўйнида муз остига сизиб кетарди. Муз остида ҳам қулқиллаб, жилдираб овоз чиқариб оқарди...

Отлар гўё қулоқ тутгандек, сув ичишдан тўхтар, йилт этган қуёш нурларида ўзларини тоблаб олгач, яна сув шимиришарди. Сув ичиб бўлишгач шошилмай йўлга чиқишар, отхонага қайтишда ўйноқлашиб, пишқириб, кишнаб, думларини силкитиб олдинга, орқага сапчишар, олдинги оёқларини кўтариб тик туришарди. Болалар атрофда от чолиб, гижинглатиб шовқин солишарди.

Орадан кўп вақт ўтмай одамлар десант отларини завқланиб томоша қиладиган бўлиб қолишди. Гўё улар ўша эски қирчанги отлар эмас, қайтадан туғилгандай эди. Кексалар назар-эйтибордан қолдирмай бу хусусда шундай хулоса ясашарди: агар у меҳнаткаш, меҳрибон одамнинг қўлида бўлса, дунёда отдан вафодор зот йўқ. Сен унга зиғирча яхшилиқ қилсанг, юз ҳисса қилиб қайтаради. Сўнгра кексалар қадимда аломат бедовлар бўлганлиги ҳақидаги ривоятларни сўзлай бошлашади.

Фақат раис Тиналиевдан мақтов олиш қийин. Талабчан, тикандек нигоҳи билан отларни ва ҳаммадан аввал десантчиларнинг ўзларини кўздан кечириб чиқарди у. Плуглар қалай, абзаллар тайёрми, кимнингдир тиззаси йиртиқ бўлса — нимага йиртиқ, онаси банд бўлса, ўзи қўлга игна олиб тикиб олиши шунчалик қийинми? — Ҳаммасини текширарди. От ёпиқлари-чи, қачон, ахир, тайёр бўлади от ёпиқлари? Отхонани ўзинг билан кўчириб келолмайсан Оқсойга, тунлари чўлга аёз тушади. У вақт зиқлигини, Оқсойда ҳозир бугунги ишни эртага қўйиб бўлмаслигини таъкидлади, уларни қистовга оларди. Гоҳо бақириб, сўкишга қадар бориб етар, аравакашлар плуг отларига, айниқса, Оқсой плуг отларига биринчи навбатда сақланаётган бедани ўз вақтида етказиб беролмаганлари учун бригадир Чекишга қаттиқ дашном берган эди.

Бўлаётган воқеалардан у қадар севинмаётган кишилар ҳам бор: булар — оналар. Ҳали униси, ҳали буниси келиб бу қандай кўргилик, умримиз бино бўлиб қулоқ эшитмаган десантни ўйлаб топишди, эрларимизнинг урушдалиги етмасмиди, энди ўғилларимиз ҳам аскар бўлиши қолганмиди, на уйга ёрдами тегади, уларни на дийдорига тўйиб гаплашиб ўтириш бор. Фақат куну тун отхонадан бери келишмайди... Хуллас гапирса гап кўп.

Султонмуротга ҳаммадан кўра оғир, у командир ахир. Ҳаммаси учун жавоб бериши керак. Бироқ ҳаммасидан оналар олдида жавоб бериш оғирроқ. Унинг онаси қўлини ювиб қўлтиғига урди, ҳорғин: «Фақат отанг урушдан тирик қайтса бўлгани, нима қилса ўзи қилади. Тўйиб кетдим. Мен кўз юмгач эсинг жойига тушади, аммо кеч бўлади...» Онасига қийин эди, жуда қийин, аммо Султонмурот, нафақат у, ҳар қандай одам ҳам унинг ўрнида нима қилоларди. Десантчиларнинг ҳар бирини қарамоғида тўрттадан от ва яна қанчадан-қанча юмуши бор. Боқ, суғор, тозала, ем-хашак тайёрла ва яна боқ, суғор, тозала, гўнгини олиб чиқ ва яна бошидан бошла... Отларнинг яғрини ва яраларини ювиб даволашнинг ўзи қандай оғир меҳнат. Участка ветфельдшери ҳар хил суртиладиган қуюқ-суюқ дориларни қолдириб кетган, ўзлари даволашларига тўғри келади. Ҳар куни уларни суриш керак, бўлмаса даволаш қийин. Боқишни амаллайсан, аммо яранинг устига бўйинча босиб бўлмайди-ку. Вассалом. Бирорга соғ от йўқ эди, ҳаммасининг елкаси яра-чақа, оёқлари шикастланган. Уни даволаётганингни ҳайвон тушунмайди, тинч турмайди!

Отларнинг танаси эт олиб, оёққа туриб олганларидан кейин совутиш керак бўларди. Ҳар бир отни ҳар куни бир ярим соатча йўрттириш керак, акс ҳолда бригадир Чекиш айтганидай «плугга қўшганда тер-

лайди-ю, суроби тўғри бўлади-қолади». Иттифоқо кўнгилсиз ҳодиса юз берди.

Бир кунни бешовлон ўз «жанговар» тулпорларини совутиб келишга отланишди. Султонмурот Чапдорда, Онатой Оқтўриғида, Эркинбек Оқпайпоғида, Эргаш Олтинтўёғида, Қубаткул Ипакёлда. Аввалига одат бўйича отларни йўртириб боришди. Отхона атрофидан, кейин кўчадан юриб қишлоқ четига чиқишди ва қор қопланган дала бўйлаб йўртиб кетишди. Қуёш порлар, қорлар живирлар, жилвакор осмон баҳор тонгига йўғрилган. Тоғлар оппоқ, шундай беозор ва ойдинки, агар ўша оппоқ ёнбағирда пашша учса эшитилар ва кўрунарди. Қиш гашитни суриб бўлган, қуёш аста-секин қиздира бошлаган эди. Отлар шитоб билан чопиб боришарди. Улар ҳам увишган оёқларининг чигилини ёзишга ва елдек учишга обдан зориққан эди. Болалар жиловни бўшаштириб, тезроқ, тобора тезроқ от сургилари келарди. Шундоқ чоптиргилари келардики, олдинда Султонмурот. Онатой ортидан шошишарди:

— Тезроқ чоптирсанг-чи, мунча имилламасанг!

Бироқ Султонмурот командир сифатида тезликни оширишга унчалик рўйхуш бермасди. Совутиш — бу пойга чопиш эмас сенга. Бу отларни машқ қилдириш, кейин плугга қўшган пайтда тортиш енгил кўчиши учун қилинадиган тадбир. Бутун десанти билан улар ана шундай боришарди. Даладан бурилиб энди ортга қайтишга ҳозирланаётганларида тепалик ортидан қий-чув эшитилди. Болалар мактабдан қайтмоқда эдилар. Десантчиларни кўришлари билан бақириб-чақириб, қўлларини силкита бошлашди. Уларга жавобан десантчилар ҳам қичқиришар, қўл силкишарди. Ўз синфдошлари, еттинчидагилар ҳамда бошқа синф ўқувчилари дарсдан қайтмоқда эдилар. Шовқин-сурон. Тўда ичидан Султонмурот Мирзагулни дарров таниди. Уни қандай тополганини ўзиям билмайди, аммо унинг ўзгинаси эди. Бир парча шол рўмол остидаги йилт этиб кўринган юзи, нозик жуссаси, рафтори ва овозидан таниди. У ҳам таниди шекилли — Мирзагул ҳам бошқаларга қўшилиб нималарнидир қичқириб, сўмқасини ўйратиб — тепаликдан тушиб келарди. Ҳатто, «Султонмуро-о-от!» деб чақиргандай бўлди. Яна қўлларини ёзиб унга томон югургилаб келаётган ҳолати унинг хотирида ярқ этиб жонланди ва шу кунларда қизни ўйлаб юрганини ва уни соғинганини дарҳол пайқади. Шунда қандайдир бир тўлқин уни ўз оғушига олиб, аллақаяқларга гирдикапалак қилиб учуриб кетаётгандай ҳис қилди...

Нима бўлди-ю, шу заҳоти уларнинг ҳаммаси тўдаланиб ўша томонга, синфдошлари тушиб келаётган тепалик сари беихтиёр йўртиб кетишди. Бир зумда далани ортда қолдиришиб нишабликдан кетишди. Улар тепалик ёнбағри бўйлаб саф тортишиб, отларини гижинглатиб, ҳайратланган болаларнинг ёнидан ўтиб отхона томон кетишлари мумкин эди. Султонмуротнинг режаси ҳам шундай эди. Аммо шу пайт Онатой олдинга отилиб чиқди. Унинг Оқтўриғи учқур от эди.

— Тўхта, қаяққа, чоптирма! — огоҳлантирди уни Султонмурот, аммо Онатой ҳатто пинагини ҳам бузмади.

«У Мирзагул олдида ўзини кўрсатмоқчи!» деган фикр ярқ этиб Султонмуротнинг миясига урилди. Жаҳли чиқиб, чидаёлмай, жўшиб кетди ва Чопдорнинг жиловини бўшатиб ҳой-ҳойлаб, отнинг ёлига ёпишиб олганча Онатойни қува кетди. Онатой бўлса яна отга устма-уст қамчи босди. Улар пойга чопгандай, ким кимдан ўзишга, ким биринчи бўлиб қизга етиб боришга, ким ўзини абжирлиги ва устунлигини кўрсатишга ошиққандай қувишиб кетишди. Эҳ, қандай ажойиб эди уларнинг пойгаси! Бари бир Чопдор бедовлик қилар, отаси бекорга унда ажойиб тулпор хислатлари бор демаганди-да. Онатойга қуюндай

етиб олган Султонмурот тантана оғушида эди. Уртадаги беллашувни кузатиб тўхтаб қолган синфдошлари тўдасига эса кўзининг қирини ташлаб олди. Уларнинг ичида уни ҳам кўрди, ўзиям аслида унга қараган эди. Уша қизни деб бу беллашувга кирди-да. Ғалаба қозонди ҳам! Онатойни қувиб ўтгач қизга яқинроқ бўлиш учун тепаликка йўналди. Чопдорни яхшиямки сал тепаликка олгани, омади экан бу, бўлмаса ким билсин нима билан тугарди бу ҳангома. Чунки навбатдаги дақиқада Онатой билан ёнма-ён келиб, уни қувиб ўтаётганида Онатойга бир бало бўлгандай бўлди. Бирдан ҳамма қичқириб юборди. Султонмурот жиловни тортаркан, ортига разм солди — ортида Онатой йўқ эди. У шиддат билан чопиб бораётган отини базўр тўхтатиб орқага қайрилди-ю, Онатойнинг Оқтўриғи қорни суриб ва узун-юлуқ из қолдириб тепаликдан юмалаганини, Онатойнинг ўзи эса бир четга отилиб кетганини кўрди. Болалар гавдасини базўр кўтариб қордан тураётган Онатой томон югуриб кетишди.

Султонмуротнинг кайфи учиб кетди. Етиб келиб Онатойнинг қонга беланган қўлларини кўргач яна ваҳима босди. Мирзагулга кўз қирини ташлади. Оқариб, қўрқиб кетган бўлишига қарамай у ҳаммадан гўзал эди... Онатой ўзини ўнглаб олиб пастда, қор уюмида типирчилаб ётган оти томон югурди. Тизгинга ўралашиб қолган эди от. Бу орада орқада қолган десантчилар ҳам етиб келишди. Ҳаммалари отни оёққа туришига кўмаклашишди. Шундагина Султонмуротнинг қулоғига товушлар чалиниб, ҳамма нарса жойида шекилли деб тушунди.

Ботирларнинг Мирзагул бека олдида ўзларини кўрсатишга уринишлари ана шундай нохушлик билан тугади. Қизнинг кўзларига қарашга юраклари дов бермасди. Апил-тапил отланишди, отхонага қайтар вақт бўлган эди. Фақат овулга етай деб қолганларида Эргаш Онатой остидаги Оқтўриқ оқсаётганини сезиб қолди.

— Тўхта! — қичқирди у. — Нима, отингнинг оқсаётганини билмаяпсанми?

— Оқсаётганини? — гўлдиради Онатой.

— Бўлмаса-чи! Яна қандай дегин!

— Қани олдинга ўт-чи, — буюрди Султонмурот. — Сен олдинга ўт, биз қараб кўрамиз.

Ҳақиқатан, Оқтўриқ олдинги ўнг оёғини зўрға босарди. Пайпастлашиб топиб қарашсаки, отнинг тўпиғи шиша бошлабди. Ёмон бўлди. Нима қилишни билишмасди. Отларни плугга роса тайёрлаб-тайёрлаб, охирида ҳаммаси чиппакка чиқди. Қор билан қопланган тепаликда қувлашиб бўлармиди, ахир ҳар қадамда отлар сирпаниб пастга юмалашлари мумкин эди-ку. Шундай бўлиб чиқди ҳам. Хайриятки ўзлари тирик қолишди.

— Ҳаммасига сен айбдор! — деди бирдан қизариб, жаҳли чиқиб кетган Онатой. — Қувлашувни сен бошладинг!

— Ахир сенга мен: «Тўхта, қаёққа кетяпсан?» демадимми?

— Қувишнинг кераги йўқ эди-да ахир!

— Узинг нимага чоптириб кетдинг?

Бақирини, баҳслашишди. Сал бўлмаса муштлашиб қолай дейишди. Лекин эсларини йиғиб олдилар. Навбатдаги от совутишдан отхонага отни чўлоқ қилиб хафа, жимгина қайтишди. Отларни шовқин-суронсиз ўз жойларига боғлашди, оқсоқланаётган Оқтўриқни ҳам ўз охури олдига боғлашди, бироқ энди нима қилишларини ўзлариям билишмасди. Таҳлика остида дамларини ичларига ютишди, энди жавоб бериш кераклигини тушунишарди. Болалар Онатойга қараб: бор, энди, нима бўлганини отбоқарларга айтгин. Оқтўриқ оқсоқланиб қолди, нима қилайлик, деб сўрагин дейишди. У бўлса кўнмасди:

— Нега энди мен боришим керак экан? Мен айбдор эмасман. Қо-

мандирчимиз бор. Уша бориб айтаверсин. Яна баҳслашишди, яна мушт-лашиб кетишларига сал қолди. Ҳаммасидан ҳам Онатой ўзини оппоқ қилиб кўрсатишга уринаётгани Султонмуротга ёқмасди.

— Сен шаллақисан!— ҳақорат қилди уни Султонмурот.— Сен фақат оғизда ботирсан! Сал нарса бўлса писиб кетасан! Қўрқади деб ўйлайсанми? Бўлар иш бўлдими — ўзим бориб айтаман ҳаммасини.

— Боравер! Шунинг учун ҳам командирсан-да,— бўш келмасди Онатой.

Султонмурот ўзини қўлга олиб, ҳаммасини қандай бўлса шундай-лигича отбоқарга айтиб беришга жазм қилди. Отбоқар ҳовлиқиб югуриб бориб қоқинган отни кўздан кечириб бошлади. Тўс-тўполон кўтарилди. Айтишга осон, нақ шудгор қилиш олдидан отдан айрилиш ҳазилми ахир. Шу заҳоти Чекиш бригадир келиб дағдаға қила бошлади. Эшитибди, буни кимдир айтишга улгурибди-да. Отбоқар айтишга шу пайт Оқтўриқнинг оёғини кўздан кечириб, шикастланганми ёки суяги синганми аниқлаётган эди. Шу пайт ортда от туёғининг дупир-дупири эшитилди. Ҳамма бирдан орқасига ўгирилиб қаради — Чекиш бригадир от устида турар эди. У дамани ичига ютиб, отдан туша бошлади. Уларга яқин келиб ҳайбатли ва тутаққан оҳангда сўради:

— Нима бўлди?

— Мана, пайи чўзилганми ёки суяк дарз кетганмикин деб ўйлаяпмиз, оқсоқол?

— Ўйлашнинг нима кераги бор!— бақирди Чекиш, жаҳлдан бўзариб. Ҳаммангни ҳозироқ трибуналга ҳайдайман!

Чекиш қамчи ўйнатиб плугчилар устига отилди. Болалар ҳар томонга тумтарақай қочиб қолишди. Чекиш қува кетди. Ҳеч кимни қувиб тўтолмади, аксинча бадтар бўғилиб, бўзариб қамчисини силтаб дўқ қиларди.

— Плугга қўшиладиган отларни биз кимларга ишониб ўтирибмиз? Булар душман экан-ку! Фашистлар! Битта қўймай отиш керак! Қанча меҳнат, қанча емни елга сурди булар! Энди шудгор нима бўлади?

У отхонани бошга кўтариб қичқириб, сўкиниб, Султонмурот билан тўқнаш келиб қолди. Болалар қочиб кетишганда Султонмурот жойидан жилмаганди. Ранги қув ўчган, қўрқув босган ҳолда бригадирга термилиб турар, лекин жавоб беришдан бош тортмасди.

— Ҳа, ҳали бу сенми! Яна мени кўзимга қараб турибсанми!— Чекиш чол ўзини тўтолмай десантчилар командири елкасига қамчи урди. Бироқ, иккинчи бор уришга шайланаркан, ўйланиб қолди, пишқириб қўрқитмоқчи бўлди:

— Қоч, итвачча! Қоч, деяпман! Югур! Улгудай савалайман!

Султонмурот орқага чекиниб, беихтиёр қўллари билан юзини тўсиб, жавдираган кўзларини бригадирдан узмай турарди. У чўғдай қамчи елкасини ўйиб ўтишини кутарди. Қочмаслик, чидаш, бардош бериш учун бор кучини тўплаб турар эди...

— Ҳа, майли!— деди кутилмаганда Чекиш йигитчанинг ўжарлигидан ҳайратланиб.— Қолганини отанг урушдан қайтгач оласан. Бу ишинг учун отангнинг олдида ҳам савалайман сени!

Султонмуротдан садо чиқмади. Чекиш эса ҳовуридан тушмасди. Қўллари тўлғаб, депсинарди:

— Қоч десанг қаққайиб турибди! Ахир ўйлаб кўр, сени тутиб ола олармидим! Сизларни қувиб нима қиламан! Йўлига қочмайсанми, менга ҳам енгил бўларди! Урай десам эгнинг юпун, нафақат эгнинг, ўзинг ҳам қоқ суяксан, қамчи солиб бўлмайд. Урадиган ҳолинг бўлса ҳам майли эди! Бўлар иш бўлди. Кўнглингга олма. Отанг қайтгач, биргалашиб мен чолнинг адабимни берарсизлар. Турган гап. Ҳозирча эса кўрсат, нима қилиб қўйдиларинг...

Уша кунь мана шунақа ҳодиса рўй берди. Султонмурот оладиганини олди. Қилмишига яраша бўлди. Бригадир қандай ўзини тутсин қамчи урмай. Қанча меҳнат, ҳаракат зое кетди. Нимага ҳам яради чўлоқ от! Гўштгами. Бироқ заҳматқаш жониворни сўйишга кимнинг қўли борарди? Чекиш ва бошқа биладиган одамлар, айтишича, отнинг қаттиқ шикастланмагани тасалли берарди... Онатойнинг Оқтўриғини бир чолнинг ҳузурига олиб боришга тўғри келди. У йилқиларни даволарди. Беда, пичан келтиришди ва у ерда навбатчилик қила бошлашди. Омадлари келди, беш кунлардан кейин Оқтўриқни отхонага олиб келдилар, иш юриша бошлади.

Умуман, ўша ҳафта оғир ўтди. Уйда онасининг тоби қочди. Аввалига ўзини ёмон ҳис қила бошлади-ю, кейин иссиғи кўтарилиб кўрпатушак қилиб ётиб қолди. Султонмурот онаси, укаларига қараб уйда қолишга тўғри келди. Ана шунда уйлари бўм-бўш, ҳувиллаб қолганини пайқади. Отаси армияга кетганида ўнтача қўйлари бор эди, бирортасиям қолмади: иккитасини ўзларига сўйишди, қолганларини ҳарбий заёмга сотишди ва бошқа налогларга тўлашди. Яхшиямки ҳали сигирлари бор, елини тўлишиб қолган, яқин орада туғиши керак, яна бир томонда Ажимуротнинг эшаги Қораёл бор. Бор-йўқ мол-қоллари мана шу. Ушаларни боқишга ҳам ҳеч вақо йўқ. Сарой томидаги ғарамда қуруқ маккажўхори пояси сақланарди. Ҳисоблаб кўрди, агар қиш чўзилмаса сигирнинг туғишига базўр етаркан, аммо қиш чўзилса нималар бўлишини ким билади. Эшак ўзига-ўзи емак топмоғи керак эди. Ҳовли атрофидаги янтоқ ва бурганларни еб юрарди. Утин-чўпга келганда аҳвол янада чатоқ, таппи тугай ёзган, шох-шабба яна бир неча кунга етарли қолган. Султонмурот маъюсланиб қолди. Ўз-ўзидан уялар эди. Куну тун отхонада Оқсой десантини тайёрлаш билан машғул бўлиб рўзгорлари хонавайрон бўлиб қолганини ҳам пайқамабди. Отаси борлигида шундай бўлармиди? Ҳеч! Отаси пичан йиғса бутун қиш ва баҳорга етарди. Утинни ҳам ғамлаб ташларди. Нимасини айтасиз — отаси борлигида бутун ҳаётлари бошқача эди. Хотиржам, саранжом-саришта, ораста эди. Фақат уйларидагина эмас, ҳамма ерда, балким бутун дунёда бошқача эди. Уларнинг ҳовлилари, масалан ҳозир бошқача бўлиб қолган. Худди куз пайти дарахтларда япроқлар етишмагани каби ҳовлида нимадир етишмай турарди. Ўтов ўз ўрнида, кўчалар, уйлар ўша-ўшаю, бари бир отаси борлигидаги каби файзи йўқ. Ҳатто ҳовли орқасидаги кўча бўйлаб ўтиб турадиган арава ғилдиракларининг тақир-туқур овози ҳам, илгаригидек, отаси шу йўлларда, худди шу арваларни ҳайдаган вақтидаги сингари мароқли эмас эди.

Жамбулга борган одамларнинг айтишича шаҳарда шундай қимматчилик, очарчилик ва тўс-тўполон эмишки, тезроқ уйга қайтгинг келармиш. Демак, шаҳар ҳам ўша отаси билан борганларидай эмас, бутунлай ўзгарган.

Нимага шундай? Бундан чиқдики, отаси йўқлиги учун шундай бўлибди-да... У қаерда, ҳоли не кечди экан? Охирги хат бир ярим ойлар чамаси олдин келганди. Ушланиб қоляпти, деб тасалли берарди онасига. Онаси уҳ торгарди. Ҳақиқатан хат ушланиб қолиши мумкин, бунинг устига фронтдан яна. Эҳтимол, хат ёзишга ҳеч кимнинг вақти ҳам йўқдир ҳозир? Ҳамма гап ана шунда, бироқ Чуй каналидан хат келмаслиги бошқа-ю, фронтдан хат келмаслиги бошқа. Мана шу ҳақда ўйлайди улар, онаси ҳам, ҳаммалари ҳам.

Аввалги кун тонг маҳалида ит ҳуриб, кейин жимиб қолди. Эркаланиб ғиншиди-да, дераза тақиллади. Онаси сесканиб, касал бўлишига қарамай тўшакдан туриб кетди. Султонмурот ҳам дераза томон отилди. Уй олдида кимдир турарди. Аввал онаси таниди.

— Тоғанг Нурғози келди,— деди у ўғлига,— бор, кутиб ол. Ўзи бўлса кўнгли айниб, тиши тишига тегмай кўрпага кирди.

Онасининг акаси, Нурғози тоғаси тоғда яшарди, умр бўйи қўшни совхозда чўпонлик қиларди. Бир куни уни ҳам, ёши ўтиб қолган бўлса-да, армияга чақирдишди. Аммо, Жамбулдан уни ва яна бир неча чўпонни уйига қайтаришди. Отарларда ҳеч ким қолмаган эди. Подани кимсасиз ташлаб кетиб бўлмайдик-ку. Яхшиям Нурғози тоғалари бор экан, онда-сонда бўлса-да улардан хабар олиб турарди. Мана бу сафар ҳам, кечаси, қўйларни қўрага қамаб синглисини касал деб эшитиб, тоғдан тушиб келибди. Озгина фурсатга келибди, нима гаплигини билиб тезроқ уйга қайтмоқчи.

Шамолда қорайиб, лўлига ўхшаб қолган, тулки тери қулоқчин, кигизқўнж этиклари тиззасидан юқорисигача, баҳайбат, чайир, совуқ ва қўй ҳидини анқитиб кириб келди у. Шу заҳотиёқ уйда гала-говур кўтарилди. Эгнидан пўстинини ечиб синглиси ёнига чўккалади-да, унинг иссиқ қўлини ўзининг залворли кафтига олиб индамай томир уришини эшитди. Узоқ вақт диққат билан унинг нозик тўпиғини ушлаб, ўзининг қаттиқ йўғон бармоқлари билан томирини текширди. Ниманидир сездим, ниманидир аниқлади. Бир оз хаёлга чўмди-да, йўталди, сўнгра соқолини сийпалаб қўйди ва хушнуд жилмайиб Султомуротга деди:

— Ҳечқиси йўқ. Яхшигина шамоллабди. Совуқ ўтибди роса. Мен билгандай гўшт, думба ёғ олиб келувдим. Қалампир ва пиёз солиб иссиқ, ёғли шўрва ичиб, обдан терла,— маслаҳат берди синглисига у.— Сен бўлса, Султонмурот, эгардаги хуржунни олиб кел, нима бўлса ҳаммасини уйга олиб кир. Хуржунни эса бўшатиб бер... Узоқ ўтириб қололмайман, қўйлар эгасиз қолган.

Онаси тоғаси билан у ёқ-бу ёқдан гаплашиб олгунларича Султонмурот олов ёқиб, чой қайнатишга улгурди. Кичкинтойлар ҳам уйғониб қолишди унғача. Қип яланғоч дийдирашиб дарров ҳаммалари тоғаларига ташланишди. У гўдакларни ёнида турган пўстинига ўраб олар, улар эса тиззасига, елкаларига ирғишлашарди. Айниқса тоғанинг эркатойи Ажимурот бўлса росмана гўдак бўлди қолди. Учинчи синфда ўқиётганига қарамай қўзичоқдай эркаланарди. Тоғасининг тулки тери тумоғини бошига кийиб, қамчинини қўлига олиб ўзи эса худди отга мингандай тоғасининг елкасига чиқиб олди.

— Уялмайсанми! Туш!— Султонмурот уни бир-икки тўрткилади, аммо Нурғози тоғанинг ўзи рўйхуш берарди.

— Тегма, унга, тегма, майли ўйнайверсин.

— Ана шундай қувноқ, сершовқин тонг отди. Ажимурот аллақачон мактабга бориши керагу, у бўлса ҳамон имилларди. Онаси бақириб-чақирса ҳам у имиллагани имиллаган. Тоғасининг атрофида гирди-капалак. Шундан сўнг тоғаси жиянини қистай бошлади. Базўр уни кийинишга кўндиришди. Охири шунга бориб етдики, Султонмурот укасининг қўлларидан тутиб эшикдан ташқарига чиқариб юборди. У бўлса эшикка тиралиб олиб, ташқарига чиқариб юборилганидан бўкириб йиғлай бошлади. Шу куйи бақириб йиғлаганча мактабга равона бўлди. Болакайга ҳаммининг раҳми келиб кетди.

Нурғози тоғанинг ҳатто жаҳли чиқди.

— Сен хафа қилдингми?— гинахонлик билан сўради Султонмуротдан.

— Йўқ, тоғажон, мен унга тегмадим.

— Нимага йиғлапти, бўлмаса?

— Унга теккани йўқ Султонмурот.— Болишдан бош кўтариб гапга

аралашди онаси.— Йўқ, Нурғози оға, у отасини соғинганидан шундай қилапти. Шунинг учун ҳам болалар сизга ёпишгани ёпишган. Тўйиб кетдик. Кутавериб кўзимиз тўрт бўлди. Икки энликкина хат келса кошкийди. Мана икки ой бўлдики, дом-дарак йўқ...

Нурғози тоғалари синглизини тинчита бошлади. Йиғламаслигини, болалари учун ўзини эҳтиёт қилишини тайинлади. Одамларни ўлди деб ҳисоблашиб, ярим йилдан кейин улардан хат олишганлари ҳақидаги ҳар хил воқеаларни гапириб берди. Уруш-урушлигини қилади-да...

Бу гап, Султонмурот касал онаси ёнида ўтириб, ҳаётлари отасиз нақадар оғир кечаётганини чуқур ҳис этди. Ажимуротга ўхшаб кичикроқ бўлганидами соғинчидан бор овози билан ҳўнграб йиғлаб оларди. Шу куйи, йиғлаб-сиқтаб, боши оққан томонга жўнаган бўларди. Салгина бўлса-да, умидвор бўлгиси келарди. Тез орада қайтмаса ҳам майли, фақат отаси тирик бўлса бас, ана ўшанда эркин нафас олиб, кутиб, чидаса бўларди. Ана шунда у ўз муаллимаси Инкамол опанинг аҳволини тушунди.

Бир кунни опа отхонага келди. Районга кетаётган йўловчи аравага отларни қўшгунларича кутиб турди. Ҳамон ўша дағал жундан тўқилган шол рўмолда, кексайиб қолган, ёлғиз. Кўзлари тўла ғам-андух, қийшайиб қолган дарвоза олдида турарди у. Лекин орадан бир кун ўтиб қайтиб келганида уни таниб бўлмас, кекса муаллима ўзгариб қолгандай, аслига қайтгандай эди. Ҳатто пешонасидаги ажинлари теп-текис бўлиб кетганди. Очиқ чеҳрада ўз ўқувчиларининг ишлари билан қизиқди. Султонмурот уни ҳовли бўйлаб олиб юриб десант отларини кўрсатди.

— Мана, Инкамол опа тўрт отимиз! Мана ҳаммаси охур бўйлаб туришибди.

— Яхши отлар, парвариш қилингани шундоққина кўриниб турибди,— мақтаб қўйди Инкамол опа.

— Илгари уларни бир кўрганингиздами,— сўзлай кетди Султонмурот.— Қоқ суяк эди. Ҳаммаёғи яғир. Яғринлари яра-чақа, йиринг босган. Оёқлари оқсоқ. Энди бўлса, ўзимиз ҳам таниёлмай қоламиз. Мана, Инкамол опа, менинг Чопдорим. Бир кўринг, қанақалигини! Отамнинг оти. Мана буниси эса Оқбақа, ана у Йўртар...

Сўнгра муаллимага устахонада отларга уриш учун тахлаб қўйилган эгар-жабдуқларни кўрсатди. Кейин плугларни кўришди. Ҳамма нарса тахт, шу топнинг ўзидаёқ отларни қўшиб, ҳайдайверса бўлади-ган...

Инкамол опа жуда хурсанд бўлди. Хайрлашаётганда эса, уларни ўқишдан қолдирганларида ташвишланиб, норози бўлганини, бироқ ҳозир буларни кўриб кўнгли жойига тушганини тан олди. Ҳозир муҳими ғалабаю одамларни тезроқ урушдан қайтишлари, қолган нарсаларнинг ҳиссасини чиқариб оламиз, албатта чиқарамиз,— деди у.

Маълум бўлишича Инкамол опа агар яхши хабар чиқса ҳеч нима, ҳеч қандай пул олмайдиган, бировларнинг қувончини ўзиники деб билладиган машҳур фолчи ҳузурида бўлган экан. Фолчи шунинг учун ҳам доимо ростини гапираркан. Ўша фолчи опага уч марта фол очиб, ўғлини тирик дебди. Асир ҳам, ярадор ҳам эмас. Фақат шундай топшириқдаки, хат ёзиш ман этилган. Рухсат олгач мана кўрарсиз, хат устига хат келаверади... Бу гапларнинг қанчаси рост, қанчаси ёлғонлигини ҳеч ким билмайди. Аммо воқеани одамларни районга олиб бориб келган аравакаш отхонада сўзлаб берибди.

Инкамол опанинг фолчига борганини эшитгач Султонмурот ўшанда дафъатан ҳайрон бўлган эди, унинг кўрқув аралаш ҳасратлари бонсини мана энди тушуниб етди ва бир оз енгил тортгач, онасига ҳам

ўша башорат қилувчи аёлга бориб отасидан бирор хабар топишни маслаҳат беришга қарор қилди.

Ҳа, буларнинг ҳаммаси ҳақида ўйлашнинг ўзи оғир ва қўрқинчли эди. Аммо, булоқнинг кўзидан юқорига тинчгина қайнаб чиқаётган сув оқими каби қуйилиб келаётган ёрқин ва қувончли туйғулар ҳам бор эди. Булар у ҳақда, Мирзагул ҳақдаги ўйлар эди. У аслида бу туйғуларни чорлашга уринмас, аммо улар ер остидан ниш урган майсалар мисол ўзидан-ўзи пайдо бўлишарди. Мана шунда эди уларнинг қувончи, мусаффолиги, шунинг учун ҳам уларнинг айрилиб қолишини истамас, унинг ҳақида ўйлашдан чарчамасди. У ҳақда ўйлар экан, ниманидир бажариши, ҳаракат қилиши ва бу йўлда ҳеч қандай фалокатлардан, ҳар қандай қийинчиликлардан чўчиш нималигини билмасди. Лекин ҳаммасидан ҳам, буларнинг барчасини у қиз билишини истар эди.

Ўз қалбидан кечаётган туйғуларнинг ҳаммасини нима деб аташни ўзи ҳам яхши англамасди. Аммо, бу — ўзи одамлардан эшитган, китоблардан ўқиган севги эканлигини ғира-шира тушуниб етганди. Фронтга кетаётган йигитлар унга хатларини бирор қизга ёки ёш келинга бериб қўйишини сўраб бир неча бор илтимос қилишган. У бундай махфий топшириқларни гурур билан бажарган. Бу ҳақда ҳеч қачон ҳеч кимга лақиллаб ҳам юрмаган. Бунақа нарсалар ҳақида лақмалик қилиб юриш йигит кишининг иши эмас-ку! Ҳатто узоқ бир қариндоши шундай хат ёзиб беришни илтимос қилган пайт ҳам бўлган. Емонқул ҳали ёш, саводсиз эди, тоғларда қўйлар кетидан кўчиб юриб, ёшлигида ўқимади. Шунда армияга чақирилиб қолди. Йигитнинг суюкли қизи билан хайрлашгиси келган, қоғозда бўлса ҳам ўз туйғуларини унга айтмоқчи бўлган. Овулда қиз бола тўйгача йигит билан учрашиши мумкин бўлмагач нима қилсин. Шунда чаласавод Емонқулнинг қариндошининг ўғлидан ёрдам сўрашига тўғри келди. Емонқул айтиб турди, Султонмурот эса унинг сўзларини қоғозга туширди. Ушанда бу ўйин ҳам, Емонқулни сўз танлаб ҳаяжонланиши ҳам, хатни ёзиб тугатгунларича томоғига бир нарса тиралиб қолгандай бўлгани ҳам Султонмуротга кулгили бўлиб туюлган эди. Ушанда Султонмурот аввалига ўжарлик қилиб ялинтирган, бир йил ўтмай ўзи ҳам бечора Емонқулни ҳаяжонга солиб қўйган ўша ҳиссиёт ўзининг ҳам бошига тушишини хаёлига келтирмаган ҳолда бечора ошиқдан совғага дастаси архар шохидан қилинган пичоқ олган эди. Емонқулнинг тоғу тошда ёлғиз юриб тўқиган шеърини ҳозир Султонмурот эслади ва ичида ўзича такрорлади:

Оқсой, Кўксой, Сариксой — кезмаган ер қолмади,
Аммо ўхшашинг сенинг ҳеч қайдан топилмади...

Ногаҳон у ҳам ақл югуртириб фаҳмига етди: у ҳам хат ёзади! Йўли топилгач, уялиб, қўрқиб ўтирмай ҳаммасини тўкиб солиш, ўз ҳис-туйғуларини унга етказиши керак, унда ҳозироқ ҳаракат қилиш истаги, бошқаларга ҳам унинг ўзига яхши бўлганидай яхши бўлсин учун унинг сингари бошқалар ҳам ўзларини бахтиёр ҳисоблашлари учун аллақандай хайрли ишларни бажариш истаги туғилди. Онанинг тезроқ соғайиб кетиши, отасини ўйлаб ҳадеб чўчийвермаслиги учун, тезроқ яна фермада ишлаши, уйлари саришта ва иссиқ бўлиши учун, ўғли кимнидир севиб қолганини, унинг кўз ўнгида атроф аллақандай гўзаллашиб бораётганлигини бир оз сезиши учун ҳаммадан олдин — онасига ёрдамлашиши керак...

У уйда бўлган уч-тўрт кун мобайнида шунчалик кўп иш қилдики, йил давомида бунчалик иш қилиб бўлмасди. Уй ва уйдан ташқаридаги хўжаликка доир жамани ишларни тартибга солиб, саранжом-сариш талади. Онасидан ҳам тез-тез ҳол-аҳвол сўраб турди:

— Ҳазингни қандай ҳис қиялпсан? Балки, бирон нарса керакдир? Онаси унга жавобан ғамгин кулиб қўярди:

— Энди ўлим ҳам қўрқинчли эмас. Ташвиш қилма, бирон нарса керак бўлса ўзим айтаман...

Хатни бўлса у тунда, ҳамма ухлагандан кейин ёзди. Ҳеч ким ва ҳеч нима унга халақит бермаса-да, жуда ҳаяжонланди. Аввал нимадан бошлашни ўйлаб олди. Ундай ёзиб ҳам кўрди, бундай ҳам, бари бир бўлмади. Ҳар гал бошқачароқ ва бундан бошқачароқ бошлаши керакдай бўлиб туюларди. Фикрлар, худди пала-партиш отилаётган тошдан ҳосил бўлаётган сув бетига айланаларга ўхшаб кенгайиб борарди. Қалбида ардоқлаб юрган орзуларини изҳор қилгиси келар, аммо буларни қогозга туширишга келганда гап қовушмай қоларди. Энг олдин унга, Мирзагулга, унинг қанчалар гўзаллигини, овулдагиларнинг ҳаммасидан гўзаллигини, нафақат овулда, балки бутун оламда тенги йўқ эканлигини айтгиси келарди. Унинг учун бир синфда у билан ўтириш, унинг гўзаллигини томоша қилиб термилиш ва дунёда шу термилишдан ёқимлироқ ҳеч нарса йўқлигини айтгиси келарди. Бироқ, ҳаёт тақозоси билан у ўз десанти туфайли эндиликда мактабга боролмас, қачон уларнинг мактабга қайтиши, номаълум бўлиб қолганди. Энди у қизни аҳён-аҳён учратар ва мана шунинг учун ҳам жуда-жуда изтироб чекар, уни жуда соғинар эди. Шундай соғинардик, ҳатто, баъзида йиғлагиси келарди. Буни у доим тан олгиси келмасди, эркак киши доим эркакларча иш тутиши керак, бироқ, кўз ёшлари ҳақиқатан гоҳо томоғига келиб қоларди. Танаффус пайтлари бекорга ва дабдурустдан, сал-пал шилқимсифатликни эп кўрмай қизнинг олдига боролмаётганлигини ва унинг бекорга ўзини олиб қочиб юганини — хатда тушунтириши керак эди. Унинг туйғуларида ҳеч қандай ёмон ният бўлмаган. Сурбет Онатой ўзини энг кучли ва довюрак эканлигини, десантчилар ичида энг зўри эканлигини кўрсатиб қўйишни кўзлаганидаги ўша қувишишни ҳам унга тушунтириб беришни жуда истарди. Аммо ўшанда, қиз ўзи кўргандай, Онатой ҳеч нарса қиялмайди. Афсуски фақат Оқтўриғи шикастланди. Аммо, ҳаммасидан унинг айтгиси келган муҳим нарса — қандай қилиб синфдошлари тўдасидан қизни таниб қолгани ва уни узоқ пайтдан бери, қаттиқ севишни дарров тушунгани, яна қўлларини ёзиб ва нималар деб қичқириб тепалиқдан тушиб келаётганида унинг қандай гўзал кўрингани эди. Қиз унга томон худди муסיқа оҳангидай, шаршарадай, ўт ёлқинидай югурган эди...

Дераза тоқчасидаги лампаларни икки марта тузатиб қўйишга тўғри келди. Пилик тугаб борарди. Яхшиям онаси бошқа хонада ётар ва унинг охириги керосинни ёқиб тугатаётганини билмас эди. Хат ҳамон қовушмас, нима деб ёзишни билмагани учун эмас, балки, аксинча, ҳаммасини тўкиб солиш истаги борлиги учун.

Утовдаги деразаларни аллақачон қоронғилик қоплаб, аллақачон итлар хуришни бас қилганди. Манас қорли тизма тоғлари пойидаги водий аҳолисининг барчаси аллақачон сукунатли февраль туни қўйнида уйқуга чўмган. Дераза ташқарисида зим-зиё тун. Гўё унга бутун оламда фақат улар — тун ва унинг ўзи Мирзагул ҳақидаги ўйлари билан якка қолгандай туюлди.

Ниҳоят у ёзишга қарор қилди. Ўз хатини «Ошиқлик хати» деб номлаб, уни гўзаллик ёғдуси уйдаги лампа ёғдуси ўрнини боса олади-ган, овулда яшайдиган соҳибжамол М. га бағишланганини ёзди. Кейин, бозорда минглаб кишилар учрашсалар-да, фақат бир-бировларига қўл узатишни лозим кўрганларигина саломлашишини ёзди. Буларни ҳаммасини у Ёмонқулнинг хатидан ёдлаб олганди. Кейин бутун ҳаётини сўнгги нафасигача қизга бағишлаганини ва шунга ўхшаш нарсаларни тўкиб солди. Хат сўнггида Ёмонқулнинг шеърини эслади:

Оқсой, Кўксой, Сариксой — кезмаган ер қолмади,
Аммо ўхшашинг сенинг ҳеч қайдан топилмади...

6

Эртасига, Ажимурот мактабдан келгач, у укаси билан далага, ўтин олиб келишга жўнади. Ажимуротга эшаги Қораёлни эгарлашди. Боғлаш учун арқон, ўроқ ва қўлқопларини эшак эгарига боғлашди. Итлари Оқтошни ҳам ўзлари билан бирга олишди. Ит жон деб улар билан кетди. Ажимурот, кичиклиги учун эгарга минди, каттаси эса эшакнинг ёнида борди. Султонмурот қуруқ шох-шаббага бой бир жойни биларди. У жой узоқда, Туюқжар дарасида эди. Баҳор ва ёзда дарага ҳар томондан қор сувлари, айниқса ёмғир сувлари оқиб келарди. Айқириб оқаётган сел оқими, момақалдироқлар гумбирлашидан дара даҳшатга тўлар, кузга келиб эса пояси қаттиқ ўтлар чангалзорда одам бўйи ўсиб қоларди. У ерга одам кам борарди. Лекин қуруқ қўл билан қайтмасди.

Атрофдаги ҳамма қурвай териб олинган. Мана Туюқжарга йўл олишга тўғри келди. Султонмурот онасини Оқсойга кетгунича ўтин билан таъминлаб бераман деб ишонтириб қўйганди.

Аввалига Султонмурот ҳар хил фикрлар огушида паришонхотир борар ва эзма укасининг гапларига истар-истамас жавоб бериб қўярди. Ўйлашга арзирли нарсалар бор эди. Плугчиларнинг Оқсойга жўнаш пайти яқинлашган. Саноқли кунлар қолган. Жўнашдан олдин доимо кўп нарса қилинмагани сезилиб қолади. Айниқса, майда-чуйда ишлар. У ерда, Оқсойда, керак бўлиб қолганда михни ҳам топиб бўлмайди ахир. Яхшиям, раис Тиналиев уларникига кириб ўтди. Онасининг соғлиғи, десанг командирининг ишлари қандай эканлигини кўришга келди. Ўзи ҳам баъзи нарсаларни — шудгор пайти жой масаласи, ўтовлар ўрнатилиши ва озик-овқатни ташиш қандай ташкил қилиниши, ҳаммаси ҳақида гапирди, аммо, айниқса, онаси билан гаплашгани яхши бўлди. Кейинги пайтларда касаллик ва отасидан хат келмаётгани туфайли онасининг асаби бузилган. Раис билан тортиша-тортиша: «Бу гўдакларни қаёққа жўнатяпсизлар? У ерда, чўлда нобуд бўлишади улар. Ўғлимни жўнатмайман, деди. — Ўзим касалман. Болалар ёш. Эримдан хат-хабар йўқ. Пичан, ўтин йўқ уйда». Раис эса, озроқ пичан ёрдам берамиз, бошқа илож йўқ, баҳорги шудгор яқин, дейди. Ўтин ҳақида ҳатто ҳеч нима ваъда қилмади. Ҳатто оқариб кетиб, ҳалқумидан бир нарса уни қисгандай деди: чўлдаги болаларга келсак, бекорга ташвишланяпсиз. Эътибор ҳам бермайман сўзларингизга, юрагимдан тушуниб турган бўлсам ҳам. Бу, ахир, фронт топшириғи. Шундай экан хоҳлайсанми — йўқми сўзсиз бажариш шарт. Мана, масала, сизларни эрларингиз ҳужум олдидан уйни эслаб у йўқ, бу йўқ, уй иситилмаган, болалар тўйдирилмаган, атакага бориб нима қиламиз деб йиғлаб қолишса! Нима бўларди? Уруш пайти бунақа нарсани ким кимга қўйиб берарди? Бизлар учун эса Оқсой — бу бизнинг ҳужумимиз. Уша ҳужумга биз охириги кучимиз — мактаб ёшидаги болалар билан боряпмиз. Бошқа одамлар йўқ.

Мана шунақа, суҳбат бўлди. Султонмурот онасига ҳам, раис Тиналиевга ҳам ачинади. Уни ҳам тушуниш керак, турмушнинг яхшилигидан қилаётгани йўқ бу ишни. У Султонмурот тезроқ ишга чиқишини илтимос қилди. Вақт жуда ғанимат, деди. Онанг сал енгиллашгач бир минут ҳам вақтни ўтказмай ишга кириш тезроқ...

Кечаги кундан бошлаб онаси ўзини бир оз яхши ҳис эта бошлади, уйда у-бу нарсаларга урина бошлади. Энди у Отсаройга, болалар

ёнига қайтиши мумкин эди. Бироқ ер остидан бўлса-да, ўтин топиш керак бўлиб қолди. Оилани оловсиз, ўтинсиз қолдириб бўлмайди...

Илк баҳор куни эди. Иссиқ туш пайти. На қиш, на баҳор. Кучларнинг осуда келишуви. Атроф яйдоқ, топ-тоза, осойишта. Ҳар-ҳар жойда қори эриб улгурмаган кенг ялангликлар қорайиб турибди. Шаффоф ҳавода қорли тоғлар салобатли узоқ-узоқлардан кўзни қамаштиргудай оқариб кўринарди. Атрофда бепоён ер ястаниб ётибди. У инсон парваришига муҳтож!

Султонмурот тўхтади. У ердан, ғарбдан, адирлар қўйнидан улуғ Манас тоғи этагидаги Оқсой дарасини тонишга уринди. Бироқ ўша Оқсой деб аталмиш жойда у ҳеч нарсани кўролмади. Фақат кенглик ва ёруғлик... Ана шу томонга бир неча кун йўл юриб боришлари керак. У ерда қандай бўларкин? Уларни ўша ерда нималар кутияпти экан? Унинг аззойи-баданини хавотирли бир совуқлик жимирлатиб ўтди.

Лекин ажойиб кун эди. Ажимурот эса севинганидан эсини йўқотиб қўйди. Озод кундан, акаси ёнидалиги ва вафодор итлари атрофларида югураётгани, бутун бир дунёда эркин эканликлари, уйларига ўтин олиб келишга бораётганларидан хурсанд. Ўзи бўлса эшак устида. Товуши ингичка, ҳар хил қўшиқларни, урушдан олдингиларини ҳам айтади:

Кўмонда бер, маршаллар,
Бизлар жангга киремиз.
Душман қанча бўлсаям,
Хаммасини қирамиз.

Эҳ, тентаквой! Эси паст гўдак...

Аммо Ажимуротни ҳеч нарса билан иши йўқ. У борлиқни унутиб давом этади:

Бир икки, бир икки,
Сафларингни тут тўғри...

Султонмурот ҳам қувончга тўлди. Эшакка миниб олган ботирчага қараш кулгили эди. Ўтган йилги ғарам ёнидан ўтишаётганларида беихтиёр жим бўлиб қолишди. Бу овлоқ жойда, тўкилиб-сочилиб ётган похол ғарамлари оғушида баҳор нафаси уфуриб қолганди. Дала сукунати. Ўтган йили ҳосилни ўриб-янчиб олишлари билан бу ерларда ҳамма нарса жимиб қолган. Ҳўл, чирик похол ва тугаб бўлган ёз ҳиди анқийди. Ариқ ичида теграси йўқ ғилдирак ётарди. Янчилган бугдой пояларидан қилинган чайла ҳамон сақланиб қолган. Ғалла янчувчилар иссиқдан шу чайлада дам олишарди. Офтобрўя жойда, хирмоннинг ўртасида, бугдой чори уюлган жойда қолиб кетган донлардан қалин майсалар кўкара бошлаган.

Оқтош ғарам ичида ниманидир ҳидини олиб у ёқ-бу ёққа югуриб ёввойи кабутарларни чўчитарди. Улар оқариб кетган похоллар осилиб қолган жарликлар остидан парр этиб кўтариларди. Кабутарлар бу ерларда қиш бўйи донлаб юришарди. Улар дала тепасида зич қолда гир айланишиб шиддатли ва шодон парвоз қилишарди. Оқтош уларнинг ортидан югуриб ювош ҳураар ва яна чопиб кетар эди. Ажимурот ҳам бақириб-чақириб каптарларни қўрқитди ва тезда уларни унутди ҳам. Султонмурот эса қушларни узоқ кузатди. Қуёшда садаф бўлиб товланаётган қанотларига боқиб, уларнинг чаққон парвозини завқ билан томоша қиларди ва галадан бир жуфт каптар ажралиб чиқиб ёнма-ён учиб бораётганини кўриб қолиб, армияга кетган ёш математика ўқитувчисини эслади:

Оқ каптар сен кўкдаги,
Мен туйғун куш тўпдаги.
Бирга бўлсак оҳ, қани,
Хоҳламасман — бошқани...

Ўқитувчини кузатаётганларида, бўзачиникида кайфи ошиб қолди. У бричкада овулдан чиқиб кетаётиб ўзининг мовий осмонда учиб бораётган ошиқ кўк кабутар эканлигини, ёрнинг эса ёнма-ён учиб бораётган мода кабутар эканлигини узоқ куйлади... Ушанда бу қўшиқ Султонмуротга кулгили бўлиб туюлган, ҳайбатли ўқитувчи ҳам бирдан шунчалик кулгили бўлиб кўринган эди. Ҳозир эса, узоқлашиб бораётган бир жуфт ёввойи кабутарларни кузатиб қоларкан, қотиб қолди, бадани жунжикиб кетди. Математика ўқитувчисининг бу қўшиғи унга кучли таъсир этди. Йигитга ўша кўкда учиб юрган кабутар, ўзи, ёнма-ён учаётган ҳув ёнидагиси эса Мирзагул бўлиб кўринди. Ҳозироқ, Мирзагул билан бирга бўлиш истаги қамраб олди уни, худди қиш даласи тепасида айлана ҳосил қилиб учаётган ҳув ўша кабутарлардай учгиси келди. Унга ёзилган хатни эслади ва кабутар ҳақидаги «Оқ кабутар» қўшиғидаги сўзларни ҳам хатга қўшиб ёзишга қарор қилди... Ҳамма гап энди хатни унга қандай етказишда эди. У билади, болаларнинг олдида Мирзагул ҳеч қачон ундан хат олмайди. Ахир ҳатто, танаффус пайтлари ҳам ундан ўзини олиб қочиб юради. Энди бўлса Султонмурот мактабга ҳам бормади. Унинг уйига бориб бўлмаса, ота-онаси қаттиққўл, борганида ҳам нима дейди, қандай тушунтиради? Нега бир овулда яшаб туриб хат бериш керак экан? дейишлари мумкин.

Бироқ у қиз ҳақида ўйлагани сари унинг ўйлаётганини қиз билишини шунча кўп истар эди. Бунининг билиши фавқулодда жуда, жуда ҳам муҳим.

Йўл бўйи у ҳали у қиз ҳақида, ҳали Оқсойга жўнашлари, ҳали фронтдаги отаси ҳақида ўйлаб борди ва қандай қилиб Туюқжар дарасига етиб келганларини сезмай қолди. Бу ерда кимдир бўлган, хўжайинлик қилганга ўхшайди. Лекин музлаб қолган сой атрофидаги жарликда ва Маймунжийданинг тиканли чакалаги ичидаги қуврай ҳам етарли эди. Қуврайни қандай олиш эмас, балки қандай олиб кетиш гамини ейишга тўғри келди. Кўп ўйланиб ўтирмай ишга киришишди. Эшаклари Қораёлни қор остидан чиқиб қолган ўтган йилги майсаларга ўтлашга қўйиб юборишди. Оқтошга қаровнинг кераги йўқ, ўз ҳолича дарада, худо билади кимни ва нималарни искаб юрибди. Ака-ука гайрат қилиб ишлашди. Шох-шаббани ўроқ билан ўришиб, кейин кесилган новдаларнинг ҳаммасини дасталаб боғлаш учун бир жойга тахлашар, жимгина ишлашарди.

Тезда терлаб кетишди, ечинишди — қўй тери пўстинчаларини отиб юборишди. Қуврай қалин ва қаттиқ поялигида уни ўроқ билан ўриш хўп ажойиб. Овул атрофида бунақасини топиб бўлмайди. У ерда нима қилсин? Бу ерда эса даста-даста қилиб илдири билан ўриб олишининг ўзи мароқли. Қуврай чаноғида шиқирлайди, қўзоғидаги уруғлари қорга тўкилади. Ва яна худди ёздаги, август ойидаги сингари аччиқ чанг ҳиди димоққа уради. Қадни ростламоқ маҳол. Аммо бу ернинг қуврайи жуда зўр, қўри роса кучли бўлади. Онаси, сингиллари хурсанд бўлишади. Уйда печка яхши ёнса кайфият ҳам яхши бўлади.

Улар анча иш қилиб қўйишган, энди дам оламиз деб туришганида Оқтош бирдан жон-жаҳди билан ёввойиларча ҳуриб қолди. Султонмурот бошини кўтариб ўроқни силкитиб бақириб юборди:

— Ажимурот, қара, тулки!

Дарадан қиш бўйи қотиб қолган ерда итдан қўрқиб кетган тулки олдинда гоҳ тўхтаб, гоҳ ортига қараганча чопиб борарди. У анчагина катта, қулоқлари диккайган, бели кўкимтир — қизил рангли ва худди шунингдек узун думи ҳам кўкимтир — қизил тусда эди. Оқтош уни жон-жаҳди билан таъқиб этар, бироқ у ўлжасига қанчалик кўп интизмасин, шунчалик кўп қорга ботиб қоларди.

— Ушла уни! Ушла!— бақирди Ажимурот ва улар ўроқларини силкитиб тулкининг йўлини кесиб чиқишди.

Қаршидан югуриб келаётган одамларни кўрган тулки бирдан ортага қайрилиб тиканли буталар орқасига ўтиб кетди ва Оқтош унинг эски изидан чошиб ёнидан ўтиб кетгач, тулки яна тескари томонга қараб қочди. Албатта, тулки ўз кушандасини бемалол адаштириб қутулиб кетиши мумкин эди, бироқ, ҳамма бало шунда эдики, у жар лабига келиб қолган эди, худди қопга тушиб қолгандай, жар ёқасининг бу ери тик, ўтиб бўлмас девордай эди. Ҳеч қаёққа қочиб қутулиш мумкин эмасдай эди. Мана бу тўполончи, тиниб-тинчимас ит бўлмаганида тулки Маймунжийда орасига яшириниб олар, уни қалин тиканзорлар ичидан биров топиб кўрсин-чи. Лекин ит ҳали нодон, ҳовли ити бўлишига қарамай чидамли ва қатъиятли чиқиб қолди. Унинг ҳуриши бир минут ҳам тўхтамади, тулкини даҳшатга солган ҳам айни итнинг ҳуриши бўлди.

Ака-ука эса, кутилмаган ҳодисага берилиб, терлаб-пишиб, қизишиб, ўз овозларидан ва таъқиб завқидан қулоқлари битиб энгашиб олганча унинг орқасидан югуришарди. Тулки ё итнинг қўлига тушиши ёки жардан чиқиб кетиш учун одамларнинг ёнидан ёриб ўтиши керак эди.

Тулки одамлардан қочиш ўрнига, ўгирилиб қараганча, улар томон юзма-юз юра бошлади. Кутилмаган ҳодисадан болалар тўхтаб қолишди. Тулки орқадан изма-из таъқиб қилиб, қияликлардан тез-тез йиқилиб, суриниб, ҳаллослаб келаётган Оқтошнинг ҳолини сезиб жар пастидаги қор уюми томон деярли шошилмай борарди. Бечора Оқтош акиллаб чопаверишдан гангиб қолган эди. Тулки қалин қорлиқ бўйлаб гир айлангириб роса аҳмоқ қилаётганини ит сезмас эди.

Ҳа, ака-укалар ҳам унчалик сезгир эмасди. Иккови ҳам югуриб келаётган мўъжизани кўриб қотиб қолишди. Чопаётганида тулки шунчалик чиройли эдики, худди оқим бўйлаб сузаётган қайиққа ўхшарди. Тулки уларнинг ўртасидан ўтмоққа, ҳеч кимнинг ранжимаслиги учун қоқ ўртадан йўл солишга шайланди. Бироқ у шундан кейин сал чапроқдан, Султонмуротдан бир-икки қадам наридан ўтиб кетди. Мана шу қисқа дақиқаларда у тулкини бошдан-оёқ худди тушдаги каби, ўз кўзларига ишониб-ишонмай томоша қилди. Шиддат билан бошини тик тутиб, тулки унинг ёнидан ўтиб бораркан, қоп-қора порлаб турган кўзлари билан унга боқди. Султонмурот бу ақлли ҳайвон нигоҳидан ҳайратланишга улгурди. Тулки унинг хаёлида мана шу тахлитда бошини ва худди шунингдек момиқ думини кўтарганча оқиш қорни, қора илдам панжалари ва ақлли, ҳамма нарсани сезувчи нигоҳи билан қолган эди. Султонмурот тегмаслигини билар эди у.

Ажимурот ўроғини тулкига отиб қичқирганидагина у ўзига келди:

— Ур уни! Ур!

Султонмурот уни уришга улгурмай тулки қуврай орқасига ўтиб кетди. Ортидан Оқтош қувиб кетди ва улар ҳам жар бўйлаб пастга қараб чопишди.

— Ёпирай!— деб юборди Султонмурот.

Ака-укалар югуришиб кетди, кейин тўхтаб қолишди.

Тулки изсиз йўқолган эди. Фақат гоҳ у ер, гоҳ бу ерда Оқтош ҳурарди.

— Эҳ, сени қара-я,— деди кейин Ажимурот.— Шундай тулкини қўлдан чиқардинг. Ҳатто қўлингни қимирлатмай қаққайиб турибсан-а. Султонмурот нима дейшини ҳам билмасди. Укаси ҳақ эди.

— Нима қиласан уни?— мингиллаб қўйди у.

— Нима қиласан?— Айтмоқчи бўлган гапини тушунтириб ўтирмай қўл силтади.

Кейин улар ўрилган шаббаларни жимгина бир жойга йиға бошлашди. Тўла боғламлар қилиш учун яна бир оз ўришлари керак эди. Ана шу пайт Ажимурот хафа бўлиб деди:

— Нима қиласан, нима қиласан, дейсан! Отамга тулки телпак тикар эдик, Нурғози тоғаникига ўхшаш, сен бўлса қаққайиб турибсан!

Султонмурот эсанкираб қолди: мана демак, укаси тулкини қувганда ниманинг ғамини еган экан. Энди эса ҳақиқатан ҳам мана шундай чиройли тулкини тутолмаганига ачинди ва отасини Нурғози тоғаники каби момик телпакда тасаввур қилиб кўрди. Шунақа телпак жуда ярашар эди отасига. Султонмурот ўйларини Ажимуротнинг пиқиллаб йиғлаган овози бўлди. Укаси шох-шабба дастаси устига ўтириб олиб астойдил йиғларди.

— Нима бўлди? Сенга нима бўлди?— Унга яқинлашди Султонмурот.

— Ҳеч нарса,— деди у йиғи аралаш.

Султонмурот қайта суриштириб ўтирмади. Нурғози тоғаси келганида яқинда Ажимуротнинг йиғлаганини эслаб, у дарров тушунди. Болакай отасини соғиниб йиғлаётибди. Тулки ва тулки телпак бир туртки бўлди, холос...

Султонмурот укасига қандай ёрдам беришни билмасди. Унинг ўзи ҳам маънос тортиб қолди. Укасига меҳр-шафқат ва изтироб билан яқинлашаркан, у қалбдаги ноёб туйғуларини унга айтишга қарор қилди:

— Сен йиғлама, Ажике,— деди унинг ёнига ўтираркан.— Йиғлама. Биласанми, отам қайтиб келгач мен уйланаман.

Ажимурот йиғидан тўхтаб унга ҳайратланиб тикилиб қолди:

— Уйланаман?

— Ҳа, агар бир ишда менга ёрдам берсанг.

— Қанақа иш?— дарров қизиқсинди Ажимурот.

— Фақат бировга чурқ этиб оғиз очмайсан!

— Ҳеч кимга! Ҳеч кимга айтмайман!

— Энди Султонмурот иккиланди. Айтсинми ёки айтмасинми?..

У ўзини йўқотиб жим турарди. Ажимурот тиқилинч қила бошлади:

— Қани айт-чи, қанақа иш, айт, Султон. Чин сўзим, ҳеч кимга оғиз оча кўрмайман.

Султонмурот терга ботди ва укасининг юзига қарамай, оғир тортганча шундай деб юборди:

— Хатни мактабга, бир қизга элтиб бериш керак.

— Хат қани, қанақа хат ўзи?— Ажимурот дарҳол акаси томон сурилди.

— Кейин кўрсатаман. Хат бу ерда эмас.

— Қаерда?

— Қаерда бўлса ўша ерда. Кейин кўрасан.

— Кимга, қайси қизга?

— Сен биласан уни. Кейин айтаман.

— Бир йўла айта қол!

— Йўқ, кейин.

Ажимурот тиқилинч қилиб туриб олди. Уни тинчитиб бўлмасди. Султонмурот оғир хўрсиниб дудуқланганча айтишга мажбур бўлди:

— Бу... бу... хатни Мирзагулга элтиб бериш керак.

— Қайси Мирзагулга? Ўзларингни синфларингда ўқийдиган қизгами?

— Ҳа.

— Урай!— қувонганданми ё шўхлиги тутибми бақириб юборди укаси.— Мен уни танийман, у ўзини жуда гўзал деб юради! Кичик синфдагилар билан гаплашмайди!

— Нега бақирасан?— ғазабланди каттаси.

— Хўп, хўп! Бақирмайман! Сен уни яхши кўрасанми? Худди Ойчурен ва Семетей сингари, шунақами?

— Жим бўл!— бақириб берди унга Султонмурот.

— Нима қипти? Гапириб бўлмайдими?— жаҳлини чиқарарди Ажимурот.

— Бор, бор, бақиравер, ҳув тоғларга чиқиб олгин-у, бутун дунёни бошингга кўтариб бақир!

— Чиқаман ва қичқираман ҳам! Сен ўша Мирзагулни севасан! Биламан! Биламан! Севасан...

Укасининг сурбетлиги акасининг жаҳлини чиқариб юборди. Султонмурот қулочкашлаб унинг орқасига яхшигина тушириб қолди. Уни си дарров букчайиб олганча бутун дарани бошига кўтариб йиғлай бошлади:

Отам фронтдалигида мени уряпсанми? Шошмай тур! Шошмай тур! Ҳали жавобини берасан!— бор овози билан бақириб йиғларди.

Энди уни юпатиш керак эди. Эҳ, дардисар! Улар ярашишгач Ажимурот ҳамон энтикиб хўрсиниб мушти билан юзидаги ёшларини артиб деди:

— Ҳеч кимга, ҳатто онамга ҳам айтмайман, қўрқма. Сен бўлса дарров уришга тушдинг... Хатни олиб бориб бераман. Энди айтмоқчи бўлиб турувдим, уриб қолдинг... Танаффусда бераман, бир чеккага тортиб. Сен эса бунинг эвазига отам фронтдан қайтиб, станцияга келганида, ҳамма уни кутиб олишга шошилганида, мени ҳам бирга олиб борасан. Иккаламиз Чопдорга миниб, елдирганча ҳаммадан олдин етиб борамиз. Сен-у мен. Чопдор, ахир, сеники-ку энди. Сен олдинда, мен орқангга мингашиб чоптириб кетамиз. Чопдорни дарров отамизга бериб, ўзимиз ёнма-ён югурамиз, онам ва бошқа ҳамма одамлар эса бизни кутгани пешвоз чиқишади...

У шу тахлитда надомат билан, маъюс, ёлвориб гапирар экан, Султонмуротни шундай эзиб юбордики, ўзиниям йиғлаб юборишига сал қолди. Қизиққонлик қилган экан, энди эса болакайни урганга роса афсусланди.

— Хўп, Ажике, йиғлама энди... Икковимиз Чопдорда чопиб борамиз, фақат отамиз қайтса бўлгани...

Урилган ҳамма қуврайни тўплаб боғлаганларида учта яхшигина боғлам бўлди. Султонмурот шаббани боғлашга уста эди. Аввалига уюм уларнинг кўзига худди тоғдай салобатли кўриниб, ҳатто олиб кетолмаймиз деб ҳам қўрқишди. Кейин эса арқон усталик билан ишга солингач уюм аввалгисидан уч марта кичрайди. Яхши тортилган боғлом елкада маҳкам ва текис туради, олиб кетиш ҳам қулай. Бу сафар болалар иккита боғлам қилишди. Қораёлни мана шунинг учун ҳам олиб келишган ахир. Битта қўшимча боғламни Султонмурот ўз зиммасига олишга қарор қилди. Йўл узоқ эди, аммо уйга бир йўла кўпроқ ўтин олиб борган яхши. Шундай қуврайни қолдириб кетиб ҳам бўлмайди. Туюқжар дарасидан антиқа шох-шабба териб олишганди улар.

Қораёлни устига ўтинни шундай ортишдики, қулоғиям, думи ҳам кўринмай қолди. Ажимурот унинг тизгинини тутди. Султонмурот боғлам оғирлигидан энгашиб изма-из юрди. Боғлам унинг елкасига алоҳида усулда боғланган эди. Арқон чап қўлтигидан туширилиб кўкраги орқали ўнг елкасига тортиб ўтказилган, гарданининг ўнг томонидан арқонга илмоқ солинган. Юк ташувчи илмоқни учидан ушлаб олган. Бундай ҳолда ўтинни кўтариб бораётган одам боғлам тугунининг бўшаб қолган жойини йўл-йўлакай тортиб олиши мумкин.

Улар мана шундай боришарди. Олдинда Қораёлни тизгинидан ту-

тиб олган Ажимурот, орқада елкасида юк билан Султонмурот. Уларни ортидан эса ҳолдан тойиб судралганча кўпак Оқтош келарди.

Қуврай олиб кетаётганда энг муҳими узоқ вақт дам олмай юриш. Биринчи довондан ўтгач босиб ўтиладиган йўлларнинг оралиғи қисқаради, иккинчи довон биринчисини ярмига, учинчиси иккинчисининг ярмига камаяди ва ҳоказо. Султонмурот буни яхши биларди, шунинг учун ҳам кучини тежаб бир маромда, оёқларини кеңг ёйиб, қадам босарди. Энди у атрофда ҳеч нимани кўрмас, фақат олдинга, оёқлари остига қараб борарди. Боғламни олиб борар экансан, узоқ вақт чарчаб қолмаслик ва тез-тез дам олмаслик учун яхшиси бирор нарса ҳақида ўйлаш керак.

У эртага эрталабдан отсаройга ишга қандай бориши ва яна десант командири вазифаларини бажаришга киришиши ҳақида ўйлаб борарди. Шошилиш керак. Оқсойга жўнаш учун саноқли кунлар қолган. Отлар қаддларини тутиб олишди, даволанишди, плуг ва запас плуг тишлари тайёр, абзаллар ҳам, аммо, бари бир, далага чиқиш биланоқ баломадир етишмаслиги аниқланади, доим шундай бўлади. Бу бригадир Чекишнинг сўзлари эди. Бригадир Чекиш дейди:— кўз — қўрқоқ, қўл — ботир, далага қўрқмай чиқиш керак, иш давомида қолганлари аниқланаверади, ҳаммаси бирдан бўлмайди-ку ахир.

Қандай қилиб онасининг меҳнатини енгиллатишни ўйларди Султонмурот. Онасининг жудаям тинка-мадори қуриган. Фермада сигир соғади, сигирларни парвариш қилади, яна уйда тиним йўқ. Ҳаммасига балагардон ўзи. Исит, пишир, юв. Қизчалари ҳали ёш. Ажимуротни ҳам кўлидан бир иш келмайди ҳали. Ўзи бўлса оилага бегонадай бўлиб қолган, бугун-эрта Оқсойга кетади-ю, ким билсин шу билан қачон қайтади. Қанча ерни ҳайдаб шудгор қилиш, бороналаш керак.. Унда эса бор-йўғи бешта улов. Қолган от-улов ва плугларнинг ҳаммаси эски ерларда ишлатилади. У ерларда иш яна ҳам кўпроқ. Бироқ бу ерлар ҳар ҳолда овулга яқин. Бирор нима бўлса хотинлар чопиққа тушишадди. Бутунлай номуносиб иш аёлларга. Аммо энди улар белдан келадиган ариқлар қазияпти, далаларга сув ҳам тарашаяпти, тўғонлар ҳам қуришяпти...

Нима қилиш керак, қандай қилиб онасининг юмушини енгиллатсин? Ўйлаб ўйининг охирига етолмади...

Аммо ҳаммадан кўра у эртага хатни бериши ҳақида, фақат «Оқ кабутар» қўшиғи сўзларини қўшиб қўйиши кераклигини ўйларди. Мирзагул унинг хатини ўқиётгани, ўқиб нималарни ўйлаётганини тасаввур қилишга уринди. Эҳ, қандай қийин экан севги ҳақида хат ёзиш! Нимани изҳор этишни истаган бўлсанг тамом акси бўлиб чиқар экан. Ҳеч қандай қоғоз юракдаги туйғуларни ўзига сингдиролмас экан. Қизиқ, нима дер экан у? У ҳам жавоб хати ёзиши керак. Бошқа нима қилиши мумкин? У қизни севишини, қизнинг эса бунга рози ёки норозилигини қандай қилиб билса бўларкан? Мана гап қаерда. Агар унинг севгисини қиз истамаса нима бўлади?.. Унда нима қилади?..

Туюқжар аллақачон ортда қолиб кетди. Ботаётган қуёш энди юзнинг бир томонини олдан ва ён томондан ёритарди. Тупроқ ҳамон ўша қиш сукунати ва салобатини сақлаб қолган. Одатда, роҳат, жимлик, шуларнинг ҳаммасини бирдан қориштириб, парчалаб ташлаш учун бўрон олдидан шундай осойишталик ҳукм суради. Бунақа пайтларда ёвуз кучларни қайтариш учун: «Яхшиликка кўринсин!» деб қўйиш керак. Гоҳо ёрдам қилади. «Яхшиликка кўринсин!» деб қўйди ичида Султонмурот олдиндаги биринчи манзил учун қулай жойни кўздан кечираркан.

Кейин қийналмай оёққа туриш учун сал тепароқ жойни танлаш керак бўлади. Қуврай олиб кетаётган одам аввал боғламга елкасини

қўйиб тебранганча туришга чоғланади, чоғланганда ҳам боғлам билан биргаликда тебраниб секин ҳаракат қилади. Агар керагидан ортиқ куч билан турмоқчи бўлса боғлам боши устига сурилиб кетиб ўтин ташувчи бақадай ялпайиб қолиши мумкин: тебраниб туриб тиззалаш керак, кейин оёққа туриб олгач, «ё пирим!» деб иложи борича қаддини ростлаб олиши керак. Нафасни яхшироқ ростлаб олиш учун чалқанча ётиш керак. Султонмурот боғлам устига чалқанча ётиб бир дақиқа кўзларини юмди. Эҳ, қандай яхши эди арқонни кўкракка ташлаб ётиш! У роҳатланиб ётар, кейинги манзил қаерда бўлишини чамаларди. Оғир йўл азобидан кейин у қизни ўйларди.

— Фақат сен тезроқ хатимга жавоб ёзгин, эшитяпсанми?— деди у ўз-ўзига жилмайиб, унсиз пичирлаганча. Ва атрофга қулоқ тутди.

Ғира-шира қоронғилик чўкаётган оқшом чоғи атрофга улуғвор ва ажиб бир сукунат чўккан эди.

7

Ўша кунлар яқинлашарди...

Маст уйкуга кетгунга қадар уззу кун хавотирланиб, орзиқиб Мирзагулнинг жавоб хатини кутиш ҳисси уни тарк этмади... У нима билан машғул бўлмасин, нима ишга тутинмасин шу ҳақда тинимсиз ўйларди. Жон-жаҳди билан ишлар, десантига топшириқлар берар, ўзи эса Ажимуротнинг мактабидан отсарой томонга елиб учинини, орзиқиб, кутилган жавоб мактубини олиб келишини кутарди. Ажимурот икковининг келишиб олган сигнал шартлари бор эди, ҳатто. Агар Мирзагул жавоб қилган бўлса Ажимурот сакраб-сакраб югуриши, қўлларини силкитиб ҳақкалаши, агар жавоб бермаса, қўллари шими чўнтагида, югурмай қадамлаб юриб келиши керак эди.

Султонмурот ўша томондан кўзини узмасди. Бироқ, укаси ҳар кун қўллари чўнтагида келарди. Султонмурот қизишиб, ҳайрон бўларди. Сабри тугади. Ажимуротдан сўрагани сўраган, дастлаб учрашганда қиз унга нима деганини, у қизнинг ёнига қандай яқинлашгани ва уларни қандай гаплашганликларини билмоқ учун бирма-бир сўради. Уйга укаси аллақачон ухлаб қолган пайтда келарди. Яна қандайдир нарсаларни сўрагиси келарди. Бироқ, суриштиришнинг ҳожати қолмаган ҳам эди. Ажимуротнинг айтишича, бу бадфеъл Мирзагул бикач танаффус пайтлари умуман у билан гаплашмас, фақат, ҳеч нарса билмаган, ҳеч нарса ёдида йўқдай тутарди ўзини. Гўё ҳеч қанақа хат олмаган у. Танаффус пайтлари дугоналари билан шунчаки гаплашиб турар, Ажимуротни эса, ўзи сўрамаганча, қўлидан тортмагунча кўрмайди ҳам.

Буларнинг маъносига Султонмуротнинг ақли етмасди. Мирзагул, агар у билан ҳеч қандай алоқа қилиш истаги йўқ бўлса нега жавоб бермайди, нимага бу ҳақда очиқ айтмайди? Нега жим, наҳотки жавоб кутиш қанчалик уқубатли, оғир эканлигини тушуниб етмаса?

Мана шундай ўйлар билан у ухлаб қолди. Эрталаб эса яна шу ҳақда ўйлай кетди. Кутишга вақт ҳам тугаб борарди. Атрофдаги қорлар тез эрий бошлаганди. Муз кетиб ер енгил нафас оладиган, далада биринчи жўяк тортиладиган пайт келиб қолганди. Кейин бу ишларга улгуриб кўр...

Бир кун Султонмурот укасига деди:

— Унга айт, мен яқинда Оқсойга кетаман, узоқ вақтга кетаман...

Жавоб қисқа бўлибди...

— «Биламан» дебди, бошқа ҳеч нарса.

Ўйлайвериб унинг боши қотиб қолди. Гоҳо мактабга чопиб боргиси, танаффус бўлишини кутиб туриб уни кўриб, ҳаммасини ўзи билиб кел-

гиси келар эди. Бироқ иккиланарди. Илгари жуда оддий бўлиб туюлган ҳамма нарса энди машаққатли туюлар эди. Қўрқув, журъатсизлик, ҳаё ва иккиланиш худди тоғу тошдаги ўзгарувчан ҳаводай унинг юрагини ларзага келтирар эди...

Ишни ҳам ташлаб қўйиб бўлмайди. Иш жуда кўп. Десант команди бўлиш осон эмас экан. Доимо эртадан кечгача, иш, иш. Оқсойга чиқиш яқинлашган сайин ҳар хил ташвишлар ёғилаверди.

Кириб келаётган баҳор ташвишларини кўпайтирибгина қолмай ҳаётларини безар, янгилар эди. Сувлоқ баҳор янглиғ кенгайиб, хушнуд бўлиб кетди. Муз гўё тутун каби йўқолди. Музлардан халос бўлган сой суви яна жонланиб шовуллаганча тошлар устидан чопа кетди. Тез оқаётган кўкимтир сув оқими остидаги ҳар бир майда тош нур ва соя билан жилваланарди. Отлар энди туёқларидан қатра-қатра сув томчиларини сачратиб пишқирганча сой ўртасига чопишиб боришарди. Болалар ҳам отларига миниб ўша тўда томон юришарди. Кулги, муздай сув сачрашидан қий-чув, тўполон...

Айни шу маҳал Султонмурот сувлоқда тураркан, уни кўриб қолди. Сойдан ўтиладиган жойда кўзи тушиб қотиб қолди. Нега қотиб қолди? Мирзагул ёлғиз эмасди. Тўртта эди улар. Мактабдан қайтишарди. Уларни кўрмай қолиши ҳам мумкин эди... Озмунча одам сойнинг ўша жойидан ўтиб кетади дейсизми. Бироқ омади келиб қолди! Ногаҳон қаради-ю, қотиб қолди. Чопдорни жойида ушлаб турганича дарҳол таниди уни. Соининг саёз жойидан қўлларини ёйиб мувозанат сақлаб ўтар экан, қиз ҳам уни кўрди, қирғоққа чиқиб тўхтаб, у томонга яна бир қараб қўйди. Дугоналари билан кетаётиб ҳам бир неча бор қайрилиб қаради. Ҳар гал Мирзагул у томонга ўгирилиб қараганда Султонмурот ўзи учун аталган бахт томон чопиб бориб, бир йўла, очиқ-ойдин, ҳадиксирамай уни қанчалик севишини айтишга тайёр эди. Унингсиз ҳаёти ҳаёт эмаслигини айтмоққа шай эди. Аммо ҳар гал журъати етмас, ҳар гал қиз у томон ўгириларкан, у донг қотиб қоларди. Мирзагул дугоналари билан Орол кўчаси бошида ғойиб бўлган бўлса ҳам, у ҳамон Чопдорни сувлоқ ўртасида ушлаб турар, бошқа отлар эса сув ичиб бўлишиб қирғоққа чиқишган эди. Отсарой томон жўнаш учун болалар уларни бир жойга тўплашди, у бўлса ҳамон худди Чопдорни суғораётган кишидай жойидан қўзғалмасди...

Кейинроқ эса бу ҳақда ўйлаб ҳайратланди, илгарироқ уни шу ерда мактабдан келаётганида кутиб туриш мумкин эканлигини пайқаманлиги учун ўзини койиди. Ҳа, ўша ерда, сойдан ўтадиган жойда иттифоқан учрашиб қолиш мумкин эди. Нега аввалроқ бу фикр калласига келмади? Албатта, ўзи ҳаракат қилмоғи, уни учратиб хати ҳақида қандай фикрда эканлигини билмоғи керак.

Агар уларнинг десанти отларни суғоришга одатдагидан бир оз кечроқ олиб чиқишса мана шундай учрашув худонинг берган куни такрорланишини у кейин тушунди. Ҳар сафар улар отларни сувлоқдан ҳайдаб кетиши биланоқ шу ерда Мирзагулнинг пайдо бўлиши, ўзининг эса мана шундай оддий нарсани пайқаманлигини ҳис қилиши Султонмуротга жуда алам қилди. Ҳаммаси мана шундай жўнгина иш экан-у, у бўлса изтироб чекиб, қийналиб юрибди.

Энди у қизни кутиб туришга қарор қилди. Кейинги куни Султонмурот сувлоқда ушланиб қолди, болаларга тезда қайтишини, Чопдорни яхшилаб чоптиришини айтиб, улардан отлар сувлоқдан қайтгач ўзининг отларини жойларига боғлаб, ем солиб қўйишларини илтимос қилди.

Яна Онатой!

— Мен биламан кимни кутаётганингни,— деди у ҳаёсизларча. Қандай жирканч бола!

Султонмурот ҳам тез. «Билсанг билибсан-да, сен янглишмай-сан»,— деб жимгина тинчитиб қўйиш ўрнига Онатойни ҳақорат қилди:

— Сен фашист шпионисан!

— Қим шпион? Менми?

— Ҳа, шпионсан!

— Қани исботлаб бер-чи! Агар мен шпион бўлсам майли трибунал отиб ташласин! Акси бўлса, мен сени башарангга тушираман.

Улар бир-бирига ўдағайлаб, отларини чу-чулашиб, ниқташиб, бир-бирларини суришганча сой ўртасида гир айлана бошлашди. Бир-бирига даҳшат солиб бақирар, ғазаб билан хезланишиб бир-бирини от устидан тортишарди. Қирғоқда болалар кулишар, масҳара қилиб, гиж-гижлар эдилар, улар эса худди икки хўроздай чинакамга чўқишишарди. Атрофга сув томчилари сачраб, отлар сув ичида тақаларини нижирлатганча тошга қоқиларди. Ана шунда Эркинбек бақириб қолди:

— Ҳой, сизлар, яна отларни шикастлантирмоқчимисизлар?

Улар дарров ўзларига келишди, ҳатто баҳона топилганига суюниб кетишди ва сўзсиз ажралишди.

Бироқ, бари бир кайфиятлари бузилган эди. Болалар отларни отсаройга ҳайдаб кетганларидан сўнг ҳам Султонмурот ҳамон ҳарсиллаб нафас оларди. Ўзини бир оз овутиш учун йўлдан кўзини узмай сой бўйлаб от йўрттириб кетди. Унча олислаб кетмасдан орқасига ўгирилиб қаради-ю, уни кўриб қолди. Мирзагул худди кечагидай дугоналари билан келарди. Улар ўзлари билан ўзлари овора эдилар, кимдир улардан бирини деб мушглашиб кетишига сал қолгани, изтироб чекаётгани, ғам-ғуссага ботиб юргани билан ишлари йўқ эди. Яқинда онаси ўғлини кўриб қўрқиб кетди: «Сенга нима бўлди? Қасалмасмисан иш қилиб? Рангинг кетиб қолибди!» Онасини юпатиб, қўлига ойна олди, анча бўлди ойчага қарамаганига, доимо вақти йўқ, ҳақиқатан ҳам жуда ўзгариб кетибди кейинги кунларда. Кўзлари худди касал одамникидай киртайиб, юзи тиришиб, бўйни чўзилиб қолибди. Қошлари орасига худди иккита ажиндай чизиқ тушибди, устки лабида эса қопқора туклар пайдо бўлибди. Агар чироқ ёруғида разм солинмаса, шундоқ кўринмайди. Қаранг-а! Бутунлай бошқача бўлиб кетибди, таниб бўлмайди... Отаси фронтдан қайтгач дарров танимаса керак...

Султонмурот отда унинг ён томонидан келарди ва шу келишда Мирзагулнинг бир-икки марта сувлоқ томонга қараб қўйганини кўрди. Қиз эса уни кўргач, кутилмаганда чўчиб кетди, ўрнида тўхтаб қолди. аммо кейин дугоналари билан бирга тезгина одимлаб кетди. Улар гўё ҳеч нима бўлмагандай тошдан-тошга сакраб сойдан ўтишди-ю, уй-уйларига кетишди. У эса уларни ён томондан қувиб ўтиб, худди аллақадир ўққадир иш билан шошиб бораётгандай, экинзорларни оралаб қизга тўқнаш келиш умидида кўчага чиқди. Султонмурот қизни кўчанинг у бошида кўрди. У бу ерда секин юра бошлади. Улар бир-бирларига яқинлашганлари сайин ваҳима боса бошлади. Султонмуротга ҳамма деразалардан, эшиклардан кузатиб тургандай ҳамда уларни қандай учрашишларини ва у қизга нима дейишини кутиб тургандай туюларди.

Мирзагул унчалик шошилмай келарди. Султонмурот нима содир бўлаётгани, нега ҳаяжонланаётганини тушунмас эди. Улар ахир бир синфда ўқишди, унинг бирон нарсасини тортиб олиш ва ҳатто хафа қилиш ҳам ҳеч гап эмас эди бир пайтлар, аммо энди эса унга ҳадиксираб, титраб-қалтираб яқинлашар эди. Энди унинг бу учрашувдан қочиб, бош олиб кетгиси келарди, аммо вақт ўтган эди. Эҳтимол, Мирзагул унинг аҳволини сезгандир. Озгина қолганида бирдан шошилиб ўз уйларига етмасданоқ қўшни ҳовлига ўзини урди. Султонмурот хурсанд бўлиб енглиб нафас ола бошлади. Ундан жуда миннатдор бўлиб кетди. Қандай қўрқинчли экан-а яккама-якка учрашиш...

Кейин эса журъятсизлик қилгани учун ўзини койий бошлади. Кечаси нотинч ухлади, эрталаб ўрнидан тургач у ҳақида ўйлаб, бугун қандай бўлмасин унинг ёнига бориб, тўппа-тўғри айтишга ва жиддий туриб хатига жавоб ёзишга тараддулланяптими ва қачон ёзади,— мана шуларни сўрашга аҳд қилди. Агар жавоб бермаса хафа бўлиб ўтирмайди, эрта-индин у Оқсойга жўнаб кетади, ўтган гаплар орада қолсин. Мана шундай дейди ҳам.

Мана шундай қатъий қарор билан у ўша кунни бошлади, мана шу ниятда ишлади, шу ниятда у сувлоқдан келишгач яна сой томонга жўнади. Чопдорда борди. Қирғоқ бўйлаб отда у томон-бу томон юра бошлади. Шу аснода беихтиёр овулдаги томларда ҳам, уйларнинг соя тушиб турадиган томонларида ҳам умуман қор қолмаганлигига кўзи тушди, қиш бўйи тепаликларда ҳийлагина тўпланиб қолган қорлар эса тўқ сариқ тусга кириб, ҳали сақланиб турар эди. Худди улар қачонлардир зоология дарсида дафтарларга расми чизилган амёбаларга ўхшарди.

Кеча отсаройда раис Тиналиев билан бригадир Чекиш Оқсой десантини кўздан кечиришди. Ҳамма плуглар номерланиб қўшчиларга биркитилган. Султонмуротга биринчи номерли плуг тегди. Кейин ҳар бири ўз отларига жабдуқ уришди. Бу ишни қанчалик удалай олишларини кўрсатишди ва кейин отларини қандай 'плугга' қўшишларини намойиш қилишди. Шунда бешта уловнинг ҳаммаси бир қаторга саф бўлди. Умуман, четдан қаралса ажойиб, салобатли эди буларнинг ҳаммаси! Худди тачанкалардай, фақат тачанкалар ўрнида плуглар эди, холос. Отлар бақувват, жабдуқлар созлаб тортилган, плуглар мойдан ялтирайди. Раис Тиналиев худди армия қўмондонини сингари салобат билан десант олдида юрибди. Ҳар бир боланинг қаршисига келиб:

— Тайёргарлигинг ҳақида ахборот бер!— дейди.

— Ахборот бераман. Қўл остимда тўртта тақаланган от, тўртта яхши хомут, тўртта шлея (қуюшқонсимон абзал), саккизта постромка, битта эгар, битта қамчи, битта икки тишли плуг — уч жуфт запас тишларни билан бор.

Худди армиядагидай! Фақат Чекиш бригадирнинг қовоғи солиқ. Албатта, у кекса одам, қаердан тушунсин!

Текширув яхши ўтди. Бироқ иккита масалада десантчилар бари бир ноқулай ҳолга тушиб қолишди. Раис Тиналиев ҳаммаларини Эргашнинг қўшилган отлари ёнига чақирди.

— Қани жабдуқдаги камчиликни топинглар-чи,— таклиф қилди у.

Ҳамма ёғини қарашди, пайпаслаб кўришди, бироқ ҳеч нима топиша олмади. Шунда раис Тиналиевнинг ўзи кўрсатди:

— Мана бу нима? Наҳотки тўриқ отнинг айили ёнбошида буралиб қолганини кўрмаётган бўлсаларинг. Мана қаранглар! Буралиб қолган айил отнинг ёнбошини шилиб юборади-ку. От бечора буни айтолмайди. Тортаверади, эртасига эса ёнбоши шишиб кетади, кейин отни қўшга қўшиб бўлмайди. Запас отни қаердан топаман мен сизларга? Улар менда йўқ! Демак, абзалга бефарқ қараш натижасида плуг тўхтаб қолади. Қани ўйлаб кўринглар-чи, бизнинг шундай ишга йўл қўйишга ҳаққимиз бормикин? Қиш бўйи биз нимага тайёрландик?..

Ҳаммалари уялиб кетишди. Жўнгина нарса бундоқ қараганда, эҳ!

— Султонмурот,— деб тайинлади раис Тиналиев,— десант командири сифатида сен доимо иш бошлашдан аввал отларни ким қандай қўшганлигини текширишга мажбурсан. Тушунарлими!

— Тушунарли, ўртоқ раис!

Десантчиларни доғда қолдирган иккинчи масала яна ҳам қийин эди. Бу гал энди десант командири ўзи ноқулай аҳволда қолди. Раис Тиналиев уларни саволга тутарди:

— Қани айтинглар-чи, абзалларни кечкурун, иш тугагач қаерда қолдирасизлар?

Уйлашди, қидиришди, турлича жавоб қайтаришди. Далада, плуглар ёнида қолдиришга келишишди.

— Сенинг фикринг қандай, командир?

— Мен ҳам шу фикрдаман. Абзалларни ҳам отларни қўшдан чиқарган жойимизда, плуглар ёнида қолдираман. Кўтариб юрмаймиз-ку, ахир!

— Йўқ, нотўғри. Абзалларни кечаси далада қолдириб бўлмайди. Қимдир олиб кетиб қолмаслиги учун эмас. Оқсойда ҳеч ким йўқ ўғирлаб кетадиган. Кечаси ёмғир ёки қор ёғиб қолиши мумкинлиги учун. Абзаллар ивиб қолади. Хом тери-ку ахир. Далада уни тулки ёки бўлмаса суғур ражиб кетиши мумкин. Гап нима ҳақида бораётгани тушунарлими? Демак, қандай қарорга келиш керак? Плуглар далада қолади. Қўшдан чиқарилган отларни абзаллари билан шийпонга олиб келасизлар. Сизларда ўтов бўлади, ўшанда яшайсизлар. Ўтов битта холос. Бошқа ўтов йўқ менда. Жабдуқни ҳар бир киши ўзи билан ўтовга олиб келиб ўзи ётадиган жойга яхшилаб тахлаб қўяди. Тушунарлими? Жабдуқларни бошингизга қўйиб ётасиз! Қонун шундай! Бу сизларнинг қуролингиз! Ҳар бир солдат эса энг аввало қуролини асрайди!

Уша кун Оқсой отряди тўлиқ жанговар тайёргарликни намойиш этиш учун сафланганда раис Тиналиев шу аллозда гапирди.

Уша кунлар яқинлашарди. Ҳамма нарса шунга қаратилган эди...

Мана шундай...

Ҳа, уч-тўрт кундан кейин, агар ҳаво айниб қолмаса улар Оқсойга қараб жўнашлари аниқ эди. Ушанда Мирзагул билан ёзгача кўришмайди албатта. Бу ҳақда ўйлаб кўриб, Султонмурот кўрқиб кетди. Узоқдан бўлса ҳам уни шунча вақт кўриб туришдан маҳрум бўлишни тасаввур қилиш қийин, ҳечам мумкин эмас! У яна бугун ҳаммасини билиб олишга қарор қилганди. Агар йўқ деса, бу унчалик катта фалокат эмас, кутишга вақти йўқ. Оқсойдаги ишлар муҳимроқ...

Султонмурот қирғоқ бўйлаб бораркан ҳамон йўлдан кўз узмади. Энди у хавотирлана бошлади. Вақт тугаб борарди. Бироқ мана улар, қизалоқлар! Аммо уларнинг орасида Мирзагул йўқ эди. Дугоналари келишарди, у эса йўқ. Султонмурот аввалига ранжиди. Нима ҳам қилсин, иш шундай бўлгач. Кўнгли бузилиб отсаройга қайтди. Аммо у йўл-йўлакай хавотирлана бошлади: балки у касал бўлиб қолгандир ёки бошқа бирор ҳодиса содир бўлгандир. Бу хавотирлик борган сари кучая бошлади. У бунинг сабабини билмагунча тинчланмаслигини ҳис этди. Қизлардан сўрашга қарор қилди. Чопдорни улар томонга бурди. Шу заҳоти қизни кўриб қолди, Мирзагул ёлғиз келарди. У сойликдан ўтадиган ерга яқинлашиб қолган эди. Султонмурот у билан кечувда учрашишга улгуриш учун Чопдорнинг жilовини бўшатди. У шундай кўрқиб кетган эканки, эндиги дақиқаларда ўз-ўзидан «Жонгинам!»— деб юборганини сезмай қолди.

У қизни кечувда кутиб олди. Отдан ирғиб тушиб жilовидан ушлаганча унинг қирғоққа чиқишини кутиб турди.

Мирзагул унга қараб жилмайиб келарди.

— Йиқилиб кетма яна!— бақирди у қизга, бундай кенг чим ётқизилган сойнинг ўтиш жойида йиқилиш хавфи бўлмаса-да. Унинг чимлар устидан юриб келаётгани қандай яхши! Мана бу ўжар тоғ дарёсига ҳар қандай кўприк ва кўприкчаларнинг бардош беролмагани қандай яхши!

У қизга қўлини узатиб кутиб турар, Мирзагул ҳам ундан кўзини узмай, жилмайганча келарди.

— Йиқилиб кетма яна!— деди у такрор. Қиз бўлса унга ҳеч нима

демади. У фақат жилмайиб қарарди. Унинг шу қарашиданоқ йигит нимани билмоқчи бўлса ҳаммасига жавоб олди. Роса тентак экан ўзим, қандайдир хат ёзиб, жавоб кутиб азобланиб юрибди...

Қиз унга қўл узатар экан у қизчанинг кафтини олди. Шунча йил бир синфда ўқиб юриб унинг шунчалик меҳрибон, шунчалик сезгир қўлларини билмаган экан. «Мана мен келдим!— дерди унинг қўли.— Мен шундай шодманки! Наҳотки хурсанд эканлигимни сен сезмаётган бўлсанг!» Шунда у Мирзагулнинг юзига боқди. Ҳайратга тўлди — у қизда ўзини кўрди! Худди у каби Мирзагул ҳам вақт ўтиши билан тамом бошқача бўлиб қолган, бўйи чўзилиб, улғайиб худди касалдан турган кишиникидай кўзлари ғалати, паришонхотир бўлиб қолган эди. Мирзагул доим уни ўйларди, кечалари ухламай чиқарди, у Султонмуротни севгани учун ҳам унга ўхшаб қолганди. Ана шу муҳаббат икковини ҳам бир-бирига ўхшатиб қўйганди. Мана шунинг учун ҳам Мирзагул янаям гўзалроқ, яқинроқ бўлиб қолганди. У ўзининг бутун таровати билан бир ваёда қилиб турарди. Буларнинг ҳаммасини у бир дақиқанинг ўзидаёқ тушуниб, ҳис этган эди.

— Мен сени касал бўлиб қолдим деб ўйлагандим,— деди у титраган товушда.

Мирзагул ҳеч нима демай бошқа нарсдан гапирди:

— Мана.— У Султонмуротга аталган совғани узатди.— Бу сенга!— деди-ю, йўлида давом этди.

Кейинчалик неча марталаб қайта-қайта томоша қилди у бу шоҳи рўмолчани! Чўнтагидан олар, яна солиб қўяр ва яна оларди. Бир ва рақ дафтар қоғози ҳажмида келадиган рўмолча чеглари чиройли гул ва япроқлар билан безаб тўқилган, бир чеккасида безаклар орасида иккита катта ва битта кичкина ҳарфлар қизил ипда: «С. М» деб ёзиб қўйилганди. Бунинг маъноси «Султонмурот ва Мирзагул» дегани эди. Улар мактабда қирғиз алфавити реформа қилинмасдан олдин ўрганилган мана шу лотинча ҳарфлар Султонмуротнинг узундан узоқ мактублари ва шеърларига жавоб эди.

Султонмурот отсаройга шодлигини базўр босиб, тантанавор қайтиб келди. У буни бировлар билан баҳам кўрадиган бахт эмаслигини, бу бахт фақат унинг ўзига аталганлигини ва бошқа ҳеч ким у каби бахтиёр бўлолмаслигини тушунарди.

Бироқ, бугунги учрашув ҳақида болаларга жуда айтгиси, ўзига совға қилинган рўмолчани уларга кўрсатгиси келарди...

Иш яхши борарди. Болалар отларини суғориб бўлгач, тозалашди — челақларда сули олиб келишди, охурларга хашак солишди. У дарҳол ишга киришди. Қашлағич билан отларининг таранглашган, бақувват яғрин ва ёнбошларини тезгина қашлади-да, хашак олиб келишга кетди. Доим солдатча гимнастёркасининг кўкрак чўнтагига тикиб қўйилган рўмолчасини ҳис этиб турарди. Гўё ўша ерида кўзга кўринмас чўғ ёниб тургандай. Шунинг учун ҳам у хурсанд, ҳаяжонда эди. Хурсандлиги — Мирзагул унинг муҳаббатини қабул этганлигидан, ҳаяжонлиниши сабаби эса, аллақачон нотаниш туйғулар бошланишидан эди...

Кейин у хашак олиб келиш учун отсарой ортидаги беда ғарами томон чопиб кетди. Бу ерда иссиқ, жимжит, қуруқ ўт ҳиди анқиб турарди. Унинг яна жудаям рўмолчага қарагиси келиб кетди. Чўнтагидан рўмолчани олиб ўтлар ҳиди орасида унинг ўзига хос ҳидини топиб, уни томоша қила бошлади. Ундан хушбўй атирсовун ҳидига ўхшаш ҳид келарди. Бир куни мактабда Мирзагулни сочлари ҳидини сезганди у. Ҳозир ёдига тушди, бу ўша ҳид эди. У шундай рўмолчани ушлаб тураркан кимдир бирдан рўмолчага чанг солди. Қараса Онатой!

— Ҳа, сен ҳали ундан рўмолча оласанми?

Султонмурот қизариб кетди:

— Бу ёққа бер!

— Шошилма. Олдин кўриб олай.

— Сенга айтаяпман, бу ёққа бер!

— Бақирма, бераман. Бошимга ураманми!

— Ҳозироқ бер!

— Қаттиқроқ бақир! Совғага берилган рўмолчамни тортиб олди деб кичқир!— деди-да, чўнтагига солиб қўйди.

Кейин нима бўлганини Султонмурот эслаёлмайди. Фақат кўз олдидан Онатойнинг ғазабдан ва қўрқувдан ранги қув ўчиб кетганини кўрди, кейин у бор кучи билан яна бир урди-ю, қорнига қаттиқ тепки тушиб бир чеккага учиб кетди. Энгашганча йиқилаётиб яна оёққа туриб олди ва ғарам ёнида ғазабланганича жон-жаҳди билан пасткаш Онатойга ташланди. Болалар югуриб келишди. Тапур-тупур бошланди. Уч кишилашиб уларни ажрата бошлашди. Илтимос қилишди, ёлворилди, уларни қўлларига осилиб олишди, аммо улар ғазаб билан бир-бирларини аямай муштлашар ва қайта-қайта бир-бирига ташланишарди. Оқибат нима билан тугашини — ё ўлим ёки рўмолчани қайтариб олиш эканлигини ҳис этган Султонмурот фақат бир сўзни «Бер! Бер!» сўзини такрорларди. Онатой бақувват эди, у совуққонлик билан ҳаракат қиларди. Аммо адолат ва ҳақиқат Султонмурот томонида эди. У тез-тез йиқилиб турса ҳам орқа-олдига қарамай ҳужум қиларди. Охирги марта у ғарам ёнида ётган паншаха устига йиқилди. Қўллари шу онда ўз-ўзидан паншахага ёпишди. Паншахани ўқталганча сакраб турди. Болалар ҳар тарафга қочишиб бақирди.

— Тўхта!

— Тўхта!

— Эсингни йиғ!

Онатой унинг рўпарасида, қаёққа қочишни кўзлаб аланглаб, оғир нафас олганча, қўллари ва оёқларини ёйиб турар, бироқ ҳеч қаёққа қочиб кетолмасди. Бир томонда ғарам, иккинчи тарафда отхона девори. Худди шу дақиқада Султонмурот дадиллик кўрсатди. Бу охирги йўл эканини у тушунар, бироқ бошқа йўл йўқ эди.

— Бу ёққа бер,— деди у Онатойга,— акс ҳолда ёмон бўлади!

— Ма ол! Ма!— ҳазилга айлантиришга уриниб шошиб қолди Онатой. Сени қара-ю! Ҳазиллашиб бўлмайдами! Тентак!— деди унга рўмолчани иргитар экан.

Султонмурот уни кўкрак чўнтагига солиб қўйди. Хавфли дақиқалар ўтиб кетди. Болалар энгил нафас олишди, ғала-ғовур бошланди, фақат шундагина Султонмурот боши айланаётгани, оёқ ва қўллари қалтираётганини сездди. Ёрилган лабидан қонни туфлаб худди маст одамдай ғарам ортига ўтди, ўзини пичан устига ташлади ва чалқанча ётиб, нафасини ростлаб, ўзига келди...

8

Кечга бориб у Онатой билан ярашмаган бўлса-да, бироқ умумий ишлар уларни бир-бирига мурожаат этишга мажбур қилди. Бари бир кўнглида доғ қолди, буларнинг ҳаммаси бунақа аҳмоқона содир бўлгани уят эди. Аммо Султонмурот битта муҳим синовдан ўтганини тушунар, агар салгина юраксизлик қилганида эди, ўзини-ўзи ҳурмат қилмай қўйишини биларди. Бундай одам эса десант командири бўлиши мумкин эмас, бўлолмас ҳам эди.

Бунга у ўша куниеқ, кечга яқин отсаройга раис Тиналиев билан бригадир Чекиш келганларида амин бўлди. Уларнинг отлари узоқ йўл

юриб чарчаган, лойга ботганди. Тиналиев билан Чекиш чол тонгда Оқсой томон чиқиб кетишиб эндигина қайтиб келишганди. Мамнун қайтишди. Улар уч-тўрт кундан кейин Оқсойга жўнаса бўлаверади. Дашт ерлари лорсиллаб ётибди. Экишга қулай ерлар кўп. Кучинг етгунча ҳайдайверишинг мумкин. Қўраларга жой белгилашди. Дашт уйғонган эди. Шийпон учун жой танлашди. У ерга жойлашиб олиш ва қиш бўйи нимага тайёргарлик кўрган бўлсалар ўшани бошлаш қолган эди, холос.

— Хўш, ишлар қалай, болалар?— уларга юзланди Тиналиев.— Қайфиятлар қалай? Қандай таклиф ва мулоҳазалар бор? Кейин типирчилаб қолмаслик учун овулдан узоқлашиб кетмасданоқ гапириб қолинглар.

Болалар жим турар эдилар. Фавқулодда ҳал қилиниши лозим бўлган нарса йўқдай эди. Бари бир, ҳеч ким сўнгги сўзни айтишга журъат қилолмасди.

— Командиримиз бор,— деди Эргаш.— У ҳаммасини билади, ўзи айта қолсин.

Шунда Султонмурот ҳозирча ҳеч қандай камчилик ва муҳтожлик йўқлигини айтди. Ҳаммаси ўйлаб кўрилган, пойабзаллар ремонт қилинган, уст-бош ямалган, ёпинишга пўстинлар олишади, қисқаси, улар, уларнинг плуглари ва отлари ер етилиши билан исталган вақтда ишга киришиши мумкин.

Кейин ҳар хил бошқа ишларни — қозон-товоқ, ўтин, ўтовларни муҳокама қилишди ва умумий хулосага келишди: агар ҳаво айниб қор ёғиб қолмаса икки-уч кун ичида далага чиқиш мумкин эди...

Ҳаво дуруст эди, сал булутли бўлса-да, қуёш гоҳ чиқар, гоҳ беркин-нар, ернинг ҳовури кўтарилар, қордан халос бўлаётган ердан нам ҳиди анқирди...

Кунлар яқинлашарди... Ҳамма нарса ўшанга қараб борарди...

Қанчалик тайёрланишмасин, бари бир жўнаш олдидан яна кўп майда-чуйда ишлар қилинмаганлиги аён бўлиб қолди.— Иккита от ёпиғи етишмаслиги аниқланди, борлари эса жуда эскирган, увадаси чиқиб кетган, уларни Оқсойга олиб боришнинг ҳожати йўқ эди. Илк баҳор тунлари совуқ, деярли қиш тунидай, айниқса шудгорлашнинг биринчи кунларида... Чекишнинг айтишича, авваллари, омов билан ҳайдашган вақтларида, биринчи кунлари гоҳо тушгача кечаси совуқ музлатган ернинг эришини кутишаркан... Тун билан ёпиғи ёпилмай совуқ еб чиққан от эса, ишчи улов бўла олмайди.

Султонмурот яна иккита яхши ёпиқ сотиб олишгунларича ҳали идорага, ҳали раисга, ҳали бригадирга, овулга, колхозга чопишга тўғри келди...

Мана шу чопишлар ва ташвишлар ичида ҳам у ҳаммадан кўпроқ отларнинг сувлоққа олиб бориш вақтини кутарди. Жўнаш олдидан худди ўшандагидай сойдан ўтиладиган жойда Мирзагулни кўргиси келарди... Ҳар гал умид қиларди, аммо учратолмасди. Султонмурот шошилларди, кутишга вақти йўқ эди. Шунинг учун ҳам Мирзагул билан муносабатларида доимо қандайдир айтилмаган гап борлигини ҳис этарди. Жўнаш олдидан ўзини қандайдир гуноҳкордай ҳис этарди. Чунки уларнинг учрашолмай қолишлари ҳам мумкин-да. У Мирзагулнинг ҳам ўзи ҳақида ўйлашини биларди. Бунга у ўшанда қизнинг биринчи нигоҳ солганидаёқ, унда ўз аксини кўрган пайтдаёқ амин бўлган эди. Бироқ учрашиш учун Мирзагулнинг ўзи ҳаракат қилади деб ҳаёлга ҳам келтирмасди. Қизлик ғурури ва номус бунга йўл қўймасди. Қиз ўз ишини қилиб бўлди, унга тўқилган рўмолча берди, қолганлари энди уни иши, эркакларча...

Албатта, у жўнаш олдидан қиз билан учрашиши мумкин... Мана

бу янги кўнгилсизлик рўй бермаганида у шундай қилмоқчи эди ҳам. Оқсойга жўнаш арафасида, десантчилар ўз отларини сувлоққа томон сўнгги суғоришга олиб боришга ҳозирланишаркан, Султонмурот кейин сувлоқда қолиб Мирзагулни кутмоқчи бўлганди. Шунда улар сувлоққа томон йўл олиб энди дарвозадан чиққанларида Чекиш бригадир келиб қолди. У қовоғи солиқ ва тунд эди. Сарик чўққи соқоли тебраниб, шапкаси кўзлари устигача бостириб кийилган.

— Қаёққа кетяпсизлар?

— Отларни суғоришга.

— Тўхтанглар. Гап бундай, Онатой, сен уйингга бор. Онанг касал бўлиб қолипти. Отдан туш. Сизлар эса, болалар тезда сувлоққа бориб отларни суғориб дарҳол қайтинглар. Мен сизларни шу ерда кутиб тураман!

Сой томон отларни йўрттириб боришаркан, Султонмурот йўлдан кўзини узмади, қайтишда ҳам ўша томон қараб келди: Мирзагулдан дарак йўқ эди. Мактабдан қайтар вақти бўлмаган эди ҳали. Нега Чекиш чол уларни бунчалик шоширди экан? Нима содир бўлдийкин? Агар шундай бўлиб қолмаганида эди уни бугун албатта кутиб олган бўларди! Яна сойнинг кечувида уни шундай кўргиси келардики...

Улар отсаройга қайтишиб отларини ўз жойларига қўйишгач, Чекиш чол уларнинг тўртовини бир четга чақириб олди.

— Гап бор, — мингиллади у.

Кейин ўтиришларини сўради. Ҳаммалари елкаларини деворга тираб чўнқайиб ўтиришди. Раис Тиналиев тикка туриб гаплашишни яхши кўрарди, ўзи ҳам тикка турар, бошқаларнинг ҳам тикка туриши керак эди, бригадир Чекиш чол эса аксинча — шошилмасдан, бамайлихотир ўтириб гаплашишни ёқтирарди. Чекиш чол ҳурпайган сарик соқолини гамгин силаркан, гапирмоққа тутинди:

— Йигитлар, шуни айтмоқчиманки, сизлар ёш бола эмассизлар энди. Жаёғни аччиқ-чучугини тортиш эрта бошларингга тушди. Жазирама тунроқда юриб, муздай ерда ётиш. Демак, тақдир шундай экан. Мана бугун бирингизнинг бошингизга катта кулфат тушган — Онатойнинг отаси Сатторкул фронтда ҳалок бўлган. Сизлар энди ёш бола эмассиз, бир кишини бошига кулфат тушса, иккинчиси унга суянчиқ бўлмоғи лозим. Гайёрланинглар. Одамларни кутиб, кузатиб турасиз. Отларни боғлаб турасиз. Ҳозир марҳум Сатторкулникида одамлар тўпланди, сизлар ҳам ўша ерда бўлишларинг керак. Ёш болаларга ўхшаб Онатойни ёнида ҳиқилламанглар, ҳамонки йиғлар экансизлар чинакамига қаттиқ овоз чиқариб эркакчасига йиғланглар, Онатойнинг содиқ дўстлари йиғлаётгани аниқ билиниб турсин. Мен билан бирга борасизлар, мана шунинг учун сизларни шоширган эдим...

Улар сўқмоқ бўйлаб олдинма-кетин кўча охиридаги Онатойнинг уйи томон кетишди. Одамлар худди шундай сукут сақлаганча отда ва пиёда турли томондан тўп-тўп бўлишиб оқиб келишарди.

Ҳаво айниб турарди. Гоҳ қуёш чиқиб, гоҳ яна булут билан қоплар, гоҳ бирдан ер қучиб болдирни ачиштирувчи шамол шабадаси эсиб қоларди. Султонмурот Онатойлар хонадонига қўрқувдан оғир изтиробга тушиб, афсус чекиб борарди. Ваҳимали эди, чунки яна бир-икки минутдан сўнг овул устида худди уйга ўт тушгани каби яна бир даҳшатли йиғи садоси кўтарилади, мана бу бобокалонлари туғилиб ўсган тоғларда яна бир одамнинг азаси бошланади. Энди у урушдан қайтмайди, ҳеч қачон, ҳеч ким уни кўрмайди... «Отамга нима бўлди экан, бирорта хат-хабар йўқ? Нима бўлдийкин? Онам бўлса ваҳимага тушиб ақлдан озаёзган. Ишқилиб, бундай бўлмасин, бунақа воқеа содир бўлмасин!».

Онатойларнинг уйдан даҳшатли фарёд кўтарилганда улар ҳов-

лига яқинлашиб қолишган эди. Бу йиғи садоси кучайиб одамлар тўп-ланиб турган ҳовли ва кўча бўйлаб ёйилди...

Десантчилар Чекишнинг орқасидан бораркан, бор овоз билан йиғлашарди, Чекиш ўргатгандай бир оҳангда:

— Оҳ, отажонимиз Сатторқул, бебаҳо отажонимиз Сатторқул, энди сени қаердан топамиз, азиз бошинг қайси тупроқда қолди? деб ростмана ҳўнграб йиғлашарди.

Шу дақиқада, умумнинг қайғусига айланган шу дақиқада, Онатойнинг отаси Сатторқул ҳақиқатан ҳам уларнинг ўз отасидай, шухрати кетган ажойиб кишисидай эди, чунки ҳар бир кишининг улуғлиги унинг яқинлари томонидан фақат ундан жудо бўлганларидагина билинади... Ҳамма вақт шундай бўлган ва доимо шундай бўлади...

— Оҳ, отажонимиз Сатторқул, бебаҳо отажонимиз Сатторқул, энди сени қаердан топамиз, азиз бошингни қайси тупроққа қўйдинг?

Десантчилар мана шундай қайғули сўзларни айтиб Чекиш ортида боришаркан, одамлар орасидан ўтиб ҳовлига киришлари билан эшик олдида турган Онатойни кўришди. Қайғу одамни мунғайтириб қўяди. Уларнинг орасида энг каттаси, кучлиси ва ҳайбатлиси Онатой ёш боладай ожиз бўлиб қолганди. Бошига тушган бу оғир кулфатдан у эзилиб ёш бола сингари нола чекиб йиғларди, худди ёмғирда қолган тойчоқ сингари деворга суяниб турарди. Юзлари йиғидан шишиб кетган. Ёнида эса кичик укалари ва сингиллари ўкириб йиғлашарди.

Дўстлари Онатойнинг олдида боришди. Уларни кўриб Онатой бошига тушган қайғудан зорланиб, содир бўлган кулфатдан шикоят қилиб яна ҳам баттароқ йиғлай бошлади. Бу билан у гўё мадад сўраб, ёрдам кутарди. Онатойнинг бу ожиз ҳолати ҳаммадан кўпроқ Султонмуротга қаттиқ таъсир қилди. Болалар эса ўзларини йўқотишиб унинг атрофида депсинишар, нима қилишни, қандай қилиб уни овутишни билишмасди. Ҳеч ким унга ҳеч нима билан ёрдам беролмасди. Шунда ҳеч ким Султонмурот ҳозир қўлига автомат олиб ҳовлидан отилиб чиқиб кетганини ва автомати билан тўппа-тўғри ўша ёққа — уруш кетаётган томонга югуриб кетганини хаёлига келтирмас эди. Унинг бир нафас тўхтамай тўғри фронтга боргани ва у ерда қаҳр-ғазаб билан наъра тортиб, қичқириб, фашистларни қийратаётганини, автоматдан тинимсиз ўқ отаётганини, дўсти Онатойнинг ўлдирилган отаси, овулга келтирилган қайғу ва кулфатлар учун ўқ отаётганини билишмас эди...

Эсиз, автомати йўқ эди-да!

Шунда Султонмурот Онатойга деди (десант командири эди у ахир):

— Йиғлама, Онатой. Нима ҳам қилардик. Мана Эркинбек ва Қуббатқулнинг оталари ҳам ҳалок бўлишди фронтда. Ўзинг биласан. Менинг отамдан ҳам анчадан буён хат йўқ. Уруш. Тушунасан-ку. Сен фақат бир оғиз айтсанг бас, биз сенга ёрдам берамиз. Сен фақат ўзингга бир оз енгил бўлиши учун нима қилиш кераклигини айтгин...

Аммо Онатой деворга суяниб, елкаларини силкитиб энтикиб-энтикиб йиғлар ва ҳеч нарса деёлмасди. Бу сўзлар уни овутиш ўрнига аксинча ярасига туз сепгандай бўлди ва у дувиллаб оқаётган кўз ёшлардан бўғилиб, нафаси қисилиб кўкариб кетди. Султонмурот чопиб бориб унга чўмичда сув келтирди.

Шу дақиқадан бошлаб у ўзини бу ерда содир бўлаётган воқеага жавобгар деб ҳис этди. Одамларга қандайдир ёрдам қилиш ҳаракатида бўлиш зарурлигини тушунди. Тўртталови сойдан пақирларда сув ташишди, ўтин ёришди, самоварларга ўт қўйишди, тўпланган қўниқўшнилари кутиб олишди, кузатишди, отлиқ чолларни уловга минишларига ёрдам беришди...

Одам оёғи узилмасди. Бировлар марҳум оиласига ҳамдардлик билдиргани келарди, бировлар эса ўз бурчларини ўтаб қайтишарди. Десантчилар эса кун бўйи Онатойларникида бўлишди.

Муаллима Инкамол опа еттинчи синф қизлари ва уларнинг орасида Мирзагул билан ташриф буюришганларида Султонмурот жуда қийин дақиқаларни бошидан кечирди. Инкамол опа Онатойни қучоқлаб, шунчалик қайғуриб йиғладики, унга кўз ёши тўкмасдан қараб бўлмас эди. Машҳур фолчи айтган унинг ўғли ҳақидаги каромати тўғри чиқмади, унга опанинг ўзиям ишонмас эди. Мана хавотирлик сезиб, қайғу-ҳасратга тўлиб кетган юрагини бўшатиш учун кўз ёшларига эрк берди. Қизлар ҳам ўз муаллималари ёнида йиғлашарди. Мирзагул эса, бошини эгиб, овозсиз йиғлаб турарди, балки у ҳам ҳозир отаси ва акасини эслаб эзилаётгандир. У Султонмурот томонга бир марта ҳам қайрилиб қарамади. Мана шу ҳолатда ҳам, изтироб ва кулфат оғушида ҳам у ҳаммадан гўзал эди. У Султонмуротда энг олий ҳамдардлик ва гурур ҳиссини уйғотди. Унинг ёнига боргиси, қучоқлаб йиғлагиси, унинг қайғусига ўз қайғуси билан ҳамдард бўлгиси келарди...

...Эҳ Мирзагул, Мирзагул бикач,
Оқ кәптарсан кўкдаги,
Мен туйғун куш тўпдаги...

Шундан сўнг ҳовлида жаноза ўқилгач ҳамма ҳозир бўлганлар ўзи билан ўзи ёлғиз қолиб жим бўлишиб, кафтларини очиб, худди тақдир китобига қарагандай унга термилишиб, бундан минг йиллар муқаддам йироқ Арабистондан келиб қолган, туғилганда ва ўлганда дунё мангу деб эълон қилган жанозанинг тантанавор ва қироатли сўзларини тинглаб туришарди. Бу гал жаноза Онатойнинг отаси — урушда шаҳид бўлган Сатторқулга бағишланганди. Султонмурот ўша ибодат маҳаллида ҳам, кафтлари устидан кўзини очиб қизга қаради. Ҳамма қатори диққат билан разм солиб турган, ёшгина Мирзагул ғоят гўзал эди. Юзини чуқур ўйчанлик қоплаган. Аммо у Султонмурот томонга қарамади.

Мана шундай, бир сўз қотмай кетди у. Фақат, кетаётиб унга қайғули нигоҳ қадаб ва бош тебратиб қўйди. Эҳ, Мирзагул, Мирзагул бикач...

Марҳум Сатторқул уйдаги фарёд бир оз пасайди. Жудоликка кўникишга ундовчи даҳшатли жимлик чўкди. Йиғи бу норозилик, ғалаён, туғён белгиси; ўтган нарсани энди қайтариб бўлмаслигига тушуниб етиш энг даҳшатлиси. Ана шунда одамни энг қайғули фикрлар чулғайди.

Онатой девор ёнида бошини ҳам қилиб ўтирарди. Султонмурот унга қарашга қўрқарди. Қўпол, бақувват, баджаҳл Онатойни кулфат эзиб қўйганди. Яхшиси у бақирса, йиғласа, уст-бошини йиртиб, ўзини ҳар ёққа урса.

Султонмурот қандай қилиб уни бу қайғули, ночор аҳволдан қутқаришни билмасди. Аммо унга ёрдам қилиши керак эди, қандай йўл билан бўлмасин уни ёлғиз эмаслигини, ёнида одамлар, унинг учун жонларини фидо этишга тайёр одамлар борлигини билдириши керак эди.

— Онатой, юр, сенга алоҳида гапим бор,— деди унга Султонмурот. Онатой ўрнидан турди ва улар бир чеккага ўтишди.

— Сен бошқача ўйлама, Онатой,— деб сўз бошлади Султонмурот ўта ҳаяжонланганидан, аранг базўр сўз топиб.— Ахир мен, ўша... Хоҳласанг ўша рўмолчани сенга бераман бутунлай.

Онатой қайғули жилмайди.

— Нималар деяпсан, Султон! Керак эмас,— деди у.— У сенки ва уни ҳеч кимга берма. Мен бўлсам... Сен мени кечир, мен ўшанда...

сен мени кечир, унут ҳаммасини. Мен бошқа бундай қилмайман ҳеч қачон, Султон. Менга энди ҳеч нарсанинг кераги йўқ... Менинг отам, у шундай эдики... Биз уни шунчалар кутардикки.— Нафаси бўғилиб, кўз ёшига эрк берган Онатой яна ҳўнграб юборди.

Энди улар биргалашиб ўз даври, ўзлари туғилиб ўсган давр билан ёлғиз қолиб йиғлашарди...

9

Оқсой ерларида плуглар учинчи кун ишларди. Уч кундирки, плугчилар ўз отларини тўхтовсиз чу-чулашиб ҳайдашарди. Тупроқда Оқсой десантчиларининг илк меҳнат маҳсули бўлган қорамтир жўяк ҳосил бўлди. Жўяк соз олинган, кўриб кўз қувонарди. Энди ҳамма иш об-ҳавога қараб кетаверади.

Улуғ Манас чўққилари пойидаги бу бепоён тоғ этагида қадим-қадимдан ҳеч ким бузмаган осудалик ҳоким эди. Чимкент ва Тошкентнинг сувсиз ерларига қараб чўзилган Оқсой дашти шу ердан бошланарди. Чўлнинг бу оёқ тегмаган бош қисмида плуг қўшилган уловлар орқаларида узун ҳайдалган из қолдириб, тепалик томон ўрмалаб кетаётган майда қўнғизларни эслатарди.

Ҳозирча учта плуг ишларди. Эргаш ва Қуббатқулни овулда бир неча кунга олиб қолишди, кузги экинларни бороналаб илдиздаги намини беркитишга улгуриш учун ёрдамга ташлашди. Кечиктириб бўлмайдиган зарур иш эканлиги маълум, бироқ Оқсойда ҳам вақт кутиб турмайди: уларнинг мўлжалича ерни ҳайдашга улгуриш учун ҳамма десант плуглари эрталабдан кечгача ишлаши керак эди, бўлмаса улгуришолмайди, ҳамма меҳнат чиппакка чиқади. Султонмурот безовталанарди. Қолган икки уловни шу кунларда келиб қолишини кутарди. Ваъда беришган, мана шунинг учун у Чекиш бригадир билан айтишиб қолди. Каттиқ айтишиб қолди.

— Бориб айтинг, оқсоқол,— деди у,— раис Тиналиевнинг ўзи келсин, ўзи ҳал қилсин. Учта плуг билан бу ерда ҳеч нима қилиб бўлмайди. Топшириқни бажара олмаймиз...

Чекиш чол-чи? Чекиш чол сочларини юлди. Султонмурот ақлли, тадбиркор бригадирга колхозда ишлаш қанчалик қийин эканлигини тушунди. Ҳаммасини ўз вақтида, тартиб билан саранжом-саришта қилгиси келади, ҳамма жойда ташвини худди оёқ остидаги ёнгин каби, баҳоргача уни-буни қилишни кўзлайди, одам эса йўқ, куч йўқ, озиқ-овқат йўқ. Қалласини кўтарса думи ботиб қолади. Кеча у ўтириб роса ўйлаган. Овулда қаҳатчилик, запаслари тугай деб қолган, янги ҳосилгача ҳали узоқ. Ҳайвонлар қоқ суяк бўлиб қолган, емишсиз очдан ўлиши мумкин, сўйишнинг фойдаси йўқ. Касал учун бир кило гўшт олгани от-улов қилиб бозорга боришарди. Бир кило гўшт нархи аввалги бутун бир молнинг нархидан ортиқ. Бироқ боришяпти. Ҳатто от-улов боришяптигина эмас, пиёда ўттиз-қирқ километрлаб йўл босиб боришяпти. Салт отлар оёқларини аранг кўтариб босади. Йўлга чиқасан, йўлда қолиб кетасан. Фақат уловни экиш мавсумига тайёрлашга улгуришди. Уловлар парваршиш қилинган, аммо улар ҳам бунақа юкка узоқ вақт дош беролмасди.

Агар буларнинг ҳаммасини ўйлайдиган бўлсанг ваҳима босади. Аммо ҳаммасидан ҳам ёмони уруш эди, ниҳояси кўринмасди.

Биргина тасалли берадиган, биргина умид бахш этадиган нарса — немисларнинг мағлуб этила бошлагани, уларнинг ҳамма жойдан сиқиб чиқарилаётгани...

Бугун эрталабдан бери ҳаво қовоғини очмасди. Булутли эди, аммо тоғ тепасида гоҳо қуёш кўриниб қоларди, осмон бош устида сайр этар,

яна ҳаво айниб, яна булут чиқиб қоларди. Тушга келиб бирдан ҳаво совиб, атроф қоронғилашиб кетди. Ё қор, ё ёмғир ёғишга тараддулланарди... Атроф жуда қоронғилашиб кетди. Тушдан кейин плугчилар бошларини қор ёки ёмғирдан беркитиб олишлари учун далага ўзлари билан қоплар олиб кетишларига тўғри келди.

Аввалги ҳайдаб қўйилган жойдан бошлашиб жўякни ич томонга ағдариб боришарди. Биринчи бўлиб Султонмурот, кейин икки юз қадамлар ортда Онатой, ярим чақиримча нарида эса Эркинбек борарди. Бугун плугчилар далада ёлғиз эдилар. Уч плугчи-ю олдинда улуг тоғлар. Уч плугчи ва орқада бепоён дашт. Раис Тиналиев бу ерда иш бошланган кунларигина бўлди. Иши кўп эмасми, у бригадир Чекишни шудгорга кўз-қулоқ қилиб қўйиб, ўзи эса тезда қайтиб кетди. Бугун Чекишнинг ўзи ҳам овулда қолган Эргаш ва Қуббатқулни уловлари билан олиб келиш учун жўнаб кетди. Шундай қилиб учинчи кундирки, плугчилар ўз ҳолича қолишди — плуглар билан, отлар билан, ҳосилини йиғиб-териб олиб, одамларни тўйдириш учун қайта-қайта ҳайдаш ва яна ҳайдаш лозим бўлган ер билан рўбарў қолишди...

Майдон дала шийпонидан узоқда эди. Ўзлари яшаётган ўтовдан, беда ғарамидан, қоплардаги емлардан, умуман энди уларнинг уйида нима бўлса, ҳаммасидан йироқда эди. Дала шийпониди фақат кекса ошпаз кампир қоларди. Вақтида овқатни тайёрлаш ўрнига доим ўтин ҳўл, у йўқ, бу йўқ деб зорланиб юрарди. Далада бир бурда нон ва иссиқ атала — емак-ичмакнинг бўлгани шу. У эса вайсагани-вайсаган, турмушни қарғайди, гўё биров ундан бирон нима деб гина қилаётгандай. Овулда уни кўпам билишмасди. Қаердандир келиб қолган. Бошқалар уйини ташлаб келолмайди, болалари, рўзғор ишлари бор, у эса плугчилар ёнида кун кўришни кўзлаб Оқсойга келишга розилик берди. Майли еганича есин, фақат овқатни ўз вақтида тайёрласа бўлгани. У эса ҳамма вақт беҳуда елиб-югуради-ю, улгурмайди. Унга ёрдам қилишга плугчиларнинг вақти йўқ. От, бу ўт олдириб қўйсанг ўзи кетаверадиган машина эмас, трактор эмас, балки тўлдириб миниб кетаверадиган хилидан эмас. Қўшчининг ўзи далада, худди отдай ишлайди, кейин плугдан отларнинг қорнини тўйдириши, суғориб парвариш қилиши керак ва ўтовга базўр етиб бориб таппа ташлаш... Тонг саҳардан яна ишга... Энг қийини саҳар туриш...

Плугчи учун энг муҳими — плугнинг юриб туриши, отлар вазини йўқотмаса, уларнинг қуввати баҳорнинг охиригача етса бўлгани. Бу муҳим. Жуда муҳим. Биринчи кунлари, шудгорлашни бошлаганларида, отлар ҳар ўн-ўн беш қадамда тўхтаб дам олишарди. Ҳансираб қолишарди. Тишни сал кўтаришга, ерни саёзроқ ҳайдашга тўғри келарди. Бироқ бу вақтинча, отлар хомутга ўргангунларича қўлланилган эди.

Бугун иш сезиларли даражада яхшиланди. Отлар плугни баравар тортишарди, энди кўникиб қолишганди, тўртталови бир-бирига яқин туриб олиб ерга энкайиб худди дарсликдаги бурлақларнинг суратига ўхшаб жон-жаҳдлари билан олдинга интилиб боришарди. Қадам-бақадам, қадам-бақадам тупроқ бағрини ёриб бораётган плугни тортиб боришарди.

Бироқ, об-ҳаво панд бераяпти. Мана қор ҳиди келиб қолди, қор учқунлари пайдо бўла бошлади... Демак, қиш ҳали қиларини қилиб улгурмабди, кетиш олдидан яна бир бор ўзини эслатиб қўймоқчи. Бекорга бундай қиляпти. Айниқса қўшчилар учун ёмон бу...

Султонмурот бошига қоп ёпиниб олди, бироқ, бари бир бу уни қордан сақлай олмасди. Жўяк олаётган отга миниб олиб боши узра қамчи ўйнатиб бораркан, унинг шамолдан гоҳ у томони, гоҳ бу томони очилиб кетарди. Қалин ёғаётган намли қор тез эриб кетарди. Атроф

живир-живир қиларди. Тоғлар қор пардасига чулғанган эди. Фақат бу сукунатда ёгингарчилик домида қолиб қий-чув кўтараётган қушлар қийқириғи сингари плугчиларнинг отларни қичаб бақириб-чақираётганликлари қулоққа чалинарди.

Плуглар тинмай ишларди. Қоп-қора плуглар худди тўлқин устида жавлон ургандек гоҳ тепаликлар узра пайдо бўлиб қолар, гоҳ пастликларга шўнғиб ғойиб бўларди.

Плугга қўшилган отлар энгашиб, худди тупроқ остидан чиқаётгандай, чуқур-чуқур нафас олиб, ўрмалаб боришарди. Қор уларнинг иссиқ, тараңлашган елкаларидан шу ондаёқ иккала ёнига оқиб тушарди. Отларга қийин, жуда қийин, ер бўккан, туёқлар ости сирпанчиқ, жабдуқлар ҳўл, оғирлашган, плуг тишлари қўриқнинг ёпишқоқ қатламида ботиб қоларди. Бироқ плугларни тўхтатиб бўлмайди. Ҳайдаш керак. Эртага, қуёш чиққач, бу жўякларга шабада тегиб шудгор тайёр бўлади. Вақтни бой бермаслик лозим.

Плуг тиқилиб қоларди. Султонмурот тез-тез эгардан тушиб қамчи дастаси билан тишларни лой парчасидан тозалар ва орқада келаётган Онатой ва Эркинбекларни чақириб улардан жавоб овози келгач яна ҳўл жабдуқли ва танаси ивиб кетган отларни оралаб жўяк тортаётган отга томон суқилар, яна эгарга тирмашиб чиқиб, яна олдинга интиларди.

Қор ҳамон ёғарди. Қоп-қора плуг отлари худди оппоқ туманда сузиб бораётган кемани эслатарди. Уша барча товушларни ютиб юборган қор сукутида дала бўйлаб плугчиларнинг ҳайқириғи эшитиларди:

— Она-то-ой!

— Эркин-бе-ек!

— Султонмуро-о-от!

Юзлардан сув оқиб тушарди, эриган қорми, терми билиб бўлмасди. Юган тутган қўллар шишиб, совуқдан ва намгарчиликдан кўкариб кетган. Отлар бир-бирига суйканишиб бораркан, улар орасида қолган оёқлар икки томондан қисилиб оғирди, уларни қаёққадир силжитгинг келади, аммо жой йўқ, бироқ Султонмурот ортидан Онатой ва Эркинбек келаётганини, улар учаласи — олтита плуг тиши эканлигини, куппа-кундуз куни Оқсой ерларини ҳайдаётган бу тишларни тўхтатиб қўйишга ҳаққи йўқ эканлигини тушунарди. Фақат отлар чидаб берса, фақат отлар ҳолдан тоймаса бўлгани. Шунинг учун ҳам у хаёлан уларга мурожаат қилар, ўгит берарди:

«Сабр қилинг, Қамбар отадан¹ тарқаган зотлар, иноқроқ баравар тортинглар. Ахир ҳар куни ҳам шундай оғир бўлмайди. Бугун қор ёган бўлса, эртага кетади. Олдинга, олдинга, чу, чу! Сабр қилинг Чўлпон ота жониворлари, ҳу ана олдинда пайкалнинг охири. Ҳозир ўша ердан бурилиб орқага қайтамиз. Сабр қилинг, қадамни бўшаштирманг. Сизларни плугдан чиқаришга ҳаққим йўқ менинг. Биз мана шунинг учун ҳам сизларни қиш бўйи парвариш қилдик. Бошқа йўл йўқ. Мен сизларни юмшоқ ва қаттиқ тупроқ бўйлаб юришга ундаяпман, сизларга оғир, бироқ шундай қилмасак нонсиз қоламиз. Чекиш чол шундай бўлган ва мангу шундай бўлиб қолади, дейди. Нон, унинг ҳар бир бурдаси пешона терига йўғрилган, фақат буни ҳамма ҳам билавермайди ва ҳамма ҳам нон тишлаганда, бу ҳақда ўйлаб кўрмайди. Бизга эса нон жуда керак. Жуда ҳам керак. Мана шунинг учун ҳам биз сизлар билан Оқсойда юрибмиз»

Чопдор, сен менинг жонимсан, сен менинг қўшчи отимсан. Сен ҳам плугни тортасан, ҳам мени елкангда олиб борасан. Сенга ҳам қамчи ураётганим учун кечир мени. Шу лозим бўлиб қолди. Хафа бўлма, Чопдор.

¹ Қамбар ота — отларнинг афсонавий ҳимоячиси.

Чонтор, сен чап томондасан, сен ҳайдалган ер бўйлаб юрасан, сенга ҳаммадан қийинроқ, бироқ сен Чопдордан сўнг энг кучли отсан. Сени, Чонтор, менинг отам Бекбой доим мақтар эди. Ёдингдами? Отамдан ҳануз хат йўқ, бу жуда даҳшатли, сиз отлар буни тушунмай-сиз. Урушдаги одамлар узоқ вақт хат ёзишмаса, бу жуда ёмон. Онам соғинч ва ваҳимадан жуда озиб кетган. Онатоё отасининг азаси куни ҳаммадан кўп йиғлаган ва ҳаммадан кўп қайғурган Инкамол опа билан онам бўлди. Улар ниманидир билишади, қандайдир қўнғилсизликни сезишади, аммо айтишмайди. Улар ниманидир билишади... Чу, чу, Чонтор, сенинг бўшашишинга йўл қўймайман. Олдинга, Чонтор! Бўш келма!

Сен ҳам, Оқдум, сен ҳам менинг жонимсан. Сен мени ўнг томонимда, отларнинг ўртасидасан. Сен жон-жаҳдинг билан тортишинг керак, сизлар Чопдор икковингиз бош отларсиз. Сен чиройли отсан, сенинг ажойиб оқ думинг бор. Бироқ сен бўш келма, руҳинг чўкмасин, сени чарчашингга йўл қўймайман. Чу, чу, Оқдум! Мени уятга қўйма!

Тулпорим Қоратўриқ, сен оддий ва яхши отсан. Мен сени ўз қўшимга олаётганимда сенга жуда ишонганман. Сен меҳнаткаш ва ювош отсан. Мен сени ҳам жуда ҳурмат қиламан. Сен энг чеккада борасан ва доим кўзга ташланиб турасан. Сенга қараб ишимиз қандай кетаётганини аниқлашади, Қоратўриқ. Мен сени ҳам хафа қилмайман, сен фақат бўшашмай тортавер. Мен сенга сўз бераман: Оқсойда шудгорни ва экишни тугаллаганимиздан кейин, овулга қайтаётганимизда ҳамма сени кўрсин учун худди ҳозиргидай энг четда борасан. Бизлар Мирзагулнинг уйи ёнидан ўтамиз, у кўчага чопиб чиқиб энг аввало сени кўради, Қоратўриқ. Шунча ҳаракат қилмай, жўнаш олдидан учрашолмадим у билан. Унинг рўмолчаси ёнимда, доим ёнимда юради у. Унга қор ва ёмғир тегмайди. Мен Мирзагул ҳақида доим, ҳар вақт ўйлайман. Уни ўйламай туролмайман. Агар уни ўйламай қўйсам ҳаммаёқ ҳувиллаб қолади ва менга ҳаётнинг қизиғи қолмайди.

Чу, чу, Қамбар отадан тарқаган зотлар! Иноқроқ тортишлар, олдинга, олдинга! Чу! Чу!.. Қор ҳамон ёғаяпти, ҳамон ёғаяпти! Қандай намхуш қор. Ҳаммамиз бошдан-оёқ ивиб бўлдик. Шамол ҳам эса япти. Агар ошпаз кампиримиз хашакни жуллар билан ёпиб қўйса яхши-я. Аммо бунга ақли етмаса хашак ивиб исроф бўлади. Нима билан боқамиз сизларни — ўн икки бош отни? Ишга жўнаш олдидан унга айтиб қўйиш керак эди, эсимдан чиқибди, қор ёғади деб ўйламабман.

Ғалатиноқ кампир у, кўзи суқ. Отларимизни мақтагани-мақтаган, боқиб тўймайди. Қандай семиз отлар, дейди, яхши боқилган. Ёнбошларидagi ёғ икки энли дейди. Эски вақтларда бунақа отлар катта маъракаларда сўйилар эмиш. Ўша вақтларда гўштни тўйгунча ейишар экан, айтишича. От гўштини қирқ челақли қозонларда пиширишганларида қозон тепасига йиғилган ёғ-сардаки — топган гапиничи, — сузиб олиб ҳаммасини чўмич билан касал одамларга олиб кетиларди дейди. Ўша ёғ бетоб одамга ичирилса дарров оёққа туриб кетарди, дейди. Мечкай, фақат ёғни ўйлайди, холос. Отларга кўзи тегмаса эди ишқилиб. Ургилдим ундан! Мактабда кўз тегиш ёлғонлигини айтишган-ку. Нима деса деяверсин. Фақат овқатни ўз вақтида тайёрлаб турса бўлгани. Кеча тоғ эчкисини пишириб роса ҳайратга солди. Гарчи эчки ўта ориқ бўлсаям. Қандайдир ўтиб кетаётган икки овчи ўтов томонда олов кўриб шу ёққа келишиб, ўлжасининг бир қисмини қўйиб кетишди, дейди. Раҳмат ўша овчиларга, урфу одатни билишар экан. Биринчи учратган кишига тегишли ўлжа қолдирибдими, демак, кейинги сафар ҳам овлари юришишини ният қилишган. Бизлар эса биринчи учраган кишилармиз, албатта, агар улар тоғдан тушган бўлса, атрофда бошқа ҳеч ким йўқ. Тоққа томон чопсанг ҳам, даштга от қўйсанг ҳам ҳеч кимни

учратолмайсан. Қор эса ҳамон ёғарди. Роса ёгди-да... Тинкалар қуриб кетди..."

Отлар шалаббоси чиқиб тўхтаб қолишди... Султонмурот эгардан тушди, шишиб, эзилиб кетган оёқларида базўр туриб худди маст одамдай каловланиб отларнинг орасидан ўтди. Қора терга ботиб кетган, қалтираётган, қулоқларидан туёғигача ҳўл бўлиб, силласи қуриб оғир нафас олаётган отларни кўриб шундай ичи ачишиб кетдики, ачинганидан инграб юборди.

Қор эса ҳамон ёғар ва эриб кетар, ёғар ва отларнинг ҳовур кўтарилиб турган яғринларига тушиб эриб кетарди. Султонмурот ҳўл бўлиб оғирлашиб кетган қопни бошидан олиб ташлади. Узига итоат қилмаётган, музлаб қолган бармоқлари билан абзалларни еча бошлади. Кейин эса ўзини тутолмай Чопдорнинг яғринини қучоқлаб туриб ҳўнграб йиглаб юборди. Йиғлар экан, лаблари отнинг теридан пайдо бўлган иссиқ тахир тамни сезиб: «Кечиринглар, кечиринглар мени!..» деб пичирларди.

— Ҳа, Султонмурот! Нима гап?— Жўяк бўйлаб яқинлашиб келатган Онатойнинг товуши эшитилди.

— Отларни бўшат!— бақирди унга жавобан Султонмурот.

10

Бироқ эртасига кун очиқ ва бегубор бўлди. Кечаги ёғингарчиликдан асар ҳам йўқ. Фақат намгарчилик, фақат одамнинг руҳини тетиклаштирувчи муздек шабада, фақат ер бир оз қизғиш рангга кирган эди, фақат тоғлар узра енгилланиб қолган оппоқ қор бор эди. Тоғлар ортидан ўзлигини оламга кўз-кўз қилиб, баҳор уфқида осмоннинг ярмини шафақ нурга буркаб қуёш чиқа бошлади. Бутун бепоеён Оқсой ўзининг барча ўтлоқлари, ялангликлари, адирлари-ю пастликлари билан узоқ-узоқларгача кўзга яққол ташланиб турарди. Бироқ улар ўзлари ёнбағрида тугилиб ўсган Улуғ Манас тоғлари гўё тунда уларга яқинроқ келиб қолгандай, бу ғайритабiiй бир ҳол бўлса-да, аммо ўша оқшом тоғлар Оқсойга қараб, улар томон силжигандай, қўшчилар эрталаб туриб унинг улуғлиги, гўзаллиги ва қудратини кўриб ҳайратланишлари учун силжигандай туюларди.

Яқин ва йироқда, ёнгиналарида ва уфқнинг қўл етмайдиган жойларида тоғ тизмалари товланарди...

Ҳа, улуғ кун бўлди ўша кун Оқсойда. Шудгорлашга шошилмай чиқишди, ерга бир оз шабада тегишини кутишга қарор қилишди.

Бу вақт ичида отларга қарашди, абзалларни тузатишди, ҳўл бўлиб кетган пичанни ёйишди. Тезда кун исиб кетди. Ана шунда улар плуглари томон жўнашди. Плуглар ботиб қолган эди кечаги жўякларда. Ҳар бирини уч кишилашиб тортиб чиқаришди, тишларини тозалашди, филдиракларини ёғлашди. Кейин отларни қўшишди, бугун кечгача бу пайкалнинг шудгорини тугаллашни, эртага эса бошқа участкага кўчишни кўзлаб қўйишди. Иш қизигандан-қизиди. Туни билан дам олган отлар, саҳарлаб парвариш қилинганлиги учун тетик ишлашарди. Оғир плугларни тортиб боришарди. Аммо кечаги қорда қилинган шудгор ўзини оқлаган эди — тупроқ шабадада селгиб қолганди, қор аралаш ағдарилган қатламлар қуёш нурлари остида хамирдай кўпчиб ётарди. Демак тупроқ «бузилмаган», бездек бўлиб қолмаган. Демак, шудгор кўнгилдагидай.

Ажойиб бўлди ўша кун. Шундай кунлар бўладики, ҳамма нарса кўнгилдагидай бўлади, ҳаёт кўнгилдагидай, ажойиб, оддий бўлиб туюлади. Бекорга тайёрланишмабди, қиш бўйи бекорга меҳнат қилиш-

мабди, мактабни ташлашга мажбур бўлишган эди. Оқсой отряди ҳаракатда, плуглар ишлаб турибди. Бугун Эргаш ва Қуббатқуллар келиши керак. Ушанда улар беш плуг бўлишади, бу ўн тиш дегани. Ана куч. Ҳақиқий десант! Кейин уруғ сепишади, майдонларни борона қилишади ва ушанда ҳосилни кутавер! Баҳорги ғалла ажойиб бўлади. Бригадир Чекиш баҳорги ҳосил унумдор бўлмаса ҳам ҳамма nonлар ичида энг ширини бўлади, дейди. Ишимиз ўнгидан келади. Ёмғир бўлади. Шунча меҳнат сарф қилинганидан кейин ёмғир тихирлик қилиши мумкин эмас. Ёмғир бўлади, фақат у ёқда, фронтда, бардош қилсалар, ҳужумга ўтсалар бўлгани, шундагина бу ҳосил бахтимизга татиган бўлади, шундагина томоғимизда туриб қолмайди...

Улар пайкал узра мана шундай боришарди. Олдинда Султонмурот, ортада, икки юз қадамча нарида Онатой ва ярим чақирим нарида Эркинбек...

Қуёш қизигандан қизирди. Чўл тепаликларидоги майсалар кўм-кўк товланарди. Худди эртақдагидай: бу томонга борсанг ўнг томонинг кўм-кўк, у томонга юрсанг сўл томонинг кўм-кўк. Тупроқ янгилашиб намхуш нафас оларди. Плуглар эса ортида худди узун кокилга ўхшаш янгигина олинган жўяк изларини қолдириб Оқсой сари борарди...

Пирр этиб тўрғай учди оёқ остидан. Сайраб-сайраб яқингинага қўнди ва яна қаердадир бошқаси сайради, яна қаердадир бошқаси. Султонмурот жилмайиб қўйди. Қувончидан сайрайверади, уйлари ҳам йўқ, боши устида япроқ, новда ҳам йўқ, кимсасиз чўл қўйнида ўз билганларича яшайверишади. Хурсанд ҳам. Баҳордан миннатдор, қуёшдан миннатдор! Кеча улар қаерда эдилар, ёгингарчиликнинг ўтишини қандай кутиб турдилар экан? А, энди булар ортада қолди.

Баҳор энди ўз ҳақини олади. Иш ҳам кўп энди, бу фақат бошлаши. Нима қипти! Бугун Эргаш, Қуббатқуллар келишади, шунда бутун десант ишга киришади, иш юришиб кетади...

Уловни қичаб ҳайдар экан, Султонмурот нариги томонда отлични кўриб қолди. У шудгор яқинидан четлаб ўтиб, улар томон кўз ташлаганча тоғ томон борар эди. Елкасида милтиқ. Бошида қишки пахмоқ телпак. Тагидаги от бақувват, совутилган саман. Болалар ҳам уни кўриб қолишди. Қичқира бошлашди:

— Эй, овчи, отингни бур, биз томон!

Бироқ овчидан садо чиқмади. У яқинлашмасдан, улар томон кўз ташлай-ташлай ўтиб борарди. Султонмурот уни кўриб суянди, отларни тўхтатиб, оёқларини узангига тираб турган ҳолда бақирди:

— Эй, овчи, тегиш берганинг учун раҳмат! Эшитяпсанми, раҳмат! Тегиш учун раҳмат!

Аммо у ҳамон жим эди. Гапни эшитмагандай, тушунмагандай эди. Тез орада у тепаликлар ортига ўтиб кетди. Демак, вақти йўқ, ўз ишига шошилаяпти.

Тахминан ярим соатлардан сўнг иккинчи овчи кўринди. У ҳам тоққа томон борар, унинг ҳам елкасида милтиқ бор эди. Аммо у бошқа томондан, қўтоннинг бошқа чеккасида ўтиб борарди. У ҳам узоқдан улар томонга кўз ташлаб жимгина борар, қайрилиб плугчилар билан сўрашмади ҳам. Одатда отни буриб, қўшчиларга саломатлик ва баракали ҳосил тилаши керак эди. Чекиш чол: одамлар айниб кетди, дейди. Эҳтимол шундайдир, у ҳақ, Чекиш чол донишманд. Кейин энг ҳаяжонли воқеа содир бўлди.

Биринчи бўлиб Онатой эшитиб қолди. Баракалла. Овозининг борича қичқирган у бўлди:

— Турналар! Турналар учяпти!

Султонмурот тепага қаради — мусаффо мовий, чексиз осмон кенг-

лигида оҳиста айланиб, парвоз қила туриб сафланиб, қур-қурлашганча овоз чиқариб турналар учишарди. Катта гала. Улар баландда учишарди. Аммо осмон ундан ҳам баланд эди. Бепоен осмон кенглиги ва бу кенликда жонли орол каби сузиб юрган қушлар галаси. Султонмурот бошини кўтариб қараб қолди ва қаттиқ қичқириб юборди:

— Ура-й! Турналар!

Учалови ҳам уларнинг турналар эканлигини яхши кўриб турган бўлсалар-да, кутилмаганда катта бир янгиликдай бир-бирларига бақришарди:

— Турналар! Турналар! Турналар!

Султонмурот турналарнинг эрта келиши яхши аломат эканлигини эслади.

— Турналарнинг эрта келиши яхшилик аломати!— бақирди у от устида Онатойга қайрилиб қараб.— Ҳосил мўл бўлади!

— Нима, нима?— эшитмади Онатой.

— Ҳосил, ҳосил мўл бўлади!

Энди Онатой эгар устида Эркинбек томонга қайрилиб унга қичқирди:

— Ҳосил! Ҳосил мўл бўлади!

У жавоб берди:

— Эшитяпман, эшитяпман! Ҳосил мўл бўлади!

Турналар эса ҳамон учарди. Осмоннинг мовий оғушида чўмилиб, шошилмай сузарди, бир маромда қанот қоқишиб, айланишиб, гоҳ вазмин, гоҳ кўп овозла, гоҳ бирваракайига жўр бўлишиб, бир-бирларини чақиришарди ва яна улар сафига жимлик чўкиб қоларди. Шаффоф кун оғушида уларнинг силлиқ бўйинлари, ингичка тумшуқлари ва баъзиларнинг бағрига ярим босиб олган, баъзиларининг эса маҳкам сиқиб олинган оёқчалари яққол кўзга ташланиб турарди. Гоҳо қанотлари четларидаги оппоқ патларининг учлари кўзга чалиниб қоларди. Ана шундагина қушларни томоша қила туриб, плугчилар галанинг секин-аста пастлаётганини сезиб қолишди. Турналар борган сари пасайиб ерга яқинлаб борарди, гўё уларни қандайдир оқим ўша томонга, узоқ тепаликларга ҳайдаб бораётгандай эди. Султонмурот умри бино бўлиб турналарни яқиндан кўрмаган эди. Улар ҳамма вақт шарпадай, худди тушдагидай боши узра сузиб ўтишарди.

— Қара, қўнишмоқчи, қўнишмоқчи!— қичқирди Султонмурот ва учовлари ҳам эгардан сакраб тушишиб уловларини қолдириб турналар галаси қўнадиган ёққа қараб чопишиб кетишди.

Улар тез югуришарди. Жонлари борича! Турналарни яқиндан кўргилари келарди: қанақа экан улар? Зўр бўлади-да!

Эҳ, қандай енгил чопарди Султонмурот! Ер оёғи остида поёндоз, ўзи унга пешвоз келарди, ер билан бирга қорли тоғлар у томон югурарди, кўз узмай келаётган турналар галаси ҳам ҳавода чарх уриб, унга томон пешвоз учиб келишарди. Чопишдан ва қувончдан нафас бўғиларди ва қувончга тўлиб, турналарни қувиб бораётиб, агар турналар патини қолдирса топиб, сақлаб қўйиб, Мирзагулга совға қилишни ва унга бу воқеани ипидан-игнасигача ҳикоя қилиб беришни ўйларди у. Фақат етиб олса бўлгани, фақат турналарни кўрса бўлгани. У Мирзагулга нисбатан қуйилиб келаётган меҳрибонликни қалбида сақлаганча чопиб борарди. Агар иложини топса, у ҳозироқ турна пати билан тўппа-тўғри Мирзагулнинг олдига чопиб борарди... Турна пати билан тўппа-тўғри унинг олдига...

11

Улар чопиб боришар, шафқатсиз бир нигоҳ эса милтиқнинг мўлжал нуқтаси орасидан мушкани уларнинг биридан иккинчисига, учинчисига тўғрилаб таъқиб этарди. Бу нигоҳ милтиқнинг нишони бўйлаб турналар томон елиб бораётган болалардан нафратланар эди. Прицелдан ташқаридаги ер бепоён, улар эса чайқалиб турган мушка қаршида шундай майдаки... уларнинг тепасидаги осмон прицелда қандай катта, улар эса мушка учида шуңчалик кичкина... Тепкини босса вассалом, улар йўқ бўлади... Буларни ҳаммаси бир дақиқада йўқ бўлиши мумкин эди, прицелда милт-милт этмай қўярди, фақатгина тепкини босса бўлгани.

— Эҳ, ер тишлатардим уларни, ҳозир бирваракай тутдай тўкиб қўярдим, овоз чиқаришга ҳам улгурмай қолишарди,— нафасини ичига ютиб, гўлдиради мўлжал олиб турган одам.

— Бас қил, тентак! Уқ билан ўйнашмайдилар, бекорга мўлжалга олма,— деди унга тўқайдай ўсиб кетган, худди бўрининг ини мисол, тепалик остидаги қуврайлар ичида отларни жиловидан тутиб турган иккинчи овчи.

Мўлжалга олувчи жағ пайларини ўйнатаркан жимиб қолди, аммо ҳамон милтиқни мўлжалдан олмасди.

— Ҳаддингдан ошма деяпман сенга,— буйруқ берди унга отларни ушлаб тургани.— Чопишиб-чопишиб қайтиб кетишади. Сенга нима?

Қулоқ солмади. Дағал соқолли лунжини милтиқ қўндоғига қўйиб ётаркан, прицел орасидан турналарнинг қичқириқларидан эсларини йўқотиб чопаётган беақл болаларни таъқиб этиш мароқли эди унга. Жаҳли чиқарди. Чопишади, кулишади! Қувонганларини қара! Учта ўқ билан қийратиб ташласам, ҳатто қимир этмай қолишарди. Чопишади, кулишади! Нега, дегинг келади? Чопишади, кулишади...

Плугчилар узоқ чопишди, адирга яқинлашиб келганларида турналарнинг яна кўтарилишаётганини кўришди... Демак, ниятлари ўзгарибди. Балки, уларга турналар қўнаётгандай туюлгандир?

Болалар нафасларини ростлаб тўхтаб қолишди. Аччиқланишди. Султонмурот эса яна анча ергача чопиб борди ва турналар галасини кўзлари ёшланиб кузатаркан тўхтаб қолди...

Кейин улар қайтишди ва яна Оқсой ерларини шудгор қила бошлашди. Ажойиб кун бўлди, ажойиб. Тушга яқин отларга хашак олиб колхоз араваси келиб қолди. Аравакаш уларга картошка, гўшт, ун, ўтин олиб келди ва бригадир Чекишнинг эртага ўзи ва Эргаш, Қуббатқулларнинг улови билан келишлигини айтди. Султонмуротга ва болаларга айт, жаҳллари чиқмасин, ҳаммаси ҳал бўлди, эртага десант тўлиқ составда бўлади, дебди. Албатта бўлади дебди ва яна бир-икки кундан кейин уларнинг олдига, Оқсойга раис Тиналиев ҳам келаркан. Мана шунақа хабарлар келтирди аравакаш. Тушки овқатни ҳаммалари бирга қилишди ва яна шудгорлашга жўнашаётганларида кампир Султонмуротга овулга бормоқчи эканлигини, эртага Чекиш бригадир билан бирга қайтиб келишини айтди. Овулда унинг қандайдир зарур иши бор эмиш ва яна кир ювиш учун совун олиб келиши керак эмиш. Уларга оч қолмаслиги учун кун бўйи етадиган нон ёпиб ва яна суюқ ош пишириб қўйганини, улар иситиб ичишлари мумкинлигини уқтирди. Султонмурот унинг кетишини қанчалик хоҳламаётганига қарамай чор-ночор рози бўлди. Тортишиб бўлмайди ахир, кекса одамнинг йўлини тўсиб бўлармиди.

Шундай қилиб қўшчилар ўз плуглари томон жўнашди. Кечга қадар шудгор қилишди. Кечга бориб шудгорни тамомлашди. Энди томо-

ша қилса бұларди — катта майдонни шудгордан чиқарган эдилар. Биринчи майдон, эҳе ҳали яна қанчаси бор. Бироқ бошламаси тайёр. Демак охири ҳам бўлади.

Охирги жўякни ғира-шира қоронғида ҳайдаб битиришди, қайрилишларда қолиб кетган ерларни шудгорлашди ва узоқ ивирсимай, эртасига саҳардан янги майдонда иш бошлаш учун плугларни қўшни майдонга олиб ўтиб қўйишди.

Отларни чиқариб бўлиб шийпонга келгунларича қоронғи тушиб қолди. Шийпон бўм-бўш. Қампир аллақачон кетган. Майли, эртага келади-ку.

Кун бўйи роса чарчашди. Шошилмай хомутларни бўшатиб, уларни отларнинг бўйнидан олишди, жабдуқларни ечишиб ҳар ким ўз жойига ўтовга олиб кирди. Отларни, ўн икки бош отнинг ҳаммасини ҳам ўз жойларига, шийпонга охур вазифасини ўташ учун келтирилган ғилдираклари йўқ эски аравага олиб келиб боғлашди. Ҳа, ҳар бир отни ўз жойига арава ичидаги хашакка тўғрилаб қўйишди. Эрталаб отларни қотиб қолган терларидан тозалаш учун барвақтроқ туришга қарор қилишди. Қоронғида ювинишди, кейин ўтовда гулхан ёқишиб унинг ёруғида суюқ ошни иситмаёқ ичишди, иситишга ҳафсалалари йўқ эди.

Уйқуга ётишди. Султонмурот ҳаммадан кейин уйқуга кетди. Уйқу олдидан у яна бир бор отларни кўздан кечиргани ўтовдан чиқди. Отлар тумшукларини хашакка қўйиб, қуруқ бедани курт-курт чайнаб, пишқиришиб тинчгина туришарди. Ҳа, бошма-бош, олтитадан от араванинг ҳар тарафида жимгина туришарди.

Ҳаво очиқ бўлиши кутилари. Ой тугай деб, кичкинагина бўлиб қолганди...

Султонмурот бир оз айланди, негадир унга қўрқинчли туюларди. Қимсасиз сокинлик, чексиз зулмат кеча. Иш билан ва ташвишлар билан бўлиб кимсасиз чўл бағри шунчалик қўрқинчли эканлигини сезмаган экан. У ўтовга қайтишга шошилди. Ўз жойига ётиб узоқ ухлаёлмади. Бирдан уйини соғиниб ғамгин бўлиб қолди. Усиз онасининг ҳоли не кечди экан у ёқда? Отасидан ҳамон ҳеч қандай дарак йўқ. Агар бирор хабар бўлганида аравакаш бугун етказиб суюнчи сўраган бўлармиди. Нимани сўраса ўшани берарди ўзиям. Бироқ нима берса экан. Бу ерда ҳеч нарсаси ҳам йўқ. Ярим қоп буғдой ваъда қиларди, кузда колхоз буғдой беради, ана шундан берарди унга. Шуларни ўйлаб у оғир хўрсинди. Ажимурот ундан: агар отам урушдан қайтса иккаламиз Чопдорга миниб уни кутгани станцияга чопамиз, у катталиги учун олдинда, Ажимурот эса ортига мингашиб бориши ҳақида сўз олганини эслади. Отасини кутиб олгач унга Чопдорни бериш, ўзлари ёнма-ён югуришларини, онаси ва кўпгина бошқа яқин кишилари уларга пешвоз чиқишини тасаввур қилди... Эҳ, қани эди шундай бахтга муяссар бўлганида, у Чопдорни плугдан чиқариб чоптириб кетарди... Кейин у юз баробар кўпроқ ишлаб берарди...

Султонмурот секин йиғлай бошлади, чунки бундай бахтли воқеа эҳтимол, ҳеч қачон рўй бериши мумкин эмаслигини ғира-шира англари.

Кейин у Мирзагул билан дарё бўйида учрашганини эслаб ўзича қоронғиликда жилмайиб қўйди. Ҳатто ҳозир ҳам унинг қўллари тафтини ва ўша қўллар унга: «Мен хурсандман! Мен жуда бахтиёрман! Менинг қанчалик хурсанд эканлигимни наҳот сезмаётган бўлсанг!» деяётганини эслади. Унга боқиб ўзини кўрганлигини ҳам ва у — ўзи эканлигини билиб ҳайратланганини ҳам ёдга олди. Мирзагул ухлаётган бўлса керак ҳозир. Эҳтимол, мана шу дақиқаларда Мирзагул у ҳақида ўйлаётгандир. Ахир Мирзагул бу — Султонмурот-ку. Султонмурот

гимнастёркаси чўнтагидаги Мирзагулнинг рўмолчасини пайпаслаб, силаб қўйди...

Кейин у мудроқ босиб уйқуга кетди. Қаттиқ ухлаб қолди. Сўнг қандайдир ёмон туш чулғаб олди уни. Кимдир уни бўғиб қўлини қайирарди. Шунда у уйғониб кетди, қўрқиб кетганидан бақиршга ҳам улгурмади. Кимнингдир аччиқ махорка ҳиди анқиб турган салмоқли, қаттиқ кафти унинг оғзини беркитиб олди.

— Жим бўл, агар яшашдан умидинг бўлса!— деди хириллаб унинг қулоғи остида махорка ҳиди анқитиб, пишиллаганча дағал бир одам. У темирдай панжалари билан жағини пастга босиб, синдиргудай, оғзига латта тиқди. Султонмурот ўзига келгунча қўллари арқон билан орқасига боғланиб қўйилган эди. У совуқ тер босиб ўзидан-ўзи титрай бошлади. Утовдаги бу икки одам ким, нега уни боғлаб қўйишди?

— Буниси тайёр,— шивирлади бири иккинчисига.— Наригиларига кетдик.

Улар Онатой ётган томонда қоронғиликда пайпасланишарди. Онатой қичқирар, типирчилар, аммо уни ҳам боғлашдилар.

Эркинбекнинг бошига уришди шекилли у бир инграб жимиб қолди.

Султонмурот ҳамон нима бўлаётганини тушунмасди. Латта унинг оғзини беркитиб қўйган, у бўғилар, қўллари арқонда қисилиб оғрирди. Утов зулмат оғушида эди. Бироқ улар кимлар, нега улар бу ерда, нима учун улар бундай қилишяпти, нимани ишташади, балки улар ўлдиришмоқчидир? Нима учун?

Султонмурот қутулиб кетмоқчи бўлар, типирчиларди. Шунда улардан бири уни тиззаси билан босиб, темирдай бармоқлари билан калласига ниқтаб, тушунарли қилиб секин деди:

— Кўпам шатталайверма. Эшитяпсанми? Сен бу ердагиларнинг энг каттасига ўхшайсан. Биз сизларни боғлаб қўйдик, сизлар жавоб бермайсизлар, сизларнинг бу ерда дахлингиз йўқ. Уқдингми?— деди у ҳамон темирдай бармоқлари билан унинг бошига ура-ура.— Ақл ишлатсаларингиз ҳаммаси жойида бўлади. Сизларни бу ердан топишгач қандай бўлган бўлса ҳаммасини шундай айтиб берасизлар. Сизларни қанақа сўроқ қилишлари мумкин! Аммо, кимки ҳозирданоқ, ҳаммадан бурун бирор ҳаракат қилиб типирчилайдиган бўлса итдай савалайман. Ўлдириб ташлайман. Жим ётинглар! Улиб қолмайсизлар.

Улар қаттиқ ҳансирашиб сўкинишиб тупиришганча ўтовдан чиқиб кетишди. Султонмурот уларнинг отлар боғлиқ турган жойда пайпасланаётганларини эшитди. Нимадир қилишарди, отлар қўрқувдан типирчилашарди. Бир оздан сўнг кўплаб туёқларнинг тақиллаши, қамчи овози ва яна қандайдир сўкинишлар эшитилди-ю, туёқларнинг овози узоқлашиб тез орада бутунлай эшитилмай қолди.

Фақат шундагина Султонмурот содир бўлган воқеанинг даҳшатини тушуниб етди. От ўғрилари уларнинг плугчи отларини ҳайдаб кетишганди! Алам ва ғазаб юрагини ўртаб юборди. У қўлларини бўшатишга уриниб кўрди, аммо ҳеч нарса қилолмади. Нафаси қисилиб, бошини у ёқ, бу ёққа буриб, тили билан оғзидаги латтани итара бошлади. Оғзига ўт солиб қўйгандай аланга олиб, нафаси қайтиб, қон оқа бошлади. Ниҳоят оғзидаги лаънати латтани тупуриб ташлашга муваффақ бўлди. Худди озодликка чиққандай бўлди. Упкасини тўлдирган ҳаводан боши айланиб кетди.

— Болалар бу мен!— қичқирди у калласини кўтараркан.— Бу мен! Мен гапиряпман!

Бироқ ҳеч ким унга жавоб бермасди. У Онатой, Эркинбек ўз жойларида қимирлаб қўйганини эшитди.

— Болалар,— деди шунда у,— қўрқманглар. Мен ҳозир. Ҳозир

бирон нарса ўйлаб топаман. Фақат менга қулоқ солинглар. Онатой, қимирлагин, қаердасан?

Онатой инқиллаб, типирчилаб ўрнидан тура бошлади.

— Шошма Онатой! Жойингда тур!— Султонмурот кийимлар ва жабдуқлар устидан у томонга отилди.— Энди орқанг билан менга сун, қўлларингни қўй. Эшитяпсанми, қўлларингни қўй...

Энди улар орқама-орқа ётишарди. Султонмурот дўстининг қўлидаги арқонни пайпаслаб топди. Онатойга қандай ётиш, ўгирилишни айтиб туриб ўзи арқоннинг тугунларини топишга тутинди. Онатойни оғриққа чидаб туришга ундаб, ўзи охири қандайдир тугунни топди ва уни тортиб юборган эди, арқон бўшади. Энди Онатой ўз қўлларини ўзи бўшатиб олди...

12

О т ўғрилари шошилмай кетишарди. Гоҳ йўртиб, гоҳ йўрғалатиб боришарди. Қоронғида отларни чоптириб ҳам бўлмайди, чоптиришнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Иш силлиқ кўчганди. Кимдан қочишсин — гўдак болаларданми? Юз чақирим атрофда тирик жон йўқ. Болалар эса тупконнинг тагида боғлиқ ҳолда ётишибди. Ҳалиям ишни бундай кўчганидан тақдирдан миннатдор бўлишсин...

Улар ўзлари билан тўртта отни олиб кетишганди. Ҳар қайсиларига бир жуфтдан. Бошқа олиб бўлмайди. Худо кўрсатмасин, шу ёғини ҳам ҳазм қилиб олишса бўлгани... Қимсасиз жойлардан узоқ юришлари керак. Тошкент атрофларига боришнинг ўзи уч кунлик йўл. Яна у ёғига қанча йўл юриш керак. Етиб олишса бўлгани. У ерда иш осон кўчади. Тошкентдаги Олой бозорида гўшти килолаб талаб кетишади. У ердаги одамлар уқувли, савдога чаққон. Бировга ошириб юборишади. Энди бу ёғи уларнинг иши. Аммо ҳозир гўшти тилло баравар бўлиб турган тўртта семиз отнинг пулини олиб кетиш қандоқ бўларкин? Ана жумбоқ! Шунча пулни нима қилишади! Росаям ўмаришди-да! Тезроқ бўла қолса эди. Энди топиб бўлишипти. Пул бўлса жуфтакни ростлаш қийин эмас. Кетишлари, қўлга тушмасдан аллақачон бу ердан кетишлари керак эди. Ушласа — тамом! Трибунал! Энди ушлаб бўпти! Пул бўлса — ҳаёт бўлади. Тошкентнинг нарёғида яна қанча шаҳарлар, ерлар бор.

Тақдир деб бекорга айтишмайди. Ўзиям бўларича бўлишганди. Қани қорда ва қаҳратонда тоғда кезиб кўр-чи, ана у архарни қўлга туширгунча, қўлга туширганингда-чи, гўшти бу пайт нимага ҳам ярарди, ориқ, қуруқ чандир. Тишинг ўтмайди. Бунинг устига патронлар ҳам тугаб бўлган эди. Узоққа боришолмасди. Шундай пайтда худди осмондан тушгандай бу болаларнинг плуглари билан пайдо бўлиши кимнинг хаёлига келибди. Худонинг ўзи юборган! У бор, у тепамизда муқаррар, ҳар кимга ўз насибасини бўлиб қўйган.

Бир чеккадан танламай олавердик, отлар ҳаммаси териб олингандай, барчасининг қовурғаларида икки энлик ёғ. Бунақасини оламни айланиб чиқсанг ҳам тополмайсан. Ҳил-ҳил гўшт бўлади, еб тўймайсан. Худо бор, у тепамизда муқаррар! Ўлжа юборди, омад юборди у!..

Улар шошмай боришарди. Отларнинг вазнини йўқотишга зарурат йўқ эди... Бунақа отларни Олой бозори қассоблари тушларида ҳам кўришмаган. Пулни бер-у, олавер, хасислар!..

Мана улар, олдиндан тайёрлаб қўйилган жиловларда тўрттови ҳам йўртиб, пишқиришиб боришяпти. Улар ўзларини қаёққа олиб кетишаётганини билишса эди. Ўғирлаб олиб кетиш ҳам олдиндан ўйлаб қўйилган эди. Йилқиларни тўдаси билан ҳайдаб кетолмайсан, тарқаб кетишади. Бирни жиловни қўлига ушлаб, ўртада эгарда ўтириб олган, узун жиловлардаги отлар эса иккитаси чап томонида, иккитаси ўнгида

борарди. Саман отда ортда келаётган шериги эса қамчи билан тезлаб ҳайдаб, тўхташга йўл қўймасди. Фақат бир маромда, на секину, на шитоб билан боришарди. Ақл билан, фақат ақл билан иш юритиш талаб қилинарди.

13

Чопдор жойида турарди. Султонмурот ўтовдан чиқа солиб Чопдорга минди ва атрофга аланглаб қичқиришга улгурди:

— Онатой, овулга чоп! Имилама! Чоп! Одамларимизни чақир! Мен уларни ушлаб тураман! Мен уларга етиб оламан! Фақат сен тезроқ бўл. Сен эса, Эркинбек шу ерда тур, бир қадам ҳам силжима. Уқдингми? Чоп, Онатой, чоп!..

Узи эса Чопдор устида узоқлашиб бораётган отларнинг туёқ товушларини тусмоллаб от ўғрилари томон олиб кетди.

Тезроқ, тезроқ, Чопдор оғажоним, олға, уларни қувиб ўт! Мен йиқилиб тушмайман, майиб ҳам бўлмайман! Менинг учун хавотирланма! Олға, Чопдор! Агар ўлсак бирга ўламиз, фақат тезроқ чоп, тезроқ, тушунапман — қоронғи. Қўрқинчли, сенга ҳам қўрқинчли. Бари бир олға. Тезроқ, тезроқ! Қани улар? Олдинда йилтираб кўринаётган нарса нима у! Нимадир қимирляпти у ерда. Қўлдан чиқариб юбормасак бўлгани. Олға, Чопдор, олға... йиқилиб қолма. Чопдор, йиқилма...

14

— **К**увишяпти! — қўрқув аралаш қичқирди яқинлашиб келаётган от дупурини эшитиб ўғрилардан бири.

Сўнг улар жиловни бўш қўйишиб, аввалига отларни йўргалатиб, кейин чоптириб кетишди. Энди салқинлашга вақт қолмаганди. Энди таваккал, бўлганича бўлар. Энди қочиш зарур. Энди орқа-олдига қарамай қочиш керак.

Олдиндагиси олиб кетаётган отларнинг юганини ўзига тортиб эгарга энгашди. Ортдаги шериги эса кучининг борича қамчилаб отларни шоширарди. Чопиб бораётган отлар туёғи дукуридан ер ларзага келди. Қулоқларда шамол хўштак чаларди. Тун чексиз, пишқириб оқаётган дарё сингари уларга пешвоз еларди.

— Тўхта! Қочиб қутулолмайсанлар, тўхта! — дея қичқирарди Султонмурот уларга борган сари яқинлашиб бораркан. Лекин унинг тову-



ши қутуриб чоғиб бораётган отлар шовқин-суронида узуқ-юлуқ эшитиларди холос.

Чопдор? Улуғ от Чопдор! Отасининг Чопдори! Қандай еларди у! Худди қувиб етмаслиги мумкин эмаслигини аниқ сезгандай, Оқсойдаги бу тунги пойгада йиқилишга ҳаққи йўқлигини тушунгандай эди.

Султонмурот от ўғриларига тезда ён томондан етиб олди, отларни жиловидан ушлаб бораётганликлари учун қочиб қутулиш уларга унчалик осон иш эмасди.

— Отларимизни қайтариб беринглар! Беринглар! Биз уларда ер ҳайдаймиз!— бақирарди Султонмурот.

Ўғриларнинг бири чоғиб бораётди отни четга бурди, отдан ағдармоқчи бўлиб йиртқиқлардай унга ташланди. Аммо у чап бериб қолди. Баракалла, Чопдор, баракалла! Ўзини таъқиб қилаётган от ўғрисидан қочиб Султонмурот олдинга ўтиб олди, ёнбошидан бориб олдиндагисини қисиб отни қайиришга талпина бошлади:

— Қайт-қайт!— бақирди у.

— Қоч, ўлдираман!— қичқирди униси отини буриб, аммо Султонмурот яна олдини кесиб чиқар ва уни қисиб бўриб тўғри кетишига халақит берарди.

Улар шу зайлда боришарди. Шериги ҳар гал уни қувиб юборар, Султонмурот эса гоҳ у, гоҳ бу томондан ўтиб йўлни кесганча уларнинг қочишига халақит берарди.

Кейин ўқ овози эшитилди. Султонмурот уни эшитмади, фақат ярқ этган ўтни ва бир дақиқа ёришиб кетган бепоён Оқсой бўшлиқларини, ёнидан ваҳшийларча чоғиб ўтаётган қоп-қора отларни ва одамларни кўриб ҳайратланишга улгурди, холос.

Ўзи эса бир чеккага отилиб кетди ва тошдай ерга урилиб умбалоқ ошиб тушди, оёққа туриб, шу заҳотиёк тагидаги оти фақат қоқилиб кетмаганлигини тушунди. От калласи билан ерга урилиб ёнбошлаганча хириллар, гўё ҳамон чопишга интилаётгандай жон ҳолатда туёқларини кўтаришга уринарди...

Султонмурот оғриқ ва ғазабдан жони борица бақириб, нима қилаётганини ўзи ҳам билмай от ўғрилари изидан чопди:

— Тўхта! Қочиб қутулолмайсанлар! Етиб оламан! Сизлар Чопдорни ўлдирдинглар! Отамнинг оти Чопдорни!

У ўзини унутиб югурарди, ғазаб ва жон-жаҳди билан югурарди, уларнинг ортидан худди етиб оладигандай, тўхтатиб орқага қайтариб қола оладигандай ҳамон югурар эди. Ўғрилар қочиб борар, от туёқлари қоронғида тақиллар, ўғрилар борган сайин узоқлашиб борар, у бўлса жаҳл устида муроса қилишни хоҳламасди, ҳамон қувиб борар эди. У елдек учиб борарди, бутун вужуди қизишиб, баданлари ачишиб, айниқса қип-қизил қонга ботган қўллари ёниб қувиб бораётгандай туюлди ўзича. У қанча тез ва қанча узоқ чопган сайин юзи ва қўллари шунчалик ёниб борар эди...

Кейин у йиқилди, энтикиб, бўғилиб юмалаб кетди. Чидаб бўлмас даражада оғриётган юзи ва қўлларини қўйгани жой тополмасди. У бу тундан нафрати ошиб ижирганарди, фиғон чекиб, инграб йиғларди.

У отларнинг туёқ товушлари аста-секин узоқлашиб бораётганини эшитиб турарди. Ер борган сайин узоқдаги туёқ товушини ютиб кучсиз ва секин титрарди. Тез орада атрофдаги ҳамма нарса тинчиб, жимиб қолди...

Ана шунда у ўрнидан турди, орқага тисарилиб алам билан ҳўнграб юборди. У ўзини ҳеч нима ва ҳеч қандай йўл билан овутолмади, Оқсойда ҳам уни юпатадиган ҳеч ким йўқ эди. У йиғи аралаш отаси урушдан қайтганда Ажимуротни кутгани бирга олиб чиқишга ваъда берганини эслади. Йўқ, энди улар ҳеч қачон отаси фронтдан қайтма-

нида Чопдорга миниб чоптириб отасини станцияда кутиб олишолмайди. Улар энди Оқсой ерларига мўлжалдаги донни сепиша олмайди. Энди улар тишлари ойнадай ялтираган плугларни судраб Оқсой далаларидан қайтганларида ўша тантанали ва қувончли кун бўлмайди. Мирзагул ҳам шоду хуррам бўлиб кўчага чиқмайди, унинг овулга кириб боришини кўрмайди, ҳайратланмайди ҳам. Умидлари чил-чил бўлди. Мана шунинг учун ҳам йиғларди у...

15

Шамолда иссиқ қон ҳидини аниқ сезиб бораётган бўри иштаҳасини карнай қилиб юборган ҳид томон думини қисиб чопиб борарди... Қиш бўйи озиб қолганига қарамай бу кекса йиртқич баҳайбат эди. Оқсойдан сайғоқлар кетгунларича у қишни бир амаллаб ўтказарди. Энди эса улар урчигани Оқсойдан катта қумлоққа кетишди. Еш бўри галалари тоғларда ҳолсизланиб қолган архарларни сўқмоқларда тутиб юришибди. У бўлса энг оғир дамларни бошидан кечирарди. Қишки уйқудан кейин суғурларнинг пайдо бўлишини кутарди. Кунлаб, соатлаб кутарди. Суғурлар яқин кунлар ичида офтобга чиқишлари керак эди. Бу қутулиш демак. Узоқ ётишди суғурлар чуқур, тубсиз инларида! Қанчалик очлик ва зеркиш билан яшамади бу кунлари Оқсойда бўри!

Бўри ўлжанинг бегона бўлишидан чўчигандек қон ҳиди томон чопиб борарди. Бу катта ўлжа, от жасади эди. Тер ва гўшт ҳиди унинг бошини айлантириб, маст қилиб қўйганди! Умр бўйи у тўдаси билан уч ёки тўрт мартагина отларни қувишга муваффақ бўлганди, холос.

Бўри ярим очиқ оғзидан сўлаги оқиб, бўм-бўш ошқозонида қаттиқ оғриқ сезиб чопиб борарди. Бўри булутли тонг қоронғилигида чопиб бораётган оқиш сояга ўхшаб еларди.

Бўри шундоқ чопиб боришда ўлжаси устига ташланмоқни қанчалик хоҳламасин кўникма-кўникмалигини қилди — ўзини тутиб, узоқдан ўлжаси атрофини бир айланиб олди. Айланди-ю, довдираб қолди — ўлик от ёнида одам бор эди. Одам қўрқиб ўрнидан турди.

— Эй! — бақирди Султонмурот ва депсиниб қўйди.

Бўри тисланиб, думини оёқлари орасига қаттиқ қисиб, хоҳламайгина, бир четга қочди. Кетиш керак эди. Одам турибди. Одам ўлжани олиб кетишга халал берарди. Бўри сал нарироқ қочиб бориб бирдан тўхтади ва паст овозда улуб одамга юзланди. Унинг кўкиш, бесаранжом кўзлари қаҳрли ёнарди. У калласини эгиб, тишларини ғижирлатиб, ғазаб билан секин-аста яқинлаша бошлади.

Султонмурот уни хатарга солувчи қичқириқ билан тўхтатди ва Чопдорнинг бошидан жировини ечиб олишга улгурди. У тезда жиров билан оғир темир сувлиқни ўраб дастак қилиб олди. Энди сувлиқ унинг қуроли бўлиб қолди.

Бўри яна ҳам яқинроқ келиб ерга ётиб олди, жунларини ҳурпайтириб сакраш олдидан худди қисилган пружинадай қотиб қолди.

Султонмурот умрида биринчи марта ўз юрагининг уришини яққол эшитди — у кўксида қаттиқ қисилиб турган юмалоқ нарсага ўхшаб уриб турарди...

Султонмурот жировни қулочкашлаб, хиёл энгашганча тайёр турарди...

1975 й. Май.



ОЧЕРКЛАР

Салимжон Маҳкамов

Бахмалдак

ЧУЛКУВАР

ЛАВҲА

— Турмушимдан сўзлаб берайми? Нима ҳам дердим. Олтимиш олти ёшга кирган деҳқонларнинг ҳаёти қанақа бўлса, меники ҳам шунақа-да, Октябрь инқилоби йилларида тўрт ёшли гўдак бўлганмиз... Дарвоқе, мен Бахмалнинг Қорабулоқ қишлоғида туғилганман. Эмаклаб бориб булоқдан сув ичганман. Сувда аксимни кўриб булоқ тагида ҳам бир бола бор экан, деб фаҳмлаб сувни чайқатиб қийқирганимни онам эшитиб қолиб, ҳаллослаб ўша томонга юрган. Яхшиям оёғимдан ушлаб қолган, бўлмаса Ғозибек ота ҳозир сиз билан гаплашиб ўтирмасди...

Ота сийрак тишларини кўрсатиб мириқиб кулди. Чўққи соқолини тутамлаб силади. Юз-кўзларини рўмолчаси билан артди-да, гапини давом эттирди:

— Биз икки ўғил, бир қиз эдик. Ҳозир ёлғиз ўзимман. Укам Эргаш урушдан қайтиб келмади. Синглимнинг ҳам умри қисқа экан. Саккиз ёшимда отадан етим қолдим. Онам билан куймаланиб кун кечирдик... Укамдан қора хат келганда онамлар ўзларини қўярга жой тополмадилар. Тоғ йўли уйимиздан шундоққина кўриниб турарди. Эрта-ю кеч икки кўзлари ўша ёқда эди. Кечалари биров чақириб келса, ҳаммадан бурун огоҳ тортиб эшикка югурардилар. Бошқа биров келганини кўриб, хомуш қайтардилар. Умриларининг охиригача Эргашдан умид узмадилар, вафотларидан бир кун илгари мени чақириб:

— Уканг келади, хафа қилма, келган куни қабрим устига олиб бор, кутаман,— дедилар. Она меҳри шунчалар теран бўларкан... Лекин онамнинг васиятларини бажаролмадим. Ҳар гал қабрларини зиёрат қилганимда ич-ичимдан ўртаниб: «Эргаш ҳали келгани йўқ, жойингизда тинч ётинг», дейман. Шу билан ярам қайтадан янгиланади. Жигар-гўшамни кутиш дарди онамдан менга юққан. Эшикдан кириб келаётганга ўхшайверади... Ҳай майли, бизга ўхшаганлар оз дейсизми?.. Шўйтиб ўн-ўн бирга кирганимда бизнинг тоғ қишлоқлари тинчигандай бўлди. Эсимда бор, шу йилларгача қишлоғимизнинг йигитлари кечалари тўда-тўда бўлиб ухламай чиқардилар. Биз болалар, ҳайдаб-қувишса ҳам уларнинг ёнидан кетмасдик. Баланд тоғларга яширинган босмачилар оч қашқирдай кечалари қишлоқларга ёпириларди, тақ-туқ милтиқ отиб, талончилик қиларди. Минг тўққиз юз йигирма учинчи йилларга келиб уларнинг ўқ томири узилди.

Тинч меҳнатни соғиниб қолган ота-оналаримиз эрта тонгдан, қош қорайгунча даладан, боғлардан келишмасди. Илгаригидек ҳовлилар этагида, томлар тепасида пичан ғарамлари бўй чўзиб қолди. Кечқурунлари ҳамманинг мўрисида тугун чиқар,

дод-фарёд, қий-чув ўрнини болалар қийқириғи, ёш-яланглар қаҳқаҳаси босиб борарди.

Нотинч кунлар тугаб, қишлоғимизда биринчи ёр-ёр овози эшитилганда мен ўн икки ёшли шўх ўспирин эдим. Оилада катта ёшли ўғил бола бўлганим важдан бошимга рўзгор ташвиши эрта тушди. Ўзимдан катта йигитлар қаторида пичан ўрардим, ғалла таширдим, зиғир янчардим.

Уттизинчи йилларга келиб ширкатлар ўрнига колхоз бўлиб ишласақ, деган сўз устун келиб қолди. Ёшман, катталар оғзига қарайман. Бирови колхоз дуруст деса, бошқаси: «Э, ҳамма нарса ўртада бўлгандан кейин, рўзгордан барака қочади, якка бошга ҳар ким ўзича ишлагани маъқул», деб ундан баланд келади... Шуйтиб, кўпчилик қатори колхозга аъзо бўлдим. Бир кун онам:

— Ўғлим, сен тенгилар битта болалик бўлди, энди хўп дегин, уйлантириб қўяй, менинг ҳам тўй кўрганам ғанимат,— дедилар. Яна туратуриг, десам онам хафа бўладиган. Бунинг устига, ҳа энди йигитлик, тенгқурларимиз кўриб ўзим ҳам ўксиниб кўярдим. Ўзингиз биласиз, дедим. Тўйимиз ёмон ўтмади. Мана, Робия бувингиз билан турмуш қурганимизга қирқ йилдан ошибди. Саккиз ўғил, уч қизимиз бор...

Ғозибек ота жилмайиб қўяди. Бу жилмайиш отанинг ўз фарзандларидан хурсандлигини ифодаларди.

— Тўйимиз бўлган йилнинг кеч кузи эди. Колхоз раисини ишдан бекор қилишди. Янги раис сайлаш мажлиси бўлаётган эди. Кимдир менинг номимни айтиб қолди. Чўчиб тушдим. Аъзойи баданим оташ бўлиб қизиб кетди. Ғалати бўларкан одам. Ўзимни қўйгани жой тополмай қолдим. Қулоқ солсам, ҳалиги одамнинг гапини кўпчилик маъқуллаяпти. Ўрнимдан турғазиди. Юқорига таклиф қилишди. Шуйтиб денг, раисликка сайлашди. Уйга келаяпман-ку, қарсак овози қулоғимдан кетмайди. Онам бечоранинг суянганини айтмайсизми, ўғлим халққа ёқадиган бўлиб қолибди, деб. Ҳа, ишқилиб, омадинг ҳаммиша ёр бўлсин, деб алқади онам.

Ихчамгина колхозимиз бўлгучи эди. «Қизил Октябрь» деб атардик. Мана бу биз турган совхозларга солиштирсак, эҳе, фарқи жуда катта. Икки юз центнер ғалла берардик, мингга қўй, юзта йилқи, икки юзта сигири бўларди. Беш юз гектар ерда деҳқончилик қилардик. Ҳар қалай, турмушимиз ёмон эмас эди.

Техника кам эди-ю, одамлар кўп эди. Бундоқ қараганда, тоғ бағрида техникани ишлатишнинг ўзи бўлмайди. Унча-мунча каттароғини сотиб олишга колхознинг кучи етмайди. Бунга зарурат ҳам йўқ эди. Эллагинчи йилларнинг бошида бўлса керак, беш-ўн киши мендан жавоб сўраб қолди. Улардан бири:

— Энди, Ғозибек ака чавандознинг оти пойгани кўриб талпиниб турса-ю, унга майдон бўлмаса, ер тепиниб қийналади. Билагимизда қувват борида кенгроқ жойда деҳқончилик қилсак,— деб қолди.

— Биласизлар, бунақа ер бизда йўқ-ку?

— Бу ерда йўқ. Тўғри, лекин Мирзачўлда бор. Ўша ёққа отланиб келдик, оқ йўл тиласангиз...

Кўнглим алланечук бўлиб кетди. Бирга ўсганмиз, бунинг устига улар колхозимизнинг энг ишчан кишилари. Бутунлай кўчиб кетамиз, деб келишибди. Йўқ демадим, бунинг ўрнига биз ҳам яқинда бориб қоламиз, деб уларнинг кўнглини кўтардим... Айтганим бўлди. Келгуси йил кузида райкомга қақаришиб колхозингизни тўлалигича кўчирмоқчимиз дейишди. Сиз одамларингиз билан яхшилаб маслаҳатлашиб чиқинг, бир ой муҳлат,— деб топшириқ беришди. Мен хурсанд бўлдим, ўзимча, жуда соз, Мирзачўлга кўчарканмиз, дўстлар ёнига, дедим. Шундай бўлса ҳам сўрадим:

— Қаерга кўчамиз?

— Самарқанднинг Қорадарё районига!

— Нега?

— Топшириқ шундоқ...

— Ун-ўн беш хўжалигимиз Мирзачўлда, бизга шу ёқлар маъқул дейишаётган эди, агар...

Район вакили Қорадарёдаги қўриқ ерларга одам кераклигини яна ўқиди.

Орага гап сиғмасди. Шу кўни кечқурун ҳаммани йиғдик. Гапирардим-у, дилим бошқа ёқни кўзларди, тилим Қорадарёни айтишга мажбур эди.

Район ташкилотларининг топшириғи ражарилди. Эллик фоиз одамимиз энгил-елпи кўчди. Қолганлари, баҳорда кўчамиз, деб қолишди. Октябрнинг охириларида Қорадарёга етиб борган бўлсак, келгуси йил февралда у ерда мендан бўлак ҳеч ким қолмади. Ҳамқишлоқларимиз иккита-учта, тўртта-бешта бўлиб Мирзачўлдаги «2-Боёвут» совхозига кўчиб кетишди. Гапнинг очиги, бизнинг Қорадарёдаги колхозга Мирзачўлга зарур бўлгандек зарур эмаслигимиз кўриниб турарди. Мен бошқаларга ўхшаб кечалаб жўнаб қололмасдим. Колхоз фермасига мудар этиб тайинлашган эди. Омон-эсон қўзлатишни тугалладим-да, мен ҳам қаттиқ туриб олдим. Шундан кейин руҳат беришди. «2-Боёвут» совхозига келиб — ҳамқишлоқларим сафига қўшилиб, ўзимни энгил ҳис этдим... Буни қарангки, пешонамизда яна бир марта кўчиш бор экан: етмиш биринчи йилда мана шу «Правда» совхозига кўчиб келдик.

— Энди шу ерда туб қўйиб, палак ёзамиз,— отанинг тўртинчи ўғли Шойжигит

суҳбатга аралашди.— Дадамлар бу ерда катта боғ қилдилар, асло ташлаб кетолмаймиз...

— Тўғри айтади Шойжигит, совхозимизда битган мевадан еган одам бир умрга бу ерлардан кетолмайди,— деди Ғозибек ота чехраси очилиб.— Чўл меваси кўёш нуридек танга ёқимли...



— Халқимиз Бахмалдек чиройли жойларни ташлаб Мирзачўлга бекорга талпинмаган эди. Уларнинг дилларида катта мақсадлари бор эди. Куч-қувватга тўлган, вужудидан ғайрат-шижоат ёғилиб турган йигитларимизга «кичик тоғ қишлоқлари тор бўлиб қолди. Улар кенг майдонда курашга тушиб, ўзларини синаб кўрмоқчи эдилар.

Жазирама иссиқ, шўри юзига тепиб турган ерлар, муздек тоғ суви ўрнига илиқ, чучмал чўл суви, ўша вақтдаги чивинлар хуружи — мана шуларнинг ҳаммасига бардош бериш, кўникиш, енгил, пахта етиштириш, етиштирганда ҳам эл-юртни қойил қолдиришни мўлжалларди йигитларимиз. Бундай оғир юкни кўтаришда бели қайишган, билаги толган, асаби тоб беролмаганлар бўлди. Ундайлар Мирзачўлдан қочиб Бахмалга боришолмади, ким билади, жонини ҳузурини кўзлаб қаёқларга ғойиб бўлди. Ҳайтовур халқимиз ундақаларнинг номини тилга олишдан ор қилади.

Бу масалада мен кўпчилик ўртасида кўкрак кериб юраман. Негаки Мирзачўлга йигитлик куч-қувватимнинг кўри синган. Бу кам. Қариган чоғимизда ўғил-қизларимиз рафиқайи меҳрибоним Робияжон иккаламизнинг кўз ўнгимизда Мирзачўл тупроғини гуллаб-яшнатишяпти. Саккиз ўғлимиз, уч қизимиз, шунга кўшимча келин-куёвларимиз — Сирдарё, Жиззах областларининг фуқаролари.

«Правда» совхозига кўчиб келганимиз минг тўққиз юз етмиш биринчи йилни эслайман. Оилангиз катта экан, деб бизга икки қаватли уйлардан жой кўрсатишди, менга ёқмади.

— Мол боқмасак, тўрт-бешта кўйимиз бўлмаса биз чидаолмаймиз. Иккинчи қаватда туриб сигирга хашак солиб бўладими?— деб туриб олдим. Кулишди. Тўғри-да, қишлоқда яшаган одамнинг гўшт-ёғи, қатиқ-сути ўзидан чиқмас, ўн-ўн бешта товуғи бўлмаса, нима зарури бор қишлоқда туришинг. Ўша пайтда эллик-олтмиш хонадонга атаб икки қаватли уйлар қуришган экан. Хайрият, кейинчалик бундан воз кечишди... Мана буни қаранг, бир қаватли уйлар қандай яхши! Катта ўғиллар ўз бошларига рўзгор тузиб, янги жойларга кўчиб чиқишди. Тўрт ўғлим ҳозирча мен билан туради. Келинларим барака топишсин, опа-сингилдек яшашади...

Ғозибек ота билан ҳовлига чиқамиз. Саҳни кенг, сўри ток тагида икки томонга камида ўн беш одам ўтирадиган чорпоялар қўйилган. Этак томониغا тирсак қилиб молхона, кўйхона, товуқхона қурилган.

— Кўни-қўшнилари билан бир нарсага келишиб олганмиз,— ҳикоя қилади ота,— мана менда олтига кўй бор, шундан биттаси яхши семирган. Эртага сўймоқчиман. Уларга хабар қиламан. Бировига беш кило, бошқасига уч кило, яна бировига ўн кило гўшт керак. Нархини ўртада белгилаймиз. Ҳар ким зарурини олиб кетади. Керагини ўзимга олиб қоламан, албатта. Ун кун ўтказиб нариги кўшним кўй ёки наввос сўяди. Бу гал уникини тақсимлаймиз. Хуллас йил-ўн икки ой рўзгоримизда янги сўйилган гўшт узилмайди. Қишлоғимизда сут-қатиқни пулга сотиш одати йўқ. Негаки ҳаммада сигир бор. Бордию бирорта кўшнининг сигири сутдан қолган бўлса, мен ҳам, бошқалар ҳам ўша кишига сут-қатиқни бекорга бераверади. Бошқа вақтда у шундай қилади.

Бизда шунақа. Биласизми, аҳилликда гап кўп, аҳиллик бор жойда барака бор. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, қишлоқда яшаб туриб, шаҳардан гўшт-ёғ, сут-қатиқ ташисак, бўзчи белбоққа ялчимас экан-да, деган уятга қолмаймизми?..

Ота том орқасига бошлайди. Бир томонда резавор экинлар, нариги ёқда мевазор боғ. Урик-олмадан тортиб шафтолининг бир неча хили бор. Марғилон луччаги фарқ пишиб турибди. Боғ ичида асал ари уялари.

— Асал ўзингдан чиққанига не етсин, ўн яшик асалари боқиб қўйганман. Етиб ортади. Қизларимга, ўғилларимга бериб юбораман. Ҳар қалай, Бахмал тоғларида катта бўлмаганмизми, асалсиз туролмаймиз...

Ғозибек ота боғ шайдоси. У қаерга борса кўчат экади. Ҳатто олти ой истиқомат қилгани Қорадарёдаги колхозда ҳам у ўтқазган кўчатлар неча йилдан бери ҳосил беради.

— Ёвдан қочганда ҳам кўчат экиб қоч, дейди халқимиз,— уқдиради ота.— «Правда» совхозига келган йилим бундоқ айланиб қарасам том орқаларга биров макка эккан, биров буғдой сепган, яна бирови беда экиб қўйибди. Ҳеч кимга ҳеч нима демадим. Белни маҳкам боғлаб, ёнимга болаларимни қақриб, режа туздим. Ток эқдим, анжир-анор ўтқаздим. Урик, олма, шафтолилар кўчатини қадайдирдим. Шунақа қилиб турсам, мендан олти-етти йил илгари кўчиб келган кўшним:

— Ҳаракатларингиз зое кетади, эрта-индин кун қизиб кўчат илдизини шўр ачитади,— деди. Ҳа, энди толедан кўрамиз, деяолдим. Ишни тўхтатмадик. Кўчатларимизнинг бари кўкарди. Олимларимизга балли, шунақа навларни топишган, бир йил ўтмай ҳосилга кириверади. Келгуси йили шафтоли, олма нишона кўрсатди.

Олдини ўзим тотидим, беш-олтитасини кўтариб анави қўшнимникига кирдим. Хурсанд кутиб олди, дастурхон ёзди.

— Олинглар, шафтолимиз пишди,— дедим.

У бир оқарди, бир қизарди. Дилидаги гапни яширолмади.

— Қойилман сизга, бизни мот қилдингиз,— деди. Одамзоднинг ўз қўли билан қилган боғи фарзандидек азиз бўлиб қоларкан. Мен боғимни ўн иккинчи фарзандим, деб биламан. Ҳозир қайси хонадонга кирманг томорқалар жаннатнинг бир бўлагини эслатади. Аммо ривоятларда, жаннатда кўрмоқ бор, емоқ йўқ, дейилади. Бизда кўриб қувонасиз, ҳосилидан танаввул қилиб, чўл боғбонларига балли, дейсиз...

Ҳозирбек ота одамга синовчан тикилади. У қараб туриб дилингиздаги мақсадни аниқлаб олиш қобилиятига эга. Ундан бирон нарсани сўрамоққа оғиз жуфтлаганингиздаёқ ниятингизни фаҳмлайди. Одатланиб қолган, «шуйтиб» деган иборани ишлатмай гап бошламайди.

— Шуйтиб, боғ масаласида ютиб чиқдим. Бу томони Жиззахдан, у томони Гулистону Тошкентдан жўраларим келиб туради. Боғимни мақташади, асалинг тоғ асалидан ҳам ўткир, дейишади. Ўғил-қизларим, келин-куёвларим даврасида ўтириб бу меваларинг ҳам зўр, деб қўйишади... Фарзандларимдан хурсандман, бўйнимизни ҳам қилишмади, кўксимизни тоғдек кўтаришди. Қариган чоғимизда белимизга қувват бўлишди...

Бу гаплар отанинг дил сўзлари эди. Саккиз ўғилнинг бирортаси ҳам ота измидан чиқмади. Тўнғичи Мингжигит Мирзачўлга кўчиб келишганда йигирма ёшдан ошган норғул йигит эди. Қирқжигит, Норжигитларнинг ҳам қўлларидан иш келиб қолган эди. Улар олий мактабларда ўқиб юрган чоғларида ҳам чўл меҳнатини тарқ этишмади. Дам олиш кўнлари, таътил ойлари бири трактор бошқарар, бири сув тарар, яна бири отасига кўмаклашар эди. Улар оталари тайинлагандек ўқиш билан меҳнатни эгизак деб билишарди.

Мингжигит бир неча йил совхозда бўлим бошқарувчиси бўлиб ишлади. Эшитинг, тўнғич ўғли тўғрисида ота нима дейди:

— Фарзанд — ота-она қаноти. Мингжигит бургут қанот ўғилларимдан. У менинггина эмас, укалари, сингилларини ҳам парвоз қилишларига кўмаклашган. Бошлаган ишини меъёрига етказадиган, тутган буюмини қўлидан тушириб юбормайдиганлардан. Энам исм қўяётганларида бекорга Мингжигит деб атамаганлар. «Биз томонларда Мингжигит деган чавандоз ўтган,— дерди энам.— Унинг отида қаноти бор, дейишарди. Тоғ-тошларга сакраб чиқаверарди, у ҳеч кимдан ортда қолмасди, сенинг ўғлинг ҳам шунга ўхшасин, қаноти қайрилмасин, ҳамиша Мингжигитни бошлаб юрсин».

— Энамиз айтганларидек бўлди,— гап қотди Шойжигит,— акамиз Титов номидики катта совхозга бошчилик қиладилар.

Шойжигит ҳисобдон йигит экан. У ҳам ғурурланиш, ҳам донолик билан акаси директор бўлган совхоз ҳақида қисқа, лўнда маълумот беради. «4505 гектар пахта майдони бор, кейинги йилларда ҳосилдорлик пасайиб кетган эди. Акам иш бошлаган ўтган йили ҳосилдорлик етти центнер кўтарилди. Ун бир минг тонна пахта берилиб, пешқадамлар сафидан ўрин олди...».

— Шуйтиб, ўғилларим ютуғини кўриб вақтим чоғ ўйнаб юрибман, кулиб қўяди Ҳозирбек ота.— Энди Қирқжигитимдан эшитинг. Уни бултур Жиззахга учирма қилдик. Қандай ишга ўлишди уни?— Ота Шойжигитга қарайди.

— Область қишлоқ хўжалик бошқармасига бош бухгалтер бўлиб тайинландилар...

— Ҳа, у ёшлигидан ҳисобга уста эди,— давом этади ота,— ишқилиб омадини берсин, ҳисобидан адашмасин.

Ҳозирбек ота ҳар гал ўғиллари номини тилга олганда ғалати бир жилмайиб қўяди. Бундан қайси бири ҳақида, унинг ёшликдаги қилиқлари, нималарга кўпроқ қизиққанини билиб олса бўлади. У хонтахта устидаги газетани олиб гап бошлади:

— Учинчи ўғлим Норжигит, биласизми, эсини таниб мактабга борибдики қўлидан газета, журнал тушмасди. Феълга яраша иш топди. Шу «Правда» совхозида партком...

— Бизнинг совхоз Мингжигит акамнинг совхозидан каттароқ,— гапни илиб кетди Шойжигит,— ўн тўрт минг тонна пахта берамиз. Ун саккиз йил бўлибди совхозимиз тузилганига. Иккита ўрта мактаб, етти юз эллик кишилиқ маданият саройи, кутубхона, касалхона, алоқа бўлими, ателье, химчистка, чойхона, ошхона, қатор-қатор магазинлар ишлаб турган кичик бир шаҳарча деса бўлади.

— Шойжигитим ҳам, мана гаплашиб ўтирибсиз, ҳисобдонлик йўлидан кетган. «Правда» совхозида иқтисодчи... Ҳамид исмли ўғлим совхознинг бир бўлимида катта бухгалтер...

Отанинг Абдужалил исмли ўғли зоотехник, ҳозир армия хизматида. Приморье ўлкасидан яқинда отпускага келиб кетди. Ўзиям роса ишга қизиққан йигит экан. Дам олишга келгансан, дейишга ҳам унамади, икки марта совхоз фермасига бориб келди.

— Институтни битирган йилим бир тажриба бошлаган эдим, ўшани кўриб

келдим, дўстимга тайинлаб қўйдим, агар мен айтгандай бўлиб чиқса, хизматдан қайтганимда антиқа янгиликни кўрсатаман,— деди у.

Ҳозирча ота замон билан қадам ташлайдигайлардан. У еттинчи ўғлини ирригаторликка ўқитяпти, бизнинг томонларда шу касб жуда зарур бўлиб қолди, дейди у. Саққизинчи ўғил Абдуқаҳҳор ўнинчини тугатиб автомобиль йўллари институтига ўқишга кирди.

— Қизларингиз ҳақида индамадингиз?

— Э, дарвоқе, улар тинч, ўз уйларида аҳил-иттифоқ яшаб юришибди, ота-она учун бундан катта бахт борми?!.

Ота жимиб қолди. Мен ҳам блокнотни ёпмоқчи эдим, у яна сўзга киришди:

— Бу Мирзачўл дегани — чексиз ўлка. Табиат камситиб уни чўл қилиб қўйгани билан одамзод фарзанди унга янги либос кийдирыпти, қадимги сахронинг ҳусн-жамолини очяпти. Шулар қаторида бизнинг фарзандлар ҳам бор экан, биз суюнмай ким суюнсин. Яна битта орзуйим бор. Шу... ўғил-қизларимдан бирортаси шоир бўлиб чиқмади. Ҳозирча қирқ икки неварам бор. Шулардан бири — учинчи синфда ўқийдиган қизалоқ неварам байт ўқишга жуда эпчил. Шуниси шоир бўлса ажаб эмас. Ҳар қалай номимиз китобга кириб қолармикан, дейман-да...

Ҳамиша яхшилик излаб, яхшиликни юзага чиқариб, одамларга яхшилик соғиниб юривчи инсон, ўз, рафиқаси, ўғил-қизлари, неварачеваралари билан Мирзачўлга гўзаллик, мўл-кўллик, барака киритаётган Ҳозирбек ота Абдукаримов бу мақсадга ҳам эришади. Шу оила ва уларга ўхшаш оилалар ҳақида чолнинг невараси ёзадиган дoston оғиздан-оғизга ўтиб, асрлар оша яшайди. Бу Ҳозирбек ота, Робия аяларга қўйилган ҳайкал бўлиб чўл бўстонларида булбуллар хонишига кўчади.

Сирдарё область,
Ильич район.





Охунжон Собиров

ДИЙ ДОР



*Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.*

Рудакий.

Қуролдош дўстлар дийдори... Олимжон Ортиқов ҳозир эллик олти ёшда, Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигига қарашли Давлат махсус конструкторлик технология бюросида бош инженер.

206-Қизил байроқли, Суворов, Кутузов, Богдан Хмельницкий орденли Корсун-Шевченко номли дивизиянинг 286-мотомехразведка ротасида разведкачи бўлиб шуҳрат топганлар сафида Олимжон ҳам бор эди. Уруш тугаганига, мана 35 йил бўлди. Шундан бери қанчадан-қанча сувлар оқиб ўтди. Бу даврда янги авлод туғилиб вояга етди.

Ана шу янги авлоднинг бир қисми, Украина ССР Канев шаҳридаги Сиявский мактаби қизил изтопарлари Улуғ Ватан урушининг ўттиз йиллигини нишонлаш арасида Олимжон Ортиқовнинг жанговар ўртоқлари билан алоқа боғлашига ёрдам бердилар. Шулар туфайли у 1975 йил апрелида Воронеж шаҳрида уюштирилган қуролдош дўстлар учрашувига қатнашиш учун қанот боғлаб учиб кетди.

— 22 апрель куни эрталаб Воронеж аэропортига етиб келдик,— дея, тўлқинланди у.— Алвонларга: «Воронеж шаҳрини немис-фашистлардан озод қилган 206-дивизия жангчиларига шон-шарафлар!», «Биз сизларни унутмаймиз, азиз халоскорлар!» «Шаҳримизга хуш келибсиз!» деган шиорлар ёзиб қўйилган. Радиодан солдат қўшиғи янграпти. Қўшиқ садолари остида 206-дивизия қаҳрамонлари шаънига миннатдорлик сўзлари янгради. Чўқур нафас олдим. Шу пайт ўрта бўйли бир киши менга яқин келиб:

— Янглишмасам, сиз Ортиқов Олимжонсиз?— деди табассум билан.

— Худди шундай,— дедим. Шу пайт чеккада турган 7—8 киши бирдан келишиб, мени кўтариб олишди-да, осмонга иткита бошлашди. «Бас, бас, етарли қўйинглар, илтимос!» деб зўрға ўзимни ўнглаб олдим. Қучоқлашиб кўриша кетдик.

Истараси илиқ, сўзлари самимий бу ёшлар қувончимга қувонч кўшдилар. Шаҳарнинг шимол қисмига жойлашган «Ямное» дам олиш боғига олиб келдилар. Дам олиш уйи ўрмонга жойлашган бўлиб, қайин иси димоғимга алланечук хуш туюлди. Украина ўрмонларида бўлмаганимга кўп вақт бўлди. Замоновий уй-жойлар, клуб, ошхоналар нозик дид билан қурилган. Атроф кўм-кўк, баҳор сеп ёйган. Бу ердан сал нарида Воронеж дарёси. Машинадан тушибоқ енгил нафас олдим, кўзим яшнаб кетди. Қўшлар навоси ҳаммамизни қутлаётгандай. Майдончанинг бир чеккасига, майсаларга қўйилган узун-узун ўриндиқларда 14—15 чоғли нишондор мўйсафидлар вазминлик билан суҳбатлашиб ўтиришибди. Ҳа, улар бундан 35 йил муқаддам тоғни урса талқон қиладиган йигит эдилар. Шу пайт ўтирганлар орасидан паст бўйли бир киши катта-катта қадам ташлаб мен томон кела бошлади. Танидим, тани-

дим! Уша, ҳа, худди ўзи. Командирим. Мешков билан кучоқлашиб кўришдик. У ҳам, мен ҳам киприкларимиз намланган ҳолда бир-биримизга тикилиб қолдик.

— Муҳтарам Михаил Петрович, бормисиз!

— Қимматлигим, азизим.

Бу киши дивизия разведкачиларининг командири, капитан Мешков эди. Қадди-қомати сал букилган, лекин болаларникидай қувноқ кўзлари кулиб турибди. Ота-боболаримиз кўз қорачуғидек сақлаб келган шу она заминнинг даҳлсизлиги, озодлиги учун курашни, душманга нафратни Мешковга ўхшағди марди майдонлардан, матонат ва жасурлик эгаларидан ўргандик.

Миша амаки мени ўзи жойлашган хонага етаклади. Қандай яхши, мириқиб гаплашамиз, отамлашамиз. Хонада кексароқ, кўзойнакли бир одам бор экан. Танишдик, разведкачи дўстимиз Звякин Алексей Федорович экан. Қаранг, қандай бахтки, мен уни кучоқлаганимча кўтариб турибман. У билан охири марта Володарка қишлоғига разведкага борган эдик. У вақтда ёшгина ўспирин эди. Энди кўзойнак тақиб олибди. Беихтиёр қийқириб юбордим: яшасин менинг разведкачи дўстларим, ура! Хона кулги зарбидан тебраниб кетгандай бўлди. Ахир, тупроқ орасида қолганимда, оёқларимдан тортиб чиқариб, елкасида кўтариб келган одам мана шу Михаил Петрович эди-да!

Соат саккизлар чамаси хонамизга яна уч киши кириб келди. Разведкачиларнинг устаси Алексей Жихарев, Алексей Самойлов, Владимир Чеп. Қуролдош дўстлар билан даврамиз яна кенгайди. Жихарев ҳамда Мешковлар билан яқинда хат ёзишган эдик. Сухбат тонготар бўлди. Дил дафтарлари бирма-бир варақланди. Урушдан қайтмаган қуролдош ўртоқларимизни эсладик, ҳозир ким қаердалигини суриштирдик; ўқиндик, қувондик. Бундан 30 йил аввал ўтган ишлар бугун тарих бўлиб қолибди. Тарих бўлганда ҳам инсониятни фашизм вабосидан омон сақлаб қолиш тарихи, улуғ Ленин ғояларининг барҳаётлиги, социалистик тузум барқарорлиги ва энгилмаслигини намоиш қилиш тарихи, қаҳрамон совет халқи, шавкатли Совет Армиясининг ғолибона кураш тарихи! Қонли жангларда тобланган дўстларнинг мана шу учрашуви ҳам тарихдир. Клубда учрашув қатнашчилари фото суратларини кўриб, кўнгилларни фахр ва ғурур ҳисси қамраб олди. Катта клуб залига тупландик.

Учрашуви 206-дивизиянинг 748-полки собиқ командири генерал-майор Жирнов Валентин Матвеевич очди. У уруш иштирокчиларини Совет Иттифоқи Мудофаа министрига номидан фашистлар устидан қозонилган ғалабанинг 30 йиллиги билан қизгин табриклади. Воронежни озод қилиш учун олиб борилган жангларнинг Улуғ Ватан уруши тарихида тутган ўрнини алоҳида изоҳлаб берди. Гулдурос қарсақлар генералнинг сўзларини бўлиб турди...

Учрашувга келганларнинг кўпи уруш ногирони. Шулардан бири 206-дивизиянинг 748-полкига қарашли 3-батальон командири Востриков Владимир Иванович. Унинг кўзлари ожиз. Учрашувга хотини Клавдия Михайловна бошлаб келган. Руминия ерларини душмандан озод қилишдаги жанговар топириқни бажариб турганида мина осколаларидан иккала кўзи жароҳатланган. Сўз навбати унинг ёстиқдоши Клавдия Михайловнага келганда генерал батальон командирининг афсонавий қаҳрамонлиги ҳақида тўлиб-тошиб гапирди. Таъриф-тавсифдан Востриковнинг юмуқ кўзлари чарақлаб кетгандай бўлди. У ёш чиқмаган сўкир кўзларини рўмолчаси билан тез-тез арттар, ҳаяжондан безовталанарди. Барчанинг диққат-эътибори унга, ўлим билмас командирга йўналди. Минг афсуски, ёруғ жаҳон... Клавдия Михайловна сўз бошлади:

— Жанговар дўстлар! Ёнимда ҳассага таяниб ўтирган одам менинг учун энг табаррук, энг азиз зот ҳисобланади. Фашистлар уни ёруғ дунёни кўришдан маҳрум этди. Лекин юрагини кўр қила олмадилар. У мана шу юртнинг эркили ўғли. Менга, ахир шундай гўзал аёл экансиз, кўзи ожизни етаклаб юриб, гулдек умрингизни ўтказасизми, деганлар ҳам топилди. Мен Володяга хизмат қилишни инсонийлик деб биламан, у билан фахрланаман. Мен Улуғ Ватан урушининг фидойи командири билан ҳаммиша бирга юрганимдан, унинг суюкли рафиқаси бўлганимдан жуда-жуда хурсандман. Володяга қилаётган хизматларим унинг Ватан олдидаги хизматлари олдида дарёдан томчи ҳам эмас...

Залда қарсақ янгради. Залдагилар баркамол аёлга офарин дедилар.

— Уртоқлар, менинг дўстим, меҳрибон умрдошим, кўпинча, Клавочка, сен мени кўряпсанми,— деб сўрайди. Мен, ҳа, десам, сени кўрмайман, деб ўқинади. Мен эсам унга, Володя, хафа бўлма, сен учун ҳам кўряпман, ҳаммаёқни кўряпман. Мана бугун ҳам қанча узоқ ўлкалардан келган энг яхши дўстларинг билан учраштиргани етаклаб келдим, керак бўлса дунёнинг хоҳлаган бурчагига сени олиб бораман. Мен бутун ҳаётимни сенга хизмат қилдиришга бахшда этганман. Сенинг ҳаётлигинг — менинг давлатим. Юмуқ кўзларинг, учун шу кўзларимни беришга тайёрман. Менга фақат сенинг саломат бўлишинг, хурсандлигинг керак. Хафа бўлмасанг бас. Олтин бошинг омон бўлсин, асло хавотирланма, яша, яйра, қувон, кул. Мана, кадрдон дўстлари, Володя сизларни ушбу байрам билан табрикляпти, кўринг!

Володя ўрнидан туриб, нимадир демоқчи бўлди, айтолмади, салом берди, холос. Лаблари пирпирар, вужуди қалтирар эди. У ўзини идора қилолмади шекилли,

рафикасининг нутқи давомида қўлидаги ҳассаси билан бир маромда полни дўқиллатиб уриб турди...

«206-дивизия ветеранлари» деб ёзилган алвонли автобусларда Воронеж шаҳрининг шиддатли жанглар бўлиб ўтган жойлари сари зиёратга йўл олди.

Чижовкадаги баҳайбат ёдгорлик ақлимни лол қолдирди. Бу жой менга яхшигина таниш. Нега дейсизми? Дивизиямиз Воронеж шаҳрини озод қилиш учун Чижовка плацдармини эгаллаши шарт эди. Дарёнинг ўнг қирғоғига жойлашиб олган душман Чижовкани маҳкам тутиб турар ва бизга асло тинчлик бермас эди. Қўмондонлик дивизияга дарёни кечиб ўтиб, Чижовкани эгаллаш вазифасини топширди. Душманнинг дўлдек ёғдириб турган ўқлари остида солдат-офицерларимиз жуда катта талофат кўрган ҳолда дарёнинг ўнг қирғоғига ўтиб олдилар, лаънати душман тамоман янчилди. Воронеж озод қилинди. Айтишга осон, лекин бу жуда оғир жанглар эди.

Ҳа, шунинг учун ҳам Воронежда ҳалок бўлган ҳалоскорларга ўрнатилган мазкур ёдгорлик эътиборни тортади, кишини дафъатан ҳайратга солади. Гулчамбарлар қўйдик. Тошга ўйиб ёзилган жангчилар номини дафтаримга кўчирдим, суратга олдим. Бу номлар фақат менгагина шарт эди. Барчамизга таниш, қадрдон. Улар мангу уйқуда, раҳматли бўлганлар орасида ҳамшаҳарларимни кўраман: Аҳмедов Рустам, Боқиев Ёдгор, Раҳимов Мурод, Ҳидоятлов Ворис, Саидмуродов Маъруф, Абдуллаев Йўлдош, Эргашев Йўлдош, Эргашев Ислоҳ ва яна неча-нечалар.

Куннинг иккинчи ярмида Ленин орденли Воронеж шина заводининг 22-цеҳида ишчилар билан учрашув бўлди. Сўнг Дош дарёсининг ўнг қирғоғидаги Шилова қишлоғига бордик. Бугун қурбон бўлганларнинг хокларини янги барпо этилган ёдгорлик — мақбарага кўчириш маросими. Ёдгорлик қишлоқнинг марказ қисмидаги баланд тепалиқда. Мотам садолари радио карнайларидан мунгли таралмоқда. Юракларга ҳалок бўлганлар ғами чўккан. Бошлар эгик. Армия сафига янги қақирилган солдат йигитчалар хизматда. Ёдгорлик атрофи кўкаламзор, анвойи гуллар чаман, эман узок-узокларга кўланка ташлаган. Фидойи марҳумлар хоклари-суяклари дафн этилмоқда. Вазмин дамлар, минутлар имиллаб ўтмоқда...

Ҳой, аскар йигит, оёқларингни астароқ бос, миллионлаб ватанпарварлар ана шу азиз она ер бағрида ётибди!

24 апрелда бир группа ветеранлар 206-дивизиямиз оталиққа олган Воронеждаги 49-ўрта мактабга йўл олдик. Мактаб майдонига киришимиз билан пионерлар номидан бир жажжи қизча болаларга хос ҳаяжонда ветеранларга, хуш келибсиз, марҳамат, дея сўз бошлади. Уқувчилар шунақанги озқда, кийимлари шайки, асти қўяверинг, ҳавасингиз келади, бахтиёр ёшлик, урушсиз, қон тўкишсиз, тинч, осуда⁴ яшаш нақадар тароватли, нақадар бебаҳо-я! Мактаб директори ва ўқитувчилари бошчилигида пионерлар ташкил этган музейга кирдик. Қимматбаҳо маълумотлар, фотосуратлар орасида разведкачиларнинг расмлари ҳам бор. Воронежнинг шаҳар-қишлоқларида уруш пайтида кўпгина мактабларга бомба тушиб вайрон бўлганлиги, жуда кўп болалар ота-онасиз қолгани, кўплар очликдан нобуд бўлгани, биргина Ўзбекистонимиз аҳли бундай боқимсиз гўдаклардан 200.000 ини ўз бағрига олганлиги, борини бирга баҳам кўрганлиги кўз ўнгимдан лип-лип ўта бошлади. Совет халқининг одамлилиги, меҳр-шафқати, кўнгли кенглигини сўзлаб бердим болаларга.

Маърузачилардан сўнг кичик инсценировка кўрсатилди. Мазмуни қуйидагича: Она қўлида 5—6 ойлик чақалоғи, 8 яшар қизини етаклаб олган, жулдур кийимда, бир ҳолатда, фашистнинг қилмишларидан дарғазаб. Фашист автомат билан онани қаергадир ҳайдаб бормоқда. Шу пайт онасига ёпишган қизчасини фашист оёғи билан тепиб юборди. Бола чирқиради... Энди чақалоғини тортиб олмоқчи ва ўзини ўлдирмоқчи. Она фашистни лаънатлаб, боласини унга бермасликка интилади. Фашистнинг ваҳшийлиги ҳаддан ошади. Сочлари тўзғиган, ҳақорат қилинган, хўрланган шўрлик она залда ўтирган уруш ветеранларига қараб, борлиғи билан интилиб мурожаат этади:

— Ёрдам! Ёрдам беринглар!!!

Ишонасизми, инсценировка шунчалик таъсир қилдики, айрим ветеранлар она нидосидан юраклари эзилиб, ўринларидан туриб кетдилар. Этларимнинг жимирлагани ҳа деганда босилмади, кўзларим беихтиёр жикқа ёшга тўлди. Бир менгина эмас, ён-веримга қарасам, ҳамма ҳаяжонда.

Ҳаваскор тушмагурлар залдагиларнинг хотирасига жафоли ўша уруш йилларидаги оғир кунларни солдилар, тирилтирдилар. Бу билан жангчиларимизнинг Воронежни фашист-газандалардан қутқаришдаги ҳалоскорлик ишларини яна бир бор улуғладилар.

Воронеж шаҳридаги учрашувларнинг охири 25 апрелда «Ямное» дам олиш уйининг клубида ўтди. Хайрлашув кечаси ветеранларга раҳматномалар, фахрий ёрликлар, эсдалик совғалари топширилди.

...Дўстлик учрашувлари тугади. Энг қудратли куч — дўстлик, бирлик, ҳамкорлик, қардошлик юрагимда ўчмас из бўлиб қолди.



ТАНҚИД
ВА
АДАБИЁТШУНОСЛИК

Георгий Владимиров,

филология фанлари доктори,
профессор

ХАЛҚ ТИПЛАРИНИНГ РАНГ-БАРАНГЛИГИ

Л. И. Брежневнинг Ленин мукофоти билан тақдирланган «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» хотира китобларини қайта-қайта ўқир экансан, гўё мамлакат тарихи билан тўқнаш келгандай, долғали синов паллаларида букилмас ирода кучи, характер қатъияти, оптимизм, ғалабага ишонч ҳисларини намойиш қилган халқимиз бошдан кечирган ҳамма синовларни қайта бошдан кечиргандай бўласан.

Совет кишилари воқеаларнинг боришига зийраклик билан баҳо берган ва ҳаёт мантиқига таянган ҳолда келажак куннинг пойдеворини қўйдилар, ҳар қандай шароитларда ҳам руҳий бардамликни йўқотмадилар. Модомики, турли авлод китобхонларининг Улуғ Ватан уруши, урушдан кейинги дастлабки йиллар ва қўриқ эпопеи сингари мамлакат тарихининг турлича ва моҳият эътибори билан ўзаро чамбарчас боғланган даврлари ҳақидаги эпик содда ва халққа хос донишмандлик билан ҳикоя қилувчи китобларга бўлган тобора ўсиб бораётган қизиқишининг бош сабаби ҳақида тўхташ керак экан, биринчи навбатда улуғ Ленин партияси тарбиялаган совет кишисининг қаҳрамонона характери тўғрисида гапириш керак бўлади.

Улуғ Ватан уруши сўнги йиллардаги воқеаларнинг умумий халқаси билан қўшилиб кетган, Қримнинг озод қилиниши, Днепрнинг кечиб ўттилиши ва ниҳоят Берлиннинг ғолибона штурм қилиниши билан органик боғлиқ бўлган, мана шу буюқ ғалабаларга замин ҳозирлаган Кичик ер — Новороссийск учун курашнинг фожиали ва улуғвор кунларида худди мана шу характер ҳайратда қоярли куч билан намоён бўлди.

Урушдан кейинги дастлабки ойлар ва йилларда фақат мўъжиза туфайли сақланиб қолган айрим чизмалар, кўпчилик

ҳолларда эса янги лойиҳалар асосида гигант индустрияни харобалардан тиклаш, ниҳоятда қисқа муддатларда ДнепроГЭСни қайта бунёд этиш, портлашлар билан ўйиб ташланган тош, гишт тўлдирилган арматуралар расвосини чиқарган харобазорларда улуғвор шахарларнинг қад кўтаришида ҳам мана шу қаҳрамонона совет характери мана ман деб ўзини кўрсатди.

Қўриқни ўзлаштириш йилларида ҳам худди мана шу қаҳрамонона характер бутун куч билан намоён бўлди...

Совет кишисининг қаҳрамонона характери.. У ўзига негизни революция жанглирида янги инсон тобланган зангламайдиган пўлатдан олди. Николай Тихонов ички ва ташқи душманни мағлуб этган бу янги инсон ҳақида ғурур ва самимий ҳайрат билан қуйидагиларни ёзди:

Ясалса шулардан миҳлар, мабодо —
Вундан ҳам мустаҳкам бўларди дунё.

Большевик-ленинчилар, халқнинг ҳақиқий фарзандлари ҳақида кўплаб совет ёзувчилари мулоҳаза юритдилар. А. Серафимович большевикнинг типик портретини яратар экан коммунист шамшир каби мустаҳкам ва ўткир бўлиши керак деган хулосага келди. Пўлатдан мустаҳкам инсон революционер характерининг тобланиши тўғрисида бутун ҳаёти кўплаб авлодларга юксак намуна бўлган ва афсонага айланган бошқа бир совет ёзувчиси кўтаринкилик ва реалистик ҳаққонийлик билан ҳикоя қилиб берди.

Бироқ Николай Тихонов ҳам, Александр Серафимович ҳам ва Николай Островский ҳам ўз қаҳрамонларининг характерини ҳаётнинг ўзидан топдилар.

Дмитрий Фурманов, Александр Фадеев,

Борис Полевой, Вадим Кожевников, Анатолий Иванов ва бошқа совет ёзувчилари ҳам ўз қаҳрамонларини ҳаёт ичидан топдилар. «Соялар чошгоҳда йўқолади» ва «Мангу даъват» романларининг автори Шарқий Қозоғистон кенгликларида жойлашган кўҳна Шемонахининг қиёфасини ўзгартириб юборган янги кишиларнинг бунёдкорлиги ҳақида ҳикоя қилар экан, китоблари саҳифасига реал воқеликдан кириб келган қаҳрамонларнинг номларини айтиб ўтади. «Соялар чошгоҳда йўқолади»да Марья Воронова ва Захар Большаков, «Мангу даъват»да эса Поликарп Кружилин, Яков Алейников, Понкрат Назаров ана шундай қаҳрамонлардир.

«Қачонлардир ҳаёт бўлган ёки ҳозир яшаётган хусусият ва белгилари умумлашма бадий образларда акс этган кишилар, ўтмиш бўлиб қолган ёки бугунги кунда давом этаётган, ёзувчи томонидан ижтимоий-синфий ва социал-ахлоқий конфликтларда тасвирланган ҳаёт,— деб ёзади А. Иванов мақолаларидан бирида — келажак авлод учун, халқнинг ўз бахт-саодати учун олиб борган оғир ва қаҳрамонона курашидан хотира бўлиб қолади» (Анатолий Иванов. Преображение. «Правда», 1978 йил, 6 ноябрь).

Санъаткор бу одамлар ҳаётидаги энг муҳим нарсани илғаб, уларнинг ишлари ва қилиқларидаги чуқур маънони англаб олиши, уларнинг қалб амри билан амалга оширган ҳар бир ҳаракатини бош тарихий оқим билан биргалликда олиб қараши керак. Худди мана шулар оқибат натижада уларнинг характер йўналишларини, ҳар бир образнинг типик мазмунини белгилайди. Бошқача айтганда санъаткор ёзувчи ҳаётнинг ўзига, миллионларча меҳнатқашларнинг бахтли ҳаёт учун кураши тажрибаларига мурожаат қилади. Ёзувчи воқеалар гирдобиде, қайноқ ҳаёт ичида бўлсагина ўзи излаган қаҳрамонларни топади. Фақат шундагина ҳақиқий санъат асарига хос бўлган чинакам умумлашмаларни чиқаради.

Л. И. Брежневнинг хотира китоблари худди шу жиҳатдан характерлидир. Уларда воқеликнинг ўзидан олинган катта ҳаётий материаллар ўрин олган. Турли ҳодисалар, фактлар, хилма-хил картиналарга бой, халқ ва мамлакат ҳаётидаги энг муҳим нуқталардан олинган бу материаллар ҳаётни ўрганишда бебаҳо манба ҳисобланади. Улар китоб саҳифалари бўйлаб ҳаракат қиладиган кишилар образи ҳақида тўлақонли тасаввур беради.

Бир хил образлар ҳақида батафсил сўз юритилади. Бошқалари пухталики билан чизилган эпизодларда кўринади ва ўз ўрнини бошқа қаҳрамонларга бўшатиб беради. Биз хотираларда оддий солдат, ишчи, шофёрдан тортиб то йирик олим, давлат арбобигача турлича касб эгаларининг, хилма-хил одамларнинг портретларига дуч келамиз. Биз уларнинг аниқ, таъсирли чизилган характеристикалари билан танишамиз. У ёки бу одам ҳақидаги баҳо Л. И. Брежнев томонидан унинг умумхалқ ишида иштирок этиш жараёнини

тасвирлашда берилади. Хотиралар муаллифи айрим олинган бир одамнинг конкрет ишларини, юз бераётган воқеаларга муносабатини кўрсатар экан, унинг гражданлик позициясини кўрсатади, ички дунёси ҳақида тўлақонли тасаввур беради. «Қўриқ»да Михаил Георгиевич Рогинецнинг характери қанчалик таъсирли очиб берилганлигини эслайлик. Чернигов область партия комитетининг собиқ биринчи секретари, кейинчалик, Қўриқов область партия комитетининг биринчи секретари, сўнгра Қозоғистон ССР Совхозлар министри ва қишлоқ хўжалик министри, ўша пайтлар КПСС Марказий Комитетининг қўриқ очиш бўйича вакили қўриқни ўзлаштиришнинг дастлабки пайтларидаёқ ишга чинакам ижодий муносабатда бўлади.

Унинг «майда-чуйда»ларга бўлган этиборини ҳар бир ҳақиқий чўлқувар — ватанпарварга хос янги ерларга новаторона, хўжайинларча ёндашишдан бошқа нарса деб ифодалаб бўлмайди. У таклиф этган «арзимас бир иш», кейинчалик тажрибанинг кўрсатишича катта майдонларда қўриқ очиш ишларини жонлантириб юборади. Бу «арзимас иш» чимнинг устки қатламини инструкцияда кўрсатилганидек ўн бир сантиметр эмас, балки етти сантиметр олишдан иборат эди.

Ёки унинг уруғлик буғдойни қўриқ ер агроқондаси талаб этганидек уч-тўрт сантиметрда эмас, балки буғдой чуқурликдаги намдан яхши фойдаланиши, ёғингарчилик кунлар бошлангунча яхши илдиз отиши учун олти-саккиз сантиметрда экиш ҳақидаги бошқа бир «арзимас» янгилигини олайлик. Отбосарда қўриқ ер ғалласини қабул қилиб олиш билан боғлиқ эпизодда тайёрлов пунктнинг бошлиғи Иван Георгиевич Повлияненко характери қанчалик яхши очиб берилганлигини кўздан кечирайлик. Оддий бир ходимнинг «қайсарлик қилиб, ён бермаслиги» очиқ ҳавада дон учун вақтинчалик майдон қуришга «ишнинг муҳимлигини» тушуниб, «обдан ўлчаб қўриб» ёндашиш лозимлигига ёрдам беради.

Балким «Қўриқ» муаллифининг маҳорати ҳажман қисқа, аммо совет кишиларининг қаҳрамонона образини яратиб принципда мутлақо катта аҳамиятга эга бўлган Даниил Нестеренко ва Василий Рагузовларга бағишланган бўлимларда айниқса ўткир намоён бўлгандир. Унчалик кўзга ташланмайди, камтар қаҳрамонларнинг «Қўриқ»да очиб берилган тўлақонли характериде санъаткорни повесть ёки роман ёзишга илҳомлантирадиган материал жамланган. Бу ижодий тасаввур парвозини «орқада қолдирадиган» ҳаёт ҳақиқатининг юксак қудратидан далолат беради.

«Даниил Нестеренко ўқ ёмири остида Днепрни кечиб ўтди ва урушдан Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлиб қайтди. У «қутуриб тошиб кетиш» ҳавфи туғилган Жаниспайка анҳоридан тракторларни олиб ўтишда ҳалок бўлди. Чунки Нестеренко ишләётган тракторчилар бригадаси совхознинг марказий гузаридан бутун кўклам ўтгунча ажралиб қоғиши мумкин эди. Дарё

хали музлаб турган пайтда тракторларни нариги томонга олиб ўтиш лозим эди. Нестеренко бу таваккалчилик операциясини ўтказишда ўртоқларига ёрдамлашди, ўз тракторини эса энг сўнгида олиб ўтмоқчи бўлди». Ва шунинг учун ҳалок бўлди.

Василий Рагузов колонна составида совхознинг биринчи кўчаси учун келтирилган йиғма уйларни ташиётган эди. Кутилмаганда даҳшатли куч билан бўрон кўтарилиб, колонна тўхтаб қолди. Василий Рагузов бир ўзи ёрдамга боришга қарор қилади ва йўлда адашиб, ҳалок бўлади. Аъзойи-бадани совуқ қотса ҳам келамакни ўйлаган «жасур, зўр иродали» бу инсоннинг хотини Серафима ва фарзандларига ёзган хатини бугунги кунда қаяжонланмасдан ўқиб бўлмайди.

Бу чўлқувар — қаҳрамонларнинг ҳаммаси ўз бурчларини охиригача адо этган «тарихий» одамлар. Уларнинг ҳаммаси қаётдан олинган. На уларнинг қилиқларида, на улар билан боғлиқ эпизодларда заррача тўқима аралашмаган. «Қўриқ» авторини ҳаёт ҳақиқати, фақат ҳаёт ҳақиқати илҳомлантирган. Лекин бу ҳақиқат давримизнинг катта ҳақиқати эди. У халқ тажрибасини социалистик давлат тарихининг ҳал қилувчи даврида ўзида жамлади. Шу сабабли бу ҳақиқатнинг зарралари ҳар бир қаҳрамонга сингиб кетган. Бу қаҳрамон характерида жаҳонда биринчи марта Улуғ Октябрь социалистик революциясини амалга оширган ва Коммунистик партия раҳбарлигида инсоният тарихида биринчи марта коммунизм қурилишининг улғувор программасини рўёбга чиқараётган халқ характерининг белгилари — революцион совет халқининг қаҳрамонона характери кристаллашди.

«Қаҳрамонона ишлар турлича намоён бўлади,— деб ёзади Л. И. Брежнев,— бир киши ҳаётини хавф остида қолдириб ёнаётган уйга ўзини ташлайди, лекин ҳар кунни бир хил ишни қилаверишга қобил бўлмайди. Ҳар бири лаҳзанинг ўз жасорати бўлади. Бутун халқнинг оғир ҳаёти давридаги жасорат мавжуд. Уруш йиллари бунга мисол бўлиши мумкин. Оддий кунлардаги жасорат мавжуд. Одамлар бундай қийинчиликларнинг бошқа жойларда йўқлигини ва бўлиши ҳам мумкин эмаслигини билиб туриб, ўзларини онгли равишда ва кўнгилли равишда азоб-уқубатга уришади». Қўриқдаги одамлар ўзларининг қаҳрамон эканликларини кўрсатишди. Улар қийинчиликлардан ҳайиқмадилар. Улар қўриқ ер саховатини рўёбга чиқариш учун ҳамма мушкулликларни энгиб ўтдилар. Улар эркин социалистик шахснинг сдоб-ахлоқ нормасини белгилайдиган оддий иш кунларининг улғуворлигини намоён қилдилар. Образлари хотираларнинг учинчи китобида ўз аксини топган кўриқ қаҳрамонларининг қилиқ ва ҳаракатларини ўйлар экансан, муаллиф томонидан шунчалар таъсирли чизилган халқ типларининг беҳад бойлигидан ҳайратланмай илож йўқ.

«Қўриқ» қаҳрамонлари характерининг типик мазмуни Иван Иванович Иванов ва

Леонид Михайлович Каргузовларнинг тақдирларида улкан куч билан очиб берилди. Уларнинг ҳар иккаласи коммунист, иккаласи ҳам ленинградлик, иккови ҳам урушда қатнашган. Иккаласининг ҳам кўксини қаҳрамонлик нишони безаб туради. Уларнинг иккиси ҳам урушда оёғидан ажраган, иккаласи ҳам қалб амри билан худди фронтдагидек совет кишиларининг энг яхши фазилатлари намоён бўлаётган Қозоғистон чўлларига келишган.

«Бу ўхшашлик,— деб қайд қилади Л. И. Брежнев,— рамзий маънода деб айтсам бўлади. Бизда чўлқувар сўзи жасорат рамзи бўлиб қолганлиги бежиз эмас».

Коммунизм иши учун умумхалқ курашига ўсиб ўтадиган, социалистик шахс характерининг асосий белгисини ифодалайдиган қаҳрамонлик кўриниши ўзининг бутун куч-қувватини кўриқни ўзлаштиришга сарфларган эган ҳар бир кишида намоён бўлади.

Василий Филиппович Макарин, Раиса Емельянова, Елена Клешня, Валентина Непочатова, Полина Пашкова, Людмила Семенова, Жонсултон Демеев ва унинг ўғиллари, Михаил Довжик, Владимир Дитюк, Омонгелди Исаков, Иван Григорьевич Космич, Петр Иванович Николаев, Николай Моисеев, Мубин Абишев, Анатолий Радионович Никулин. Уларнинг ҳар бирида умумхалқ жасоратининг бир учқунни бор ва уларнинг ҳар бири бажарган ишларига қараб турлича шароитларда ва турлича бир-бирини такрорламайдиган инсоний ҳаракатлар хусусиятларига кўра бу жасоратнинг ижодчиси бўлган.

«Қўриқ» деб номланган асрий қалъани биз узоқ камал билан эмас, балки шиддатли ҳужум билан, қаҳрамонона штурм билан эгалладик»,— деб ёзади «Қўриқ» автори. «Кичик ер» штурм билан эгалланди. Новороссийскнинг озод қилиниши ҳам қаҳрамонона штурм билан тугалланди. Запорожье магниткаси ва афсонавий Днепр-ГЭС вайронларига бошланган ҳужум ҳам шиддатли бўлди ва ғолибона яқунланди.

Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» хотираларида Ватанимиз тарихидаги бурилиш нуқталарига мурожаат қилиши муҳим воқеалар иштирокчиларининг характерини очиб бериш имконини берди. Хотираларда ўз аксини топган характерлар руҳий ва жисмоний кучлари ниҳоятда таранглашган бир пайтда қаламга олинган. Фақат бир шахсгагина тегишли бўлган кўлам жуда қисқа муддатларда ҳал қилинган улкан вазифаларнинг миқёси билан ўлчанади.

Хотиралар автори совет кишилари турли авлодларининг қаҳрамонлигини ҳар қандай шароитдаги одоб-ахлоқ нормаси сифатида кўрсатиб берган. У ижтимоий бурчни адо этишда ўзининг инсоний эҳтиёжи ва ўз бахтини кўрган коммунист ва комсомолнинг ҳаётий позициясини кўрсатишга эришган.

Хотиралар автори янги инсон шахсига баҳо беришда мамлакат ва халқ тақдирига юксак масъулият билан ёндашади. Ҳарак-

тернинг мустақамлиги тарихнинг бурилиш нуқталарида синовдан ўтади.

Социалистик реализм адабиёти тарих яратишда онгли равишда иштирок этаётган ва ўзининг халқ билан мустақам алоқада эканлигини тўла англаган шахснинг кўламини аниқлашда ҳамма вақт аниқ мезонларга таянди. Бу адабиёт ҳеч қачон оддий кундалик яратиш ташвишларини ҳам, фожиали вазиятларни ҳам инкор этмади. Инсон ҳис-туйғулари ва ҳаракатларига хос барча гаммалар совет классикаларининг энг яхши асарларида очиб берилди.

Халқ ҳаётининг бамисоли океандек улғурлигини, унинг ҳадсиз кенгликлари ва тубсиз чуқурликларини, унинг куч-қудратини ва доимо янгиланиб турадиган гузаллигини, навқиронлигини ҳис этиш санъаткорларни ҳаётни бутун кўлами билан тасвирлашга ва халқ типларини кенг қамраб олишга илҳомлантирди. М. Шолоховнинг «Тинч Дон» ва «Очилган қўриқ», Ф. Панфиловнинг «Бруски», В. Вишневскийнинг «Ҳаётбахш ўлим», Д. Фурмановнинг «Чапаев» ва А. Фадеевнинг «Ёш гвардия»си бундан далолат бериб турибди.

Кўп миллатли совет адабиёти намоёндаларининг бугунги кундаги катта эпик полотно асарлар ёзишга интилишлари ҳам шундан далолат беради. Бу ўринда Ш. Рашидовнинг «Ғолиблар», «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин» романларини, Ҳамид Гулом, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Иброҳим Раҳим, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров ва бошқаларнинг кўплаб асарларини эслашнинг ўзи етарлидир.

Қаҳрамонона давр қаҳрамонона характерларни вужудга келтиради. Тобора бойиб бораётган революция тажрибаси ҳам буни исбот қилиб турибди. Л. И. Брежневнинг хотира китоблари ҳам шундан далолат беради.

Халқнинг эпик бунёдкорлиги картина ва манзараларнинг тўхтовсиз алмашиб туришини ва халқ типлари бойлигини ўзида сиғдира оладиган эпик полотноларни талаб этади.

Хронологик жиҳатдан қўриқ биз учун тарих бўлиб қолди. Лекин у бугунги кунни руҳлантирадиган жонли тарихдир. Бу тарих бугунги кунда Қозғистоннинг миллиард пуд ғалласида, қора тупроқли ерларда, инсон оёғи илк теққан, ўтиб бўлмас тайга ўрмонларида давом этмоқда.

Бу тарих Мирзачўл ва Қарши чўлларининг тонналаб оқ олтиниди, Жizzзах областида чўлга бошланган ҳужумда давом этмоқда. Буларнинг ҳаммаси санъаткор учун материал, унга илҳом манбаидир. Буларнинг ҳаммасини келажак насллар учун ёрқин картиналарда, унутилмас образларда сақлаб қолиш керак. Буларнинг ҳаммаси полотноларда, бронза ва тошларда, товус ва сўзларда яшамоғи керак.

Л. И. Брежневнинг хотиралар китоби Ўзбекистоннинг қўриқ ерларини ўзлаштиришга бағишланган асарларга бошқача нигоҳ билан назар ташлашга ундайди. Мирзачўлни ўзлаштиришга дохий Ленин имзолаган тарихий декрет билан асос солинди.

Йигирма йилдан ошиқроқ муддат ичида Мирзачўл гулистонга айланди. Бугунги кунда чўл ичкарисидидаги Арнасойнинг янги совхозларидан бирида Ўзбекистон ёзувчилари ва журналистлари томонидан бутун бир кутубхона барпо этилган. Бу кутубхонада чўлни ўзлаштириш акс этирилган романлар, повестлар, ҳикоялар, дostonлар, шеър китобларни учратиш мумкин.

Ҳаёт ҳодисаларини кенг қамраб олиш Ўзбекистон қўриқларини пахтазорга айлантиришга бағишланган очерк адабиётининг характерли хусусиятларидан биридир. Колхозчилар ҳаёти, қишлоқ меҳнаткашлари онги ва фаолиятида пайдо бўлаётган янгликдан дарақ берувчи ҳар бир конкрет воқеа, ҳар бир факт очерк жанридаги энг яхши асарларда социалистик жамият тараққиётининг бош йўналишлари билан биргаликда олиб қаралади.

Бу жиҳатдан Ҳамид Гулом ва Владимир Тюриковнинг «Бош йўл» очерклар китоби ибратлидир. Мирзачўлни ўзлаштириш бой ва музундор тарихга эга. Шу сабабли муаллифлар Мирзачўлни ўн йиллар давомида ўзлаштирилаётган, миқёси тобора кенгайиб, тобора кўпроқ иқтисодий самара бераётган қўриқни улкан бир лаборатория сифатида талқин қиладилар. Муаллифлар Мирзачўлдаги колхоз ва совхозларнинг фаолияти, одамларнинг турмуши билан танишар эканлар «ҳаётнинг доимий оқими»ни кузатадилар, ўтмишда қуш учса қаноти куядиган бу чўлларда бугунги кунда иккинчи, учинчи авлод вакиллари тўғилиб, чўлни бўстонга айлантиришаётганлиги ҳақида ўй сурадилар. Мирзачўлни ўзлаштириш тарихини сув учун кураш тарихи деса бўлади. Бу ерда чўлқуварларнинг ғайратшижоати, қудратли техникадан комплекс фойдаланиш, илмий тадқиқотларнинг мунтазам равишда олиб борилиши орқасида ирригациялашнинг аҳамияти кўрсатиб берилди ва «Сув—бу ҳаёт» деган халқ нақли амалда исботланди. «Бош йўл»да кўплаб авлодлар онгиде ўжар ва қудратли дарё бўлиб ўрнашиб қолган Сирдарё образи, обиҳаёт элтувчи дарё образи шу тариха намоён бўлади.

«Дарё—йўллари бор,—деб ёзишда муаллифлар,—уларда кемалар сузиб юради, ёғоч оқизилади, одамлар саёҳат қилишади. Шунингдек, улкан дарёлар мавжуд: уларда қудратли гидростанциялар қурилади, улар инсонга куч ва қудрат беради. Сирдарё том маъноси билан оби ҳаёт дарёсидир. Кўплаб каналлар орқали унинг суви деярли тўлалигича суғоришга сарфланади. Сирдарё биргина республикамизда суғориладиган деҳқончиликнинг асоси эмас. У катта-катта воҳаларни сув билан таъминлайди, бу ердаги кўплаб халқларнинг турмуши ва бахт-саодати унга боғлиқ».

Жizzзах области табиий шароитини ўрганган тадқиқотчилар «Жizzзах чўлларининг иқлим шароитлари ва ер ости сувлари анча чуқур жойлашган шўрланмаган унмдор бўз тупроғи қишлоқ ҳўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантириш учун,

айниқса пахта етиштириш учун қулайдир»¹ деб ёзадилар.

Ҳамид Фулом ва В. Тюриков «Правда» ва «Москва» колхозларининг фаолияти мисолида умуман республика бўйича пахтачиликни ривожлантириш билан боғлиқ ишларнинг кўламини кўрсатиб беради. Лекин улар фақат Жиззах областининг ўзигагина хос бўлган белгиларни ҳам эътибордан четда қолдирмайдилар. «Жиззах чўлини ўзлаштириш билан боғлиқ ишлар қизғин давом этмоқда,— деб ёзишади улар.— Бутун чўл машиналарнинг шовқин-суронига тўлган. Жиззах машина канали қурилиши ва Жанубий Мирзачўл канални кенгайтириш билан бирга улкан ер тузиш ва мелиоратив ишлар амалга оширилмоқда». Жиззах машина канали тўла ишга туширилгач, Сирдарёнинг суви 175 метр баландликка кўтариб берилади. Сирдарё ГРЭСининг энергияси ҳам Жиззах чўллари интенсив ўзлаштиришда катта аҳамиятга эгадир.

Кўриқ ерларга бошланган ҳужумда илғор техниканинг аҳамияти айниқса Қарши чўли мисолида яққол намоён бўлади. Қарши чўлини ўзлаштиришда Мирзачўлдаги тажрибалар ҳисобга олиниб ва кенг қўлланибгина қолмасдан, балки энг яхши, энг илғор иш методларини «турмушда ҳам, ишда ҳам» татбиқ этишда олға томон қадам қўйилди.

Бироқ ингичка толали пахта етиштириш учун ниҳоятда қулай бўлган бу район Мирзачўлнинг кўриқ ерларидан ажралиб турадиган хусусиятларга эга.

«Мирзачўл,— деб ёзишади Ҳ. Фулом ва В. Тюриков,— Сирдарёнинг суви каналлар билан ўзидан-ўзи чўлга оқиб келадиган косага ўхшайди. Қарши чўлида эса, бу коса, гўё тўнтариб қўйилганга ўхшайди. Бу ерда суви маълум баландликка чиқариб бериш керак. Ана шундан кейин у каналлар ва лотоклар орқали чўлнинг ичкарасига етиб боради».

Инженерлик нуқтаи назаридан бу жуда мураккаб вазифадир. Олти қудратли насос станцияси бу вазифани муваффақиятли ҳал қилади. Мамлакатимиздаги шунга ўхшаш станциялардан ўз қудрати билан ажралиб турувчи бу станциялар Амударё сувини чўл ичкарасига бир юз эллик километр ёриб кирадиган бетон каналларга ошириб беради. Қарши чўлини ўзлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари шу билангина чекланиб қолмайди. Бу ерда амалга оширилиши керак бўлган ишлар ҳажми ниҳоятда улкан. Аммо уларни бажаришга жуда қисқа вақт ажратилган. Шу сабабли чўлни ўзлаштириш суръатлари ҳам бошқача бўлиши керак.

Ҳ. Фулом ва В. Тюриковларнинг очерклар китобида Мирзачўл, Қарши ва Жиззах чўллари, Шеробод даштини ўзлашти-

риш давомида тўпланган илмий-тадқиқот ишларига эътиборни жалб этиш яққол намоён бўлади. Умуман бу хусусият чўлқуварлар ҳаётига бағишланган ва пахтакорлар образини тасвирлаб берадиган очерк жанридаги бошқа асарларга ҳам хос эканлигини таъкидлаб ўтиш керак. Жумладан Йўлдош Муқимовнинг «Жиззах тошқинлари» (1975) очеркида чўлнинг ўтмиши ва бугуни ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилинади. Муаллиф гоҳ лирик оҳангларда, гоҳ фактлар тили билан чўлда қисқа муддат ичида бунёд этилган болалар боғчалари, яслилар, мактаблар ва бошқа маданий-маиший бинолар тўғрисида завқ билан ёзади. Муаллифнинг нигоҳи бир зум келажакка қаратилади. У чўл бағридан юлиб олиннадиган улкан ер майдонлари (бир ярим миллион гектардан ортиқ), бунёд этилажак сунъий денгизлар (Зомин, Бахмал, Фориш денгизлари) ҳақида ўй суради.

1978 йил ноябрь ойининг охирида биз очерк муаллифи билан биргаликда Арнасой районида бўлдиқ ва Жиззах чўлига бошланган ҳужумнинг миқёси ва суръатини яқиндан ҳис қилдик. Бу районга қарашли ерларни ўзлаштириш икки йил муқаддам бошланган экан. Биз боришимиздан сал олдинроқ район партия комитети янги бинога кўчиб ўтибди. Икки кун аввал эса иссиқ сув берилибди. Барг чиқариб қолган чинорлар эса шу йил баҳорда экилган экан. Буларнинг ҳаммаси вақтнинг бетўхтоҳ қолишидан, қисқа муддат ичида бажарилган ишлардан далолат бериб турибди. Жуда шинам қилиб қурилган райком биноси ёнига қаланган ёштлар мактаб қурилиши учун мўлжалланган. Бино олдидаги хиёбон ўртасига эса В. И. Ленин ҳайкали ўрнатилди. Янгигина барпо этилган боғнинг хилват бурчагида эса кутубхона биноси қад кўтаради. Район марказидан ўн олти километр узоқликда Наврўз деб аталган шаҳар бунёд этиш кўзда тутилган. Келажакда бу ерда Тошкент билан боғланадиган аэропорт қурилади ҳамда республика пойтахтини тирик балиқ билан таъминлаб туриш имкони туғилади.

Буларнинг ҳаммаси тўғрисида Арнасой район партия комитетининг биринчи секретари Аҳат Соипназарович Соипназаров жўшиб ҳикоя қилди. Лекин уни ҳаммасидан ҳам кўпроқ пахта билан боғлиқ ишлар ҳаяжонлантираётганлиги сезилиб турарди.

Жиззах область партия комитетининг секретари Содиқ Аҳмедович Нишонов пахтачилик билан боғлиқ ишларни ташкил қилиш принциплари ҳақида гапирар экан, бу мураккаб ишга илмий ёндашишини аҳамиятини таъкидлаб ўтади. Бунда ташланган ҳар бир қадам, қабул қилинган ҳар бир қарор обдан ўйлаб кўрилиши керак.

Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари, Ленин мукофоти лауреати Т. Боймиров,— дейди у,— ҳар бир гектар ернинг ҳосилдорлиги билан қизиқади. Опоқ очилган пахта майдонларида машина терими бир-икки кун кечиктириб бошланганлиги ҳоллари кўп бўлган. Ва бу ўзининг ажойиб натижаларини берган.

¹ Л. А. Алибеков, С. А. Нишонов. Природные условия и ресурсы Джиззакской области, «Ўзбекистон», Тошкент, 1978, 243-бет.

Аммо у ҳўжалик раҳбарлари, бригадирлар, механизаторларнинг ташаббусини ҳеч қачон чеклаб қўймайди».

Меҳнат ва фан иттифоқи, қўриқ очувчиларнинг илғор тажрибаси шу қадар ёрқин кўрсатиб берилган «Қўриқ» асарининг ибратли сабоқларидан бири шунда бўлса керак.

3

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV сьезидга ҳисобот докладыда қўриқ ерларни ўзлаштириш ва уларни суғориш, мелиорациялаш масалаларига катта аҳамият берилди.

«Қўриқ очиш,— дейилади Л. И. Брежнев хотира китобларининг учинчисида,— Коммунистик партиянинг буюк ғояси бўлиб, бу ғоянинг амалга оширилиши, агар тарихий категориялар билан фикр юритиладиган бўлса, мамлакатнинг жонсиз, овлоқ, лекин унумдор шарқий чўлларини қарийб бир зумда экономикаси ривожланган ва юксак маданиятли ўлкага айлантиришга ёрдам берди».

«Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» тарихий категориялар билан фикр юритишга ўргатади. Улар тарих ҳаракати тўғрисида бир бутун ва тўла тасаввур беради. Бу китобларнинг ҳар бири айрим олганда, партия ва халқ ҳаётидаги, социалистик давлат тараққиётидаги маълум босқични «йирик план»да кўрсатиб беради. Уларда фашизмга қарши кураш йилларига ва яратиш даврига хос бўлган қайтарилмас ҳамма хусусиятлар жонли, ёрқин, ифодали, бутун деталлари билан тарихнинг асосий оқимида кўрсатиб берилган. Миллионларнинг қаҳрамонона, фидокорона меҳнатига ҳар бир совет кишига хос бўлган битмас-туганмас куч-қувват, гражданлик пафоси, жасорат, ғалабага ишонч, ёрқин келяжакка ишонч туйғулари кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон ёзувчиларининг асарларида қўриқни ўзлаштириш шахсни улуғловчи меҳнат жасорати сифатидагина эмас, балки ўзининг интернационал бурчини онгли суратда ижро этиш, қардош халқлар дўстлигининг жонли ва конкрет ифодаси тарзида ҳам тасвирланмоқда.

Раҳмат Файзийнинг повестдан романга ўсиб ўтган «Чўлга баҳор келди» асарида оддий рус аёли Серафима Семёновнанинг образи яратилган. У Мирзачўлни ўзлаштиришнинг дастлабки ойларидаёқ ўзини икки қизи ҳамда куёви билан биргалликда чўлқуварлар рўйхатига қўшиб қўйишларини сўраб район партия комитетига мурожаат этади.

Ҳ. Фулом ва В. Тюриков «Бош йўл»да ёзилади: Мирзачўлни ўзлаштириш интернационал иш бўлиб қолди. Бу ерда ҳозир Советлар Иттифоқининг қарийб 80 та миллат ва элатларининг вакиллари меҳнат қилишмоқда.

Қўриқ ҳамма ерда жасорат мактаби, интернационализм ва халқлар дўстлиги мактабига айланиб қолди.

Биринчи чўлқуварлардан Отамурод Ху-

дойназаровнинг гувоҳлигича («Бош йўл» китобининг шерободлик чўлқуварга бағишланган боби «Отамуроднинг жасорати» деб номланган), қўриқ Гагарин районида йигирма олти миллат вакиллари бир оиладек яшаши ҳамда кўтаринкилик билан, фидокорона меҳнат қилишади. «Район марказидаги биринчи қозик латиш Григорий Бруш томонидан тарихий 1961 йил 12 апрель — Юрий Гагарин жаҳонда биринчи бўлиб космосга учган куни қоқилган».

«Буюк ўзгаришлар» (1978 йил) очеркининг муаллифи, Россия ноқоратупроқ ерларини ўзлаштирувчилар билан доимий алоқа қилиб турувчи Юрий Ковалёв қайд этишича, машҳур дренажчилар бригадаси ПМК «Тошкент-1»да (Новгород области) бригада бошлиғи Турсунпўлат Расуловни ҳам қўшганда, атиги беш киши ишлайди. «Лекин бу кичик коллективда ҳам,— деб давом этади у,— давлатимиз ва ижтимоий тузумимизнинг совет халқи деб аталувчи одамларнинг янги бирлигини бунёд этишга олиб келган жуда улкан ютуқлари худди ойнадагидек акс этган».

Бригаданинг составига келганимизда, дарҳақиқат у жудаям характерли. Беш кишининг деярли ҳаммаси турли миллат одамлари: Н. Лебедев — рус, У. Мардонов — ўзбек, Б. Бразаускас — литвалик, В. Реслер — немис. «Умуман олганда, бу ҳар қандай, энг мураккаб масалаларни ҳам ҳал эта оладиган аҳил оила».

Шуниси ҳам борки, халқлар дўстлиги, совет кишиларининг интернационал дўстлиги бошқача ифода йўлларида ҳам ўз аксини топмоқда. «Қаршистрой»нинг бошлиғи Эркин Турсунович Турсунов таъкидлашича, уларга Москва ва Минск қудратли самосваллар юбормоқда, «Горький ва Кутаиси автомобиллар етказиб беради, Челябинск бульдозерлар, Сибирь... ёғоч материаллари йўллайди».



СССР олтимиш йиллиги арафасида «янги жамият», «мисли кўрилмаган жамият» тараққиётини яқунлар экан, Л. И. Брежнев КПСС XXV сьезди минбаридан шундай деганди: «...ўтган олтимиш йилнинг энг муҳим якуни, у ҳам бўлса — совет киши-сидир. Совет киши эркинликни курашларда қўлга киритиб, уни энг оғир жангларда сақлаб қола олди. У кучини аямай ва ҳар қандай қурбонлардан қайтмай келяжакни қурди. У ҳамма синовлардан ўтиб ўзи таниб бўлмайдиган даражада ўзгарди, ғоявий эътиқодни ва жуда катта ҳаётий ғайратни, маданиятни, билимларни ва бу билимларни татбиқ қила билишни ўзида мужассамлаштирди. У ўзи оташин ватанпарвар бўлиш билан бирга изчил интернационалист ҳам бўлди ва ҳаммаша шундай бўлиб қолади» (КПСС XXV сьездининг материаллари. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1976 йил, 119-бет.).

Бу инсоннинг образи бутун борлиғи билан «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» саҳифаларида намоён бўлади.

Пахта қўриғига бағишланган очеркларда изчил интернационалист ва ватанпарвар янги инсоннинг шаклланиши юз берган ва бераётган ҳолатлар тасвир этилмоқда. Очеркчи ёзувчилар олдиларида турган ижодий масалаларни «кенг тарихий мезон» билан ҳал этмоққа жазм этган пайтларида ҳам замондошимиз характерининг шаклланиши янада тўлароқ ва реалистик ҳаққоний очиб берилмоқда. Бундай ҳолларда улар тарих ва замонавийликни бир бутун тарзда зўхур этишмоқда.

Одамлар ва воқеалар шажарасининг теран илдиэларига кўз ташлаш учун интилиш, уларга «кенг тарихий мезон» билан ёндашиш Назир Сафаров ва Йўлдош Муқимовларнинг очеркларида, «Бош йўл» китобини ташкил этган «йўл таассуротлари»да ҳам анча тўла намоён бўлган. Бу ҳол О. Ёқубов ва П. Қодиров, Ҳ. Назир ва Й. Шамшаровлар ҳамда бошқа анчагина адиблар мурожаат этаётган очерк жанрида яратилган талайгина асарларда у ёки бу даражада кўзга ташланапти.

Лекин Ўзбекистон очеркчи — ёзувчилари бутун мамлакат миқёсда, ривожланган социализм шароитида ижтимоий ҳаёт қонуниятларини кузатишга имкон берувчи материалга мурожаат этишганларида улардаги тафаккурнинг тарихийлиги янада ёрқинроқ намоён бўлади.

Юрий Ковалёвнинг бу мавзудаги очеркларида Россия ноқоратупроқ ерларини ўзлаштирувчиларнинг конкрет ишларини тасвирлашдан олдин ўзига хос тарихий экскурсия берилади. Бундан Россия ва Ўрта Осиё меҳнаткаш оммасининг революцион ўтмишига оид эпизодларнинг ихчам лавҳалари ҳам тўқимачилар. Ўлкаси ишчиларининг ўзбек деҳқонлари билан тузган дастлабки социалистик мусобақа шартномаси ҳақидаги қисқа-қисқа маълумотлар ҳам, ивановликларнинг 1966 йил апрель тонгидан сўнг Тошкентга кўрсатган ёрдамидан гувоҳлик берувчи материаллар ҳам ўрин олган.

Йиллар ва ўн йиллар ўтиб, қардош халқларнинг дўстлик иплари мустаҳкамланиб борди. Ленинча миллий сиёсат тантанасининг ёрқин тимсолига айланган Россия ноқоратупроқ ерларининг бугунига замин худди шу тарзда яратилиб борди. Бунга ботқоқлик ва «оғир» ҳисобланувчи улкан кенгликларда бошлаб юборилган ишнинг ҳажми ва суръатигина эмас, балки бутун социализм мамлаката тарихи, янги жағият тараққиёти ҳам ёрдам берди. Бу тараққиётнинг якуни сифатида эса, оташин ватанпарвар ва изчил интернационалист — совет кишиси юзага келди.

Худди ана шу инсон, ёзувчилар тасвирлаганидек, қўриқ эпопеясининг Қозоғистон кенгликларидаги, Ўзбекистон чўлларидаги ҳамда Россия ноқоратупроқ ерларидаги бош қахрамони бўлган ва ҳозир ҳам шундай.



Биз биламизки, Л. И. Брежнев «Қўриқ» китобининг ҳамма ерида янги ерларни ўз-

лаштирувчилар характерига қахрамонликни қайд этади.

«Қўриқ» кишилари ўзларининг қахрамон эканликларини кўрсатишди деб ҳисоблайман,— ёзади у.— Улар дастлабки пайтлардаги турмушнинг барча қийинчиликларига бардош бериб, унча рўйхуш бермаган заминни чидам билан, қатъият билан жиловладилар».

«Рўйхуш бермаган», «оғир ер»... Бу сифатлашлар Қозоғистон қўриғига ҳам, оёққа очкўзлик билан ёпишувчи, қорамтир-қўнғир шўрхоқ тап-тақир Мирзачўл ерларига ҳам, Россия ноқоратупроқ ерларига ҳам бир хилда тааллуқли.

Юрий Ковалёвнинг Новгород ерлари ҳақидаги очеркларининг бири «Оғир ер» деб аталади.

«Янги боғ томон бир бола чопиб бориб, нозиккина олма шохини эҳтиётлик билан кўтарди, синган бутоқларини боғлаб қўйди. Бундоқ қараса, бир дарахтча бутунлай эгилиб қолиб, синай-синай деб турибди. Бола шохчаларни кучоғига олиб, суяб туриш учун ёнма-ён туриб олади. Бола ва ниҳолни итқитиб ташлашга қасд қилгандек бўрон увлар, хуштак чалар, ҳовучлаб тупроқ сочарди. Лекин уларнинг иккаласи ҳам қоматини тик тутишиб, бир-бирини ҳимоя қилишган ҳолда бу тўзон ичида мағрур туришибди...».

Йўлдош Муқимов шундай манзара чизади («Атиргулар водийси» очерки, 1970). Бу манзара нимани англатади? Боланинг жасорати ҳақидами, ўсиб-улғайиб ерларни яшнатувчи ўша дарахтларнинг жонли новдаларига бўлган муҳаббати ҳақидами, ёки у юзма-юз курашга тушган табиат қийинчилигимми? Дарвоқе, шундай. Болани ҳам, бўронни ҳам, нозик ниҳолларни ҳам тасаввур этарканмиз, шундай хулосага келамиз.

Лекин муаллиф ўзи тасвирлаётган манзарани «нурлантириб юборадиган» муҳимроқ, аҳамиятлироқ нарсани аниқлашга интилади. У буни зўрма-зўракилик билан эмас, назокат билан ҳамда ишонарли амалга оширади.

«Ҳа, бир-бирини суяган йиқилмайди!»— у буни гўё гап орасида қистириб ўтади. Яна у ўзининг эътиборини тортган манзарага қайтади. «Мен ниҳолларга ва болага қараб ўйга, толаман: йиллар ўтиб, улар бўй чўзишар, инсон ва дарахт саҳрода чуқур илдиз отишади, қудратли қанотларини ёзишади. Ушанда ҳеч қандай бўрон ва довул ҳам уларни эголмайди, синдирилмайди...».

Табиатнинг стихияли кучлари билан курашда асосий вазифа қийинчиликлардан қочиш, зарбалардан йўлини қилиб жон сақлашда эмас, бу — «қўрқоқларнинг иши». «Бўронга қарши юзма-юз чиқиш, ҳозирча кучли ва хавфли душман — саҳрони енгишга интилиш» керак. «Бу — жасурлар қисмати». Боланинг ниҳолларни кутқизиш эпизоди ҳам унинг учун пахта қўриғи Мирзачўлнинг «оғир» ерларини ўзлаштирувчиларнинг кундалик қахрамонликларининг ички манбаларини кўрсатиш учун лирик

ибтидо сифатида керак. Бу ерлар учун кураш табиат гўзалликларини сеза оладиган ва ўз меҳнатлари билан тасдиқлай оладиган, уни ўзларининг ҳаётига ҳамишалик ҳамроҳ эта оладиган, атроф-муҳитни мусаффо қила оладиган, кўриқдан инсон учун керакли нарсаларнинг ҳаммасини олишга қодир мард ва саботли одамларнинг бир қанча авлодини тарбиялаб етиштирди.

Кимки саҳрода бўлиб, Осиё қуёшининг аёвсиз жазирамаси қовжиратиб ташлаган чўл ҳавосидан нафас олмаган бўлса, унга бу ерларнинг гўзаллиги, шўрхок кенгликларнинг ажойиб манзаралари ҳақидаги фикр мантиққа зиддек туюлиши мумкин.

Табиат гўзаллиги ва одамлар жасорати... Бу одамлар гўзалликни қадрлабгина қолмасдан, балки қандайдир янгилик яратишга, эртанги кунни кўра олишга қодирдир. Инсон билан бундай «муносабатда бўлган», табиатдаги асл гўзалликни кўрсатувчи ҳамда ижодкор — инсонни улуғловчи, қанчадан-қанча ажойиб манзараларни кўриққа бағишланган очерклардан топиш мумкин. Лекин санъаткор ўзини ўраб турган оламга қанчалик диққат билан назар солса, табиатга таъсир қилиш учун инсон нимаики қилаётган бўлса, унинг чуқур моҳияти унга шунчалик ёрқинроқ очила боради. Ана шу инсоннинг қаҳрамонона, бир мақсадга йўналтирилган, онгли меҳнати очеркчилар томонидан «гўзаллик қонунлари асосидаги» ижод билан, унинг «инсониятнинг гўзал масканига» айланиши билан боғланади.

«Мен жонажон ўлкамга кўз ташлайман,— деб ёзади Йўлдош Муқимов мазкур очеркида.— Инсон қўллари бунёд этган нарсалар умрбоқий эмасми? Деҳқон кенгликлар манзарасига сурган бўёқлар ҳеч қачон хира тортмайди. У ерга шундай дон қадайдик, у ўсимликларда ажойиб гўзаллик касб этади...».

Бироқ ернинг бу гўзаллиги инсон меҳнати билан бунёд этилган. Бу абадий, йўқ бўлмас, табиат инжиқликлари қор қилмайдиган, довул ва гармселларга дош бера олувчи гўзалликдир.

Очеркчилар кўп қиррали ва мураккаб кўриқ мавзуйга мурожаат қилишар экан, ҳамиша бунёдкор инсонни назарларида тутишади. Улар янги шахснинг тобора кўпроқ қирраларини очиш учун ҳаракатдаги чўлқуварнинг қаҳрамонона характерини кўрсата оладиган ижодий йўллар излашмоқда. Уларнинг инсон меҳнати «сингдирувчи» ва ўзида ташаббусни, кўриқ ўзлаштирувчиларнинг илҳом ва иродасини

ўзида тўловчи, «моддийлаштирувчи» манзарага ёндашишлари ҳам бундан далолат беради.

Мана шундай лавҳаларни Мирзачўл, Қарши, Жиззах ва Сурхон-Шеробод чўлларини ўзлаштирувчиларга бағишланган очерклардан топиш мумкин.

Қиёфаси ўзгарган табиатнинг йўқолмас гўзаллигини тасдиқлаган ҳамда истиқболни деб пахта кўриғининг ўзлаштирувчилар гармселлар, сувсизлик, шўрхоклар ҳамда тўқай билан кураш олиб борапти.

Ўзбекистон ёзувчиларининг очерклари «оғир» ерли улкан майдонларда олиб борилаётган ишларнинг мазмуни ва ҳажми ҳақида жуда аниқ ва яхлит тасаввур беради. Улар кўпгина проблемаларни қамраб олишмоқда ҳамда ранг-баранг материалларни тадқиқ этишмоқда. Лекин чўлқуварнинг қаҳрамонона характери воқеликни тадқиқ этувчи санъаткор — очеркчиларнинг ижодий ғайрат-шижоати тўпланадиган «фокус», тортиш маркази бўлиб қолмоқда.

Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Кўриқ» асарларида воқеа ва шахсларни, ҳодиса ва характерларни бадий идрок этиш, уларнинг типологик моҳиятини, ташқи шаклларнинг ранг-баранглигини ички муштараклик билан омухта қилган ҳолда ифодалаш принциплари тўлақонли ва аниқ намоён бўлган.


«Инсонлар заминда буғдой ундирдилар, замин одамларни камолотга етказди»,— деб ёзади эсдаликлар муаллифи. Кўриқ, табир жоиз бўлса, заҳматқаш, ўз ишининг мохир усталарини кашф этди.

Оғир, қайсар кўриқ ерни ўзлаштириш учун кураш жараёнида ўзида қаҳрамонликни мужассамлаштирган курашчан, заҳматқаш инсонлар типни шаклланди.

«...Чўлқувар сўзи,— деб таъкидлайди Л. И. Брежнев,— жасорат рамзига айланди». Лекин Ватанимиз тарихи, социализм ғоялари учун кураш, коммунистик жамятнинг барпо этиш тарихи шундан гувоҳлик берадики, халқнинг чинакам вакилларига хос бўлган кураш манбаи турли даврларда турлича намоён бўлган, турли даврлар чамбарчас алоқада бўлган муайян шароитлар билан турли типдаги характерларни вужудга келтиради.

Гражданлар уруши йилларида кўрсатилган жасорат қаҳрамонлик шўхрати билан ўралган. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва урушдан олдинги беш йилликларнинг улкан режаларини амалга ошириш халқ ва партиянинг энг яхши вакилларидан мардлик ва жонбозлик кўрсатишни талаб этар эди.

(Давоми бор)



ИЗЛАНИШ ҚУВОНЧИ ВА ТАШВИШЛАРИ

ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВ ВА УМАРАЛИ НОРМАТОВЛАРНИНГ
ИЖОДИЙ СУҲБАТИ

Танқидчи. Пиримқул ака, Сиз бадиият, маҳорат сирлари, ижод жараёни, психологияси ҳақида кўплаб мақолалар ёзгансиз, лекин уларда ўз ижодий тажрибаларингиз хусусида жуда кам, шунчаки йўл-йўлакай тўхталиб ўтасиз, ёдингиздами, бир вақтлар шу масалада сўз очилганда: «Ёзувчи ўз ижоди тўғрисида кам гапиргани маъқул, ижодкор ўзи ҳақида ҳамма гапни айтиши бир оз ноқулай», — деган ёдингиз. Шахсан мен ёзувчи ўз ижоди, тажрибалари ҳақида гапириб туриши, кўнглидагиларни, билганларини тортинмай айтавериши зарур деб билман. Бу ёзувчининг ўзи учун ҳам, унинг ҳамкасабалари, хусусан бошловчи қаламкашлар учун ҳам, қолаверса адабиёт фани, ихлосмандлари учун, ҳам ғоят фойдали. Сиз тўрт роман, тўрт йирик қисса, бир пьеса, ўнлаб ҳикоя, очерк ва публицистик мақолалар автори, таржимон сифатида ўзингиз босиб ўтган чорак асрлик йўлда бошдан кечирган ижодий машаққатлар, изланиш қувончи ва ташвишлари хусусида, ўйлайманки, кўп гап айтишингиз мумкин. Бунинг устига кейинги йилларда Бутуниттифоқ танқидчилигида кенг расм бўлиб қолган ёзувчи — танқидчи диалоги — суҳбати ёзувчиларни танҳо қолда ўзи ҳақида гапириш хижолатидан қисман халос этади... Малол келмаса, биргалашиб асарларингизга хос баъзи хусусиятлар устида баҳслашсак.

Ёзувчи. Малол келадиган жойи йўғ-у, фақат битта шартли томони бор. Адабиёт — ҳаракатланиб турган улкан дарё бўлса, мен ўз ёзганларимни шу дарёнинг кичик тўлқинлари деб билман. Алоҳида тўлқинларни улар оқиб бораётган дарёдан фақат шартли равишдагина ажратиб олиб таҳлил қилиш мумкин.

Танқидчи. Ёзувчи ижодини йўл-йўлакай кузатиб, галдаги янги асарларини ўқиб бориш бошқа экану, жамики асарларини бир варакайига ўқиб ўрганиш ўзгача таассурот қолдирар экан. Кейинги икки ой давомида мен ҳамма ёзганларингизни қайта ўқиганимда қизиқ бир ҳолатга дуч келдим. Турли даврларда, турлича мавзу, ҳаётий материал асосида яратилган, персонажлари тамомила бошқа-бошқа, муस्ताқил, хилма-хил касб эгалари бўлган очерк, ҳикоя, қисса ва романларингиз барчаси менга қандайдир яхлит бир асардек туюлди; бир асарда йўл-йўлакай тилга олинган мотив гўёки гапдаги бутун бошли асарга асос бўлади, кичик бир сюжет ирмоғидан галдаги асарнинг бутун бир сюжет тармоғи келиб чиқади. Ёки бир асарда кўзга ташланган заифгина учкундан галдаги асарда катта аланга ҳосил бўлади. Ёнг муҳими, барча асарлардан қизил ипдек ўтадиган ягона бош ғоя, барча асар қаҳрамонларини туташтирадиган етакчи бир концепция, бир-икки ҳажвий қисса, ҳикоядан ташқари ҳамма асарларни яқинлаштирадиган тасвир суръати тарзини кўриб бунинг сири, сеҳрига қизиқиб қолдим.

Ёзувчи. Бу нарса менинг ўзимга ҳам ғалатироқ туюлди. Чунки турли йилларда ҳар хил мавзуларда ёзилган нарсаларни аввалдан ўйланган яхлит бир режа асосига қуришни ўзимга мақсад қилиб қўйган эмасман. Аксинча, ҳар бир янги асар олдингиларидан иложи борича кўпроқ фарқ қилсини, китобхон учун янгилик бўлсин, деб қалам тебратганман. Чунки такрор бор жойда «шўрвасининг шўрваси» деган ибора эсга тушади.

Танқидчи. Адабиётда ўхшаш сюжетлар, муштарак ситуациялар учраб туради. Адабиётга янги мавзу, янги матери-

ал, янги қаҳрамон олиб кириш — бадий жасорат ҳисобланади. Аммо «ишланган мавзу»га бошқа томондан ёндашиш, аввал қаламга олинган муаммо ва можароларнинг янги қирраларини кашф эта бориш — бу ҳам адабий жараённинг муҳим бир қонунияти.

Ёзувчи. Тўғри, адабиётга аввал кирган сюжет ва конфликтни янада чуқурроқ очиш, унинг аввал кўрсатилмаган янги қирраларини кўрсатиш мумкин. Лекин ҳали адабиётга олиб кирилмаган ёрқин инсоний тақдирлар, теша тегмаган ҳаётий зиддиятлар, яъни ҳали очилмаган кўриқлар жуда кўп. Албатта, заранг бўлиб ётган кўриқни очиш аввал ўзлаштирилган тайёр дэлани қайта ҳайдаб экин экишдан кўра қийинроқ. Мен адабиётда «кўриқ очдим» дебелмайман, лекин шунга интилиб, ечилмаган муаммоларга қўл уришнинг мушкулотларини озми-кўпми бошдан кечириб кўрганман. «Уч илдиз»нинг биринчи қисмида муаммо кўтаришга қизиқиб кетиб, романинг охириги қисмига борганда уларни қандай яқунлашни билмай бошим қотгани, аввал дуруст турилган баъзи конфликтларнинг ечимидан ўзимнинг ҳам кўнглим тўлмагани эсимда турибди. Лекин келгуси асарларда яна шунга ўхшаш ижод машаққатларига сабаб бўладиган ўзим учун янги жабҳаларга қўл урдим. Чунки янгиликнинг жозибаси китобхондан ҳам олдин бизни ўз домига тортиб кетади. Гоҳ тоғда қўй боқиб юрган чўпонлар, гоҳ шаҳарда метронинг лойиҳасини чизган зиёллар, гоҳ бундан беш аср олдин яшаган аجدодлар ҳаётини қаламга олганининг сабабларидан бири ана шу.

Танқидчи. Қаҳрамоннинг касб-кори, касб психологияси реалистик адабиётнинг муҳим муаммоларидан бири. Шундай ёзувчилар борки, улар кўпроқ фақат бир касб эгалари ҳақида қалам тебратадилар. Сизда эса, боя айтилганидек, қаҳрамонлар ғоятда хилма-хил касб эгалари. Ҳар гал янги касб эгалари ҳаётига мурожаат этишингизнинг бошқа сабаблари ҳам бордир?

Ёзувчи. Сабаблари кўп. Ҳаёт ва ижод йўлларидан юриб борганингиз сари кўнглингизда янги ижодий дардлар ва ғоялар туғилади, сиз шу ғояни яхши мужасамлаштириб борадиган адабий қаҳрамон излайсиз. Қаҳрамонни муайян бир одам қиёфасида тасаввур этиш учун унинг ҳаёт йўлини, тақдирини аниқлай бошлайсиз. Кишининг тақдирини кўп жиҳатдан унинг ҳаётда танлаган йўли ва характери белгилайди. Масалан, «Қадрим» даги Искандар илк режага биноан металлургия заводида ишлаши керак эди. Мен шу йигитчанинг тақдирини орқали айтмоқчи бўлган ғояни металлургия заводида кўп йил ишичи бўлиб ишлаган акамнинг ҳаёти орқали топган эдим. Лекин худди шу ғояни яхлит ва ёрқин бир воқеа орқали кўрсатиш имконияти Қарши даштида, Муборак деган жойда бошқа соҳанинг ишчилари ҳаёти-

да учраб қолди. Шу сабабли Искандар металлург эмас, оловкор бўлиб кетди. «Эрк»даги Саттор аввал атомчи инженер бўладиган эди, узоқ ўйланишлардан сўнг унинг метро лойиҳачиси бўлиши мақсадга мувофиқ тушди. «Олмос камар»даги Аббор аввал кимёгар олим бўлиши керак эди, шу қиёфада уни бир-икки боб тасвир ҳам қилган эдим, лекин охири унга меъморлик касби муносиб келди. Хуллас, мен учун янги қаҳрамонни ишонарли, жозибали ва такрорланмас инсон қилиб тасвирлаш йўлидаги илк босқич — унга муносиб касб-кор ва тақдир топишдир.

Тўғри, касб-кори тақдирига таъсир қилмайдиган одамлар ҳам бор. Меҳнатсиз яшайдиган текинхўр бойваччаларга умуман касб-корнинг кераги йўқ. Лекин бизнинг диққат марказимизда янги замоннинг тарих яратаётган кишилари турибди. Бундай кишиларнинг ҳаётини касб-корсиз, меҳнатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳаётнинг ўзида, замондошларимизнинг тақдирда касб-корнинг, меҳнатнинг аҳамияти ниҳоятда ортиб борапти. Адабиёт мана шу ҳодисани илғаб олгани ва диққат марказига қўйганининг ўзи унинг инсон ҳаётига чуқур кириб борадиган йўлларни топганидан далолат беради.

Албатта, масаланинг бошқа муҳим томони ҳам бор. Турли касб-кор, хилма-хил меҳнат жабҳалари қаҳрамонларни янги-янги қиёфаларда, бир-бирига ўхшамайдиган характерларда кўрсатишга қанчалик ёрдам бермасин, инсоннинг туб ички моҳияти, бошқа жуда кўп одамларда учрайдиган ҳис-туйғулари ва дардлари ҳаммага хос умумий хусусиятларга ҳам молик бўлади. Ана шунақа умумийлик бўлган жойдагина китобхон адабий қаҳрамонда ўзини топгандай ҳаяжонланади, чўпоннинг ҳаёти олимга ҳам худди ўз ҳаётининг давомидек туюлади, студентнинг бошдан кечирганлари деҳқон учун мароқли ва кадрли бўлиб қолади. Адабиёт мана шу тарзда турли соҳа одамларини, ҳатто турли халқ, турли мамлакат вакилларини бир-бирларига дилдан яқинлаштиради.

Бундан ташқари, ҳаётимизнинг ўзида ҳам бир-бирига тубдан боғланиб кетган ва бирининг учқунидан иккинчиси аланга олаётган жараёнлар кўп. Уларнинг моҳиятига чуқурроқ кирганингиз сари ички бир умумийлик ва яхлитликка беихтиёр дуч келаверасиз. Масалан, «Қора кўзлар»ни ёза бошлаган пайтимда ундаги давр руҳи «Уч илдиз»нинг манتيқий давоми бўлади деб ўйламаган эдим. Романинг биринчи вариантыда Аваз ва Замоналиларнинг Исмат бобо, Холбек, Ортиқлар орқали Давлатбеков ва Ғиёсиддиновларга бориб боғланадиган конфликтлари йўқ эди. 1964 йилда волюнтаризм деб аталган ҳодиса бартараф этилиб, Давлатбеков ва Ғиёсиддинов каби одамларнинг айниқса қишлоқ ҳўжалигида ва чорвачилик соҳасида келтирган зарар-

лари ошкор бўлди. Ҳаётдаги янги бир тарихий тўлқин Йигирманчи съезддан сўнг қайта тикланган ленинча ҳаёт нормаларининг мантиқий ривож тарзида узоқ қишлоқларгача етиб борганини ўзим кўрдим. Романни қайта ёзиш пайтида бу тарихий тўлқинни асарга олиб киришга уни «Уч илдиз»даги маънавий кўтарилиш ва соғломлаштиришнинг давоми тарзида кўрсатишга интилдим. Биласизки, бу улкан жараёнлар етмишинчи йилларга келиб янада катта аҳамият кашф этди.

Давлатбеков типидagi одамлар бундан ўн тўққиз-йигирма йиллар аввал «Чорвачиликда Американи дарҳол қувиб етиб, ўтиб кетамиз, бир йилда уч йиллик гўшт топшириш планини бажарамиз!» деб, чорванинг туёғини кескин камайтириб юборган, бунинг устига шахсий мол сақлашни шаҳарларда тақиқлашиб, қишлоқларда мол учтадан ошса йўқ қилишиб, икки томонлама зарар келтирган эдилар. Замоналарнинг укаси Йигитали Давлатбековга қараб: «Сиз давлатнинг ҳам зарарига иш қиляпсиз!»— дегани эсингизда бордир. — «Мен чорвадор қишлоқда яшаб туриб, шаҳардан гўшт сотиб олиб ейдиган бўлсам, давлат бизнинг ҳаммамизга қаёқдан гўшт етказадим? Ҳозир бозорда бир кило гўшт палон пулу, кейин қанча бўлади?»... Бу сўзлар ёзилганига ўн беш йил бўляпти. «Кейин қанча бўлганини» бугун, мана, кўряпмиз...

Халқ мақолида айтилганидек: «Деҳқон деҳқондан қолса бир йилда етар, чўпон чўпондан қолса қирқ йилда етар». Яъни деҳқончиликда бир йил ҳосил яхши бўлмаса, иккинчи йили яхши бўлиб, ўрни тўлиб кетиши мумкин. Лекин чорванинг туёғидан айрилиб қолган чўпон уни бир йил икки йилда қайта тиклаши ва ўзиб кетган илғор чўпонга етиб олиши қанчалик қийин бўлиши ҳозир кўпчиликка аён.

1978 йилги июль пленуми бу қийинчиликни бартараф қилишнинг энг яхши йўллари билан белгилаб берди, шахсий хўжаликларда ҳам мол туёғини кўпайтириш учун фақат ссудагина эмас, балки доимий равишда ем-хашак ҳам ажратиб туриш керак деган қарорга келинди. Ҳаётдаги жараёнларнинг бир-бирига қанчалик боғланиб келишини ва бу бизнинг китобларимиздаги ички боғлиқликка қандай асос бўлишини мана шу мисолларда ҳам кўриш мумкин.

Танқидчи. Мавзу материали, қаҳрамонларнинг касб-кори хилма-хил бўлишидан қатъий назар жамики асарларингизни яхлит ҳолда инсон шаъни, қадри, эрки, масъулияти ҳақидаги баҳс деб аташ мумкин. «Одам ўзининг ғурури билан эркини байроқдай баланд тутиши керак»— «Қора кўзлар» қаҳрамонларидан бири айтган бу гапни барча асарларингизга эпиграф қилиб олиш мумкин.

Тўғри, инсон қадри, эрки билан боғлиқ драмалар авваллари ҳам, шунингдек, Сизга замондош — тенгдош ёзувчилар ижодидида ҳам кўп марта қаламга олинган; бироқ бу масаланинг хусусан 60—70 йиллар

адабиётида жуда кескин қўйилиши, жумладан Сизнинг ижодингизга етакчи концепция даражасига кўтарилиш сабаби нимада экан?

Ёзувчи. Уз ҳаётим тажрибамда ҳам, мен мансуб бўлган катта бир авлоднинг бошидан кечаётган тарихий жараёнларда ҳам инсон бахти, камолоти, қадри, эрки, шаъни муаммолари аввалги даврларга нисбатан ниҳоятда улканлашиб, янгиланиб, шунақа бир муҳим ва долзарб аҳамият кашф этдики, мен бу ҳақда ёзмасдан туролмай қолдим. Бу ахлоқий муаммолар бизнинг давримизда, хусусан, олтмишинчи, етмишинчи йилларда мисли кўрилмаган янгича йўсинда кун тартибига қўйилди, уларни ҳал қилишнинг янгича йўллари қидириш эса бизнинг ижодий изланишларимизга асос бўлади.

Одам нимагаки ишонса, шунга астойдил интилади. Ташналик — булоқ сувини кўрганда авжига чиқади. Шунга ўхшаб, одамларда ҳозир маънавий камолотга, бахт-саодатга, юксак кадр-қийматга, мукаммал ҳаёт кечиршига интилиш ниҳоятда кучайиб кетяпти. Менинг бу муаммоларни кўп қаламга олишим — ўзимда ҳам ана шу маънавий юксакликларга бўлган эҳтиёж ва ташналикнинг зўрлигидан келиб чиқаётган бўлса керак.

Бу ердаги энг муҳим нуқта шуки, биз халқнинг бахту саодати учун курашни ўзимизнинг энг олий мақсадимиз деб биламиз. Халқ бахти эса алоҳида одамларнинг бахтидан таркиб топади. Бутун боғни астойдил обод қилиш учун ундаги ҳар битта дарахтни алоҳида шоҳларигача гулла-тиб яшнатиш керак. Мана шу тарзда алоҳида инсон шахсига, унинг маънавий камолотига, қадрига, бахтига эътибор жамиятнинг диққат марказига кўчди, бизнинг ижодимизда ҳам ўзига яраша ўрин олди. Лекин бу муаммоларни ҳал қилишга алоҳида одамнинг ўзига юкланадиган масъулият ҳам ниҳоятда ошиб кетди. Чунки бахт-саодат, инсоний камолот чўққиларига биров бировни опичлаб олиб чиқолмаслиги ҳозир ҳар қачонгидан ҳам кўра аниқ ва равшан бўлиб қолди. Кўп нарсага қодир ота-оналар ҳам ўз болаларига: «Биз сизлар учун тахт яратдик, лекин бахтни ўзларингиз яратишларингиз керак» дейдилар. Чунки бахт ва камолот осмонига ҳар ким ўз қаноти билан учиб чиқади. Қўшлар бир-бирига ҳар қанча меҳрибон бўлганларида ҳам, бари бир уларнинг ҳар қайсиси фақат ўз қаноти билангина парвоз эта олади. Инсон шахси ҳар томонлама камол топгандагина унда маънавий парвозга ярайдиган қанотлар пайдо бўлади. Бундай қанотларни тайёр ҳолда мерос олиб бўлмайди, улар муқофотга ёки қарзга берилмайди, уларни пулга сотиб олиш ҳам мумкин эмас. Улар фақат узоқ давом этган ўқиш, кураш, меҳнат ва маънавий такомил натижаси сифатида ичдан ўсиб етилади. Мен ўз асарларим орқали кучим етганича айтмоқчи бўлаётган бир ҳақиқат ана, шу.

Танқидчи. Менимча, асарда масала кўтаришдан кўра унинг талқини муҳимроқ. Инсон эрки, шаънини байроқдай баланд тутишга монелик қиладиган ички руҳий ҳамда ташқи омиллар бадиий тадқиқ ва таҳлили бизни ҳаммадан кўра кўпроқ қизиқтиради. Сизнинг талқинингизда шахс эркининг кушандаси асосан эскича таомлар, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, тобелик, мутелик, итоаткорлик психологиясидир. «Уч илдиз», «Қалбдаги қуёш»дан тортиб «Олдузли тунлар»га қадар деярли ҳар бир асарингизда қандайдир йўсинда мутелик психологиясига қарши зўр нафрат, исён бор. Мутелик тушунчасининг Сизни шу қадар ҳаяжонга солиш, ўйлатиш сабабини билсак бўлади-ми?

Езувчи. Мутелик, кўр-кўрона итоаткорлик, эски маънодаги мўминлик одамларимизнинг онгига асрлар давомида сингдирилган. Бир кеча қўлга боғлаб ётилган хинанинг ранги ҳафтала, ойлар давомида ювганингиз билан кетмайди.

Мутелик психологияси ҳам ана шундай қийинчилик билан йўқолиб бораётган бир иллатдир. Мен учун энг муҳими шуки, мутелик психологияси инсон шахсини камол топтириш йўлида машъум бир ғовга ўхшаб туради. Бундай одам худди мотори олиб қўйилган машинага ўхшаб кимдир шатакка олмаса қимир этмай қотиб тураверди. Зулайхо Искандарга «Сиз бир жонсиз вагонга ўхшайсиз, биров паровоз бўлиб тортмагунча ўрнингиздан жилмайсиз!» дегани бежиз эмас. Ҳолбуки, ҳар бир нормал одамни табиат ўз маънавий «мотори» билан бирга яратган. Гап ана шу моторни ишга туширишда, одамнинг инсонлик шахсини, мустақил фикрини, ғурурини уйғотишда. Тасаввур қилинг, ўз «мотор»ини ишга солиб, унинг кучи билан қанча маънавий юксакликларни эгаллаши мумкин бўлган одам (дейлик, Ойшахон) мутелик психологияси тўфайли ўзини ҳам хор қилиб, бошқа бир яхши одамни ҳам «шатакчи»га айлантриб, унинг қўлини боғлаб ўтурса, бунга лоқайд қараб туриб бўладими!

Лекин кўр-кўрона итоаткорлик, мутелик ва эскича қобил-мўминлик Ҳақимов, Давлатбеков, Исмаил бобо каби амалпарастларга қўл келади. Ҳолбек отасига кўр-кўрона итоаткор бўлиб юрган кезларида унинг кутқуси билан Хулқарга ўқ отади, Авазани ярадор қилади, тоғдан тутиб келган кийигини шафқатсизларча бўғизлайди. Инсон шахсини, унинг маънавиятини ичдан бўйиб ўстирмайдиган, яхши одамларни «шатакчи»га айлантриб қийнайдиган, ёмон одамларнинг қўлида эса қурол бўлиб хизмат қиладиган кўр-кўрона итоаткорлик, мутелик психологиясига қарши тугён билан асар ёзишимизнинг боиси ҳам ана шу.

Танқидчи. Сизнинг аввалги асарларингизда мутелик кайфиятидан халос бўлиш, инсон эркини бўғадиган эскича тушунчалар, жаҳолат илдиз отган муҳитдан чиқиш,

маданият қулф урган шаҳар муҳити, тенглик асосига қурилган оилавий турмуш гўё идеал ҳаёт сифатида берилган эди. Кейинги асарларингизда эса бошқача манзарага дуч келаемиз. Энди бу ерда аввалги асарлар қаҳрамонлари учун ширин орзу, идеал бўлиб туюлган шаҳар ҳаётининг, қолоқ тушунчалардан халос маданий оиланинг ҳам ўзига хос ички мураккабликлари, зиддиятлари очилади. Кўринадики, цивилизациядан йироқ чекка қишлоқлардагина эмас, маданият ўчоғи бўлмиш марказнинг ўзида ҳам одамларни қийнайдиган, уларнинг осойишта турмушига, камолотига тўсиқ бўладиган беҳисоб ғовлар, муаммолар мавжуд экан. «Уч илдиз»даёқ Зокир—Фарида—Наримон муносабатлари орқали янгилик либосига инсон шаънини ерга урадиган бетайин тушунчаларга муносабат билдирилган эди. «Олмос камар»да, хусусан Алибек образи талқинида бу масала хийла кескин қилиб қўйилган. Шунингдек, бу ерда ҳар жиҳатдан янгича кўринган, Аброр билан Вазирани оилавий турмуши ҳам ички зиддиятларга тўла. Улар кўп ҳолларда бир-бирларини тушунолмаётган азият чекадилар... Бу—ҳаётга чуқурроқ ёндашишнинг, асарларингизда реалистик принциплар чуқурлашиб бораётганлигининг бир аломати. Ахир сиртдан юзаки қараган одамгагина Аброр билан Вазира турмуши ҳар жиҳатдан беками кўст бўлиб кўриниши мумкин; улар севиб оила қуришган, иккиси ҳам тушунган, ўқи-мишли, маданиятли одамлар, ўғил-қизли, уй-жойли, сеvimли касб эгалари; гўё яшаш учун, бахтли ҳаёт учун ҳамма нарса муҳайё; лекин улар ҳамиша ҳам ўзларини тўла бахтли ҳис этабержамадилар. Уларнинг оромини олган хилма-хил ташқи омиллардан ташқари улар табиатидаги тушуниш, тушунтириш мушкул бўлган руҳий ҳолатларга эътиборни жалб этиб яхши қилгансиз. Демак, инсон шахси ниҳоятда мураккаб, янгича вазият янгича муаммоларни келтириб чиқараверади; инсон шаъни, эрки, бахтини сақлаб қолиш бу—бир умр давом этадиган, ҳар доим эътибор талаб қиладиган узлуксиз жараёнدير.

Езувчи. Ҳақиқатан, камолотнинг чеки йўқ. Мен юқорида маънавий мукамалликка ва тўлақонли ҳаётга астойдил интилувчи одамларнинг кўпайиб бораётганини айтганимда, улар кўзлаган мақсадларига осонгина эришяптилар, орзуларини дарҳол рўёбга чиқаяпти, демоқчи эмас эдим. «Кел, кун ўтса бўлди-да!» деб, ўз олдига каттароқ бир мақсад қўймасдан сувга ўхшаб нуқул нишоб томонга қараб юрадиган одамларгагина яшаш осон туюлиши мумкин. Лекин одам мустақил ҳаёт йўлига кириб, ўз маънавий «моторини» ишга солиб, орзу қилган юксаклигига интилгани сари унга тоғ йўлларида кўтарилиб боргандаги каби катта куч, бардош, чидам керак бўлаверади. Битта довонга кўтарилгандан кейин қарайсизки, олдинда яна ундан баландроқ довон турибди. Тирмашиб, ҳансираб, унисига ҳам қикиб бор-

сангиз, нарёқда э-ҳе, бутун умрингизга етиб ортадиган, балки сиздан кейинги ёвлодларгина чикиб бориши мумкин бўлган чексиз зўр маънавий юксакликлар турганини кўрасиз.

Маҳкам ва Очиллар учун энг муҳими — олий маълумот олиш, ўз севгилисига етишиш, халқига керакли одам бўлиш. Аброр билан Вазирада бу илдишлар аллақачон шакланган, улар ҳаётдан ўз ўрнини, инсоний қадр-қийматини ҳам топган. Саттор ёки Турсун Отажоновни қийнаган эрк ва маънавий мерос муаммоларини ҳам Аброрлар ўзлари учун ҳал қилишган. Демак, аввалги қаҳрамонлар интилан ҳамма довонлардан булар аллақачон ошиб ўтишган. Фақат ёш ва иш жиҳатдангина эмас, ҳаётий тажриба жиҳатидан ҳам, маънавият жиҳатидан ҳам Аброр билан Вазира Маҳкам ва Гавҳарлардан анча илгари кетган, деб ўйлайман. Обрў-эътибор, уй-жой, машина, фарзандлар — ҳаммаси уларда бор, энди беташвиш, осуда ва бахтиёр ҳаёт кечиришигина қолгандай кўринади.

Агар улар ўзларига берилган имкониятларни ва эришган ютуқларини фақат шахсий роҳат-фароғатларига хизмат қилдирсалар эди, мазза қилиб даврон суришдан бошқа ишлари бўлмас эди. Бутун гап шундаки, одам маънавий камолот юксакликларига кўтарилгани сари, ундаги бурч, масъулият ҳисси ҳам ўсиб бораверади. Виждони бор самимий одамнинг энг қаттиққўл ҳақами — унинг ўзида, дилида бўлади. Аброр фақат ишдаги ўз вазифасинигина эмас, уйдаги оталик ёки фарзандлик, эрлик ва қайнилик бурчини ҳам бажармагунча ана шу ички ҳакам унга тинчлик бермайди.

Қуш уясида кўрганини қилар, дейдилар. Уйда яқин одамлари учун жон койитиб ўрганган одам маҳаллада ҳам, ишхонада ҳам бошқаларга тезроқ ёрдамга етиб боради. Фақат «ўзим бўлай» дейдиган, биров учун сал жон койитиш керак бўлса саратонда қўли совқотадиган, фойда чиқадиган жойда лўлининг эшагини сугоришдан ҳам қайтмайдиган одамлар оз эмас. Маълум бир тоифа кишиларда бунақа худпарастлик тобора газак олиб борапти. Шунинг учун мен Аброр билан Вазирадаги ҳамият, меҳру оқибат, жонкуярлик каби фазилатларни қўлимдан келганича жозибали қилиб кўрсатишга интилдим. Эҳтимол, бошқаларга яхшилиқ қиламан деб, улар ўзларини ортик даражада қийнаб қўйгандай кўринишар. Лекин чинакам яхши одам бўлиш ва бошқаларга астойдил яхшилиқ қилиш ҳеч вақт эсон бўлган эмас. Бунинг учун баланд довонга юк кўтариб чиқаётгандаги каби ҳар қадамда жон койитиш, бор кучларни сафарбар қилиш, энтикиб, ҳансирашга матонат билан бардош беришга тўғри келади. Бунинг учун белни доим бақувват тутадиган маънавий камолот камари керак бўлади.

Танқидчи. Худди шу ҳаётий ҳақиқат ва зарурият тақозоси бўлса керак, Сизнинг

қаҳрамонларингиз талқинида инсонлик шаъни, эрки, ғурури билан ёндош ҳолда унинг масъулияти, бурчи туйғуси муҳим ўрин тутади, балким бу туйғу бора-бора Сизда олдинги ўринга ўтиб борапти. Асарларингиздаги эрк билан бурч туйғуси талқинида муҳим ички боғлиқликлар билан бирга маълум зиддиятлар ҳам мавжудлигини пайқаш қийин эмас. «Эрк»да мутелик, тобелик, итоаткорликка қарши, боя айтилганидек, зўр исён бор, айтилган пайтда Сатторнинг ўз майлига, бинобарин эркига зид бориб Ойшахонга мадад қўлини чўзиши катта хайрихолик билан қаламга олинган. «Юлдузли тунлар»да бошда Хонзода бегим кўнгли чопмаган одам билан турмуш қуришга қарши туғён кўтаради, иниси Бобир уни бу борада қаттиқ ҳимоя қилади. Нарироқ бориб Хонзода бегим вазият тақозосига кўра Бобирини асраб қолиш ниятида онгли равишда аввалгисидан юз чандон оғир кўргиликка ўзини мубтало этади — ашаддий рақиб Шайбонийхон шартига розилик билдиради, унинг никоҳига ўтади... Бу ерда энди қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати катта жасорат тарзида берилган.

Ёзувчи учун энг қийини мана шундай мураккаб, зиддиятли, мушкул вазиятларни, персонажларнинг ўша тобдаги руҳиятини ифодалаш бўлса керак. «Эрк»да-ку Сатторнинг мушкул вазиятдаги руҳий изтироблари анча дуруст берилган, лекин афсуски, «Юлдузли тунлар»да биз ўз қадрини, шаънини ниҳоятда баланд тутадиган аломат аёлнинг бу қадар оғир кўргуликларни бўйнига олиши унинг учун қанчалар қимматга тушганлигини етарли ҳис этолмаймиз, шу мушкул вазиятлардаги аёл ҳолати бевосита тасвир этилмайди, кейинроқ берилган шу хусусдаги маълумотлар эса вазиятни жонли, бугун драматизми билан гавдалантиришга қодир эмасдай кўринади.

Ёзувчи. Бурч тўғрисида юқорида гаплашдик. Энди Хонзода бегимнинг хон ҳарамида бошидан кечирган оғир кўргуликлари нега бутун драматизми билан гавдалантирилмагани масаласига келсак, менга бу унчалик зарур туюлмаган эди. Чунки Хонзода бегим бош қаҳрамон эмас. Хон ҳарами эса алоҳида бир олам. Унинг тасвирига алоҳида боб ёки сюжет чизиги ажратсам, нариёқда бош қаҳрамон қолиб кетади. Мен Хонзода бегим тақдирининг фақат Бобир тақдири билан чапишган нуқталаринигина кўрсатиш имконига эгаман, бошқасини роман композицияси кўтармайди, деган фикрда эдим.

Танқидчи. Эътиборингизни бошқа бир муаммога тортмоқчиман. Адабиётнинг миллийлиги мазкур адабиёт мансуб бўлган халқ турмушининг ўзига хос томонлари, муаммолари билан белгиланади. Айтилик айти «Қорз кўзлар», «Эрк», «Олмос камар» қаҳрамонларини қийнаган муаммолар, улар бошига кулфатлар келтирган одат-таомиллар бошқа халқлар, масалан руслар ёки латишлар ҳаётида учрамасли-

ги мумкин. Халқ турмушининг шу хил жиҳатларини четлаб ўтиш, табиийки, ҳаётдан ажралиб қолишга олиб боради; айни пайтда халқ ҳаётининг шу хил ўзига хос муаммолари, икир-чикирлари билан ўралашиб қолиш хавфини ҳам туғдиради. Шахсан Сиз миллий турмуш тарзини жуда кенг ва батафсил таҳлил этаётганингизда шу хил мушкулотни ҳис этганмисиз?

Ёзувчи. Бу мушкулотни китобларим рус тилига таржима бўлаётган пайтларда кўпроқ ҳис қиламан. Чунки бизни она тилимизда ўқийдиган китобхона билан ҳаётиимизни ўзимизчалик ичдан билмайдиган китобхона орасида анчагина ўзгачаликлар мавжуд. Шу сабабли маълум бир миллий муҳитда яшайдиган одамга муҳим ва долзарб туюлган муаммолар бошқа миллий шароитда шаклланган одамга у қадар етиб бормаслиги мумкин. Бунинг ҳисобга олган ҳолда асарларимиз рус тилига таржима бўлаётган пайтда уни бутуниттифоқ китобхонага ҳам етиб борадиган даражага етказиш учун баъзи бир қўшимча меҳнатлардан қочмаслигимиз керак. Хусусан, асар ёзилмасдан олдин уни ўйлаш, ҳаёлда пишитиш жараёнида бутуниттифоқ, балки умумжаҳон адабиётининг талабларига ҳам жавоб берадиган энг ёрқин, энг кучли инсоний тақдирлар ва характерларни топишга интилишимиз керак. Айни вақтда, асарларимизни она тилимизда ўқийдиган китобхоналарнинг талаб ва эҳтиёжларини писанд қилмасдиқ, уларнинг устидан «сақраб» ўтиб кетмоқчи бўлсак, ўз бурчимизга хилоф иш қилган бўламиз. Чунки биз ўз халқимизнинг адабий-бадиий тараққиёти ва камолоти учун жавобгар кишилармиз. Бу борада ўзимиз қилишимиз керак бўлган ишни бошқа халқларнинг ёзувчилари зиммасига юклай олмаيمиз. Умуман, ўз халқи олдидаги фарзандлик бурчини яхши бажаролмаган одам бошқа халқлар олдидаги интернационаллик бурчини ҳам яхши адо этолмайди. Ўз қадрини билган одамгина ўзгаларни ҳам астойдил қадрлай олади.

Танқидчи. Маълумки, инқилоб арафасида яратилган илк реалистик проза ва драма намуналарида қолюқ одатлар кескин қораланади, шухрат, бемаъни тўй-ҳашамлар деб ўзини курбон этган кимсалар қисмати алам билан ифода этилар эди. Шу хил мотив кейинги пайтларда, ўзгача кўринишда; албатта, гўё қайта жонланяпти. «Қора кўзлардаги Мадаминжон қиссаси», «Олмос камар»даги Аъзам ота қисмати, яна бир қатор асарларни назарда тутяпман. Бунинг Сиз қандай изоҳлайсиз?

Ёзувчи. Назаримда Мадаминжоннинг бошига тушган кўргилик ҳам, Аъзам отанинг қисмати ҳам фақат тўй драмасидан иборат эмас. Эсингизда бўлса, Мадаминжоннинг хотини Маъсуда колхозда кетмончи бўлиб ишлайди, мавсумда беш-олти тонна пахта териб, мукофотлар олади. Янги ҳаётнинг талаби бехад зўр, унга бир

одамнинг кучи тўлиқ кетади. Бунинг устига яна уйда тиним йўқ. Маъсуда «хўра» бўлишдан қўрқиб дуруст овқатланмайди, «курортга борган аёл ҳаёсини» йўқотармиш» деб дам олмайди. Шу тарзда камқон бўлиб, дармони кетиб юрганининг устига ҳалиги тўй даҳмазаси қўшилади-ю, фожиага олиб келади. Аъзам ота эса Тошкентни қайта қуриш натижасида ҳовлиси-дан ажралиб, янги жойга участка қуради. Урбанизациянинг суръати зўр, янгича талаблар шу қадар каттаки, уларга жавоб бериш учун одам бутун кучини сарфлаб қўяди. Эскича урф-одатларнинг юкини кўтариш эса соғлиқ ва асаб ҳисобига бўлади. Янгича талабларга эскича урф-одатлар аралашши ташвишни бир неча бор ошириб юбораётганидан нолиб юрган одамлар ўзимизнинг зиёлилар даврасида ҳам оз эмас.

Турмуш маданияти маъмурчиликдан орқада қолаётган жойларда тўқликдан ҳар хил шўхликлар чиқаётгани, хўжа кўрсинга иш қилиб ўрганган шухратпараст одамлар тўйларда ҳам турли бидъатларни авж олдираётгани, яна бунинг устига эски замонда оддий меҳнаткаш халқ орасида кам тарқалган ичкиликбозликлар қўшилаётгани ўзингизга маълум.

Ишда ҳам, ижодда ҳам мис устига зар қоплаб, уни олтин ўрнида ўтказиб ўрганган қаллоб одамлар бугунги илмий техника революцияси, ҳозирги тўқчилик ва маъмурчилик бераётган янги имкониятларни ҳам эски урф-одатлар тегиригига қўйиб, шу йўл билан обрў-эътибор қозонишга интилоқдалар. Менимча, адабиётимизнинг олдинги даврларида масала бу тарзда қўйилган эмас эди.

Танқидчи. Шундай ёзувчилар борки, уларни маъшиий ҳаёт, ишлаб чиқариш икир-чикирлари унчалик қизиқтиравермайди, уларни кўпроқ кундалик турмушдан, турмуш икир-чикирларидан баландроқ туриш, тасаввур, фантазия билан иш кўриш, ҳаётнинг инсон кечинмаларининг кўтаринки, олий нуқталарини ифода этиш йўлидан борадилар. Уларни биз романтик услубга мансуб ёзувчилар деб ҳам атаймиз. Яна шундай адиблар борки, улар маъшиий ҳаёт, турмуш икир-чикирларини бутун тафсилоти билан кўрсатишга, энг кичик ҳаётий деталларни ҳам эътибордан соқит қилмасликка, турмуш деталларининг аниқ, ҳаққоний, ҳаётий бўлишига интиладилар, гўёки улар тафсилотлар, деталлар тили билан сўзлайдилар. Бу хил ёзувчиларни услубдаги изчил реалистлар деб юритамиз. Баъзан мунозараларда бу икки услубий йўналишни бир-бирига зид қўйиш, чунончи изчил реалистик улубни «эскирган»га чиқариш, уни «зерикарли» деб аташ, имкониятларини торайтириб кўрсатиш, изчил реалистларни эмпиризмда, натурализмда айблаш ҳолларига ҳам дуч келамиз... Сизни кейинги услубий йўналишга мансуб дейиш мумкин. Шу йўналишнинг бир вакили сифатида мавжуд бахсларга,

изчил реализмнинг имкониятлари, истиқболи масаласига қандай қарайсиз?

Ёзувчи. Баъзи мунаққидларимиз ўзларини салобатли олим қилиб кўрсатгилари келганда янги, асарга «эмпиризм, натурализм» деган айбларни тақиб танқид қилдилар. Хусусан, номи чиққанроқ ёзувчининг янги асарини оддий одам тезда тушунолмайдиган «изм»лар калтаги билан урса, ҳамма уни «билимига яраша журъати ҳам зўр экан!» деб мақтайдигандек бўлади. Аслида, кўпчилик бунинг жўн, арзон бир обрўпарастлик эканини сезиб туради.

Реализм тўғрисидаги Сизнинг гапларингизга келсак, бу менга 1978 йили «Литературная газета» саҳифаларида «Миф ва реаллик» деган мавзуда бўлиб ўтган қизғин мунозараларни эслатади. Уша мунозара пайтида ҳам реализмнинг романтизм билан, ҳатто эртақ ва миф билан чатишган нуқталари тўғрисида сўз кетди. Гап шундаки, романтик тасвирга мойил реалистларда ҳам (дейлик, Чингиз Айтматовда) жуда кучли бир изчиллик бор. Сиз «изчил реалист» деб атаган ёзувчилардан бири мен бўлсам, гапни турмуш икир-чикирларидан бошлаган асарларимда ҳам доим инсон руҳи ва кечинмаларининг мен билган энг олий, энг юксак нуқталаригача чиқиб боришга ҳаракат қиламан. Инсоний камолот ва бахт-саодатга интилишнинг ўзи илгари замонларда кўпроқ романтик ёзувчиларда учраб, айрим реалистлар эса инсоннинг ҳар жиҳатдан камол топишини амалга ошмайдиган бир утопия деб билишар эди. Ҳозир ҳам шунақа реалистлар оз эмас.

Хуллас, реализмни ҳар хил бўлақларга бўлиб чиқиш ҳайқириб оқиб ўтаётган дараёни парчалаб, турли йўналишларга бўлиб юборишдай гап. Бу дараёда умумий оқимга қарши бораётгандек кўринувчи тўлқинлар, гирдоблар учраши мумкин. Лекин синчиклаб қарасангиз, ўша гирдоблар ҳам, айланиб-айланиб яна дарёнинг умумий йўналишига қараб оқиб кетаётганини кўрасиз.

Реализмни улуғ бир дарё, дедик. Биз одатдаги дарёдан каналларга, ариқларга сув оламиз, унинг обиҳаётини ҳар бир эгатга, ҳар бир ўсимликнинг тагига олиб борамиз. Бу обиҳаётдан бир жойда гул ўсса, иккинчи жойда мевали дарахт, учинчи жойда яна бошқа керакли гиёҳ ўсади. Битта дарёнинг сувини ичган дарахтлар ва гиёҳлар қанчалик хилма-хил бўлсалар, ягона реализм дарёсидан бахраманд бўлган турли-туман талантларнинг берган адабий маҳсулотлари ҳам ўшанчалик хилма-хилдир.

Биз бу хилма-хилликнинг сабабини фақатгина ўсимликлар ичган сувнинг таркибидан изламаймиз. Чунки тупроқнинг таркиби ҳам, ўсимликларнинг ички генетик хусусиятлари ҳам — барчаси биргаликда ўша хилма-хиллигини келтириб чиқаради. Шунга ўхшаб, турли реалист ёзувчиларнинг ижодларидаги хилма-хиллик адабий жараёни ўрганиш орқали эгалланадиган

реалистик эътиқодлар, усуллардагина эмас, балки мазкур ёзувчидаги талантнинг ўзига хослигидан ҳам, у яшаб турган ҳаётдан ҳам, давр кўеши берган ҳароратдан ҳам келиб чиқади.

Адабий талант — ҳақиқатни очишга хизмат қилувчи бир қурол, восита. Шунинг учун ҳар бир катта талант реализмнинг ҳақиқатни чуқурроқ очишга хизмат қилувчи қуроллари ва воситалари сафини кенгайтиради. Шу маънода ҳар бир катта истеъдод реализм дарёсига бирон томчи янгилик қўшади. Бу томчи таркибида шу талантнинг ўзига хос ҳиди ва уни етиштирган заминнинг такрорланмас хусусиятлари бўлмай иложи йўқ. Китобхонларни ҳам ҳар бир гулнинг ўзгача ҳиди ва турли халқларнинг такрорланмас маънавий тажрибалари кўпроқ қизиқтиради. Олимларимиз реализм масаласига мана шунинг ҳаммасини ҳисобга олиб ёндашганларидагина кутилган натижа келиб чиқади, деб ўйлайман.

Танқидчи. Изчил реализмни натурализм ва эмпиризмдан фарқ қилиш керак. Чуқур эстетик маъно ташийдиган, ҳаёт ҳақиқатини, ички қонуниятини, моҳиятини очиб берадиган батафсил тасвир — бу реалистик тасвир демакдир... Лекин, очик айтмай, «Олмос камар»нинг баъзи ўринларида чуқур маъно ташимайдиган икир-чикирлар тасвири ҳам учрайди. Болани ит қошиши, кампирни операцияга ётқизиш тафсилотлари, шаҳар архитектурасига доир машамаларнинг изчил ифодаси ўқувчини бир оз толиқтиради.

Ёзувчи. Роман русчага сатрма-сатр таржима бўлгандан кейин уни бадий таржимага тайёрлаш учун яна бир қўлга олдим. Шунда романнинг баъзи нуқсонлари ўзимга ҳам кўрина бошлади. Келгуси нашрларида мен унга айрим таҳририй ўзгаришлар, қисқартириш ва қўшимчалар киритмоқчиман. Албатта бу ҳаммаси роман орқали айтмоқчи бўлган фикрларимдан воз кечиш эмас, аксинча, уларни янада яхшироқ очишга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Танқидчи. Сизнинг тарихий романга мавзу қилиб Бобир ҳаётини танлашингиз тасодифий бўлмаса керак. Сизнинг шахсий, услубий манерангиз, қолаверса студентликда олган тарихчилик ихтисосингиз худди шундай мавзуну тақозо этади. Гап шундаки, Бобир ҳаётига оид ҳужжатлар яхши сақланган, аввало Бобир даврини, саргузаштларини бутун икир-чикирларигача гавдалантирувчи «Бобирнома»дек ноёб хазина бор. Мен аминманки, шу хил муҳаммал, сертафсилот, аниқ, ишончли ҳужжатлар бўлмаганида тарихий романга қўл уришингиз, тасаввур фантазияга таянибгина йирик асар яратишингиз қийин эди.

Ёзувчи. «Бобирнома» ҳақида менинг фикрим қанчалик баланд экани, бу асарни мен Навоийнинг «Ҳамса»сидан кейинги энг улуғ классик асаримиз деб билишим романдан маълум. Замонавий асар ёзганимда бугун кўз олдимда турган ҳаёт менга қан-

чалик кўп нарса берган бўлса, тарихий асар ёзганимда «Бобирнома», қисман «Хумоюннома» ҳам менга шунчалик кўп нарса берди.

Танқидчи. Мен бу билан «Юлдузли тунлар» тасвири фантазиядан тамомила холи демоқчи эмасман. «Бобирнома»да ёки бошқа адабий-тарихий манбаларда бир-икки ўриндагина йилт этиб кўринган деталлар, ахборотлар бу ерда тасаввур кучи билан ёрқин картиналарга, муҳим эстетик маъно ташувчи жонли образга — тирик одамларга айланади, Ойша, Хонзода бегим ҳақида шунга айтиш мумкин. Тоҳир, Робия, Фазлиддин сингари персонажлар тўқима бўлса керак, чунки менга таниш манбаларда бу хил одамлар номи учрамайди. Хонзода бегим билан Фазлиддин орасидаги жавобсиз севги мулоқотлари ҳам тасаввурингиз маҳсули бўлса керак. Умуман романда аниқ ҳужжатлар билан фантазия, тасаввур нисбати хусусида нима дер эдингиз? Ҳар ҳолда оқибат натижада романда тасаввурга, ҳаёлга кўра ҳужжатларнинг салмоғи ошиқроқ экани аниқ.

Ёзувчи. Романдаги тарихий ҳужжатлар билан тасаввур ва фантазиянинг нисбати замонавий асарларимдаги бугунги ҳаёт ва унинг тасвири орасидаги нисбатдан унча кўп фарқ қилмайди. Фақат ташқаридан қарагандагина романда ёзувчи тасавури ва фантазиясидан кўра ҳужжатларнинг ўрни, салмоғи ошиқроқ туюлади. Лекин аслида ундай эмаслигини кўрсатадиган бир-иккита мисол келтирай.

Бобир ўз отасининг каптархона билан жардан йиқилиб ҳалок бўлганини фақат қисқа бир жумлада ёзиб кетган. Одам жардан йиқилиши мумкин. Лекин каптархона, яъни бино нега йиқилади? Буни аниқроқ тасаввур қилиш учун мен Наманган областининг Тўрақўрғон районида бориб, эски Ахсикет турган ўша тепалиқни кўрдим. Ҳали ҳам бир неча терак бўйи келадиган жар тагидан дарё оқиб турибди. Бу ердан каптарлар осмонга яхши учган бўлсалар керак. Лекин подшо одам оғир уруш пайтида каптархонада нима иш қилиши мумкин? У пайтда ҳозирги алоқа воситалари бўлмаган. Отлиқ чопарлардан хабар келавермагач, Умаршайх мирзо қанотли чопарларни ишга солмоқчи бўлган, каптарни ўзи учиргиси келган. Жар тегини эса дарё кемириб қўйган... Мана шу тарзда, бир неча сатрлик тарихий факт фикр ва фантазиянинг ёрдами билан юзлаб сатрлардан иборат бобга айланди.

Қувада кўприк синиб кетиб, Самарқанд қўшинининг катта талафот кўргани ҳам «Бобирнома»да бир неча сатрлик маълумот тарзида айтилган. Бу ҳодисанинг сабаблари эса кўрсатилмагән. Аммо урушдан безган оддий халқ вакиллари ҳам ёвга қарши бирон чора излаган бўлишлари керак. Мана шу тахмин билан Тоҳир ва унинг жўралари кўрсатган жасорат ўйлаб топилди. Бу ердаги бир неча сатрлик тарихий факт ҳам бутун бир бобга айланди.

Сиз Тоҳирни тўқима образ дебсиз. Лекин

унинг ҳам тарихий асоси бор. Бобир мирзо умрининг охирида тожу тахтдан воз кечмоқчи бўлади, бир гушада Тоҳир офтобачи билан бирга турмоқчи эканини айтади. Бобирдай улкан сиймо бутун сарой аҳлидан кўра битта офтобачини ўзига яқинроқ олган бўлса, демак Тоҳир унга жуда кўп яхшиликлар қилган, ниҳоятда қадрдон бўлиб қолган... Биргина жумлада айтилган мана шу факт ёрдамида Тоҳирнинг бутун таржима ҳолини ўзимча тасаввур қилиб топдим.

Рассомлар қадимги замонлардан қолган суякларга қараб, уларнинг этини ўзларича тасаввур этиб ҳақиқатга тўғри келадиган расмлар чизадилар. Мен ҳам асосан мана шу йўлдан бордим. Аслига содиқлик жиҳатидан романда тарихий ҳужжатларнинг аҳамияти жуда катта. Лекин тирик вужудда суякдан кўра эт оғирроқ бўлишини биласиз. Шунга ўхшаб, бу романда ҳам фактдан кўра тасаввур маҳсулининг салмоғи ортиқроқ, деб ўйлайман.

Танқидчи. Менинг назаримда «Юлдузли тунлар»да тарихий фактлар, материаллар юки оғирлик қилиб кетгандай туюлади. Ахир романда салкам қирқ йиллик воқеалар қамраб олинган: юзга яқин персонаж — тарихий ёки ҳаётда ўтган шахслар гавдалантирилган, асарда ифодаланган географик муҳит ҳам ниҳоятда кенг — ҳодисалар Ахси кўрғонида, Андижонда бошланиб бутун водий, бу ёғи Тошкент, у ёғи Ҳисор тоғлари Афғонистон бўйлаб Ҳиндистонда интиҳосига етади. Қанчадан қанча тарихий воқеалар, жангу жадаллар қаламга олинади. Буларнинг ҳаммаси бир романга жо этиш ниҳоятда мушкул экани аён. Шундан бўлса керак, кўп ўринда тасвир суръати тезлашиб кетади, баъзан жонли картиналар ўрнини ахборотлар эгаллайди...

Ёзувчи. Қуруқ ахборотга мен ҳам қаршиман. Бадиийликдан бутунлай маҳрум бўлган ахборотни романга йўлатмасликка ҳаракат қилганман. Лекин эпик кўламдаги катта асарда тарихий воқеаларнинг ҳаммасини фақатгина жонли тасвирда бериб бўлмайди. Бу ўринда танқидчиларимиз эпик асарни лирик ёки лиро-драматик турларнинг гази билан ўлчамасликлари керак. Лирик қисса ёки шеърда «Уруш ва тинчлик»даги каби тарихий фалсафий муқаддималарни, хотималарни, мунозараларни бериб бўлмайди. Лекин «Тинч Дон»да ўта ёрқин жонли картиналар билан бирга тарихий воқеаларнинг эссе шаклидаги ёки хроника тарзидаги қисқача ифоделари ҳам учрайди, эпик жанрнинг табиати буни тақозо қилади.

Агар, дейлик «Ўтган кунлар»нинг хотимасидаги қисқача маълумот — Ёдгорбекнинг бир ўғли қандай қилиб инқилоб томонга ўтгани, иккинчиси қандай қилиб босмачиларга қўшилгани жонли картиналарда, «тасвир суръати тезлашмаган ҳолда» кўрсатиладиган бўлса, бунга яна битта романининг майдони керак бўларди. Аслида эса бунинг ҳожати йўқ эди.

Ўзингиз айтганингиздек, «Юлдузли тунлар»нинг воқеаси салкам қирқ йил даво-

мида, учта катта мамлакатнинг майдонида, беш-олтита давлатлар доирасида бўлиб ўтади. Янги-янги давлатлар ва сулолаларнинг пайдо бўлиши, эскиларининг инқирозга учраб тарих саҳнасида тушиши — буларнинг ҳаммаси қамраб олинмаса, романда мен кўзлаган мақсад амалга ошмас эди. Лекин қамраб олинган шундай улкан, шунчалик хилма-хил воқеалар ва тақдирларнинг ҳаммаси бошдан оёқ фақат жонли картиналарда тасвирланадиган бўлса, бу беш-олти жилдга ҳам сиғмай кетарди. Бу ерда гап фақат ҳажмда эмас. Гап эпик жанрнинг иқомиятларидан тўлиқ фойдаланишда. Албатта эпик асарлардаги хотима ва публицистикалар ҳам ҳароратли тил билан бадиийлик қонунлари асосида ёзилиши керак. Лекин шунда ҳам бу — Сиз истагандек жонли картина бўлолмайди.

Боя факт билан тасаввурнинг нисбатини эт билан суякнинг муносабатига ўхшатган эдик. Тирик вужуднинг бемалол ҳаракатланиши учун тизза ва тирсакка ўхшаган жойларда суяк бўртиброқ туради. Эпик асарда айрим тарихий воқеалар публицистика ёки хотима тарзида берилганда факт худди этсиз тирсак суягига ўхшаб туртиб туриши лирикага ўрганган одамларга унча ёқмаслиги мумкин. Лекин эпик асар, лирикани ва драматизмни ҳам ўз ичига олган ҳолда, ҳаётни иложи борича кенг кўламда гавдалантириши билан қадрлидир. Бор бўйича гавдалантирилган ҳаётда чиройли юз, шахло кўзлардан ташқари тирик вужуднинг ҳаракати учун жуда зарур бўлган «тирсак»ларнинг ҳам бўлиши қусур саналмаслиги керак.

Таниқдчи. Йирик эпик асарда тасвирнинг бошдан оёқ бир текисда бўлиши шарт эмас, мен буни талаб этаётганим йўқ; лекин менга «Юлдузи тунлар» даги фактлар қамрови билан унинг ифодаси орасида маълум номутаносиблик бордай туюлади, шунга таъкидламоқчи эдим. Ҳар ҳолда мен Сиз танлаган материални ҳеч бўлмаганда икки китобга жо этилишини истардим... Ниҳоят, «Юлдузи тунлар»нинг тил хусусиятлари тўғрисида. Ҳар қандай услубий йўналишда бўлгани каби ҳаётни айни ўзидай кўрсатишга, деталларнинг ҳаққоний бўлишига интилувчи изчил реализм учун ҳам шартлилик ёт эмас. Бадиий тасвирнинг бошқа томонларида у қадар сезилмаса ҳам, «Юлдузи тунлар»нинг, шунингдек замонавий мавзудаги асарларнинг тилида, аниқроғи қаҳрамонлар нутқида шартлилик хийла кучли. «Уч илдиз» ва «Қора кўзлар»даги бир-икки қаҳрамон нутқида учрайдиган шева элементларини мустасно қилганда, деярли кўп қаҳрамонларнинг — Маҳкам билан Гавҳар, Акбаров билан Тошев, Очил билан Замира, Аваз

билан Ҳулқар, Замонали билан Мансуров, Ёлқин билан Турсун, Саттор билан Максимич, Розия ва Ойшахон, Вазира Аббор — гоёт хилма-хил табиатли, турли савия ва касбдаги шахслар барчаси айтарли бир хилда — фалсафий мушоҳадага, образликка мойил зиёлиларга хос йўсинда сўзлайдилар. Шуниси ҳам борки, бу ҳол характерларни индивидуаллаштиришга у қадар монелик қилмайди. Бир вақтлар қаҳрамон нутқини индивидуаллаштиришда уни бошқалардан фарқ қиладиган жиҳатларига, адабий тил нормаларидан узоқроқ шева элементларига, хунар-касб лексикасига алоҳида урғу берилар эди. Тажриба шуни кўрсатаётки, характер индивидуаллигига эришиш учун бу унчалик шарт эмас экан... Кейинги пайтларга қадар тарихий асарларда тил колоритини сақлаш, яъни қаҳрамонларни ўз даври тилида сўзлатишни бир қонун деб қаралар эди. Ойбекнинг «Навоий» романидан кейин деярли барча тарихий мавзуда қалам тебратган адиблар тил бобида Ойбек анъанаси йўлидан бордилар. «Меъмор», мана энди «Юлдузли тунлар» тажрибаси шуни кўрсатаётки, ўтмиш кишилари нутқини мумкин қадар бугунги тилимизга яқинлаштириш — тарихийлик принципига зид бўлиб тушмас экан, бу билан ҳам тарихий колоритни ифода этавериш мумкин бўларкан. Ҳам тарихий роман муаллифи, ҳам бадиий проза тили тадқиқотчиси сифатида шу хусусдаги мулоҳазаларингизни эшитишни истар эдик.

Ёзувчи. Ойбекнинг «Навоий»си мен учун ҳам бир мактаб бўлди. Биз халққа бўлган меҳрни унинг бой тарихини ҳаққоний тасвирлаш орқали ифодалаш санъатини Мухтор Аvezов ва Ойбек каби устозлардан ўргандик. Бадиий тилга оид ишларни эса яна давом эттирмоқчиман. Ушанда Сиз айтган масалага махсус тўхталсам керак. Ҳозир йўл-йўлакай айтмоқчи бўлган бир мулоҳазам шуки, тарихий ёки замонавий колоритни, яъни рангни қаҳрамон нутқида ташқи бўёқ тарзида чаплаб ташлашдан ёмони йўқ. Чунки тил ҳамisha дилга боғлиқ. Агар қаҳрамоннинг дилида ўзи яшаётган даврнинг асосий хусусиятлари бор бўлса, буни иккита-учта махсус сўз ёки ибора билан бемалол ифодалаш мумкин. Бадиийликнинг энг асосий белгиси ҳам — оз сўз билан мумкин қадар кўп натижага эришишда экани ўзингизга маълум.

Пировардида битта илтимос бор — мен бу ерда айтган гапларни кичик бир тажриба ўрнида қабул қилинг. Ўз ижодим бўйича гапирганимда, нималарга эришганимни эмас (ҳали мен эришолмаган нарсалар беҳад кўп), балки нималарга интилганимни айтмоқчи бўлдим.



СЎЗ СЕҲРГАРИ

Халқларнинг поэтик адабий тилини ҳар томонлама бойитиш тарихида ёзувчилар, шоирларнинг роли беқиёсдир. Улар ўз асарларида янги сўзлар ишлатиш ёки қўлланилган сўзларга яна қўшимча маънолар бериш орқали тилни бойитишга хизмат қилдилар. Жаҳон адабиётининг классикларидан Шекспир инглиз, Сервантес испан, Бальзак француз, Пушкин рус, Ғолибий озарбайжон, Руставели грузин, Махтумқули туркман, Навоий ўзбек халқи маданиятини ривожлантиришда катта ҳисса қўшганлар.

Ҳар бир тилнинг сўз бойлиги ёки сўзларнинг миқдори шу тилларда ижод қилган адибларнинг асарларида қўлланган сўзларнинг сони билан тенг келмаслиги табиий ҳол бўлиб, бунда шоирлар асарлари лексикаси адабий тилдаги сўзларнинг маълум қисмини ташкил қилади. Ҳар хил сабаб ва воситалар билан шоирлар яшаган даврда адабий тилда кенг истеъмолда бўлган кўпгина сўзлар уларнинг асарларида учрамайди. Буни дунё аҳамиятига эга бўлган айрим тилларнинг сўз бойлиги асосида тузилган луғатлар ва шу тилда сўзлашувчи халқларнинг ўз асарларининг ҳам ижтимоий, ҳам бадиий қиммати билан танилган классиклари асарлари тили асосида тузилган луғатларни ўзаро қиёслаш яққол кўрсатади.

Маълумки, инглиз тили материали асосида тузилган машҳур Оксфорд луғатида тўрт юз мингдан ортиқ сўз, инглиз адабиёти классиги Шекспир асарлари тилида эса йигирма мингтадан ортиқ, испан тили изоҳли луғатида етмиш олти мингта сўз, испан классиги Сервантес асарлари тилида ўн тўққиз мингта яқин рус тилининг 17 томли изоҳли луғатида 120480 та сўз, рус адабиёти ва маданияти классиги А. С. Пушкин асарлари тилида 21197 та сўз қайд этилган.

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг икки жилдлик исхли луғати тузилиб босмага топширилган. У яқин ойларда нашрдан ҳам чиқади. Айрим манбаларда кўрсатилишича, ушбу луғатда ўзбек адабий тилининг олти мингдан ортиқ сўзларига изоҳ берилган. Бироқ, ўзбек луғатчилигида ўзбек адабиёти классиклари асарлари лексикасининг сонини аниқлаш ва уларни

ҳар томонлама ўрганиш масаласида кам ишлар қилинган. Шунинг учун ҳам бой маданий тарихга эга бўлган ўзбек халқи классикларининг ўз асарларида қанча сўз қўллаганини билмайди. Ҳаттоки, ўзбек классик адабиётини, эски ўзбек поэтик абадий тилини асослашда, унинг ҳамма томонларини материаллар билан бойитишда асосий роль ўйнаган Алишер Навоийнинг асарлари лексикаси статистик жиҳатдан ҳам XX асрнинг 70-йилларигача мукамал ўрганилмаган эди. Бу соҳада олиб борилган кейинги текширишлар шоирнинг назмий ва насрий асарлари тилида қайтариқларсиз 26035 та сўз учрашини кўрсатди. Алишер Навоий бу асарларида турли образлар яратишда, сўзларнинг кўпмаънолилигидан ҳам фойдаланишда катта ва қайтарилмас маҳорат намойиш этганки, уни мана шу 26035 та сўздан фақат бир «сўз» нуқтасини («сўз» каллима синининг маънолари ва унга маънодош синоним бўлган сўзлар заминиди) «Ҳазоийн ул-маоний» асари составидаги тўртинчи девони «Ғавоийд ул-кибар» («Кексалик нодирликлар»)даги материалларни кўриш билан қаноат ҳосил қилса бўлади.

Алишер Навоий биргина «Ғавоийд ул-кибар» асарида «сўз» сўзини саксон олти ўринда йигирма олти та ҳар хил маъноларда қўллайди.

Шу нарса аниқки, кўпмаъноли сўзларнинг бош ёки асосий маъносидан ташқари, яна ясама, кўчма маънолари ҳам бўлади. Тиллардаги сўзлар бир маъно ва кўп маънога эга. Тилларнинг бойлиги, одатда ундаги сўзларининг сони билан белгиланмай, балки маъноларига кўра баҳоланади. Қайси бир поэтик адабий тилда кўпмаъноли сўзлар кўп бўлса, ўша тилнинг бадиий тасвир воситалари кучли, таъсирчан ва луғат бойлиги катта бўлади. Кўпмаъноли сўзнинг асосий маъноси барча даврлар учун барқарор бўлиб қолмай, айрим кўпмаъноли сўзларнинг маъноларидан бири кўп қўлланиши натижасида шу давр учун асосий маъно роллида бўлишлиги тилларда фактлар билан кўрсатилган. Шунга кўра, сўзнинг бош, ясама, кўчма маъно турлари барча даврлар, тиллар учун ҳам нисбийдир.

Алишер Навоийнинг асарларида кўп уч-

рочви ва ўзбек адабиётининг улуғ шоирга замондош вакиллари ижодида ҳам қўлланган «сўз» сўзининг маъно тарихида юқоридаги ҳодиса рўй бермаган бўлса-да, унинг ушбу девонда қайд қилинган йигирма олти маъноси орасида ўзбек луғатшунослигида бош ёки асосий маъно сифатида қаралувчи маъноси активлиги жиҳатидан учинчи ўринда туриб, у калима, сўз, нукта маъносида саккиз марта учради:

Мен кинму кулмак сўзи,
чун гунча ичра жоладек,
Эларо иржаймади ҳаргиз
чу дилдоримга тиш
(258-бет).

Мисра, байтдаги ўз ўрнида топиб, маъно нозикликларига кўра сайланиб қўлланган сўзлар ғазалнинг ғоясини англашда асосий роль ўйнайди. Алишер Навоий мана бу байтда «кулмак», «сўз» сўзларини лексик-семантик алоқага киритиб,

«Мени кулишим, кулгим гунча ичига
тушган шабнамга ўхшайди,
Эл, халқ орасида, ҳатто дилдорим
ҳам тишимни кўрмаган»

каби маънони ифодалайди. Шуниси характерлики, ғазал байтларининг асосида «кулмак» маъноси туради, яна радиф сифатида «тиш» сўзи олинган. Улар бир-бирининг маъносини тўлдириб келади. Алишер Навоий байтдаги ҳар бир сўз маъносининг жилоланишини, улар оҳангдорлигини яқинлаштириш санъатини ҳам қўллайди. Мазкур байтнинг биринчи мисрасида «к» товуши уйғунлигини таъминлаб, мисраларда «чу», «чун» сўзлари орқали эса мисраларнинг ўзаро муסיқийлигини оширган. Бундан ташқари, шоир бу байтда оғиздаги тишини гунча ичидига жола-нам, шабнамга ўхшатиб, чиройли ва такрорланмас ўхшатиш ярата олган.

«Сўз» калимаси «Фавоид ул-кибар» девониде фикр маъносида энг кўп учраб, ун учта байтда келади:

Сўз демак бўлмас аларнинг
зулм ёхуд лутфидин,
Чунки ул кўпдин доғи кўптур,
бу камдин доғи кам
(399-бет).

Алишер Навоий аҳли замоннинг чидаб бўлмас ҳисобсиз зулмларидан ғазабланиб, байтда «уларнинг зулм ёхуд лутфи ҳақида фикр айтиб бўлмайди, чунки қилмишининг ҳаммаси зулм деган» маънони тингловчига тез ва тўғри етиб боришини таъминловчи восита, санъатлардан ҳам фойдаланган. Байтда «зулм-лутф», «ул-бул», «кўп-кам» каби маънавий санъат турларидан бири бўлган тазодларни қўллаган. Байтнинг иккинчи мисрасида лафзий санъатлардан бўлган тазодли қайтариқ санъатини яхши ишлатган: «ул кўпдин доғи кўптур, бу камдин доғи кам».

Кўпмаъноли «сўз» сўзининг маънолари орасида XV аср поэтик адабий тили учун бош маъно саналаётган маъносига кўра унинг бошқа маънолари «яқин ва узоқ маъно»лар нисбатида келади. «Сўз»нинг бош маъносига яқин маънолардан яна бири унинг «гап», «фикрнинг ифода воситаси» маъноси бўлиб, у девонда беш ўринда учради:

Ҳажру фурқат андуҳидин
телбалардек чекма ун,
Мастлардек сўз адосидин
қилма кўп айтиб узун
(670-бет).

Байтнинг мазмуни:

Айрилиқ, жудолик ғамидин
телбалардек йиғлама,
Маст кишилардек гапингни узун
қилма, гапни чўзма».

Шоир бу ўринда фикрни бўрттириб ифодаламақ учун синонимик қайтариқ санъати («ҳажру фурқат»)дан моҳирона фойдаланган. Байтнинг умумий оҳангдорлигини мисралардаги «телбалардек — мастлардек», «андуҳидин — адосидин», «чекма — қилма» каби поэтик боғланмалар юқори кўтарган.

Сўзлар маъносида даврларда содир бўладиган ўзгаришларни машхур филолог А. А. Потенбня «Тилнинг ривожидеги асосий ҳаракатлантирувчи восита» деб қаради, бу эса барча тилларнинг ривожланишидаги ҳаётий ҳақиқатдир. Алишер Навоий эски ўзбек поэтик адабий тилидаги кўпгина сўзларнинг маъносини тилнинг маъно ясаш қондаларини бузмаган ҳолда ўзгартиш, ўстириш учун ҳар хил ишлар қилди. Маълумки, ҳар қандай истеъмолда бўлган ва унда ҳар хил ёзма ёдгорлик намуналари яратиладиган тил икки хил кўринишда бўлади: жонли ва ёзма адабий тил. Улар бир-бири билан доим алоқадорликда бўлиб, бир-бирини ҳар томонлама тўлдириб туради. Буни «сўз» нуктасининг ҳар хил маъноларида кўриш мумкин. Ўзбек жонли сўзлашув тили таъсирида ясалган «сўз»нинг маъноларидан бири «гапирмоқ, сўзламоқ» бўлиб, бу хил маънода мазкур девонда олти ўринда келган:

Сўз айтса ҳам ўлубу ҳам тирилмакин
не ажаб,
Ким ўлса талх тақаллум,
эрур шакар посух
(118-бет).

Алишер Навоий бу байтда Шарқ поэтикасининг маънодошлиқ, тазод санъатларидан фойдаланиб, унда «Парининг аччиқ сўзлашишидан (талх тақаллум) ўлмоқ, ширин, ёқимли жавобидан («шакар посух») тирилмакка ҳеч ажабланма» маъносини ифодалашда «ўлуб-тирилмагим» каби оддий тазодни қўллаган бўлса, яна «талх тақаллум-шакар посух» сингари мураккаб қаршилантиришни ҳам келтирган. Шу икки мисрада яна Алишер Навоий тажнис санъатини ҳам ишлатиб («ўлуб-вафот қилиб, ўлса-бўлса») байтда товушлар уйғунлигини маълум даражада оширишга ҳам эришга-

нини кўрамиз. Шоир мисралардаги маъноларни бадий ифодалашда «сўз айтса-такаллум улса» каби маънодош-синоним бирикмаларни ўринли келтиради.

«Сўз»нинг жонли — сўзлашув тили ёрдамида ясалган яна янги бир маъноси «суҳбат»дир:

Хуснингга ўхшайди жонбахш сўзунг,
Кимки бор ўзи силиг,

сўзи силиг
(307-бет).

Алишер Навоий мисра, байтларнинг эмас, бир бутун ғазалнинг ҳам маъно, ҳам муסיқийлиги ва ҳам бадийлигини бир-бири билан уйғунлаштира олган, мослаштирган санъаткордир. Ушбу байт олинган ғазал ҳам юқорида кўрсатган ижодий талабларга ҳар томонлама мос келади. Биргина мана шу такрорлар воситасида чиройли ўхшатиш (сўзунг хуснингга ўхшайди, ўзи силиг, сўзи силиг)лар, оҳангдош сўзлар (ўзи-сўзи), сўзлар қайтариғи (силиг-силиг) ўзи силиг, сузи силиг каби тимсол санъати ва бошқа поэтик элементлари бор. Мана шулар воситасида шоир «Хуснунг ҳам, сўзинг ҳам руҳлантирувчи, Ақлли, доно кишининг сўзи ҳам чиройли бўлади» дейди.

«Сўз» суҳбат маъносида шу девонда тўққиз марта қўлланилган. Юқорида кўрсатилган «сўз»нинг гапирмоқ, суҳбат маъноларига яқинроқ яна бир «маслаҳат, ўғит» ясама маъноси бўлиб, у уч ўринда келган:

Рухпарвар сўзи бўлсун ўзидек,
Рухгустар ўзи бўлсун сўзидек,

(690-бет).

«Соқийнома»да учровчи бу бэйтда Алишер Навоий бутун даврларнинг шиори бўлган мана бу ғояни олға суради: «Маслаҳати, ўғити ўзидек руҳлантирувчи бўлсин, руҳ берувчи ўзи маслаҳати, ўғитидек бўлсин». Поэзия қайтариқ санъатининг, ниҳоятда гўзал кўринишини яратишда мисраларда айрим сўзларнинг ўрни алмаштирилган (сўзи, ўзи), бир сўз ҳар хил сўз ясовчи қўшимчалари билан (густар-ёювчи, тарқатувчи, парвар — тарбияловчи, қувватловчи, жонлантирувчи) фарқлантирилган. Натижада, байтда жамаи саккизта сўз қўлланса-да, аслида улар тўртта (руҳ, сўз, ўз, бўлсун) сўзнинг ҳар хил ўрин ва лексик-грамматик шаклларда келишидан ташкил топган. Яна бу байтда Алишер Навоий классик поэзиядаги тарсеъ, тарди акс (сўзи ўзидек-ўзи сўзидек) ва лафзий иштиқоқ (руҳпарвар — руҳгустар) сингари санъатлардан фойдаланган.

Кўп маъноли сўзларнинг бош ёки асосий маъносига яқин бўлган маънолари поэтиканинг ҳар хил усуллари воситасида ясалади. Айрим кўпмаъноли сўзнинг ясама маъноларининг кўпчилиги метафорик, баъзилариники метонимик ва яна синекдоха каби бадий усулларда ҳосил бўлади. «Сўз» сўзида синекдоха бадий усули билан ясалган «маъно», «хабар», «баҳо» каби

маънолар девонда бир мартадан учрайди:

Камсухан элни суханвар қилгай,
Ҳар сўзин уйлаки гавҳар қилгай

(693-бет).

Бурди бору малакивашқа итоатдурур
иш,

Шўх, шайтонсифат эшитса не сўз,
бош чекар

(727-бет).

Дур анга на сўз сифлаи нахс деб,
Қилур турку ҳиндуға зоҳир нифоқ

(732-бет).

Шоир биринчи байтни тарсеъ санъати қоидалари асосида битиб, унда яна синонимик қайтариқ (сўз, камсухан — кам сўзли, суханвар — кўп сўзли, маъноли) санъатини ҳам келтирган ва унда «Кам сўзли элни кўп сўзли қилди, ҳар маънони, сўзни гўё гавҳар қилди» дейди.

Кўпмаъноли сўзнинг метафора, метонимия, синекдоха орқали ясалган маъноларининг ҳам икки хил кўриниши бўлиб, улар ясама-тўғри ва ясама-кўчмадир. Текширилаётган «сўз» сўзининг ясама-кўчма маънолари «Фавоид ул-кибар»да ўндан ортиқ бўлиб, у қуйидагича кўринишларга эга: «Сўз» сўзи сир маъносини англатади:

Дедиму, ваҳ, демагай эрдим кош,
Ким десам сўзи ўзум қилдим фош

(714-бет).

Сўзларнинг, айниқса феъл туркумидаги сўзларнинг ҳар хил грамматик шакллари такрори орқали китобхонга маъно тез етиб боришга эришилади. Бу ўринда ҳам «демоқ» феълининг, антитеза бирлиги «дедим-демагай, демас»лар бор. «Сўз» сўзи мақтов маъносида келади:

Садодин оби ҳайвон қатраси
сеғирму ҳар сори,

Ва ё сўз дер замон дур сочилурму
лаъли нобидин

(462-бет).

Алишер Навоий ғазалларида муболаға, жонлантириш каби бадий усуллари ҳам кўплаб учрашини кўрамай. Бу байтнинг биринчи мисрасида ҳам муболаға, ҳам жонлантириш усулидан шоир яхши фойдаланган.

«Сўз» сўзининг яна бир кўчма маъноси ваъдадир:

Турмай оқса кўздин ашким не
ажабким, тавбадин,

Гарчи кўп сўз дедим, аммо бир
сўзумга турмадим

(413-бет).

Буюк шоир байт ва ғазалдаги маънони эмоционал ҳис-ҳаяжонли қилиб кучайтириб ифодалашда такрор-тасдир (турмай-турмадим) санъатидан фойдаланган. Бунда байтнинг бошланиши ва охирида ҳаракат маъносини билдирувчи сўзларнинг қўлланиши бадий алоҳидаликка эга.

Сўзнинг маънолари фақатгина текстларда яшовчи бўлади. Текст ёки мисралардаги ҳар бир сўз фақат бир маънони би-

лан мазкур ўринда келади. Шунинг учун ҳам сўзлар фақат луғатлардагина кўпмаъноли бўлади, яъни унинг барча маънолари бир ўринда жамланади. «Сўз» полисемантик сўзининг ҳам маънолари мисраларда берилган. Унинг яна бир ясама-кўчма маъноси «хулоса»дир:

Қош ёсиға дедим чилла керак
риштаи жон,
Бу сўзумга не ажаб, бор эса ҳар
гўшада зиҳ
(529-бет).

Сўзнинг кўчма-ясама маъносини унинг асосий маъноси, ясама-тўғри маънолари билан «боғловчи занжир»и маълум даражада сезилиб туради. Лекин ясама-кўчма маъноларнинг бир-бирига алоқадорлиги, яқинлиги сезилмайди. Мазкур сўзнинг худди шу типдаги маъноларидан айрим намуналар: «сўз» сўзи воқеа, ҳар хил шов-шув гап, овоза маъносида ишлатилади:

Кўйида кўнглумда воқеъ бўлгон
ишни, эй рафиқ,
Ҳам магар фаҳм айлагайсан
эларо сўздин хабар
(167-бет).

Эй Навоий, бу эрур боиси
гафлат кўп сўз,
Қоридинг: иш қила кўр,
айтмагин афсона
(536-бет).

Лутф санъатини мисранинг мазмунига пугур етказмай қўллай олиш шоирдан катта маҳорат ва «бадийий сезги» талаб қилади. Алишер Навоий биринчи байтдаги «кўйида» сўзида маънавий санъат турларидан лутфни қўллаган (кўйида-кўчасида; кўйида — аламида, дардида).

Шоир «сўз» сўзини шуҳрат, довруғ, ном маъносида ҳам ифодалайди.

Қўй фано лофи, Навоийни,
сўзунг тутти жаҳон,
Бу тааюн била беному
нишон дейму сени?
(647-бет).

Тилак, орзу, умид маъносида:
Бўлди сўзум ноziку кўнглим
хушу таъбим латиф,
Ҳар қачон солдим назар ул шакли
мавзун устина
(665-бет).

Ҳаракат, иш, юмуш маъносида:
Қўй бу сўзларнио бўл ҳолимин
огоҳ эй рафиқ,
Ким бу ақшом асру саъб ўлмиш
фироқим шиддати
(653-бет).

Бир нима, нимадир каби мавҳум маъноларда:
Сенинг сарву гулунг ёқут,
менинг сарву гуландомим,
Мулойимроқ экин, эй, боғбон,
бир сўз дегин боре
(646-бет).
қўллайди.

Сўзларнинг маънолари ўзгарганда (ясама маънолар ҳосил бўлганда) ҳосила маъно асос маъно билан узвий боғлиқ бўлади. Сўзларнинг ҳосила маънолари ҳам шоирларнинг услубини текширишда, ўзига хос алоҳидаликка эга.

Алишер Навоийнинг кўпгина асарларидаги сўзларда бўлгани сингари «сўз» сўзида ҳам ўзбек классик адабиётининг бошқа вакиллари асарларида учрамовчи бир қанча маънолари мавжуд бўлиб, у фақат шоирнинг ўзбек адабий тилини ривожлантириш ва бойитишдаги буюк хизматлари дир. «Сўз» лафзининг Алишер Навоий услубига хос маъноларидан баъзи намуналарни кўрсатамиз:

«Сўз» сўзи ақл маъносида девоннинг бир жойида келган:
Етишса ёр рақиби, мени чекар сўз
ила,
Не ганждурки, ютар аждаҳоси дам
бирла
(566-бет).

Яна бир ўринда ғам, андух, ташвиш маъносида қўлланилган:

Дўзах ўтидин ажал доғи кетурмас
онча сўз
Ким ғам ўтидин ичимга доғи фуқрат
келтурар
(174-бет).

Бу байтдаги «сўз» тил бирлигида Алишер Навоий маънавий санъат ийҳомни моҳирона қўллай олган. Унда юқорида келтирилган маъно ва яна форс-тожикча «сўз» куйдириш, ўрташ маънолари бор.

Эй хаёлингдин манга ҳар дам
нашот,
Кўнглума васлинг сўзидан инбисот.
(287-бет).

Бу ерда эса «сўз» нишона, белги, аломат кўринишларида ишлатилган.

Тилда бўладиган ўзгаришлар, ниҳоятда кам сезиларли ва узоқ даврларда юз берса-да, сўзларнинг шаклида бўладиган ўзгаришларни бир авлод вакиллари кўришлари мумкин. Биз фикр юритаётган «сўз» тил бирлиги қадимги туркий тиллар ёзма манбаларида саб шаклида қўлланган ва у бу манбаларда ҳам кўпмаъноли (полисемантик) бўлиб келади. Лекин унинг маънолари бу ўринда икки, учтадан ошмайди.

Сўзнинг янги маъноси ким томонидан ва қайси даврларда яратилганлигини ёзма ёдгорликлар тексти тили орқалигина тўғри аниқлаш мумкин. Уларнинг ўз даври учун қандай роль ўйнаганлигини ҳам мана шу ёзма ёдгорликлардаги статистик кўрсаткичлар тасдиқлайди. Алишер Навоий фақатгина «Фавоийд ул-қибар» девонининг ўзида «сўз» сўзи маъноларига ўндан ортиқ арабча сўзларни ҳам маънодош қилиб қўлайдики, бунинг натижасида, сўзлар қайтариғи кам бўлади. Улардан бири «лафз» сўзи калима» сўз, суҳан маъноси билан «сўз»га маънодошликка келади:

Лафзи жонбахш нафис анфоси,
Хосият анда ўлуб эҳёси
(705-бет).

«Лафз» сўзининг арабча кўплик шакли «алфоз» нуктаси ҳам «сўз» калимаси билан маънодошлик касб этади:

Гар пари сендек дедим ёзгурмаким,
Телба алфозида бўлмас иртибот
(287-бет)

«Тил — жамият тараққиётининг ўзига хос барометри» (Ю. Д. Дешериев) бўлганлигидан, унда даврларнинг маънавий инъикоси ўз аксини топади. Мана шу даврларнинг маънавий инъикосини қиёсий ўрганиш тилдаги ҳар хил ўзгариш «ҳаракат тезлиги»ни кўрсатади. Янги тил бирликлари сўз ясалиши воситасида ёки маъно ўзгариши натижасида ҳам пайдо бўладики, буларни тил материаллари тасдиқлайди. Шоирнинг мазкур девонида «ҳарф» лафзи синекдоха йўли билан «сўз»га синоним бўлиб келади:

Токим ул жоми маоний бирла,
Сурайин ҳарф баёни бирла
(707-бет).

Алишер Навойнинг ҳар бир асари ижтимоий, бадий, тарихий, ғоявий ва бошқа томонлари билан бир-биридан маълум алоҳидаликларга эга бўлганлигидан яна шуларнинг ҳар бири сўз қўллаш жиҳатларидан ҳам ўзига хос жаранглайди. «Фавоийд ул-кибар» составига киритилган ўттиз икки боблик «Соқийнома» ҳам мана шу белгиларга эга. Айниқса, бунда шоирнинг қайтариқлардан қочиб жуда кўп маънодош — синоним сўзлар ишлатганини кўрамиз.

Кўпмаъноли сўзларнинг бир неча маънолари маънодош бўлиб келади. «Сўз» сўзининг баъзи маънолари билан полисемантик «нутқ» сўзининг маънолари маънодош бўлади. «Нутқ» сўзининг сўз, калима маъноси билан:

Хат сенга Хизру лабинг чашмайи
Хизр,
Нутқунг ул чашма аро оби ҳаёт
(93-бет).

«Нутқ» сўзининг хабар маъноси билан:

Навой яросиға кўп сепма туз,
Неча бўлса нутқунг ниҳоят малиҳ
(110-бет).

«Нутқ» сўзининг сўзлашиш, суҳбат маъноси билан:

Кўзи қотил, қоши офат,
оғзининг нутқи фусун,
Истарам, лекин жаҳонда йўқтурур
мундоғ санам
(399-бет).

«Такаллум» сўзи ҳам икки маъноси билан «сўз», тил бирлигига маънодошдир: Бунда сўз, калима маънолари маънодошликда бўлади:

Бу не янглиғ такаллумдир, оёки, бор,
Сариг этса Ширин киноят малиҳ
(11-бет).

«Такаллум» сўзи сўзлашмоқ, суҳбатлашмоқ маъноси билан:

Лаъли жон олмақ тилар,
Йўқса такаллум айласа,
Руҳ ила қилгай мушарраф юз
Масиҳо қолибин
(459-бет).

Булардан ташқари яна «калом», «нукта», «ҳадис», «ҳикмат» сўзлари ҳам сўз, калима маънолари орқали «сўз» ва унга маънодош бўлган бошқа сўзлар билан синонимлашади:

Лабинг оби ҳаётда эрур Исо
дами музмар
Не тонг, бўлса ўлук жонбахш анинг
ширин каломидин
(463-бет)
Дайр пири озу нофиъ нукта дер,
воиз не суд,
Гар даме афсона айтур,
лаҳзан афсун этар
(160-бет).
Бир ҳадисингни эшиткүмдир
дединг ичконда май,
Сархуш ўлдунг маст ҳам,
эй аҳди ёлгоним, эшит
(90-бет).

Ёзувчи, шоирларнинг услубини аниқлаш, ўрганиш, унинг, айниқса, сўзларнинг кўпмаънолиги, маънодошлиги ва шаклдошлигидан фойдаланиш маҳоратига ҳам эътибор бериш керак бўлади. Чунки «Услуб — бу ёзувчининг ижодий методига ҳам, дунёқарашига ҳам, маънарасига ҳам, шахсиятига ҳам, унинг ўз даврини англай олишига ҳам, ижодининг миллий ўзига хослигига ҳам бефарқ бўла олмайди. Услуб — бу барча категорияларнинг олий бирлигидир» (А. Грингорян). Шунинг учун ҳам адибларнинг услуб ўлчовларига яна уларнинг сўз маъноларидан фойдаланиш маҳорати киритилиши керак. Чунки йирик ижодкорлар асарларида лексик, семантик алоҳидаликларнинг бўлиши табиий ҳолдир.

Мана шу битта «сўз» сўзининг маънолари ва унинг маъноларига баъзи маънолари билан маънодош бўлган бир неча сўзлар устида юритилган мулоҳазаларимиз шунини тасдиқлайдики, тиллардаги, деярли барча сўзлар бир-бирлари билан боғланган ва шунинг учун тилнинг сўзлари бир бутунлик, системани ташкил қилади. Уларнинг маъно томонларини бир-бирлари билан боғлаб ўрганиш халқ маданият тарихининг турли томонларини яқиндан ва тўлароқ билишга имкониятлар яратади.

Алишер Навой эски ўзбек адабий тилида ёзган барча асарларида қўллаган (такрорларсиз) 26035 та сўздан фақат бир «сўз»ни статистик томонидан 86 ўринда ва уни полисемантик жиҳатдан 26 та, ҳар хил маъноларда 18 та сўз билан (буларнинг 21 маъноси билан) маънодошликда қўллаб, тилдаги ҳар бир сўздан ҳар томонлама фойдалана олишнинг юксак намунасини кўрсатди. Шунинг учун ҳам сўз сеҳргарининг асарлари ҳамиша ўзига хос оҳор касб этади.

Баҳром БАҲОЕВ.



ҲАЁТ ГИРДОБИДА ИНСОН ҚИСМАТИ

Уктам Усмонов. ГИРДОБ. Роман. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент—1979.

Йирик шаҳарларда ҳар хил архитектура стилида қурилган ҳашаматли биноларда илмий текшириш институтлари фаннинг кўпгина соҳаси бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бораётганини биламиз. Газета ва журналларда, радио ва телевизорларда инсон илмига қўшилган янги-янги ихтиролар ҳусусида хабар топиб қолгудек бўлсак, бу ихтироларни ўша биз ҳар кун кўриб, ёхуд бир неча бор деворига суйкалиб, ёнидан ўтиб юрган илм даргоҳларда амалга ошганини табиий бир воқеа сифатида қабул қиламиз. Бироқ ташқарисидан жуда сокин, салобатли бўлиб кўринган бу бинолар ичида илм янгиликлари қандай туғилиб, қай тарзда ҳаётга қадам қўйиши ҳусусида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Уктам Усмоновнинг «Гирдоб» деб аталган янги романида биз шу хилда фан янгилигининг туғилиши ва ҳаётга қадам қўйиш жараёни билан танишамиз.

Уктам Усмонов бунгача китобхонга асосан ҳикоянавис сифатида маълум эди. «Гирдоб» ёш муаллифнинг йирик жанрдаги биринчи, айтиш керакки, анча муваффақиятли машини сифатида кўзга ташланади. Ёзувчи бизни асар бетларидан туриб илм аҳлининг мураккаб коллективига олиб киради,

улар билан бирма-бир, ҳақиқий носирга хос чидам билан, бу коллективнинг кўз илғамас сирлари билан таништиради.

Кўз олдимизда ҳали ёш, суяги қотиб улгурмаган, бироқ анча истеъдодли ёш олим Азиз. У баъзи бир ёшлар сингари амаллаб кунини ўтказиб, енгил-елпи мавзуни эрмаклаб, ҳар хил йўллар билан ишни ҳимояга етказишни, кандидатлик дипломини чўнтакка солиб, олимлик «гашти»ни суришни орзу қиладиганлардан эмас. Азиз ўз ишига шу тарзда қарайдиганлар устидан ўзининг ҳукмини чиқариб қўйган. У фаннинг тупроғини ялаб, унинг эгри-бугри йўлларида ўтиб, керак бўлса ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам солиб, ҳақиқий олимларга хос меҳнат қилишга, оз бўлса ҳам соз ютуққа қаноат этишга ўзини чоғлаган.

Журналхон дўстим «бу маълум гаплар-ку» дейиши мумкин. Ҳа, ҳозирча маълум гаплар! Чунки ёш олимнинг худди шу хилда туғилиши, шу хилда улғайиб ўсиши тасаввуримизда ўрнашиб қолган. Уктам Усмонов тасавури ҳам шундай.

Романда Азиз билан баробар асарга кириб келган бошқа бир образ бор. Бу—ёш олим Шорасул. У ҳам «илм қилмоқчи», диплом олмақчи, олимлик шуҳратидан баҳраманд бўлмоқчи. Бироқ у тутган йўл бошқа: «Меҳнати кам бўлса, иш тез битса!» Мақсад йўлида у ҳамма воситаларни ишга сола билади: ошна-оғайниларни ҳам, қариндош уруф-

ларни ҳам, яхши муомалани ҳам...

Журналхон дўстим «бу ҳам маълум гаплар-ку!» дейиши мумкин. Ҳа, ҳозирча маълум гаплар! Ноҳалол йўл билан фан оламига кириб келган, узоқ вақтлар олимлар қаторида юриб, бу улғуф касбнинг имтиёзларидан баҳраманд бўлган кимсалар кино-картиналардан, бадий асарлардан кўчиб бизнинг тасаввуримизда яшайди. Бу хилдаги илм текинхўрлари қилмиш-қидирмишларини ҳаётнинг ўзидан бевосита кузатиш ҳам қийин эмас.

Романи ўқиб, илм аҳли ҳаёти ҳақида ўйлаймиз. Унда Азиздекларга тарафдорлар, уларга ҳамфикрлар кўп. Улар Азиздеклар иши бирор тўсиққа учраганда далда берадилар, қийналиб қолган чоғларида ёрдам қўлини чўзадилар. Бироқ тарафдор ва ҳамфикрлардан кўра ёш олим ишига бепарволар, ҳар хил арзимаган манфаат нуқтаи назардан туриб, унинг ишига тўсиқ бўладиган, иложи бўлса уни тўғри йўлдан тойдириб, олимсимонлар йўлига солиб қўйишга уринувчилар ҳам кам учрамайди. Табиий, бу хилдаги шахслар Азизлардан кўра Шорасулларни ёқтирадилар. Бу хилдаги кам ўйловчилар Шорасулга ўхшаган фан ғаразгўйлари, илии «тезпишар»ларга ҳамду-сано айтадилар, қўллаб-қувватлайдилар.

Булар янгилик эмасдек. Бироқ шуни ҳисобга олиш керакки, ҳозирча булар роман учун танланган материал, бошқачароқ айтганда ҳаётини хомашё. Бу хомашё-

дан ҳақиқий асар яратиш учун ёзувчининг ижодий принциплари, ўзига хос қалами, бошқаларникига ўхшамайдиган ифода йўллари бўлиши керак. Бизнинг назаримизда масаланинг энг муҳим томони ҳам шунда. Уктам Усмонов ўзига хос ифода йўлини биринчи романидаёқ топганга ўхшайди.

Бу нималарда кўзга ташланади?

Аввало ҳаётга назар ташлашда! Уктам Усмонов ўз романида оддий кишилар доим ҳам англай бермайдиган илм-фан соҳасига тегишли долзарб масалаларни, чигал муаммоларни ўртага ташлаб, уларга жавоб излайди, бу соҳа кишилари дилини безовта қилиб юрган ҳаётий проблемаларни юзага чиқариб, уларни китобхон ҳукмига ҳавола қилади. Тезкорлик билан олға бораётган ҳаётга монанд, меҳнатни энгиллаштириб, ҳаётни фаровонлаштириш устида муттасил ўйлаётган, бу ишда жонбозлик кўрсатаётган халқ фарзандлари — фидоий олимлар, зарур бўлса ўзини ўтга-сувга урадиган раҳбарлар бор. Бироқ афсус ва минг афсуски, ҳаётда ўзларини жонкуяр илм аҳли деб атаган одамлар ҳам борки, улар кўпроқ ўзларини ўйлашди. Бу хилдаги кишилар учун шон-шухрат ҳам фақат ўзига бўлса, дунёнинг мол-мулки ҳам унинг ўз қўлига келиб тушаберса, бутун халқ иродаси бўлмаса ҳам, жуда бўлмаса ўзи ишлаётган бутун коллектив иродаси унга бўйсунса! Шундагина у тинч яшайди. Агар унинг манфаатпарастлигидаги бирор нуқтага пунтури етадиган бўлса, баданига наштар урилган мисол ҳар томонга сакрайди. Бу хилдаги олимлар шогирдларни ҳам ўзларига мослаб танлайдилар. Уларнинг шухратига шухрат қўшиб бормаган шогирд, шогирд эмас.

Уктам Усмонов мана шу икки кучнинг қиёсани ўз романига асос қилиб олибди. Биринчисининг фазилати, иккинчисининг нуқси ёш ёзувчининг диққат марказида. Романдаги қатор кескин тўқнашув ва драматик ҳолатлар асосида мана шу

икки куч зиддияти ётади.

Уктам Усмонов мана шу ҳаёт материалдан келиб чиқиб, бири-бирини тўлдирадиган, бири-бирини тақозо қиладиган қатор жозибали ситуациялар яратади. Азиз не-не орзулар билан илмий текшириш институтига энг кичик ходим бўлиб ишга келади. У келиб тушган коллективда илм аҳлининг иш фаолияти ва кайфиятини белгилаб турадиган номи улуғ олимлар бор. Азиз назарида улар ҳамма нарсаларни билаберадиган, ҳар жиҳатдан мукаммал, серфаҳм, сермушоҳида инсонлар. Бироқ, кейинчалик Азиз шунга англайдики, бу ерда бир вақтлар илм улоғини дўндириб олиб, кейин отдан тушган, бироқ ҳали эгардан тушиб улгурмаган олимлар мустаҳкам ўрин эгаллаган. Азиз буни биринчи кунларданоқ англайди, бироқ бу хилдаги илм эгалари унинг ишига тўсиқ бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди.

Масаланинг бошқа бир томони ҳам бор. Илмий текшириш институти аталган даргоҳ бағри кенг жой. Бу ерда кимлар ишламайди, кимлар судралиб юрмайди, кимлар бу даргоҳга келиб кетмайди?! Азиз ишга киратган пайтда «бу ҳам одатдаги судралиб юрувчилардан, бирор иш чиқара олмасдан келишидан кетиши осон бўлса керак», деб ўйлаганлар ҳам бўлгандир. Аммо Азиз ўз ақл-идроки ёхуд бирор тасодиф биланми илм даргоҳини ўзининг асл жойи деб тушунади. Бунинг устига ўз характери билан изланувчан ва муттасил меҳнатга ўзини чоғлаган ёшлардан бўлиб чиқади. У ўз хизмати эвазига бирор имтиёз ва ёки мукофот ҳам кутадиганлардан эмас. Ўзи ишлаётган соҳада тажриба ва синовлар ўтказиб бирор ғалабани қўлга кирита олса, хўп яхши, бордию бирор иш чиқмасдан жуда бўлмаганда қўлланган методдан ёки тажрибадан бирор иш чиқмаслигини аниқлай олса ҳам, у ўз ишига қаноат билан қарайдиганлардан. Мана ёш олим сифатида Азиз характерининг мантиқи.

Азиз текис, тўғри йўл билан ривожланиб борадиган характерлардан ҳам эмат. Бу образнинг ўзига хос эволюцияси бор. Аввало у ўз ишини иккиланишлар билан бошлайди. Сергей Матвеевич сингари ҳаётда, илмда дадил турадиган устоз далдасини сезиб турмаса, унинг бу мураккаб тадқиқотга қўл уриши ҳам гумон эди.

«Гирдоб»ни ўқиб яна шунга англаймизки, ишинг ўнг келабермаётган пайтларда энг яқин кишинг ҳам кўнглининг қаерларидир ишончсизлик ва шубҳа билан қарайдиган бўлади. Ишлари тез йўлга тушабермагани учун Азиз не умидлар билан бир ёстиққа бош қўйган турмуш ўртоғини очикдан-очик изтиробда кўради. Ундан таъналар эшитишга кўникади. Ўзи ҳам ишни Сергей Матвеевичнинг «фаннинг бир қаноти таваккалга суянади» деган маслаҳати билан бошлаб, иши юришмаётган пайтларда «ичини ит тирнайдиган» бўлади, ўзини телбаликда айблаб, нотўғри йўлга тушиб қолган ҳисоблайди. Бир эшикдан ҳайдаса, иккинчисидан кириб, ҳар хил йўл ва воситалар билан «тезда ишини битказиб, эшагини лойдан ўтказиб» кетувчи чаққонларга ўзини қиёслаб «кўнга қовушмайдиган, ношуд» ҳисоблаб куйинади.

Уктам Усмонов Азиз характеридagi зиддиятнинг мураккаб нуқталарини тўғри аниқлайди. Баъзан унинг қўли ишга бормади. Қилаётган ҳаракатларидан бирор иш чиқиб, ёру кўнга чиқишига кўзи ета бермайди. Баъзи пайтларда ҳатто «Илм жафоли, кети вафоли» деган ҳикматли сўзларга ҳам ишончини йўқотади. Баъзан эса бу фикрларидан қайтиб қийинчиликларни ҳаётнинг ҳазили ҳисоблаб «инсон боласининг катта мақсади бўлиши керак» деган қабилда ишга шўнғийди. Китобхон шунга сезадик, Азиз ўзини қандай кайфиятда кўрмасин қандайдир бир ички куч уни олға чорлаётгандай, бошлаган ишни ташлаб юборса, уни қандайдир олий бир ҳукм кутаётгандек бўлаберар эди. Дарҳа-

қиқат, дилида ғайрат: яширинган, руҳи тетик одамлар аксарият пайтларда шу таразда иш тутайди. Бундай кишиларнинг иродасини бошқарадиган қандайдир жасорат уруғи уларнинг қалбида мангуликка ўрин олгандек кўринади.

Адиб Азиз характери ни ҳар мақомга солиб турган кучларни анча батафсил, ишонарли таҳлил қилади ва шу йўл билан яратётган характернинг ички зиддиятларини далиллайди. Гап шундаки, илм оламида ҳам бошқа соҳаларга ўхшаган фан докторими, профессорми, борингки дунёга номи кетган академикми, бу даражаларга не-не қийинчиликларни енгиб ўтиб етишган бўлса ҳам, баъзан манманлик йўлига кириб олиб ўзининг тадқиқот йўлларини яккаю-ягона ҳисоблаб, фақат шогирдлари эмас, балки илмнинг маълум бир соҳасидаги ҳар бир киши ҳам ўша йўлдан борса экан, дейдиганлар анчагина учрайди. Бу йўлдан заррача бўлса ҳам чеккага чиқадиганлар учраб қолса борми, илми ва обрўйи кучини унга қарши курашга солади. «Гирдоб»да шу хилдаги образлардан бири академик Муҳиддин Жабборович.

Муҳиддин Жабборович «Синчалак»даги Қаландаров, «Диёнат»даги Отақўзи типидagi одамлардан. Фақат соҳалари бошқа холос. Муҳиддин Жабборович бир вақтлар илмга катта хизмат қилган, шунга яраша ҳурмат ва иззатга сазовор бўлган олим. Ёзувчи сўзлари билан айтганда Муҳиддин Жабборович олмаган унвон ҳам қолмаган, — мукофот ҳам. Илм аҳли орасида эса унинг обрўйининг ўлчови йўқ. Нимани амалга оширарман деса, қўли етади, нимани ўтказарман деса, сўзи ўтади. Қаранг, ўзига ҳали кўп ишончи йўқ, ҳа деганда ишлари ўнгидан келабермайди, бунинг устига ўзини ношуд ҳисоблаб юрган на илми билан, на жасорати ва ёки бошқа бирор хислатлари билан кўпам ҳали ажралиб турмаган ожизгина бир лаборант Муҳиддин Жабборовичникидан фарқ қиладиган, ҳатто ун-

га зид бир ғояни олға суриб чиқса! Ахир бу ақл бовар қилмайдиган иш-ку! Бунга ким ишонади, ким уни қувватлайди, ким унга раҳнамолик қилади? Бунинг устига ишнинг бошланишида далда бўлган Сергей Матвеевич ҳам вафот этиб кетган. Муҳиддин Жабборович Азизнинг биринчи ҳисоботидаёқ унга қандайдир жирканч кўз билан қараб Азизни «таваккалчи» деб атайди ва унинг бутун бошлиқ ҳисоботини чиплақка чиқаради, унинг илмий ғоясини «туғилмаган бола»га ўхшатади, ўзини сохтачига чиқаради. Ҳисобот бераётган Азиз эса ўзини йўқотиб қўядида, ўз тажрибасини ёқлаб «натижа чиқади» деган кўруқ даъводан нарига ўта олмайди. Китобхон биринчи тўқнашувдаёқ шуни сезадикки, Муҳиддин Жабборович бамисоли фил, Азиз эса бу фил салобат билан қадам босганда унинг назарига тушишга ҳам лойиқ бўлмаган нарса. Романнинг бу хилдаги жойларини ўқиганимизда илм ҳақиқатининг нақадар қийинчиликлар билан ўзига йўл топишини кўз олдимизга келтириб ҳайратланамиз.

Романда вазиятни эфирлаштиришга сабаб, образлардан яна бири институт директори Расул Оллоёрович. Бу ниҳоятда зиддиятли образ. У катта олим ҳам эмас, санъаткор раҳбар ҳам эмас. У вазиятга қараб, ҳаётнинг оқимини пойлаб юриб қадам ташлайдиган эҳтиёткор директор. Унинг ҳолатини ҳам тушуниш мумкин. Муҳиддин Жабборович фақат республикада эмас, балки бутун Иттифоққа донғи кетган олим сифатида институтнинг ҳамма ишларига «йўналиш» бериб турган академик. Расул Оллоёрович эса кўзга илинадиган бирор илмий ишнинг бошини ҳам тутмаган, ёхуд раҳбарликни жойига қўйиб кўзга ташланмаган. Шу сабабдан барча раҳбарлик ишларида у Муҳиддин Жабборовичнинг кайфияти-ю, қоши-қовоғи, имо-ишорасига қараб иш тутайди. Унинг устига ўзи бошқараётган илмнинг келажагини ўйлаб, истеъдодлар излаб, (пинҳоний бўлса ҳам) уларнинг арзи-

додини эшитиб илмни эртага давом қилдирадиганларга ғалани ейишдан ҳам узоқда. У кўпроқ ўз тинчлигини ўйлайди, бирор қорхон рўй беришидан хавфсираб юради.

Мана, Азиз характер сифатида ўзини кўрсатиши керак бўлган муҳит. Унинг тақдирини ҳал қиладиган одамлар бир-биридан чигал, бир-биридан мураккаб. Китобхон уни бу вазиятда кўриб бениҳоя ташвишланади, иложи бўлса «ёрдам қўлини чўзсам экан» дегудек бўлади. Шу муҳитда ёзувчи Азиз ҳолатини кўрсатадиган қатор манзаралар яратади. Бу манзараларда биз Азизни серҳаракат, серташаббус ёш олим сифатида ҳам, ўз тақдирини ҳақида ўйлайдиган ходим сифатида ҳам кўрмаймиз. У мақсадга интилади, бироқ унга тўсиқ бўлаётганлар хатти-ҳаракатларини кўриб ажабланади. Баъзан ўз оламида ўзи ўралашиб қолади, анчагина чигал кечинмаларни бошидан ўтказди. Бундай пайтларда ёзувчи ўз қаҳрамонига ёрдам қўлини чўзгандек бўлади: Азиз илк домласининг далда берадиган гапларини эслайди. Кекса селекционер, тажрибакор олим Сергей Матвеевич Азизнинг мавзу танлашдаги биринчи фаҳм ва журъатини кўриб унга оқ йўл тиллаган пайтларни эслайди. Ушанда Сергей Матвеевич матбуот саҳифаларида ҳам Азиз ва унга ўхшаганлар ҳақида фикр айтиб, кейса авлодда бўлиши мумкин бўлган ўзбилармончилик, фақат синалган йўлдан юриш, «олға босиш керак, бироқ фақат менинг ортимдан» дейдиган, кўнгли тор, қиладиганини қилиб, энди қилмишдан тўхтаган кимсаларга муносабат билдириб, изланувчи ёшларни қувватлаган эди. Қувватлагангина эмас, балки уларга яқиндан туриб ёрдам ҳам берарди. Романдаги Сергей Матвеевичга тегишли бу фактлар китобхон тасаввурида оптимистик руҳ яратади.

Романда Азизга мададкор бошқа образ ҳам бор. Бу — тажрибали пахтакор Маҳамат Чатоқ. Маҳамат Чатоқ ўз характери билан бир оз тез-

қор, чўрткесар, чапанинома баъзи ўринларда бесўнақай. Аммо у ўзининг қандайдир хусусиятлари билан Сергей Матвеевичга яқин. Кўпчилик иши учун бирор фойда чиқадиган бўлса Маҳамат Чатоқ фақат ўз манфаатидан эмас, балки ўзининг бошланғич фикр ва хулосаларидан ҳам воз кечиши мумкин.

Сергей Матвеевич ҳам, Маҳамат Чатоқ ҳам Азизнинг фанга биринчи қадамини белгилайдиган муҳит яратувчиларидан. Бироқ улар бу муҳитнинг активларидан эмас. Сергей Матвеевич аллақачон вафот этиб кетган бўлса, Маҳамат Чатоқ олимлар муҳитидан узоқда. Азиз ўзининг янги навини синовдан ўтказаяётган колхозда бригадир, Сергей Матвеевич илтимоси билан унга тажриба ўтказиш учун ер ажратиб берган халос. Шу сабабдан бу иккала образнинг ҳам асар конфликтдаги роли амалиётдан кўра маънавийдир. Асар конфликт асосан фандаги қолоқ кучлар билан янги ғоя асосида иш кўраётган ёш олим орасидаги зиддият ҳисобиға ривожланади. Биринчи босқичда конфликт бениҳоя кескин, илм аҳли орасида бўладиган одатдаги «ҳаёт ва мамот» кураши. Ҳар икки томон характерида драматик ва фожиавий ҳолатлар тасвири. Конфликт ривожининг иккинчи босқичида характерлараро курашга комизм элементлари кириб келади. Гап шундаки, бир вақтлар Азиз бошлайётган ишларни тўла инкор қилиб турган донгдор олим билан бу ишга бош қўшмаган директор ёш олим тажрибалари яхши натижа бераётганини кўриб, ўзларини бу ишга шерик ҳисоблайдилар. Шу йўналишида Уктам Усмонов қатор комик ситуациялар яратадики, уларда ҳар бир иштирокчининг асл башарасини яққол кўришга муяссар бўламан. Муҳиддин Жабборович аста-секин Азиз яратган навада ўз ҳиссаси борлигига ўзини ишонтира бошлайди. Бунга маълум даражада эришган, унинг кўз олдида шўхратнинг янги босқичлари — «палончининг янги нави» де-

ган ном, бунга боғлиқ узлуксиз мақтов ва олқишлар, ҳар хил даражадаги раҳматнома-ю, юқори даражадаги мукофотлар намоён бўла бошлайди. Оқибат — донг устига донг! Бунга эришиш учун ҳар хил ҳийлаи найранглари ишга солади. Азизга муомала ўзгартирилади. Баъзан сипо туриб бўлса ҳам, алоҳида ғамхўрлик кўрсатади, ҳол-аҳвол сўрайдиган, хабарини оладиган бўлади. Институт директори Расул Оллоёрович ҳам худди шу аҳволда. Азиз яратган янги нава шерик бўлиш унинг учун илм оламида жон сақлашнинг энг зарур шартидек кўринади. Шу боисдан у ҳам Азизга муомалани ўзгартиради, ўзини ёш истеъдодга ғамхўрлик қилаётган қилиб кўрсатишга уринади.

Шундай қилиб Азизни ношуд ҳисоблаб умуман уни назар-писанд қилмаган, ишларига ёрдам бериш у ёқда турсин, унинг тажрибасига ҳайрихоҳлик билдирмаган илмий раҳбар Муҳиддин Жабборович ҳам, институт раҳбари Расул Оллоёрович ҳам Азизнинг не-не қийинчиликлар билан қўлга киритган ихтиросига шерик бўлиш ниятида бир қиёфадан иккинчи бир қиёфага кириб оладилар.

Комик ситуациялар қай даражада бўлмасин китобxonни роман охирларигача Азиз тақдири қизиқтиради. Илгари унинг ҳаёти китобxonни кўпроқ қутилган янги ихтиро, шу муносабат билан туғилган қийинчиликлар фониде қизиқтирса, энди унинг қисмати яратилган ихтирога эгалик қилиш жараёнида диққатни ўзига тортади. Характер тараққиётининг бу босқичида ҳам ёзувчи китобxonни ҳаяжонга соладиган, ҳаёт ҳақиқати хусусида ўйлаб кўрадиган қатор драматик ситуациялар тасвирини беради. Ҳатто шундай бўладики, баъзи ўринларда китобxon назарида не-не қийинчиликлар билан қўлга киритилган ихтиро ўз муаллифи қўлидан чиқиб кетаётгандек бўлади. Шу муносабат билан китобxon роман саҳифаларини кўздан кечириб туриб, ҳая-

жонли дамларни бошидан ўтказаяди.

Азиз тақдири китобxonни фақат ихтиро туфайли эмас, балки унинг шахсий ҳаёти туфайли ҳам қизиқтиради. Салтанат — Азизнинг умр йўлдоши инсоний муҳаббатдан кўра тор маиший ғараз асосида у билан бош қўшган. У Азиз билан биринчи танишган байтларда бир тан-бир жон бўлиб тинч-тотув оила қуриб, қўшнинг биттаси сифатида ҳаётнинг оғир-енгилини бирга тортишни, шу оиланинг ўти билан кириб, кули билан чиқиш, ҳаёт юкига эр билан баробар елка тутиб, у билан кенг қадам ташлашни ўйлаган эмас. Салтанат Азизни тушуна олмайди. Унинг «идеал»идаги сифатлар Азиз шахсиятида намоён бўлабермагач, у ўзига эркинлик беради, аста-секин Азиздан узоқлаша боради. Адиб эзгу умидлар билан оила қурган Азиз билан ноинсоний хаёллар асосида у билан бош қўшган Салтанат орасидаги зиддиятни анча муваффақиятли очиб беради. Биз роман саҳифаларида Азиз бошига тушган оғир дамларни, иккилангиш ва шубҳаларни кузатамиз, шу билан баробар Салтанат хатти-ҳаракатларидаги чалғиш ва адашишлар натижасидаги драматик ҳолатлар гувоҳи бўламан.

«Гирдоб»да Азиз характери мана шу зиддиятлар фониде намоён бўлади. Бошқачароқ қилиб айтганда у ҳар хил майда ғараз ва манфаатларга асосланган шахслар қуршовига тушиб қолади. Унинг ҳар бир қадами гўё кимнингдир манфаатларига зид, у қилаётган ишлар эса кимларгадир фойда келтириши керак. Ҳа, Азизни қуршаб олган муҳит оғир. Шу хилдаги муҳитга тушган шахс ўзини бошқачароқ — тутган ерини қўйвормайдиган, ўзини кўп қийнамасдан йўл топиб оладиган тadbиркор бир кимса бўлиши ҳам мумкин эди. Бундай ҳолда асарнинг ғоявий йўналиши ҳам бошқачароқ бўлар эди. Уктам Усмоновнинг Азизи маълум даражада муҳитнинг бандаси, ўз ирода йўналиши билан журъатсиз, тортинчоқ,

ҳатто бир оз эпсиз, суст. Одамлар билан муомалани ҳамма вақт ҳам жойига қўя-бермайдиган бир шахс. Унинг энг катта фазилати шуки, у тенги йўқ меҳнат-каш, синчков, тоза. Ёзувчи назарида бу фазилатлар унинг характеридаги бошқа камчиликларни тўлдириши керак. Дарҳақиқат шундай бўлади ҳам. Ўз меҳнати, мақсадга софдил ва интилувчанлиги билан ишига, ўзига хайрихоҳ бўлмаганларни сароҳимага солиб қўяди. Шу фазилатлари туфайли у соғлом кишилар хайрихоҳлигига эриша олади. Унинг одамийлигини ҳаммадан олдин англаб олган софдил селекционер олим Сергей Матвеевич бўлди. Ишнинг бошларида ишончсизлик билан, ҳатто жирканиб муомала қилган донгдор пахтакор Маҳамат Чатоқ унинг меҳнаткашлигига қойил қолди, ҳалоллигига ишонч ҳосил қилиб, унга ҳар томонлама ёрдам қилди. У яратган ихтиронинг моҳиятини ўз вақтида тушуниб етган журналистлар унга ёрдам қўлини чўздилар, оқибат ёши олтмишларга борган, ҳаётга кўпгина янгиликлар тақдирини тўғри ҳал қилишга қудрати етган республика миқёсидаги раҳбар унинг ишини халқ мулкига айлантirdи...

Шундай қилиб «Гирдоб» да бугунги ҳаётимиз учун характерли муҳит билан шахс орасидаги муносабат—баъзан кўзга илинадиган, баъзан кўп сезила-бермайдиган зиддиятлар тўғри ва объектлар ҳал қилинади. Китобхон бу зиддият тасвиридан ўзига кўпгина хулосалар чиқариб олади:

Ҳаёт тараққиётига етарли ҳисса қўшиб бориш учун одам ўз умрининг маълум бир даврида кўрсатган хизматлари етарли эмас. Бунинг учун ҳар соат, ҳар кун янгиликка интилиши, янгиликка интилганларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаши, майда ғараз ва манфаатлар хуружидан ўзини сақлай билиши керак! Бу романни ўқиган йирки мутахассислар чиқариб оладиган хулоса!

Ҳаёт тараққиётига бирор

ҳисса қўшиш учун астойдил меҳнат қилиш керак, меҳнат — кети албатта, роҳат. Қилинадиган меҳнат ўз вақтида жойига тушиши учун Азиздаги баъзи ношудлик, коллективга суяна билмаслик, ўз ёғида — ўзи қоврилиш сингари ўтмишдаги мўминларга хос баъзи бир хислатлар бугунги тезкорлик билан олға борзётган ҳаёт тараққиётига зид. Бугунги ҳаёт фаоллик, ишчанликни, билиб иш тутишни талаб қилади. Акс ҳолда Азиз бошига тушган драматик ҳолатлар, фоживий ситуациялар ҳар кимнинг ҳам бошига тушаберishi мумкин. Ҳаётда Азизга қўл чўзган Сергей Матвеевичлар, журналистлар, Маҳамат Чатоқ, республика миқёсидаги ғамхўр раҳбар сингари халқ ғамини ейдиганлар оз эмас. Бироқ улар ҳаётдаги ҳамма Азизларнинг ҳолидан ўз вақтида хабар олаолмайдилар-ку. Ҳар бир Азиз ўз ҳақ ва ҳуқуқини, ҳаётда ўз ўрнини етарли ҳимоя қилиши керак! Шундагина у жамиятга тўла хизмат қила олади. Мана романдан келиб чиқадиган энг катта хулоса!

«Гирдоб» ҳақида гапиратиб адабиётимизда кейинги пайтларда пайдо бўлган бир ифода услуби ҳақида тўхташ зарурга ўхшайди. Бу ҳаёт воқеалигини жамғариб, қисқа мuddат ўлчовига кенг кўламдаги воқеаларни сиғдириб, ўтмиш билан бугунни бир-бирига яқинлаштириб тасвирлаш усулидир. Бу усул адабиётимизда хусусан Ойбек, Шароф Рашидов ва бошқа баъзи ёзувчилар ижодида мавжуд бўлса-да, адабиётимизда ҳали етарли ўрин эгаллаганича йўқ эди. «Гирдоб» шуни кўрсатаптики, бу ифода усули адабиётимизга яна ҳам дадилроқ кириб келаётир.

Ҳўш, бу ифода усулининг аҳамияти нимада?

Бунинг аҳамияти шундаки, китобхон қаҳрамонлар таржимаи ҳоли билан тўлароқ танишади. Бу тўлалик ёзувчини керак ва кераксиз тафсилотларни хронологик равишда бефарқ баён қилиш ишидан қутилтиради. Адиб ҳар хил йўллар

билан қаҳрамоннинг ҳолатини тасвирлай туриб, шу ҳолатни асослайдиган, китобхонга яна ҳам тўлароқ ва аниқроқ маълумот берадиган ўтмиш воқеаларини қистириб боради. Ёзувчи чўзиқ тафсилотларни қистирма қилолмайди. (У чўзиқ қистирмалар воқеанинг асл негизини кўмиб кетишидан қўрқади) шу йўл билан у тасвири асар охиригача моҳият марказида тутиб туради. Шундай услуб туфайли адиб романдаги аксарият воқеаларни қаҳрамон психологик ҳолатларини акс эттиришга ҳаракат қилади. Шу фазилатларни ҳисобга олиб кенг адабий жамоатчилик бу услубий янгиликни қўллаб-қувватлаётир.

«Гирдоб» Уктам Усмоновнинг ижодида биринчи катта тажриба. Бу тажрибада унинг катта ютуғи шу бўлдики, у юқорида эслатилган услуб доирасида турган ҳолда ўз йўли билан, ўзига хос ифода усули билан асар яратди. Табиийки, бу ўзига хослик осонлик билан қўлга киритилган эмас.

Адиб романнинг баъзи жойларида партия матбуотида эълон қилинган мақолаларнинг текстидан кўчирма беради. Бу ҳол яхши. Характерлар орасида зиддиятларни ишонarli қилиб бериш учун барча воситалардан фойдаланиш мумкин. Бироқ бунинг учун ўша воситанинг ўзи ишонarli бўлиши керак. «Гирдоб»да қелтирилган мақола парчалари услуб жиҳатдан ҳам, тил жиҳатдан ҳам партия матбуотида босиладиган мақолаларга мос эмас. Унинг устига бениҳоя чўзиқ. Шу сабабдан бу парчалар бир оз китобхон шубҳасини уйғотади.

Бадийлик такрорни ҳам ёқтирмайди. Баъзан катта бир асарда битта ибора, ёхуд битта жумла такрор китобхоннинг ғашига тегади. «Гирдоб»да янги нав тафсилотлари, Йўлдош билан Салтанат ораларидаги муносабатга тегишли тасвир ва иборалар баъзи ўринларда қайта-қайта қайд қилинади. Маълумки, бундай ҳоллар одатда китобхонга ишончсизликдан келиб чиқади. Ёзувчи баъзи ўринларда

таъсирланаётган ҳаёт материалининг айрим қирраларини китобхон яхши англаб олмаган бўлса керак, деб, баъзан роман бошларида айтилган маълумотларни яна бир марта таъкидлаш зарур ҳисоблаб, гоҳ бир марта айтилган факт ёки фикрни китобхон унутган тахминлаб қайта-қайта таъкидлайди. Бу ҳол ҳам асарни беэмамайд.

Булардан қатъи назар Уктам Усмоновнинг мазкур асари ўзбек романчилигининг тараққиёт жараёнида сезиларли воқеадир. Шу сабабдан бўлса керак адабий танқидчилик «Гирдоб»га тезкорлик билан ўз муносабатини билдириб, уни ўзбек романчилигидаги сезиларли воқеа деб баҳолаётир. Салоҳиддин Мамажонов, Норбой Худойберганов, Ёқубжон Яқвалхўжаев, Абдулла Матёқубовларнинг мақола ва тақризлари шулар жумласидандир. Бу мақолаларнинг ҳаммаси ҳам асарни умум планда маъқуллаб унинг фазилатларини алоҳида қайд қилдилар, баъзи бир камчиликларига ҳам муносабат билдирдилар. Жумладан Салоҳиддин Мамажонов романга умуман катта баҳо бериб «...асар конфликтини юридик жиҳатдан ҳал қилишга мойиллик борлиги ҳам унинг (яъни романининг М. Қ.) бироз схематизм томон тортган» («Ўзбекистон маданияти», 31 август 1979), деган хулосага келади. Назаримизда Салоҳиддин Мамажонов бу фикрни асар конфликтининг ечимиде журналистлар ва партия органларининг иштирокига ишора қилаётганга ўхшайди. Агар шундай бўлса айтиш керакки, Азиз характерининг мантиқи шу хилдаги ечимни, яъни ташқаридан бирор кучнинг аралашиб тугуннинг ечилишини талаб қилар эди. Ҳаётнинг ўзида ҳам акса-

рият пайтларда шундай бўлади-ку!

Салоҳиддин Мамажонов асар охирида «сюжет» динамикасида сустилик сезилди», деган даъвои ҳам олға суради. Дунёда нисбий ҳақиқат деган гап бор. Умуман сюжет динамикасида маҳрум бўлган асарлар учраб турган бир пайтда, қизиқиш билан ўқиладиган асарни шу хилда икки оғиз сўз билан камситиб қўя қолиш тўғри бўлармикин? Салоҳиддин Мамажонов «образли тасвирларида ҳам бир оз камбағаллик» борлигини таъкидлайди. Нимагадир бу фикр ҳам исбот қилинмайди. Умуман бу хилдаги далилсиз фикрлар «тақриз» ёза туриб «ҳар ҳолда бирор камчилик топиб айтиш керак» деган принципдан келиб чиқаётганга ўхшайди.

Салоҳиддин Мамажонов Уктам Усмоновнинг романида схематизм, динамикада сустилик ва тилда камбағаллик борлигини қайд қилса, Норбой Худойберганов унинг баъзи жойларида «ахборотнома мулоҳазалар, баёнчилик» учраганини таъкидлайди («Ўзбекистон маданияти», 16 октябрь, 1979 й.).

Қизиқ, адабий ҳаётда шундай фактлар учрайдики, бирор янги асар ҳақида барча танқидчиларнинг оз-оздан айтган танқидий фикрларини бир жойга йиғса асардан ҳеч нима қолмаётгандек бўлади. Шу сабабдан ҳар бир танқидчи асар ҳақида ўзидан олдин нималар айтилганини ва бу фикрлар тўғри ё нотўғрилигини ўз мушоҳадасидан ўтказиб фикр юритса яхши бўлар эди.

Норбой Худойбергановнинг фикрларига келганда шунини айтиш керакки, «ахборотнома мулоҳазалар, баён» ҳар бир асарда учрайди, бир-бирлари билан ахборотнома, баёнчилик йўли

билан боғланмаган фақат батафсил тавсирий манзаралардан иборат сюжетли асар яратиш мушкул иш. Буни Норбой Худойберганов ҳам яхши билса керак! Гап фақат бу ахборот ва баёнларнинг ўрни ва меъёрида. Шахсан менинг назаримда Уктам Усмонов бу масалада зарур меъёрни сақлай олгандек. Норбой Худойберганов мисол қилиб олган Маҳамат Чатоқ образи эса боридаан ортиқ тасвирий манзараларни талаб қилмайди. Ёзувчи бу хилдаги тасвирий манзараларни яна кўпайтирган ҳолда Маҳамат Чатоқ образининг роли ва ўрни ошиб кетиб, Азиз образига соя ташлаб қўйиши турган гап эди.

Биз «Гирдоб» романига айрилган танқидий мулоҳазаларга муносабат билдириш билан бу ёш романистни умуман танқиддан қўриқлаш ниятида эмасмиз. Сўзсиз, асарнинг камчиликлари бор. Бу Уктам Усмоновнинг биринчи романи. Ҳали у ўзининг ҳаётга қарашларини, унга ёндашиш принципларини яна-яна ҳам ўйлаб кўрар, чуқурлаштирар. Эҳтимол ҳаётга нисбатан активроқ муносабатда бўладиган, фақат ўз тақдиринигина эмас, балки атрофидагилар тақдир йўналишини аниқлашда жонбозлик кўрсата оладиган куч ва қудратли образлар яратиш йўлида ўйлар, кунт билан ишлар. Назаримизда бу ишда эҳтимол камчиликларни тўғри кўрсатилган танқидий фикрлар орасида тахминий тарзда айрилган фикрлар ҳам унга фойда берар. Бизнингча энг муҳими Уктам Усмоновнинг биринчи романидаёқ ўзига хос тасвир услубини топа олгани. Унинг ёзувчи сифатида келажигини ўша услуб белгилаб берарди, деб умид қиламиз.

Матёқуб ҚУШЖОНОВ.

МАҲОРАТ САБОҚЛАРИ

Алибек РУСТАМОВ.
Навоийнинг бадиий маҳорати. Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1979.

Ҳар қандай улуғ санъаткорлар ижоди каби Алишер Навоий ижодиёти ҳам ўзининг чуқур ва ҳаётий мазмуни, юксак бадиияти билан фақат адабиёт аҳллариинигина эмас, ижтимоий фикр тарихини ўрганувчиларнинг ҳам, тилчиларнинг, санъаткорларнинг ҳам, ҳатто экономистларнинг, юристларнинг ҳам диққат-этиборини ўзига тортиб келмоқда. Таниқли тилшунос олим, филологларнинг доктори Алибек Рустамовнинг навбатдаги китоби «Навоийнинг бадиий маҳорати» деб номланган.

Навоийдек улуғ сўз санъаткорининг бадиий маҳоратини текшириш, ўрганиш ҳозирги паллада совет навоийшунослигининг энг муҳим масалаларидан биридир. Кўп сўз билишда, сўз қўлладда, сўз танлашда XV асрда Навоийга тенг келадиган ўзбек шоирини топиш қийин эди. Шу билан бирга у халқ тилининг чексиз даражада бой эканлигини ҳам яхши тушунган ва «Лайли ва Мажнун» достонида бу масалага тўхталиб, оўзга мурожаат этиб, сўзни айтган билан кўнгилга урмайдиган, қўшиққа олган билан тамом бўлмайдиган хазинага ўхшатган эди:

Ойтиб совумас тарона
сен-сен,
Олиб қурумас хазона
сен-сен-сен...

«Хамса»дек улкан асарни ёзаётганда ҳам у ўзини камтар тутиб, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомийларга нисбатан ўзини шогирд даражасида билиб («Менки шогирди бибизотмен»), Навоий бир умр халқ тилини, сўз маъно-

ларини тинмай ва эринмай ўрганган, ҳар бир сўзнинг маъно оттенкаларини барча нозикликлари билан идрок этишга интиланган.

Алибек Рустамов асарининг навоийшунослик борасидаги тадқиқотлардан фарқи шундаки, муаллиф адабий таҳлили маълум даражада лингвистик таҳлил билан қўшиб олиб боради. Шу вақтга қадар тадқиқотчилардан ҳеч ким бу йўсинда иш тутмаган эди.

Мазкур асарнинг биринчи бобида «Навоийнинг фалсафий ақидалари» деб ном қўйилган. Бунда муаллиф улуғ шоирда шеърини маҳоратни юзага келтирган маънавий-ахлоқий, илмий ва адабий омилларга тўхталади. Муаллиф ўша давр фалсафий категориялари ва терминларидан, Навоийнинг ўзининг қайдларидан келиб чиқиб, шоир ўз ижодида доим илғор фалсафий дунёқарашга, ҳаётдаги соғлом ақидаларга, юксак ахлоқий принципларга амал қилганини, ҳар бир масаланинг бадиий талқинида аввало моҳиятга, маънога эътибор берганини, маъно ва мазмунни эса шаклсиз тасаввур этмаганини кўрсатади. Асар муаллифи талқинида Навоийнинг етук ва комил инсон, маъно аҳли, суврат аҳли ҳақидаги фикрлари анча қизиқарли очиб берилган. «Суврат аҳли учун энг улуғ зот ҳисобланган шох Навоий наздида маънан гадодир. Чунки халқ унинг ҳисобига эмас, у халқ ҳисобига яшайди. Аксинча, суврат аҳлига паст бўлиб кўринган, қўллари чинор шохларидей қўпол, кафтларини қадоқ қоплаган, лекин очиқ чеҳрали оддий меҳнатқаш энг улуғ зотдир, «хайри башардир» (Мазкур асар, 26-бет). Бунинг исботи учун қизиқарли мисоллар келтирилган. Бунда тадқиқотчи Навоийнинг дохий санъаткор бўлиб етишувида

юксак ахлоқий факторларнинг катта роль ўйнаганини кўрсатишга алоҳида аҳамият беради. «Ҳақиқатсиз ва тарбиясиз бадиият ҳам бўлмайди»,— деб ёзади (23-бет). Чиндан ҳам Навоийнинг:

Бўлмас адабсиз кишилар
аржуманд...

деб ёзганида бир олам маъно бор эди. Инсонга, ўз халқига, ер юзидаги барча кишиларга хайрихоҳлик, ҳаётини «улуғ муддаолар»ни амалга оширишга бағишлаш, эзгулик йўлида тинмай ҳалол ва пок меҳнат қилиш Навоийни улуғлагани, шеърини осмонининг қуёшларидан бири даражасига кўтаргани шубҳасиздир.

Утмиш араб, форс-тожик, озарбайжон адабиётларида, хусусан шеъринида бўлгани каби ўзбек шеъринида ҳам анъанавий бадиий воситалар катта ўрин тутган. Буни биз Навоий шеъринида бутун тўлалиги ва гўзаллиги билан кўраемиз. Ижоди шарқ шеърини анъаналари асосида шаклланган Навоий ўз ижодиётининг бошларида ноқ араб адабиётшунослигида «илми бадеъ» деб ном олган, айрим манбаларда «бадоёи саноеъ» деб аталган бадиий тасвир санъати турларидан ўз поэтик ва бадиий тасвирини жозибали чиқиши учун актив фойдалана бошлаган. Навоий қитъаларидан, ғазалларидан тортиб достонларигача ҳаммасида муҳим ижтимоий-сиёсий ғояларни шу хил тасвир воситалари билан гўзал ва ёрқин ифодалашга эришган. Алибек Рустамов бу санъатларнинг Навоий шеъринида рангбаранг кўринишларини очиш учун кўп ўринда яхши мисоллар танлаган. Масалан, тавзеъ санъатидаги сўзларнинг бир-бирига оҳангдошлигини кўрсатиш учун Навоийнинг «Хамса»дек улкан шеърини жанрига асос солган ганжалик

буюк шоир Низомий Ганжавий ҳақидаги:

Ганжа ганжуриким, чекиб
кўп раиқ
 Қўймиш эрди жаҳонда беш
ганж
 Ганжа аҳлига базласанж
эрди
 Даҳр вайронасида ганж
эрди.

байтларини келтиради. (34-бет) Чиндан ҳам бунда кўп сўзларда «ж» товушининг келиши бу байтларни бир-бирига бадий-поэтик жиҳатдан ғоят уйғун ва оҳангдор этган. Шу тақлидда Алибек Рустамов тажнис, иштиқоқ, илтифот, такрир, тасбиғ, тасдир, илтизом, ҳусули таълил, талмеҳ, ирсолул-масал, тажоҳили ориф, ружуъ, муболага, тазод, ташбеҳ, истиора каби ўрнлаб тасвирий санъат турларини Навоий шеърлари мисолида таҳлил этади. Масалан, илтизом санъатига «Сабъан сайёр» достонидаги Баҳромнинг ички монолоғидан бир парча келтириладики, бунда чиндан ҳам шоир 6 байтда «меҳр» сўзини етти марта қўллайди, лекин ҳар сафар янги-янги бадий мақсадларда ишлатади. Шу сўзни такрорлаш билан Навоий, тадқиқотчи айтгандай, «фалакнинг меҳрсизлигини, Баҳромнинг Дилоромни йўқотиши унинг бахти меҳр (қуёш)нинг заволи бўлганини ўқувчига эсдан чиқармайдиган қилиб ўқтиради.

Навоийнинг бадий маҳоратини анъанавий бадий санъатлар доирасидагина текшириш ва баҳолаш бир ёқламалик бўлур эди. Чунки Навоий каби улкан сўз санъаткорларининг маҳорат олами ғоят даражада бепоён. Шундан келиб чиқиб Алибек Рустамов ўз китобида Навоий шеърларидаги бадиият спецификаси, психологизм, ички қонуниятларни кўрсатишга «Бадиий етуклик асослари» деган катта бобни ҳам бағишлаган. Бу бобда Навоийнинг шоирлик маҳоратидаги кўпгина қирралар бошқа ҳамма болблардагига қараганда ҳам ёрқинроқ далиллар асосида тадқиқ этилган. Масалан, Навоий

тонг отишини ёки кеч қилиб, қоронғи тушишини ўз лирик ва эпик асарларида бир неча ўринларда шундай тасвирлайдики, бу тасвирларнинг биронтаси иккинчисига ўхшамайди. Бир ўринда тонг отиши, қуёшнинг уфқдан юқори кўтарилди бориши:

Қуёш тун ғоридин бўлди
равона

деб тасвирланса, иккинчи ўринда:
 Қуёш Фарҳоди чун тортиб
синон тез

Қаро тоғ аждариға бўлди,
хунрез

деб ифодаланади. Иккинчи мисолда қуёш асл табиати нур билан йўғрилган қаҳрамон Фарҳодга ўхшатилиб, унинг нурлари Фарҳоднинг қўлидаги найзага, тун эса қора тоғ аждариға таққосланган. Учинчи бир ўринда шоир тонг қуёшини донишманд Суқротга ўхшатади:

Саҳар Суқроти чун оламини
тутти
 Жамоли нури оламини
ёрутти.

Сўзларга турлича маъно бериш, уларнинг синоним хусусиятларидан ҳам, омоним хусусиятларидан ҳам фойдаланиш, сўз ўйинларини актив қўллаш — булар ҳаммаси Шарқ шеърлятининг азалий белгиларидир. Навоий буларнинг ҳаммасидан ўз шеърини ижодига қанот боғлаган. Бунда олим айниқса Навоийнинг сўзларнинг ўзаро маъно, шакл, оҳанг, услуб нуқтаи назардан уйғун бўлишига катта аҳамият берганини китобнинг кўпгина ўринларида ҳам шеърини, ҳам насрий мисоллар асосида алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Бу жиҳатдан «Сабъан сайёр» достонидан келтирилган мисоллар жуда характерлидир. Масалан, шу достоннинг бир насрий сарлавҳасида Баҳромнинг шанба кунидеги ҳижрон кайфияти ҳақида «мушк» — «қора» маъносидеги сўзни турли сўз бирикмаларида қўллаб шоир ёзади:

«Шанба кун Баҳромнинг мушкфом либослар кийиб, гунбади мушкинга хиром

қилиб, ғазоли мушкбў била бодайи мушкин ичкани ва бу машғуллуқ била ҳижрон ўтининг дуди қора қилган кунни шомға текургани». Навоий тасвиридаги бу хил принцип унинг бутун эпик ва лирик шеърлятига хосдир. Баъзи ҳолларда бутун бир ғазал бир сўз, бир образ, бир ибора, бир тушунча асосига қурилган бўлиши ҳам мумкин. Автор бунинг далили учун Навоий ғазалларидан яхши мисоллар келтирган (168—171-бетлар). Бу хил тасвирларда маълум даражада шартлилик йўқ эмас. Лекин бу ўша давр адабиётининг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Китобнинг «Навоийнинг қофия ва саяжлари» деган бобида Алибек Рустамов классик шеърлятимиздаги қофия ва саяжлар юзасидан, бунинг қонун-қоидалари бўйича кенг ва чуқур маълумот беради ҳамда Навоий ўз шеърлятида бу илмга қаттиқ риоя қилгани, шу билан бирга ўз шеърини ижодида поэтик баркамолликка эришгани кўрсатилди. Муаллиф яна улуғ шоир асарларини кўзда тутиб: «Асар ва унинг қисмларининг мазмуни қофияга эмас, қофия унга бўйсунди», — деб таъкидлаб, «қофиянинг шаклий гўзаллигининг ўзигина шоир маҳоратини кўрсатмайди», — дейди. Навоий асарларида қофия ва саяжнинг барча турлари, шу билан бирга энг мураккаб хиллари ҳам маҳорат билан қўлланган.

«Навоийнинг вазнлари» бобида муаллиф шоир қўллаган вазнларга тўхталади, арузнинг ички қонуниятларини ва сирлари билан чуқур таниш бўлганини унинг шеърларидан, достонларидан ажойиб, хилма-хил намуналар келтириш билан кўрсатади.

Умуман Алибек Рустамов шарқ поэтикасининг билафон мутахассисларидан бўлиб, Навоий маҳоратининг айниқса илми бадеъ, илми аруз ва илми қофия билан боғлиқ томонларини кўпроқ формал аспектда анча мукамал тадқиқ этган. Утмиш адабиётшунослар, шарқ поэтикаси бўйича

қимматли қўлланмалар яратган олимлар поэзиянинг, бадиият масалаларининг кўпроқ шакл томонларига аҳамият берган эдилар. Албатта, поэзияни бусиз ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Алибек Рустамов Навоий поэтикасининг формал томонларини мазмун, ғоя, ўша давр ҳаёти билан қўйиш ўрганишга интилган. Лекин бу ишни муаллиф охирига етказган,— дейиш қийин. Муаллиф Навоийнинг қофияланиш қоидаларига, вазн қоидаларига тўла амал қилганини ҳамма деталлари билан исбот қилади. Лекин Навоий:

Очмағай эрдинг жамоле
олам аро кошки,
Солмағай эрдинг бори
оламга ғавго кошки —

матлаи билан ғазал ёзиб, барча замондошларини, шу жумладан устози Абдурахмон Жомийни қойил қолдирган экан, бунинг асосий сабаби вазнда ҳам эмас, қофияда ҳам, балки кучли бир инсоний, гўзал туйғуни ифодалашда. Шеърни, Навоийнинг бу ўриндаги маҳоратини шу туйғусиз тасаввур этиш қийин. Бошқа бир ўринларда эса Навоий ўз давридаги ижтимоий-сиёсий зиддиятлардан келиб чиқиб, шундай шеърлар яратадигани, бундай ҳолларда Навоийнинг маҳоратини ҳаётий факторлар — айрим ҳодиса ва кишиларнинг хатти-ҳаракатлари юзга келтиради. Масалан, Навоий ўз ғазалларидан бири-ни:

Не ажаб қон йиғласам аҳли
замондин дам-бадам,
Ким алардин ғам уза
ғамдур, алам узру алам —
деб бошлар экан, бунда ҳам бош маҳорат реал ижтимоий ҳаёт ҳодисалари ҳақидаги ўз таассурот ва фикрларини юксак шеърый ҳиссиёт билан умумлаштира олиш, уларга актив муносабат билдиришда. Ҳозирги замон адабиётшунослиги маҳоратни, бизнингча, кўпроқ шу маънода тушунади. Навоийнинг бадиий маҳорати ўзига хос бир олам бўлиб, унинг бу томони келажак тадқиқотларнинг мавзусидир.

Навоийнинг бадиий маҳорати — бу биринчи навбатда сўзга муносабат масаласидир. Алибек Рустамов масаланинг шу томонини атрофлича ёритган. Аммо Навоий маҳорати бу — адабий жанрларга усталик билан муносабатда бўлиш, улардан катта мақсадлар йўлида фойдалана билиш, лирик ва эпик жанрларда ёрқин инсон образларини яратиш деган гап ҳамдир. Навоийнинг ҳар бир девонидаги ёки достонидаги эпик ёки лирик қаҳрамон образининг яратилиш тарихи, характери ўзи яхлит-яхлит илмий текширишларни тақозо этади. Бир китобда буларнинг ҳаммасини ҳал қилиб бериш мушкул.

Алибек Рустамовнинг китобида Навоий бадиий маҳорати кўпроқ классик поэтика рамкасида текширилгани учун унда арабча терминлар ниҳоятда кўп қўлланган. Бу эса Навоий поэтик ва бадиий маҳоратини ҳозирги замон китобхонларига етказишда катта қийинчилик туғдиради. Ҳозирги замон ўқувчиси, ахир, уларнинг кўпидан беҳабар. Шу билан бирга мазкур терминларнинг эквивалентларини ҳозирги замон терминологик лугатларидан топиш ҳам оғир, топа олмаслик ҳам мумкин. Бунинг учун нима қилиш керак? Ҳеч шубҳасиз классик адабиётшуносликдаги баъзи терминларни, масалан, бадиий санъатларга оид ата-маларни сақлаш, изоҳлар билан улардан фойдаланиш мумкин. Лекин арузга, қофияга, сажъга оид бир, гоҳо бир неча сўздан иборат арабий терминларни замонавий терминлар билан алмаштиришни жиддий ўйлаб кўриш вақти келди. Масалан, вазнга оид «ҳазаж мусаммани ахраби макфуфи мақсур» ёки «рамали мусаммани маҳбуни мақтуи мусаббағ» деган терминлар адабиётшуносликнинг типик ўрта аср терминлари бўлиб, ҳозир архаиклашган, улардан фойдаланиш қийин.

Қадимда адабиётшунослик тилшуносликнинг бир тармоғи ҳисобланарди. Шу-

нинг учун кўпгина тилшунослар тил бўйича китоб ёзганда аруз, илми бадеъ, қофия ҳақида ҳам маълумот бериб кетганлар. Алибек Рустамов бундай фикрдан, албатта, узоқ. Лекин унинг мазкур тадқиқотида адабий-бадиий ҳодисалар ҳақида адабиётшунос сифатидагина эмас, тилшунос сифатида ҳам фикр юртади. Буни биз китобнинг 31-32, 137-138, 140-144, 145-146 ва бошқа бетларида учратишимиз мумкин. 136-бетда ўқиймиз: «Навоий форс-тожик сўзи бўлмиш «лаб»дан фойдаланар экан, шу маънодаги туркий «эрин» билан «дудоқ»ни ҳам эсдан чиқармайди...» 144-бетда: «Навоий асарларида феълнинг учинчи шахс буйруқ формасининг «сун» қўшимчаси билан ясалгани ҳам «—дик» элементи билан ясалгани ҳам ишлатилади...» ва ҳоказо. Бу муаллифнинг камчилиги эмас, фазилати деб қаралиши керак. Бироқ тадқиқотчи лингвистик мулоҳазаларга ортиқча берилиб кетган ўринлар ҳам йўқ эмас.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, Навоийнинг маҳорат мактаби ҳозиргача қимматини йўқотмаган томонларга эга бўлиш билан бирга унинг ўз даври адабиёти хусусиятлари билан боғлиқ айрим заиф, чекланган томонлари ҳам йўқ эмас. Унда аъъанавий хусусиятларнинг катта ўрнни тутиши, тилда арабизм ва архаик сўзларга сезиларли даражада кенг йўл берилгани ҳам бунинг далилидир. Шундай экан, монографияда масаланинг бу томонини ҳам кўрсатиб, таъкидлаб ўтиш фойдадан холи бўлмас эди. Муаллиф китобнинг 136-бетда бу масалага қисман тўхталади, лекин унинг «Навоий чет сўзларга жуда тўғри муносабатда бўлган»,— деган тезиси бизга бир қадар баҳсли кўринади.

Хулоса қилиб айтганда, истеъдодли олим Алибек Рустамовнинг ушбу китобида улғу санъаткор шоирнинг бадиий маҳорати бўйича ғоят қимматли қайдлар, илмий кузатишлар, умумлашма фикрлар, чуқур ва қизиқарли мулоҳазалар

лар, ёрқин мисоллар ва далиллар мавжуд. Бунда Навоий маҳоратининг кўпгина томонлари, шубҳасиз, адабий ва лингвистик жиҳатдан атрофлича таҳлил этилган. Бу асар билан чуқур танишиш, унинг сабоқлари фақат Навоий ижо-

диётини эмас, умуман ўзбек классик адабиётини, шарқ поэзиясининг сўз санъати билан боғлиқ специфик хусусиятларини ҳам билиб олишга ёрдам беради. Унинг илми бадеъ, аруз, қофия ва сажъа оид боблари маълум даражада

поэтика тарихи юзасидан дарслик каби ўқилиши сабаби ҳам шундан. Мана шу жиҳатларни кўзда тутиб, бу монографияни олимнинг совет навоийшунослигига қўшган катта ҳиссаси деб баҳолаш мумкин.

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ.



Бош редактор: МИРМУҲСИН.

Редколлегия: УЙҒУН, ЗУЛФИЯ, Ҳ. ҒУЛОМ, С. АЗИМОВ,
И. РАҲИМ, И. ЮСУПОВ, Р. ФАЙЗИЙ, Н. НАРЗУЛЛАЕВ,
Т. ТУЛА, Ҳ. НИЁЗОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. АБДУ-
САМАТОВ, Ш. ШОМУҲАМЕДОВ, У. УМАРБЕКОВ, У. УС-
МОНОВ, Ш. ХОЛМИРЗАЕВ, У. НОРМАТОВ, Ҳ. ХУДОЙ-
БЕРДИЕВА, Ҳ. ШАРИПОВ.

© Шарқ юлдузи, 1980.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

№ 2

Орган Союза писателей Узбекистана.

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,
Ташкент — 1980.

Рассом А. Қамбаров.

Техредактор М. Мирражабов.

Корректор А. Билолов.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қай-
тарилмайди.

Журналдан олинган материалга, «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши
шарт.

Теришга берилди 2.12.79 й. Босишга рухсат этилди 18.1.80 й. Р—02735. Қоғоз фор-
мати 70×108^{1/16}. Қабарик босма. Физ. листи 15. Шартли босма листи 21. Нашриёт
ҳисоб листи 20,06. Тиражи 210.159. Заказ № 2060.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ
орденли босмаҳонаси, Тошкент — 700029, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:
700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КЎЧАСИ, № 1.
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.

ТЕЛЕФОНЛАР:

БОШ РЕДАКТОР — 332437, БОШ РЕДАКТОР УРИНБОСАРИ — 320828,
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ — 330918, ПРОЗА, ОЧЕРК-ПУБЛИЦИСТИКА,
САНЪАТ — 332181, ПОЭЗИЯ, ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК — 332479.